



Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

# Шабк Золдузи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

4 1990

59-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таърир хайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АХМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Гуроб ТЎЛА

УЙГУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ


Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ



Владимир Ильич Ленин

## МИЛЛАТЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА

Асардан парчалар

---

Доҳий В. И. Ленин туғилганига 120 йил тўлди. Шу муносабат билан унинг бугунги кунда халқимиз такрор-такрор ўқиши лозим бўлган мақолаларидан «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида» асаридан айрим парчаларни («В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида». Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, Тошкент — 1960, 145-213 бетлар асосида) босяпмиз.

---

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши деган масалани марксистчасига ҳал қилишга ҳаракат қилинганда, аввал бу саволнинг ўртага қўйилиши табиийдир...

Миллий ҳаракат Россияда энди пайдо бўлган ҳаракат эмас ва ёлғиз Россияга хос ҳам эмас. Капитализмнинг феодализм устидан узил-кесил ғалаба қилган даври бутун дунёда миллий ҳаракатлар билан боғлиқдир. Бу ҳаракатларнинг иқтисодий асоси шуки, товар ишлаб чиқаришининг тўла ғалабаси учун буржуазия ички бозорни эгаллаши керак, бир тилда сўзлашувчи аҳоли яшайдиган территориялар бир давлат остида бирлашуви ва бу тилнинг тараққийсига тўсқинлик қиладиган барча тўсиқлар бартараф қилиниши, бу тилнинг адабиётида маҳкамланиши керак. Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир; тилнинг ягоналиги ва унинг бемалол ривожланиб бориши ҳозирги капитализмга мувофиқ келадиган ҳақиқатан эркин ва кенг савдо оборотининг, аҳолининг ҳамма айрим синфларга эркинлик билан ва кенг суръатда тўпланишининг энг муҳим шартларидан бири, ниҳоят, бозор билан барча хўжайин ва хўжайинчалар, сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги мустақкам алоқанинг шартидир.

Шунинг учун ҳар қандай миллий ҳаракатда ҳам ҳозирги замон капитализмининг бу талабларига энг мувофиқ келадиган миллий давлат тузиш тенденцияси (интилиши) бор. Жуда чуқур иқтисодий факторлар шуни тақозо қилади ва бунга кўра, капитализм даврида давлатнинг бутун Ғарбий Европа учун, ҳаттоки, бутун цивилизацияли дунё учун типик, нормал хили миллий давлатдир.

Бинобарин, агар биз юридик дефинициялар билан ва абстракт таърифлар «ўйлаб чиқариш» билан шуғулланмасдан, миллий ҳаракатларнинг тарихий-иқтисодий шароитларини текшириб, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашнинг аҳамияти нима эканини билишни истасак, бу ҳолда биз, албатта, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши деб, ўзга миллат коллективларини

дан давлат бўлиб айрилиб чиқишларини, ўз бошларига мустақил миллий давлат тузишларини тушунамиз, деган хулосага келамиз...

Осиёнинг кўп қисми, яъни ер юзининг энг кўп аҳолили қисми ё «буюк давлатлар»нинг мустамлакаси ҳолида ёки бошқаларга жуда тобе, миллий жиҳатдан эзилган ҳолда эканлиги шак-шубҳасиздир. Аммо ҳаммага маълум ва машҳур бўлган бу факт товар ишлаб чиқаришнинг тўла тараққийси учун, капитализмнинг тўла эркин, кенг ва тез ривожланиши учун лозим бўлган шароитлар Осиёда ёлғиз Японияда, яъни мустақил миллий давлат бўлган мамлакатда вужудга келди, деган шубҳасиз ҳақиқатга андак бўлса ҳам халал етказа оладими? Бу давлат буржуа давлатидир, шу сабабдан унинг ўзи бошқа миллатларни эза бошлади ва бошқа мамлакатларни мустамлака қилиб, ўз асорати остига ола бошлади; капитализм ҳалок бўлгунча Осиё ҳам Европа сингари мустақил миллий давлат системасига кириб улғурадими-йўқми, билмаймиз. Аммо капитализм Осиёни ғафлатдан уйғотиб, бу ернинг ҳар жойида ҳам миллий ҳаракат қўзғатганлиги ва бу ҳаракатларнинг тенденцияси Осиёда миллий давлатлар барпо қилиш экани, капитализмнинг яхши тараққий қилиши учун лозим бўлган шароитларни ана шу миллий давлатлар вужудга келтириши шак-шубҳадан холидир.

...Россия — великоруслардан иборат бир миллий марказли давлатдир. Великоруслар ниҳоятда катта ва бир бутун территорияни ишғол қиладилар ва уларнинг сони тахминан 70 миллионга боради. Бу миллий давлатнинг хусусияти, 1-дан, шуки, «бегоналар» (уларнинг ҳаммасини олганда аҳолининг аксариятини, яъни 57 процентини ташкил қилади) чекка ўлкаларни ишғол қиладилар; 2-дан, бу бегоналар бошқа қўшни давлатлардагидан (ҳатто ёлғиз Европадаги давлатлардагидан эмас, балки бошқаларидан ҳам) анча қаттиқ эзилгандирлар; 3-дан, шуки, кўп ҳолларда чекка ўлкаларда яшовчи мазлум халқларнинг чегарадан нариги ёқда миллатдошлари бўлиб, улар миллий жиҳатдан анча мустақилдирлар (чунончи, Россия давлатининг ғарбий ва жанубий чегарасидаги финлар, шведлар, поляклар, украинлар ва руминларни эсга олсак ҳам кифоя); 4-дан, шуки, капитализм тараққийси ва маданиятнинг умумий даражаси кўпинча давлатнинг марказидан кўра «бегоналар» яшайдиган жойларда юқорироқдир. Ниҳоят, яна шуниси борки, Россияга қўшни бўлган Осиё давлатларида буржуа революцияси ва миллий ҳаракатлар даври бошланганини кўрамизки, бу буржуа революцияси ва миллий ҳаракатлар у халқларнинг Россия тупроғида яшовчи қардошлари орасига ҳам ёйилмоқда.


Шу тариқа Россиядаги миллий масаланинг конкрет тарихий хусусияти ҳозир биз кечираётган даврда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини танимоқни хусусан зарур қилиб қўяди.

...Либералларнинг миллатларнинг ўз сиёсий тақдирини ўзи белгилаши принципига душманликларининг реал синфий маъноси битта, фақат биттадир, у ҳам бўлса — национал-либерализмдир, великорус буржуазиясининг давлат имтиёзларини мудофаа қилишидир.

1914 йил февраль-май ойларида ёзилган.

1914 йил апрель-июнь ойларида «Просвещение» журналининг 4,5 ва 6-сонларида босилган.

Имзо: В. Ильин



Охунжон Ҳакимов

## БАЛОГАРДОНСАН

Сталинград учун бўлган жанглarning бирда қаттиқ яраланиб, йиқилиб қолдим. Бир вақт қарасам ҳамшира қиз мени ўқ ёмғири остидан пана жойга олиб чиқяпти. У ёшгина ўзбек қизи эди. Менинг ярамни боғлаб, яна жанггоҳга эмалаб кетди. Тўртинчи ярадорни ҳам қутқаргач, бошқа кўринмади. Мен ўз халоскоримни кўп суриштирдим, дарағи чиқмади. Билмадим, ҳаётмикин!  
Жангчи Жўра ота ҳикоясидан.

Уйлайман: ким эдинг, қай бир хонадон  
Кўзининг оқи-ю қораси эдинг?  
Ўзбек элидаги қайси бир қишлоқ,  
Қай шаҳар қизларин сараси эдинг?

Андижонданмидинг ё Фарғонадан,  
Хоразмданми ё Бухоро, Шошдан?  
Сени кузатганди қайси бир макон  
Жанггоҳга:

«Бошгинанг бўлсин деб, тошдан!»

Тирик чиқолдингми қирғин-баротдан,  
Ишқилиб оламда бормисан омон?  
Ҳаққингни олдингми ўзи ҳаётдан,  
Кулгунг, шодлигингни кўрдими жаҳон?

Ё торлик қилдими сенга кенг олам,  
Ёзилмай қолдими сепларинг тахи?  
Ё уйинг сен учун тутдими мотам,  
Кўкларга етдими волиданг оҳи?

Тақдиринг не кечди — билмоқ маҳолдир,  
Сен исми номаълум ёрқин юлдузсан,  
Сенинг шиддатингдан Волга лол қолди,  
Сен — жасур Зояга тенглашган қизсан!

Гарчанд олис Шарқда топдинг таваллуд,  
Гарчанд сен, Волгадан олисда ўсдинг,  
Дединг:

«Меникидир шу дарё, шу юрт»,  
Олов лаваларни кўксинг-ла тўсдинг!

Билардинг, уруш бу — ўлим, жудолик  
(Хунрезлик бор жойда ўлим ҳам ҳақ-да!..)  
Бўлмас ҳар кимда ҳам бундай фидолик,  
Сен Шарқдан отилиб чиқдинг. Ҳа, Шарқдан!

Сен туғилган юртда бир дона майиз  
Қирққа бўлинади. Уртададир нон.  
Наинки сен нонни бўлдинг, она қиз,  
Мана, керак бўлса дединг, фидо жон!

Сен ўзбек виждони бўлиб ҳайқирдинг,  
Бунга гувоҳ бўлди ер, осмон, дарё...  
Сен ғаним йўлида қоядек турдинг  
Халқингнинг ғурури куч қилиб пайдо.

Сен ўша-ўшасан менинг ўйимда:  
Сулувсан, шаддодсан, марди-майдонсан!  
Элини асраган босқин — талондан,  
Балолар йўлида балогардонсан!

## Қарилик гашти

(Ярим ҳазил, ярим чин)

Битта қария бор. Жуда антиқа,  
Андак қизиқчи-ю, андак сўзамол.  
Уни гоҳо-гоҳо тураман йўқлаб,  
Сўрашиб ўтаман пича ҳол-аҳвол.  
Шунда сўз қотади оҳиста кулиб:  
«Ўтибмиз қарилик гаштини сури-иб!»

Байрам келса борми, куни туғади,  
Бошидан ёғилар табригу қутлов.  
Ўғил-қизларини уйга йиғади,  
Ўзи дамлаб берар қўлбола палов.  
Шу кун баланд бўлар авж ила шашти:  
«Бундоқ бўпти, дейди, қарилик гашти!»

Куз ўтиб, қиш ўтиб, келар навбаҳор,  
Оқсоқол ойнадан боқар чорбоққа.  
«— Қани, ҳов кампиршо, тезроқ келақол,  
Қўлтиқдан ол, чиқай офтобшувоққа...  
Энди бунда ўтир. Суҳбат қурайлик,  
Қарилик гаштини бирга сурайлик!»

Урама белбоғин боғлайди гоҳо,  
Қани кўчаларда шахд ила юрса.  
Уч ой у кўчага чиқмабди... Наҳот?  
Йўк, йўк, уч ярим ой, ҳисоблаб кўрса!  
Дейди манглайига оҳиста уриб:  
«Ўтавур, қарилик гаштини суриб!»

Бу гаштни хушламай қолади бот-бот,  
Бу гашт ўхшаб кетар баъзан хунукка.  
«Мингта бундай гаштни, дейди у, кушод  
Алмашгум ёшликнинг битта кунига —  
Жаранг-журунг, тарақ-туруғи билан  
(Керак бўлса ҳатто... қуруғи билан!)

\* \* \*

«Уғри ҳунаридан воз кечмиш тамом,  
Тухматчи касбини буткул этмиш тарк».  
Демак, тошдан олса бўларкан қиём,  
Демакки, чўян ҳам ёзар экан барг.

Одамлар, одамлар, қолманг беҳабар:  
Демак, ғунчалайди минг йиллик кунда.  
Тўнғиз хуриллашни, ит ириллашни,  
Бўри бўғизлашни қилади канда!..


### Муқаннани кўрдим тушимда

Ажаб, Муқаннани кўрдим тушимда,  
Турармиш қўлида қилич, дарғазаб!  
Олис-олисларга кўз тикиб зимдан  
Ўзи ўзигами қотар эмиш гап:

«Наҳот ёғий устун келди, маҳв бўлдик?  
Энди мардлар юрти кул бўлар наҳот?!  
Наҳот яксон бўлдик, тутдек тўкилдик,  
Топилмасми қилич кўтаргудек зот?!

Кимнинг жони ширин — қулликка маҳкум,  
Сен, қилич сермашдан толмагил, қўлим!  
Жавоб бер: Атрофда кимлар бор, ҳой ким?  
Ғофил қолма, йўл ол, жанггоҳга, элим!»

...Ажаб, Муқаннани кўрдим тушимда.



Собир Унар

## ШАФФОФ МАНЗИЛ

Ҳикоя

Сен томонга ўзингдан бошқа ким йўл кўрсатади,  
Бекик йўлни ўзингдан бошқа ким очади!

Ҳофиз Таниш Бухорий

Шаҳарнинг Машраб кўчасида ўн икки йилдан бери яшайман. Бир ҳисобдан кечки бўлимда ўқиганим ҳам яхши бўлган экан. Негаки, ўртоқларимдан қанчаси етти-саккиз йиллаб, баъзилари ўн йиллаб уй олишолмади. Нолимайман — уйим бор. Демак, энди ғирт шаҳарликман. Туғилиб ўсган қишлоғимни-ку, жуда соғинаман. Бироқ ишлар кўплигидан унисини тугатиб олай, бунисини тугатиб олай, деб юравераркансан одам. Хотинимдан эса кўнглим тўқ. Ичимдагини сезиб, шунга яраша муомала қилади. Лекин уйланишимда онам норози бўлган. Қишлоқда қанча қиз турибди-ю, келиб-келиб... шунга уйланасанми, деб. Бу гаплардан бўлажак келин — Фотиманинг ҳам хабари бор эди. Аммо биз, баъзи китоблардаги қаҳрамонларга ўхшаб, бир-биримизсиз турмуш кечиришни тасаввур қилолмасдик. Охири, оёқ тираб туриб олганимдан кейин, онам ҳам рози бўлди. Хуллас, Руфат ва Ринат билан апрелнинг охириги куни қишлоққа борадиган бўлдик. «Москвич» олганимга бир ой ҳам тўлгани йўқ. (Машина учун қайнотам ёрдам берди. Камига Фотима иккаламиз маошимиздан орттирганимизни қўшдик. Ростини айтсам, машинага унчаям қизиқмасдим-у, хотиним қўймади). Жўнаётганимизда дўстим Раҳматиллани ҳам таклиф қилдик. Қишлоғингни бир кўриб келарканман-да, деб у хурсанд бўлди. «Қишлоқдан шева йиғиб келамиз,— деди катта йўлда кетаётганимизда.— Дарвоқе, иккаламизнинг илмий ишимиз ҳам диалектологиядан-ку...»

Аспирантурага кирганимдан сўнг икки кун ўтиб катта знам қазо қилди. Аза куни қаторда ҳасса ушлаб турдим, товуш чиқардим-у, кўзим ёшланмади. Фақат мурдани тобутга солаётганларида онам, янгаларим, холаларимнинг чинқариб йиғлашлари юрагимни эзиб юборди. Энам икки ой бурун бетоб ётганида: «Болам, яна келгунинггача ё борман, ё йўқман», деб қасавасининг бир четидан пенсия пулини чиқариб узатгани эсимга тушди. Шунда бурним ачишиб, кўнглим юмшаб, бирдан... ёш боладай хўнграб йиғлаб юбордим. Аммо, елкамдан тоғ ағдарилгандек, анча енгил тортдим. Ҳатто терлаб кетдим. Бурнимдан сувим, кўзимдан ёшим шўрғалаб қабристонгача шу аллозда қоқиниб-суриниб бордим. Шуларни эсласам, асли кўнглим бўш эканлигини ҳис қиламан. Кейинчалик шу маросимда кўрганларимни ўйлайвериб, ўзимча ҳаётнинг яккаш қонунини кашф қилгандим: инсон боласи қанчалик ўктам бўлмасин, мияси нақадар зўр ишласин, бари бир у битта йўлдан кетиши — қалбга интилиши керак. Ҳаётнинг чин моҳияти шундай. Бора-бора одамлар шунга мажбур бўлишади. Тобора кичрайиб бораётган шу заминда яшарканлар, бусиз ҳеч иложлари йўқ. Эзгу ҳисли қалбларга интилмаслик мумкин эмас. Афсус, афсуски, инсон шунга мажбур замонда ҳалокат ёқасига бориб қолган бўлади. Қизиқ, одамлар бундай ҳолда ўзларига кимни бошлиқ қилиб сайларкинлар? Ўзимча бунинг ҳам жавобини топаман: ер юзининг энг зўр шоирини!

(Қачон одамлар шоирни ўзлари учун йўлбошловчи қилиб кўтаришган, дегувчи одам йўқ!) Ахир, ишонинг, одамзод техникани ривожлантириб охири чарчайди, бир-бирини тушунмасликдан чарчайди. Сўнг улар шоир, яъни шоҳ хузурига шеър тинглашга борадилар. Ўзлари-да шеър битмоққа ҳаракат қиладилар. Сўнгра, куй, қўшиқ... дунё бўйлаб бир-бирини тушуниш, меҳрибончилик иши! О, менинг учқур хаёлим! Биз ҳам ўша замонларга ета оламизми?.. Йў-ўқ, биз анча берида қоламиз. Бир неча насл қабат берида. Демак, биз — ўша замонларнинг қурбонлари, инсоният тараққиёт арқонининг ушбу босқичида узилган иплари бўламиз. Чунки биз юракни занглаб қўйдик. Одам учун йиғламаймиз, аксинча, йиғлаганларнинг йўқлов сўзларини ёзиб оламиз, таъзим қиламиз...

...Атроф гуллаб ётибди. Бу трассада биринчи марта машина бошқариб кетаётганим қандайдир ҳушёрарди ўзимга. Шу кетишимиз бўлса, пешинга етиб боришимиз мумкин эди. Чиндан ҳам туш оқанда етдик.

Қишлоғимиз ҳовлилар девор-дармиёнсиз — ҳар тарафи очиқ бўлади. Машинани қиядан ҳайдаб чиқиб, тўппа-тўғри эшигимизга бурдим-да, тақаб тўхтатдим. Синглим ва акамнинг болалари бизни кўриб, қувонганларидан қиқариб кулишарди. Онам, «оч-оч»лаб бақира бошлади. Кейин машинани орқага тислантириб қўйдим. Онам эшикни очасолиб, соғинчини ҳеч яширмай, мен томон келаверди.

— Дарду балогинанг урсин-эй, болам! Келадиган кунларинг ҳам бор экан-ку! Йўл қараганимизгаям уч кун бўлди-я. Потмажон, яхши келдингларми?

Атрофимиз тўла бола-бақра. Улардан бири кичик ўғлим — Руфатни кўтариб олди. Ринатни онам кўтариб ўпди. Хотиним ҳам онам билан яхшигина, худди қишлоқ аёлларидай, бағрини бериб кўришди. Хотиним қишлоққа сўзлашга тиришар, бундан унинг менга ва онамга қандайдир ҳурматини сезардим.

— Ҳотамжон, аввалги тентаклигинг қолмабди ҳалиям-а! Мен сизларди ўлиб соғиниб ўтирсам-у, сен бўлсанг... Бу мошин жўрангникими?

— Узимизники, деди Фотима мендан аввалроқ.— Яқинда сотиб олдик. Энди ҳар доим машинада келаверамиз.

— Э, чиниминамма? Қўлли бўлсин. Айланайин-эй. Айтмайсилар-да шуйтиб, фарзандлари мошин олади, оналари билмай юради бу замонда. Бир эшгирайин дегансан-да. — Гўё бу гапларнинг ўзи учун унча аҳамияти йўқдай, яна невараларига овуниб кетди:— Болаларинг ҳеч сенга ўхшамайди-я. Мунча тортинчоқ?

— Икковиям опасига тортган-да,— дедим. Акамнинг ўғиллари мендан алланечук ҳайиққандай ёки ҳадиксирагандай кўришаётганини сездим. Улар иссиқ тупроқли ерда ялангоёқ ўйнаб юришарди.

Раҳматилла улар билан қуоқроқ сўрашарди. Чўнтагидан ҳар бирига биттадан сақич улаша бошлаганида бу нарса менинг хаёлимга келмаганидан хижолат бўлдим. Аммо Фотима ҳушёр экан, сумкасида кўзни қувонтирадиган турли хил ўйинчоқлар, значоклар олиб келибди.

— Олдин уйга қиринлар, совға-саломларинг мендан ортса, кейин тарқатасан,— деб ҳазиллашди онам. Уйга киргач, тағин ҳадеб мен билан сўрашаверди: «Машинангни қанчага олдинг?», «кандидат бўламан девдинг, бўлдингми?», «домлангни опкемоқчийдинг, нега опкемадинг?», «фалончи-фалончиларниям кўриб турасанми?..»

Онам нимагадир бу гап ҳар сафар тўшайдиган эски кўрпачани тағимга ташлашни унутди. Унутмагандир-у, дўстимнинг олдида ундай қилгиси келмагандир. Аммо девордаги газета ва журналлардан қирқиб олиб ёпиштирилган расмларни ҳам бугун кўрмадим. Укаларим қириб-қиртишлаб олиб ташлашибди. Мен учун бир азиз нарса йўқдай эди.

— Яхшиям домлангни опкемаганинг,— деди онам бир оздан сўнг, чой дамлаб келгач.— Маъмура холангни бериб қўйдик. Домланг келса кўнгли бузилиб...

Мен довдираб қолдим, эслаёлмадим.

— Ким у Маъмура хола?

— Қирдаги Тошбой тоғаннинг энаси-чи?

— Тошбой тоғанинг энаси-я?..

— Вой худо, ҳали танимасанг эди?..

— Эслаёлмаяпман, ростдан. Қанақа?.. Семи-из аёлмиди?

— Семизмасийди унча. Икки қошини қўшиб турадиган майна холи борийди. Шўх, шарақлаган кампирийди. Катта, мис сирғаси бор...

Анграйганимни кўриб, онам хафа бўлгандай туюлди.

— Ҳали қариндошингни ҳам билмасанг эди сен. Ана қизиқ. Таъзияда сени хола-лаб йиғлайди, деб ўтирсак, ҳали шаҳарлик бўлгандан кейин шуйтасилар экан-да. Бориб-бориб бизларниям эсдан чиқариб юборасизлар-ов. Э, айтмоқчи, бизларга бориш лозимат, болам.

— Ҳе, бечора-эй...— дейман, барибир эслай олмайман, лекин ўзимни ачингандай кўрсатаман.

Биз бир вақтлар ўша ерда — қирдаги овулда яшаганмиз. Қариндошларимизнинг



кўпчилиги ҳам ўша ерда. Ҳаммасини биламан, аммо Маъмура хола... Тавба, Тошбой тоғанинг энаси бормиди ўзи?..

Онам кўнгилчанлик билан деди:

— Жўранғиям товга ияртиб чиқиб томоша қилардинглар. Холангни эртага абитдан кейин чиқаришармиш. Бугун борсак, яхши бўларди, менам чошгоҳга бораман дедим, хаёлимда сен келаётгандай бўлавердинг, бир эгарланган отда келаяпсан-а, болам. Олдинда бир узун оёқли қуш. Лайлакми?.. Бугун бориб келсанг, маёнкаларингни эртага қилаверасилар, нима дединг?

Онамнинг ҳатто маёвкамизни ҳам эсидан чиқармай ўтирганига лол қолдим. Ичичимдан алам қиларди: нима учун танимадим? Қайси холам? Наҳотки, миям шунчалик суюлиб, хотирам сўниб кетган бўлса?! Шу билан бирга, Раҳматилладан ҳам уялардим. У нима деб ўйлайди?

— Ҳа, энди эслаяпман,— дедим бир оздан кейин.— Биз кўп вақтлардан бери борди-келди қилмай кўйгандик, шекилли. Тўй-маъракаларга умуман келишмайди-ку, улар. Ё келишадими?

— Келишарди,— эътироз билдирди онам.— Узи озмунча шол бўлиб ётмади-да, холанг. Тошбой тоғанг ҳалиям келиб туради. Кичигини биласан, Зарбувига уйланган.

Тошбой тоғани танийман, ўрта бўй, бардам одам. Дўхтир бўлиб ишлайди. Укасини ҳам эсладим. Сал жанжалкашроқ эди. Кулгим келди: у сигирнинг жунидан ясалган тўп билан футбол ўйнаганимизда доим ғирромлик қиларди. Дарвозасидан тўп ўтиб кетса, шундай асабий ўйнай бошлардики, яланг оёқларига кирган тиканларгаям, қонаб кетганигаям қарамасди.

— Жуда қизиқ бола эди,— дедим.— Э, қишлоқдан чиқиб кетганимизгаям йигирма йилча бўлибди. Қурилиш, армия, ўқиш, кейин яна иш. Мактабни тугатгандан бери қишлоққа жуда кам келамиз, ахир.

Хотиним гапимни тасдиқлади.

— Биз шунга маҳкум авлодмиз шекилли,— деди Раҳматилла.— Унутиш, шон-шухратга мойил...

Аммо бу қадар жиддий гапириш ҳозир ноқулай эканини сезиб:

— Таъзияга бориб-келайлик бўлмаса,— деди бирдан.— Ҳадемай кун ҳам кеч бўлиб қолади.

— Эртага борарсизлар балким. Ё?..— Онам бизнинг кўнглимизни билмоқчи бўлди.— Бизлар борсак, сизлар ўтирсанглар ҳам майли. Акангминан отанг ўша ёқда-ку?

— Бориб-келамиз,— дедим,— Раҳматиллаям боради, Фотимаям. Болаларга Анора қараб туради.

— Бугун бормасак, эртага ноқулай,— деди Раҳматилла.— Ҳам таъзияга борсак, ҳам тоққа чиқсак... тўғри келмас.

Таъзияхонада, ўзим кутгандек, қишлоқ аҳли, қариндошлар — ҳамма йиғларди. Машинани олисроққа қўйиб, қатор турган кишилар томон юрдик. Фотима онам билан бирга эди. Йиғлаётганлар ичида отам ва акаларимнинг овозлари баландроқ эшитиларди. Бу овозлар менинг юрагимга қанчалар яқин. Бошқа таъзияларда ҳам улар шундай, товушни баланд қўйиб йиғлардилар. Бизни кўриб улар яна-да қаттиқроқ йўқлай бошларди. Мен ҳам, гарчи холамни тўла тасаввур эта олмасам-да, одамларнинг кўзи учун йиғлагим келарди. Нарёқда аёлларнинг, бўёқда эркекларнинг аянчли айюҳанносини эшитиб, юрагим эзилиб кетди. «Холам-ўв», деб юбордим бирдан. Менга қўшилиб Раҳматилла ҳам товуш чиқарди. Мен тик турган одамларнинг чидаб бўлмас мусибат оҳангида йиғлашаётгани учун ҳам уларга қўшилиб йиғлаб юбордим. Чунки ҳеч тоқат қилиш мумкин эмасди. Дастёр болалардан биттаси менга ва жўрамга толнинг янгигина кесилган шохидан келтириб берди. Мен энди одамларга қўшилиб йиғлардим.

Бир оз вақт ўтгач, Асад деган ўқитувчим мени ичкарига бошлади.

— Бир қоринни қовзантириб олинглар, кейин...— деди у.

Хона деворига рангли бўёқда чизилган гулдор ҳашамга термиламан. Унча яхши чизилмаган бўлса ҳам мен учун қандайдир яқин, болалик ҳисларимни кўзғатиб юборганди. Тепада эса бир аёлнинг сурати, пастроқда ўша аёлнинг бир бола билан тушган расми. Холам, дедим, бошқа ҳеч киммас, кўнглим сезди. Мен шунда уни аниқроқ эслашга уриниб кўрдим. Онам айтгани — унинг менга «айриплон»лар ясаб берганини сал-пал эслагандай бўлдим. У вақтда бу уй икки хона, бир даҳлиздан иборат эди. Даҳлиз ўртада жойлашган, икки уйгаям шу орқали кириларди. Ҳозир бутунлай ўзгариб кетибди: ҳовли кенг, ойнаванд шифер ёпилган. Шифтнинг пастроқ қисмида деворга қоziқлар билан маҳкамланган катта тахта устидаги коса, ликопча, чойнақларни хийла чанг босибди. Ҳа, ҳа, энди эсимга тушди-ёв: Маъмура холам худди ўша ердаги ликопчалардан бирининг ичидан эски йилда чиққан тангаларни олиб берган, мен эса уни серсоқол мўлтонига топширгандим. Мўлтони нимадир деб фотиҳа қилган, шунда холам менга: «Сен ҳам омин қил», деган. Ушанда неча яшар эканман-а? Мунчоқ, танга, ниҳоят, холамнинг оппоқ қасавасини эсладим. Жуда катта қасава боғлар эдилар. Ҳа, мана ўша қасава. Мана бу расмдаги. Холамга жуда ярашган. Икки қошини қўшиб турувчи майна холи ҳам қандай ярашиб турибди! Энди холамнинг овозини эслашга уриндим.

Аввал мана шундай рухсорли аёлга қандай овоз ярашади, деб ўйладим. Бир оз дағалроқ, лекин меҳрибон овоз ярашади. Мана бу ўйнинг ортида, агар адашмасам, катта лойхандақ бўларди. Бу ерда холамнинг катта ўғли лой қорар, сўнг қўшнилари ҳашарга келиб, шу ўйнинг устини сувашарди. Лекин улар тоғамизни дангаса дейишарди. Тоғамизнинг сарғиш шляпаси бўларди. Менимча, ўша пайтларда фақат ўқиган кишиларгина шляпа киярдилар. Шунинг учун бўлса керак, одамлар «шляпа қутлуғ бўлсин», қилардилар. Эркак бажарадиган ишнинг бариси Тошбой тоғанинг бўйнида эди шекилли, доим укаси билан уришарди. Укаси акам билан бир синфда ўқиган. Болалигим ва Тошбой тоғани уйғунлаштириб ўйлаганимда у кишининг сариқ шляпаси, тиззагача ботиб лой қориб тургани эсимга келаверади. У киши ҳам меҳрибон одам. Онам баъзида у кишига, «қизли бўлсанг, шу ўғлимга берасан», дея ҳазиллашаркан мени кўрсатиб. Шунда Тошбой тоғам бағри кенг одамлардай, «эҳ-ҳэ-ҳэ» деб кулар ва: «Куёв, ҳэ-ҳэ-ҳэ, бизнинг куёв» деркан. Мен уларнинг алқашаётганини фаҳмлардим ва онам, «Қайнота деб айт бу одамни», деса баралла: «Қайнота-а!» деб бақирарканман. Улар қотиб-қотиб кулишар, Тошбой тоғам ҳали уйланмагани учунми, қизариб кетаркан-да, бўлди энди, дер экан. Мен эса уларнинг кулганига нашъа қилиб такрор-такрор бақираверарканман: «Қайнота-о-о-ов, қайнота-о-о-ов!..»

...Ташқарида бир аёлнинг ҳаммадан ҳам кўра қаттиқроқ овозда бақириб йиғлагани эшитилди. Хотинлар чуввос солиб унга қўшилдилар.

— Чўлдаги қизи келди,— деди чоллардан бири деразадан кўзини қисиб қараркан.— Вой бечора-ей, ўзини ташлаб юборди. Эси оғиб қолмадими?..

Шундай деб у ташқарига чиқиб кетди. «Кўтар, қарасанг-чи», дегани эшитилди. Мен учун бу ерда ўтириш ниҳоятда оғир кечарди. Бир маҳал Раҳматилла тиззамга туртди:

— Йўқловни эшитяпсанми?

Эътибор билан қулоқ тутдим:

Дод ўлимнинг дастидан,  
Фарёд ўлимнинг дастидан,  
Жош деб раҳми келмайди,  
Қарри деб раҳми келмайди,  
Қайларга бориб дод этайин,  
Кимларга мен фарёд этайин,  
Вой зна-ам, вой знам!..

— Шуларни ёзиб олиш керак-да. Дарҳол ёзиб олмасанг, эсдан чиқиб кетади. Шоирлардан фарқи йўғ-а? Лекин бир хил сўзларни тушунмаяпман. Эшитгин, сен тушунасан-ку...

— Ҳозир вақтими энди шунинг?!

— Ҳотам, улар йўқловни тўқишадими ё ёдлаб олишганми?

— Билмадим, ҳарҳолда, биров ўлганда айтаман, деб ёдлашмаса керак.

Инжиқ жавобимдан оғриндим, у аллапайтгача индамай қолди. Туриб-туриб яна диққат бўлди шекилли, нимадир гапиргиси келиб, у ён-бу ёнга қарайверди. Мен эса, уни бекор опкелибман, деб ўйлай бошладим. Қани энди, у мени яхши тушунадиган одам бўлсаю, кўнглимни сал бўшатиб олсам. Мен, ахир, оғайни, холамини танимайман, танимаяпман-ку! У эса ҳеч нарса тушунмайдиган, савдои бир бола бўлиб кўриняпти кўзимга. Шу менинг ўртоғимми? Наҳотки шу билан ошна-оғайнигарчилик қилиб юрган бўлсам?! Овлоқроқ бир жой бўлсаю, аччиқ-тирсиқ гаплар билан узиб-узиб олсам.

— Косаларни йиғиб олинглар,— деди Саъди ака.

— Мулла бова, овқатга овмин денг,— деди яна кимдир. Бир неча одамлар билан қўшилиб биз ҳам турдик. Ҳовлида, уй девори ёқалаб товуш бериб йиғлаётган эркаклар, ичкарида боягидай аянчли, тоқат қилиб бўлмайдиган даражада бўзлашаётган хотинлар. Уларнинг орасида ёшгина икки қизча ҳам йиғлайди. Яна икки кампир ҳам бор. «Бўлам-ов, бўлам-ов», деб бақирарди улар.

— Боврим деяптими?— сўради Раҳматилла.

— «Бўла» деяпти. Бўласи бўларкан.

Дўстимнинг ағрайганини кўриб, «жияни», деб қўя қолдим. Аёлларнинг товуши мени эзиб, эзмалаб ташлади. Улар гўё ўлган кишини қайта ҳаётга қайтариш учун чинакам қайғуришаётганга ўхшардилар. Аслида улар ўзларига суюкли бир одамнинг орадан кетгани учун куйишар, йиғлашарди, холос. Агар менинг тасаввуримда холам тўла тикланганида, уни ҳис қилолганимда эди, шубҳасиз, бўкириб йиғлаб юборган бўлардим. Аммо мен, боя айтганимдай, онам тез-тез гапириб ўтирадиган ҳикоялар орқалигина холамини оз-моз билардим, юқорида сизга сўзлаб берганларим менинг тасаввурларим, холос. Энди мен анови тизилишиб йиғлаётганлар қаторида туролмайман.

Кимдир келиб билагимдан тутди.

— Халил ака чақиряпти.

— Нера?

Акам йиғлаётганлар ичидан менга жим қараб турибди. Бормадим. Раҳматиллага, қирга чиқиб келамиз, дедим. Довдираб тургандан кўра кетган маъқулроқ эди бу ердан. Менинг ҳам улар билан қўшилиб айюҳаннос солгим, ўзимни билмай йиғлагим келарди, ахир. Бироқ йиғлаёлмаганим учун кетишим керак эди.

Уйнинг орқасидаги ёнлама йўлдан, одамларга кўринмай қирга чиқдик. Аммо ҳамон эркакларнинг аянчли ҳам илтижога ўхшаш овозлари эшитилиб турар, анча вақтдан бери қишлоқда таъзия кўрмаганим учунми, бу менга қаттиқ таъсир қиларди. Улар қадрдон кишиси қазо қилгани туфайли йиғлашаётган бўлса, мен ўша қадрдонликни истаганим учун йиғлагим келарди. Кечга томон овозлар ҳар-ҳар замонда эшитилиб қолди. Энди азадорлар чарчаган эдилар, фақат янги одамлар келгандагина бирдан бақириб овоз беришарди.

— Одамлар қандай қилиб берилиб йиғлашаркин, а? Нима керак экан шунчалик йиғлаш?

Мен дўстимнинг бу гапларини эшитмаётгандай борардим.

— Обидийда қилишмоқда,— деди у ўзига-ўзи гапираётгандай.— Ҳотам, бир қизик фикр бор-да. Мана шу маросим шовқинларини магнитофонга ёздириб олса бўлмасмикин?

Қараб турсам, Раҳматилланинг ҳам фикрлари меникига яқин. Мен ҳам келган заҳоти шу ҳақда ўйлаган эдим. Уни қувватладим. Шу маҳал азахона томондан эркакларнинг боягидан ҳам кўра кучлироқ йўқлови эшитилди. Шамол биз томонга эсаётган эди. Бу аҳволда ўзим ва бошқалар ҳақида ҳам яхши фикр юритмаслигим аниқ. Мен энди болалик чоғларим — ўн саккиз йиллик умрим ўтган тупроқда ўзимни ортиқча сезардим. Ҳадемай қуёш ботади. Таъзияхонада, эҳтимол, мени кутишаётгандир. Бироқ мен уларга ўғай кўринишни истамайман. Шу одамларнинг ҳам ўз одами бўлгиси келади.

Қуёш ботиши билан дўстим кечки шабадани мақтай бошлади. У менга энди тоғ чўққилари қип-қизил шафақларда қизил рўмол ўраган аёлларга ўхшаётганини айтарди. Таниш тоғ насими ўзимга ҳам хуш ёқа бошлади. Қаддимни ғоз тутиб, кўйлагим тугмаларини ечиб юбордим. Пастдаги тошлоқ тошлари узра шарқираб оқаётган сой шовқини энди баралла эшитиларди. Бу шовқин одамларнинг товушини кўмиб юборганди.

Мен бир марта тошкентлик дўстимнинг уйига борганимда бешинчи қаватда аёлларнинг чуввос солиб йўқлов айтишганини эшитганман. Шунда бирдан энамнинг вафоти куни онамнинг қандай йиғлаганини эслаганман. Чунки бу овоз орқали онамнинг ва бўзлаётган барча ўзбек аёлларининг бир-бирига жуда ўхшашини сезгандим. Бирдан юрагим ҳапқириб, ўзимизнинг одамлар фақат инсон учун йиғлагандагина тил топиша олишларини, шундагина қалблари бир-бириникига шу қадар ўхшаб кетишини тасаввур қилгандим.

Сой ичи қоронғилашиб борарди. Дўстим, кетамиз энди, деб қолди. Азадор эркаклар йиғлайвериш чарчашган бўлса керак, ерда ётган узун тол танасига қалдирғочлардай тизилиб ўтириб олишибди.

Азахонага келганимизда онам ва хотиним анчадан бери биздан хавотир олиб ўтиришган экан. Бир аёл келиб, менинг елкамга қоқиб кўришди. Шарофат хола экан.

— Айланайин, олим йигитдан,— деди у.— Ишқилиб, оёқларинг қоқилмасин. Тошкентни гуллаиб юрибсизларми, чироғим?

— Қаерда юрибсизлар? Булар нега бийтиб йўқ бўп кетди деб олоқ<sup>1</sup> бўп ўтирибмиз,— деди онам.

Отам қатордагиларнинг ичидан чиқиб, биз томон келаверди. Отамнинг овози битиб қолибди, биз билан худди шивирлашаётгандай бўлиб гаплашди:

— Кайфиятинг дурустми, улим? Шундай бўлиб қолди, энди. Кунига махтал-да, бевафо дунё экан...

Бу гапларни менинг кўнглим чўкмасин деб айтаётганини сезиб турибман.

— Биз уйга қайтяпмиз, ота. Меҳмон опкеганман,— дедим.

— Э-э-э,— отам Раҳматилла билан кўришиб, сўраша кетди.— Бу ноқулай бўпти-да.— Сўнг онамга:— Уйга оқшом бораман,— деди.— Болларингга айт, «оқ оёқ»ни алоҳида кўрага қамашсин. Тонг азонда ҳаллаб қайтаман. Бу ёғам лозимат-да. Қайтамиз<sup>2</sup> энди.

— Ҳеч қандай ташвишнинг кераги йўқ. Биз эртага тоғни томоша қилсак бўлди, амаки. Ҳеч уринманг, ўзбекмиз, тушунамиз,— деди Раҳматилла.

— Э, ука, ҳамиша кеб ётибсанми, менам ҳар куни меҳмон кутяпманми? Ҳавас қип кепсан, бир меҳмон бўласан-да, энди.

Отамнинг сенсираётгани дўстимга оғир ботаётгандай кўринди. Чунки Раҳматилла бир гал, ўзимнинг укаларимниям «сиз»лайман, деганди. Мен бунга ҳайрон қолмайман.

<sup>1</sup> Олоқ бўлмоқ — алағда ўлмоқ (шева).

<sup>2</sup> Қайтамиз — қандай қиламиз (шева).

Чунки у ўзининг ўғилчаси ва қизигаям «сиз»лаб мурожаат қилади. Агар мен ўзимдан кичикни «сиз»лаб гапирсам, орамизда қандайдир ғов сезаман.

Отам меҳмонга шундай деб, ортига бурилиб кетаверди. У киши менинг машина миниб келганимга эътибор бермади чоғи. Е Раҳматилланики деб ўйлади. Умуман, отам бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандир.

— Зачем мунчалик кўп йиғлаш?— зорланди хотиним қишлоққа тушаётганимизда.— Хотинлар шундай бақиришадик, қулоғим тешилиб кетди. Ўлган ўлди, бўлди-да. Энди қанча йиғлаганим билан қайтиб келармиди?

— Узларининг одатларингга ўхшатмагин-да,— деди онам.— Бизда шундай расм. Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми...

Менинг жаҳлим чиқди, бўлди қилинлар, дедим. Улар ўртасидаги эски гаплар қайта қўзғалишидан чўчидим. Ҳозир ёжиллашмасликлари мумкин, лекин, бари бир, мабодо иккови келишмай қоладиган бўлса, албатта ўртага мен суқилишим керак. Ундан кейин онам менга ёпишиб кетади: «Сизларни шундай бўлади деб ўстирдим-да, улларимдан келинларим зўр бўлсин деб эдим-да...»

Тўйимиз ўтгач, Фотима беш-олти ой қишлоқда яшаган. Уйимиз бўлмагани учун мен Тошкентда бир ўзим эдим — ўша вақтларни эслаб юрагим безиллайди. Фотиманинг қишлоқ ишларига ҳеч уқуви йўқ, уйдагилар билан қовушиб-келишиб кетолмасди. Уша вақтларда онам иккови унча келишолмаган, охири бориб каттароқ жанжаллар чиқаверганди. Лекин Фотима ўзи ваъда қилганида — қишлоқнинг ҳамма қийинчиликларига чидайман, то уй олгунингизча шу ерда яшайвераман, деган сўзида охиригача турди. Биз бир-биримизни яхши кўрардик. Онам ҳам кўпинча шунини ўйлар, лекин, бари бир, ўзлигига бораверар, келинининг ғирт шиттахўр қишлоқи бўлишини хоҳларди. Шунинг учун ҳам онам Тошкентга — бизникога боргиси келмасди. Қўярда-қўймай бир-икки марта олиб борганман. Шунда ҳам икки кундан кўп турмаган.

Эҳ, ўшандаги: «фалончи қиз опқочиб кепти», «иштонсиз юрармиш», «тилимизга тушунмас экан», деган гап-сўзлар... Бунақа «ҳодиса» қишлоқда биринчи марта юз бериши эди-да.

...Уйга етиб келганимиздан сўнг кўп ўтирмадик. Йўл чарчатган экан, ухлаб қолдик. Эрталаб қўшнимизнинг ўғли Алишер кириб келди.

— Машиналар муборак, ака! Зўр иш бўлибди-да,— деди у.— Энди сизлар билан кетаверамиз Тошкентга. Маёпкага чиқсангизлар, маниям олиб кетингизлар, хизмат-пизмат...

— Ҳа, ҳа. Сен жуда керак эдинг бизга, Алишер,— дея ўртоғимга кўзимни қисдим.

— Яхши, яхши бўларди,— деди Раҳматилла ҳам.

Эрталабки лоқайдлигим йўқолган, миям тиниқ эди. Ўзим сира истамаган, кутмаган таҳликали хаёллар босиб кела бошлади: «Мен кимларга ўхшаяпман? Ўзим ўхшашни хоҳлаган одамларгами?!» Ҳа, яна шу изтиробли хаёл!

Ташқарида онам қозонга уннаб юрибди. Айвонда «оқ оёқ»нинг тузланган териси... Бет-қўлимни ҳам ювмай, нариги уйга кирдим. Ринат билан Руфат косаларда сут ичишяпти. Фотима: «Тўкмай е, сочмай е», ҳам тергаб турибди.

Ҳар гал қишлоққа борганимда, ўша мен туғилиб ўсган уйнинг деворига эски газета ва журналлардан қирқиб олиб хамир билан ёпиштириб қўйилган суратларни кўрардим. Унда ўша пайтдаги мамлакатимиз раҳбарининг Америка президенти билан учрашгани ҳақида маълумот ва сурат бор эди. Кейин ўша пайтлари кинода ўйнайдиган жажжи бир қизчанинг расми. Унинг кўзлари шундай ишонувчан, шундай содда боқадик, бу ҳаётнинг ўзидан олинган, деб ўйлайсиз.

...Ва билиниб-билимай йиллар ўтиб кетди. Оббо, дейман доим, қандай ушлаш мумкин вақтни? Уша расмдаги соддагина қизга, икки давлат раҳбарларининг сарғайиб кетган суратига, ўша даврда бутун мамлакатнинг дастуриламали бўлган қишлоқ хўжалигини самарасиз ривожлантириш тўғрисидаги эски лавҳаларга кўзим тушиши билан орадан йигирма йиллар ўтиб кетган бевафо ва бесамар кунларни чуқурроқ ҳис қиламан. Уша қиз ҳамон менга содда боқади, ҳамон ишонтиради ва орадаги йигирма йил вақтни эслаб, бирдан ўзимни ғариб сезиб қоламан. Ҳаётнинг бу қадар сезилмас шафқатсизлигидан аламга ботаман, шуурим тиниқлашади, «Уша қиз қаердайкин-а, ҳозир ҳам бормикин?», деб ўйлайман. Эҳтимол, ҳозир ҳам яшаётгандир. Ҳозир ҳам актёрдир балки. Аммо ҳеч бир аёл актёр унга ўхшамайди-ку? Ёки у ҳам ўзгариб кетганмикан? Ахир, ўша пайтда мен хамир билан деворга расм ёпиштиришнинг нимага кераклигини сезмаганман. Кейинчалик қизча ҳам ҳаётнинг ролини ижро этмасликни, балки унда яшашни, масалан, одийгина тикувчи бўлиб кун кўришни хоҳлагандир. Кўрмаётганим, эшитмаётганимнинг сабаби ҳам шундадир, балки.

Онам ҳар гал уйга борганимда биз болаликда устида думалашиб юрган кўрпачани солади. Энди у эскириб, қирқ ямоқ бўлиб кетган. Лекин онам уни ҳеч ташлаб юбормай-

ди ёки анави эшакка тўқимлик учун бермайди. Борсам, ҳар маҳал ўша тахлоғлиқ кўрпачалар ичида турган бўлади.


— Ҳа, қишлоқилар,— дейман,— ташлаб юбормайсизларми шу матоҳни, қачон маданият кириб келади сизларга?

Бу гапларни эшитавериб онамнинг қулоғи пишиб кетган.

— Ўзингнинг кўрпанг бу,— дейдию олиб тагимга ташлайверади. Шунда билинар-билинмас бир хил ҳидлар димоғимга урилади... Бир жирканган бўламан, лекин худди шулар туфайли гўдаклик хотираларим ёдга келаверади, ҳаяжонланаман. Айни ҳиссиётлар ҳақида кўпинча шеър ёки ҳикоями, ишқилиб, бир нарса ёзмоқчи бўлиб юрардим-у, ҳеч уддалай олмасдим.

Лойсувоқ уйимиз деворидаги эски расмларнинг ўрнига қарай бошладим. Андава билан қирилган жойлари оқариб қолган...

Улар қаерда? Қаёққа кетган? Қаёққа?! Мен қаёққа келдим? Қаёққа кетяпман?



## Унутмас мени боғим



Амин Умарий  
(1913—1942)


### Емғирда

Булутнинг чоклари сўкилди,  
Марварид доналар тўкилди,  
Сабзанинг қомати букилди,  
Кўнглимдек баҳорлар чоғида.

Томчига жом бўлди лолалар,  
Томчики, марварид доналар,  
Эй, мени чақирган далалар,  
Гўзалсиз, қуёшнинг боғида.

Чашмадек зилолдир дилларим,  
Емғирдан кўкарди йўлларим.  
Атрлар сепгучи гулларим,  
Ғам чекмас булбулнинг доғида.

Шеърларим — чечагим, ҳаётим,  
Шеърларим бойликдир, бисотим,  
Емғирдан намланмас қанотим,  
Ошаман булутлар тоғидан!



Тошпўлат Аҳмад

## МЕҲРУ МУРУВВАТДАН ЎТ ЁҚҚАН ҒОЛИБ

Румийга сиғингил...

Нигоҳингни тўсмоқ бўлса тўзонлар,  
Изларингни кўймоқ бўлса хазонлар,  
Хаёлингни тўзмоқ бўлса мезонлар —  
Румийга сиғиниб, узатгил қўлинг:  
«Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг.»<sup>1</sup>

Номардлар қўлида қолса гар кунинг,  
Тор янглиғ узилса овозинг — унинг,  
Жисму жонинг ёниб, ўртанса қонинг —  
Румийга сиғингил — ёришгай йўлинг:  
«Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг.»

Олам — боболардан мерос гулшан, боғ,  
Уни кипригинг-ла ўпаётган чоғ,  
Қузғунлар ин қўйса, кўксинг этиб доғ,  
Румийга қўл узат — ёритгай йўлинг:  
«Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг.»

Ҳаёт — уммондаги олтин бир кема,  
Сен осон йўллари асло излама,  
Унга илашгайдир ким пок — бетама,  
Румий этагин ўп — қуягай икболинг:  
«Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг.»

### Торобий тепалигидаги туғёнлар

Мана шу оқариб ётган шўр тепа,  
Тиканлар кўкариб ётган хор тепа,  
Рухлар манзилин тарк этган ўр тепа —  
Булар Торобийнинг елкаларидир.

<sup>1</sup> Румий мисраси.

Эй нигоҳи гирён ташна йўловчи,  
Балки бир ширин ҳис кўнглиннга овчи,  
Кўрганинг сув эмас... бу тахир томчи —  
Торобий кўзёшин кўлкаларидир.

Кўнглим, тинглаганинг эртакмас, фолмас,  
Қуриб, қулаб ётган теракмас, толмас,  
Ё панжаси ёйиқ саксовул эмас —  
Булар Торобийнинг билакларидир.

Сим-сим сас келади: рангим сўлдирма,  
Бир марта ўлгандим, тағин ўлдирма,  
Ғанимлар кўнглин шод этиб кулдирма! —  
Бу виро Торобий тилакларидир.

Билгилким, кушандам душман эмас, йўк,  
Мени қулатганди номард узган ўк,  
Хоинни, номардни мудом англа, ук, —  
Бу нидо Торобий тўлғоқларидир.

Авлодим, мен, ахир, сенинг ўзингман,  
Хокимини топтама, қошинг-кўзингман,  
Мардингман, дардингман, босган изингман! —  
Бу садо Торобий сабоўларидир.

\* \* \*

Юрагим, неларга, ахир, зордирсан,  
Нечун афтодасан, нечун хордирсан,  
Анов сиғинганинг зуннор эканму,  
Балки шу боисдан бемадордирсан?!

Ҳалол деб кўрганинг чиқди-ку наҳанг,  
Қонлари силқиган бир анордирсан.  
Эътиқод этагин кўрдингми йиртиқ,  
Бошинг айлангандан беқарордирсан.

Етим қолдим дея йиғлар оқибат,  
Меҳрга интизор бир бемордирсан.  
Ўлмаган жонингга шукур қил, куйма,  
Давронинг куйлагин, бахтга ёрдирсан...

## Шуҳрат домлага

Ойнинг ёруғига боқолмаганлар,  
Чирок ёқдим деб шам ёқолмаганлар,  
Лочинман деб қанот қоқолмаганлар,  
Сизга тош отдилар ғов-ғаддор бўлиб.

Қодирий қадри деб ютдингиз оҳлар,  
Чўлпон деб ёнганда чўлпон нигоҳлар,  
Бошингизда ғужғон ўйнаб ул зоғлар —  
Номингиз сотдилар чаён, мор бўлиб.

Болангиз гул бўлиб ётса бешиқда,  
Улар ов пойлаган ўғри мушукдай,  
«Сен эски бидъатсан» дея эшиқдан,  
Кўюндай эсдилар совуқ қор бўлиб.


Каска тешигидан боққанда дунё,  
Эрк учун жонингиз этдингиз фидо.

Шинель кийиб, ғолиб қайтсангиз ҳатто —  
Йўлингиз тўсдилар тикан-хор бўлиб.

— Қайда Усмон Носир, қайдадир Фитрат?  
Беиз йўқолгайми пок калом — фикрат? —  
Дея бонг урсангиз, жоҳиллар титраб —  
Беун чайқалдилар сиртмоқ — дор бўлиб...

Ҳақиқат кўзига тик боққан — ғолиб,  
Меҳру мурувватдан ўт ёққан — ғолиб.  
Ғолиб муаллимсиз — биз эса толиб,  
Бемаслақлар яшар чор-ночор бўлиб.

Бухоро



## Амалий ишга ўтамизми?

«Шарқ юлдузи» журнаlining доимий ўқувчисиман. Ҳозирги даврда турғунлик йиллари деган сўз жуда кўп ишлатилади. Бу сийқаси чиқиб кетган гандан шу нарса мағлумки, гўё олдин ҳамма иш қора бўлгану ҳозир эса оқланмоқда. Бу унчалик тўғри эмас, масалан, 70—85-йилларда журналда босилган кўпгина асарлар мақтовга сазовор. Булардан биргина П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романини эслаш kifоя. Демак, журнал турғунлик йилларида ўз мавқеини йўқотиб, фақат ҳозирги кунда қаддини тиклади, дея олмаймиз.


1989 йилда журналда анча қизиқарли мақола ва асарлар босилиб чиқди. Журналда нашр этилган барча материалларнинг муаллифи, номи ҳар хил бўлгани билан бир хил даврни ўз ичига олади, бир-бирини тўлдириб туради. Масалан, Саид Аҳмад билан Уткир Ҳошимовнинг «Тарихнинг «оқ доғ»лари» рубрикаси остида чиққан «Кўрқув салтанати» номли суҳбатда репрессия даври ифодаланади. Мақола жуда табиий чиққан, бадиий асардек энгил ўқилади. Одатда, бу каби суҳбатлар анча зерикарли бўларди. Суҳбатда 1924 йилдан 1953 йилгача бўлган баъзи кўнгилсизликларга фақат бир одам айбдор эмаслиги айтилган, бу фикрни У. Назаровнинг «Чаён йили» романи билан, қрим-татар ёзувчиси Айдер Осмоннинг «Олишув» қиссаси ҳам тасдиқлаб турибди. Репрессия даврида яшамаганим учун у вақтни тафтиш этишга ҳаққим йўқ, аммо бу асарлар менга жуда ёқди. Айниқса, А. Осмоннинг «Олишув» қиссаси. Чунки мен фақат ўзбек ёзувчиларининг асарларинигина тан олардим. Бу албатта таржимонга ҳам боғлиқ.

Журналда босилиб чиқаётган ўзбек ёзуви дарси ҳам менга ёқди. Бир ёқдан содда, бир ёқдан пуллик курсга қатнашининг ҳожати қолмайди.

Охириг фикрим, Орол муаммоларининг ёритилиши ҳақида. Мақолалар яхши чиққан, қизиқарли. Аммо ҳадеб шу ҳақда гапиравериш шартмикан? Энди амалий ишга ўтганимиз яхши эмасми?

Мавлуда Обидова,  
Тошкент





Жаҳонгир

## ИККИ ҲИКОЯ

### Ажал

Эҳсон кечадан бери Азроил таъқиб қилиб юрганини сезди. Ётаётганди, ниҳоят, деразадан тушаётган ой ёруғида унинг ўзини кўрди. Азроил устига оқ ридо ташлаган, энгларида чикиб турган чўкиртас, ўликниқидай кўкимтир қўлларини қовуштириб, мунғайибгина курсида ўтирарди. Юзи заҳил, кўзлари ичига ботган, мағрур эди. Нигоҳи кўнгилнинг тит-питисини чиқариб ташлайдиган даражада ўткир, ғайриоддий кулгисида аллақандай чидаб бўлмас совуқлик, ёвуз сеҳр бор эди. Эҳсон титраб кетди. Пешонасидан совуқ тер қуйилиб, ётган жойида қотди-қолди. Азроил ҳамон тиржайиб турарди.

У зўр-базўр ғўлдиради. Нима демоқчи бўлганини ўзи ҳам англамай қолди. Юраги қинидан чиққудай безовта: «Дук-дук... Дук-дук...» Нафаси бўғзига тиқиларди. Жимжитлик... Бу дақиқалар мангуликка тенг эди. Гўё туғилганидан бери Азроил билан юзма-юз ўтиргандай...

— Н-нимага келдинг?

Ажалнинг кўзлари ёнди:

— Узингни гўлликка солма. Тайёрланиб тур!.. — у шундай деб, чап қўлини кўтарди-да, қоронғулик қаърига сингиб кетди.

— Қачон? Қачон?!.

Безгак тутгандай қалтирай бошлади. Унинг танаси ўринда-ю, руҳи қаёқлардадир кезиб юрарди. Наҳотки ўлим деганлари шу бўлса?.. Аллақандай тубсиз қудуққа тушиб кетаётгандай... Тез, шошқинч фикрлай бошлади. У даҳрий эди: кўргани туш бўлиб чиқишини жуда-жуда истаб, этини қаттиқ чимчилади. Оғриқдан инграб юборди...

Эҳсон эрталаб уйқусизликдан қизариб кетган кўзларини ишқалай-ишқалай машинасига ўтирди-ю, ишхонасига шошилди. Хаёли беқўним, Азроил жонидан олдин ақлини олгандай... Йўқ, бу уйга қайтиб келмайди, қишлоққа — онасиникига бориб, бир-икки ой ўша ерда яшайди. Кўрмаганигаям бир йилдан ошибди. Отпускаи олади-ю, шу бугуноқ жўнайди. Худо урган бу уйдан узоқроққа кетса бас.

Машина катта йўлдан елиб борар, ҳали жуда эрта бўлганидан кўчалар унча гавжум эмасди. Эҳсон борган сари тезликни оширарди. Шу пайт қаршидан лоп этиб бир неча бола ўтиб қолди-ю, Эҳсон рулни ўнгга бурди-да, тормозни босди. Машина чийиллаб, йўл четида тўхтади. Бир фалокатдан омон қолди. У чуқур тин олиб, негадир орқа ўриндиққа қаради. Қаради-ю, юраги шув этди. Яна ўша — Азроил...

— Ҳайда, одамзод, тақдирингдан қочиб қутулолмайсан!

— Тушун, одамдай яшагим келади...

— Мен — фаришта! Инсон — ожиз махлуқот. Бир сиқим тупроқ эдинг, охир яна тупроқ бўласан.

— Сен ҳамма қурбонларинг билан шундай гаплашасанми?

— Гоҳо меъдага тегади. Изланиш ҳам бўлади. Қаёқдан биласан, балки ҳозир сен билан гаплашиб туриб, беш-олти кишининг жонини олаётгандирман...

Эҳсон даҳшатга тушди. Ишонгиси келмади. Наҳотки инсоннинг умри сариқ чақага ҳам арзимаса?..

— Менинг навбатим қачон келади?

— Пешонанга битилган, улгурасан... — у ғойиб бўлди.

Эҳсон ишга борди. Ишдан қайтди. Хаёлида Азроил... Қачон келади? Намунча имил-ламаса? Улимнинг ўзидан кўра уни кутиш минг карра даҳшатлироқ экан-ку! Оёқларига йиқилиб, кўз ёш қилса-чи! Зора кўнгли бўшаса!.. Э, нималар деяпти ўзи? Тақдирни ўзгартириб бўларканми?.. Лекин, ҳаёт ширин... Қирқ ёшида ўлса-я!..

— Ҳа, жон ширин, одамзод!

Эҳсон ёнидаги оромкурсида ўтирган Азроилга кўзи тушди. Вужуди титраб кетди.

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўлиб кетаверсанг-а!.. Қани бу ерда мантиқ?

— Тасодиф деган гаплар ҳам бор...

— Шафқат қил! Онам бор... ҳеч бўлмаса, фарзандлик қарзимни ўтайин!..

Эҳсон Азроилнинг оёқлари остига йиқилди.

— Энди онангни эслаб қолдингми? Сенга она эмас, ширин жон афзал-ку, имон-сиз! — деди Азроил ижирғаниб.

— Утинаман, гуноҳларимни ювай?..

— Гуноҳларингни минг йилда ҳам юволмайсан. Сен ва сенга ўхшаганлар каламушдай кўпайиб кетдиларинг. Ер — бир иворат. Унинг устаси, яратувчиси бор. Тепадан туриб бойлик кетидан зир югураётганликларингни, пасткашликларингни кўриб турибди.

Азроилнинг уни ўчди. У яна кўринмай қолганди. Эҳсон эсанкираган, икки ўт орасида қовурилар эди. Бу ўтнинг бири — жон, бири — мол-дунё...

## Йўлда

Даштнинг тупроғи билқ-билқ, қинғир-қийшиқ йўлида гупчаги ғичирлаб эшак арава кетиб борарди. Унда бошида эски дўппи, офтобда қорайган нуроний юзли, соқолига оқ оралаган чол ўтирар, араванинг бир маромда чайқалишига монанд оҳангда қандайдир қўшиқни хиргойи қиларди. Терлаб, пишган. Қишлоғигача ўн чақиримча бор. Чол қисик кўзларини уфққа тикиб, оқшомгача етиб боришни мўлжаллайди-ю, эшагини қичайди: «Ҳиҳ, хиҳ-а!...» Жонивор қадамини тезлатган бўлади. Атраф гунг. Аҳён-аҳёнда учраб қоладиган янтоқ, шувоқ, ёвшанларни айтмаса, дашт яп-яланғоч. Бўрию шоқол, илону чаёнлар иссиқда қаердадир жон сақламоқда. Чол бир неча йил муқаддам шу ерларда рўй берган воқеани эслади.

...Найсон. Қатор<sup>1</sup>лар камдан-кам тўхтаб ўтадиган бекат. Ярим тунда тўхтаган қатордан ёшгина аскар тушди. Бекатда ҳеч зоғ йўқ. Тун у ёқда турсин, кундуз кунлари ҳам бу ерларда одам кам бўлади. От-улов топишдан умидини узган йигит, тонг отишини пойлаб ўтиришни ўзига эп билмай, пиёда йўлга тушди. Қадрдон юртининг ҳавосидан қани тўйиб-тўйиб шимирса! Йўл четида чигирткалар чириллайди, осмон тўла юлдуз... Ҳаво салқин. Эрталабгача манзилга етиб олса бўлгани. Турган гап, билдирмасдан ҳовлининг бир чеккасидаги хонасига кириб кетади. Эрталаб, одатдагидай, нон ёпаётган онаизори ўғлини кўради-ю, ҳаяжондан гапиролмай тандир ёнига чўкиб қолади. Сўнг, ўзига келиб, дув-дув ёш тўкканича боласини бағрига босади... Зум ўтмай уйдан, калиши оёғида пойма-пой, отаси отилиб чиқади... Тезроқ етиб олсайди...

Шоқол увлади. У эса, аскарликда ўрганган қўшиғини баралла айтиб борарди. Шу пайт бўри овози келди. Аскар чўчиб, ён-верига қаради. Анча нарида баҳайбат шарпалар... Тахтадай қотди, қалтиради. Чўғдайин ёнаётган кўзлар аста-секин яқинлашарди. Қочмоқчи бўлди-ю, оёқлари ўзига бўйсунмади. Олов ёқиш ҳам хаёлига келмади. Раҳматли буваси бўри ёлғиз оловдангина кўрқади, дегувчи эди.

Чўғ кўзлар олдида, орқасида совуқ йилтилларди. Йигит жон аччиғида елкасидан қопчиғини олди-ю, рўпарасидаги бўрига силкита бошлади. Орқадаги бўрига шу керак эди, бир ҳамла билан йигитнинг бўйнидан олди.

...Бу хабар уч-тўрт кундан кейин одамларга маълум бўлди. Улар қон қотиб қолган кулранг ҳарбий кийиму нимта-нимта бўлиб ётган танани кўрдилар.

— Э, бу йўллар... Ҳамроҳ бўлмаса якка йўловчига қийин...

Чол нос отди. Чарчоқ кўзларини уфқ билан туташиб кетган йўлга тикди. Эрталабдан қовунларини пуллаб, ҳар галгидай, нархи ошганидан нолиб бўлса-да, набираларига мева-чева олган, ортига қайтаётган жойи.

Чолнинг кўзига аллақандай шарпалар чалинди. Хаёл суриб келаётган одам — эти жимирлашиб кетди. Қанча уринмасин, узоқдан илғай олмади. Аравасини ғижирлатиб бораверди. Қараса — қизил «Жигули». Ёнида иккита киши. Кун иссиқ бўлишига қара-

<sup>1</sup> Қатор — поезд.

май костюм кийишган. Бошларида шляпа. Иккалалари ҳам семиз, юзларидан тер қуйилмоқда.

— Келиб-келиб шу ерда бузилганини-чи!.. — Машина балонини тепиб қўйди бирови.

Машинанинг капотини очиб, ичини титкилаётган ҳайдовчи бола хижолатдан қизариб кетган. Ёнида турган иккинчиси тинмай рўмолчасини силкитиб, елпинаркан, биринчисига юзланди:

— Фирт провинция, Сайфи ака... Бу ерлар Тошкан эмас. Ёввойи жойлар. Одамлариям...

У гапини тугатолмади, ғичир-ғичир қилиб эшак арава етиб келди.

— Ҳорманг, яхшилар, — деди чол.

— Бор бўлинг, бобой. Қаёққа кетяпсиз? — чолга қаради Сайфи ака.

— Қишлоққа.

— Кўктераккача узоқми?

— Анча бор. Опкетай.

Шляпаликлар бир зум бир-бирларига қарашиб, ўйланиб туришди-да, инқиллаб-синқиллаб аравага чиқишди.

Чол хурсанд эди. Ҳарҳолда гаплашиб кетгани одам топилди.

— Шаҳарданмисизлар?

— Ҳа, бобой, Тошкандан...

— Қайси шамоллар учирди бу ёқларга?

— Командировка! Шоирлармиз...

Чол ҳамроҳларига ҳайратланиб қаради. Чамаси, шоир зотини энди кўраётганди.

— Эшитгандирсиз, Сайфи Ғафурий деган шоир мен бўламан! — Қўли билан ҳамроҳини кўрсатди... — Фарруҳ Аруз...

— Исмлиринг ёғдай силлиқ. Лекин эшитмаган эканман... Маҳмуд Найсонни, Абдул Каримни биламан, — деди чол.

Фарруҳ Аруз ҳуштак чалиб юборди:

— Ана сизга провинция!..

— Қаранг-а, — ажабланди Сайфи Ғафурий, — қаёқдаги шоирман деб юрган пўстакларни танисангиз-у, шеърятнинг чинакам заҳматкашларини билмасангиз-а?!

— Нима, улар ёмон шеър ёзишадими? — деб сўради чол эшагини қичаркан.

— Шеърлари мўдадан қолган.

— Билмадим-ку, қишлоғимизда Навоий, Машрабдан кейин ўшаларни тилга олишадими, — эътироз билдирган бўлди чол.

Сайфи Ғафурий гапга оғиз жуфтлаган эди, шериги енгидан тортди. У ўйланиб қолди. Рост, келиб-келиб шу чўкирттак чолга гап уқтирмоқчимми? Чаласавод-ку! Ғарб адабиётини, Лотин Америкаси адабиётини қаёқдан билсин. Епишиб олганлари Навоийю Машраб. Яна чолни синагиси келиб, саволга тутди:

— Бобой, Навоий, Машрабдан бирон сатр биласизми ўзи?

Чол таажжубланиб Ғафурийга қаради, гап нимадалигини фаҳмлаб, кўзларини юмганча Машрабдан ўқиди:

Охиримни дарду ғамга ошно қилди бу дард,  
Йиғламай найлайки, рўзимни сиё қилди бу дард...

Бахт қаролиғ мундин ўтмас — толеъим бўлди забун,  
Мен вафо қилдим тамаъ қайтиб жафо қилди бу дард...

Унинг овози мунгли титрар, атрофдагиларни унутган эди. Икки шоир тахта бўлиб ўтирар, чолдан ғазал тўкиларди:

...Ичганим заҳроба бўлди, кийганим бўлди кафан,  
Бошима тўққуз фалакни осие қилди бу дард...

Энсаси қотган Ғафурий луқма ташлади:

— Юртингиз Саҳрои Кабирдан қолишмас экан!

— Кўникиб кетганмиз...

— Ҳамма бало ўрганиб кетишда!.. Одамзодни жарга бошлайдиган ҳам шу. Кўникиш қуллик ё ҳукмронлик касаллигини қонга ўткизадиган нарса! Яна...

— Бу гаплар... Билмадим... Ҳар кимнинг ташвиши ўзига етиб ортади. Ўтириб файласуфлик қилишга вақт борми!

Арава ғичирлаб борарди. Эшак юки оғирлашганидан нолибми, оғзини қийшайтириб пишиллаб қўярди.

— Уф... Ёмон чарчадим-да... — чуқур тин олди Фарруҳ Аруз.

— Етиб олайлик, чарчоғингиз бир зумда тарқайди, ошнам, — деди Ғафурий. —

Пиррийип деган раиси бор. Оёғимиз тагига қўй сўяди. Тандир кабоб, паловхонтўра дейсизми... Қизилидан, оқидан дейсизми... Ҳаммасини топади, қизиталоқ! Яйраймиз...

Фарруҳ Аруз ёнидаги тугунчага қаради.

— Мева-чева олганмидингиз, бобой?

— Невараларга деб... Бемалол олаверинглар...

Икки шоирга иштаҳа кирди.

— Ҳозирги меваларда таъм деган нарса йўқ... — деди Фарруҳ Аруз тамшаниб.

— Рост, — қўшилди Сайфи Ғафурий.

Чол мийиғида кулиб қўйди. Орқада қизил «Жигули» йўлни чангитиб келарди.

— Тузатибди... — деди Сайфи Ғафурий. — Тўхтатиб юборинг, бобой.

Арава тўхтади. Икки шоир бир амаллаб тушишди-да, машинага ўтиришди. Машина ўқириб жойидан жилди. Чолнинг араваси чангда қолди. Эшак юки енгил тортиб ҳангарди.



## БУЮК ГЁТЕ ШУНДАЙ ДЕГАН

Санъат — таърифлаб бўлмайдиган нарсаларни акс эттириш воситасидир.

Шон-шухрат излаб топилмайди. Шунинг учун уни таъқиб қилиш ҳам, кетидан югуриш ҳам бефойда.

Гўзаллик ҳамма жойда орзиқиб кутиладиган меҳмондир.

Энг янги замоннинг энг асл ёзувчиларини бизга янги нарсалар тақдим қилганликлари учун эмас, балки шу нарсалар ҳақида илгари ҳеч айтилмагандай қилиб гапириб берганликлари учун асл деймиз.

Инсон бўлмоқ — курашчи бўлмоқдир.

Инсонни фақат тажрибагина ҳаёт лаззатларини қадрлашга ўргата олади.

Бизнинг эҳтиросларимиз самандар қушга ўхшайди: биттаси куйиб кулга айланган заҳоти, шу кул ичида бошқаси бош кўтаради.

Фарзандларига оталик ҳам қила олган аёл энг яхши аёлдир.

Кимни мақтасанг, шунга тенг бўласан.

Интизом вақтни қадрлашга ўргатади.

Бир мақсад йўлида курашаётган одамларнинг арази узоқ давом этмайди, қачон бўлмасин улар яна ярашадилар.

Ношукурлик — ожизлик белгисидир. Руҳан кучли одамларнинг ношукурлик қилганларини мен сира кўрган эмасман.

Ҳар бир саҳифаси чуқур мазмун билан тўлиб-тошган яккаю ягона китоб — бу Табиатдир.

Барча ўғрилар ичида энг ёмони аҳмоқлардир: улар ҳам вақтни ўғирлайдилар, ҳам кайфиятни.

Жанжаллашаётган одамнинг қайси бири ақллироқ бўлса — айбдор ўша.

Феъл-атвор ўз навбатида феъл-атворни яратади.

Кимки чет тилларни билмас экан, ўз тили ҳақида ҳам ҳеч нарсани билмайди.

Ҳар бир одам ўзи тушунган нарсанигина эшитади.

Одамнинг хулқ-атвори қайси нарсага кулгули деб қарашида тўла намоён бўлади.

Янги ҳақиқат учун энг зарарли тўғаноқ — эски янглишишлардир.



Илҳом Зойиров

## СИРЛИ КЕЧА

(Фантастик ҳажвия)

Уша сирли кечанинг эртаси кунидан бошлаб Оқработга марказдан мухбирлар ёғилиб кела бошлади. Бизнинг Эрматвой уларнинг ҳар бирига кўрган-билганларини эринмай алоҳида-алоҳида сўзлаб берди.

Негадир уларнинг бирортаси унинг гапларига ишонмади. Нимагаки, бирорта далил, гувоҳ йўқ эмиш. Буни қарангки, Эрматвой самовий меҳмонлардан эсдалик учун бирорта буюм олиб қолмаган экан. Мухбирлар эса ундан факт талаб қилишарди. Мухбирларни-ку қўйиб турайлик, эллик йилдан буён Эрматвойни билиб юрган қишлоқдошлар ҳам унинг гапларига ишонқирамай қарашди. Эрматвойнинг бундан асаби қақшайди. Ҳатто, қишлоқ аҳли уни жиннига ҳам чиқариб қўйишди. Тўғри-да, ҳозирги одамлар ҳеч нарсага ишонишмай қўйишган. Бир нарсани ўз кўзи билан кўриб, қўллари билан ушлаб кўрмаса минг марта айтганинг билан гапингга ишонишмайди. Шунини айтадилар-да, «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деб. Нима бўлганда ҳам қийин-қийин Эрматвойга қийин!

Аммо-лекин, бундай дўппини бошдан олиб, қўлни иякка тираб фикр қилсангиз, Эрматвойнинг айтганларида жон борга ўхшайди.

\* \* \*

Эрматвойнинг куйинганича ҳам бор-да! Уша мўъжиза рўй берган кечаси у ғалати бир аҳволга тушиб қолди. Уйқуси қочди. Аллақандай илоҳий бир куч уни ташқарига чиқишга ундади. Иссиқ тўшакни совутгиси келмай кўзларини чирт юмса ҳам уйқуси келавермади. Унг томонга ёнбошлади, чап томонга ёнбошлади, барибир безовта бўлаверди. Ёнбошида ётган хотинига қараса донг қотиб ухлаб ётибди. Уйқотгиси келди. Яна нималарнидир ўйлаб унинг оромини бузгиси келмади. Хотинига ҳам осон деб бўлмайди. Бечора бригадирнинг хотиниман деб уйда оёғини чўзиб ётгани йўқ. Эл қатори эрта тонгдан то хуфтонгача пахтазорда. Кунини билан чарчайди. Бунинг устига рўзғор ташвиши. Кечга бориб бошини ёстиққа қўйди дегунча пинакка кетади.

Эрматвой эринибгина ўрнидан турди. Уриниб кетган чопонини елкасига солиб остона хатлаган эди ҳамки, қулоғига кимдир уни чақиргани эшитилди. Узига ишонмай бир лаҳза сукунатга қулоқ тутди. Тунги чирилдоқларнинг чириллашидан бошқа ҳеч вақони эшитмади. Яна бир қадам олдинга босган эди, ҳалиги чақирқиқ такрорланди. «Беаҳалда ким ҳам чақириб келиши мумкин? Тракторчи Сувонқулми? Намозшомада терилган пахталарни пунктга топширгани кетган эди. Пахта ҳўл деб қайтариб юборишган бўлса, менга билдириб қўймоқчи бўлиб келганмикин?» Шу хаёллар билан уйғонганини билдирмоқчи бўлиб бир-икки марта йўталиб ҳам қўйди.

Дарвоза томон ўн қадамча юрар-юрмас ҳовли ўртасида хамир қорадиган тоғорага ўхшаш улкан нарсага кўзи тушди. Тоғора бўлган билан анча-мунча тоғора эмас, баҳайбат, оловсимон тоғора эди. Кучли ёруғликдан кўзи қамашди. Ёруғликни қўли билан тўсди. Этига иссиқлик югуриб, жимирлаб кетди. Саросимага тушди, ранг-рўйи ўзгариб бутун вужудини титроқ босди. Юраги одатдагига қараганда тез-тез ура бошлади. Орқага қайтишни ҳам, олдинга қараб юришни ҳам билмай қолди. Ўзини қўлга олиб тоғора томон юрмоқчи бўлди, ерга михлаб қўйилгандай иккала оёғи ҳам унга бўйсунмади. Овоз чиқариб қўшниси Матқаримни чақирмоқчи бўлди. Тили танглайига ёпишиб қолгандай. Оғзини каппа-каппа қилиб очиб ёпса ҳам овози чиқмади. Қўшнилари ёрдамидан умидини узган Эрматвой ўғилларини уйғотмоқчи бўлиб орқасига қайрилган эди, қаршида учта девсифат, кўринишидан одамсимон махлуққа кўзи тушди. Тарашадек қотиб қолди. Калима қайтарди. Ёқасини ушлаб ичига тупириб ҳам қўйди...

Эрматвойнинг айтишига қараганда, ҳалиги махлуқларнинг бўйи уч аршин, учта кўзи бор. Ўртадаги кўзи қолган икки кўзига қараганда йирикроқ ҳамда ўткирроқми, ҳарҳолда оловдек ёнади. Қўллари эса узун-узун, ерга тегай-тегай деб тураркан. Бошлари эса елкасига тошбақаникидек кириб-чиқиб тураркан. Юзлари совуқдан кўкариб кетган одамникидек кўм-кўк. Устида ҳам кўкимтир чарм камзул, скафандр билан шлём бўлса керак. Оёқларида таг чарми қалин альпинистлар киядиган тишли резина этик. Камзулининг чап кўксида ранг-баранг чироқлар кетма-кет ёниб-ўчиб тураркан.

Эрматвой бундай махлуқни умри бино бўлиб биринчи бор кўриб туриши эмасми, бирпас анграйиб уларга тикилиб турди. Махлуқлар унга қаттиқроқ тикилган эди, Эрматвойнинг юраги секинлашиб, бир маромда ура бошлади. Қўрқув ҳам чекингандай бўлди.

У жуда яхши эслайди, ёшлигида қўшни қишлоқда турадиган холасиникидан қайта-ётганида жин кўприкнинг олдида кўзлари ёниб турган чиябўрини кўрганида чунонам қўрқиб қочган эдики, асти қўяверасиз. Эртаси куни ҳатто лабларига учуқ ҳам тошиб кетган эди... Ҳозир-чи, ҳозир қочишни ҳам хаёлига келтиргани йўқ. Нима бало, махлуқлар унинг танасини сеҳрлаб қўйишдимикан?

Эрматвой елкасига ёпиб чиққан чопони сирғалиб ерга тушиб кетганини ҳам сезмаган экан, махлуқларнинг бири чопонини ердан олиб унинг елкасига ёпиб қўйди. Шунда аллақандай товушлар чиқариб, махлуқнинг лаблари қимирлагандай бўлди. Эрматвой аввалига бу товушлардан ҳеч нимани англамади. Товуш иккинчи марта такрорланганида Эрматвой ниманидир тушунгандай бўлди.

— Қўрқма, ерлик киши! Биз сенга ҳеч қандай ёмонлик олиб келмадик. Янглишмасам Қуёш системасига кирувчи сайёрадамиз. Биз ҳар нарсага қизиқувчан кишилармиз, мижозимиз шунақа. Шунинг учун йўл-йўлакай сизларнинг ерларингни кўриб кетмоқ ниятида ва тупроқларингдан намуналар олиб кетиш учун бу ерга кўндик. Биз аслида саккизинчи юлдузлар системасининг гамма юлдуз туркумидаги икс галактикасига кирувчи игрек сайёрасиданмиз...

Келгинди махлуқ роботга ўхшаш сўзларни дона-дона қилиб гапирарди. Қадам бошилари Соли бошбухнинг ўғли шаҳардан ўрганиб келган «брэк» ўйинига ўхшарди. Эрматвой келгиндининг сўзларига тушунарди, бунга унинг ўзи ҳам ҳайрон. Эътибор бериб тингласа, махлуқ ўзбекча гапирётган экан. Эрматвой ўзини анча дадилроқ тутиб:

— Сизлар бошқа сайёранинг ўзбекларимисизлар? Ё кудратингдан, худои-таоло ўзбекни ҳар томонга сочиб ташлаган экан-да, а? Ҳойнаҳой сизларда ҳам ҳозир пахта мавсуми бўлса керак-а?

Бечора Эрматвой бригадир-да, ётса ҳам, турса ҳам пахта ҳақида ўйлайди.

Келгиндилар бир-бирига қараб, ўз тилларида гаплашиб олишди ва Эрматвойга қараб:

— Йўқ! Бизда пахта экилмайди. Бизда миллат ажратилмайди. Тилимиз ҳам бир хил. Аммо коинотдаги барча тилларни биламиз. Биз цивилизациянинг энг юқори чўққисига чиққанмиз.

Эрматвой завқланиб кулди.

— Зўр экансизлар! Каллаларингиз бигиз экан. Биз ўзбек бўлсак ҳам, ўзбек тилини зўрға биламиз. Энди-энди ўз тилимизни ўрганаёلمиз. Сизлар бўлса соф ўзбек тилида...

— Ҳа, биз қайси сайёрага кўнсак ўша ернинг тилини тез ўзлаштириб оламиз, — деди орқароқда шумшайиб турган махлуқ жиддий оҳангда.

— Қандай қилиб? — деди Эрматвой.

Махлуқлар яна бир-бирига қараб олишди, Каттароқ махлуқ Эрматвойга сирни очмоқчи бўлди.

— Эй, ерлик киши! Бу сирни айтмоқчи эмасдик, аммо сен бизга ёқиб қолганинг учун айтаемиз. Бу жуда осон. Мана, биз сени кўриб қолдик. Сенинг кимлигингни, қайси тилда гаплашингни билмаймиз. Шунда мана бу (махлуқ кўкрагидаги сариқ тугмачани кўрсатди) тугмачани эзиб, сенинг мия қобиғингга махсус ўлтра тўлқинларини йўллаймиз, шунда сенинг мия қобиғингдаги сўзлар жойлашган тўқималардан бизга сигнал келади. Бу сигналлардан сенинг миянгдаги сўзлар жамғармасини билиб оламиз. Шу сўзлардан фойдаланиб сен билан бемалол гаплашамиз. Сен эса бу жараённи сезмайсан.

— Ё қудратингдан!— Эрматвой ҳайратланиб бошини қимирлатди.— Бизда саккиз йилда битта тилни ўрганишади, сизлар бўлсангиз бир лаҳзада. Бу тажрибани оммалаштириш керак ахир. Агар мумкин бўлса бошлиқларнинг билан гаплашсам. Қайси бирларинг бошлиқ?

— Бизда бошлиқ деган гап йўқ. Биз тенг ҳуқуқлимиз, ўз-ўзини бошқарадиган кишилармиз. Нима, сизларда бошлиқлар борми?

— Бундан хабарларинг йўқми ҳали? Бизда ҳамма нарса бошлиқлар билан биттада! — деди Эрматвой ва бармоқларини санай кетди. — Бизда бир кишига тўрттадан саккизтагача бошлиқ бўлади. Биз оддий фуқаромиз, нимани буюришса ўшани бажарамиз, бошлиқлар эса бизни бошқариб туради. Бошлиқнинг йўриғидан чиқиб бўлмайди, чунки бошлиқ дегани — бу худо. Ҳамма бошлиққа сиғиниши шарт. Мана раисимиз Бадалбоев ҳеч кимга сўз бермайди, колхоз мулкини шахсий мулки қилиб олган. Қани гапириб кўринг-чи, колхозда бир кун яшай олармикансиз? Чунки у бошлиқ — колхозчиларнинг худоси. Унинг худоси бошқа. Бизда ҳам яхши одамлар бор, лекин уларнинг омади юришмайди. Слдинги раисимиз Мирзаев яхши одам эди. Колхозчиларга жон кўйдирар эди. Бечорани ишдан олишди. Нимага десангиз, колхоз фондидан колхозчиларга касалхона, клуб, ҳаммом қуриб берганмиш. Бечора тез кўтарилди, тез урилди...

Эрматвойнинг гапларидан махлуқларнинг тепа антеннаси тиккайди. Кўкракларидagi чироқлар асабий ёниб-ўчди. Эрматвойнинг фикрича уларнинг асаби қақшаб, қон босими кўтарилганмиш.

Бир ҳисобдан Эрматвой айтганимиздай уларга ёқиб қолган эди.

Шунинг учун ҳам бемалол мунозарага киришиб кетишди.

— Нимага Мирзаев урилди? — деди ўртанча махлуқ.

— Айтдим-ку ахир, халққа қайишгани учун деб. Бизда шунақа. Халқ фойдасини ўйласанг тамом, шўрингга шўрва тўкилади. Нима бўларди, жазолайдилар... Қандай қилиб? Осон. «Катта»ларга ёқмадингми, дарров сенга мансаб берадилар, бу дегани ёқангдан ушлайдилар. Кейин яна кўтарадилар, яна ва яна кўтарадилар, бу дегани ўзларига тартадилар, сўнг чунонам урадиларки, қайтиб туролмайсан. Қарабсанки, пушти камарингдан бўлган зурриёдинг ҳам сендан тонади. Шунинг учун кўпроқ давлат манфаатини ўйлашинг керак.

— Ахир давлат дегани — бу халқ эмасми?

— Гапингиз тўғри. Давлат — бу халқ. Бизда эса бу икки хил тушунча. Биз халқ бўлсак, «юқори»дагилар давлат.

— Нега унда яхши кишиларни бир бўлиб ҳимоя қилмайсизлар? — деди катта махлуқ.

— Уларнинг ёнини олсак, биз ҳам... — қўлларини қанотга ўхшатиб силкитди Эрматвой. — Ундан кейин ҳаммада бола-чақа бор. Уларни ўйлайди. Биз фақат мажлисларда қўл кўтариб янги бошлиқни сайлашдан бошқани билмаймиз. Биз киммиз — оддий халқмиз.

— Мажлис дегани нима?— учинчи кўзини лўқ қилиб Эрматвойга савол назари билан қаради бақалоқ махлуқ.

— Эй, қанақасизлар ўзи? Ҳали мажлис нималигини билмайсизларми! Мақтанасизлар, ҳамма нарсани биламиз деб. Билганларингиз шуми? Унда бир-икки кун бизда меҳмон бўлинглар, ана ундан кейин биласизлар. Уйларингга борганларингда ҳам мажлис хумори тutiб юради, — жиғибийрон бўлиб тушунтирди Эрматвой. — Бизда ҳар кун мажлис. Бировнинг эшаги йўқолса ҳам мажлис, қақариб комиссия тузамиз. Демократия бу. «Ойнаи жаҳон»имизнинг битта программасини мажлисларга ажратиб қўйибмиз. Шу мажлисларда сўзлайвериб, томоғимиз қақраб кетганидан бутун бошли Оролнинг сувини ичиб юборибмиз...

«Орол» сўзини эшитиб катта махлуқ сесканиб кетди. Дарров қўйнидан иккита харита чиқарди ва энгашиб Эрматвойга кўрсатди:

— Мана бу — ўтган сафар келганимизда, яъни XIX асрда туширилган харита, кўрдингми, харитада ўша сен тилга олган Орол денгизининг тасвири бор. Буниси ҳозирги, яъни XX асрга тааллуқли харита, бунда эса Орол денгизининг тасвири йўқ. Хўш, Орол денгизи қайга ғойиб бўлди?

— Ё бундан ўзларингни хабарларинг бор, ёки мени устимдан куляпсизлар! Ҳозиргина айтдим-ку, — Эрматвойнинг жаҳли чиқди. — Ичиб юбордик. Оролнинг орқасида не-не бошлиқларимиз даҳо бўлмади. Уларнинг кўксидаги қўшалок орденлар Оролнинг шарофатидан. Тўғриси, баъзи бир бошлиқларимиз Оролни қуритишди...

— Баъзилар деганинг, кимлар? Исми-шарифи борми? — деди бақалоқ махлуқ.

— Йўқ. Бизда гуноҳкорнинг исми-шарифи айтилмайди. «Баъзилар» дейишади. Газеталаримизда ҳам шундай ёзишади.

Тўғри-да, Эрматвой билганини айтади.

Келгиндилар турган жойларининг тарихини билмоқ ниятида Эрматвойга билдирмай унинг мия қобиғига ультра тўлқинини йўллашди. Ҳеч қандай жавоб сигнали келавермагач, махлуқлар ўзаро кўз уриштириб олишди. Катта махлуқ Эрматвойдан сўради:

— Нега ўз тарихингни билмайсан? Мия тўқималарингда ўлканг тарихи ҳақида ҳеч вақо йўқ. Рим, Греция, Москов... тарихи ҳақида маълумотлар бор, аммо ўз тарихинг...

— Ўз тарихимизни энди ўрганаёпмиз, — хижолат тортиб жавоб берди Эрматвой. — Қайта қуриш ўз тарихингни ҳам ўрган деяпти-ку.

Эрматвой бошини қашиди. Махлуқлар ажабланиб елка қисдилар.

— Настаълиқ хатини ўқий оласанми? — бақалоқ махлуқ унга бир китобни узатди.

— Бобом ўқирдилар бунақа китобларни, афсуски раҳматли бўлиб кетганлар, — Эрматвой китобни қайтариб берди.

Эрматвой эътибор бермаган бўлса керак, махлуқларнинг лаблари қимирлаб турса ҳам овозлари бошқа томондан эшитилаётган экан. Эрматвой бунинг сири нимадалигини сўраганида, улар «телепатия» деб жавоб беришди.

— Телепатиянгни билмадим-ку, телевизор бўлса керак, — деди Эрматвой.

Келгиндиларнинг энсаси қотди:

— Ҳеч нарсага тушунмадинг, ерлик киши. Қўйгин, ўзингни қийнама. Бунга тушунишинг учун анча бор. Бу жараёнларни ақлингга сиғдириш учун савиянг ожизлик қилади...

— Қўйинглар шу гапларни, қани уйга кирайлик, — деди Эрматвой ва ўйланиб қолди. Меҳмонларни уйга таклиф қилса, каталакдай уйга бу барзангилар сиғмаса. Уларни супага қўйилган сўрига таклиф қилди.

— Қани, меҳмонлар, мана бу сўрига чиқинглар, мен дастурхон олиб чиқай, у-бу тамадди қилинглар, қоринларинг ҳам очдир, узоқ йўл босиб келгансизлар, — деб Эрматвой уйга кирмоқчи эди, катта махлуқ уни тўхтатди.

— Биз сизларнинг овқатларингни еёлмаймиз, чунки овқатларингизнинг таркибида химиявий моддалар жуда кўп, бу эса бизнинг танамиздаги оқсил моддаларини захарга айлантириши мумкин. Химиявий моддалар кўп бўлса, инсоннинг нормал ишлаш фаолиятини ўзгартиради. Овора бўлма, ерлик киши!

— Биз эса химиясиз яшай олмаймиз. Мухбирларимиз бу ҳақда ёзишяпти, ўзгартириш бўлиб қолса керак. Ҳозирча химия бўлса ҳам шукр қилиб турибмиз. Мен сизларга айтсам шу химия борки, планларни дўндириб юрибмиз. Еримиз ҳам банги бўлиб қолган, дори бериб турмасангиз ҳосил бермай қўяди. Мана биз ўлмай юрибмиз-ку. Қани ўтиринглар, ҳеч бўлмаса ширинлик олиб чиқай, уят бўлади ахир...

— Раҳмат, овора бўлма, ерлик киши, — самовий меҳмонлар Эрматвойни ортиқча ташвишга қўймадилар.

— Ёшингиз нечада? Жуда қари кўринасиз, икки мингга кирдингизми? — бақалоқ махлуқ Эрматвойга юзланди.

— Эй, йўқ, нималар деясизлар, элликдаман, — жавоб берди Эрматвой. — Сизларники-чи?

— Бизнинг ёшимиз, бир минг икки юз иккида, — деди катта махлуқ.

— Қўйсангизлар-чи, узоғи билан ўттиз-ўттиз бешларда бўлсангизлар керак. Ўзларингдан катта одамни калака қилманглар, — ранжигандай бўлди Эрматвой.

— Сени калака қилмадик. Бу ҳақиқат. Бизнинг сайёрамизда ўлим йўқ! Одамларимиз узоқ умр кўрадилар.

— Унда айтинглар-чи, узоқ умр кўришларингни сири нимада? — сўради Эрматвой.

— Меҳр-оқибатда, сизларнинг тилларинг билан айтганда, — деди катта махлуқ. — Биз билан кетмайсанми? Дунё кезиб келардинг.

— Эй, йўқ, пахта, план, мажбурият деган гаплар бор. Оиламиз билан ижарага ер олганмиз, тўрт-беш танга йиғиб кенжатоимизни уйлантириб қўйсақ деган ниятимиз бор. Ўзбекчилик, маҳаллага ош бериш керак. Кейинги сафар келганларингда кўшилишиб борарман. Бу сафар узр, — Эрматвой қўлини кўксига қўйди...

Тонг отабовлади. Меҳмонлар кетишга шайланишди. Улар Эрматвойни ҳайратга солган улкан оловсимон тоғора томон юрдилар. Эрматвой уларнинг орқасидан деди:


— Замонанинг зайли билан биз томонларга бир келиб қолган экансизлар, бир пиёла чой ҳам ичмай кетаясизлар. Сизларга ернинг тансиқ мева-чеваларидан бериб юборай десам, ўзимизда ҳам йўқ. «Бирор гектар ерга мева-чева экайлик» деб раисга маслаҳат солган эдим, рози бўлмади. «Пахта экасан» деб туриб олди. Тўрт томонимиз пахтазор. Агар ўлкамиз ёққан бўлса кўчиб келинглар, еримиз мўл, кўнглимиз кенг, ҳамма сиғади. Ўзимиз ташқарида ётсак ҳам, уйимизни меҳмонга бўшатиб берамиз...

Келгиндилар Эрматвойнинг гапларига эътибор ҳам бермас эдилар. Улар оғир қадамлар билан ерликларнинг дардини елкаларига ортиб ўз «тоғора»ларига чиқиб кўздан ғойиб бўлдилар.

Эрматвой уйга кирди. Бола-чақаларига бўлиб ўтган хангомаларни айтиб бермоқчи бўлди, аммо уларнинг уйқусини бузгиси келмади. Ҳали замон туриб, пахтазорга югуришади. Тонг отгунча сабр қилди...

Мана энди кўрганларини одамларга айтса ҳеч ким ишонмайди. «Тушингда кўргансан» деб мазаҳ ҳам қилиб қўйишади. Начора, одамлар осмондаги «қариндошларимиз» борлигига ишонмасликлари мумкин, аммо-лекин Эрматвойнинг дардларига ишонармиканлар-а?





Исмоил Тўхтамишев

## БЎЙИ БАСТИНГ ҚОЛИШМАЙДИ БИРОВДАН ЭЛИМ!

Кўҳна Насаф хаёли

### ТУРКУМДАН

Фарзанд басти белгиламиш эл-юрт бўйини,  
Жаҳон тинглар баъзан биров чалган куйини,  
Лекин гоҳо бешафқатдир тақдир ўйини,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Амир Темур олди, қайдан, ёвуз деган ном,  
Мирза Бедил Ҳиндда топди кўпроқ эҳтиром,  
Тупроғингни кўзга суртди Мир Қарший бобом,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Кўп юз йиллик ўтмишингдан сўзлар Оқсарой,  
Ҳамон қаддин тиклолмасдан бўзлар Оқсарой,  
Нақшинкорлик сирларини излар Оқсарой,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Қодир бахши тарихингдан ривоят айтар,  
Бандиларни қатл пайти қадим бир пайтлар,  
Йўлдан чиқиб сақлаганмиш Султон Мирҳайдар,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Баъзан ҳатто қайд этмадинг босган изингни,  
Йўқотдинг ҳам бўғзингдаги айтар сўзингни,  
Маълум эмас қабри жасур Майна қизингнинг,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Писанд қилмас, ҳайҳот, нодон тенгу тўшликни,  
Устун кўяр ҳар нарсадан кўнгил хушликни,  
Абдулланг чин, тўлдирибдир шеърий бўшликни,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Юрак тафтинг бориб букун Уралда ёнгай,  
Бенасибдир ўзи, десам ким ҳам инонгай,  
Келар кунинг ўйлаб дилим ҳузурдан тонгай,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Қараб турсам, ҳамма неъмат бағрингда жамдир,  
Қисматингдан чатнаб, рости, кўзларим намдир,  
Фақатгина ўғлонларинг шиддати камдир,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

Не кунларни кўрмадинг сен, бу кун ҳам ўтар,  
Фарзандларинг мангуликка кифтини тутар,  
Етар энди, қаддингни тут, бошингни кўтар,  
Бўйи-бастинг қолишмайди бировдан, элим!

\* \* \*

Бекорга жонингни қилмагин нисор,  
Дунёга кечикдинг бир оз, дейдилар.  
Ўғлоним, атрофга сал боқкин ҳушёр,  
Амал ҳам отадан мерос, дейдилар.

Тақдир сийлаганлар кўп баландпарвоз,  
Ҳаётда ўзини осмон санагай.  
Азалдан маълумдир, мендайларни, рост,  
Оғзи ошга етса, бурни қонагай.

## Бир марта бағрига боссайди онам!

**[Қарши шаҳридаги болалар уйига борганимизда у ерда тарбияланаётган 52 нафар ўғил-қиздан 51 тасининг ота-онаси тирик эканлигини айтишди.]**

Еш бошим тунлари ўйлардан толди,  
Ширин хаёл баъзан оғушга олди,  
Кўзларим йўлларда термулиб қолди,  
Бир марта бағрига боссайди онам!

Билмадим дунёда надир гуноҳим,  
Нега хабар олмас мендан паноҳим,  
Вужудим ёндирар тортганда оҳим,  
Бир марта бағрига боссайди онам!

Энагам, мақтама нурни, зиёни,  
Боласини севган меҳригиёни,  
Бағишлар эдим мен борки дунёни,  
Бир марта бағрига боссайди онам!

Она деб талпиндим келган-кетганга,  
Бошимни силаб гоҳ хушнуд этганга,  
Тушларим бўлинди баъзан етганда,  
Бир марта бағрига боссайди онам!

Ўлганлар руҳини айлагайлар ёд,  
Мен тирик етимман, қаттолсан, ҳаёт,  
Шунчалик тубанми, ахир, одамзод?!  
Бир марта бағрига боссайди онам!

Заминнинг остидан келар бир нидо:  
Бизлар-ку фарзанд деб қилдик жон фидо,  
Гўдакни меҳрдан қилмангиз жудо!..  
Бир марта бағрига боссайди онам!

## Тўртликлар

Миннатдор бўл доим қошу кўзингдан,  
Ваъда бердинг, энди қайтма сўзингдан.  
Диёнат йўқ дея жар солиб юрмай,  
Сен уни аввало изла ўзингдан.

\* \* \*

Норасо Ватаннинг дард-қайғуси, ўйларидан толамиз,  
Минг қилса ҳам у — Она, бизлар содиқ боламиз.  
Сайёҳларнинг гапидан хаёлинг бузилмасин,  
Меҳмонлар келиб-кетар, бизлар эса қоламиз.

\* \* \*

Дунёда ҳали кўп сирлар яширин,  
Баъзида ноилож танг қоласан, чин.  
Бу не кўргуликдир тўкин замонда,  
Бировдан қолган ош кимгадир ширин?!

\* \* \*

Муҳаббатнинг бобида мени ҳали ғўр дерлар,  
Бош эгишни билмаган такаббур ва ўр дерлар.  
Очиқ кўнглим сабабли, ҳар қадамда панд ерман,  
Омад ундан юз бурган, пешонаси шўр дерлар.

\* \* \*

Феъл-атворим ҳозирча ўзимникидир,  
Дилда зорим ҳозирча ўзимникидир.  
Бировлар омадига қилмадим ҳасад,  
Рост, инкорим ҳозирча ўзимникидир.

Қарши



Иқбол

## БЎСАҒАДАГИ ҲЙЛАР

\* \* \*

Кўзингда кунмикин ё тун яширин,  
Менга эшиги берк очун яширин,  
Қобирғам ичра бир лочин яширин,  
Мен телба барибир севавераман.

Гарчи, менинг учун энди бир тушсан,  
Бошимга қўнмасдан ўтган бахтқушсан,  
Фақат шу сабабдан балки бахтхушсан,  
Мен телба барибир севавераман.

Сенга гуллар тутсам, сўлсалар нетай,  
Шеърим — мажнуншева, кулсалар нетай?  
Гул ўрнига қалбим парчалаб тутай,  
Мен телба барибир севавераман.

Кетсам, сендан ўзга манзилим йўқдир,  
Қайтсам, йўллардаги тошлар ҳам чўғдир,  
Айтсам, нишон йўғу сўзларим ўқдир,  
Мен телба барибир севавераман.

Мен восил бўлибман шундай васлга,  
Сифиниб ётибман зангор фаслга.  
Устимдан куляпсан... янграр қасирға:  
«Мен телба барибир севавераман...»

### Лайлатулқадр

Эскиларнинг айтишича, рамазоннинг йигирма еттисига  
ўтар кечаси осмондан Лайлатулқадр учиб ўтаркан...

Рамазон шамоли — мовий ғалаён,  
Телбаланган толлар тушмоқда садр.

Самога боққанча турибман ҳайрон  
Ўтиб қоларми, деб Лайлатулқадр?!

Кўрганлар етармиш муродларига,  
Гарчи, муддаоси инжудир, зардир.  
Мен-чи? Тупураман бунинг барига.  
Ўтиб қолармикин, Лайлатулқадр?!

Ўтса, ўз ишқимга сўрайман имдод,  
Сўрайман бир дўсти баркамол, кабир.  
Қилвир кимсаларга одамий ҳаёт...  
Ўтиб қолармикин, Лайлатулқадр?!

Тўнган юракларга титроқ бер, дейман,  
Ғофиллар англасин шеърият надир,  
Оғзи катталарга инсоф тилайман.  
Ўтиб қолармикин, Лайлатулқадр?!

Инсон соғинмасин тонг-ла машҳарни,  
Қиёмат бўлмасин умумий тақдир,  
Болам ҳам ёд олсин Мир Алишерни.  
Ўтиб қолармикин, Лайлатулқадр?!

Ўзимга бир юрак сўрайман кейин,  
Юракки, беомон жангларга қодир —  
Токи курашайин, кўкка боқмайин  
Ўтиб қоларми, деб Лайлатулқадр...

## Тутлар

Қатли омга маҳкум маҳбусдек тутлар:  
Ҳар баҳор бошида ўйнар чопқилар,  
Ҳар баҳор беомон чопилар,  
Ғажийди қуртлар...

Азобдан букчайиб ўсар бу шажар.  
Кўзёшми ё қонми тизар маржонга?!  
Уволдир, мутедир, ғариб шу қадар —  
Тегиб кетар ҳаттоки жонга!

Ёзиқлари надир?!  
Сўрмаслар асти...  
Менинг тушларимни ўрайди дудлар:  
Тушларимга кирар  
ҳар бир новдаси  
Қиличга айланган дарғазаб тутлар...

## Бўсағадаги ўйлар

I

Елкан кўтармоқда нилуфар яна,  
Ойнадек осмонни артар булутлар.  
Руҳини қитиқлар шаддод қизгина —  
Баҳор кўкрагимга қадайдди ўтлар.

Чақалоқ хаёлга булут беланчак,  
Илиқ куёш нурун сутдек эмади...  
Болалик қайтади — аразчи гўдак  
Нилуфар исмли мовий кемада.

II

Болага айландим.  
Дўппимда ялпиз,

Жийдали тарафдан қайтаяпман мен.  
Қўлимда элчиўт,  
кўзимда юлдуз,  
Уйма-уй «Бойчечак» айтаяпман мен.

Болага айландим,  
Душманларим йўқ,  
Қўркмайман қориндор, итфеъл домладан.  
Аламим ичимда,  
ичимда бир чўғ —  
Уч олсам кучугим урган боладан.  
Болага айландим.  
Кўксим чангаллаб,  
Чўккалаб қолмайман фискдан, ғийбатдан.  
Тенқурларим билан «уруш-уруш» ўйнаб,  
«Ўқ еб» ёлғондакам йиқилаяпман.

Болага айландим.  
Севгилим сочин  
Минг шубҳа ичида силамайман мен.  
Жамалаксоч қиздан юрарман қочиб:  
«Лўли қиз, сен билан ўйнамайман мен...»

Болага айландим.  
Ўйларим шаффоф,  
Қўлларим ҳалолдир,  
Йўлларим ҳалол.  
Манглайим силашдан жирканмас офтоб,  
Булут тўшагимдир,  
тойчоғим — шамол...

Болага айландим.  
Ташаккур, баҳор!  
Руҳимни покладинг, мукаррам кўклам!  
Саховатли фасл,  
шафқат қил, бир бор  
Болалигин бергин катталарга ҳам!

### III

Севгилим, тирикман, ўлганим ёлғон.  
Чап кўксим чирсиллаб берар овозлар.  
Кўзимда шуълалар рақс этар аён,  
Мендан қочяпти-ку совуқмижозлар.  
Гулим, етар энди, кўзларингни оч,  
Кўрсат, жанг қилайин қай ёғий билан.  
Уйғон,  
ахир, ерни ёрди-ку равоч,  
Саф-саф чигит унди қалпоғи билан.

Дарчангни бетоқат чертмоқда найсон...  
Турналар бўйнига осилгин, гулим.  
Шундай пайтда уйқу гуноҳдир ёмон,  
Гулим, кўзларимда очилгин, гулим...

## Мен яшил одамман

### Равнақийга

Суюниб кетасан қанчалар,  
Дўстларинг туришса йўқлашиб.  
Мен шодман, бултурги майсалар  
Чиқдилар қайтадан кўклашиб!

Ялпизнинг илкидан хуш бода —  
Биллурий шудрингни симириб,  
Мастона довдираб шаббода  
Азонлаб келибди қидириб.

Мен уни кучоқлаб оҳиста,  
Ям-яшил бир бўйни туяман.  
Борлигим бўялар шу тусда,  
Ўзимни йўқотиб кўяман.

Мен яшил одамман кузгача,  
Ям-яшил кўшиқлар айтаман...  
Куз келар... Сарғайиб бир кеча  
Дўстларсиз уйимга қайтаман...

Фарғона

---

## ФОРС ДОНИШМАНДЛАРИ ҲАЁТИДАН

Бузургмеҳрдан сўрашди:

— Нега дўстларнинг душманга айланиши осон-у, душманларнинг дўстга айлан-моғи қийин.

У жавоб берди:

— Ахир, уйнинг ҳам бузилиши осон, тикланиши қийин. Кўзанинг синиши осон, ясалиши қийин. Пулни сарфлаш осон, ишлаб топиш қийиндир.

\* \* \*

Хисравдан сўрашди:

— Сен кимларга ақл-заковат тилар эдинг?

У жавоб берди:

— Душманларимга. Чунки доно ва ақл-заковатли одамлар ёмонликка, бузуқ хаёлларга берилмайдилар. Аҳмоқ одамлар эса ҳеч нарсадан тоймайди.


\* \* \*

Шоҳ Бузургмеҳрни қамоққа ташлади. Дўстлари Бузургмеҳрдан сўрадилар:

— Энди сен ўзингни нима деб юпатасан?

У жавоб берди:

— Менинг тўрт ҳикматли сўзим бор. Биринчиси: «Ҳаммаси тақдирдан, тақдир ўйинидан ҳеч қачон қочиб қутулолмайсан». Иккинчиси: «Бу изтиробларни сабр-бардош билан енгилдан бошқа йўл йўқ». Учинчидан, ўзимга дейманки: «Шукур қил, ахир бундан ҳам баттар аҳволга тушишинг мумкин эди-ку!» Тўртинчидан, яна ўзимга қарата дейманки: «Балким озодлик дақиқалари яқинлашиб келаётгандир-у, сен бундан беҳабар ўтиргандирсан...»



Шерали Турдиев

## «Ҳинд ихтилолчилари» фожиаси ҳақида

Ҳиндистон мавзуи ўзбек адабиётида Беруний, Абдураззоқ Самарқандий, Навоий, Бобур Мирзо, Фурқатдан тортиб, Ҳамза, Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Пиримқул Қодировгача давом этиб келмоқда.

XV асрда Навоий ҳинд ўлкасини «Кўп ғаройиб, кишвари кони ажойиб» деб, унинг гўзал табиа-ти, донишманд олиму сеҳргар шоирларини улуғлаган бўлса, XVI аср бошларида Бобур ўз «Бобурнома»сида Ҳиндистоннинг гўзал боғ-роғларию ҳайвонот дунёси, табиятини яна ҳам кенгроқ ва батафсилроқ тасвирлади.

Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда инглиз, Туркистонда чоризмнинг мустамла-качилик сиёсати кучайган бир пайтда бу мавзуни янги ижтимоий-сиёсий мазмун ва ғоялар билан бойитди. У Ҳиндистонда Европа илм-фани, техникаси янгиларининг ижобий таъсирини ёқлаш билан бирга инглизларнинг ёвуз мустамлакачилик сиёсатини кескин қоралади. Жумладан, у мустамлакачилар мусулмон болалари орасида заҳарланган ҳолваларни сотиб, уларни касал қилаётганликларини қаттиқ танқид қилган эди.

«Ва дигар Ҳиндистон вилоятларида мусулмонлар билан ҳиндулар орасида хусумат пайдо бўлиб, мусулмонларнинг ёш болалари ногоҳдин касал бўлиб ўлубдурлар. Мусулмон халқи муни таххус қилсалар ҳолванинг ичига заҳар солиб кўчаларда сотиб юрар экан». (Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг «Пайсайи ахбор» ном Ҳиндистон газетидин нақл қилиб ёзгон хаТуркистон вилоятининг газети», 1897, 28 ноябрь.)

XX асрнинг боши ва инқилоб арафаларига келиб, Яқин ва Урта Шарқ, Афғонистон, Эрон, айниқса, Ҳиндистон мавзуси М. Бехбудий, Ҳамза, Фитрат ижодидида кенг ўрин ола бошлади. Фитратнинг «Мунозара» (1909-1910), «Сайёҳ ҳинди» (1912) асарлари бу даврда жуда машҳур эди. С. Айнийнинг хотирасига кўра, «Мунозара» ўша йиллардаги ижтимоий муҳитга жуда кучли ва самарали таъсир кўрсатган. «Сайёҳ ҳинди»да ҳиндистонлик европача тарбия кўрган бир мусулмон зиёлиси Бухорога саёҳат қилади, у ерларда кўрган иқтисодий, ижтимоий қолоқликлар ва мусулмонларнинг оғир аҳволига ачинади. Бухорода ғайридин савдогарларга эътибор бўлгани ҳолда мусулмонларнинг камситилаётганлигига ачинади.

Фитрат Фурқат, Аҳмад Дониш ижодидида мавжуд бўлган илғор анъаналарни янги — ижтимоий-инқилобий ва миллий уйғониш даври тарихий шароитида янада кенгайтирди ва ривожлантирди.

Фитрат ижодида кўринган мустамлакачиликка қарши кураш ғояси Октябрь инқилобидан сўнг янада кучайди. Бу мавзу адибнинг «Шарқда инглизлар», «Шарқ сиёсати», «Афғонистон ишлари», «Йиғла, ислом» (1919) каби ижтимоий-сиёсий мақолалари ва «Чин севиш» (1920) ҳамда «Ҳинд ихтилолчилари» (1923) каби сахна асарларида кенг ёритила бошлади.

Фитратнинг бу асарлари С. Айнийнинг «Кун чиқариларга хитоб», Чўлпоннинг «Янги шарқ» (1919), «Шарқ уйғонди» (1923), Абдулла Қодирийнинг «Сиёсат майдонларида» (1924) сингари асарларига ҳамоҳанг жаранглади. Буларда Шарқ халқларининг ғарб мустамлакачилари ва уларнинг маҳаллий ҳомийларига қарши ўз озодликлари йўлидаги курашлари қўллаб-қувватланди. Бу курашда уларга Советлар Россиясининг ленинча сиёсати мададкор бўлишига ишонч руҳи мазкур мақола ва шеърларда устивордир. Фитрат «Шарқ сиёсати» мақоласида Бухоро ҳукуматининг Советлар Россияси илгари сурган янги шарқ сиёсатиға муносабатини баҳолаб, Бухоро амирлик ҳукумати тутган йўлни инглизларга сотилган бир сиёсат тарзида танқид қилади, уни шарқ тебранишларини бирлаштирмақ йўлида тўсиқ бўлиб турган бир тош сифатида фош этиб, «Шарқ озодлиги ҳаракати йўлидаги бу тошларни кўтармоқ иши буюк Русия Советлар ҳукумати зиммасига» тушишини қайд қилади, «Шарқдаги эрк учун тебранишларни бирлаштирмақ йўлида... тошларни кўтармоқ учун энг буюк вазифа Россия Советлар ҳукуматиға тушадир. Бу вазифани ўтамоқ учун куп-қуруқ баённомаларнинг унча осиги йўқдир... Мен Туркистон жумҳуриятининг иш бошинда бўлсам эди, бутун Туркистоннинг бор яроғларини тўплаб иккига бўлар ва бир қисмини Афғонистонга берар эдим, Мана ул вақт инглизларнинг Ҳиндистондан қочиб кетганларини кўрар эдик...», деб ёзади адиб. («Иштирокиюн» газетаси, 191V, 23 октябрь.)

Инглизларнинг Шарқдаги мустамлакачилик сиёсати, Арабистон, Афғонистон, Ҳиндистон му-

<sup>1</sup> Фурқат. Танланган асарлар, Т., 1959, II том, 157—158-бетлар.



сулмонларига қилган жабр-зулмлари Фитрат мақолаларида бевосита муаллифнинг кескин фикри, ҳукми, исёнкорлик ғазби ва нафрати тарзида берилса, «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» каби сахна асарларида адиб ғоялари қаҳрамонларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари ва тақдирлари орқали тасвирланади.

Ҳиндистонлик ватанпарварларнинг ўлкани инглизлар зулмидан озод қилиш орзуси ва бу йўлдаги интилиш ва курашлари ҳар икки сахна асарининг ғоявий асосини ташкил қилади. Фитрат Раҳимбахш, Дилнавоз, Каримбахш, Нуриддин ва Зулайҳо сингари ижобий қаҳрамонлари орқали Ҳиндистон миллий ихтилолчиларининг ватанпарварлик кураши манзараларини таъсирли ифода-лайди. Айниқса «Ҳинд ихтилолчилари» драмасидаги Раҳимбахшнинг Дилнавозга айтган сўзларида Ватанга, юртга муҳаббат туйғуси билан ундаги гўзаллик ва севи-муҳаббат тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги чуқур очилади.

Раҳимбахш Дилнавозга: «Юртни севаглар унинг тош-тупроқларини эмас, гўзаллик ва яхшиликларини севадилар... Айниқса, бир ёвни юртдан ҳайдамоқ, бир юртни ёв қўлида кўрмоқдан қийин эмасдир», — дейди. Фитрат драмаларида Ер ва Диёр муҳаббати ажралмасдир. Мазкур драмада ҳинд-ихтилолчиларидан бири қолақ фикрли мулланинг чиркин қарашларини қуйидагича фош қилади: «Сиз муллалар, Ҳиндистонни йилларча еб тўймоқ жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз, биздан узоқлашингиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, мазҳаб-да, дин-да қайтаролмас».

Ҳар икки сахна асарида иштирок этадиган руҳонийлар, инглизларнинг малайи Раҳматулло сингари қолақ фикрли, жоҳил кимсалар тараққиётни, эркинликни бўғишга уринадилар, адолат ва озодлик учунларини топтаб, йўқ қилишга беҳуда интиладилар. Улар ана шу қабоҳатлари туфайли ўқувчида фақат нафрат туйғуларини уйғотадилар. Раҳимбахш, Дилнавоз, Зулайҳо, Нуриддин ва бошқаларнинг ватанпарварлик интилишлари, мустамлакачилар ва уларнинг малайларига бўлган чексиз нафрати, чин инсоний муносабатлари эса китобхон ёки томошабинда меҳр-муҳаббат ва юксак ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини тарбиялайди.

«Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари»нинг асосий ғоявий йўналишини ташкил қилган ватанпарварлик, миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш ғояси 20-йилларда Арабистонда Каъбани ўққа тутиб бутун дунё мусулмонлари қаҳр-ғазабини келтирган инглиз империализмининг мустамлакачилик сиёсатини фош қилиш руҳи билан ҳам боғланиб кетган эди. Бу ният, айниқса, Фитратнинг «Йиғла, ислом» (1919) мақоласида чуқур ифодасини топган.

«Эй англизга сотилганлар, эй англиз тарафдорлари, эй англиз дўстлари бўлган мусулмонлар! Оврупаннинг «кўп тушунишли» ҳукуматлари бўлган англиз, француз ҳукуматлари бу кунгача ўзимизни эздилар, номусимизни тепдилар, гапирмадик! Миллатимизни сўқдилар, динимизга тил узатдилар, товуш чиқармадик! Энди пайғамбаримизнинг равзаларини тўпга тутдилар, бунга ҳам жим турсак эрта Каъбамизни ҳам йиқитарлар, индин Курьонимизни ҳам ёқарлар».

Айрим ғоявий зиддиятларига қарамай, Фитратнинг Ҳиндистондаги инглиз мустамлакачилик сиёсатини фош қилишга қаратилган жўшқин мақолалари, айниқса, «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» драмалари 20-йилларнинг бошларида Туркистон ва Бухоронинг кўп гўшаларида Саҳна-лаштирилди ва томошабинлар ўртасида кенг шухрат топди. Марҳум шарқшунос олим Лазиз Азиз-зоданинг эслашича, ҳар икки драма ҳам ўша даврларда ҳатто мустамлакачилар зулмидан озод бўлиш учун кураш олиб бораётган хорижий Хитой, Эрой, Ҳинд, Турк коммунистлари ораларида ҳам машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарлар Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари ва Чўлпоннинг лирик шеърлари каби 20-йилларда ўзбек, рус ва бошқа халқлар танқидчилигида эътиборни кенг тортган ва турли фикр-мулоҳазалар уйғотган эди. Жумладан, бу ҳақда биринчилардан бўлиб, Фитратнинг замондоши, машҳур ўзбек шоири Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) фикр билдириб, «Чин севиш»нинг дастлабки сахна ижроси, артистлар талқини ва асарнинг умумий аҳамиятига юқори баҳо беради. Чўлпон «Чин севиш»ни кўриб, «яқинда ўзбек сахнаси улуғ ва улуғлиги қадар юксак ҳам гўзал бир томоша (пьеса) кўрди, — деб фахрланади. — Бу улуғ фожианинг энг оғир вазифалари икки кишида эдиким: бири Зулайҳо, бири Нуриддиндир. Бу ролни (Нуриддинни — Ш.Т.) атоқли ўхшатувчимиз Уйғур — яхши ўйнади. Айниқса, учинчи пардада кўрсатган қиёфалари тўғри ва жонли эдилар... Ўзбек сахнаси ёшидир. Шунинг учун бундай зўр нарсалар балким оғир бўлур эди; шундай бўлатуриб, «Карл Маркс» тўдаси ўртоқ Уйғурнинг тинимсизлиги ва берилишлиги орқасида зўр нарсаларни ҳам сахнага чиқарди ва яхши муваффақ бўлди». («Иштирокию», 1920, 25 ноябрь.) Рус театр танқидчиси Б. Пестовский эса, Фитрат асарларининг Туркистондагина эмас, балки «Шарқнинг бошқа гўшаларида ҳам машҳурлиги, унинг баъзи асарларида дунёга қарашда ҳинд шоири Робиндранат Тагорнинг қарашлари сезилишини қайд этади. «Фитратнинг маълум пьесаларидан бириси «Чин севиш» бўлиб, кўп марта баҳо қўйилгандир. Пьеса ҳозирги кундаги Ҳиндистон ҳаётидан баҳс этиб, Англиянинг жосуси бўлган Раҳматуллохоннинг ҳаракати, ишлари билан бу кунги Ҳиндистон инқилобчиларини кўрсатадир.

Кейинги вақтларда Фитрат томонидан ёзилган «Ҳинд ихтилолчилари» — «Чин севиш» пьесасининг давомидир... Бош қаҳрамонлар: инқилобчи ҳинду ва унинг маъшуқаси — пьесанинг қаҳрамони ҳинду ҳам бир инглиз офицери бир қизга ошиқ бўлади. Инглиз қизни ўғирлаб қоцадир. Пьеса ўлим олдида турган қизнинг ҳинд инқилобчилари томонидан озод қилинуви билан тугаладир». («Инқилоб» журнали, 1922 й., № 3.)


Ўзбек адабиётшуноси ва танқидчиси Вадуд Маҳмуд эса «Ҳинд ихтилолчилари»нинг айрим образлари, тасвирлар ва руҳоний типлар таҳлилига кўпроқ диққат қилади. «Асарда тасвирлар, ҳаяжонлар анча тузуқ ва мукаммал. Айниқса, Раҳимбахш ва Дилнавознинг сўзлари жуда таъсирлиқдир», — дейди. Иккинчи пардадаги муллалар тасвири ҳақида, «бу асарда энг мукаммал чиққан тип шудир. Сўзлари чиндан ва ўзига муносибдир. Ёзувчи ҳақиқатан шу мулла типига жон бера олган. Зотан, Фитратнинг истар форсча, истар туркча асарларида турмушга ва ҳақиқатга мувофиқ тасвир этилган бир тип доимо мулла, мударрис типидир», — деб ёзади («Туркистон газетаси», 1923 йил, 19 октябрь). Берлин дорифундуни фалсафа бўлимининг талабаси, туркистонлик адабиёт шинавандаси Аҳмад Шукрий бўлса Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» асарини Ҳусайн Жовиднинг «Шайх Санъон» асари билан қиёслаб, Фитратни «улуғ реалист» дейди ва бунинг исботи учун у ҳар икки асар қаҳрамонлари тақдирларини қиёслайди: «Жовид афанди драмасининг қаҳрамони Шайх Санъон Арабистондан Кавказияга келганида ишга тутиладир-да, йилларча чўчка боқади.

Сўнгра маъшуқаси Жамар билан тоғлар орасинда севги йўлида жон берадилар. «Ҳинд ихтилолчилари»нинг қаҳрамони эса ватани куйида ўзгарувчиликни қабул этуб Канкор тоғида мағорлар ичида яшаб, ватан ёвларига қарши урушадир, сўғишадир». (Аҳмад Шукрий. Турк адабиётида идеализм ва реализм, «Кўмак» журнали, Берлин, 1923, 1-сон, 13—14 бетлар.)

Фитратнинг бу асарлари татар, озарбойжон, уйғур ва бошқа халқларга мансуб олим ва ёзувчиларнинг ҳам диққатини ўзига тортди. Жумладан, татар шоири ва адабиётшуноси Зариф Башарий 20-йиллар охирида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Боту каби машҳур ўзбек шоир ва адiblари асарлари қаторида Фитрат драмаларига ҳам юксак баҳо беради. У 1929 йил Қозонда босилган Ўзбек адабиёти антологиясида «Чин севиш» драмасининг аҳамияти ҳақида кенг тўхталади: «Унинг Октябрь революцияси бўлиши билан майдонга чиққан «Чин севиш» деган сахна асари ҳайратомуз кучли ва санъат жиҳатдан юксакдир. Бу асар Ҳиндистонни Англия қуллигидан қутқазиш учун бирдан-бир йўл қилиб, ҳинд халқининг исёнини, Ҳиндистоннинг ўз ихтилосини тақдим қилади».

Лекин шунга қарамасдан 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида Сталин шахсига сиғинишнинг кучайиши билан Фитрат драмалари ҳам танқидчиликдаги вульгар социологик оқим таъсири остида ноҳақ равишда миллатчилик руҳидаги асар деб эълон қилинди. Муаллиф қонли репрессияга учради, бутун ижоди қатағон этилди.

Фитратнинг номи ва машҳур асарлари узоқ йиллар тилга олинмади. Шахсга сиғиниш оқибатлари тугатила бошлагандан кейингина кўплаб бегуноҳ қурбонлар қатори Фитрат ҳам оқланди. Адибнинг айрим ҳикоялари, шеър ва драмаси («Абул Файзхон») қайта нашр этилди, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида янги-янги мақолалар ёзила бошланди. Ҳозир унинг мероси тўпланиб, нашр этиш арафасида.



Абдурауф Фитрат



(Беш пардали фоғина)

## КИМСАЛАР:

Раҳимбахш  
Дилнавоз  
Лолаҳардиёл  
Уқунар  
Мавлоно Нўмон

— ҳиндлик ўқиғон бир йигит  
— ҳиндлик бир қиз, Раҳимбахшнинг севгани  
— ҳиндлик қаландар (дарвеш)  
— Лоҳур шаҳрининг пўлис бошлиғи (инглиз)  
— ҳинд, Афғонистон чегарасидаги Бунир кўрғонининг бошлиғи, бир мавлоно  
— Мавлоно Нўмоннинг хизматчиси  
— инглиз жосуси

Ғулом Наби  
Марлинг  
Абдусубҳ  
Файзи Аҳмад  
Бадринат  
Дийнанат  
Орномсинх  
Фазлиллоҳ  
Маҳмудхон  
Раду биби  
Пўнтар  
Порлинсун }

## Ҳинд ихтилолчилари

— ҳиндлик хотун, Уқунарнинг хизматчиси  
— инглиз мингбошилари

Тиланчи хотун, экинчилар, инқилобчилар, ишчилар, пўлислар, бир юзбоши, қоровуллар.

## БИРИНЧИ ПАРДА

[Эрта билан] Лоҳур шаҳри ёқасида ям-яшил, кенг бир ўлан, гул буталари, арғувон ёғочлари ҳар ён очилғон, Раҳимбахшон кўкламлар узра узаниб ётгон. Оқ, «қисқа камзул», тўбани тор, усти кенг бир иштон кийган. Бошинда ҳинд фўтаси<sup>1</sup>, оёғинда «пайзор» (ҳинд кавши).

Бир ёнда Дилнавоз гул териб турадир. Гул буталари орасинда сайраб тургон бир бўлбулнинг ёниқ, қайноқ товуши саҳнадаги жимжитликни титиб юбормоқда. Уй (тушунча) денгизда тўлиб қолган Раҳимбахш бўлбулнинг тингани билан ойилғон<sup>2</sup> бўлуб, бошин кўтарур, руҳи юксалган сари кўз тикар: шу дардлашмани сайрар:

Мунгли булбул, мунгдош бўлдик, кел, сайра,  
Бир қип-қизил гулга мен ҳам тутилдим:  
Тинмоғур қуш, қайғудошлик қилайлик,  
Менда сендек юрагимдан урилдим,  
Сен тебраниб ўртангин,  
Мен йиқилиб инграйин.  
Сен ўтли ун чекарда  
Мен қонли ёш тўкайин.

<sup>1</sup> Фўта — ипак ўрам белбоғ (гоҳо буни салла ўрнида ҳам ўралади).

<sup>2</sup> Ойилмоқ — ҳушга келмоқ, ўзига келмоқ.

(Булбул бир оз сайраб тинар, Дилнавоз кўлидаги гулга қалин бир бойғунлик билан қараб шул кўшиқни ўқир.)

Сўйла, гулим. Яширмағил недирса дардинг,  
Яраланмиш юрак, нечун қизардинг?  
Кимлар сени бу қоп-қора ерга юборди,  
Бу дунёда йўқ экан нелар қилардинг?  
Нега сени чулғаб олди бунча тиканлар?  
Нечун чиқди юрагиндан юзга бу қонлар?  
Сен билан мен яраланиб ётибмиз,  
Бу чаманда шодлик берган кимлар эканлар?

(Булбул бир оз сайраб тинар)

**Раҳимбахш.** Малаклар боғининг чечаги, чечаклар дунёсининг қуши, кел, оёғинга тўкилғон шунча қонли юракни қўйиб, гулни терасан? Юртингда кесилиб турғон шунча ёзуқсиз<sup>1</sup> бошни унутиб чечаклар биланми дардлашасан?

**Дилнавоз.** Нетайин? Шуларни-да инглизлар учунми қўяйин. Бутун дунёни олиб тўймағон инглизлар уларни-да олсунларми? Чечак билан дардлашганимни сўрайсан. Демак юрагимда дард борлиғин биласан, юрагимдаги дард: юртимда ёзуқсиз кесилган бошларнинг дарди эмас, надир? Нега маломат қиласан?

**Раҳимбахш (ўйлар).** Нозли малак. Қонли юраклардин гапирмайин, кесилган бошлардин сўз очди, демак: биринчисина аҳамият берилмайдир. (Сўйлар.) Йўқ... Қўйма. Унларни инглизлар олмасун, ҳинднинг гулини эмас, бир тиканини ҳам инглиз учун қўйма, бу ернинг гулини-да, булбулини-да, илонини-да, тиканини-да уларга берма, шу тиканлар билан уларнинг бағриларини теш, илонларига кўнгилларини чақтир, булбулларининг нозли чўқуғучлари билан кўзларини чиқар.

Инглизга «дунёни олиб тўймағон, дединг...», тўғри. Ҳайвонлар орасинда тўйганим билмагани учун ем ёнинда ёрилиб ўлгани кўп бўлур, буни ҳам унутма.

Сўзни кўп узатдим, ҳайда кел, чечакдан яратилган малак. (Ерни кўрсатиб.) Шу ерда шундай узан, бошингни кўкрагимга қўй, юрагимнинг ўртана-ўртана сўйлаган севги қўшиқларини тингла. (Дилнавоз кўлидаги гулни юрагига ёқинлаштириб Раҳимбахш сари юрар.)

Кел, шунда ўтир... Маним-да кўнглим бир дақиқалик саодат чоғи кечирсин.

(Дилнавоз келиб ўтирғоч.) Сўйла, малагим.

**Дилнавоз.** Севасанми мени?..

**Раҳимбахш.** Ишонмайсанми? Кел, юрагимни тингла, виждонимни сўйлат.

**Дилнавоз.** Тилингда эшитмоқ истаймен.

**Раҳимбахш.** Тил — севги ўлкасинда тилмоқчилик этолмас. Кўп кишилар ўз севгиларини тил билан бошқача кўрсатмоқ истайлар ҳамда кўрсата олалар. Бир кишининг сезгүларини тил орқали англамоқ истасанг алданурсан.

**Дилнавоз.** Мени Ҳиндистонни севганингча севармисан?

**Раҳимбахш.** Шунчами ушоқ<sup>2</sup> тушунишли сен. Ҳиндистонни севганим сени севганим эмасми?

**Дилнавоз (юрак тебранишлари остинда).** Ҳинд улусин севганинг каби.

**Раҳимбахш.** Бола... шуни билиб қўй. Юртини севганлар унинг тош-тупроқларини эмас, гўзаллик, яхшилиқларини севарлар, улус йўлинда жон берганлар унинг соқоли, чопони учун эмас, ортиқлиғи, фазилати, тарихи учун ўларлар. Сен ҳам юрт, улусимнинг, яхшилиқ, ортиқлик ҳам фазилатларининг бири, биринчиси сен эурсан. Уларни севганим — сени севганимдир.

**Дилнавоз.** Демак, мени чиндан севасан.

**Раҳимбахш (қойнаброқ).** Чиндан севаман, юракдан севаман, жондан севаман, виждондан севаман. Меним юрагимдаги севгини кўрсатмак учун севиш сўзи оздир. Топинаман сенга...

**Дилнавоз (йиғлаёзиб).** Мен севаман сени... Мен-да топинаман сенга. (Бир-бирларининг руҳларини тинглаган каби жим турадилар. Бир оздан кейин булбул сайраб юборур. Иккала ўртоқ, булбул товушининг титроқ кўтарилиши остинда бир дақиқалик «роҳати ҳол» кечиралар. Булбул тинар.)

**Дилнавоз.** Раҳимбахш, ҳорғин ҳолда турар), иккимизда тупроқ дунёсиндан, тан ўлкасиндан ажрасак, дунёнинг қайғуларини эмас, шодликларини-да унутсак ер узра бор кўрқувларнигина эмас, умидларни ҳам ташласак, қўлни-қўлга берсак, шу ёниқ қушнинг титроқ товушина эргашсак, биз ҳам титраб-титраб юқориларга тўғри юксалсак — юксалсак-да, у ерларда ҳам тинчлик кўрмагач, яна шу товуш каби чексиз бўшлиқлар аро йўқолиб кетсак... булар бўлмас экан, дунёнинг бир четида мана шу гул билан булбулдек иккаламизгина ўтириб қолсак, кимсанинг бизга ҳеч иши бўлмас...

<sup>1</sup> Ёзуқсиз — айбсиз, гуноҳсиз.  
Ушоқ — майда, тор.

**Раҳимбахш** (йиғлаёзиб). Дилнавоз. Гўзалсен. Эссизларким, ҳинд чечаги термоқ учун шу ерларгача келиб юрган инглиз йигитларининг кўзлари сенинг юзинга-да тушар.

**Дилнавоз** (ҳайиқиб). Тушса нима бўлур?

**Раҳимбахш**. Нима бўлурми? Қуръон бетиға ҳайвон оёғи тегмак нима эса, ҳинд қизининг юзига инглиз кўзи тушмоқ ҳам шудир.

**Дилнавоз**. Нима демак? Сен ҳинд қизини ўзин инглиз бошмоғиндан сақлай олмас дебми биласан? Ҳинд қизининг кўзи шишаданмидурким, инглиз яратғувчилиғининг шунча қонли изларини кўрмасин? Ҳинд қизининг юраги тошданмидурким, оёқлари остинда қолиб эзилган эл виждонининг ярали лочинларча қичқирғонин сезмасун?! Бу кун бу ўлкада уларнинг юзларига қараб кулгучи бир қиз эмас, бир ит ҳам топилмас. Буни билиб қўй!

**Раҳимбахш**. Уни биламен, малак. Сиз инглиз юзига қарарсиз демадим. Унлар сизга қарарлар. Дардим шу.

**Дилнавоз**. Биз биламиз, уларнинг бизга қарашлари кўзларимизни чиқармоқ учундир. Уларнинг бизга кулишлари йиғлатмоқ учундир. Шунинг учун уларнинг қарашлариға-да, кулишлариға-да, олданғучи кимса орамизда йўқдир. Ишониб қол!

**Раҳимбахш**. Бунга ишонғонмен, гулим.

**Дилнавоз**. Ишонғон эсанг битди.

**Раҳимбахш**. Йўқ, битмади. Тушунган кўнглимини қайғуси битмас.

**Дилнавоз**. Яна нима қолди?

**Раҳимбахш**. Меним дардим бошқа.

**Дилнавоз**. Сўйла.

**Раҳимбахш**. Уларнинг сизга қарамоқларини истамаймен.

**Дилнавоз**. Ҳо-о... Англадим. Шаҳар хотинлари каби мени ҳам қопга<sup>1</sup> солдирмоқчимисен.

**Раҳимбахш**. Унча онгсиз эмасмен. Бурга учун кўрпани ўтга солмам. Ҳайвон тумшуғи тегмасин деб, чечакни оғилга тикмам. Хотинлар қамалсалар тарбиясиз қоларлар. Тарбиясиз хотинлар улуснинг ўлими учун йўл очарлар. Гулни ҳайвондан сақламоқ тегиш. Бироқ, унинг учун гулни ерга кўммак эмас, ҳайвонни боғлаб қўярға керак. Сизни ҳам ҳайвон ҳавасли йигитлардан сақламоқ истаганлар: ўзингизни чиритмак ўрнинда уларни бироз тарбия қилсунлар.

**Дилнавоз**. Инглизларни қандай тарбия қилурсан?

**Раҳимбахш**. Инглизнинг энг яхши тарбияси уни Ҳиндистондан қувмоқдир.

**Дилнавоз**. Қулайми бу?

**Раҳимбахш**. Ишнинг қулайини ахтармоқ ялқовликдир. Қулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк, унумли ишлар қулай-да бўлмас.

Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ, ер юзини ўз қора қанотлари остиға олғон бир олбастини йўқ этмоқдир. Қулай бўлмас, нима бўлса ҳам бир ёвни юртдан ҳайдамоқ, бир юртни ёв кўлида кўрмакдан қийин эмасдир.

**Дилнавоз** (севинч ҳам қайғу орасинда). Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ.

**Раҳимбахш**. Эзгу ишларнинг биринчисидир.

**Дилнавоз**. Буюк...

**Раҳимбахш**. Ҳар нарсадан буюк.

**Дилнавоз**. Эзгу...

**Раҳимбахш**. Ҳар ишдан эзгу.

**Дилнавоз**. Қуръонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдек буюк.

**Раҳимбахш**. Чўчқани масжиддан ҳайдаш каби эзгу.

**Дилнавоз**. Ҳо...

**Раҳимбахш**. Қайғурма...

**Дилнавоз**. Бўлурмикин?

**Раҳимбахш**. Нега бўлмасин?

**Дилнавоз**. Кўпдан ишонғум келмайдур.

**Раҳимбахш**. Гўзалим, тингла, бизни шу кунларда тушурган нарса мана шул ишонч-сизлиғимиздир. Ўз кучига ишонмаган эл, кураш майдониға киролмас, кирса ҳам йиқилур. Ишонмаганлар ишонганларни енгаолмаслар.

**Дилнавоз**. Кучимиз борми дерсан?

**Раҳимбахш**. Тўрт юз миллион ҳинд улуси<sup>2</sup> куч эмасми?

**Дилнавоз**. Уни куч саноғанда бутун мусулмон дунёси ҳам инглизга қарши бир куч бўлса керак.

**Раҳимбахш**. Албатта.

**Дилнавоз**. Бундай кучга ишонмоқ янглишдир.

**Раҳимбахш**. Нега?

**Дилнавоз**. Раҳимбахш, тушун. Инглизга қарши бир куч деганин ҳинд улусини-да, мусулмон дунёсини-да кўз олдинга келтириб қара. Нималар кўрасан: кишига ўхшаган

<sup>1</sup> Қоп — бу ерда чодра, паранжи маъносиди.

<sup>2</sup> улус — эл, халқ

бир йиғин жонли нарсалар. Миялари томуғ<sup>1</sup> пучмоқ<sup>2</sup> лариндан қоронғуроқ. Кўзлари оёқ остидан нарироқни кўрмайдир. Юзлари кейинга қайтғон, кейинга қарайлар. Жон озуғин, кўз ёруғин кейиндан ахтаралар. Олға босмоқ, келгусини ўйламоқни «куфр» деб биларлар, миялари эски, тушунчалари эски, қарашлари, қилиқлари эски, эскиликка топинарлар. Энг буюк кишилари: ўлик. Энг тўғрили ерлари: мозор. Яшамоққа топиналар, одамларча яшамоқ йўлини ахтармайлар. Бутун дунё буларни таламоқ учун бирлашган экан, унлар талавдан қутулмоқ учун бирлашмайлар. Мусулмон дунёси нари турсун, бу кун ҳинд инқилобчилари орасинда ҳам «бирлик», «келишув» деган нарсалар йўқ. Бундай бир кучга ишонмоқни қўябер, бундай бир йиғинга «куч» демак бўшдир.

**Раҳимбахш.** Бунча умидсизланма. Улусимиз зулм остиндадир, бирлашмаги қийин эмас. Зулм мазлумларни бирлаштирмоқ учун энг буюк бир қуролдир.

**Дилнавоз** (узоққа қараб). У ким?

**Раҳимбахш.** Ким? (Бошини кўтариб қарар). Лолаҳардиёл.

**Дилнавоз.** Шу киши тўғрисида нима дейсан?

**Раҳимбахш.** Буюкдир.

**Дилнавоз.** Шунга юракдан ҳурматим бор.

**Раҳимбахш.** Ҳурматга арзийдир.

**Дилнавоз.** Узи эса мажус.

**Раҳимбахш.** Инсонлик, мажуслик ё мусулмонликка қарамайдир. Лолаҳардиёл инсондир.

**Дилнавоз** (йўлга қараб). Мана келди. (Раҳимбахш қарар, Лолаҳардиёл келар. Иккаласи еридан кўпар.)

**Лола.** Нишлаб турасиз, ушоқлар?<sup>3</sup>

**Раҳимбахш.** Шундай дардлашиб турамыз.

**Лола.** Бир-бирига яқин икки юракнинг дардлашмаги учун мана шундай тип-тинч ерлар керак.

**Дилнавоз.** Табиат кўринишларини тамошо қиламиз, бобо.

**Лола.** Севишган икки юракнинг мана шундай баҳор қучоқларинда тинглашмоқлари тамошоларнинг энг буюгидир (Дилнавоз уялур). Уялма, қизим, севишмак уят эмас, юрак — юрак экан, севмак, севилмак истар. Севгусиз қолғон юрак, сувсиз қолган балиқ кабидир. Унинг ҳар тебраниши бир жон чекишдир. Ер юзини тўлдирган бўш жанжаллардан, олдамчилик негизига қурилғон келишмакликлардан, ғараз қотишган бирликлардан, ҳасад уруғи махташлардан йироқлашибсиз. Табиатнинг тип-тиниқ кўринишлари орасинда турибсиз. Юракларингиздангина кўпиб чиққан сўзларингизни тинглашасиз. Бу оз бир саодат эмас. Қуллуқ бўлсин сизга. (Бир оз тинар, ўйлар, қўлларини иккаласининг умузларига<sup>4</sup> қўйиб саҳнанинг ёқасига келтурур. Иккаласига ҳам турганча қароғондан кейин оғир-оғир сўйлар.)

Уртоқлар, Сизнинг бу ҳолингизни саодат дедим, ҳам қутладим, олданмангиз. Бундай бир саодат сизда келган бўлса ҳам дунёнинг турли қайғулариндан, турли сезгүлариндан айрилиб бундай тип-тинч ерларда жим-жим ўтурмоқ қийиндир, тириклик тебраниш демакдур. Турғунлик эса ўлимдир. Ернинг, кўкнинг юлдузлари билан кўёшнинг борлиқлари тебраниш узра қурилғондир. Тебранмагач буларнинг бари йўқдир. «Турон сандуғоч»имиз<sup>5</sup> шу тоғлар, булутлар каби югурмакдадирлар. Бутун дунё тебранар экан, сизнинг тебранмай туришингиз бўлурми? Тирик экансиз, тебранурсиз. Тебранмас экансиз, ўларсиз! (қаттиқ) Юртимиз ёниб турадир. Улусимиз эзилиб битди, эшитасизми?

Бу кун бу ўлкадан қўйдан ортиқ одам кесиладир. Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдир. Масжидда намоз учун йиғилганлар — сиёсий йиғин ясагон бўлиб тўпга боғланар, эр бирлан хотин ўзаро кўпроқ гапирганда ҳукуматга қарши бўлиб дорға осилалар. Бу кун, устидагина шу ўлкага қарағанда йиқилғон шаҳарлар, ёндирилғон қишлоқлар, таланғон уйлар, кесилгон бошлар, осилғон гавдалар, тўкилғон қонлардан бошқа бир нарса кўрмаймиз. Яқиндан танишмоқ учун ичкарироқ кирганда: қочирилғон қизлар, пардасизланган хотинлар, бир-бирининг этини еган очлар, ҳўрлик кўрган буюклар, сўкиш эшитган бошлиқларнинг қонли ёшлари, мунгли бошлари, тутунли оҳлари, ўтли инграшлари олдимиздан ясов тортиб ўтадир.

Шу қип-қизил гуллар юртимизнинг қон йиғлаган кўзларида сиздан иш кутадилар. Шу ям-ашил ёғочлар улусимизнинг ўлими учун тикилган мотам белгиларидир, сиздан кўмак тилайдир. Шу кичкина булбул ҳам жон чекишган кимсасизларимизнинг марсиясини айтадир. Сизнинг қонларингизни қайнатмоқчи... Шулар орасинда тинч турмоқ, сағана бошида чоғир<sup>6</sup> ичмакка ўхшайдир, ярашмайдир. Шуларнинг кўмагига-эришмоқ учун ишга киришингиз, тебранингиз. Тебранмас экансиз, ўлимингизни кутингиз (иккала-

<sup>1</sup> томуғ — дўзах.

<sup>2</sup> пучмоқ — бурчаги, ўрни.

<sup>3</sup> ушоқлар — болалар.

<sup>4</sup> умуз — елка.

<sup>5</sup> сандуғоч — булбул.

<sup>6</sup> Чоғир — май, шароб.

сига қарагандан кейин) қайғуртдим сизни. (Кетмоқчи бўлиб қўлларини уларнинг умузларидан олар.)

**Дилнавоз** (ҳолсизча). Турингиз.

**Раҳимбахш**. Кетмангиз.

**Лолаҳардиёл**. Етар, энди соғ бўлингиз. (Чекилар, илдам чиқар.)

**Дилнавоз** (ҳолсизланган). Уф-ф...

**Раҳимбахш**. Сенга нима бўлди, гулим?

**Дилнавоз**. Менга бир оғирлик келди. Утирайлик. (Утира бошлар.)

**Раҳимбахш**. Утир, малагим. (Иккисида ўтирурлар.) Нима бўлди? Нега оғирлашдинг?

**Дилнавоз**. Лоланинг ўткир тилидан чиққан ўткир сўзлари юрагимни тутунга чулғатди.

**Раҳимбахш**. Лоланинг сўзларида юрак қора қилғучи нарса йўқ эди-ку.

**Дилнавоз**. Бор эди, ҳам кўп эди.

**Раҳимбахш**. Мен эшитмадимми?

**Дилнавоз**. Эшитдинг, англадинг (юзига қараб). Боқ, мингизинг сарғайиб қолмиш. Рухинг қийнолғондир, мендан яшинтурасан.

**Раҳимбахш**. Ишон, малагим. Лоланинг сўзларинда қўрқинчли бир нарса йўқ эди. У бўлиб турғон ишларни сўйлади.

**Дилнавоз**. Йўқ, йўқ. У бизга кўп нарсани англатмоқчи бўлди ва ҳамда англатди. Ҳиндистонда бўлиб турғон ишларни кўрсатди. Сизнинг бошингизга тунлар келгусидир, деди.

**Раҳимбахш**. Утинаман. Ўзингни тетик тут.

**Дилнавоз** (юрагини тутиб). Уф-ф... Эзилдим... Лола нелар сўзлади?

**Раҳимбахш**. Тангри учун, кўй шу сўзларни.

**Дилнавоз**. Унинг сўзлари тубсиз эмас. У билмасдан сўйламайдир.

**Раҳимбахш**. У бир нарса сўйламади.

**Дилнавоз**. Сўйлади, кўп нарса сўйлади.

**Раҳимбахш**. (узоққа қараб). Улар ким?

**Дилнавоз** (ўзини йиғиштириб). Ким келди?

**Раҳимбахш**. Қишлоқлилардан икки киши эмиш, экин бошига борарлар.

**Дилнавоз**. Киши шулардай бахтли бўлса.

**Раҳимбахш**. Кимса булардек бахтсиз бўлмагай.

**Дилнавоз**. Қиладиган бутун ишлари кишилик дунёсини тўйғизмоқ учун.

**Раҳимбахш**. Уларнинг бутун емиши кишилик дунёсининг ёвларига борадир. Бояқишлар, кишилик дунёсининг эмас, ўзларини ҳам тўйдиролмайдилар. Ох, шу бахтсизлар учун-да қутулиш кунни бормукин? (Икки экинчи келар. Бири қари, бири ўрта ёшли. Ўрта ёшлининг умузи узра бир кетмон.)

**Қари**. Салом алайкум... эсонмисиз, Раҳимбахш соҳиб. Дилнавоз биби-ку, соғмисан, қизим?

**Дилнавоз**. Эсонмисиз, бобо?

**Раҳимбахш**. Ҳорманглар.

**Қари**. Бор бўлғайлар, йигитларим.

**Раҳимбахш**. Қани, қаердан?

**Ўрта ёшли**. Сув бошида эдик, ерларни суғордик. (Кўкламликка тамошо кўзи кездириб.) Қандай яхши ўрин топиб ўтирибсиз?

**Раҳимбахш**. Нима қилайлик... қани, буюрингиз, ўтиришайлик.

**Ўрта ёшли**. Хўш, биз кетайлик. Чарчаб қолдик.

**Қари**. (йўлдошига). Жоним, чарчаб қолдик, дейсан, яна кетмоқчи бўласан. Кишининг жонини оласанми? Бир оз ўтириб кетсанг на бўлур?

**Ўрта ёшли**. Яна сенинг лақмалигинг тутди. Ҳайда, ўтирайлик. (Кетмонини олдига қўйиб ўтиради.)

**Раҳимбахш**. Утирингиз бир оз.

**Қари**. Е пирим-эй (ўтирар). Дилнавоз, қизим, қалайсан?

**Дилнавоз**. Шукр, бобо.

**Қари**. Оғанг қаерда?

**Дилнавоз**. Кеча шаҳарга кетган эди.

**Қари**. Тангри ёрлақасин. Отанг кўп яхши ўртоғимиз эди. Мана, худди шу ерларда соатлаб ўтирар эдик. Ундаги тиниқ юрак, очиқ юз, тотли сўз кимсада бўлмас.

**Раҳимбахш** (Дилнавознинг кўз ёшларини артганини кўргач). Нима хабарлар бор дунёда, ота?

**Қари**. Ҳеч хабар йўқ-ку.

**Ўрта ёшли**. Ўтган кун шаҳарга оғалиқниқига борғон эдим. 3—4 кишига гапириб турган экан, қизиқ-қизиқ нарсалар сўйладилар.

**Раҳимбахш**. Нелар айтдилар, қани?

**Ўрта ёшли**. Билмам, ким бор экан. Укаси билан Олмония<sup>1</sup> дан кўп ақча олиб келган

<sup>1</sup> Олмония — Германия

экан. Булар Боғистонда турар эканлар. Тилаклари Ҳиндистонни қутқармоқ экан. Боғистонда босмахонаси бор экан. Лоҳурда бир дорихона очган эканлар. Улусга текин эм<sup>1</sup> берар эканлар, ишлари кўп...

**Ҷари** (унинг сўзини кесиб). Қўй... эканлар, эканлар деб жонимни чиқардинг. Эканлар-меканлардан кўп эшитдик.

**Урта ёшли.** Нега қўймайсан... Эшитганимни айтай-чи, бизнинг Раҳимбахш соҳиб ҳам шул Фарангистонларда юриб ўқиди, қани шу сўзлардан нима англади?

**Ҷари.** Бай-бай, эшитганинг бор экан, дея. Мен кичкинагина чақалоқ эдим, шул сўзларни эшитар эдим. Улар бор экан, булар йўқ экан. Улар борғон экан, шулар келғон экан, қулоқларим шу экан-мекандан тўлғонар эди. Бу кун олтмишга кириб мен эшитиб турганим яна шу.

**Урта ёшли.** Нима бўлсин, қани?

**Ҷари.** Узлик камаримизни етти ердан боғлаб (кетмонини кўтариб) мана шу билан унинг бошини эзмасак, ташқаридан келиб, бизни қутқармас. (Кетмонни қўйиб) Бу нима гап, жонимиз чиқди. Тинчлик деган нарсани унутиб қўйдик. Эрта-кеча борлиғимизга, ҳеч биримизга ҳеч биримизнинг кўнгли тўлмайди. Бундай тирикчиликни нима кераги бор? Чиқайлик ёки яшайлик. Улиб кетайлик. Ё ўлдириб битирайлик. Бошқа чора йўқ. (Йўлга қараб.) Мана биттаси келди. (Ҳаммалари қарарлар.)

**Урта ёшли.** Битта эмас, тўртта.

**Ҷари.** Ҳамда отли.

**Раҳимбахш.** Булар ким?

**Ҷари.** Ким бўлур? Инглиз. Оғайниларимиз дема.

**Дилнавоз.** Бу ёққа келмагайлар. Отларини сақлайдилар.

**Урта ёшли.** Отдан тушадилар-ку. Бизгами ишлари бор? Отларини қонтардилар.

**Раҳимбахш.** Шу ёққа келадир. (Экинчиларга.) Сиз туриб шу оралиқ билан кетингиз, тўртаимизни бир ерда кўрганда, ҳукуматга қарши яшурин кенгашасиз, деб тутарлар. (Дилнавоз шу ёққа қараб турар.)

**Урта ёшли.** Бу кетмонни кўрса, куним битди. Яшурин кенгашимиз ёроқли ҳам бўлур.

**Ҷари.** Кетсак, баримиз кетамиз.

**Раҳимбахш.** Бу ерда киши ўтирғонини кўрдилар. Баримиз кетсак, кетимиздан қуварлар.

**Ҷари.** Биз сизни ташлаб кетмаймиз. На бўлса бўла берсин. Сиз кетингиз, биз турайлик.

**Раҳимбахш.** Утинаман, кетингиз. Сиз ботроқ қочсангиз, биз ҳам қутуламиз.

**Урта ёшли.** Майли, ундай бўлса кетайлик. (Кетмонини олур.)

**Ҷари.** Ҳай. (Иккаласи-да ярим кўпубгина ўзларини паналикка олурлар.)

**Дилнавоз.** Биз ҳам кетсак-чи.

**Раҳимбахш.** Баримизнинг кетишимиз яхши эмас.

**Дилнавоз.** Нега?

**Раҳимбахш.** Орқамиздан қуварлар.

**Дилнавоз.** Нега қуварлар?

**Раҳимбахш.** Улар негани билмайлар.

**Дилнавоз.** Нечун уларни қўйиб биз кетмадик?

**Раҳимбахш.** Кетмонлари бор эди. Яроқ ташиғон бўлуб қийналар эдилар.

**Дилнавоз.** Кетмон яроқми?

**Раҳимбахш.** Уларга қарши тирноғимиз-да яроқдир.

**Дилнавоз** (секингина). Мана келди.

**Раҳимбахш.** Қўрқма.

**Бир оздан кейин юзбоши Уқунар уч пўлис билан келар.**

**Уқунар** (Дилнавозни кўргач, ўйлар). Оҳ... бу ерда экан, бироқ бу йигит ким? (Сўйлар) Кимсиз? Бу ерда нешлаб турасиз? (Дилнавоз билан Раҳимбахш турарлар.)

**Раҳимбахш.** Биз шу қишлоқдан, шунга гапуриб турибмиз.

**Уқунар.** Ҳукумат яшурун ерларда йиғилишмоқни қатағон қилғон, англағонингиз йўқми?

**Раҳимбахш.** Биз бир қишлоқни болалари, бир-биримизга қўшни... уйда, далада, экин бошида, сув ёқасинда, ҳар ерда ўтуруб гаплашамиз, бизнинг ўтурушимиз яшурунча эмас. Ҳукуматга хатарли-да эмас.

**Уқунар.** Зарарли эмас? Ҳукуматнинг буйруғина қарши турасизми? (Пўлисларга) Тутингиз буларни. (Пўлислар иккаласини ҳам тутар.)

**Раҳимбахш.** Бизни нега тутасиз?

**Уқунар** (бир пўлисга). Сен бу йигитни қишлоқ қоровуллиғига элиб топшур, шаҳардан сўролгонча қамаб қўйсин. (Қолғон икки пўлисга.) Сиз бу қизни отингизга миндингиз, шаҳарга элтасиз. (Пўлислар уларни ҳайдаб чиқарлар.)

**Дилнавоз.** Йўқ... мен ёлғуз бормам. Нима қилсангиз иккимизни қилингиз...

**Пўлис.** Юр... (Силтаб юргизар.)

<sup>1</sup> эм — даво.



Раҳимбахш. (Ачинарли.) Юзбоши. Шу ишни ҳам қоида юзасидан қиласизми?  
Пўлис. Кўп гапурма... (Силтар. Бариси чиқарлар.)  
(Гарда тушар)

#### ИККИНЧИ ПАРДА

**И** (Кундуз. Бунир қўрғонида Мавлоно Нўъмоннинг уйи. Уй шарқ йўсули ясалғон. Этагида буюк Эрон холилари ёйилғон. Деволларига арабча ёзувли лавҳалар, эски қиличлар, ўн биротар англиз милтиқлари, тўппончалар осилғон, тўрдаги бир арслон терисинда Мавлоно Нўъмон оқ салла, қора жуя кийиб ўтирғон. Қўлинда сариғ қоғозли бир газет ўқийдир).

**Мавлоно Нўъмон** (Газетани қўйиб). Қизиқ кунлар бўлиб қолди. Киши ўз фойдасининг қаёнда бўлғонини кесдурма қилиб била олмайди. Бу Абдусуббуҳлар Олмониядан келиб ишга қириндилар. Ишлари ҳам ёмон эмас каби, бизга ваъдалар берарлар. Ҳиндустонни англизлардан қутқарғоч, ишни мусулмонларга топшурумиз дейлар. Бизга ҳам катта бир ҳукумат иши топшурмоққа сўз берарлар. Анча-мунча суюрғол<sup>1</sup> бердилар. Биз ҳам буларнинг сўзиға ишониб кўмак бериб турамин. Буларга ишонганингиз ҳам тузук. Олмония катта бир давлат. «Халифатул муслимин» ҳам шу билан бирлашган. Энди албатта бир иш қилса керак... Бу «кофир»ни кута-кута кўзимизнинг ёруғи қолмади. Абдусуббуҳдан эса ҳар кун «ана олмонлар бу ерга келмишлар, мана турклар у ерга келмишлар» деб бизга умид берадир. Бу газетага қарағонда иш бутунлай бошқа; турклар Кафқазияда энгилиб ташлаганлар... бу хабар тўғри чиққач, бизнинг ишимиз ёмон! Бироқ имонимизнинг ёқасини бу «газет»га топшуруб-да бўлмайди. Бир ерда туркнинг энгиланлигини ёзғон экан, иккинчи ерда Олмониянинг ўн тош йўлни уратурғон тўплар ясағонини сўйлайди, бунинг қайсига ишонамиз! Қафқазияда энгиланган, ишимиз ёмон. Олмония кўп катта тўплар ясағон, ишимиз яхши... урушни булар қиладир, орада шошиб қолғон биз. Тангри шуларнинг иккисини ҳам йўқ қилиб, «Имом Маҳди» каби соҳибқирон бир мусулмон еткурса...

Шу Абдусуббуҳлар-ку онгсиз кишилар эмаслар, шулар Олмонияга ишониб шунча ишлаб турғондан кейин биз ҳам бир оз кутсак яхши бўлур... (Фуллом Наби кирар, қўлинда сариғ қоғозли тош босма, ўрта қатли, тўрт бетли бир газет.)

**Мавлоно.** Кел, нима кетурдинг?!

**Фуллом Наби.** «Ал-халил» газети. Мавлавий соҳиб юбормишлар.

**Мавлоно.** Кетур қани? (Фуллом Наби газетни бериб чиқар. Мавлоно газетнинг биринчи бетинда ёзилғон бир хабарға эс қўйиб ўқигондан кейин.) Мана... мен демадимми? Инглизга қаршу ишламоқ қулай эмас. Турклар Ироқда энгилмишлар. Баср шаҳрини энгил олмиш. Инглиз тангрининг балоси. Нима қиламиз, «кофир» бўлса ҳам тангри шунга яхши қарағон энди. Абдусуббуҳхон тентак бир киши; бунинг сўзиға қараб ишлаб бўлмайди (Газетнинг иккинчи бетига бир хабарни эс қўйиб ўқигондан кейин). Мана... Ин яна бузулди! Олмония учғич<sup>2</sup>лари Лондонға бомба ташлагонлар. Бу «кофир»нинг кучи бўлмаса энгилнинг пойтахтиға бомба ташларми? Олмония кучли экан, яна бир оз кўнмак керак. (Фуллом Наби кирар.)

**Мавлоно.** Нима гап?!

**Фуллом Наби.** Соҳиб! Бир киши келмиш. Сизни кўрмакчи.

**Мавлоно.** Келсун. (Фуллом Наби чиқар.) Яна Олмониядаги киши келди?! (Марлинг, Оврупоча эски бир кийим кийган, Ҳиндустонча бир салла ўроғи киши, бош эгиб, салом деб кирар).

**Мавлоно.** Буюрингиз, ваалайкум ассалом. (Ер кўрсатур, Марлинг ўтурур.) Қайдан келасиз?

**Марлинг.** Амратсардан келаман, соҳиб.

**Мавлоно.** Қаёнға?

**Марлинг.** Жанобингизни кўрмак учун.

**Мавлоно.** Хуш келдингиз.

**Марлинг.** Буюрғайсиз: кимсани ичкарига қўймасунлар.

**Мавлоно** (эшикка қараб). Фулом Наби, Фулом Наби.

**Фуллом Наби** (келиб). Лаббай!

**Мавлоно.** Бизнинг бир оз ишимиз бор. Ичкарига киши қўйма!

**Фуллом Наби.** Хўп. (Чиқар.)

**Мавлоно.** Қани, буюрингиз!

**Марлинг.** Мени «Войис Рой» ҳазратларининг буюруқлари билан Амратсар шаҳрининг пўлис қомиссори юбордилар.

**Мавлоно.** Отингиз нима?

**Марлинг.** Марлинг.

**Мавлоно.** Инглизмисиз?!

**Марлинг.** Ҳа, соҳиб.

<sup>1</sup> суюрғол — совға ер маъносига

<sup>2</sup> учғич — самолёт.

**Мавлоно.** Кўп яхши... хуш келибсиз. Бизга қандай хизмат?!

**Марлинг** (кўл чўнтагиндан қоплари олтунали, инжули бир қуръон чиқариб ўпгандан кейин). «Қуръони» шариф, «Войис Рой» ҳазратлари сизга армуғон юбордилар. (Қуръон хурматиға ирғиб турар. Марлинг ҳам Мавлононинг турганини кўргач, турар. Мавлоно қуръонни олиб, ўпиб, кўзларига суртгандан кейин ўлтуруб қуръонни ястиғи узра қўяр. Марлинг ҳам ўтурур.)

**Мавлоно.** Хўш, тагин нима гап бор?

**Марлинг.** «Войис Рой» ҳазратлари сизга салом айтдилар.

**Мавлоно.** Эсон бўлғайлар.

**Марлинг.** Ҳинд мусулмонларининг бахти йўлинда тиришганингизни бутун инглизлар яхши билганлар.

**Мавлоно.** Уни тангри билгай.

**Марлинг.** Ҳиндустондан шу ерга кўчиб келган мусулмонларнинг бошлиғи бу кун жанобингиз.

**Мавлоно.** Ҳа.

**Марлинг.** Шундаги мусулмонлар учун унумли бир иш бор.

**Мавлоно.** Биз ҳам шунга истаёмиз.

**Марлинг.** Елғиз булар учун эмас, бутун Ҳинд мусулмонлариға унумли.

**Мавлоно.** Нима экан, қани?!

**Марлинг.** Биласизким, инглиз улусининг Ҳиндга келганликлари Ҳиндиларни етуш-тирмак, «маданий қилмак» учун эди.

**Мавлоно** (кулумсираб). Биламиз!

**Марлинг.** Биз келмасдан бурун Ҳиндустон дин жанжаллари, мазҳаб ғавғолари, қорин қурсоқ урушлари билан тўлғон эди.

**Мавлоно.** Тўғри.

**Марлинг.** Бир мусулмон қурбон байраминда ҳўкиз сўйганда бутун Ҳиндилар сизга қарши яроқланиб чиқар эдилар, бир Ҳинду мусулмон намозиға кирғач сиз уруш очар эдингиз.

**Мавлоно.** Тузук.

**Марлинг.** Бу жанжаллар Ҳинду билан мусулмон орасиндағина эмас, мусулмонларнинг ўзаро, Ҳиндуларинг-да ўзаро қонли жанжаллари кўп эди.

**Мавлоно.** Тузук!

**Марлинг.** Дея оламизким, Ҳиндуларнинг бошлариға бизни келтурғон ораларингдаги шул бузуқликдир.

**Мавлоно.** Аниқ.

**Марлинг.** Биз келгач, шул бузуқликларни тузатдик! Жанжалларни кўтартурдик, маданий яшамоқ йўлларини кўрсатдик. Ҳиндуларни ўқитдик-да... Бу кун шодлик кўрамизким, Ҳиндулар яшамоқ йўлларини билиб олмишлар, яшамоқ учун тайёрланмишлар, биз Ҳиндустонни «адолат» билан олдик, адолат билан сақладик. Яна адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз. Биз ишонамизки, бу кун Ҳиндустон ўз эркини олғоч, бурунғи ёввойилиқларини, ёвузликларини қилмас... Бироқ... шу паллада биз бошқа бир нарсани ўйлаб тураемиз... (бир оз тинар).

**Мавлоно** (Бутун руҳи билан). Нима ўйлайсиз?

**Марлинг.** Эски Ҳиндустон «маданияти»нинг туб эгаси мусулмонлар эдилар. Шу паллада ҳам Ҳиндустонда энг яхши тайёрланган улус мусулмон улусидир. Биз истар эдикким, бутун Ҳинд ҳукуматини мусулмонларға топширайлиқ.

**Мавлоно.** Албатта шундай бўлсун-да, буни ким истамас?

**Марлинг.** Биласизким: Ҳиндустонда кўпчилик мусулмонлар-да эмас. Ҳиндулар, секҳийлар, мажуслар бирлашиб ҳукуматни ўз қўллариға олмоқчи бўлсалар нима қиламиз?

**Мавлоно.** Бундай қилмасалар керак.

**Марлинг.** Қилсалар нима деймиз?

**Мавлоно.** Йўқ... қилмаслар, сиз қўрқмангиз.

**Марлинг.** Соҳиб! Меним қилсаларим билан сизнинг қилмасаларингиз келгуси кунлар учундир, бу кунгача қилғон, қилғон бўлсалар нима бўлур?

**Мавлоно.** Бу кунгача қилғон бўлса эдилар...

**Марлинг.** Сизга англата эдиларми?!

**Мавлоно.** Улар англатмағонда ҳам ўзимиз англар эдик.

**Марлинг.** Мана англаб турубсиз-ку, соҳиб!

**Мавлоно.** Нима... улар мусулмонларға қаршу бирлашдиларми?

**Марлинг.** Бирлашдилар. Шу тилакларни катта бир давлатга ҳам билдурдилар.

**Мавлоно.** Инглиз давлатиғами?

**Марлинг.** Йўқ, бизга айтмайдилар. Ҳаммалари биларларким: биз мусулмонларни ёқлаймиз.

**Мавлоно.** Кимга билдурдилар?

**Марлинг.** Олмонияга билдурдилар, бироқ...

**Мавлоно** (сўзин кесиб). Қайтарғондир, албатта.

**Марлинг.** Қайтарди, нега ким...

**Мавлоно** (сўзини кесиб). Албатта шундай қилиши керак. Туркиянинг дўсти бўлганидан кейин мусулмонларни ёқламаса бўлурми?

**Марлинг.** Соҳиб! Гап унда эмас... Олмония давлати бутун ер юзини ўзиники қилмоқчи, ҳеч бир ерни сизга ҳам, уларга ҳам бермак истамас.

**Мавлоно.** Туркияни юз кўрмасми?

**Марлинг.** Кўлидан келса Туркияни ҳам ўзиники қилиб қўяр.

**Мавлоно.** Қизиқ... ажиб, биз энди нима қиламиз?!

**Марлинг.** Бу кун ҳинд мусулмонларини икки олбасти қўрқутиб турадир. Биринчиси Олмония, иккинчиси бутунлай қутқориб, Ҳиндустонни ўзингизга топшурурмиз. Шунинг учун Олмонияни битурганимизгача Ҳиндустон мусулмонларининг бизга кўмаклари тейиш. Биз Олмонияни битиргандан кейин, Ҳиндустонни мусулмонларга топшурамыз десак кимса гапура олмас. Менинг сизга келишим шунинг учундир.

**Мавлоно** (бир оз ўйлоғондан сўнг). Ҳинд мусулмонларининг ўз бошлиқлари бор. Биз бир чеккада ўтурғон киши. Бизнинг қўлимиздан нима келар?..

**Марлинг.** Буюк бир ишни битирмак учун дардли кишиларга керакдирким, биргалашиб ишласунлар. Ҳиндустонни ўз қўлингизга олмоқ учун ҳар бир мусулмоннинг тиришмаги тейиш.

**Мавлоно.** Хўш, биздан қандай кўмак кутасиз?!

**Марлинг.** Ҳиндуларни бизга қарши оёқлантирмоқ учун шу ерларгача Олмония агентлари келган.

**Мавлоно.** Ким экан улар?

**Марлинг.** Абдусуббуҳ билан йўлдошлари.

**Мавлоно** (бир оз телбаларча). Улар Олмон агенти эмаслар!

**Марлинг.** Соҳиб! Олмон агенти бўлғонлари аниқ. Биз яхши биламиз.

**Мавлоно.** Бизга айтмадилар-ку!

**Марлинг.** Албатта... Сизга айтсалар уларни бу ерга қўярсизми?

**Мавлоно.** Хўш, нима қиламиз энди?

**Марлинг.** Мана шуларни тутиб, Ҳиндустонга юборгайсиз деган эдик. Давлатимиз сизга ўн минг рупи ойлиқ кесди. Икки ойлиғини мен билан юборди. Бу кеча кетуриб топшурурмен.

**Мавлоно** (теран ўйлагандан кейин). Мен уларни тутиб сизга бера олмам.

**Марлинг.** Нечун, соҳиб?

**Мавлоно.** Ҳиндустонлиларнинг давлатингизга қанча душман бўлғонликларини биласиз. Мен бу кишиларни тутиб сизга берсам, эл мени тилим-тилим қилар!

**Марлинг.** Ундай бўлса шуларни шу ерда ўлдуртмак йўлини топингиз.

**Мавлоно.** Бу ҳам бўлмайдир.

**Марлинг.** Нима қиласиз, соҳиб?! Шу тўғрида фойдали бир иш қиласизми?

**Мавлоно.** Бу тўғрида меним сизга кўмагим шундай бўла олурким, айтганингиз кишиларни Бунир кўрғонидан чиқарурмен. Бунда ишламасунлар, бошқасини қила олмам.

**Марлинг.** Соҳиб! Бу тўғрида нима қилсангиз унуми ўз мусулмонларингизга бўлур.

**Мавлоно.** Шу паллада шундан бошқасини қила олмаймен.

**Марлинг.** Хўп, шуни қиларсизми?

**Мавлоно.** Қилармен.

**Марлинг.** Қачон?

**Мавлоно.** Яқинда бўлур... урушлар қандай борадир, хабарингиз борми?

**Марлинг.** Уруш кўп яхши, ҳозир Америка ҳам бизга қўшилди.

**Мавлоно.** Кўп яхши.

**Марлинг.** Соҳиб, ўтинамен, «Войис Рой» ҳазратларининг сўзлари ерда қолмағай.

**Мавлоно.** Мен шу кундан ишга киришаман.

**Марлинг.** Соҳиб, мен энди кетайин. Бу кеча яна хизматингизга келарман. Соҳиб, ишониб қолгайсизким, инглиз давлати сизнинг яхшилиғингизни сира унутмас. (Ердан турар.)

**Мавлоно.** Қайтасизми?

**Марлинг.** Ҳозир қайтайин, соҳиб. Яна кеча хизматга келурман.

**Мавлоно** (ўтирган жойидан). Тузук.

**Марлинг** (букулиб). Ҳай... соҳиб, яхши қолингиз.

**Мавлоно.** Ҳай. Яхши борингиз. (Марлинг кетар. Мавлоно Қуръонни олиб у ёқ-бу ёғиға қараб яна ерга қўйгандан кейин бошини қимирлатур.) «Ки аз савдои на хатона хат бўйи машики май ояд». Олмонлар икки ойлик йўлда, инглиз бўлса мана тумшугимизнинг туғида турубдир. «Йўқ» Олмония учун «бор» инглиздан айрилмоқ тўғри сиёсат эмас. Эмди «худойхиззаму мажал» шул инглизни бизга катта қилғондан кейин... «эл хайрумасаналло»да. Шу билан келишиб ишлаш яхши-да...

(Фуллом Наби кирар.)

**Фуллом Наби.** Соҳиблар келдилар.

**Мавлоно** (Қуръонни газетага ўраб қўйгандан сўнг). Келсунлар (Фуллом Наби чиқар.)

Энди буларни қандай англатамиз?! (Абдусуббуҳон, Файз Ҳамидхон, Бадринат, Дийнанат, Орномсинх соҳиблар салом бериб кирарлар. Мавлоно Нўъмон ердан кўпиб буларни қарши олгандан кейин ҳаммалари ўтурурлар.)

**Абдусуббуҳон.** Мавлоно соҳиб! «Мирожи шариф»?!

**Мавлоно.** Алҳамдуллило, сиздан сўрайлиқ?

**Абдусуббуҳ.** Яхши...

**Мавлоно.** Янги хабарлар йўқми?

**Абдусуббуҳ.** Тунов кунги хабарлар. Бошқаси йўқ!

**Мавлоно.** Уз ишларимиз қалай?!

**Абдусуббуҳ.** Ишларимизнинг бориши яхши. Имлоғимиз ишлаб турадир. Деҳли шаҳрининг ўзиндагина бир кечада юз минг баённома тарқатганимизни Деҳли пўлис комассари ёздурубдир.

**Мавлоно.** Юз минг баённома тарқатмоқ буюк иш. Кўп яхши. Бироқ бу ишдан инглизга зарар бўлгонми, йўқми?

**Абдусуббуҳ.** Зарар бўлмасми дейсиз, бу кун бутун Ҳиндустон қайнаб турар.

**Орномсинх.** Ҳиндустоннинг ишчиси, савдогари, экинчиси, хуллас, ҳаммаси инглизга очиқ душман.

**Бадринат.** Шоир билан ёзғувчиларимизни демайсизми? Уларнинг ёзғичлариндан «ҳарф» эмас, оловлар томадир. Оғизлариндан «сўз» эмас, бомбалар учар.

**Мавлоно.** Мен шулардан қўрқаман-да.

**Абдусуббуҳ.** Нега қўрқасиз?

**Мавлоно.** Буш сўзлар, халқни-да, ўзимизни-да қайнатиб еяرمىз. Инглизларнинг аччиғини келтиргандан кейин қўлимиздан бир нарса келмаганин кўрамиз.

**Дийнанат.** (Мавлонодағи бир ўзгаришдан тонганини кўрсатмасликка тиришиб.) Улар ўтди. Инглизлар бизга аччиғланмоқ билан ҳам ҳеч нима қила олмайлар. Бу кунларда биз уларга аччиғланамиз. Улар бизнинг аччиғимиздан қўрқалар.

**Бадринат.** Емонлардан қўрқмоқ унумсиздир. Улар итга ўхшайдилар. Қочсанг қувар, қувсанг қопарлар.

**Орномсинх.** Золим йилонға ўхшайдир, оғзини бол билан ювғанда ҳам оғуси кетмас, унинг бошини тош билан эзмак керак.

**Мавлоно.** Инглиздек катта бир давлат билан курашамиз. «Ундай қиламиз, бундай қиламиз» — деймиз, қўлимизда «шамол» да йўқ.

**Бадринат.** Мавлоно соҳиб! Сизга бир шеър ўқурмен. Панжоблик доктор Иқболнинг шеъри. Шоир шуни ўн минг кишилик бир йиғноқда ўқиғон. Элнинг қонини қайнатғон. Йиғноқға келган ўн минг киши шу шеърни тинглагандан кейин «ўлармиз эрк учун» деб ҳукумат қўноғига югурғон. Қўлимизда бир нарса бўлмаса эди, ҳукумат у йиғноқда шу шеърни ўқутмас эди. Мана шеър:

Эски чурук дунёимизнинг тартибини билмасдан  
Кеча-кундуз тугунларни санамоқдин усондим.  
Озодликнинг кўнглимдаги битмас-туганмас ишқи,  
Ўлим билан йўлдошли... бу дунёдан жўнадим,  
Ўлим: тинчлик ўлкасининг бахт тўшалган йўлидир,  
Мени алам, қайғу, ҳасрат балосиндан қутқарди.  
Учратмайин ҳеч бир турли тутқинликқа, хўрликқа,  
Олиб борди тўппа-тўғри «ҳақ» тахтининг олдиға.

«Ҳақ» мандан шул еримизнинг ҳолларини сўради,  
«Менга ондин тортуқ қилиб нелар кетурдинг?!» деди.

Дедим: онда йўқдир сира сенга тортуқ қилғудек,  
Бир сўз, бир иш, бир нарса!..

Бироқ мен:

Бир кичкина шиша ичра бир томчи қон кетурдим,

Кўп баҳоли бир армуғон кетурдим,

Бундай сенинг хазинангда, учмоғингда топилмас,

Яратмадинг сира бунинг ишини,

Бу муқаддас қон, эй «Ҳақ»!

Золимларнинг қиличи-ла эрк, озодлик йўлинда

Шаҳид тушган бир йигитнинг ярасиндан томғандир!

Ол!.. Сақла!..

Мана шу шеърни ўқуб, ўн минг кишининг қонини қайнатган шоирға ҳукумат бир нарса демади. Демак, биздан қўрқарлар. (Барчалари эшик сари қарарлар, Фазлиллох соҳиб кирар.)

**Фазлиллох** (Саломдан кейин). Сизга баҳоли бир армуғон кетурдим.

**Абдусуббуҳ.** Нима экан?!

**Бадринат.** «Бир йигит қони» бўлмағай!

**Фазлиллоҳ.** Қонли бир йигит.

**Абдусуббуҳ.** Қани?

**Фазлиллоҳ.** Эшиқда. Ҳзи Лоҳурдан қочиб келган экан.

**Орномсинх.** Тилчи бўлмағай!

**Фазлиллоҳ.** Эмас. Ҳрон берди.

**Абдусуббуҳ.** Кетуригиз! (Фазлиллоҳ соҳиб эшиққа бориб қўли билан чақирар. Эски меш кийимлари билан Раҳимбахшон кирар. Буйруқ кутиб йироқда турар.)

**Абдусуббуҳ.** Яхши йигит, қаердан?!

**Раҳимбахш.** Ҳиндустондан.

**Абдусуббуҳ.** Қаерга? Отингиз?

**Раҳимбахш.** Бомба.

**Абдусуббуҳ.** Ҳуш келдингиз, ўтирингиз. (Раҳимбахш ўтурур...) Сизники Лоҳурданми?

**Раҳимбахш.** Мен Лоҳурдан. Отим Раҳимбахш. Отам ҳукуматдан қочиб Вазиристонга ўтган. Ҳн йил бурун Вазирий, Масъудий эллари билан Пешовур кўрғониға юриш қилғонда шахид бўлғон.

**Бадринат.** «Мужоҳид» ўғли «мужоҳид» экансиз.

**Раҳимбахш.** Тўрт йилдан бери «Муслимин» тўдасиға ёзилиб, улус эрки йўлинда тиришаман, ёввойи инглизлар юрагимни ёмон ёрдилар. Кундуз куни босқун қилдилар. Мен билан севгилимни тутқин этдилар, мени қишлоқ қоровуллиғида қамаб, уни шаҳарга элтдилар. Мен қишлоқ қоровулинда йигирма беш кун ётдим. Қишлоқдагилар «кафил» бўлиб чиқардилар. Лоҳурға бориб севгилимни ахтардим. Пўлис комиссари Ҳкурнарнинг уйинда қамоқда экан. Кўп тиришдим, қутқара олмадим. Исломия амлоғиға<sup>1</sup> кириб, сизнинг сўроғингизни олдим, сизга келдим. Ҳиндустонни қутқармоқ йўлинда тиришмак учун жон берарга тайёрман.

**Абдусуббуҳ.** Қишлоқдилар нима фикрда?!

**Раҳимбахш.** Жонларига теккан. Чиқиш кунин кутиб турарлар. Чиқиш куни бўлғач, тиш-тирноқлари билан юрт ёвларини ўлдурмоқчи. Ҳиндий мусулмон бирлиги кўп яхши борадир. Инглизларни тарқатмоқ учун Ҳиндустонни бирлаштирмоқ керак. Бу кун бутун қишлоқдилар шунга ишонадир. Шу йўлдан куч берилсун дейлар.

**Бадринат.** Мен бу йўлда куч эмас, жон берарга-да тайёр.

**Абдусуббуҳ.** Ҳинду билан мусулмонни бирлаштирмак йўлинда нима керак бўлса қилмоқ тийиш.

**Мавлоно.** Шу фикрға мен қўшила олмам (Ҳаммаси обдираб<sup>2</sup> қарар).

**Абдусуббуҳ.** Нечун?!

**Мавлоно (Бадринат, Дийнанат, Орномсингхни кўрсатиб).** Бу жанобларнинг аччиғлари келар. Майли, энди мен ўз фикримни айтиб қўяй.

**Дийнанат.** Айтинг-чи?!

**Мавлоно (йўталиб).** Шариатда мусулмон билан Ҳиндунинг бирлашмағи тузук эмас, қатағондир. Ҳиндулар мусулмон бўлмағонча биз улар билан бирлаша олмаймиз.

**Абдусуббуҳ.** Биз зулмға қарши Ҳар ким билан бирлашурмиз.

**Мавлоно.** Бундай бирлашмак «дин» олдида қатағондир.

**Раҳимбахш.** Тўғри... муллалар динида шундайдир. Икки мазҳаб кишилари нари турсун, иккигина кимсанинг-да бирлашмағи қатағондир.

**Мавлоно.** Нечун?!

**Раҳимбахш.** Эл бирлашса мулла оч қолур. Шунинг учун!

**Мавлоно.** Ҳғлим! Сиз билмайсиз. Шариат иши ўйин эмас. Инглизлар «аҳли китоб» бўлалар. Мундайларға «мушрик» дейиладир. «Аҳли китоб» бизга шариат буйруғи билан «мушрик»лардан яқинроқ туралар.

**Абдусуббуҳ.** Сиз муллалар туташ шундай қиласиз. Ҳиндустонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан тўлдурдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар бўлакни бошқаларға ёв этдингиз. Ҳлкамизни ички жанжаллар билан тўлдирдингиз. Шундай қилиб инглизни бошимизға келтурдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни қутқармоқ учун бош кўтардик, бирлашдик, қутулмоқ истадик. Яна мазҳаб, дин жанжаллари билан йўлимизни тўсмоқчи бўласиз! Уялингиз, эркимизға, тирноқ урмоқчи бўлғонларға қаршу чиқурмиз. Қўлға-қўл бериб курашамиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, дин-да қайтара олма.

**Бадринат.** Мавлоно соҳиб! Сиз кучли бир ишонч билан айтасизким, «аҳли китоб»ға қарши мушриклар билан бирлашмак тузук эмас».

**Мавлоно.** Албатта.

**Бадринат.** Ҳзингиз кўриб турибсизким...

**Мавлоно (сўзини кесиб).** Тўхтангиз... тўхтангиз... мен бу сўзни ўз қопчўғимдан чиқармадим, динимизнинг сўзи шу.

**Бадринат.** Сиз кўриб турасиз, «мушрик» деганларингиздан уч киши мана шунда шу

<sup>1</sup> амлоқ — мулк

<sup>2</sup> обдираб — доводираб, эсанкираб

<sup>3</sup> орқадош — ўртоқ, дўст.

мусулмонлар билан орқадошча<sup>3</sup> қайнашиб, ишлашиб турубмиз. Сизга ҳам ҳар кимдан ортиқ ҳурмат кўрсатамиз. «Аҳли китоб» бўлгон инглизлар ҳам шундай қилалармикин?! Шунга ишонасизми?! Мен айта...

**Мавлоно** (сўзини кесиб). Бу қиёс маъл форик бўлди, ўзингизни уларга қиёс қилмангиз...

**Бадринат** (кўли билан тўхтатиб). Мен айтаманким, инглизлар сира шундай қилмайдилар. Сиз, Мавлоно соҳиб, ҳаммамизнинг каттаммиз бўласиз. Энг тубан инглизнинг бўсағасига ўн йил бош қўйингиз, яна сизни уйнинг ичига олмас. Тузук, бир оз фойда кўрсатсангиз сизга «Шамсул улома», «Хон Баҳодур» деган мансаблар берар. Бироқ буларнинг қупқуруқ отдан бошқа нарсаси йўқ. Бу мансабларнинг барчасини олсангиз ҳам, энг тубан бир инглизга яна тенглаша олмайсиз.

**Мавлоно**. Сиз ҳаммангиз менинг қўноқларим.<sup>1</sup> Мен сизни ранжита олмайман. Сиз Абдусуббуҳон, меним уйимда турғонингизни унутиб, шунча қаттиқ гапирдингиз, қаттиқ гапирмак менинг қўлимдан ҳам келадир. Бироқ мен айтмам. Шунигина айтиб қўяманким, мен шариатдан чиқолмам. «Аҳли китоб»га қаршу «мушрик»лар билан бирлашмакни шариат қатағон этган. Шунга сизга билдирдим. Сиз шариатга қараб ишламасангиз, мен сиз билан ишлай олмам. Шунга ҳам айта қолайин, шариатга тўғри келмаган ишлар бу қўрғонда ҳам бўлмасун.

**Дийнанат**. Сиз бу ишлар билан ҳинд тарихининг нурли бир бетига қоп-қора тамға босдингиз. Қутли бўлғай!

**Мавлоно**. Мен дин буйруқларидан чиқа олмам.

**Абдусуббуҳ**. «Кўп сўз туяга юк»дир. Бу киши ўз тилақларини билдирдилар. Биз-да шу кундан бошлаб бутун ишларимизни бу ердан бошқа ерга кўчирайлик. Турунгуз, орқадошлар. (Турар, ҳаммалари турарлар.)

**Мавлоно**. Абдусуббуҳон соҳиб! Шариатга тўғрилаб ишласангиз, уйим ўз уйингиз.

**Абдусуббуҳ**. Қуллуқ... хайр эмди. (Мавлоно Нўъмондан бошқаси чиқар.)

**Мавлоно**. (Елғиз қолғоч.) Бир йўла шундан кетсунлар, сўнгра сўнгра (эшикка қараб) Фулом Наби, ҳой Фулом Наби! (Фулом Наби кирар, Мавлоно куръонни кўтариб) Бу кеча қўноғимиз бор! Боғчадаги уйни супуриб қўй. Шунда ўтираммиз. (Чиқмоқ учун юрар.)

**Фулом Наби**. Хўп. (Мавлонодан кейин чиқар.)

(Парда тушар)

#### УЧИНЧИ ПАРДА

(Кеча. Лоҳурда пўлис бошлиғи Уқунарнинг ўз уйи. Оврупоча безанган. Электририк лампалари ёқилгон. Боғчадаги ёғочларнинг ям-яшил бутуқлари деразалардан кира-ёзгон. Бир оздан кейин Дилнавоз ички уйдан чиқиб келар. Кийимлари боёғи, сочлари чирмашиқ боши оғир, мунгли, қарашлари қайғули, кўз ёшлари қурумоғон. Секин-секин дераза ёниндаги бир ўрундуққа келиб ўзини эркисизча ташлар. Бир қўлига суяб кўзларини боғчага тикар. Жимжит турар. Бир оздан кейин боғчанинг узоқ пучмоғидан ўтли бир рубоб товуши чиқар. Қайнаганча қайнар. Бир куйни битиргач, ёниқ бир товуш юксалиб шу ашулани сайрар («Омон-омон» куйинда):

Қоплади қора булут  
Гўзал ҳулкарим юзин.  
Ажратиб қўйди мендан  
Еруғлиғин ҳам ўзин.

Ҳулкаримни қутқармоқ  
Ўзга куч тополмай мен  
Йиғлайман, йиғлайман.

Боғимни хазон олди  
Сўлди, чечагим қолди  
Чиққали қаршу унга  
Топилмайдир куч менда.

Кучсизлик, эй кучсизлик,  
Ўртади мени зулминг.  
Нендай қора ўлумдан  
Яратилгон эурсен?

**Дилнавоз** (бошини кўтариб.) Оҳ... эй кўк товуши, тўғри сўйладинг! Дунёда кучсизликдан ёмонроқ нарса йўқ. Бир кишининг кучи бўлмоғоч, балоға қолур, ёзуғлар, жазо-

<sup>1</sup> қўноқ — меҳмон

лар, сўкушлар, сургунлар, қамоқлар, ўлумлар ҳар ёқдан боши узра бало ёмғури янглиғ ёғар.

«Ҳукуматга қарши кетди» деб отилғонлар, «қон тўқди» деб осилғонлар, «ўғрилиқ этди» деб қамолғонларнинг энг буюк ёзуғлари кучсизликдир. Кучлари бўлса эди, бутун шул ёмонлиқларни ишлаб, яна тинч юрар эдилар. Негаким куч бўлмағонлар ишлаб юралар. (Бир оз ўйлаб) Ҳа... қишлоқнинг тип-тиниқ ҳавоси, тинчлигимнинг баҳордан ясалғон бешиги эди, ундан чиқарилдим...

Тол бутоқлари, дўстлик илдиэларидек кўкламлар узра ҳар ён узайган эди. Шуларнинг кўлагасидан айрилдим.

Кичкина ариқлари, турли тусли гуллар остинда сояда томирлари янглиғ узайғон эди, улардан узоққа тушдим.

Раҳимбахш... севдигим... эркам... жоним эди. Борим-йўғим шу эди. Рухим шу билан яшар, кўнглим шу билан овунар эди, ундан-да йироқлашдим. Уч ойдир шу уйда қолибман. Ҳамда бир инглиз қўлинда!

Нечун?

Чунки: кучим йўқ. Кучсиз бир улуснинг кучсиз бир қизи бўлибман... битсун кучсизлик!

(Бошини қўлига олиб ўйлар, бир оздан сўнг Родубиби келар).

**Родубиби** (Дилнавознинг ҳолини кўргач, ўйлар). Бояқиш қиз! Янгиғина очилғон қайғу чечаги!.. Ёвуз Укунар бу ўксизни ўз юртидан ажратиб кетурмиш. Кимсасиз қиз, уч ойдир ўзи тутқун, номуси қўрқувда... (Сўйлар) Дилнавоз қизим! Бунда нешлаб турасан?

**Дилнавоз.** Ҳеч...

**Роду.** Сенинг учун эзгу бир туш кўрдим, қизим!

**Дилнавоз.** Менинг учун эзгулик тушда!

**Роду.** Тингламайсанми, қизим? (Дилнавоз жим турур.) Тушда кўрдим, шу боғчанинг мана шу ёқдағи аргувон ёғочининг остида ўтиргансан. Шу кунги каби кучли қайғунг бор. Қарасам бир сариқ илон охсум<sup>1</sup> бўлди. Сенга сорилмоқ истади. Катта бир илон эди. Улдурмакка кучим етмади. Қанча илон дуосин билсам ҳаммасин ўқуб дам солдим, бўлмади... Шу паллада юқоридан қизғин бир товуш эшитдим. Қарасам, уч лочин яшиндек келиб турадир. Лочинлар илоннинг кўзларин ўйдилар. Сени кўтқариб кўтариб кетдилар.

**Дилнавоз.** Она... мени кўтқарғувчи лочин ўлумдир.

**Роду.** Улум бир дерлар. Мен уч лочин кўрдим. (Дилнавоз жим турур. Ташқаридан оёқ товуши келар.) Мана сариқ илон келди. (Дилнавоз қалин қайғу остинда эзилганлигини кўрсатадурғон оғир бир юриш билан иккинчи уйга кирар. Родубиби унга мунгли-мунгли қарагандай сўйлар.) Шу ўксизнинг-да қутулиш кунини кўрсам. (Укунар икки инглиз юзбоши билан кирар.)

**Укунар** (келганларга). Буюрингиз, ўтирайлик! (Шапкаларини қўйиб, мосо теграсинда ўтурурлар. Роду чиқар.) Хуш келдингиз.

**Юзбошилар.** Эсон бўлингиз.

**Порлинсун.** Мингбоши ҳазратлари. Боғчадағи қарғаларнинг тебранишлари кун сайин борадир. Булар нечун? Чораси нима?

**Укунар.** Нечунлиги белгили. Биз нима қилсак-да, ҳиндустонлилар бизга ишонмайлар. Иш қилиб бизни бу ўлкадан қувмоқ истайлар. Шу тилакка эришмак учун шу кунги ҳолларни яралдиқ топғонга ўхшабдир.

**Порлинсун.** Қандай ҳоллар?

**Укунар.** Ялпи уруш, Олмониянинг енгилмай туруши, Туркиянинг Олмонияга қўшилғони, Ҳиндустонга келган Олмон агентлари...

**Порлинсун.** Чораси?!

**Укунар.** Раҳмсиз кураш. Бундан бошқа чора йўқ.

**Пунтар.** Мингбоши ҳазратлари! Айниқса шул Олмон агентлари кенгайиб боралар. Бизга мингларча қўзғатув битиклари тарқаталар. Бунинг йўлини тўса билмасак, иш ёмон.

**Укунар.** Юзбоши! Бор кучимиз билан тиришмак ҳам ҳар биримизнинг вазифамиздир. Инглизлармизми, қўлдан бермайлик, тўзим билан, чидам билан тебранаёлик.

**Порлинсун.** Албатта... албатта. Шундай этмак керак. Мингбоши ҳазратлари! «Қўзғатув битиги» тарқатувчи кишиларнинг яширин ўқлари бордир. Шуни топмоқ керак эди.

**Укунар.** Унинг учун «иш» кўрилди.

**Пунтар.** Ип учи топилдими?

**Укунар.** Топилди.

**Порлинсун.** (Шошқин) Топилдими?! Қандай?!

**Пунтар.** Излари топилдими? Тутилдиларми?!

**Укунар.** Излари топилди, ўзлари тутилмоқда.

**Порлинсун.** Шайтонларни туб томирлари билан қурутмоқ керак.

<sup>1</sup> Охсум — ҳамла қилмоқ.

**Укунар.** Қарангиз, қандай бўлди? Бундан ўн кун бурун эсингизда бордир — шаҳарда «қўзғатғу битик» тарқатдилар.

**Порлинсун.** } Бор, бор... биламиз.

**Пунтар.** }

**Укунар.** Бизга келган хабарларга кўра шулар тарқатғон кўчаларнинг биринда тонг отардан бурун бир йигит кўрилган. Қора бурутли, калтагина бир йигит. (Ўзбошилар эснаб қўярлар.)

**Порлинсун.** Хўш?

**Укунар.** Икки кун бурун «Лондон» банкасининг боғчаси ёнинда қора бурутли бир йигитнинг икки ишончсиз киши билан гаплаша турғони кўрулган.

**Пунтар** (ўрундугини илгари судрагундек бўлуб). Хўш?

**Укунар.** Шаҳримизда «Дуохонаи исломия» эмлоқи ҳар кимга оқчасиз «эм» беради. Энг сўнг тунов кун шу қора бурутли калта йигитнинг шул эмлоққа киргани кўрилган. Мен мана шул эмлоқни босарга кишилар юбордим.

**Пунтар.** Мингбоши ҳазратлари! Йигитни қўйиб эмлоқни босмоқ не учун эди?

**Укунар.** Эмлоқдин кейин кўп йигит тутармиз.

**Пунтар.** Англай олмадим, мингбоши ҳазратлари!

**Укунар.** Биз кўпдан бери шул эмлоқга ишончсизлик билан қарар эдик. Шунча катта бир эмлоқ очиб текин эм бермак, ўзи қизиқ эди.

**Пунтар.** У эмлоқ эзгу бир тилак билан очилғонмукин?!

**Укунар.** Кўп ишлар борким, бошда эзгу бир тилак билан бўлғондек кўринадир, ахтара бергандан тагиндан кўп ёмонлиқлар чиқиб қоладир.

**Порлинсун.** Тўғри.

**Укунар.** Сўнг кунларда ҳинд газеталари бир эмлоқ тўғрисида кўп махтаб ёздилар. Махташлари орасинда туманли неча маъноли сўзлар ҳам бор эди. «Мусофир оға» газетаси бир сонинда Мавлоно Нўъмон деган бир кишини шул эмлоқга қарши бўлғани учун сўқди. «Мавлоно Нўъмон» эса бизга белгили инглиз дўстидир.

**Порлинсун.** Тўғри.

**Укунар.** Мана шулар учун биз бу эмлоқнинг кетига тушган эдик, ҳалиги йигитнинг шунга киргани билгач, босарга қарор бердик.

**Порлинсун.** Тутдирдингизми?

**Укунар.** Кишиларимизни шу кеча юбордик. Яқинда бир хабар бўлса керак.

**Порлинсун.** Мингбоши ҳазратлари! Ҳиндли бегимни нима қилдингиз? Уртоқлаша олдингизми?

**Укунар.** Уни қўй, дўстим! Бизнинг шумлиғимизга қаранг, бизга келганда ҳинднинг қизлари ҳам ихтилолчи бўлиб қолғон.

**Порлинсун.** Хўш, қани бу киши ҳам ўзгаришчими?

**Укунар.** Ўзгаришчи, қўзғолучи ҳаммаси!

**Порлинсун.** Нима қилди, қани?

**Укунар.** Уч ойдан бери тирмашаман. Жонимни олди, сира бўйинсунмайдур.

**Порлинсун.** Нима дейдир?!

**Укунар.** Мени кўрдими, ўзгариб кетадир, нечарликга, ҳуррият, мўсовват, адолат, зулм, ёввойилик, маданият, эл, юрт каби қанча маъносиз сўзлар бўлса ҳаммасини бирдан айтиб берадир.

**Пунтар.** «Маъносиз» сўзларми деддингиз?!

**Укунар.** Албатта, бир ҳинди оғзиндан чиққан бу сўзларнинг маъносими бўлур?!

**Порлинсун** (ўйлар). Шу қизни шундан ола билсам... (Сўйлар) Ўзлари қаерда?!

**Укунар.** Шунда, мана шу уйда, чақирайми?

**Порлинсун** (яширин бир севинч билан). Ёмон бўлмас. (Шу паллада ташқаридан тўрт кишининг оёқ товуши эшитилур.)

**Укунар.** Мана бир хабар бўлди.

**Порлинсун.** Қизданми?

**Укунар.** Йўқ, жоним!!! Эмлоқдан.

**Порлинсун.** Аҳа... кечирасиз. (Эшик чертулур.)

**Укунар.** Кел! (Бир инглиз юзбоши кириб салом берадир. Қўлинда бир боғлом қоғоз бор.) Ҳормангиз, юзбоши! Неттингиз?!

**Юзбоши.** Буйруғингизни олғоч йўналдим. Ёнимда ўттиз пўлис бор эди, эмлоқни айлантриб олдим. Ўзим икки киши билан ичкари кирдим. Ўн киши қўлимга тушди. Дафтар, битикларини бир қопға солиб сўрғучладим. Яшурун бир сандуқда мана шу ёзувлар бор экан, буларни олиб келдим.

**Укунар.** Ўн киши кимлар экан?

**Юзбоши.** Бештаси эмлоқда ишлаб турганлар. Биртаси иш бошқарғувчи Маҳмудхон.

Тўрттаси ташқаридан кирганлар.

**Укунар.** Қаерда булар?

**Юзбоши.** Шунда, тайёр.

**Укунар.** Яшангиз, юзбоши. Маҳмудхондан бошқасини қамоққа юборингиз. Бую-



рингиз, айри-айри уйларга қўйсунлар. Маҳмудхонни бунга келтурингиз. Қоғозларни шунга қўйиб кетингиз. (Юзбоши қоғозларни Укунарнинг олдига қўйиб чиқар.)

**Пунтар.** Ташқаридан келганларни ҳам қаматасизми?!

**Укунар.** Иш шулардан чиқар.

**Порлинсун.** Биз кетсак бўлурми?!

**Укинар.** Қолсангиз-да бўлур.

(Юзбоши Маҳмудхонни киргизар.)

**Укунар.** (Маҳмудхонга катталиқ билан.) Сизнинг отингиз нима?

**Маҳмудхон.** Маҳмуд.

**Укунар.** Қаерли?!

**Маҳмудхон.** Ҳиндли.

**Укунар.** Қайси шаҳардан дедим!!

**Маҳмудхон.** Амратсардан.

**Укунар.** Лоҳурға қачон келдингиз?!

**Маҳмудхон.** Уч йил бўлди.

**Укунар.** Бунда нешладингиз?!

**Маҳмудхон.** Шаҳар эмлоғинда ишладим.

**Укунар.** Ҳали сизни қайдан кетурдилар?!

**Маҳмудхон** (кулимсираб). «Исломия эмлоғи»дан.

**Укунар.** Унда нима ишингиз бор эди?

**Маҳмудхон.** Олти ой бурун шаҳар эмлоғиндан чиққан эдим. Бир неча киши билан ўртоқлашиб, шу исломия эмлоғини очғон эдим.

**Укунар.** Ўртоқларингиз кимлар?!

**Маҳмудхон.** Биз ўн киши эдик. «Воис Рой» ҳазратларининг ёрлиқлари билан бу эмлоқни очиб, ҳар кимга текин эм бера келдик. Ўртоқларимнинг отлари, эмлоқнинг тилаги, тарихи, «Воис Рой» ҳазратлари берган ёрлиқда ёзилғон.

**Укунар.** Шу ёрлиқ қани?!

**Маҳмудхон.** Ерлиқ эмлоқда.

**Укунар.** Элга текин эм берар эдингизми?

**Маҳмудхон.** Ҳа...

**Укунар.** Эмни Оврүподан текинми олар эдингиз?

**Маҳмудхон.** Биз Оврүподан эм истаганлардан эмасмиз.

**Укунар.** Қайдан олар эдингиз?!

**Маҳмудхон.** Бизнинг бутун нарсаларимиз Ҳиндустондан чиқади. Бизнинг бутун ишончимиз Ҳиндустондадир. Бизча Ҳиндустон ўз бошли, айримча дунёдир. Бунда яшаганларнинг бутун керакликлари ўзинда топиладир. Шундан олиш керак.

(Икки юзбоши бир-бирига қарарлар)

**Укунар** (кулумсаб). Бўш хаёлчилар!..

**Маҳмудхон.** Сўзимиз хаёл-да эмас, бўш-да эмас, бу кун икки кўзи бўлғон ҳар ким кўрадиқим, Ҳиндустон бу дунё боғчаси, ўзинда бўлғонларнигини эмас, ўзиндан мингларча тош узоқда турғонларни ҳам яшатмоқдадир.

**Укунар.** Сўзни узатди бу... (Юзбошига) Бунга элтиб қамангиз, сўров чоғинда истаганча сайраб берар. (Юзбоши Маҳмудхонни олиб чиқар.)

**Порлинсун.** На тетик ҳариф экан бу!

**Пунтар.** Тили томуғ<sup>1</sup> алангасиндек дунё ёқмоқчи! Тўғриси, мен ҳуркутмоқ истадим.

**Укунар.** Бизнинг кучимиз бор, яроғимиз бор, оқчамиз бор, билимимиз бор. Бизда борлар буларда йўқ, буларда йўқлар бизда бор. Шунинг учун булардан кўрқмаймиз, ҳуруқмаймиз, истаганларини-да бермаймиз.

**Пунтар.** Бироқ буларда юрак ёнғини бор экан.

**Укунар.** Юрак ёнғинларини тўплар билан, бомбалар билан ўчираимиз.

**Пунтар.** (Уйлар.) Бомба билан, тўп билан ёнғинми ўчираимиз?!(Сўйлар). Нима бўлса ҳам бўш турмаслик, керак-да.

**Укунар.** Албатта. (Юзбошилар кетарга тайёрланиб қарашурлар.)

**Пунтар.** (Қўпуб) Хайр эмди (Порлинсун-да кўпар.)

**Укунар.** (Қўпуб) Хетасизми, орқадослар?! (Қўл беришалар)

**Порлинсун.** Кетайлик энди! (Айрилғонда.) Яхши кеча.

**Пунтар** } Тинч кеча.

**Укунар.** }

(Юзбошилар кетарлар. Эмлоқдан келтурулган қоғозларни шкафга қўйиб ўз еринда ўтурур).

**Укунар** (ёлғуз). Бизнинг юзбоши Порлинсуннинг бир дардими бор?! Бир нарсани йўқотғонга ўхшайдир. «Қиз қани?», «Чақирсангиз ёмон бўлмас»лари (Чинғироқни бо-сиб) кўпда жонсиз эмас. (Родубиби келиб бош эгар.)

**Укунар.** Дилнавоз бегим борми?

**Роду.** Бор, соҳиб!

<sup>1</sup> Томуғ — дўзах.

**Укунар.** Ухладими?

**Роду.** Йўқ, соҳиб!

**Укунар.** Юбор шуни! (Родубиби бош эгиб чиқар). Бу қиз-да тангрининг балоси! Кўнмайдирми, кўнмайдир!!! Шу кеча ишни битирмак керак. (Дилнавоз кирар, қайғу остинда эзилиб оғир-оғир юрар. Дераза ёниндоғи ўриндукқа бориб ўтурур. Укунар қилини буйнидан чиқариб ёниндоғи ўриндукқа суятиб қўяр экан, сўйлар.) Яқинроқ келингиз!

**Дилнавоз.** Нима дейсиз менга?!

**Укунар.** Яқинроқ келингиз дейман.

**Дилнавоз.** Мени нечун чақирдингиз?!

**Укунар.** Яқинроқ ўтурингиз, сўзим бор.

**Дилнавоз.** Уч ойдир ҳар кеча сўзим бор деб чақирасиз, қийнамоқдан бошқа бир ишингиз йўқ, ортиқ етар. Сизникини мен, меникини сиз эшитдик. Ҳеч бирининг унуми йўқ.

**Укунар.** Уни мен-да биламан.

**Дилнавоз.** Билсангиз ортиқ гапирмангиз!

**Укунар.** Бу кеча сўнг сўзимни айтаман.

**Дилнавоз.** Бўш сўзнинг сўнгги бўлмас.

**Укунар.** Тинглангиз, қаршингизда Буюк Британ давлатининг катта бир кишиси ўтурадир...

**Дилнавоз.** Эски ҳаммом, эски тос!

**Укунар.** Шу ўлканинг энг катта кишилари мен билан бир йўла кўрушганлари учун ойларча махтаниб юралар. Беш йилдир Лоҳурнинг пўлис комиссари бўлиб турубмен. Бу кунгача истаганимни йиғлатиб, истаганимни кулдира билдим. Мен сени суйган бўлмасам эдим, ишингни бунча узатмас эдим. Биринчи кечада ё бўйсундирардим, ё бошингни кесар эдим. Буларни ўзинг яхши биласен. (Дилнавоздан жавоб кутиб тинар. Жавоб олмоғоч, яна сўйлар.) Менга бўйсунмай турибсен. Ўзинга яхши бўлмас. Бу кун сени қамоқда чурутмак, сургун этмак, ўлдирмак-да қўлимдан келарди. Шуларними иштайсан? (Бир оз тинар, Дилнавозни жим кўргач, яна сўйлар.) Сен онгсиз бир қиз эмассан. Менга ўртоқ бўлиб яшамоқни истамаслигинг тентакликдир. Кел, яқинроқ кел. (Дилнавоздан бир сўз, бир тебраниш кўрмагач, еридан туриб унга тўғри юрар.) Сиз онгли бир қиз эурсиз. Яхши ёмонни англарсиз. (Дилнавозга яқинлашғоч, у-да еридан турар, аччиғидан мигзи сар сарғайғон, титраб турадир.) Келингиз шунда ўтуройлик. (Кўлини тутмоқ истар.)

**Дилнавоз** (ўзини йўқотган каби қўлини қаттиғ тортиб қичқирар). Йўқ!.. (Укунар сесканиб ўзини орқага тошлар. Аччиғланиб Дилнавозни ўмуздан тутиб итариб юборур. Дилнавоз Укунар ўтурғон ўрундек остига келиб тушар, яна бот кўпор, ўз ўриндуғи сари юрар.)

**Укунар.** Тентак қизи, тентак! Бу нима иш? (Тўппончасини чиқариб мосо устина қўяр.) Бу кеча ё мен, ё шу! Англадингми?!

**Дилнавоз.** (Ўз ерига ўтуруб.) Чумчуқдан қўрққан тариқ эмас. Улимдан қўрқса эдим, уч ой сен билан талашмас эдим.

**Укунар** (Дилнавоз сари юриб). Бу ерга ўтур дедим, сенга.

**Дилнавоз.** Дедим сенга, ўтурмам!

**Укунар** (Дилнавоз елкасиндан тутиб). Ўтқизмоқ қўлимдан келмасми! (Итариб юборур. Дилнавоз бурунғи ерга йиқилур, яна турур.)

**Дилнавоз.** Нима иштайсан мендан, йиртғуч ҳайвон? (Ўз ерига бориб ўтурур.)

**Укунар** (тўппончасини олиб). Шундайми?!

**Дилнавоз** (ўйлар). Аччиғини келтирай, ўлдурсун-да қутулай. (Сўйлар) Номусинг бўлса ур! Бир инглиз мингбоши ҳайвон деб менга қараб турубдир, ўли...!

(Укунарнинг қони бузулур. Юзи қўрқинчли бўлур. Тўппончасини Дилнавозга тўғри қилур. Бўшата ёзар. Бирдан қўлини тортар. Тўппончасини мосоға қўяр.)

**Укунар.** Қулайгина ўлиб қутулмоқни иштайсен, йўқ. У деганинг бўлмас. Тўхта, мен сенга кўрсатайин! (Сўзини битирмасдан электрикнинг биттасини ўчуриб уйни ярим коронғу қилур.) Мана ўйинни кўр энди! (Чироқни босар. Родубиби кирар.)

**Укунар** (Родуға). Бу кеча менинг ишим бор, ҳеч ким билан кўриша олмаймен. Қопучиға сўйла, кимсани ичкари қўймасун.

**Роду** (бош эгиб). Хўп, соҳиб!

**Укунар.** Менга «арақ» кетур!

**Роду.** Хўп, соҳиб! (Бош эгиб кетар.)

**Укунар** (Дилнавоз сари юриб). Ҳукуматга қарши ишлаб турганингни билатуриб сени қамоққа юбормадим. Ўз уйимда сақладим. Сен-да ўзингнинг ким эканингни унутдинг. Менга катталик қила бошладинг. Гапур, ҳукуматга қарши ишлашга йўлдошларинг кимлар?!

**Дилнавоз.** Бутун ҳиндилар!

**Укунар.** Бутун ҳиндиларми?!

**Дилнавоз.** Албатта сендек аҳмоқ, виждонсиз кишилари бўлғон бир ҳукуматга хиндилар нари турсун, бутун дунё қаршидир.

**Укунар** (тутмоқчи бўлиб). Сўзининг устини ёпма.

**Дилнавоз.** (ирғиб туриб қичқирар.) Йўқол! (Укунар сесканур). Эр бўлсанг тўппонча билан кел. Бор, шуларни келтур.(Утуруб бошини орасиға олиб турар).

**Укунар** (юмшоқча). Дилнавоз! Ўзингга ачиғин! (Шу паллада бошдан-оёқғоча қоп-қора кийинган уч ниқобли кириб Укунарнинг кетида туралар. Қўлларинда ханжарлари бор. Укунар сезмасдан Дилнавозга гапира берав.) Мени тингла, кўтар бошингни. (Жавоб кутар.) Сени-да, ўзимни-да ўлдурурмен, кўтар бошингни. (Жавоб кутар.) Шундайми? Менга қарамайсенми?! Энди ўлимга та...йёрлан («тайёрлан» сўзи оғзинда экан, тўппончасини олмоқ учун қайрилғоч, ҳалиги ниқоблилар ханжарларини кўкрагига тўғри тутарлар, Укунар сўзини битирмасдан сесканиб кетар. Унинг сесканганидан Дилнавоз бошини кўтарур.)

**Укунар** (Қўрқув аралаш). Ким?!.

**Биринчи ниқобли** (кўрқунчли товуш билан). Улим.

**Дилнавоз.** Оҳ, қутулдим.

**Укунар.** Нима истайсиз?!.

**Иккинчи ниқобли.** Қон! (Укунар тўппончасини олмоқ учун, Родуни чақирмоқ учун тебраниб кўрар, ниқоблилар қўймаслар.)

**Учинчи ниқобли.** Мингбоши ҳазратлари! Улим қучоғига тушгач, тебрансангиз-да бўлур!

**Укунар.** Сиз ким?!.

**Биринчи ниқобли.** (Кўрқинчли товуш билан.) Бир йўла айтдим — ўлим!

**Укунар.** Нима истайсиз?!.

**Иккинчи ниқобли.** Иккинчи йўла айтаман: Қон!

**Укунар.** Нечук, қон?!.

**Учинчи ниқобли.** Золим қони!

**Укунар.** Оҳ... ўғрилар... хоинлар..!

**Иккинчи ниқобли.** Биз ўғри эмас!

**Укунар.** Бу ерга кимдан сўраб кирдингиз?!

**Учинчи ниқобли.** Сиз кимдан сўраб бизнинг ўлкамизга кирдингиз?!

**Иккинчи ниқобли.** Бу қизнинг қишлоғига сизни ким чақирғон эди?!

**Учинчи ниқобли.** Кимдан сўраб буни қочирдингиз?!

**Иккинчи ниқобли.** Ўғри сизни дерлар!

**Учинчи ниқобли.** Сизни хоин дерлар!

**Укунар.** Тилагингиз нима? Сўйлангиз!

**Иккинчи ниқобли.** Қонингиз!

**Учинчи ниқобли.** Бошингиз!

**Укунар.** Оҳ... ёввойилар. Инсон қони, инсон боши истайлар.

**Биринчи ниқобли** (Ёввойи бир кулиш билан). Йўқ ... золим қони истаймиз!

**Дилнавоз.** (Ўйлар) Бу товуш?! Бу менга таниш?!

**Иккинчи ниқобли.** Сизнинг қиличингиз билан тўкилганлар булоқ суви эмас, инсон қони эди. Сўровсиз қолсунми?

**Учинчи ниқобли.** Сизнинг буюригингиз билан кесилганлар «бузов боши» эмас, инсон калласи эди. Учи олинмасунми?! Сўзни узатмайлик. Бизни тинглангиз!

**Укунар** (бир оз тинчланиб). Буюрингиз, сўйлангиз, нима истасангиз берайин.

**Учинчи ниқобли.** Сизнинг буйруғингиз билан бу кун «Испомия эмлоғи»да тинтув бўлғон, шундан келтурган қоғозлар, ёзувларни сизга топширдилар...

**Укунар.** Менга топшурмадилар.

**Учинчи ниқобли.** Елғон чоғи эмас, шул қоғозларни бизга топшурингиз.

**Укунар.** Қоғозлар менда эмас, пўлис бошқармасиға юбордим.

**Учинчи ниқобли.** Бермайсизми?!

**Укунар.** (Ялиниб) Бўлмаса нимани берай?!

**Биринчи ниқобли** (Кўрқунчли товуш билан иккинчи ниқоблиға). Бажар ишни!

(Иккинчи ниқобли ханжарини кўтариб Укунарга солар.)

**Укунар** (ханжар учи ўмизига тегар-тегмас). Тўхтангиз, топиб берайин. (Иккинчи ниқобли ўз қўлини сақлар.) Қоғозлар мана шу шкафдадир, очиб олингиз, (Биринчи ниқобли шкафдан қоғозларни олар) шкафнинг бир четида мана шу сандуқнинг оғучлари бор. Олингиз, шу сандуқни очиб олтуларимни ҳам олингиз, мени ўлдингиз.

**Учинчи ниқобли.** Инқилобчилик бошқа нарса, олтув ўғрулиқ бошқа нарсадир.

**Биринчи ниқобли.** Менинг ишим битди. Сиз ҳам бунинг ишини битирингиз!

**Укунар** (ялиниб). Менга тегмангиз. Нима десангиз берайин. (Иккинчи ниқобли ханжар билан урар. Укунар «воҳ» деб йукулур. Жони чиқур. Учинчи ниқобли унинг бошини кесмак учун тиришар. Дилнавоз хуркуб ердан кўпар. Шу паллада Родубиби бир патнусда бир шиша («ароқ» билан «рюмка» олиб кирар. Кўзи буларга тушгач «оҳ» деб қичқирар. Патнус қўлидан тушар. Биринчи ниқобли ханжар олувга югурар. Дилнавоз ораға кирар, Родубиби қучоқлар.)

**Дилнавоз.** Йўқ, бунга тегмангиз, бу ҳиндлидир.

**Биринчи ниқобли** (Ўзининг туб товуши билан). Ундай бўлса юрингиз, уни ҳам олиб борайлик. (Юзини очар.)

**Дилнавоз.** Оҳ... Раҳимбахш, сенмисен?! (Раҳимбахшнинг қучоғига отилур. Бошини унинг кўкраги узра қўяр.)

**Раҳимбахш.** (Биринчи ниқобли) Кел, малак... юрагимни тингла!

**Родубиби** (эсини йўқотар). Ҳи-ҳи-ҳи... ҳо-ҳо-ҳо... мана, мана ҳи-ҳи-ҳи... (Бариси додираб унга қарайлар.) Лочин, Ҳо-ҳо-ҳо. Хи-хи-хи... Қоч, қоч, соҳиб, қоч... Мана, мана, мана, қоч!

(Кўл, оғиз, кўзи билан имлаб турар.)

**Дилнавоз.** Эсиз! Эсини йўқотди. (Келиб Родубибини тутар) Она... нима бўлди сенга? Мен билан кетасанми?

**Родубиби.** Лочин, лочин... қоч, соҳиб... Мана, мана, мана...

**Дилнавоз.** Меним тутқунликда онам эдинг сен (Манглайиндан ўпар. Родубиби ҳеч биттасини сезмасдан маъносиз сўзларини айта берар.)

**Раҳимбахш** (Дилнавоз қўлини олиб). Жоним, малагим! Бундай ишлар қурбонсиз бўлмас, ҳайда кетайлик.

**Дилнавоз.** (Раҳимбахшга эргашиб Родубибидан бир одим узоқлашғач яна турар. Родубибига қараб сўйлар.) Моможоним! (Родубиби кўк сари қараб жилмайиб турар.) Мен билан юрмадинг, менга берган ҳақларингни «ҳалол» эт! Оҳ... сен эсингни йўқотдинг, қамоқдан чиққандек бўлдинг. «Менлик», «сенлик», «ҳақ», «ҳалол» деган чанбарлардан қутулдинг. Сен чин эркли бўлдинг эмди. Бироқ мен... (Яна Родубибининг манглайини: ўпгандан кейин Раҳимбахшнинг қўймаслиғи билан чиқар, Родубибидан бошқалар-да чиқарлар. Парда Родубибининг ратсиз<sup>1</sup> кулушлари орасинда тушар.)

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

(Кундуз. Гангар тоғида бир мағора.<sup>2</sup> Тепасида тор тўйнуқдан ёруғлиқ оладир. Мағоранинг сўл пучмоғиндоғи тор бир айланма билан ташқарига чиқадилар. Мағоранинг бир ёғида кичкина бир мисбоҳ,<sup>3</sup> бирда ўрундуқ қўйилган. Девор остинда ясама оқчалар билан «Қўзғатғу битиклар» битилган. Қорши ёқда еттита ўн биротар милтиқлар қаторланган, бир чеккада ўқ садоқлари тартибсизча турадир. Раҳимбахш мисбоҳ бошинда ёзиб турадир. Дилнавоз емак пиширадир. Маҳмудхон билан уч ишчи битиклар ҳам ясама оқчаларни боғлаб ратлаб<sup>4</sup> туралар. Бадринат соҳиб тор йўл оғзинда уйғониб ётган.)

**Биринчи ишчи.** Дилнавоз жоним, ош қачон?

**Дилнавоз.** Соат неча?

**Иккинчи ишчи** (билак соатига қараб). Ун икки.

**Дилнавоз.** Яна икки соат бор, шошмангиз.

**Биринчи ишчи.** Оч қолдик-ку.

**Иккинчи ишчи.** Сенинг қурсоғинг тегирмонмидир. Бунча оч қоласан?!

**Биринчи ишчи.** Шамолми едим?!

**Бадринат.** Мен жуда ишдан чиқдим.

**Иккинчи ишчи.** Сиздами оч қолдингиз?!

**Бадринат.** Очлик ҳам гапми? Улдим! Эшик тагинда турибман? Ел эсиб ўтадир. Кишининг қурсоғи кўп ишлайдир.

**Биринчи ишчи** (иккинчига). Бу кишининг қурсоғи тегирмонми?

**Иккинчи ишчи.** Албатта, ҳамда ел тегирмони. (Кулалар).

**Бадринат.** Дилнавоз жоним! Сиз қозон бошинда турибсиз...

**Иккинчи ишчи.** Қозон хони... қозон хони. (Кулалар).

**Бадринат.** Истаганда олиб ейсиз. Оч ҳолини тўқ билмас.

**Биринчи ишчи.** Бу орада оч қолмаган киши Раҳимбахш соҳиб калласини тушуриб ёзгани-ёзган.

**Иккинчи ишчи.** Ёзув ёзмоқ қорин тўйдирадир, биласанми?!

**Дилнавоз.** Шундайми? Кўп яхши, қозон-тобоқни йиғиштирамиз, оч қолгонга қоғоз-қалам берамиз, ёзув ёзсун.

**Иккинчи ишчи.** Мен ундан парҳез.

**Дилнавоз.** Нечун?!

**Иккинчи ишчи.** Доктор буюрган.

**Раҳимбахш.** Мен-да кўп тўқ эмасман.

**Биринчи ишчи.** Жим турибсиз-ку!

**Раҳимбахш.** Нима қилай? Меним гапим билан емак бот пишарми? Сиз тор кўнгулли

<sup>1</sup> Ратсиз — беўхшов, хунук, маъносиз.

<sup>2</sup> мағора — гор, ўйиқ.

<sup>3</sup> мисбоҳ — чироғ

<sup>4</sup> ратлаб — тартибга келтириб.

кишилар. Гапирмай тура олмайсиз. Гапура, гапура ўзингизни-да, Дилнавозни-да ишдан қолдирасиз.

**Дилнавоз.** Кечирасиз, ўртоқ, мен ишдан қолмадим.

**Учинчи ишчи.** Мен зулмга қарши ишлаймен, бу йўлда очликдан ўлсам-да майли.

**Биринчи ишчи.** Яша, эй Гулдоҳон, афғонлигингни кўрсат.

**Бадринат.** Афғонлар ботир кишилар. Инглизларнинг бир қилиғи бор, инглиз бўлмағон ҳар ким билан кўрушганда буюк бир катталиқ билан гапуралар, кўп сўзига жавоб бермайлар. Бироқ, бир афғонни кўргач, ялунурға мажбур бўлалар.

**Раҳимбахш.** Дилнавоз хонимни Укунардан қутқорғонимиз кеча Укунар уйидан чиқиб Маҳмудхонларни қутқорғали борганимизда Гулдоҳоннинг кўрсатган ботурликлари эсимдан чиқғуси ишлардан эмасдур. Буюк қаҳрамонлик қилди.

**Бадринат.** Яшасун, чиндан-да буюк ботирлик кўрсатган экан.

**Биринчи ишчи.** Бу афғонлар ўзларини «Бани Исроил» болалари дейлар, тўғримми?

**Учинчи ишчи.** Хоҳ, биз бани Исроил.

**Иккинчи ишчи.** Йўқ, жоним, тўғри эмас. Жухуд боласи бўлғонда бир оз кўрқоқ бўлар эдилар.

**Учинчи ишчи.** Бу тўғрида «ҳадис» бор.

**Бадринат.** Буни Раҳимбахш соҳибдан сўрайлиқ.

**Учинчи ишчи.** Кўп яхши, айтсунлар.

**Раҳимбахш.** Бир кўп афғон тарихларинда афғонларни бани Исроил деб кўрсатилган. Бу тўғрида тонуқлар ҳам кетурилган.

**Учинчи ишчи.** Ҳа... тонуқларимиз кўп.

**Биринчи ишчи.** Нендай тонуқлар бор?

**Раҳимбахш.** Биринчи шул «ҳадис», иккинчи тонуқлари «тайласан»<sup>2</sup> деган «лунги»дек бир кийимлари. Айталарким «Бани Исроил»да ҳам шу «тайласан» бор эмиш. Учинчи тонуқлари соч қўйиш экан, тоғ орасиндағи афғонлар жухудларча соч қўяр эканлар. Менимча бу тонуқлари бутунлай чуруқ.

**Учинчи ишчи.** Нега?

**Раҳимбахш.** Негаким бундай тарихий буюк сўровларға «ҳадис» билан жавоб бериб бўлмайди. «Тайласан» деган кийимлари эски юнонларда ҳам бор эди. Буни Юнондан Эрон орқали афғонға ўтганлиги узоқ эмасдир. Соч қўйишлари эса Эронда ҳам бор.

Бундан бошқа тарих билими «Фаластин»дан Афғонистонға бир «кўчдириш» бўлғонни кўрсатмайди. Менга қолса бу тугунни ечмоқ учун икки йўл бор, бири ер остини қазиб очик излар, белгилар изламак. Иккинчиси афғон тили билан жухуд тили орасинда бир яқинлик ахтармоқ. Менча афғон тили билан жухуд тили орасинда бир яқинлик йўққа ўхшайди. Бироқ бу тўғрида узил-кесил бир нарса айтмак меним эмас, тиллар билимига уста кишиларнинг ишидир.

**Учинчи ишчи.** Майли, бу ишлар бўлғонча биз жухуд боласи бўлиб қолармиз.

**Иккинчи ишчи.** Майли, нима бўлсанг бўл, бироқ ишла, тириш.

**Учинчи ишчи.** Тиришмак истамаса эдик шаҳардан, қишлоқдан узоқлашиб тоғлар, мағоралар орасинда бундай ишлаб турар эдикми?

**Бадринат.** Яша, афғон!

**Иккинчи ишчи.** Яша, жухуд боласи. (Кулалар. Шу паллада тор йўлдан ҳуштак товуши эшитилар, ҳаммалари обдираб қарайлар.)

**Раҳимбахш** (ёзғични қўйиб). Орқадошлар, қоровулимиз «қора» кўрди. Турингиз, яроқланайлик. (Ҳаммалари туриб ўн бир отарларини кўриб тайёрланурлар.)

**Бадринат.** Ўз кишиларимиздан бўлса керак.

**Раҳимбахш.** Шундай бўлса керак.

**Биринчи ишчи.** Майли, биз тайёр. Таниш бўлса салом, ёв бўлса ўқ, кела берсун...

**Раҳимбахш** (биринчи ишчига). Орқадош! Бомбаларни чиқариб қўйингиз. (Биринчи ишчи ёғоч қутидан бомба чиқариб мисбоҳ узра қўяр. Шу чоғда милтиқ, садок, тўппонча, дурбин билан яроқланган қоровул кирар.)

**Раҳимбахш.** Ким экан?

**Қоровул.** Узимиздан экан, соҳиб!

**Бадринат.** «Урон» бердимми?<sup>3</sup>

**Қоровул.** Берди. Чилон ёғочининг остиға келгач, бир оз турди. Ўнг қўлини икки йўла кўтарди.

**Раҳимбахш.** Сизда чиқиб «Урон» берингиз, келсун. (Қоровул чиқар.)

**Бадринат.** Ҳайдангиз, ишларимизни кўра берайлик. Ҳали бизга яхши хабарлар келса керак. (Ҳаммаси бурунғи ўз ишига ўтурур.)

**Биринчи ишчи.** Яхшими, ёмонми нима бўлса, хабар бўлсун. Юртдағи йўлдошларимизнинг ҳолларини билиб олайлиқ.

<sup>1</sup> тонуқ — тонуғ — гувоҳ, шоҳид, белги, нишона.

<sup>2</sup> Тайласан — бошга, бўйинга солиб орқага ташлаб юрадиган чодирдек нарса, ридо.

<sup>3</sup> Урон — «парол» демакдир.

**Раҳимбахш.** (Биринчи ишчига.) Уртоқ, бу бомбаларни ерига қўйингиз. (Биринчи ишчи бомбаларни қутига қўйиб, яна ўз еринда ўтурур.)

**Иккинчи ишчи.** Дилнавоз хоним, ош пишдимми?

**Дилнавоз.** Бир оз турасиз.

**Биринчи ишчи.** Бу кунги эт қаттиғ экан, бот<sup>1</sup> пишмасе керак.

**Иккинчи ишчи.** Жони тош бўлғонда ҳам ҳалигача пишар эди.

**Дилнавоз.** Келган кишининг гапларини эшитмагунимча менинг томоғимдан нарса ўтмайди.

**Иккинчи ишчи.** Мен ҳам шундай. (Қоровул қирар.)

**Раҳимбахш.** Келдимми?

**Қоровул.** Келди. Бир хотун экан.

**Раҳимбахш.** Келсун. (Қоровул қўли билан йўл кўрсатгач, бош-оёқ яланг, қора, йиртиқ кўйлакли, чирмашиқ тузонли сочли, 40 яшар бир хотун қўлида эгри-бугри бир таёқ тутиб қирар, бош эгар.)

**Раҳимбахш.** Қаердан келасиз?!

**Хотун.** Ҳиндустондан!

**Раҳимбахш.** Қаерга?

**Хотун.** Ҳиндустонга.

**Раҳимбахш.** Отингиз?

**Хотун.** Бомба (Кимсага билдирмайин мағоранинг ҳар ёғига қарар)

**Раҳимбахш.** Хуш келдингиз!

(Дилнавоз ишончсизча қараб турар)

**Бадринат.** Хўш, гапирингиз қани! Нима иш, нима хабар билан келдингиз?

**Хотун.** Зайид соҳибни кўргали келдим.

**Бадринат** (Раҳимбахшни кўрсатиб). Мана Зайид соҳиб.

**Хотун.** (Раҳимбахшга бош эгиб) Мени Пешавордан «Муҳаммад Ҳусайинхон соҳиб Баҳодур» юбордилар.

**Раҳимбахш.** Кўп яхши, хон Баҳодур соҳибнинг ҳоллари қалай?

**Хотун.** Яхши, сизларга салом айтдилар.

**Раҳимбахш.** Эсон бўлғайлар, нима буюрдилар.

**Хотун.** Дедиларким, биз Пешаворда апрель бошларинда ҳукуматга қаршу чиқиш ясармиз. Шунинг учун тайёрлигимиз бор. Бомбайда Анрибил Мистар Жаноб соҳиб, Лоҳурда Миён Фозил, Ҳасан соҳиб, Аллоҳободда Анрибил Саид Ризоли соҳиб, Аликадада Хўжа Абдул Мажид соҳиб, Лоҳурда «Мистар Мазҳарул Ҳоқ» соҳиб, Калкуттада Фазлулҳақ соҳиблар ҳам шул кунларда ялпи чиқиш учун қўмитадан буйруқлар олғонлар.

**Раҳимбахш.** Бизда бу тўғрида хабар бор. (Хотуннинг кўзлари шодликдан яширунча ўйнар.)

**Хотун.** Пешаворда тарқалғон «Қўзғотғу битиклар»нинг Зайид отли бир киши томонидан тарқатилғонини ҳукумат тилчилари билганлар. Бир суратингизни ҳам қайдандир топганлар, сизни қўлга тушурмак учун бор кучлари билан тиришалар. (Ҳаммалари из қўярлар. Хотун ўз сўзларининг таъсирини англамак учун бир оз тинар. Дилнавозда ишончсизлик.)

**Раҳимбахш.** (Совуққонли) Хўш... сўнгра?!

**Хотун.** Хон Баҳодур соҳиб сиздан ўтиналарким, бир неча кун шаҳарларга сира яқинлашмайин юрғайсиз. Бўлғудек эса Боғистон томонга ўтиб қолғайсиз. (Дилнавознинг ўзини кучлаб сақлагани кўринур.)

**Раҳимбахш.** Бошқа?

**Хотун.** Босилғон битиклардан менга бир оз бергайсиз.

**Раҳимбахш.** (Бадринатга) Чиқингиз, «Ҳиндустон» деган янги битикчадан беш юзта берингиз. (Бадринат соҳиб саккиз бетлик кичкина битикчалардан беш боғлом олиб хотунга берар. Хотун қўлтиғидан бир қопчик чиқариб, битгичларни солар.)

**Раҳимбахш.** Хон Баҳодур соҳибга салом айтингиз. Қўлларини ўпарман. Илгимдан келганча айтганларидек ишлармен.

**Хотун.** (Қопчиқни кўтариб) Хўп. Яхши қолингиз.

**Раҳимбахш.** Яхши борингиз. (Хотун мағоранинг ҳар ёнига яна бир йўла яширингина қарагандан кейин чиқмоқ истар.)

**Дилнавоз.** (Бирдан қайнаб кетар) Тўхтангиз... Тўхта...

**Хотун.** (Қайрилиб) Ким? Менми!

**Дилнавоз.** Ҳа, сен! Сен! Тил-чи хотун, сен! (Ҳаммалари обдираб қолурлар.)

**Хотун** (ясама бир обдириш билан). Ким?! Менми?! Мени тилчим дединг?! Бу қандай сўз?!

**Дилнавоз.** Сени дедим. Тилчи сен!

**Раҳимбахш.** (Ердан туриб Дилнавозга яқинлашур.) Сенга нима бўлди, Дилнавоз?!

<sup>1</sup> Бот — тез, тезликда

**Дилнавоз** (ишчиларга). Тутингиз буни! Бу тилчидир дейман, тутингиз буни! (Биринчи, учинчи ишчилар хотунни тутарлар.)

**Раҳимбахш.** Нега тутдирасен буни?!

**Дилнавоз.** Бу тилчидир, ҳукумат тилчисидир.

**Раҳимбахш.** Қаердан билдингиз?!

**Дилнавоз.** Оҳ... менинг юрагим шундай кўрсатадир, тилчидир бу!

**Раҳимбахш.** Юрак кўрсатиши билан бир кишини тутиб бўлмайдир. (Ишчиларга) Қўя берингиз! (Ишчилар қўймоқчи бўлғоч.)

**Бадринат** (ишчиларга). Тўхтангиз! (Ишчилар яна тутарлар. Бадринат Раҳимбахшга) Кўрсатишларнинг энг тўғриси юрак кўрсатишидир...

**Раҳимбахш.** (Сўзни кесиб). Қайси бир қонун юрак кўрсатиши билан бир кишини тутдирадир?

**Бадринат.** Қонунларга қараманғиз, улар бўш нарсалардир.

**Раҳимбахш.** Нима қилмоқчисиз?!

**Бадринат.** Мен айтаманки, Дилнавоз хоним бу кишига ишонмас экан. Биз қисқагина бир «сўров» қилайлик. Бу хотун сўрошларимизга тўғри жавоб бера олса кета берсун.

**Хотун.** Сиз кўп қизиқ кишилар экансиз. Инглиздек катта бир давлатга қарши ишлайсиз. Ҳиндустонни қутқармоқчи бўласиз, ўз кишиларингиздан бири мени сизга юборган экан, менга ишонмайсиз. Сиз бу онг билан, мия билан қандай ишлай олурсиз?! Мендан нима сўрайсиз?! Уронингизни бердим. Хон Баҳодурнинг сўзларини айтдим. Қайсиси тўғри чиқмади?! (Раҳимбахшга) Сиз айтинг-чи, уронингизни янглиш сўйладимми?

**Раҳимбахш.** Йўқ.

**Хотун.** Хон Баҳодурдан айтган сўзларим ёлғон чиқдими?!

**Раҳимбахш.** Йўқ.

**Хотун.** Яна мендан нима сўрайсиз?!

**Бадринат.** Бу мағорани сизга ким дарак берди?!

**Хотун.** Мени сизга ким юборган бўлса, шул дарак берди.

**Бадринат.** Ўзингиз қаердан?

**Хотун.** Пешавордан.

**Бадринат.** Қайси маҳалладан?

**Раҳимбахш.** Қўйингиз, Бадринат соҳиб! Бу ишингиз уятдир. Хон Баҳодур соҳиб эшитса яхши бўлмас. Хон Баҳодур соҳиб бунга ишониб бизга юборибдир. Уронни ўргатибдир. Яшурун сўзларни айтибдир. Ҳаммасини ўз қулоғимиз билан эшитдик. (Хотуннинг кўзларида шодлик.) Сиз янадан «Қайси маҳалладан сен?» деб турасиз, бу иш кулунчидир. (Ишчиларга) Қўяберингиз! (Ишчилар хотунни кўябералар.)

**Хотун.** Мен кетаман?

**Раҳимбахш.** Кетингиз, Хон Баҳодур соҳибга салом айтингиз. (Хотун чиқар.)

**Дилнавоз:** Кетди, яқинда бошимизга бир бало кетурур.

**Раҳимбахш.** Дилнавоз, ўтинаман шу қўрқоқликни ташла.

**Бадринат.** Ҳайдангиз, ошни сузингиз, оч қолдик, бўлғони бўлди.

**Биринчи ишчи.** Жуда ўлдик, ошни сузингиз.

**Дилнавоз.** Хўп. (Қозондоғи қовурмани икки тобоқ, бир чаноқга суза бошлар.)

**Иккинчи ишчи** (суфрани ёзиб, нон қўйиб). Қани, келингиз!

(Ҳаммалари суфра теграсинда ўтурурлар.)

**Дилнавоз** (учинчи ишчига). Гулдодхон, бу бир чанов ошни қоровулга бериб келингиз.

**Учинчи ишчи.** Хўп. (Чаноқни қозон бошидан олиб қоровулга чиқарур, Дилнавоз ош тобоқларини суфра узра келтуруб қўяр, ўзи ҳам ўтурур, ея бошларлар.)

**Биринчи ишчи.** Дилнавоз хоним, хотунни кўп қўрқитдингиз-да?

**Иккинчи ишчи.** Жонини чиқардилар.

**Дилнавоз.** Мен шунга ишонмадим, шуни кўргач кўнглим қораланди.

**Раҳимбахш.** Жоним! «Мен ишонмадим» деб бир кишини тутмоқ тўғрими?

**Дилнавоз.** Меним оғурсиз<sup>1</sup> бир кўнглим бор. Бўлғуси ёмонлиқларни бурунроқ кўрадир. Буни ўзинг-да биласан.

**Раҳимбахш.** Бир нарса бўлмас, тинчлан!

**Дилнавоз.** Кўрарсан.

**Учинчи ишчи.** Бир нарса бўлғонда, нима бўлур? Биз нимадан, нега кўрқамиз? Бу ишга киришган кун жонимиздан кечмаган эдикми?

**Дилнавоз.** Тузук, жонимиздан кечдик эдик. Бироқ қўл-оёқларимизни боғлаб уларга берамиз, демаган эдик.

**Бадринат.** Дилнавоз хоним! Кўп қайғурмангиз. Ҳукумат бизнинг изимизни топиб ҳалиги хотунни юборган бўлса, у хотунни тутиб тилим-тилим қилмоқ ҳам унумсиздир. Изимиз топилгандан кейин уларнинг тилчи хотунлари бир эмас, ўн эмас, мингларча бор. Тутиб ўлдирмак билан битмас. (Ташқаридан қоровулнинг ҳуштак товуши келар.)

**Дилнавоз.** Мана... айтганим чиқди!.. (Ҳаммаси обдираб қарарлар.)

<sup>1</sup> оғирламоқ — баҳоламоқ

**Раҳимбахш.** Шошма, жоним, қоровул келсун.

**Бадринат.** Менга қолса Дилнавозники тузук. Иш ёмонлашди. Турингиз, буларни йиғиштириб бомбаларни тайёрлангиз. (Ҳаммалари туриб суфра, тобоқларни йиғиштириб, қутидан бомбаларни чиқариб мосоға қўярлар, қоровул югуриб кирар.)

**Раҳимбахш.** Нима гап?

**Қоровул.** Бизни босалар...

**Бадринат.** Орқадоллар, телба бўлмангиз, милтиқларимизни олиб, содоқларимизни тоқайлик. Ташқари чиқиб тор йўлнинг бошини тутайлик. (Ҳаммалари садоқларин, милтиқларин олурлар.)

**Раҳимбахш.** Бу бомбаларни-да биттадан олайлик. (Маҳмудхон билан уч ишчи, тўрт бомбаларни олурлар.) Ҳайдангиз ташқариға!

(Ўзи илгари тушар, бошқалари унинг кетидан чиқар. Ташқаридан Раҳимбахшнинг товуши келар.) Яқинлашалар, югурингиз, ҳар ким ўз булжор<sup>1</sup>инда турсун). Бир оз тинишдан сўнг милтиқ товушлари эшитилур. Милтиқ товушлари орасинда икки бомба портлар. Сўнгра жимжит бўлур. Икки дақиқадан кейин юзбоши Порлинсун олти пўлис ҳамда ҳалиги тилчи хотун Дилнавоз билан Бадринат соҳибни тутқун қилиб мағорага кирарлар. Тутқунларнинг қўллари боғланган. Бадринат соҳиб оёғиндан яралангани учун оқсар.)

**Порлинсун.** Келингиз, ўғрилар, бу ерда нима ишлар эдингиз?! (Бир дафтарча очиб ёза бошлар.)

**Бадринат.** Сўрамоқ ортиқ бир иш. Шу ердаги нарсаларнинг ўзи кўрсатадир.

**Порлинсун.** Йўлдошингиз қани?

**Бадринат.** Улмаган бўлсалар қочғондирлар.

**Порлинсун.** Неча киши эдилар?

**Бадринат.** Биздан бошқа икки киши.

**Порлинсун.** Шунча отишғон, шул тўрт кишими эди?!

**Бадринат.** Шул тўрт киши шунча отишғон эди!

**Порлинсун** (Дилнавозга қарағондан кейин ўйлар). Уқунарнинг уйинда кўрганимдан яхшиланмиш.(Сўйлар) Сенинг отинг нима?

**Дилнавоз.** Дилнавоз.

**Порлинсун.** Сен-да шуларданми?

**Дилнавоз.** Ҳа.

**Порлинсун.** Сизнинг бошлиғингиз ким эди?

**Бадринат.** Мен эдим.

**Порлинсун.** Сенинг отинг нима эди?

**Бадринат.** Бадринат.

**Порлинсун.** (Пўлисларга бўйра<sup>2</sup> тагиндаги қоғозлар билан қопларни кўрсатиб) Бу қоғозларни қопларга солингиз.(Пўлислар қоғозларни бир қопга солурлар, қопнинг оғзини боғларлар. Порлинсун қоп оғзини сўргич қилгандан кейин) Қоп билан бу машинани олиб чиқарингиз. (Пўлислар уларни кўтариб чиқарурлар) Бу иккисини ҳам чиқарингиз. (Пўлислар Бадринат билан Дилнавозни чиқарурлар. Ҳаммадан кейин Порлинсун чиқар.)

(Парда тушар)

## БЕШИНЧИ ПАРДА

Гангар тоғининг кичкина тепалариндан бири. Ундан тепага чиқар тор бир йўл. Сўлда кўқарган икки-уч тоғ ёғочлари. Тепанинг нари ёғинда узоқдаги ўрмоннинг устигина кўринади. Қуёш янгигина ботган, ҳаво қоронғилана ёзғон. Саҳна жимжит. Бир оздан кейин тепанинг сўл ёғидан (йўлсиз томондан) Раҳимбахш тирмашиб чиқар.

**Раҳимбахш.** (У ён, бу ёнга қарагандан кейин чарчаганин кўрсатиб.) Уф... мана шу ер яхши экан. Шунда бир оз турайлик. (Тубанга қараб ўртоқларини кўли билан чақиргандан кейин ўтуриб тушунчага толар.) Оҳ Дилнавоз... бахтсиз бир юртнинг бахтсиз қизи бўлганинг етмас экандек, бахтсиз бир йигитнинг бахтсиз бир суйгулисига ҳам бўлдинг. Ужмоқдек боғчалардан ажраб томўғдек мағораларда яшадинг. Малак эдинг, шайтонларга тутилдинг. (Узоқларни тинглагандек бўлиб) Оҳ... «Мени қутқар!» деган товушинг қулоғимдан кетмайдир. Қутқарурман. Сени бир неча йўла Уқунардан қандай қутқарган эсам, яна шундай қутқараман... (Биринчи, иккинчи, учинчи ишчилар билан Маҳмудхон тирмашиб чиқарлар.) Келинг, ўртоқлар! Шунда бир оз турайлик. (Ҳаммаси ўтурурлар.)

**Маҳмудхон.** Нима қиламиз энди?

**Раҳимбахш.** Шунда пойлаб турамиз. Улар ана у катта йўлдан ўтарлар.

**Учинчи ишчи.** Шундами улар?

<sup>1</sup> Булжор — қўшин юришга отланганда тўпланиш манзили. Еки тўпланиш вақти ва ўрни.

<sup>2</sup> Бўйра — (бурё) бордон



**Раҳимбахш.** Улар узокдан кўрингач, илдам югуриб ана у ўрмонликка борамиз. Шунда борғонлариде босармиз.

**Маҳмудхон.** Бир иш қилайликким, хотун тузоққа тушғай. У қутулса иш чатоқ.

**Учинчи ишчи.** Албатта... У шайтон хотун кимлар билан ишлаганимизни билиб кетди. Қочиб қутулса бутун йўлдошларимизни тутдурғусидир.

**Раҳимбахш.** У ўрмонлиқ кенггина ердир. Унда борғонда ҳаммасини тузоққа тушурмиз.

**Учинчи ишчи.** Бадринат соҳиб билан Дилнавозхонимни ҳам қутқарурмиз.

**Маҳмудхон.** Улар нечук тутилдилар?

**Раҳимбахш** (биринчи, иккинчи ишчиларни кўрсатиб). Булар тоққа чиққандан кейин мен тор йўлнинг ўнг оёғиндаги бир қоянинг панасинда ерлашдим. Бадринат соҳиб мендан устарак турғон эди. Дилнавоз-ку сизлар билан шул ёққа кетган эди.

**Маҳмудхон.** Ҳа.

**Раҳимбахш.** Сиз ўз булжарларингизда ерлашдингиз. Дилнавоз ҳам бир боғчанинг панасинда қолди. Менга кўруниб турган эди. Ёв бизнинг ёқни кучли кўргач, сўлга бурулди. Учтаси йиқилғондан кейин қолғони англағач югуриб бормоқчи бўлдим. Бирдан кучли бир қўл елкамдан тутди. Қарасам Бадринат соҳиб. «Сиз нега келдингиз?» — дедим. «Сизнинг тушунчангизни англаб келдим» — деди. «Нима истайсиз?» — дедим. Айтдиким, «Ишимиз ёмон, қочмоқ керак». Мен бу сўздан қиздим. «Дилнавозни қўйиб қочмам» дедим. Бадринат соҳиб дедиким, сиз Дилнавозни ҳам қўймангиз, кўмитанинг мағорадаги шунча нарсаларини ҳам унутмангиз. Бироқ шу паллада қочмоқдан ўзга йўл йўқ. Мен бошқа орқадошларга қочмоқ ишорати бердим, сиз-да шулар билан қочингиз. Мен Дилнавознинг кўмағига бораман. Уни қутқара олсам сизга эришаман, қутқара олмасам, ўзим ҳам унинг ёнинда қолғоли тутиламан. Сиз йўлдоғи ўрмонликка бориб турингиз. Булар шундан ўтарлар. Йўлларини тўсиб, ўзларини йўқ этиб, бизни қутқарурсиз. Мана мен Бадринат соҳибнинг айтган сўзлари учун сизни бу ерга кетурдим.

**Маҳмудхон.** Сўнгра нима бўлди?!

**Раҳимбахш.** Оҳ, дўстим! Нарисини сўрама! Кўр бўлғай эрдим-да кўзим кўрмагай эди! Бадринат Дилнавозга эришгач, пўлислар-да етишдилар. Дилнавоз билан Бадринат соҳибни тутдилар. (Бутунлай ўзгариб) Уф... мен буюк виждонсизлик этдим. Дилнавозимни қутқармасдан қочдим. Оҳ, бахтсизлик!

**Учинчи ишчи.** Жоним, нима бўлди сенга? Тетик тур! Дилнавознинг бу иккинчи тутилишидир. Биринчи йўла қутқарганимиздек, бу йўла ҳам қутқарурмиз.

**Иккинчи ишчи.** Энди шунда тураимизми?..

**Раҳимбахш.** Йўқ. Уларни пойлаб турибмиз. Қораларни кўргач, ўзимизни ўрмонлиққа олурмиз.

**Маҳмудхон** (узокдан бир нарсани кўргандек бўлиб). Ана келдилар, турингиз!

**Раҳимбахш.** (Маҳмудхон қараган сари қараб) Ҳа, ҳа, келалар. Орқадошлар, еримиздан кўпмайғина тепадан туша берайлик, кўпсак кўрурлар.

**Учинчи ишчи.** Мен кетдим. (Ўзини тепадан тубанга қўя бера, бошқалар ҳам учинчи ишчидан кейин туша берарлар. Раҳимбахшхон тепада узаниб, келганларни пойлар. Биз оздан кейин атрофига қараб йўлдошларига сўйлар.)

**Раҳимбахш.** Катта йўлдан чиқдилар. Шу тепага келатурғон тор йўлға кирдилар. Шу тепага секин-секин келалар. Ўзимизни ўрмонлиққа олайлик. (Бир оз туриб ўзини тепадан ташлар, йўқолур. Саҳна бир икки дақиқа жимжит қолар. Сўнгра тепага чиқатурғон тор йўл томонидан юзбоши Порлинсуннинг товуши эшитилар.)

**Порлинсун.** Мана шу тепа яхши экан. Сен бориб йўлдошларинга айт. (Порлинсун билан бир пўлис соҳиб саҳнага кирарлар.) Бир кишини отларга қоровул қўйсунлар. Бошқалари нарсалар ҳам тутқунларни олиб шунга келсунлар. Сен менинг ўрундуғимни келтур. (Пўлис салом олиб чиқар. Порлинсун юруб сўйлар,) ўшаларнинг тўрттаси ўн икки кишимизни ўлдурбдир. Ўзларидан бир киши ҳам ўлмаган! Бироқ иккитаси қўлга тушди. Улар «биздан киши ўлмади» деб шодланалар. Аҳмоқлар, буни англамайларким, биздан ўлганлари ўн икки киши ҳам ўзлариндан эди! Улар-да ҳиндустонли эдилар. Ўз қиличлари билан ўзларини кесмак мана энг буюк ҳунар!.. (Кўпуб) Бу қизни демайсизми! Бунинг тутилғони!.. Мен бу қизни мингбоши Уқунарникида кўрган эдим. Шунини қўлга тушургали бир озда тирилган эдим. Бу кун бу менинг кўлимға тушубдир. (Пўлис бир «йўлчи ўрундиғи» (қатлама устал) олиб келар, юзбоши кўрсатган ерга қўяр. Юзбоши ўрундуғга ўтурур. Беш пўлис билан тилчи хотун нарсалар билан тутқунларни келтуралар, юзбошига салом берарлар.)

**Бадринат** (тепанинг ҳар ёнига қарагандан кейин ўйлар). Бу нима? Бу кеча ўрмонликдан ўтмай, шундами ётамиз?!

**Порлинсун.** Ҳайдангиз, бир чекада ўтурингиз. Қоронғу кечада ўрмонликдан ўтмоқ яхши эмас. Ҳўсайн қоровуллик этсун. (Пўлислар юзбошининг буйруғини олғоч, тутқунларни бирга ўтқузурлар, милтиқларини тепанинг ўртасинда «чотма» қилиб, ўзлари тутқунларга яқинроқ ўтурурлар, бир-бирлари билан гаплашалар, Ҳўсайн деган пўлис қоровуллик қилар.)

**Порлинсун.** (Бадринатга). Шу тоғлиқда биз босгон мағорада ҳам ўчоқларингиз борми?

**Бадринат.** Юзбоши! Сиз бизни тутишга буйирган эдингиз. Ишингиз бизни қўлга тушурмак эди, тушурдингиз. Яна бир ишингиз қолдиким, бизни Пешаворға элиб, сўровчиларға топшуроқдир. Биздан гап сўрамоқ ишингиз эмасдур.

**[Юзбоши жим бўлур. Пўлислар эснай бошлар.]**

**Бадринат.** (Ўйлар.) Тангри Раҳимбахшга эс берсинким, ўрмондан берирак келиб бизни излагай. Эртагача бизни шул ўрмонликда кутиб турса, ишимиз битди!

**Порлинсун** (тилчи хотинга). Бу қизнинг қўлларини очиб қўй. Оврупа адолатли хотунларни бу ҳолда кўрмак истамас.

**Дилнавоз** (Бадринатга эшиттирибгина). Яна шайтонлиқ бошланди.

**Тилчи хотун.** Хўп. (Ериндан туруб Дилнавознинг орқасига ўтар, қўлини оча бошлар, Бадринатга сўйлар.) Ёввойилар ўзингиз-ку, майли кўзларингиз чиқсун. Гул каби бир қизни нима деб мағораларда қийнаб тутасиз? (Бадринат эшитмасликка урунар. Хотун Дилнавознинг қўлларини ечгач, ўз ерига бориб ўтурар. Дилнавоз қўлларини очилғонини шодлангудек, билмаганини кўрсатиб турар. Хотун юзбошига сўйлар.) Юзбошим, бу гўзал қиз, жуда онгли бир қиз-да.

**Порлинсун.** (Тушунча орасинда) Шундайми?!

**Тилчи хотун.** Жуда эсли, мен буларнинг мағорасига борғонда шу кишидан бошқалари мени танимадилар, менга ишондилар. Бу киши эса мени тутдириб, ўлдурмакчи бўлди. (Кулиб юборур.) Бояқиш «Зайид» менга ишонганин сўйлаб, жонимни қутқарди. (Пўлислар эснай бошладилар.) Бу кишини яширин пўлис бошқармасига қўйсангиз, давлатга кўп хизмат қилғусидирлар. (Юзбошининг толиб кетганин кўргач, бу ҳам узаниб ёта, пўлислар кўзларини уйқудан очалмай туралар.)

**Бадринат.** (Ўйлар.) Тангрим Раҳимбахшга эс бер! (Саҳна жимжит қолар. Қоровул тепанинг тор йўл томон ёқосинда кезиб турар. Бир оздан кейин Раҳимбахш боя кетган еридан бошини секингина чиқариб, бот йўқолур. Бир оз ўтгач, Раҳимбахш тўппончаси портлар. Уқ қоровулга теккач, тепадан юмаланиб тушар. Раҳимбахш билан йўлдошлари илдам чиқиб, «чатма»га келурлар. Утурғон қоровулларга милтиқ тўғрилаб турарлар. Бу ишлар жуда тезлик билан бўлиб ўтар.)

**Раҳимбахш.** (Туриб яроқланурға вақт топа олмай, обдираб қолгон қоровулларға) Ким кимирласа ўлур. (Юзбоши Порлинсуннинг кўпиб тўппонча чиқара ёзғонини кўрган Маҳмудхон қўлиндаги тўппончани бўшатур. Уқ юзбошининг кўрагиндин тегар. Йиқилиб талпина-талпина жон берар. Раҳимбахш Маҳмудхонга сўйлар) Сиз буларнинг қўлларини очингиз! Маҳмудхон Бадринатнинг қўлини оча бошлар. Бадринат қўли очилғон, ериндан кўпар. Дилнавоз ҳам кўпар. Раҳимбахш қоровулларга сўйлар.) Орқадошлар, сиз бизнинг юртдош, қурдошларимиз эурсиз. Бизнинг юракларимиз сиз учун уради. Биз мана шундай қоп-қоранғу кечада, кўрганингиз мағоралар, тоғлар тепаликлариде қийналиб юрамиз. Сизни қутқармоқ, сизни яшатмоқдан бошқа бир тилагимиз йўқ. Сиз келиб бизни босдингиз! Биз билан отишдингиз. Икковимизни тутдингиз. Бироқ биз биламизким, бу ишларнинг ёзуғи сизда эмас, юзбошингиздадир. (Қоровулларнинг юзлари кулар.) Шунинг учун шу соатдан сиз эрклидирсиз. Қачон истасангиз Пешаворға қайта олурсиз, отларингиз ўзингизники. Бироқ милтиқларингиз, тўппончаларингиз бизда қолур.

**Бадринат.** Шошмангиз, Раҳимбахшхон... Шу тилчи хотун янами қутулиб кетсун?!

**Раҳимбахш** (биринчи ишчига). Юборингиз бунни у дунёга!

**Тилчи хотун.** (Ирғиб туриб ялинар.) Зайид соҳиб, менга ҳам шу буюрғон эди. (Юзбошининг гавдасини кўрсатур. Биринчи ишчининг тўппончасидан чиққан бир ўқ билан «воҳ» деб йиқулур, жон берар.)

**Раҳимбахш** (пўлисларға). Дўстларим, нима қиласиз?! Шу паллада шаҳарга қайтасизми? Эртагача шунда турасизми?

**Бир полис.** Хон соҳиб! Сиз ҳиндли, биз ҳиндли, бу юзбоши бизни ўғри тутарға деб келтирган эди, биз кўриб, англаб турубмизким, сизлар ўғри эмас экансиз. Сизларнинг тилакларингиз бошқача экан. Биз ётганларнинг хизматиндан безиб қолгон, бундан кейин сизга хизмат қиламиз. Сиз билан биргаллашиб ёвни юртдан чиқарғоли тиришамиз. (Ишчиларда шодлик.)

**Раҳимбахш.** Кўп яхши. Юртимиз сиздек жонли, қонли йигитлардан иш кутади. Сиз зулмға қарши курашмоқчи бўлсангиз, биз қуллуқлар билан қабул қиламиз. Шундай бўлғоч, келингиз кучоқлашиб кўришайлик-да ўртоқлашайлик (Ҳаммалари кучоқлашиб кўришурлар.)

**Бадринат.** (Бир пўлисга.) Дўстим, сиз бориб отлар ёниндаги қоравулингизга ишни англадингиз.

**Пўлис.** Хўп. (Кетмак истар.)

**Раҳимбахш.** Орқадошим, ўз милтиғингизни олиб борингиз. (Пўлис чатмадан ўз милтиғини олиб борар. Раҳимбахш қолгон пўлисларға сўйлар.) Эмди ҳаммамиз бирлашдик. Ўз милтиқларингизни олингиз. (Пўлислар шодланиб, милтиқларини олурлар.)

**Бадринат.** Энди ҳаммамиз бирга, ҳаммамиз ҳам Ҳиндустон учун тиришамиз. Йиртқичлардан элимизни қутқарамиз. Яшасун Ҳиндустон, яшасун истиқбол!  
**Ҳаммалари.** Юртимизни қутқарамиз. Яшасун истиқбол!

**(Югуриб тепадан тушарлар)**

**(Парда тушар)**

**Битди**

**[Таҳрир 1920, таъби 1923 мелодийда ўлмишдир. Берлин]**

---

## ЮНОН ФАЙЛАСУФЛАРИ ҲАЁТИДАН

Сукротдан шогирди сўради:

— Тушунтир-чи, нега сенинг чеҳрангга ташвишдан асар ҳам йўқ?

Сукрот жавоб берди:

— Чунки мен йўқолса қайғуришга арзийдиган ҳеч нарсага эга эмасман.

\* \* \*

Сукротни қатл қилиш учун олиб кетаётганларини кўрган бир аёл йиғлаб юборди:

— Бу қандай бедодлик! Ҳеч қанақа гуноҳнинг йўғ-у, сени қатл қилишмоқчи!

Сукрот жавоб берди:

— Э аёл, наҳотки сен менинг жиноят қилиб, шу жиноятга яраша қатл қилинишимни истасанг?!

\* \* \*

Файласуфнинг қизига бир бойвачча йигит ва бир камбағал йигит совчи юборди. Файласуф бойваччага, қизимни сenga бермайман, деди ва камбағал йигитга узатди.

Одамлар файласуфдан бунинг сабабини сўраганларида, файласуф жавоб берди:

— Бойвачча йигит манманроқ экан, у яқин орада отасининг дунёсини еб адо қилса ҳам ажабмас. Камбағал йигит ақлли экан, ишонаманки, у ҳали бойиб, обрў-эътибор қозонади.


\* \* \*

Файласуфдан сўрадилар:

— Минг-минглаб одамларнинг қувончига нима сабаб бўлиши мумкин?

Файласуф жавоб берди:

— Золим, мустабид подшонинг ўлими.



Амрулла Нуруллаев

## МЕНИНГ НАСИБАМДА ҒАРИБ ҚИСМАТИ

### Ленин барҳаёт

Учрашувларнинг бирида, «Шуни сизга бериб юбордилар», дея бир даста шеър беришди. «Амрулла Нуруллаев. Қоракўл районида ўқитувчилик қилади»,— деб қўшиб қўйишди.

Уйга келиб, шеърларни ўқидим. Ажиб бир ҳаяжон-ҳайрат чулғади мени. Шеърлар ҳақида сўзламайман. Зеро, ёш шоирнинг ўзи айтганидай, «Гулларнинг чиройин гунглар ҳам билар».

Эътиборларига ҳавола қилинаётган шеърлардан севимли журналхонларимиз ҳам менчалик севинсалар, бошим осмонга етарди.

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.**

Бола шууримга сингган ишончим:  
«Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!»  
Дил мискин дамларда ёлғиз юпанчим:  
«Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!»  
Қийшиқ, букри шохлар этилиб барҳам,  
Ҳаётнинг чинори тус олса кўркам,  
Шукрона тарзида такрорлагум бот:  
«Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!»  
Тетапоя юрган гўдакни кўрсам,  
Ардоқлаб дегайман: кўрқмай, беписанд.  
Ҳар бир қадамингни тетик, бардам от!  
«Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!»  
Улғайиб улуғ зот бўлурсан магар,  
Хушомадгўй зотлар пайғамбар атар.  
Сен-чи ҳақиқатни ёд қил умрбод:  
«Мавзолей бағрида Ленин барҳаёт!»

\* \* \*

Менинг бахтдан шуқудим йўқ  
ва ё қисматдан оҳим ҳам,  
Кўнгил кўйган нигорим йўқ,  
сиғинган ё илоҳим ҳам.  
Музофот ичраким менга,  
адоват тутмаган кас йўқ,  
Ажаб, изҳор этолмаслар  
агар сўрсам, гуноҳим ҳам.  
Ҳасад аҳли чаёнлардек  
вужудим қақшатар тун-кун,  
Рақиблар наздида макруҳ,  
нетай, луқми ҳалолим ҳам.  
Азим бир тоққа тирмашган  
муаллақ кимса янглиғман —  
Қулаб тушмоқ-ку даҳшат,  
йўқ — баланд чиқмоққа ҳолим ҳам.  
Ўзингдан ўзга ҳамдам йўқ,  
дебон бу дилга ёлворсам,  
Баттар шўришга солгайким,  
менга дўстмас у золим ҳам.

Севгилим, суюнма замон ўзга деб,  
Узун — шажаранинг қатимчалари.  
Момоси Ёсуман ўтганлар бордир,  
Бор ҳали Ягонинг етимчалари.

Умр не — мен уни сочқидай сочай,  
Донаси ҳар тола сочингга нисор.  
Фақат кўзларинг оч, дардингни олай,  
Фақат макрлардан огоҳ бўл, нигор!

Сен — Санам қонидан унган бир чечак,  
Менинг насабимда Ғариб қисмати.  
Қоработир насли мавжуддир бешак,  
Бизнинг туйғуларга зўр хусумати.

Авайлаб, асрагин ишқинг мевасин,  
Ғараз иғволарнинг ўтмасин тиши.  
Йўқса тутар бизни ғанимларнингмас,  
Ошиқ аждодларнинг қаттиқ қарғиши.

### Воизнинг қутиси

Бир воиз — фирибгар қайси бир кунда,  
(Аниқ қайда, билмам, лекин ҳақиқат!)  
Элга бир қутича кўрсатиб, «бунда,  
Бор демиш, Жаброил қанотидан пат!»

Халқ эса кўрганда бошни қашламиш,  
Муқаддас пат эмас, кўмир турганин.  
Воиз шошиб, ўзга нақл бошламиш:  
«Авлиё ўзини ўтга урганин!..»

Эй сиз, вайсагувчи минбар тўлдириб,  
Ҳавойи гапларга уста фаранглар,  
Чувингиз чикмасдан олдин ўлтириб,  
Қутингизни аста очиб қаранглар!

### Тасодиф

Аён — боқмас энди бахт менга кулиб,  
Аён — ортга қайтмас, бу чархи золим.  
Барибир дейманки, тасодиф бўлиб,  
Сен меники бўлсанг, меники, жоним.

Бу ношод ҳаётдан ягона матлаб,  
Бу номард фалакдан бир илтижоим:  
Бўлиб бир тасодиф, бўлиб бир сабаб,  
Сен меники бўлсанг, меники, жоним.


### Минораи Калон қошидаги ўйлар

Азим минор, кимдир сенга ҳапқириб боқиб,  
Интиқ кутган — ҳайратомуз ва тез битмоғинг.  
Кимдир эса мусибатдан бағрини ёқиб,  
Зухур этган — иш битган сўнг бошин кетмоғин.

Сўнгра кимлар маҳобатинг, сеҳринг бирла лол,  
Ҳайратидан қўлларини ёйиб сўйлаган.  
Кимдир эса қовоғини уюб эҳтимол,  
Сени тагдан қулатмоқнинг йўлини ўйлаган!..

Демасман, дунёда танҳо, яккаш бўл,  
Ва ё улуғларга дастёр, дасткаш бўл.  
Майли, чинор бўлмоқ насиб этмаса,  
Майса каби хоксор, аммо саркаш бўл.

Қоракўл.



Сайёр

**МАНЖ**

## Қисса

Сарварни болалигимдан биламан. Ешимиз ҳам қарийб тенг. Мендан бир ёшча катта, холос. У Билол отанинг тўнғич ўғли. Билол ота эса, отамнинг жанговар дўсти. Айтишларича, отам рота старшинаси бўлганида, Билол ота ротага командирлик қилган. Бири ҳамма учун «ўртоқ капитан», бири — «ўртоқ старшина». Уруш бораётганда бир-бирларидан исми-шарифларини сўраб ўтиришармиди! Жанг бир зум тинчигудай бўлса, ё тамаки чекилади, ё мизғиб олинади. Уйга хат ёзиш ҳам керак. Қопқоғи орасидан буғ кўтарилиб, кўчма ошхона келса борми, ҳаммаёқ тақир-туқир, томоша бўлиб кетади. Жангчига нима ҳам керак дейсиз. Милтиғи отиб турса, белчаси синмаса, ора-чора ҳамшира қиз ёнларидан ўтиб турса, бас. Демак, жангчи ёлғиз эмас...

Ҳаёт-мамот жанги кетаётган Москва остонасида икки мусулмон: бири — менинг отам, иккинчиси — қримлик Билол ота жонажон дўст тутиндилар. Фалакнинг гардиши гирдига олиб, Берлингача омон етиб боришди. 1945 йилнинг сентябрь ойларида ғалаба нашидасини суриб: «Омон бўлсак, албатта кўришамиз!» — деб бирлари — менинг дадам Тошкентга, иккинчиси ўз она юртига Қримга — Оқ мачитга йўл олишди.

Отам омон қайтганида маҳаллада тантана бўлиб кетди. Давр шунақа эди. Отам эртасигаёқ Тошкентдан олис бўлмаган Қибрай совхозига жўнадилар. Боғ бригадирлигига тайинланибдилар. Ун кундан кейин ойим ва кичкина укам ҳам Қибрайга кетишди. Мен ўқишим борлиги учун бувим билан шаҳарда қолдим. Эсимда, улар кўчиб кетишганининг эртасига хабарчи Ҳалима опа эшик қокди. Қўлида хат. Конвертга «Симферополь» деб ёзилган.

Мактубни отамга етказишга ошиқдим. Тошкент трактор заводигача амаллаб «ЗИС-100» машинасида етиб олдим. Уёғига, қанча қўл кўтарганим билан қани бирон арава ёки машина тўхтасал Кеч бўлиб кетаёттибди. Бир пайт устига похол ортилган «ап-такачка»лар ўта бошлади. Аравакашлари олдиндаги ўриндиқда. Қозоқи жун арқонга осилиб араванинг устига чиқиб олдим. Қоронғи тушганида қандайдир чорраҳага етиб келдик. Аравага қандай чиққан бўлсам, шундай арқондан сирғалиб ёрга тушдим. Кўйлагим ичига яширганим хатни тимискилаб кўриб, хотиржам бўлдим-да, темир йўлдан ўтиб, тепаликка ўрладим. Атрофни қоронғилик босмоқда. Юрагимга ваҳима тушди: қаёққа юрсам экан?!

Ҳаёл суриб, туриб қолдим. Кунботар томондан елинлари тирсиллаб, кажаводай қорни осилиб кетган сигир чиқиб қолди. Ҳайдовчиси йўқ. Сигирнинг кетидан изма-из йўлга тушдим. Кўп ўтмай, димоғимга тезак иси урилди. Демак, одамлар бор...

Янглишмаган эканман. Қорайиб турган уч туп арча ёнида эшик кўринди. Бир аёл повиллатиб сигир соғаяпти. Менга «жўралик» қилган сигир эса, елинидан сути оқиб, ўтиб кетди. Кўнглим тинчигандай бўлди.

Сигир соғаётган аёлни сабрсизлик билан кутдим. Бир пайт у челагини кўтариб, сигир тагидан турди-да, симёғочга боғлаб қўйилган бузоқни ечиб юборди. Бузоқ онаси томонга шаталоқ отиб чошиб кетди.

Яқинлашдим. Челак ичида сут лоп-лоп чайқалиб, оқариб кўринарди. Оёқ шарпаси-ни эшитган аёл орқасига ўгирилди.

— Кимсиз?

— Шаҳарли боламан. Иноят аканинг ўғли. Яқинда шаҳардан кўчиб чиқишганди...

— Боғ бригадми?

— Ҳа... — дедим суюниб.

Аёл деб ўйлаганим, мен тенги, борса ўн яшарлик қизалоқ экан.

— Ҳозир, челакни қўйиб чиқай.

У уйга кириб кетди. Қатор тераклар ортидан патир нондай тўлин ой кўринди. Ҳаммаёқ ёруғ-ойдин бўлиб кетди. Ҳаяллаб қолган қизалоқ бир маҳал ўзидан бўйи бир қарич кичкина ўғил укаси билан чиқиб келди.

— Қайтишда бир ўзим қўрқаман... — деди йўлга тушганимизда изоҳ берган бўлиб. Индамадим. Бола бир опасига, бир менга қараб-қараб қўярди-ю, миқ этмасди.

— Яқинми?

— Яқин. Тегирмон ёнида омборхона бор-ку, ўша ерда туришади, — деди қизалоқ.

— Биринчи келишим...

— Ётиб қолишибди. Чироқ йўқ! — деди пилдираб қизалоқнинг олдида бораётган укаси.

У эшикни таёғи билан тўқ-тўқ урди. Нариди шаршара гувиллар, унча-бунча гапни эшитиб бўлмасди.

Бир маҳал:

— Ким? — деган ойимнинг товушлари эшитилди. Кўнглим ойдан осмондай ёриб кетди.

— Ойи... Мен!

— Пўлатмисан? Вой, айланай сендан!

Ойимнинг «айланай» элитибдими, ёнимдаги ҳамроҳларим кетиб қолишганини пайқамай қолибман. Она-бола ялашиб-юлқашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб хонага киргуни-мизча дадам лампа-чироқни ёқиб улгурган эканлар.

— Тинчликми, ўғлим? — сўрадилар хавотирланиб.

— Тинчлик, сизларни соғиндим!

— Бувим тузукмилар?

— Беш вох намозни қанда қилаётганлари йўқ...

Отам ўзлари яхши кўриб, кўп такрорлайдиган «Балли» сўзини чўзиб айтдилар. Бу уларнинг мамнун эканликларидан далолат эди. Шу пайт укам уйғониб қолди. Чироқ нуридан кўзини қўли билан пана қилиб:

— Ака! — деб қуёндек сакраб ўрнидан турди-да, қучоғимга отилди. — Дада, акам ҳам қишлоқда ўқисин, яхши мактаб бор экан-ку!

Укамнинг бу гапидан мени соғинганини сездим. Кўзимга ёш келди. Яхши ҳам чироққа тескари турибман. Бўлмаса, ойм билан дадам кўриб қолишса, «йигит бўлиб қолдинг-у, қиз болаларга ўхшаб, кўзингдан ёш юмалагани нимаси», деб уят қилишлари мумкин эди. Нима қилай, кўнглим бўш. Бувим мени «оппоқ-ойдин» қилиб тарбиялаганлар. Ошиқ ўйини — ҳаром, ёнғоқ ўйини — қаср, коптоқ ўйини — шайтон ўйини... Доимо қулоғимга қуядиган ўғитлари шу: «Ўқолмасангиз ҳам Қуръони Шариф саҳифаларини очиб, олдингизга қўйиб ўтиринг. Оллоҳ юзи унинг бетларида намоён бўлур. Кимгаки, мусулмон бандасига, оллоҳ юзини кўриш насиб бўлса, анинг толейи баланддир. Сиз энди, болажоним, бола эмассиз. Ўн икки ёшни қоралаб турибсиз. Ўн икки ёшларида ҳазрати мутафаккир, алломаи шоири замон Бобур тахтни бошқарганлар. Ҳа...»

Ҳозир қишлоққа аравага осилиб, похол устида келганимни бувижоним билсалар борми, ҳайратдан ўтакалари ёрилиши турган гап.

— Дада, сизга хат келган эди!

Кўйнимдаги хатни олиб узатдим.

— Бундоқ демайсанми? Шу, бувингдан хавотирда эдим-да...

— Ўзлари табиблар-ку, касал бўладиларми. Ҳар гапнинг бирида: «Милтиқнинг ўқидекман!» деб қўядилар. Фақат, мени бу ёққа юбормайман, деб кўп тихирлик қилдилар.

— Қарилар... Эҳтиёт бўлган яхши! — деб қўйдилар хат саҳифасидан кўзларини узмай дадам. — Билол деган қримлик дўстимдан келибди.

Ўзлари сезмаган ҳолда чуқур нафас олиб, хўрсиниб қўйдилар. Демак, бир гап бор. Укамни ачомлаб олганча қулоғимни динг қилиб ётибман. Гарчи бувим: «Бировнинг хатини ўқиш, бировнинг гапини эшитиш одобдан эмас!» деган бўлсалар ҳам, дадамнинг гапларини эшитгим келарди.

— Беш йил қон кечиб, кўрган куни шу бўлса... — уф тортиб, тилга кирдилар дадам. — Ўз юртида мусофир, вокзалда ётиб юрганмиш...

— Уруш тўрт йил бўлди-ку?! — деб юборибман ётган жойимда.

— У фин урушида ҳам қатнашган. Уша ерда лейтенант бўлган.

Индамадим. Дадам гапларини давом эттирдилар:

— Чамодонини кўтариб шаҳрига борса, элатлари йўқ эмиш. Бегона одамлар саломига алик ҳам олмабдилар. Овулига чиқиб борса, уйи, бутун қишлоқ ҳувиллаб ётганмиш. Кўплар нарсаларини, ҳатто эчки-уловларини ҳам олишмаган. Моллари олдига икки боғ пичан, бир челак сув қолдириб кетишган. Гўё ҳали-замон келиб қоладигандай...

Билол ота ўз халқи тарихини яхши биларди. Аср бошида чоризм ҳукмдорлари Қора денгизга кемаларини қаторлаштириб, истаганлар Туркияга кўчиб кетишлари мумкин, йўл ҳақи текин, фақат тилла буюмларини ўзлари билан олиб кетиш ман этилади, деб эълон қилганди. Қўрққанлар, алдовга лаққа тушганлар ҳам бўлган. Одамлар билан лиқ тўла баъзи кема ва соллар турк қирғоғига етиб борган, бошқалари денгиз қаҳрига дучор бўлиб, фарқ бўлиб кетишган. Кўпчилик, ўз юртимиздан кетмаймиз, ота-боболаримиз арвоҳини чирқиллатмаймиз, деб қолган. Қани ўша фидойилар? Қайга кўчган? Нима учун? Ҳеч ким тайинли гап айтмайди. Бири Қирғизистонга кетган деса, бошқаси Қозғистонга деб чалғитади.

\* \* \*

...Билол ота икки кун Боғчасаройни айланиб, оиласидан хабар тополмагач, Оқ мачитга йўл олди. Чўга деган қишлоққа етиб келганида ҳайратдан тахта бўлиб қолди: экскаватор билан минг йиллик мазорни бузишаётибди. Ўзини йўқотиб, экскаваторчининг ёқасидан олди.

— Эсинг борми, нима қилаётибсан? Бу — мазор-ку!..

— Биламан! — деди шапкасини қийшиқ кийиб олган йигит кўзлари олайиб.

— Билсанг, нега бузаётибсан?

— Менга буюришган, бу ердан йўл ўтади.

— Фашистни йўқ қилдик десам, бу ерда пайдо бўлибди-ку!

Билол ота йигитнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Алам-аччиқ билан пешонасида кип-қизил байроқ ҳилпираб турган қишлоқ Советига тушиб борди. Қаттиқ-қурум гап қилди. Давлат идорасида кўполлик қилдинг, деб ўн беш суткага қамаб қўйишди...

Хатни ҳибсдан чиққандан кейин ёзган экан. Ойим ваҳимали эртаси эшитгандай бир неча бор «воҳ-вуҳ»лаб олдилар. Мен эсам, ўзим билмаган ҳолда ўрнимдан туриб олган эканман. Укам донг қотиб ухлаб ётарди. Дадам укамга қараб:

— У катта бўлганида, бундай адолатсизликлар бўлмайди, — деб қўйди.

У хира чироқ ёруғида хат ёзишга тутунди. Биз ойим билан ташқарига, кўнгил ёзгани чиқиб кетдик. Бундай нохуш, ваҳимали гаплардан кейин ухлаб бўлмасди. Тўлиб турган эканларми, ойим ташқарига чиқишлари билан йиғлаб юбордилар. Мен ҳам кўзимдаги ёшимни артиб, тинмай ютинар эдим.

Уйимизда дадам билан бирга ҳарбий кийимда тушган Билол отанинг суратлари бор. Ҳозир ўша сурат кўз олдимга келди. Мўйлов қўйган. Ҳарбий шапкаси остидан жингалак сочлари чиқиб турибди, кўзлари чакноқ. Дадам кўп воқеаларни гапириб берганлар. Бир куни ротани жангга бошлаш олдида: «Москва деворлари ортиданоқ Қрим бошланади, Ўзбекистон бошланади, Иноят. Фашистни шу ерда тинчтиш керак!» — деган экан. Ўзини биринчи бўлиб фашистлар тўдасига ураб экан. Орттигани...

Мени кўрқув, ваҳима қамраб олган эди. Шовуллаб оқиб турган ариқ бўйига чўкиб, юзимни юва бошладим. Сув анча совуб қолибди. Ойим нарида хомуш турардилар.

— Ойи, юзингизни ювинг!

Ойим ҳам ариқ бўйига чўкдилар. Кўкдаги юлдузлар сув бетида олтин тангалардай жилоланарди. Ой-чи? У кўзимга йиғлаётган одамнинг юзига ўхшаб кўринди. Қайғу-алам, доғ босган. Шу пайт хонанинг эшиги очилиб-ёпилди. Дадамнинг овози эшитилди:

— Манзура, қайдасизлар?

Уйга кирдик. Дадам жавоб хатини ёзиб бўлганди. Конвертни қўлимга тутқазиб, деди:

— Буни шаҳардан жўнатиб юбор. Уни буёққа чақирдим. Меҳнаткаш одам: қўлида бухгалтерлик ҳунари бор. Бирга оиласини қидирамиз. Топилса шу ёққа олиб келар. Ҳа, унинг ҳам сен тенгими, ё бирор ярим ёш каттароқми, Сарвар деган ўғли бор. Урушга туппа-тузук хат ёзарди...

Чамаси, отам хатининг мазмунини айтарди. Сарвар... Кичик ёшидаёқ бемалол хат ёза оладиган бу болага ҳавасим келиб кетди. Уни тезроқ кўрсам, дердим. Мактабда қизил из қидирувчилар тўғараги мавжуд. Балким, ёрдам беришар...

— Сен уйқудан тургунча мен боққа кетиб қоламан, хайр, ўғлим, бувингга дуо айтиб қўй!

Отам мен билан хайрлашди. Отам омонати — хатни шимим киссасига жойлаб, уйга



кириб, укам ёнига чўзилдим. Маза қилиб ухлабман. Эрта билан қулоғимга кимнингдир «опоқи», деб қақираётган товуши эшитилди. Ястиқдан бошимни кўтариб, кўзларимни ишқалаб остонага чиқдим. Қўлида бир товоқ сут кўтарган, сочи жамалак қизалоқ ойимни сўроқлаб турар эди.

— Келинг, ойимла... Ҳозир...

Омборхона этагида, алмисоқдан қолган, титилиб похолга айланиб кетган ғўзапоя уюми бор экан. Унинг орқасида темир каравот оёқлари орасига ўрнатилган хумдай тандир. Ойим, кўлларида рапида, ёнларида ёғлоғида сув, саватда чакичланган нон — тандирнинг тоза оқаришини кутиб турган эканлар.

— Ойижон, бир қизалоқ сут олиб келибди!

— Олиб келақол, болам. Чалғисам, тандирим ўтиб кетади...

Орқага қайтиб, остонада қимир этмай турган қизалоқнинг қўлидан товоқни олдим-да:

— Раҳмат, — деб қўйдим. У энди кетаётганди, сўрадим: — Исмингиз нима? Ойимла сўраб қолгудек бўлсалар...

— Нозик.

Танишдай кўринди. Қайда кўрган эканман, ёдимда йўқ.

— Сизни кўргандайман...

Қизалоқ шарақлаб кулиб юборди.

— Кечкурун укам Ғолиб билан кузатиб қўйдик-ку!..

— Ҳа, айтгандай.

У орқасига қарамай, чаққон юриб кетди. Ортидан қараб қолдим. Илондай тўлғаниб бораётган қўша зулфи ялтирар эди: бошини қатиқ билан ювган бўлса керак. Шу пайт ойимла сават тўла бозиллаб турган иссиқ нон кўтариб келиб қолдилар.

— Ноннинг исини қаранг-а!..

Ойим бошларини силкиб, атрофга қарадилар.

— Ие, сут олиб келган қизимиз кетиб қолибди-ку?! Омон бўлсин. Қишлоқнинг удуми шу: бирлари сут олиб келишади, бирлари тансиқроқ овқат қилишса, товоқда олиб чиқишади. Аттанг, иссиқ нон бериб юборардим...

— Уларнинг уйини биламан, — дедим.

Ойим индамадилар. Хонага кириб, дастурхон ёздилар. Бағиллаб қайнаб ётган самовардан чой дамлаб келдилар. Чамбаракда турган уч товоқ сутнинг қаймоғини сузиб, дастурхонга қўйдилар. Мен Уткир укамни уйғотиб, ариқ бўйида юзини ювдирдим. «Совуқ-ку, ака!» деб зўрға ювинди.

Дастурхон атрофида ўтирдик. Иссиқ нонни қаймоққа тўғраб ейишга нима етсин! Уткирнинг уйқуси қочмаганми, иштаҳаси бўлмади. Едириб қўяй десам, ойим: «Қатта йигит бўлиб қолди, даданг от олиб бермоқчилар, чавандоз бўлармиш...» — деб қўйдилар.

— Ҳ-ҳў! Зўр-ку!..

Укам чиройи очилиб, қаймоқни тушира кетди. Кейин товоқ юқига чой қуйиб, чапаштириб, уни ҳам бир йўла ичиб олди. Дадамдан ўрганган: «Оқлик увол бўлмасин!» дейдилар.

Ойим апил-тапил чойларини ичдилар-да, менга тугун тугишга киришиб кетдилар. Олтита тандир нон, идишда қаймоқ, бир парча қотинқираб, қорайиб қолган гўшти рўмолга тугиб, қўлимга тутқаздилар.

— Ойижон, уйда ҳамма нарсамиз бор-ку, — дедим мен тихирлик қилиб.

Эътирозга қарамадилар. Тугунни қўлга олиб, Уткир укамни етаклаб йўлга отландим. Ойижоним орқамиздан келаётибдилар. Нозикларниқига нон олиб бораётибдилар. Нозикларнинг эшигига етганимизда тўхтадик. Ойим, Уткир билан хайрлашим керак. Бир маҳал Нозикларнинг хонадонидан ойимга эргашиб бешта ўғил бола чиқиб келди. Ораларида Ғолиб йўқ эди. Унинг бўйи пастроқ эди.

— Пўлатжон, бу болаларнинг сенга саволи бор экан, — дедилар ойим, ийманиб турган болалар томон ўгирилиб.

— Майли, айтишсин!

— Биз баҳслашиб қолдик, — деди бири менга яқинлашиб. — Урусчада қоринни (у қўйлагини кўтариб, яланғоч қорнига бир шапати уриб қўйди) нима дейди? Мен «живот» десам, манави Шотир «курсак» дейди, деб енгиб турибди.

Анқайиб қолдим. Тўғриси айтсам, ўзим ҳам билмас эканман. Уй боласи бўлганим учун рус болалари билан кам бўлганман. Мактабимизда кўпдан рус тили ўқитувчиси йўқ. Рус тили дарсида суврат чизамиз. Болаларнинг: «Шаҳарлик бўла туриб билмади», деб устимдан кулишларидан кўрқдим-да, «курсак» деб юбордим. Чунки, «живот» сўзига қараганда «курсак» сўзи жаранглироқ эди. Мен хайр-хўшни насия қилиб жўнаб қолдим. Йўлда ўзимга-ўзим аччиқ қиламан: Эдикдан сўрасам бўлар экан-ку?!

Ойим, укам билан нохуш хайрлашдим.

Роса ўн беш кун ўтиб, Москвадан дадам номларига телеграмма келди. Унда: «Москва-Тошкент» поезди. Вагон — саккиз. 13 октябрь соат ўн иккиларга Тошкентга боради. Орқадошинг Билол», деган сўзлар ёзилганди. Телеграмма келганига икки кун бўлибди-ку, энди қўлимизга тегибди. Бувим билан маслаҳатлашиб, Билол отани ўзим кутиб оладиган бўлдим. Қибрайга бориб келгунимизча вақт кетади.

Ўн учинчи октябрь куни соат ўн бир бўлмаёқ вокзалга чиқдим. Қора шапкасини бостириб кийиб олиб, аравачасини итариб юрган ташкачи амакидан Москва поезди қайси йўлга келишини сўрадим. Биринчи йўлга экан. Вокзал биносининг ўнг муюлишига бориб, қоққан қозикдай турибман. Ўзимча ўйланаман: «Саккизинчи вагон ҳарҳолда ўртада бўлса керак. Тахминан мен турган ерларга тўғри келади...» Кутганда вақт ўтиши мушкул бўлар экан. Вокзал биноси пешонасидаги машина баллони нусха соатнинг миллари ҳадеганда суриллавермайди. Зерикиб кетдим. Ниҳоят, гурсиллаб паровоз ўтди. Ортидан вагонлари эргашиб кела берди. Саккизинчи вагон мендан ўн қадамча нарида тўхтади. Вагон эшиги томон югурдим.

Бир пайт сочлари жингалак, оқ-сарикдан келган, хўмрайган, ёғоч жомадон кўтариб олган одам зинадан сакраб ерга тушди-да:

— Ҳақиқатда шу Тошкентми? Бунча узоқ бўлмаса?! — деб проводникка қаради.

Проводник ўрнига мен жавоб бердим:

— Тошкент шу! Сиз Билол ота бўлсангиз керак-а?

У менга синчков тикилиб қараб турди-да, кулимсираб деди:

— Унча қўрқинчли эмасманми?

— Асло. Яхши келдингизми?

— Ёвош-ёвош...

Билол отани топганимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, уни трамвай бекатига бошладим. Кейин Ўрдага бориб, ўнинчи трамвайни пойладик. Йўлда миқ этмади. Бекатда ҳам гапирмади. Мен эса, тахминан у киши берадиган саволларга жавобни тайёрлаб қўйгандим.

Уйга етиб келдик. Бувим мошхўрда тайёрлаб қўйган эканлар. Салом-алиқдан сўнг сузмоқчи эдилар, Билол ота ювиниб олмоқчи бўлдилар.

Совунимиз шиша банкада турарди. Қаттиқ совунга етишмай, фақат суюқ совун ишлатардик. Уни ҳам бувимнинг «баъзи касаллари» аптекадан ошна-оғайнигарчилик йўли билан олиб келишарди. Чунки, табиб одам совунни кўп ишлатади. Беморни қабул қилиш олдидан, кўриб бўлгандан кейин яна қўл ювади.

Меҳмонга эскироқ бўлса ҳам ювилган тоза сочиқ бердим. Билол ота янги кийимларини олиб кияди, десам, йўқ, жомадонини очмади. Демак, алмашишга кийими йўқ. Бувим уйга кириб, сандиқ титиб, дадамнинг урушдан кийиб келган бир сидра кийимларини олиб чиқдилар. Олиб бориб берган эдим, Билол ота:

— Соғ бўл, орқадош! — деб қўйди.

Бувим сўрига дастурхон ёздилар. Қотиброқ қолган нонга ҳадеганда пичоқ ўтавермади. Шунда Билол ота:

— Мусулмонлар нонни пичоқда кесмайдилар. Қўлда ушатадилар, — деб бирпасда бўлаклаб қўйди.

Билол ота бувимдан узр сўраб, икки коса мошхўрдани ичиб оларкан, ёпиқ айвонни кўрсатди-да:

— Шунга кўрпача тўшаб бер, бола! — деди.

Мен айвонга кўрпача тўшаб бердим. Билол ота шу ётганча эртаси роса соат кечки тўртгача ухлади. Мактабдан келсам эндигина турган экан. Сўрида омонатгина ўтириб, бувимни йўқлаб келган бир кексароқ киши билан суҳбатлашарди.

Йўлакдаёқ салом бердим. Ҳол-аҳвол сўрадим:

— Қалайсиз, Билол ота?

— Ёвош-ёвош... — деди у оҳиста.

Бу сўз менга жуда ёқиб қолди. «Ёвош-ёвош»ни ичимда такрорлаб, уйга кириб, отам урушдан юборган суратларни олиб чиқдим. Билол ота бир чеккага ўтириб олиб, хомуш кузатди. Отам билан бирга тик туриб, пушка ёнида тушишган суратга узоқ тикилиб қолди-да:

— Узи қани? — деди менга юзланиб.

— Далада, у киши сизнинг келганингизни билмайди. Йўл узоқ бўлгани учун хабар қилолмадим. Бугун мактабдан жавоб олдим. Эртага саҳар билан жўнаймиз.

— Соғ бўл! — деб қўйди у.

Эрталаб ўрнимдан зўрға турсам, ҳовлидаги тўрт ариқ картошка, икки ариқ пиёз, бир ариқ сабзи ўтдан тозаланиб, чопиб қўйилганига кўзим тушди. Памилдорининг ҳосилини кўтаролмай ётиб қолган шохлари ёғочга олинган, ип билан боғлаб қўйилган эди. Билол ота водопровод ёнида ўтдан кўкарган қўлларини лойга ишқалаб ювиб ўтирарди. Изза бўлиб кетдим.

— Бекор қилибсиз, Билол ота! Ўзим саранжом қилардим.

У кулди. Ҳўл қўллари билан тикондай қаттиқ сочларини силаб:

— Сен яхши бола экансан. Яхши одам бўласан, — деб қўйди.

Қизариб, лавлаги бўлиб кетдим. Нонушта қилиб, Қибрайга жўнадик. Билол отанинг ёғоч жомадони оғир экан. У мени йўл четида қолдириб, бирор арава билан гаплашгани кетганида кўтариб кўрдим. Ичида тош бордек...

Қибрайга етиб борганимизда, дадам мени роса уришдилар.

— Хабар қилмайсанми, эси бутун бола десам... Э, хомкалла!

Хайрият, Билол ота аралашиб, отамни тинчитди. Улар негадир русча гаплашишарди. Бу менинг ғашимни келтирди. Бувим айтмоқчи, икки мусулмон бандаси нега ўзга тилда гаплашади? Қайси тилда гаплашишлари менга-ку, барибир, аммо суҳбатларига тушунмай қолаётганим алам қилади.

Ойим дамлаган ошни еб, чойни ичишгач, улар бир туп қари тут тагидаги филдираги йўқ, ўқларидагина турган арава устига бориб ўтиришди. Олдиларига бир чойнак чой билан пиёла олиб бориб қўйдим. Погонсиз ҳарбий кийимдаги киши отамга нималарнидир гапириб йиғларди.

Симферополдан Тошкентгача ҳарбий комиссариат билет олиб берибди. Аммо вокзалда қизиқ воқеа содир бўлибди: Москва — Симферополь поезди жўнашига ярим соатча вақт қолганда вокзални милиция ва ҳарбий кийимдаги ички ишлар одамлари ўраб олишибди. Ҳеч кимни ҳеч ёққа ўтказмасмишлар. Билишса, жанговар Қизил Байроқ орденли, бир оёғидан айрилган қримлик уруш қатнашчиси шаҳарда яшашига рухсат беришмагач, Москвага қуйидагича телеграмма берибди: «Уруш қатнашчисиман, жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланганман. Туғилган маконимдаки яшашига имкон йўқ экан, бугун соат кеч ўн саккиздан қирқ беш минут ўтганда темир йўл вокзали майдонида устимга керосин қуйиб, ўзимни гулхан қиламан. Алвидо, биродар! Мустафо Айвазов».

Вокзални ўраб олишгани шундан экан. Ҳақиқатда усти оқ сочиқ билан ёпилган челақ кўтарган, қўлтиқтаёқли одам вокзал майдонида пайдо бўлибди. Майдоннинг ўртасига келиб, папирс тутатибди. Ен-атрофига қараб челақдаги керосинни энди устига қуяётганида иккита одам пайдо бўлиб, уни қўлтиқлаб, майдондан олиб чиқиб кетишибди.

Бу ёғи нима билан тугаганини Билол ота билмас экан. Чунки поезд одатдагидай пишқириб, йўлга тушибди. Қолган гапларни эшитмай қолдим. Ойим чақириб қолдилар. Уйга Билол амаким билан отамга жой солишганди. Мен, Ўткир укам иккимиз тегирмон ёнидаги қўшниникида ётарканмиз.

Эртаси Билол ота билан дадам даладан кеч қайтишди.

— Билол совхозга бухгалтер бўлиб ишга кирди! — дедилар.

Тушдан кейин олма ортиб кетаётган араваларнинг бирида Тошкентга жўнадим. Билол отанинг беҳаловат кунлари барҳам топди, деб ўйлаб янглишган эканман. Унинг ташвишли кунлари энди бошланди. Қозоғистон ва Қирғизистон даштларида саргардон юрган аёли Нурия хола ва ўғли Сарварни албатта топиши, бўлмаса ҳеч қандай ҳаёт Билол отага татимаслиги аён эди.

\* \* \*

Икки ой ўтди. Қиш кирди.

— Совхозда иш ётди! — дедилар дадам.

Биз шаҳарга кўчиб келдик. Билол ота Қибрайда қолди. Совхоз жой берган, қўли гул Билол ота ўз хонасини, онамининг айтишларича, гулдай қилиб олганди. Ёғоч жомадондаги оғир нарсалар дурадгорлик асбоблари экан. Онам айтиб бердилар. У қиш бўйи оила аъзоларини қидирармиш. Аввал Янгийўлга борармиш. У ерда қримликлар яшармиш. Кейин, Сирдарёга, топилмаса, Қозоғистоннинг Табонин районига бораркан. Ҳатто, қамоқларгача қидириш ниятида экан. Ҳар ҳолда совхоз директори Василий Иванович Фрасолов Билол отага бир ойга муҳлат берибди.

Қиш бўйи Билол ота ўз оиласини қидирди. Ҳар гал сафардан қайтганида бизникига кўниб ўтар, дадамга юрагини бўшатиб оларди. Дадам уни иложи борича қуюқ меҳмон қилар, юпатарди. Бувим ҳам Билол отадан қочмай қўйдилар. Ҳаммамиз ўзбекча ва қрим татарча гаплашсак, дадам билан Билол ота ҳамон русча сўзлашишарди.

— Кўндокда теккан, — деб қўярдилар бувим.

Русча гаплашиш улар учун қўлай эди чамамда. Бу эса, менга қўл келди. Русча талаффуз, аёлчасига сўзлаш, эркакчасига сўзлаш, ўртача сўзлашларни Билол ота менга эринмай ўргатар, баъзан бағрига босиб, энтикиб нафас олиб қўярди. Шунда унинг ичичига тушиб кетган мовий тус кўзларига тикилардим-да:

— Сарвар топилади, мана, мени айтди дерсиз, — дердим.

Сўзимни эшитибоқ «ҳовва» деб ўрнидан туриб кетар, бирор иш тополмаса, унча яхши ёпилмайдиган айвон эшигининг у ёқ-бу ёғини рандалаб, ошиқ-мошиғига мой суркаб фирчилламайдиган, осон очилиб-ёпиладиган қилиб берарди.

— Бекордан худо безор! — дердилар бувим раҳмат айтиб.

У ҳам ўз ишидан қониқиб, бош силкиб қўярди. Лекин ичи ўртанарди, ташвиш уни еб борарди. Оиласининг борлигига шубҳаланарди шекилли. Дадамнинг ўғитлари, таскинлари таъсир қилмасди. Уч кун уйда мук тушиб ётиб, дадам билан хайрлашди.

— Мирзачўлга кетдим, — деди Билол ота. — Эшитишимча, Сирдарёдан унча ҳам олис бўлмаган жойда, янги совхозда қримликлар бор эмиш.

— Зора бу гал ниятингга етиб, қўйни-қўнжинг тўлиб қайтса! — дуо қилдилар бувим.

Дадам иш билан аллақаяққа кетган, ойим уй ишлари билан ғивирсиниб юрар, Ўткир укам бўғотдаги сумалақдан еб, томоғи оғриб ётарди. Бувим иккимиз айвонда, танчада ўтирардик. Бувимнинг беморлари ҳам кўринмасди.

— Фол очиб кўрмайсизми, Билол отанинг Сарвари қаерда экан? — деб сўрадим бувимдан.

— Даданг уришади, — деди бувим тайсаллаб. — Қолаверса, Билолнинг на туғилган йилини, на кунини билмасам. Қайси юлдуз паноҳида... Қўй, фолга тушмайди.

Ночор қолдим. Кейин дарс тайёрлашга киришиб кетдим. Эшик тақиллаб, кимдир келди. Бувим қора духоба камзуллари кийиб, дори-дармонларини олдилар-да, кетаётиб дедилар:

— Кеч қайтсам, болам, уйқуни олавер!

Дарсни йиғиштириб, ортларидан чиқсам, бувимни ғилдираги автомобиль балонидан қилинган юмшоқ аравага солиб, олиб кетишадиган экан. Кечроқ чиқиб қолибман, ҳеч нарса сўролмадим. Айвондаги уруш йилларидан қолган радиокарнайдан куй эшитиларди. Уйдан кашта тикаётган ойим чиқиб қолдилар.

— Бувинг қанилар?

— Юмушга кетдилар.

— Кеч тушганда-я?!

— Билмасам, — дедим.

— Совуқ қамчилаб турган бўлса... Яна дадангни жаҳли чиқадиغان бўлди...

Индамадим. Иссиқ танча элтиб кўзим уйқуга кетибди. Қанча ухладим, билмайман. Кўзимни очсам, дадам юрибдилар.

— Ойим уйдадилар?

Йўқ, дедим. Узи одатлари шунақа. Уйга кириб келадилару бувимга салом берадилар. Бувим ҳам алик олиб: «Ҳорма, болам!» деб қўядилар. Жуда қизиқ, дадам ўз оналаридан тортиниб турадилар. Уларнинг қучоқлашиб кўришганларини умримда атиги бир марта кўрганман: у ҳам бўлса, фронтдан қайтганларида. Дадамнинг кайфиятлари яхши эди.

— Дада! — дедим.

— Хўш, ўғлим! — дедилар қўлларини чўнтақларига тиқиб.

— Билол отага совға қилсам девдим. Ҳалиги, туғилган кунлари яқин эмасми?

— Ҳа, айтгандай, яқин, январнинг йигирмасида туғилган, — дадам шундай деб онамга юзландилар. — Манзурахон, ўшанда бир норин қилиб берар экансиз-да! Мусалас ҳам етилиб қолади. Фронтдош дўстларни хотирлаб, Билол билан бир мириқамиз.

— Хўп бўлади, дадаси!

Мен хахолаб кулиб юбордим. Ойим муомалани қотирардилар. Кўпдан кузатиб юрардим. Дадам кўчадан келганларида у киши дарҳол ҳузурларига чиқар, қўлларидан тугунларини олиб, салом берар, «ҳорманг!» деб жилмайиб ҳам қўярдилар. Ишга кетаётганларида эса, доимий гаплари: «Ой бориб, омон келинг». Яна бир одатлари: кўчадан асабийроқ қайтсалар дарров Ўткир укамни қўлларига узатардилар...

Билол отанинг туғилган йили, кунини билиб олдим. Бувимга барибир фол очтираман. Ахир, Сарвар тезроқ топилса, менга ҳам мазза. Балким, мен ўқийдиган мактабга борар. Унда яна ҳам яхши бўлади: икки киши бўлиб дарс тайёрлаш қулай, мароқли. Зерикмайсан, ўқиганларингни бир-бирингга гапириб берасан. Синфда жуда одобли ўртоғим бор. Оти — Шавкат. Дудуқроқ. Сарвар ишқилиб сўзамолроқ бўлсин-да. Ё бошига тушган ташвишлар мунгли қилиб қўйганмикан? «Хотинсиз яшаш балки мумкин-дир, ватансиз қандай яшаш бўлади!» — деган эдилар далада Билол ота дадамга. Шунда бу гапни ҳазил деб ўйлагандим. Билол отани кўрганим сари, шундай хаёл қилганимга ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетаман...

Эрта билан яна қор ёға бошлади. Ҳўл. Айвонимиз бошидаги тарнов кўзёш қила кетди. Ўрнимдан туриб, куракни олдим-да, йўлакни, айвон зиналарини қордан тозалладим. Қолган-қутганини шипириб олдим. Бувим турадиган хонанинг эшиклари очик қолган экан. Секин мўраладим. Йўқлар. Бориб эшикнинг занжирини илиб, кўчага қарадим. Кимсасиз. Фақат йўлда катта-катта қадам излари қолган: ҳойнаҳой заводда ишлайдиган қўшнимиз — Холмат тоғаники. Унинг этиги бесўнақай, катта. Узи ҳам девдай одам. Юрганда ер гурсиллаб кетади. Бувим:

— Ер шулардақа одамларнинг елкасида омон туради. Туғилибдики, ишлайди... — дейдилар.

«Бувижоним қайда ҳаяллаб қолдилар экан-а? Бемор шўрлик оғир экан-да? Ташлаб келолмаётган бўлсалар керак...»

...Орадан роса йигирма уч кун ўтганда соқоллари ўсган Билол ота ойимга нисбатан ёши каттароқ, попукли рўмол ўраган аёл ва мен тенги ориқ-тирриқ сарғиш болани олиб кириб келдилар. Сўзнинг рости, уйимизда тўй бўлиб кетди. Дадам келган йиллари шунақа бўлган эди. Билол ота Урия хола билан Сарварни бизга таништириб, уйда қолдирди-да, дадам билан жума бозорига йўл олди. Тўқли олмоқчи. Элга ош беришар экан. Шу дейман, бувим табиб бўлишлари билан бирга сеҳргар ҳам эканлар. Чунки уларга фол очтирганимда: «Билол отанг дийдорга қараб кетяпти, аввал икки кишини учратди — бири навнихол» дегандилар. Қойил-э!

Бувим ўша кетганларича уч кун деганда чарчаб-ҳориб уйга қайтдилар. Бўлмабди... Дардни ўтказиб юборишган экан. Дори-дармон таъсир қилмабди. Бувим ниҳоятда чарчаган, устига руҳлари тушиб қайтган эдилар. Қўлларига сув қуйиб, чой дамлаб хоналарига олиб кирдим.

— Умрингиздан барака топинг, болам! — деб тиловат қилгандай лаблари учида пичирладилар.

Урия хола қўли гул аёл экан. Ойимнинг бузилиб ётган «Зингер» машиналарини бирпасда юргизиб юборди. Ойимга гулли читдан халат тикиб берибди. Мактабдан қайтсам, икковлари ясан-тусан қилиб ўтиришибди. Сарвар ҳазиллашиб:

— Бунча кўп ўқимасанг! Бир саржин ўтинни арралаб, ёриб, ўчоқ ёнига тахлаб қўйибманки, сендан дарак йўқ, — деб қўлимдан жилдимни олди.

Урия хола эғнидаги ойимнинг кўйлаклари, бироз тор келиб қолган нимчаларини кўриб, аста шипшидим:

— Анави, Тожи холам совға қилган шим Сарварга сифармикан?..

Ойим гапимнинг нишабини тушундилар.

— Тўғри келса керак, сенга каттароқ эди.

Шундай деб, кўрпаларни бир томонга тахлаб, сандиқни очдилар. «Жиринг-жиринг...» Қизик, сандиқнинг шунақанги товушини эшитсам, маза қилардим. Қараб турибман, ойим Сарварга фақат шим эмас, бошдан-оёқ сарпо олдилар. Шимим узунроқ келди.

— Ҳозир тўғрилаймиз!

Сарвар «Зингер»га ўтириб, шим почасини қайтариб тикди. Сўнг дазмолнинг писта кўмирини алангалатиб қиздирди-да, шимини бошлаб дазмоллади. Мен бундай ишни фақат аёллар қилади, деб ўйлар эканман. Сарварга қойил қолдим. Фақат менга мослаб тикилган кўк кўйлакнинг энглари унга калталиқ қилди. Сарвар бунинг ҳам йўлини топди, тугмасини қадаб ўтирмай энгини шимариб олди. Мен ҳам шундай қилдим. Иккимиз бир хил кийиниб айвон ўртасида турган ойнага қарадик. Худди Ҳасан-Ҳусанлардай... Шу, бўйим Сарварниқидан жиндай паст. Нима ҳам дердим, Билол ота ҳам дадамдан баландроқ. Аммо улар қотмаликда бир-бировларидан қолишмайди. Мен ҳам Сарварга нисбатан миқтироқман.

Тўйчиқнинг тараддуди бошланди. Тошкентда қиш бўлса ҳам, кун чарақлаб кетган, қорлар эриб оқарди. Нон дўкони ёнидаги чойхонадан стол-стул ташишиб, жойни ҳовлига қиладиган бўлдик. Маҳалла комиссиямиз Мирсоат ака қайдандир қордай оппоқ дастурхонлар топиб келибди.

Ойимлар:

— Овора бўлибсиз-да, иним! — дедилар.

У киши кулиб, шундай деди:

— Тўй-тўйдай бўлсин-да, янга. Бу оила роса етти йилда бир-бирини қайта топди. Билол ака қайта уйланяпти. Урия опа қайта турмушга чиқяпти, деса ҳам бўлаверади.

— Унда Сарвар қайта туғилар экан-да? — деб мен гап қўшдим. Сарвар қулоғимдан тортиб, тегишиб қўйди. Саволим жавобсиз қолди. Чунки Билол ота Мирсоат акага изоҳ берарди:

— Бизда, қизни уйладим дейишади. Бу тўғрироқ бўлади. Чунки мусулмонларда қиз узатилади, уйга чиқарилади. Келин эса, хонадонга тушади, шундай эмасми? — деди савол назари билан.

— Йигитнинг қизниқига ичкуёв бўлиши — бу, пешонасининг шўрлиги! — деб қолди Мирсоат ака.

— Ҳар бир халқ ўзича яшаши керак. Ички ишига аралашув ёмон оқибатларга олиб келади, — Билол ота уф тортиб қўйди. — Одам ўз халқини севса — нима қипти? Тўғри, СССР — умумий хонадон. Лекин, ҳар бир халқнинг Тошкентдай ўз шаҳри бўлмоғи керак. Э, дўстлашишга нима етсин! Қоришиб кетиш — бу мумкин эмас... Ахир бир хил ранг одамни зериктиради...

Эшикдан қариялар келишди-ю, уларнинг суҳбати бўлинди. Мен гапларининг мазмунидан Билол отанинг ўзбекчани қийиб гапиришига қойил қолиб ўтирардим. «Яна отам билан русча гаплашишади-я!» деб минғирладим. Билол ота бу гапимни эшитиб қолган экан, чолларни қатор ўтқазиб бўлиб, фотиҳадан сўнг ёнимга келди-да:

— Ҳали хомкалласан, жиян. Инсон қанча кўп тил билса, шунча яхши, — деди у қу-

лоғимга шивирлаб. — Рус халқи ҳам димоқ-фироксиз, оддий заҳматкаш халқ. Тарихда тинч, мириқиб яшаганини ҳеч ким билмайди. Гоҳ француз, гоҳ немис ҳужум қилиб туради. Ҳар гал тумшуғидан мушт еб, бурни қонаб, келган изига қайтади-ю, лекин ғалаба қилмайди. Тарих сабоғини тез унутади. Бунда у ёки бу халқнинг айби йўқ. Бошқарувчи, подачисиди айб. Амал столи қутуртириб юбораверади. Шундан халққа жабр келаверади!

Тилимни тишлаб қолдим. Билол отани содда, камгап деб ўйласам, йўқ, ғирт файласуф экан-ку! Гапни жойида айтиб, қоziқни ўрнида қоқишини-чи!

Маҳалла ошга ёғилиб кела бошлади. Биз Сарвар билан Мирсоат акага ош ташиб турибмиз. У киши давра ўртасидан:

— Беш лаган ош... Чой... — деб қўядилар.

Урия хола лаган ювиш билан овора. Ойимлар тандирдан иссиқ-иссиқ нон узиб турибдилар. Иссиқ нонни саватга териб олиб, Илҳом ака деган теракдай новча чойхоначи дастурхонга тарқатиб юрибди. Қўл-қўлга тегмайди. Дадам ҳам, Билол ота ҳам дарвозада тик турганларича қўлларини кўксиларига қўйиб, кириб-чиқаётганларга илтифот қиладилар.

Йиғин ярим кечагача давом этди. Дадамнинг юнусободлик дўсти, келишган киши — Меҳмонхон ака қўлига торини олиб, Тўйчи ҳофиз ашулаларидан айтди. Илтимосларга кўра «Қора кўзим» қўшиғи янгради. Ҳовлимиз сув куйгандек жим-жит, гилос остига қўйилган чойхоначининг хумдай самовари ҳам ғингшишдан тўхтагандай...

Эртаси куни Билол ота, Урия хола, Сарвар оғайним — учовлашиб йўлга отланиб қолишди. Совхоздан арава олиб, Қозоғистон ўлкасининг Таболин деган жойидан Урия ва Сарварнинг кўчини олиб келишлари керак экан.

— Эчким менга қаттиқ ўрганган. Ҳеч кимга соғдирмайди. Елини шишиб ўлгандир, жонварнинг, — дедилар Урия хола.

Ойим Урия холам билан эгачи-сингиллардай кучоқлашиб хайрлашарканлар, нуқул:

— Хафа бўлмай кетинглар. Шу уй сизларники, ҳар доим эшик қоқиб келаверинглар! — дер эдилар, қўлларини кўксиларига қўйиб.

Бувим лабларини бурибгина (одатлари шунақа) Сарварнинг отасига қарадилар: — Топдим энди, деб хотинга сотилиб, дўстни унутиб юборманг, ҳаммаси ўз ўрнида керак! — деб қўйдилар.

Билол ота хахолаб кулиб юбордилар.

— Ахир Иноят билан бизни жангу жадал бирлаштирган. Совхозда бирга ишлаймиз. Ёнма-ён томорқа олдик. Бир хил қилиб бино қурмоқчимиз. Худо ёрлақаб, бирор кун келиб Қримга кўчаётганимизда, шу сўзни айтсангиз дурустдир, она! Соғ бўлинг! Менинг ҳам ўз арзим бор эди. Билол отага юзландим:

— Сарвар бизнинг мактабда ўқисин. Бирга дарс тайёрлаймиз.

— Ана холос, сизларга қолса-ку, мени ҳам уйларингда ҳамишаликка олиб қоласизлар-а! Лекин мактабда бирга ўқишни ваъда қилолмайман. Сарвар ёнимда бўлиши керак. Хўп, институтга кирсаларинг, бирга турарсизлар.

— Мен Москвада ўқийман, русча мактабга кирганман! — деди Сарвар.

— Русчани ўрганаман... — дедим мен ҳам бўш келман.

Уларни кўча бошигача кузатиб қўйдик. Сарвар дам олиш куни Тошкентга тушади-ган бўлди.

\* \* \*

Билол ота автобус бекатида уфалик бошқирд ошнасини учратиб қолибди. Оиласини қидириб Ўзбекистонга келган экан. Ноумид шайтон: Фарғонага, ундан Олтириққа борар эмиш.

Гап орасида у:

— Уфада бу йил картошка хўп бўлди-да, — деб қолибди.

Билол ота отамнинг картошка ундиришга ишқибозлигини кўпдан пайқаб юрган экан. Икковлашиб совхоз директори Фросоловга кириб, олти йилдан бери беда экилаётган юз гектарлик ерни беришни, Уфадан уруғлик олиб келиб экишларини айтишибди. Фросолов кўнибди. Шу орада Белоруссиядан трактор келиб қолибди. Биттасини Қибрай совхозига ажратишибди.

Отам билан Билол ота поездга тушиб, Уфага жўнашганди. Сарвар билан кузатиб қўйгандик. Роса йигирма кун деганда бир вагон картошка билан келиб қолишди. Қизиқ, вокзалда вагон туриб қолса жарима тўланаркан. Картошкани зудлик билан тушириб олишга совхознинг талай одами сафарбар этилди. Ҳатто биз болалар ҳам ҳашар қилдик. Уша ерда яна Нозикойга дуч келдим. Унинг юзига қарамасдан бош силкиб кўришган бўлдим-у, Сарвар картошка қоплаётган томонга ўтиб кетдим. Қоронғи тушгунча ишладик. Бир вагон картошка ҳам анча бўларкан. Ҳар бир арава совхозга уч мартадан қатнади. Охири бизни олиб кетиши зарур бўлган аравага ҳам олти қоп картошка ортилди. Ҳаммамиз қоплар устига ўтириб олганмиз.

Қишлоққа кела-келгунча суҳбатлашдик. Лекин бир андишадан ўзимни эркин туюлмадим. Кўча бошида аравадан тушаётганимизда Сарварга «кетиб қолма» деб ишора қилдим-да, Нозикойнинг ёнига бордим.

— Нозикой, мени кечиринг, ўшанда «курсак» сўзи жаранглироқ туюлгани учун «живот» ўрнига «курсак» деворгандим. Ростини айтсам, ўзим ҳам русчани унчалик билмайман...

— Ҳали ҳам шуни дилда тугиб юрибсизми? Шунчаки баҳс-да!.. — деди у ингичка қора қошларини чимириб.

Ёнимизга етиб келган Сарвар ҳазиллашди:

— Қорин ҳақида ўйлаб тўғри қиласизлар. Ўзи қоринларимиз ҳам очиб, халта бўлиб қолибди...

Кулишиб хайрлашдик. Сарварларнинг хонадонига етиб борган ҳам эдикки, бир товоқ дурда устига иккита нон қўйилган тугунни Нозикойнинг Голиб укаси кўтариб келиб қолди. Урия холанинг чубереки пишгунча нонни дурдага булғалаб еб ўтирдик. Мен Нозикой олдида ёлғончи эмаслигимдан хурсанд эдим.

Кўчадан Билол ота кириб келди. Тажанг. Урия хола ҳамма ишини қўйиб остонага отилди. Билол отага салом бериб:

— Хуш келибсиз. Ҳоримайгина келдингизми? — деб сўради.

Билол ота бош ирғаб қўйди-да, деди:

— Директорга ҳайронман! Одамларга бир қопдан картошка улашсак жаҳли чиқяпти. Ахир ит ҳам устухон илинжида остона пойлайди. Биз одаммиз-ку!.. Манфат яратиш керак...

— Билол, жоним, денгиздек қутирма! Чуберекни гармдорисиз ошайлик! — деди Урия хола ва Билол отанинг елкасига қоқиб қўйди. Билол ота елкасига қозикдаги сочинни ташлаб, тегирмон томонга кетди. Қишда ҳам совуқ сувда ювинади. Дадамнинг айтишларича, иш уни эмас, у ишни чарчатармиш.

Эрта билан офтоб чарақлаб чиқди. Биз Сарвар билан икки марта ҳайдалган бедазорга илдиз тергани бордик. Аввалам бор, илдиз қайта кўклаб кетиб, экилажак картошкани сиқиб, дон солишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Қолаверса, илдизни офтобга ёйиб қўйиб, қуритиб, ўтин сифатида ишлатса бўлади. Шунинг учун қишлоқнинг ёш-яланглари бедапоёда. Шудгорга одам кирса, кесак майдаланар экан. Буни дадам айтдилар.

Қоп юзига терган илдизимиз оғирлашиб кетди. Сарвар иккаламиз пуштага олиб чиқмоқчи эдик, Голиб чопиб келиб, ёрдамлашиб юборди. Мен ундан: «Нозикой нега кўринмайди?» деб сўрамоқчи бўлдим-у, тилимни тийдим. Ўғил бола, ғаш келиши мумкин. Аммо нима учундир Нозикойни кўргим келарди. Унинг нимасидир оймиларга ўхшаб кетарди. Буни, чамаси, у ҳам пайқайди. Кўзимиз кўзимизга тушса, юзлари бўртиб, қизариб кетади-ю, қўлларини қаёққа қўйишни билмай ғалати, беўхшов ҳаракатлар қилади.

Биз қопнинг икки бурчига ёнғоқдек тош киритиб, арқон билан маҳкам боғлаб олдик-да, ёмғир ёғиб чанги босилган тор кўчадан уй томон судраб кетдик. Бу Сарварнинг кашфиёти эди.

— Бўлмаса, шунча жойга кўтариб борардик, — деб қўйди у бўш қўли билан бурнини ишқалаб.

— Гап йўқ, топқирсан.

— Катта бўлсам, уй қурувчи инженер бўламан. Ниятим, Қримда одамларга хуш келадиغان уйлар қуриш...

— Ўзбекистонда ҳам қуравер.

— Бу ерда сен қурасан!

— Ўзинг Қримни яхши биласанми?

— Бўлмасам-чи! Ота маконим бўлса... Оқ мачит шаҳридан ўттиз чақиримча тоққа, Боғчасарой томонга юрсанг, бизнинг деворлари харсангдан тикланган баланд иморатга дуч келасан. Шундоқ уйимиз орқасида жилға кўпириб оқади. Тошлари қўнғир ранг бўлиб кетган, лекин суви сизлар айтгандай, бирам зилолки...

Сарвар ўз она юрти ҳақида шундай гапириб кетдики, унга ҳавасим келиб, мен ҳам ён-атрофимга қарай бошладим. Аммо Қибрай менга ҳамма қишлоқлардек оддий ва бир хил кўринарди. Сабабини кейинроқ тушундим: у пайта менда соғинч, айрилиқ ҳисси йўқ экан. Бувимнинг бот-бот такрорлайдиган гаплари хаёлимдан ўтади: «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб». Барибир Сарварнинг қачон бўлмасин олисга кетиб қолишини эсласам ичим ўртанарди. На чора, олтин қафасга солиб боқма, қуш — туйнугини очдингми, учиб кетади. Ўрмонларига, боғларига кетади. Ахир ўрмону боғ унинг тухумдан чиққан макони-да...

Сарварларниқига етиб келсак, Урия хола:

— Катта тоқзорга борар экансизлар, дадангиз тайинлаб кетдилар, — деб қолдилар.

Сарвар билан иккимиз ёлғонда ариқдан сув ичиб, йўлга отландик. У ерга борсак иш авжи қизиган экан. Неча замонлардан бери ётган дўнгликдан совхоз ўз ишчиларига томорқа улашибди. Қримлик йигирма саккиз оилага шу ердан уй-жой учун ер берилиб-

ди. Бульдозер дўнглики текисляпти. Сарварлар уй қурадиган жой, бизга теккан томорқа майдони теп-текис.

Дадам неча вақтдан бери шаҳарга тушмай қўйдилар десам, гап бу ёқда экан. Иккаламиз бульдозер шовқинига бас келиш учун товушимиз борича салом бериб дадамнинг ёнларига борсак, у киши қўлларини карнай қилиб:

— Эртага картошка экамиз, бедазорга! Шаҳарга кетиб қолманглар!— дедилар.

Демак, Сарвар икковимиз ҳам совхозга керакмиз. Сахарлаб туриб бедапояга йўл олдик. Челақдаги картошкани биттадан кетмонда очилган чуқурга ташлаб бораяпмиз. Тортилган ариқнинг охири йўқ. Сарварни билмайману менинг белимда бел қолмади. Уқувчи қизлар ҳам бор. Тишни-тишга қўйиб ишлайвердим. Бувим кўрганларида борми? «Ҳой, Мириноят, бу нима қилганинг, боламнинг қўлларидан сеҳр кучи кетиб, кейин томир уришини фаҳхламай қолади-ку!» деган бўлардилар.

Бехосдан йўлга қарабман. Бувим эмас, қўлида чойгум, пиёла Нозикой келарди. Сарвар мендан кўра олғирроқ экан. Челақни ариқ ўртасига «тап» этказиб қўйди-да, икки сакраб Нозикойга етиб олди. Нозикой Сарварнинг қўлидаги пиёлага сув қуяр экан, орқасидаги бир тақим сочи кўкси узра олдига тушди. Назаримда Сарварнинг қўли соч учларига теккандек бўлди. Этим жунжикиб кетди.

— Ҳой, кетмонга қара, бола!— деди кўмма очаётган Холмат тоға.

Кетмончи мени, мен кетмончини шоширар эдим. У кетмонни ўзига қаратиб тортади, мен картошка ташлайман. Шундай қилиб, эгат охирига етиб келганимиздагина сув ичишга бордим. Нозикой обдаста бошига пиёлани дўппи қилиб кийдириб шудгорда қолдирган, ўзи эса, картошка саралаётган қизлар даврасида эди. У томонга қарамасликка қанча уринмай, барибир бўлмасди. Ярқ этиб қараб қолардим. Билмадим, илҳақ боқишимни сезармиди, йўқми?

Кечқурунга бориб ҳам иш тугамади. Қоронғи тушиб, кетмон кўринмай қолганда кўйлагининг орқасигача ҳўл бўлиб кетган Билал ота:

— Бўлди, жонимизда қасдимиз йўқ. Эртага ҳам кун бор,— дедилар.

Оёқларни судраб йўлга тушдик. Орқада, қизлар тўдасида келаётган Нозикойга яширинча қараб қўяман. Қушдай сезгир қизи тушмагур. Дарров назаримни пайқади.

— Тегирмон кечаси билан ишларкан. Буғдойи борлар торттириб олсин,— дейишди.

— Унда дадамга кечки овқат олиб боришим керак,— деб қўйди Нозикой дўналарига.

Дадам илгари мени бунчалик деҳқончилик ишларига тортмас эдилар. Бир куни даладан қайтиб, қорайиб кетган қўлларимга тикилиб туриб дедилар:

— Кўп қаватли уйларнинг иллоти шундаки, унга одам боласи қарам: сув тўхтаб қолса ташналик ўртайди, дўкон ёпиб қўйилса — очлик. Қарамлик-тобеликка олиб келади. У ўзлигини йўкотади. Айниқса, мактабидан қайтиб келиб сигир-бузоғини, қўй-қўзисини ўтлатиб келмаган бола танбал бўлиб қолади. Меҳнатдан қочади. Қинғир ишлар шундан чиқади-да!

Дадам бу гапларни кимга ва нима учун айтаётганларидан қатъи назар, мен даладан ажралмаслик керак экан-да, деган фикрга келиб қўйдим. Афсус, ўша куни Нозикойни учратишнинг илоҳи бўлмади. Катта аммамнинг ўғиллари Жалол ака уйда ўтирган эканлар. Бувим юборибдилар: «Отаси меҳнатга ўргансин деб, боламнинг қўлини қаттиқ қилиб қўяди, ҳис қилиш қобилияти қочади, олдинга солиб олиб кел», деб тайинлабдилар. Дадам ҳам: «Ўзиям ўқишдан қолиб кетди. Картошка ҳаммамизни овора қилди...» дедилар. Ойим индамай, тугун тугишга тушдилар. Шунда дадам:

— Манзура, сен ҳам шаҳарга қайта қол. Арава борида етиб олақолинглар. Ҳозирча далада сизларга иш йўқ. Урия бир коса овқатини аямас?— дедилар.

Ойим картошкадан қорайиб кетган қўлларини ариқ лабида уввало ювдилар, қани кетса. Мен бўлсам, қўлимга қараб ўтирмадим. Россия картошкаси шунақа қора бўларкан. Лекин, дадамнинг айтишларича, ҳосили ўзимизнинг жайдари «қайчибарг»га қараганда икки баробар ошиқмиш. «Социализм — ҳисоб-китоб. Янглишмаслик керак», дейдилар Билал ота.

Жалол аканинг балон ғилдиракли араваси шитоб билан юриб кетди. Сарвар уйига кетган эди, хайрлаша олмадим. Нозикойни ҳам кўрмадим. Қураётган уйимиз тезроқ битса, балки, мутлақо кўчиб келармиз. Унда мен ҳам мактабни шу ерда, Сарвар билан бирга битираман, яна ким билади. Бувим осонликча жавоб бериб қўя қолмаслар-ов.

Арава чуқурга тушиб силкинди. Хаёлим қочди. Ойим ўтирган жойларидан менга қўл чўзиб, чопонимни елкамга ташладилар. Назаримда совуқ еяётганим йўқ эди-ю, лекин баданим жунжикиб, болдирларим зирқираб оғирди. Холмат акага шерик бўлиб қолганимни айтмайсизми? Тиндирмайдилар. Сув ичгани ҳам эгат бошига чиққанда рухсат берадилар, холос.

— Ойи, яхши келяпсизми?

— Раҳмат, ўғилгинам!

Жалол ака мен томонга — орқага қараб қўйди. Одатда кўп гапириб, одамни чарчатар эдилар. Негадир бу гал оғизларига талқон солиб олганларми, индамайдилар.



Шаҳарга яқинлашиб қолгандик. Ишчилар шаҳарчасига ярим кечада етиб келдик. Аравада юк бўлмаса-да, Жалол аканинг қорабайирининг икки сағриси қора терга тушибди.

— Бувинг қўймадилар-да, отни аравага қўшиб бўладими? Авжи арпа бериб боқа-ётгандим-а...— тўнғиллаб қўйдилар Жалол ака.

Йўлакка кирганимизда ойим:

— Кўнглиннга олма, ўғлим, ҳамма аравакашлар шунақа тўнғ бўлади,— деб ғуборимни ёздилар.

Бувим қўлларида чироқ, саннаб чиқдилар:

— Нурларингдан топилсин. Бунча ёв қувмаса... Нима, эртага худонинг кунни йўқ-миди?!

Бувим билан кўришдим-да, унга эргашиб, кўчага чиқдим. Жалол ака хайр-хўшни насия қилиб, жўнаб қолибди.

— Таъвия, шу ерда ётиб қолса ҳам бўларди!— дедилар бувим, жаҳллари чиқиб.

Уйга кирсам, Уткир укам кўзларини ишқалаб деди:

— Мезон шамоли юриб қолганмиш. Эртага варрак ясаб берасиз, бувимлар хитой қоғоз, қамиш олиб келдилар. Фақат сирач йўқ... Эдикда бор. Сўрайман.

Унга маъқул ишорасини қилиб, ўзимни ўринга ташладим. «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг...» қандай яхши...

\* \* \*

Кунлар исиб кетди. Билол ота ҳам, дадам ҳам қишлоқдаги уйни қуришни қизғин бошлаб юборишди. «Қишлоқда одамлар бузилмаган, тоза, инсофли...» дейдилар бувим. Айтганларича, роса йигирма саккиз хонадоннинг одами ёппасига ёпирилиб, Билол отанинг кўрғонини тиклай бошлашди. Сарвар: «Албатта болохонаси бўлсин, қишда пичан тахлаймиз, ёзда олма-ўрик қуритамиз», деб хархаша қилди. Билол ота рози бўлди. Паркент томондан усталар келиб: «Синчим-тинчим», деган шаклда болохонанинг ёғоч-тўсинларини битириб кетишди. Улар лой ишини қилишмас экан.

Сарварларнинг эчкиси иккита улоқча тўғиб берган эди. Уни бирини сўйиб, ошга босишди. Ачиндим. Шундай чиройли эдики, лекин на чора, ошни гўштга қўшиб, шакароб билан тоза едик...

Бир дам олиш кунни бувим «Қибрайга бораман», деб қолдилар. Дадам от-арава қилиб, у кишини олиб кетгани келдилар.

— Болажоним, сиз бу гал уйда қолинг,— дедилар бувим менга.— Беморлик дам олишни билмайди. Келган-кетганга муомила ва муолажа қилиб тургайсиз. Нимага нима даво эканини ўзингиз биласиз!

Даладан қоладиган бўлдим. Аввалги дам олиш кунни «Спартак» стадионида мактаблараро жисмоний тарбия кўриги ўтганди. Сакровчилар қаторида бор эканман. Жисмоний тарбия ўқитувчимиз қўярда-қўймай олиб қолганди. Бу гал бувижонимнинг илтимослари... Болалиқдан чиқиб боряпман шекилли, ҳаммага керагим бор. Лекин қишлоқда Нозикой... Яқин келса, сочларидан қатиқнинг хиди келади. Қишлоқ қизлари қўли қадоқ, оёғи хунук, юзлари офтобда қорайган бўлади, деб ўйларканман. Нозикой эса, ойим айтганларидай: «Юзлари ойдай, қарашлари тойдай, кўзлари янги дамланган чойдай, муомиласи саримойдай». Ҳақиқатан ҳам шундай. Гоҳо Сарвар ҳам зимдан тикилиб қолади. Ҳатто, яширмай, хўрсиниб: «Сарвқомат» деб кўяди. Менга эса, Нозикойнинг қоп-қора чарос кўзлари ёқади. Бир қараб қўйса борми, кўзларидаги қора рангга яна соя ташлаган ранг борга ўхшайди. Икки қора ранг товланиб, аллақандай ғалати ҳолатга киради...

Дадам билан бир кунни олмазорни айланиб юрганимизда, бир туп гулдастадай олма дарахтини кўргандим. Бир дона ортиқча шохи йўқ, беўхшов ўсган навдаси йўқ. Шунда дадамга:

— Бунга алоҳида қарабсиз-а? — дедим.

Дадам шунда қоп-қора мўйловлари остидан жилмайиб:

— Уғлим, аввало гўзаллик табиатида бор. Дуруст, чиройни пайқайдиган бўлиб қолибсан. Сени ҳали ҳам гўдак санаб юрибман-а!..— деб қўйдилар.

Қучоқларига отилгим келди-ю, ўзимни тийдим. Тўғриси, уларни бир марта қучоқлаб ўпганман. У ҳам бўлса, урушдан қайтганларида. Ўзлари йўқларида ёки шаҳарда эканликларида уларни соғинаман. Кўрғанда албатта қучоқлайман, дейман-у, бақамти келганларида салобатлари босади. Қучоқлашиб кўришиш эркакларни бўшаштиради, деб ўйлайман-да, ўзимни тияман. Дадам ҳам: кел, ўғлим, бир қучоқлашайлик, дея қолмайдилар.

Билол ота бўлса, Сарварга:

— Қани, ўғилтойим. Бағримга бир босай сени. Шунда ердан қувват олган Антейдай қучга тўламан,— дейдилар.

Кечагида Билол ота унга мотоцикл олиб бердилар. «Ява» деб аталар экан. Қорни қизил. Пориллатиб ҳайдаб юрибди. Менга эса, велосипед ҳам олиб беришмайди. «Ма-

шина туртиб кетади, икки оёқли шайтон арава...» деб бувим ваҳима қилганлари-қилган. Сарвар эса, соат эрталабки олти бўлмай Урия холани қаймоқ тўла бидони ва сузма халтаси билан орқасига миндириб олиб Тошкентга, Олой бозорга ташлаб қайтади. «Бозорга бормасак, уйни қишгача қуриб битказа олмаймиз», дейишади. Тўрт девори битган, томи ёпилган, сувоқдан чиққан. Уларнинг уйини кўриб:

— Битибди-да, табриклайман!— дедим.

Билол ота хандон отиб:

— Энди пул сўрадиган жойига келди. Чой қутининг ҳам ичида чойи бўлсагина керак, бўлмаса товчага чиқади,— деб қолдилар.

Бувим даладан қайтганлар. Дам олиш куни, азон маҳали эшигимиз олдида мотоцикл пориллаб товуш бериб қолди. Югуриб чиқсам, дарвоза ёнида Сарвар мотоциклида оёқларини ерга базўр чўзиб турибди. Хурсанд бўлиб кетдим.

— Кир, чой ичамиз!

— Чойни Қибрайда ичайлик... Кеча тегирмон бошида Нозикойни кўргандим. Сенинг ҳақингда, нима, дала ишига чидамай, қочиб қолдиларми, деб қолди.

— Худди шундай дедими?

— Йўқ, шунга ўхшашроқ гап айтди. Қизларнинг нозик тилини қаёқдан билай... Мазмунини айтаяпман.

— Бувим намоз ўқияптилар. Икки дақиқа сабр қил!

— Милиция келиб қолса борми, ўқимаганман, қоғози йўқ...— деди Сарвар мотоциклини етаклаб келиб деворга суярган,— Нозикойга нима ваъда қилган эдинг?

— Ҳа, айтгандай, ўзбекча-русча луғат. Аммо у тоғамники, олдиларидан ўтай, дедим.

— Бундоқ гапларни кечқурун, улар ишдан қайтиб, қўл-юзни ювиб, дастурхонга ўтириб, овқатни еб олганларидан кейин пишириб олинади. Оч балодан — қоч бало, деган ўзбекларнинг гапи бор. Узинг яхши биласан. Ҳикмат хазинаси — ҳаёт кўрган бувингнинг бағридасан. Сенга ўргатгулик эмас. Илтимосни одамлардан қачон қилишни билдингми, энди?!

— Билдим, аммо Нозикойга нима дейман.

— Алдайсан, уйда қолдирибман, дейсан. Яна учрашувга имкон топилади.

Бувим жойнамозни йиғиштириб, тўрт буклаб тоқчага қўйдилар-да, биз томонга қарадилар. Сарвар иккаламиз бараварига «Ассалому алайкум! Намозингизни оллоҳ ўз паноҳида қабул этсин!» дедик. Бувим ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдилар. Айниқса, Сарвардан. Мендан-ку, бундоқ илтифотларни эшитиб турадилар. Ундан эса, биринчи мартаба.

— Янги тушган ҳовлиларингиз олдидан кўча очилибди,— дедилар бувим бизга яқинлашиб,— ёқасига тўрт туп шотут экдирдим. Иккитаси сенга, иккитаси унга! То амал олиб кетгунча эрта билан бир пақирдан сув қуйиб турасизлар.

— Маъқул.

— Бувижон, ёлғиз зерикмайсизми?— сўрадим.

— Йўлга отланыпсизми?

— Йўлга!

— Беморлар кўп келади-диган кун. Уларни ким қабул қилади?

— Сиз... Кейин, шотутга сув қуйиш керак. Ёмғир бўлса ҳам кошкийди...

— Майли,— деб юбордилар бувим.

— Сарвар, ҳайда тойингни!

Уйда Уткир укамнинг ўзи зерикиб ўтирган экан. Ойим ишга чиқиб кетибдилар. Дадамдан янги ташаббус чиққан эмиш: янги қилинган олмасор ўртасига ҳам картошка экиш... Шундоқ қилинса, картошка баҳонасида ниҳоллар сув ичаркан... Укамнинг оғзи тинмасди.

— Э, бўлди. Ахир бугун дам олиш куни-ку!

— Далада дам олиш куни бўлмайди!— Уткир пича жим қолиб, сўзида давом этди:— Ака, дадам ойимни уришдилар!

— Нега, нима учун?

— Ойимла Сарварларнинг уйи тез битяпти, бизники туриб қоляпти, дедилар. Унга дадам: «Вақти-соати билан битади, ошиқмайлик», дедилар. Ойим: «Қачонгача тегирмоннинг омборхонасида яшаймиз?» дедилар. Унга дадам: «Худо буюрган кунгача», дедилар. Ойим хафа бўлиб: «Шаҳарга кетаман, оппоқ-ойдин тахти-равонимда яшайман, чангдан безор бўлдим», дедилар. Дадам: «Эртага кўчириб қўяман!» дедилар. Икковлари ҳам чой ичмай далага чиқиб кетишди...

— Тўхта, каллам айланиб кетди!

— Сизлар шаҳарга кетсаларинг ҳам мен кетмайман, дедим. Дадамнинг чойларига қарайман!

— Ҳечқиси йўқ. Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, дейдилар бувим. Бу ўтади-кетади деган. Чунки, дока рўмол бирпасда қурийди-да!

Укам бу гапларга тушундимми-йўқми, билмайман. У қуроқ дастурхонга иккита нон, қанд-қурс ва шиша банкада дурдали сариеғ ўради.

— Катта чойнакдаги чойни кўтаришиб борасиз. Мен оёғимга тўкиб юборишим мумкин.

— Хўп бўлади.

Иккимиз бошлашиб олмазорга йўл олдик. Узоқдан қорамизни кўрган дадам ойимга:

— Ана, болаларинг келяпти, кутиб ол!— дедилар.

Онам ўз полапонларига югурган она кушдай бошдан рўмолларини қўлларига олиб, биз томонга чопдилар. Ажриқ устига жой қилиб, дадамни чойга чақирдик. Тундаги ойдайд юзи ялтираб кетган кетмонларини елкага олиб ёнимизга келдилар.

— Бунча ялтирайди?

— Кетмон-да, ўғлим,— дедилар дадам.— Ер ишлайди. Шундан тозариб кетган. Эҳ-ҳе, деҳқонлар ошни кетмон юзига суздириб ҳам ейдилар.

Ойим гапга аралашмадилар. Уткир оғзини тўлдириб нон чайнарди. Негадир кўнглим бўшашиб кетди. Дадам ҳақ гапни айтдилар. Кетмонни азот кўтариб, укамнинг пешонасидан ўпгандай «чўлп» этказиб ўпдим. Дадам ҳаяжонланиб, мени бариларига босдилар.

— Балли! Ота касбини оласанми дейман, ўғлим?!

Индамадим. Бироз ўтиб дадам бир ҳикматни айтиб бердилар: Эмишки, бир ўғлон қирқ ҳунарнинг барини эгаллабди. Аммо қорни ошга тўймас эмиш. Шунда эл маслаҳати билан бир донишманд ҳузурига борибди.

— Ҳазрат,— дебди у,— сизнинг қутлуғ ҳузурингизга арз билан келдим.

— Арзингни айт, йигит,— дебди донишманд.

— Арзим шуки, қўлимда қирқ ҳунарим бор. Барибир рўзғор тебрата олмай сарсонман.

Донишманд ўйланиб туриб:

— Отангнинг касби нима эди?— деб сўрабди.

— Отам деҳқон эди. Ер экарди, дон оларди,— дебди ўғлон.

— Деҳқончилик қил!

— Шунча ҳунарим бўлатуриб, ер чопайми?— дебди ҳайрон бўлиб йигит.

— Ҳунарингни қиш бекорчиликда, деҳқончиликдан қўлинг бўшаганда ишлатасан,— дебди донишманд.

Йигит қирқ ҳунарини қўйиб, деҳқончилик қилган экан. Мен майли-ку, Уткир укам ҳам нон ейшдан тўхтаган, дадамдан меҳр кўзини узмай қараб турарди. Шунда ойим оҳиста гапириб қолдилар:

— Демак, Пўлатимга бувиси бераётган тиббий таълим бекор экан-да!

— Нега энди? Бу ҳунарлардан бири. Йигит кишига қирқ ҳунар оз.

Шом оғиб қолганда дадамнинг ёнига Билол ота келдилар:

— Уғлонлар, уйларингга қайтинглар. Ҳа, келин, пишираётган лағмонингизга бир коса сувни кўпроқ қўшиб юборинг, мен меҳмонга бораман!

Уткир укам билан уйга жўнадик. Дадамнинг сигирга юлган ўтларини орқалаб, Билол ота билан йўлга чиққанларини кўрдим. Дадамда гапи борга ўхшайди. Бизниқига келиб, сўрига ўтиришганда олдиларига нон-чой олиб бордим. Шунда Билол отанинг гапларининг давом қилишга қўлимага чалинди:

— Аёлни севиш керак. Эркалаш керак. Уларга ҳам иш топширилиши зарур. Лекин ўзига яраша. Меъёри билан. Аёл қонида пуфак кўп дейишади.

Дадам индамай ўтирар эдилар.

\* \* \*

Май ойининг охирларида Сарварларнинг томорқасидаги қулупнай пишди. Кеча бироз ёмғир ёғиб ўтгани туфайли қулупнайнинг куюқ яшил япроқлари яшнаб кетган, остида қип-қизариб, шовул дони осилиб турарди.

— Бозорга олиб боришдан аввал ўзимиз бир тўйлик!— дедилар Билол ота. Пуштасини босмай ариқ оралаб кетдик. Қайдандир ойим пайдо бўлиб:

— Ювиб энглар!— деб қолдилар.

Рости, ойим биз бир тўйганда келган эдилар. Энди бу ёғини ювиб едик нима-ю, ювмай едик нима. Мен энди ортиқ қулупнай термай пайкалдан ташқарига чиқа қолдим. Ойимлар ҳамон ариқда чўккалаб ўтириб олиб қулупнай тераётган укамга қараб:

— Қулупнай теряпсанми, ўғлим?— дедилар.

— Теряпман,— деди у.

— Қаерга теряпсан, кўпаймаяпти-ку?— дедилар ойим.

— Бурнимнинг тагига теряпман!— деди Уткир бўш келмай.

Ҳаммамиз хахолаб кулдик. Бир вақт дадам шакар кўтариб кириб келдилар. Ҳаммамиз қулупнайга тўйгандик. Уткир яна пайкалга шўнғиб кетди. У қулупнай термас, аммо барглари қўли билан у ён-бу ён эгиб, алланимани қидирарди.

— Топдим!— деган унинг қувончли товуши таралди.

Кейин ёнимизга катта одамлардек оҳиста қадам ташлаб чиқиб келди. Қўлида йирик-йирик олти дона қулупнай. Уларни дадамга тутди. Ойим хурсанд бўлиб кетдилар. Дадам бўлса:

— Яша, ота ўғил. Болангдан қайтсин!— деб қўйдилар.

Урия холанинг овқатидан кейин Сарвар билан чиқиб кетдик. Пастга, ҳайқириб оқаётган дарё бўйига тушдик. У ерда гидроэлектростанция қурилаётганди. Ундан чиққан сувнинг бир қисми Золариққа, иккинчиси Тошкент шаҳрини водопровод суви билан таъмин этадиган каналга тушади. Иккимиз қирғоққа бориб ўтирдик. Сув шовул-лаб аллақаяёққа шошади. Баландликдан ошиб тушишини айтсангиз! Сарвар хўрсиниб қўйди.— Шу ерга келсам, Қора денгизни эслайман. Кўз олдимдан кетмайди. Кеча отам қаердандир топиб, тўрт туп сарв дарахти олиб келдилар. Эшигимиз тагига экиб қўйдик,— деди Сарвар.

— Беҳи экилганди-ку?!

— Сарв зиён қилмайди. Кўкка ўрлайди.

— Кўчанинг у томонига ҳам дарахт экингларими?

— Ҳа, қўшнилари бир бўлишиб ёнғоқ экишди.

— Ёнғоқ пишганда қўлимизни бир қорайтирар эканмиз-да?

— Ҳосил қилишига ўн йил бор. Шомил оға: «Ёнғоқ мева солгунча юртимизга кетиб қолармиз, балки», деганди. Отамнинг жаҳли чиқиб: «Кетсак кетармиз. Орқадошларимизга қолади-ку!» деб уришиб бердилар.

Ҳайронман, қачон Сарвар билан гаплашмай гап келиб юртларига кетишларига тақалади. Билол ота-ку, майли, Қримнинг сувини ичган. Сарвар эса Ўзбекистоннинг тузини ичди. Барибир киндик қони тўкилган тупроқ тортавераркан-да.

— Ҳа, мунча ўйга чўмдинг?— сўраб қолди Сарвар.

— Шундоқ, ўзим...

Иккимиз ёнма-ён турган тошдай тунда қорайиб алламаҳалгача индамай ўтирдик. Гўё сув тошқини ҳам тинган, ҳаммаёқ тинч эди. Қайдадир ит вовуллади. Сарвар ўридан туриб кетди:

— Бизнинг Арзамас! Ечиб юборишим керак эди.

Биз дарё бўйини тарк этиб, ўша тор йўлга чиқдик. Илгари ёмғир ёғса лойи тиззага чиқадиган бу йўлга шағал ётқизилган. Шунда ҳам ўнқир-чўнқир эди. Кечаги ёққан ёмғир суви қўлмак бўлиб қолган, ой нурида йилтилларди.

Сарвар Арзамасини олиб чиқиб, бўйнидан қайишини ечди. Ит ҳаллослаб, қоронғида қорайиб кўринган қизил тилини осилтириб менга яқинлашди. Атрофимдан айланиб исканди. Кейин янги тушган кўча бўйлаб чопиб кетди. Биз ҳам унинг кетидан юрдик. Сарвар қатор қурилган уйлarning этагини кўрсатди.

— Бу ерда эллик гектарлик узумзор боғ пайдо қилишди. Токларнинг ҳаммаси кўкариб, кўм-кўк барг ёзиб ётибди. Сўрига олиш керак экан, поя топилмаяпти. Отамнинг сим излаб бормаган жойлари қолмади. Қримда ерда ўсаверарди. Чунки у ерда тош кўп.

Ит орқага қайтди. Биз ҳам орқага юрдик. Сарвар мени ҳали-ҳамон яшаётганимиз тегиримон биқинидаги омборхона ёнигача кузатди-да:

— Эрта билан онамни бозорга қўйиб келиб, олдинга келаман. Хайрли тун,— деди.

— Хайрли тун!

\* \* \*

...Бошимизга фалокат тушди. Дадамни қамаб қўйишди.

Ойим билан югуриб-елиб адвокат орқали билганларимиз шу бўлди: дадам қонунга хилоф равишда иш тутидилар. Боғдорчиликка ихтисослашган Қибрай совхозида олмазор учун ажратилган ерларда картошка, лавлаги, сабзи, қарам, пиёз ва бошқа сабзавот экинлари эктирибдилар. Қолаверса, экиндан олинган ҳосилнинг олтмиш фойизини давлатга, қирқ фойизини совхоз ишчилари орасида тақсим қилибдилар. Давлат меҳнат интизоми бузилган...

Бугун ҳам одатдагидай нон, қанд кўтариб Билол ота эшикдан кириб келдилар. Салом-алиқдан сўнг ҳовли ўртасидаги яланг сўрига омонатгина ўтирдилар.

— Кўпам қайғурма, ўғлон,— дедилар елкамга қоқиб.— Отангни қамаган, бизни дарбадар, сарсон-саргардон этганлар оламдан ўтди. Энди отанг чиқади. Ҳамма ноҳақ қамалганлар ёруғлик кўрадилар...

Кўп ўтмай ўнинчи синфни битирдим. Таржимаи ҳолимда ёзилган «отам қамоқда» деган сўз ҳамманинг кўзини ола-кула қилар, ижирғанишарди. Қайга борсам кетимда оқ рўмолларини елкаларига ташлаб юрадиган бувим ҳам эсанкираб қолдилар. Ойим ҳам совхоздан бўшаб, уйда эдилар. Ҳаммамиз табиб бувимга қарам эдик. Менга ҳарбий комиссариатдан чақириқ қоғози келди. Уч кун ўтгач, биз тошкентлик болаларни Йўлдош Охунбоев номидаги тиббий билим юрти залига йиғиб, ҳарбий кишилар етакчилигида поездга жойлаб, қаёқадир олиб кетишди. Роса ўн беш кун йўл юриб, Калинин

шахридан тахминан уч-тўрт чақирим наридаги қишлоқда жойлашган ҳарбий бўлинмага етиб келдик. У ерда хизмат ўтай бошладим. Тошкентга, Сарварга хат ёздим. Унинг хати эса, Ғарбий Украина шаҳарларидан бири — Ужгороддан келди. Хат ёзишиб турдик. Уйдан ҳам хабардор эдим.

Хизматимнинг учинчи йили дадам қамоқдан чиқиб, ўз ишларига тикланганликлари ҳақида хушхабар келди. Учгани қанотим йўқ эди. Аммо Москвага ўқишга киришни мақсад қилиб қўйган эдим. Шундай қилиб, она Ўзбекистондан бирваракайига тўрт йил узоқда бўлдим. Кейинги йил бизнинг тиббиёт институтимизга Сарвар ҳам армиядан тўғри кириб келди. У имтиҳонлардан ўтгандан кейин Тошкентга отланиб қолдик. Беш кун деганда Тошкентга етиб келдик. Вокзалда одам тумонат: ким яқинини кузатгани чиққан, ким кутиб олгани. Улар орасида менинг ота-онам, Сарварнинг ота-оналари ҳам бор эди. Ҳаммамиз йиғлашиб кўришдик. Бизнинг уйда тонготаргача давом этган ўтиришда ҳам гапимиз адо бўлмади. Бувим ҳар замон-ҳар замонда тепамга келиб, «болагинам» деб ҳидлаб кўядилар. Уткир, бошқа укаларим хизмат қилиб юришибди.

Эртаси куни Сарварлар қайтишди. Биз бириси куни уларникига борадиган бўлиб хайрлашдик. Келди-кетдини кутиб, мўлжалланган кун Жалол аканинг аравасида Қибрайга йўл олдик. Уйда яна ҳам кексайиб қолган бувим қолдилар. Жўнаётганимизда:

— Шотутдан хабар олиб қўйинглар. Мевалаган бўлса, териб келинглар, қон босими бор беморларга ичираман,— деб қолдилар.

Қибрайга етганимизда арава тегирмон кўчасига қайиларидими, десам, йўқ, тўғри тепаликка ўтиб, эшигимиз ёнида сададай гуркираб ўсиб турган тўрт туп шотут ёнида тўхтади. Уйимизга худди Сарварларникидақа нақшдор ёғочдарвоза ўрнатилган, сомон сувоқдан чиққан, ҳовлининг тўрт томони шифр девор билан ўралган эди. Ҳатто жарлик томон ҳам ёпиқ. Девор орқасида бўй чўзиб қолган қатор ёнғоқ дарахтлари. Наридан анжир, шапалоқдек барглари билан ерни тўсиб ётибди. Хонадан хонага ўтдим. Бўмбўш. Пастдаги ошхонага мўлжалланган хонада эски кўрпа-ястиқлар, идиш-товоқлар ва бир саржин келадиган ўтин тахлаб қўйилган.

— Дада, хоналар бўш-ку?!

— Энди тинчиб олдик. Уқишни битириб қайтунингча баҳоли қудрат тўлатамиз,— дедилар дадам.

Мен Сарварларникига чиқдим. Ҳовли тамоман бошқача бўлиб кетган эди. Елкасига кўйлагини ташлаб олган Билал ота кўринди. Анча қариб қолибди. У мен билан кўришиб, уйга товуш берди:

— Сарварбек, орқадослар келишди! Хўш, ҳовлимизни танидингми?

— Қаердадир кўрганман.

Ўртада тош уюми. Унинг устида гўё Боғчасарой... Ҳовли четида ҳам харсанг тошлар юмалаб ётибди. Жарлик томондаги кетмондастадай ёғочга қоқиб қўйилган тахтачага «Қора денгиз» деб ёзиб қўйилган. Унг томонида поезд изига ўхшаш чизиқ. Чизиқ сўнгидан тошлардан ясалган Оқ мачит... Болохонанинг тагида тошдан йўниб ясалган ариқ. Гўё бу сой, суви зум ўтмай оқиб келадигандай...

— Бир бўлак Қрим!— дедим ҳаяжонланиб.

— Бўлак эмас, Қримнинг ўзи!..

Сарвар ён хонадан кучоқ очиб чиқиб келди. Ўзини қўярга жой тополмай қолган Урия хола:

— Дастурхонга марҳамат!— деб ҳаммамизни катта хонага чорлаб қолди.

Кирдик. Билал отадан кўнгил сўрадим:

— Ҳоллар нечук?

— Ёвош-ёвош!..

Отанинг кайфияти яхши эди. Ҳар қандоқ саволга жавоб берадиган ҳолатда. Бундан фойдаланиб қолинса ёмон бўлмайди, дедим ўзимга-ўзим. Чунки, Билал отага кўпинча бир оғиз сўз ҳам ортиқчалик қилади. Жаҳли бурнининг учида.

— Қримни шу ерда яратганингиз яхши бўлибди-да,— дедим унинг кўнглини олиб.

— Бу — бир ҳавас...— Билал ота хўрсиниб қўйди.— Қрим эса битта. Ўзбекининг бир шоири «ватан туйғуси» деб шеър ёзибди. Менинг кўнглимни ёзибди, тушмагур. Ма, ўзинг ўқи!

Овоз чиқариб ўқидим:

Катта хонадонинг бўлгани, эй, жон,  
Бу юксак толедир, ҳаёт болидир.  
Бу ёруғ дунёда қайси бир инсон  
Тобелик ҳукмидан қочган: холедир!..  
Катта хонадонинг... ҳеч ким туртмасан  
Ҳеч ким ўз йўлингни ўзинга айтиб,  
Иқболдан-иқболга бошлаб юрмасан,  
Улан-тўшак бўлсан ўз уйинг, қайтиб...  
Катта хонадонинг бўлгани ҳузур;  
Аммо у даргоҳда ўз хонанг бўлсан,

Унда оқ сут берган ўз онанг бўлса...  
Эй, инсон!

Ушанда нур устига нур!..

Билол ота кўзига ёш олди.

— Кўзим тириклигида Сарварни юртига элтсайдим... Унда менинг руҳим ётибди, авлод-аждодаларимиз ётибди...

— Ниятингизга етасиз...

Менинг ҳам томоғимга бир нима тиқилгандек эди.

Кечкурун тегирмон ёнидан ўтиб, Сарвар билан дарё бўйига тушдик. Совхоз электростанцияси гувиллайди. Ҳайқираётган сув қирғоқнинг анча-мунча жойини ялаган: соялаётган қўй уюридай харсанглар ётибди. Илгари бу ернинг суви ҳовуздай сокин эди. Кеч тушганда қурбақалар қуриллашарди. Биз Сарвар билан сув бўйида қўшиқ тўқиганмиз.

— Сарвар, қўшиғимиз ёдингдами?

— Ёдимда.

— Қани бошладик.

Бақа, бақа...

Кўкка боқа

Ёмғир сўрайди —

«Вақа, вақа...»

— Боя тегирмон ёнида атрофга нигорон кўз югуртганини сездим,— деди Сарвар қўшиқ сеҳридан масрур қолганимизда.— Қидириб овора бўлма. Қиз бола тез етилар экан. Нозикойни ўтган йили Паркентга узатиб юборишибди.

— Айб ўзимда... Бошимга оғир савдолар тушди...


Иккимиз ҳам жим эдик. Уларникига келиб, болохонага кўтарилдик-да, чордана қуриб ўтириб олдик. Кўчанинг нариги бетига тикилиб қолган, яшил тоқзорни томоша қилаётган Сарвар «Денгиз!» деб қўйди. Кўзим қамашди. Чиндан ҳам тоқзор денгиздай тўлқинланарди. Назаримда мавжлар кетидан мавжлар биз томон оқиб келаётгандай. Биз гўё болохонада эмас, улкан харсанг тош устида, денгиз қирғоғида тургандаймиз.

— Мавж тинмайди... Мавжлар кетидан мавжлар келади...— деди Сарвар ва бирдан ичкиб менга қаради.— Сен билан ажралиш оғир...

— Нима деяпсан?!

— Кетаётибман... Қримга!..

Мен ҳаяжонда эдим. Назаримда, Сарварнинг елкасидан ярим қучиб, уриб-уриб қўйдим. Ой нурида тоқзор мавжланар, тўлқинланар, устидан юлдузлар сочилаётган кемада Сарвар сузиб борарди.



Инобат Нормуродова

## ТОНГНИНГ ЭТАГИДАН ТЎКИЛАДИ НУР

\* \* \*

Қизлар кокилининг зар пўпагидан,  
Кеча қариб қолган манзил увишди.  
Яшил нигоҳларинг, дилбар чоғларинг,  
Ҳали тонг отмаган йўлларга тушди.

Тағин кўнгилларда исинди кўклам,  
Қишдан чиққан чарос кўзлари билан.  
Тағин йўлларингда дуч келар, ўлкам —  
Намозшом атласли қизлари билан.

Энди тиззанга ол ташна диёрни,  
Аразчи кунларни, кечаларни буз.  
Куйган дудоқларга лабларингни қўй,  
Кийган кўйлақлари лолазор — Наврўз!

\* \* \*

Эшикка чопар кўзим,  
Соғинч ерга йиқилар.  
Қамчи теккандай сўзим  
Томоғимга тиқилар.

Узилади судралиб,  
Ердан нохуш нигоҳим.  
Қачон келар эшикдан,  
Менинг ёлғиз паноҳим?!

Ханжарига айланар,  
Тун — кечанинг сўроғи.  
Остонамга бойланар,  
Яқин йўлнинг йироғи.

Йироқдан келгин, сабр,  
Келиб бўйимга бўйлан.  
Изимга қарай-қарай,  
Икки кўзимга айлан.

Сабр косам, тўлмагин,  
Тўлдирмагин бу дамни.  
Паноҳингда асрагин,  
Мен сиғинган одамни!

\* \* \*

Кўчанинг юзида лойшувоқ излар,  
Туш кўрган боладай сесканиб турар.  
Бунча кўп тилларга осилган бўзлар,  
Қайтар куним мени қидириб юрар...

Жимжит шивалайди азонги ёмғир,  
Исёнкор шоҳларда саволлар тилим.  
Бир аёл йиғлайди оғирдан-оғир:  
«Болам деб йиғласам кесилсин тилим!..»

Кун қаро рўмолин ёпинар аранг,  
Девона кимсага ўхшайди ёшлар.  
Кўтариб туролмай қулоғи гаранг,  
Ўттизга кирмасдан эгилган бошлар.

Томчининг муздайин қадамларидан,  
Қон бўлиб тўкилар заминга аза.  
Кеча қия эди, бугун ланг очиқ.  
Йўлларга мўлтираб қолган дераза.

Елкани эзади ғамангиз нигоҳ,  
Шивалаб тўкилар сочларга қиров.  
Бу дунё, у дунё сўроғдир-сўроғ,  
Бошини тошларга уради биров!

Қиличи қайрилган қари тутларнинг,  
Бағрида яланғоч шамолдан гина.  
Энди мен сизни деб келолмам ёлғиз,  
Энди мен кетарман сизсиз жимгина.

Осмондан тўкилар шунча дод, аза,  
Тўкилиб кетдик биз етмай дошимиз.  
Бизни ташлаб кетди ёмғирли кез-а,  
Бир йилда иккинчи синфдошимиз!

Кўчанинг юзида лойшувоқ излар,  
Қайтар куним мени қидириб юрар.  
Тошкентга жўнамай қолган поездлар,  
Туш кўрган боладай сесканиб турар...

\* \* \*

Қанча сафар қариди йўлда,  
Қанча тўлқин келиб-кетди жим.  
Ҳали-ҳамон осмонга боқиб,  
Мен ҳақимда ўйлар мунажжим.

Нигоҳимда саволлар рақси,  
Фол кўргандай шивирлар тинчим.  
Қанча йўллар юрибман, эҳ-ҳе,  
Ҳамон мени ўйлар мунажжим.

Кўринмайди йўлларда адоқ,  
Турнақатор тизилар йўлчим.  
Ой нурини ипга йигириб,  
Яна мени ўйлар мунажжим.

Девлар келар бир кун бостириб  
Ва эртатка айланар ойим.  
Сўнгра олиб кетар сўрамай,  
Ўзи қарзга берган худойим!



\* \* \*  
Сўзимга кирмайди муҳтарам  
кунимни асраган хаёллар.  
Паришон кунларим устига  
бостириб келади саволлар.

Аждаҳо комидан мурувват  
кутмаган юпанчим тонмайди.  
Тун ёниб кетади бу кеча  
ёнмаса юрагим ёнмайди!..

Ётсираб термулар туманлар,  
сочига узун йўл илдириб.  
Мозийдан келади садолар,  
сабртош борлигин билдириб.

Сабртош очунда ухлайди,  
кунимни асрайди хаёллар.  
Бу кеча осуда ухлайди,  
ёнгиси келмаган аёллар!..

\* \* \*

Тонгнинг этагидан тўкилади нур,  
Шовуллаб тўкилар сарфароз кунлар.  
Атлас кўйлагига осилиб олиб,  
Тонг билан талашар қоронғу тунлар.

Боғда қиқирлаган қизил олмани,  
Томоғи йиртилиб чақиради куз.  
Кумуш остонага кўрпача солиб  
Саҳарда туғилар ўн биринчи қиз.

Сирлар ёйилади бемажол тилдан,  
Совқотиб титрайди тутилган қанлар.<sup>1</sup>  
Куннинг косасига шароб тўлдириб,  
Кўзлардан сирғалар азиз Ватанлар!

## Оқсув


Ой энди бошқача, юлдуз бошқача,  
Жимгина атрофга қарайди толлар.  
Соҳилда кўринмас, кўрпача солиб  
Оёғин узатиб ўтирган чоллар.

Нотавон кимсадай мўлтирар Оқсув,  
Тушида кўргандай болаларини.  
Рангида қони йўқ, кўргани борар  
Тўкилиб тўлмаган далаларини.

Жонидан ситилар эски ранг-бўёқ,  
Кафтига ҳовучлаб бир ҳовуч жонни.  
Бир қўли ҳассада, бир қўли билан,  
Кўтариб турибди катта жаҳонни...

---

<sup>1</sup> Қанлар — расм-русумлар маъносиди (шева).



Илҳом Исломов

## КЎЗЛАРНИНГ РАСМИНИ ҚОЛДИРИНГ КЎККА

### Орта қолаётган бахт

Безовталиқ беланчагини  
Утаётиб тебратса умр.  
Қорабағир армонларингдан  
Чўкка тушиб сўрайсан узр.  
Совуқ юртли тилакларингга  
Ин қўймаса оғриқ — турналар,  
Денгиздаги ороллар каби  
Кўринади сирли яралар.  
Гуноҳингни сувга эритиб  
Устирмасанг бир яшил дарахт —  
Энди сенга ёмон бўлади,  
Орта қолар кунларингдан бахт.

### Юлиус Фучик. «Дор остидаги сўз».

Уз-ўзини ейди қасоскор қийноқ,  
Омаднинг бўйнида фожиа ипи.  
Юракни отамиз тор тирқичларга,  
Ёруғлик — халоскор Ватаннинг қўли.

Юзсиз ҳақоратнинг панжалари қон,  
Одамлар, умиднинг кўзини очинг.  
Бир парча бўрсилдоқ нон йўк, ўрнига  
Қўрқувни бурдалаб, аямай тотинг.

Турмадан қувамиз энг сўнги кунни,  
Қўшиқдан умидга ичиринг, мана.  
Севгимиз эркини бахтнинг йўлидан  
Юртга жўнатайлик, жоним Густина<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Фучикнинг хотини.

Алвидо, виждоннинг дур-маржонлари  
Қиличнинг тиғида тилинмас сийрат!  
Кўзларнинг расмини қолдиринг кўкка,  
Музласин палидлар исинган даҳшат!

Осмон — хаёлимнинг бошига дурра,  
Дор — илоннинг тили.  
Ҳечам кулмайди.  
Мени оса қолинг, жисми-тани йўк  
Ҳақиқатни эса осиб бўлмайди.

## Кел, муҳаббат денг!

Севинч кўнғироғин келмаса осиб,  
Лола шафақ — отдан йиқилса оғиб,  
Замбуруғ муштини юборса сотиб,  
Оҳ, оҳ, ҳаёт денг!

Дарахт кўкрагидан ел сўрса тахир,  
Карвонни сароблар айласа яғир,  
Тошларга суюгин чайнатса бағир,  
Оҳ, оҳ, мамот денг!

Сукунат қиличи синдириб қалам,  
Қалдироқ ёнғини — майса бир боғлам,  
Қувватдан бир қулт сув ичмаса қадам,  
Оҳ, оҳ, сабот денг!

Муסיқа субҳдан ранг олса қарзга,  
Хушомад мажнунтол туюлса қизга,  
Юрак тойиб кетса сарғайган бўзга,  
Кел, муҳаббат денг!

## Инсон монологи

Эмакнинг хотири ёдимдан кўчди,  
Пойларимда синди руҳли Ҳақиқат.  
Табассумдай майин келажагимни,  
Юракда топтадим куйдим, табиат.


Кўзларим тонгларга ёпинчиқ эди,  
Дала тўшагида тўлғанган дардим.  
Вужуд қийноқларни қиймалайверди,  
Бугун бир хурмада зардобдай тўлдим.

Аламдай тўкилди лабга бурушиқ,  
Намақобга тўлди Оролдай куним.  
Кўзёшлар сириқиб оқа бошлади,  
Ахир, мен сўрайин кимдан кечирим!

Табиат — танбурнинг узилган тори,  
Сиртмоққа айланиб кетганди, қара.  
Булбулнинг хониши умрингга кўнсин,  
Энди сен, болажон, ўзингни асра.

Мен эса вужуди қақшаган одам,  
Борлиқ чўнтагида ётган бир мири.  
Кўзларимда ўсар ўтмиш — дарахтнинг  
Тарвақайлаб кетган қизил томири.

Қизилтепа.



Тоҳир Қаҳдор

## КЎЗГА КЎРИНМАС МАХЛУҚ

Эртак дoston

Ривоят қилинишича, Сулаймон Алайҳиссалом ҳар кун и уйқуга ётишдан аввал деразаси тагидаги ерга бир дона сеҳрли дарахт уруғини ташлар экан. Тонгда уруғ улкан бир дарахт бўлиб униб чиқаркан. Пайғамбар эрталаб дарахтдан: «Бу куннинг хосияти недур?» деб сўраганида, «Кун хосиятлидир», дея жавоб бераркан дарахт. Бу ҳол ҳар кун такрорланаваркан.

Кунларнинг бирида дарахт: «Бу кун заволлидир», дебди. Жонзотлар шоҳи Сулаймон билибдики, умри битибди, салтанатига ҳам завол етибди.

У шишадан қурилган хос ибодатхонасига кириб, сўнгги ибодатни адо этиш учун бораётиб, ҳассасига суянган тахлит жон берибди. Шиша хона сеҳрли бўлгани сабабли, унинг жасади асога суянган тарзда муаллақ қолибди. Ташқаридаги бор жонзотлар уни бу ҳолда кўриб, ўлганини сезмай, аввалгидай шоҳ билиб, мутеликда яшаб юраверишибди. Орадани қирқ йил ўтгач, ҳасса чириб уваланиб тушгач, жасад ҳам ерга йиқилибди. Шундагина жонзотлар Сулаймоннинг ўлганини англашибди. Аммо ўтган қирқ йил мобайнида ҳақиқатдан беҳабарлик, жаҳолат, шоҳ номидан турли махлуқларнинг ҳукм юритиши оқибатида жуда кўп фожиалар рўй берибди ва салтанат завол топибди...

Бу асарда жоҳиллик, зулм ва худбинлик ҳукмрон бир ўрмондаги махлуқларнинг ҳақиқатни билмасдан яшашликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф

Тун қоронғилигида махлуқларнинг талвасали овозлари эшитилади:

— Барчага қилинг маълум,  
Пайдо бўлибди бир шум —  
У кўринмас ҳайвонмиш,  
Очофат беомонмиш!

— Ҳеч ухлмас, дам олмас,  
Еб-ютишда ҳеч толмас!  
Дейди доим: бер, бер, бер,  
Тўхтамасдан овқат ер!

— Тўйганини ҳеч билмас,  
Кўзи оч, шафқат қилмас!  
Бўрини ҳам ёриб ер,  
Филни ҳам ағдариб ер!

— Кийик, от, молни ейди,  
Айиқни, болни ейди!  
Тўтиб ейди итни ҳам,  
Маймунни ҳам, битни ҳам!

— Кўкка сакраб, қуш тутар,  
Ямламай дарров ютар!  
Сувга шўнғиб, балиқ ер,  
Китни еб, тўймадим дер!..

— Ер дарахт, ўт-ўлани,  
Ер тундаги шуълани!  
Кундузни ҳам емоқда —  
Қушлар шундай демоқда!  
Кундуз тугаб қолса гар,  
Яшаш бўлади баттар!..

— Унга қарши бирлашиб,  
Тишларни ўткирлашиб,  
Нақ қорнини мўлжаллаб,  
Панжа уринг дажаллаб!

#### БАРЧА МАХЛУҚЛАР

Бирлашиб жанг бошлайлик!  
Дадил қадам ташлайлик!

#### БИР МАХЛУҚ

Режасиз бошласак жанг,  
Аҳволимиз бўлар танг!  
Жангда етакчи керак —

Тонг ёришган.

Ярми қуриган дарахтга олтин қафас осилган. Ўрмондаги Қўра ўлкаси ҳам ташқи кўриниши билан улкан қафасни эслатади. Қафасдаги Тўти ғоятда улкан. Қафаси ҳам шунга мос. Дарахт шохларига «Қўрага хуш келибсиз!», «Ишла, шараф топ, Эшак», «Ўрмонларни кесайлик, Гулзор қилиб, безайлик!» каби шиорлар осилган. Тўти доимо бир шиорни такрорлайди.

#### ТЎТИ

Ўрмонимиз озод, кенг,  
Барча махлуқ яшар тенг!

#### ҚАРҒА

(Учиб-елиб хабар келтиради.)

Ҳей, келинг йўллар оша,  
Қилиб қолинг томоша,  
Шу ўрмонза бир марта

Оқил, одил, довжорак!  
Оқ майдонга борайлик,  
Хондан рухсат сўрайлик!

#### БОШҚА БИР МАХЛУҚ

Тўғри! Кенгашмоқ яхши,  
Доно экансан, ваҳший!  
Тез Қурултой қақриб,  
Даҳшатли фитна қуриб,  
У кўринмас Ҳайвонни,  
Қурбон берсак ҳам жонни,  
Топамиз ва енгамиз,  
Қуриса ҳам тинкамиз!

Яшаганга яраша!

Бугун бизнинг Ўрмонда  
Дунёдаги улуғ жой —  
Мажлисгоҳ Оқ Майдонда  
Бошланар Бош Қурултой!

#### ТЎТИ

Ўрмонимиз озод, кенг —  
Бунда барча яшар тенг!

Махлуқлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб етиб келишади. Ҳайъат Тепадаги кўзлари юмук Арслон хон тахтда суйанганича қотган. Атрофида салтанат аъёнлари — Бўри, Тулки, Айиқ, Илон ва Соқчи Маймун тизилишган. Пастда эса — махлуқлар тўдаси.

«Фавқулудда Ҳайвонлар Қурултойи» деган ёзув кўтарилади ва Қурултой очилади. «Қўра гимни» айтилади.

#### БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАР

Гўзал ўлка Қўраамиз!  
Бунда хонмиз, тўраамиз!  
Яйраб яшаб махлуқлар,  
Тўкин турмуш қураамиз!

#### ҲАЙЪАТ ТЕПАДАГИ ҲАЙВОНЛАР

Биз — салтанат устун,  
Ов чоғи дўст, жўраамиз!  
Кўпдир тотли жонивор —  
Барин еймиз, қирамиз!  
Ҳеч тўймаймиз, бор ахир,  
Ичимизда ўраамиз!..

#### ПАСТАДАГИ МАХЛУҚЛАР

Йўлда, чўлда кўришсак,  
Ким зўрдир, деб сўраамиз?  
«Мен зўрман!» деб ўкириб,  
«Мен зўрман!» деб ҳураамиз!  
Чопиб «ура-ура»лаб,  
Бир-биримиз сураамиз!

#### БАРЧА МАХЛУҚЛАР

Гўзал ўлка Қўраамиз,  
Бунда хонмиз, тўраамиз!

Яйраб-яшаб махлуқлар,  
Тўкин турмуш қураамиз!

#### ҚАРҒА

(Келганларни қутлайди)

Яшасин хон Арслон!  
У боис тинчдир Ўрмон!  
Бўрига шараф бўлсин!  
Тулкининг бахти кулсин!  
Айиқ, Бургутга олқиш!

(Тўдага қараб)

Сизлар — буюк тўдасиз!  
Баҳору ёз, кузу киш  
Меҳнат қилиб ўтасиз!  
Яшанг моллар, эшаклар,  
Сичқон, калтакесаклар!  
Қўтослару тўнғизлар,  
Ажаб феъли кенгсизлар!  
Қўй, эчкилар, тотлисиз!  
Мулойим, шафқатлисиз!  
Яшанг отлар, туялар!  
Сут булоғи — биялар!  
Буқаларга шон-шараф!  
Чўқаларга шон-шараф!  
Кўлимиз санъаткори,  
Чўлимиз санъаткори

Бақаларга шон-шараф!  
Эркин сузинг, балиқлар!  
Сиз учун йўқ солиқлар!  
Хонимиз шафқат қилди —  
Кўп солиқ бекор бўлди:  
Нафас олиш текинدير,  
Туш кўриш ҳам эркиндир!

**БАҚАЛАР ВАКИЛИ**  
(луқма ташлайди)

Балиқлар йўқ бу ерда...  
Қолдилар ботқоқларда...

**ҚАРҒА**  
(дағдаға қилади)

Қурултойга келмаслик —  
Хонни писанд қилмаслик!

**ТУТИ**

Бу жуда ёмон одат,  
Бориб турган жиноят!

**СОҚЧИ МАЙМУН**

Буюринг, сихга тортай —  
Балиқ зотин қуритай!

**БАҚАЛАР ВАКИЛИ**

Эй, улуғлар, одиллар!  
Раҳм қилинг, оқиллар!  
Узримни қабул қилиб,  
Шу гапни қўйинг билиб:  
Утган гал Қурултойга,  
Дарёда қилиб пойга,  
Балиқлар келган эди.  
Қайтишда сув қуриди —  
Барча вакил балиқлар,  
Сузонғич, хушқилиқлар  
Қуруқликда ўлишди...  
Бундан қолган балиқлар  
Сўнгра огоҳ бўлишди...  
Улар салом айтдилар,  
Мени вакил этдилар!

**АЙИҚ**

Яхши! Яшанг, бақалар!  
Балиқларга оғалар!  
Энди, азиз махлуқлар,  
Тубанлару улуғлар,  
Эшакмизми ё отмиз —  
Шу Ўрмонда тенг зотмиз!  
Барча — оға-инимиз,  
Очиқдир йиғинимиз!  
Сўз Бўри — Бош Қозига!

**БҮРИ**

Увв! Қадрли махлуқлар,  
Ҳар қадами қутлуғлар!  
Хон номидан барчага  
Ташаккур ва қуллуқлар!

Гапни қисқа айтаман,  
Масалага ўтаман!  
Мана, арзли варақа,  
Уни келтирди Бақа!  
Эмишки... Кўл қурипти!  
Бор балиқлар чирипти...  
Ботқоқларда сақлаб жон,  
Бақалар қолмиш омон...  
(Бақалар вакилига дўк уради)  
Айт, қотирмай калламни:  
Шу — муҳим масалами?  
Кўл қуриса қурипти,  
Уч-тўрт балиқ чирипти —  
Хўш, не бўлди оқибат?  
Давом этмоқда ҳаёт!  
Сен бизларни чалғитма!  
Тинч ётганни қалқитма!

(Қўрқиб кетган Бақалар  
вакили таъзим қилади)

Кўпдир муҳим масала!  
Мана, Арслон касаллар!  
Юз йилки, очолмас кўз —  
Ҳоли келмас, демас сўз...

Ана, Ҳайъат тепада  
Утириб шу кепата,  
Унинг учун ўйлаймиз,  
Унинг учун сўйлаймиз!  
Ҳайвон тўла Ўрмонни,  
Газанда оломонни  
Бошқармоқ эмас осон!..  
Яшасин хон Арслон!

**ТУТИ**

Яшасин хон Арслон —  
Барча деб ухлар ҳамон.

**БҮРИ**

Бош масала шу, дўстлар,  
Эй ваҳший, олакўзлар!  
Тафтишда бўлди маълум:  
Пайдо бўлибди бир шум!!!  
У — Кўринмас Ҳайвонмиш,  
Ебтўймас, беомонмиш!..

(Махлуқлар ваҳимали  
ғулув кўтаришади)

Арслон ва Чўчқа насли,  
Ҳайвонларнинг энг асли,  
Камайиб кетди бирдан —  
Огоҳ бўлдик бу сирдан!  
Энди сўз тафтишчимиз,  
Саройда Бош ишчимиз  
Адолатли Айиққа!  
Қани, сўзла ҳайиқмай!

**ТУТИ**

Тўғри, сўзла, Айиқбой!  
Кенг минбарда тойиқмай!

## АЙИҚ

Ҳақман, дангал сўзлайман —  
 Ҳақиқатни кўзлайман!  
 Арслон хонни ухлоқ деб,  
 Хонмас, ўлик матоҳ деб,  
 Айтувчилар кўпаймиш —  
 Шуларни қилдик тафтиш,  
 Барчасин жазоладик,  
 Баъзиларин кечириб,  
 Қамадик — эъзозладик!

(Минбар четига қўйилган  
 «Асал» деб ёзилган идишдан  
 асал ялаб, сўзини  
 давом эттиради.)

Эсингизда бўлса гар,  
 Исён қилиб балиқлар,  
 Душманларга қайишиб,  
 Арслон уйғоқ дейишиб,  
 Қилишиб қуловузлик —  
 Ғаламислик, ёвузлик,  
 Шарманда бўлишганди,  
 Анчаси ўлишганди...

Бу — муҳим бир давр эди,  
 Балиқ қавмин совурди!..  
 Тулки эди Бош Қози —  
 Гапира қолсин ўзи.

## ТУЛКИ

Уша йиллар ҳар балиқ  
 Эди кучли, зарбали!  
 Чиқишиб қуюшқондан,  
 Барчаси уюшганди!  
 Ўзларича курашди,  
 Мустақил кўл сўрашди.

Хон дарҳол берди фармон:  
 «Оёққа қалқсин ўрмон!  
 Балиқлар экан мараз,  
 Бошлашди фитна, ғараз!  
 Ўрмондаги кўлларни,  
 Кўлга туташ йўлларни  
 Узиники қилмоқчи,  
 Салтанатни юлмоқчи!  
 Кўлдан оққан дарёни,  
 Жилға, ирмоқ — ҳар ённи  
 Талаб қилар балиқлар!  
 Буйруқ шу: доғуликлар  
 Аямасдан эзилсин!  
 Барин тили кесилсин!  
 Балиқларнинг сўзлаши,  
 Бир-бирини излаши,  
 Ё овоз чиқариши,  
 Урф-одати, ҳар иши,  
 Бир жойга йиғилиши,  
 Маслаҳатлар қилиши,  
 Ҳар қандай бирикиши  
 Ва ҳар қандай эрк иши —  
 Барчасин этурмиз маън!  
 Бажарилсин қатъиян!..»

Бу фармон бажарилди,  
 Балиқлар соқов бўлди.

## АЙИҚ

Балиқ қавмин қуришин,  
 Соқов бўлиб туришин  
 Эслатишдан бор мақсад —  
 Бўлсин сизга бу ибрат!  
 Эй, тўртоёқ оломон,  
 Қалқиб турибди замон!  
 Қилманг исён, тўполон —  
 Тинч фикрлай олсин хон!  
 Бизлар учун ўйлар у,  
 Бир чорасин сўйлар у.  
 Еб-ютиб ҳар ҳайвонни,  
 Бузиб еру осмонни,  
 Қутқу солмоқда ҳамон  
 Кўзга Кўринмас Ҳайвон!  
 Унга қарши бирлашиб,  
 Тишларни ўткирлашиб,  
 Фитна тузсак жадаллаб  
 Узоқ йилга мўлжаллаб!

## ИЛОН

Бу — мураккаб масала,  
 Ўйлаб, яқун ясалар —  
 Ҳал қилар Олий Кенгаш!  
 Айиқ, ғўдаймай, энгаш!  
 Асосий гапларга қайт,  
 Ёвуз миш-мишдан сўз айт!

## АЙИҚ

Ҳа... Арслонни ухлоқ деб,  
 Хонмас, пўстак — матоҳ деб,  
 Айтувчилар кўпаймиш —  
 Барини қилдик тафтиш.  
 Арслоннинг буюклиги,  
 Барчага суюклиги  
 Ана шу уйқусида —  
 Хонларча қайғусида!..  
 Яъни, у ухлаб ётиб,  
 Чуқур ўйларга ботиб,  
 Бошқарар бу Ўрмонни!  
 Олқишланг бундай хонни!

## МАХЛУҚЛАР

Яша, эй, ухлоқ Арслон!  
 Узингсан энг одил хон!

## АЙИҚ

Тўғри айтдинг, эй Тўти,  
 Яша, ҳеч бўлма чўтир!

(махлуқларга)

Кимда бўлса садоқат,  
 Билар уни салтанат.  
 Арслон ухлаган билан,  
 Уйғоқдир вазир Илон!  
 Биз ҳам уйғоқмиз, тирик!  
 Шу боис ишлар йирик!  
 Бутдир, мана, тахтимиз,  
 Шу-да ахир бахтимиз!  
 Бақа — кўлнинг мирзаси,  
 Айтган гапи бемаза!

Балиқларнинг арзаси —  
Елғон! Иғво! Даҳмаза!  
Балиқми ё Бақадир —  
Ҳаммаси бир чақадир!

#### ТУТИ

(Бақалар вакилига)

Балиқми ё Бақасиз —  
Ҳаммангиз бир чақасиз!

#### АЙИҚ

Энг ширин не? Асал, а? —  
Демак, шу — бош масала!  
Асал етиштиришни  
Янада оширайлик!  
Ўрмонда бор идишни  
Тўлдириб тоширайлик!  
Асал — бахт, асал — кулки,  
У умумҳайвон мулки!  
Ҳа, асал етиштириш —  
Бугунда энг муҳим иш!  
Асал ўлкаси бўлиб,  
Донг қозондик, ишқилиб,  
Асал зарур жаҳонга,  
Ҳайвоноту инсонга.

#### БҮРИ

Салтанат арзандаси,  
Айтгин гапнинг лўндасин!  
Қандай аризалар бор —  
Шулардан сўзлаш даркор.

#### АЙИҚ

Ариза кўп... бариси  
«Гулзор қилиш»га қарши...  
Хуллас, вақтни тежаймиз,  
Сизга маълум режамиз:  
Бизга кўп асал керак.  
Арча, қарағай, терак —  
Барини кесиб ташлаб,  
Улуғ бир ишни бошлаб,  
Гулзор қилдик Ўрмонни,  
Яшнатдик тўрт томонни!  
Гул экдик дашту чўлга,  
Тошлоққа, сўқмоқ йўлга.  
Тўлди ўлкамиз гулга,  
Тўлди маддох булбулга!

#### БИР МАХЛУҚ

(луқма ташлайди)

Ўрмондаю яйлоқда,  
Қирда, пасткам овлоқда,  
Чўлда «чаман» тузилгач,  
Ишларимиз бузилгач,  
Дарбадар кезиб кетдик,  
Дунёдан бешиб кетдик!..

#### МАХЛУҚЛАР

Ҳа, жуда бешиб кетдик!..  
Раҳм этгин, Айиқ оғам!

Ахир, ҳамма ҳайвон ҳам  
Ея олмас гулларни!  
Уйла биздай қулларни!

#### ЭШАК

Қанча махлуқ алданди,  
Гулни еб, заҳарланди!  
Гул ҳидидан аксириб,  
Бошини тошга уриб,  
Ўлди қанча Эшаклар  
Гул-чечакни кучоқлаб...

#### ТУЯ

Ўз ҳидидан уяла,  
Қочиб кетди туялар...

#### ЙЎЛБАРС

Гул ҳидидан маст бўлиб,  
Кўп йўлбарс кетди ўлиб!..

#### МАХЛУҚЛАР

(жўр бўлиб)

Кўп гул, асли зарардир!  
Гулнинг кўпи заҳардир!

#### СОҚЧИ МАЙМУН

Бўлибсиз кўп тартибсиз!  
Гул ароғин отибсиз!  
Анжуманда маст бўлиб,  
Тинч турмушга қасд қилиб,  
Кўтарманг тўполонлар,  
Эй сиз, сассиқ ҳайвонлар!

#### АЙИҚ

(Соқчи Маймунга)  
Соқчи! Бўлма беомон!  
Қўй, гапирсин оломон.  
Ахир, бизнинг Қурултой  
Адолат ва ҳаққа бой!

(махлуқларга)

Сизларга паноҳ ҳуқуқ!  
Тенг ҳуқуқли бор махлуқ!  
Не истарсиз, сўзлангиз,  
Ҳақиқатни кўзлангиз!

(Соқчи Маймунга секингина)

Қўй, майлига, гапирсин,  
Исёнчиси қутурсин —  
Сўнгра барин кишанлаб,  
Асал еймиз нишонлаб...

(Бир неча махлуқ арз қилади.)

— Тўрғайу саъва, булбул  
«Асал!» деб куйлар нукул!  
— Дод! Асал етиштириш —  
Бўлди биз учун — уруш...



## АЙИҚ

Ҳамма гапингиз ҳақдир!  
Начора, шудир тақдир.  
Асалга ботиб қолган  
Ҳашаротлар қирилган —  
Бу — ахир, гўзал ўлим!  
Ширин, бир асал ўлим!  
Кўзлаб турмуш равнақин,  
Уйлаб барчанинг ҳақин,  
Бўлдилар улар қурбон,  
Улар асл қаҳрамон!  
Эрта ҳашар этамиз,  
Едгорлик ўрнатамиз!

## БИР МАХЛУҚ

Улар келмас тирилиб!

## БОШҚА БИР МАХЛУҚ

Жим! Кетасан урилиб...

## ТЎТИ

Эрта ҳашар этамиз,  
Едгорлик ўрнатамиз!  
Қаҳрамонларнинг номи  
Абадий яшар, омин!

## ТУЛКИ

(тўтига секингина)  
Диний сўз айтма, оми!  
Бўлма жонингга зомин!..  
(Айиққа хушомад қилади)  
Бу ташаббусинг, Айиқ,  
Олий эҳсонга лойиқ!  
Салтанат ҳисобидан  
Сенга ҳаёда бу бидон!  
(Ухлоқ Арслон шакли зарб  
этилган, «Асал» деган ёзуви  
бор бидонни Айиққа топширади.)

## АЙИҚ

Хурсандман бу тақдирдан,  
Бу ҳайвоний тақдирдан!  
Тенг яшаса ҳайвонот —  
Шу менга зўр мукофот!

## ҚҲЙ

Ростин айтсам, эй Айиқ,  
Эмас экансан махлуқ!  
Қайдин топдинг бу хулқни —  
Ром қилиб бор махлуқни,  
Барчага панд берасан,  
Асал етиштирасан!  
Бир ўзингни ўйлайсан,  
Қавмларингни сийлайсан!..

## ТЎТИ

Бу тухмат гапингни қўй,  
Сиёсатга тушун, Қўй!  
Фақат бир Айиқлармас,

Асал еб, барчамиз маст!  
Бутун омма, бор қушлар  
Асални ейди хушлаб.  
Асалдир умум мулки,  
Алжираб, бўлма кулки!

## ТУЛКИ

Тўти, гапинг қўп маъқул,  
Қўйлар алжирар нукул!

## ҚҲЙ

Бир-бирингга бўлишиб,  
Асал ейсан бўлишиб!  
Қувватлайсан бир-биринг —  
Фош этаман бор сиринг!  
Расво қилдинг замонни,  
Ухлатиб хон Арслонни!  
Мақтайвериб ухлатдинг,  
Бор нарсани талатдинг —  
Салтанат бўлди талон,  
Барча ишларинг ёлғон!

## ТУЛКИ

Эй, қўйларнинг вакили,  
Тухмат қилма бақириб.  
Оғилмас, бу — Қурултой!  
Ҳиссиётга берилмай,  
Сал ўйлаб сўйла, ахир!  
Бўлма бунча бесабр!  
Бу ерда бор катта сир...  
Қонун бор Ўрмонда ҳам,  
Бордир ҳокиму ҳакам.  
Айтиб сўзинг озини,  
Чорлаб Бўри Қозини,  
Тамомлайман нутқимни!

## БҲРИ

Унутиб бор қутқумни,  
Сизларга, аҳли ҳайвон,  
Салом дейман меҳрибон!

## ТЎТИ

Ўрмонимиз озод, кенг,  
Барча махлуқ бахтли, тенг!  
Бўри — Қўра қозиси,  
Меҳру шафқат тозиси!

## БҲРИ

(Тўтига)

Эй, Тўти, сергап бўлма!  
Ҳеч махлуқ сўзин бўлма!

(Йиғинга қарата сўзлайди)  
Борми ҳақгўй мардингиз?  
Очиқ айтинг дардингиз!  
Жим турганча тинглайин,  
Аҳвол надир — англайин.  
Сўзланг, азиз махлуқлар,  
Барчангизни салтанат  
Бирдай севиб, улуғлар!

Эй хонлик раёсати,  
 Бу «Чаман» сиёсати  
 Кўп нотўғри иш бўлди!  
 Ниҳоят, тафтиш бўлди,  
 Аммо таъмагир Айиқ  
 Бўлди тафтишга бошлик —  
 Жиноятни яширди,  
 Асални-чи, оширди!

## СИГИР

Ҳамма ер бўлди гулзор,  
 Атрофлари сим девор.  
 Ўтлай десанг, ўтлоқ йўқ.  
 Яна айиқ урар дўқ!  
 Бизга асал йиғ, дейди,  
 Йиғдириб, ўзи ейди!

## БАҚАЛАР ВАКИЛИ

Ошиб асал солиғи,  
 Кетди кўпнинг соғлиғи!  
 Айиқ буйруқ юритиб,  
 Олтин Кўлни қуритиб,  
 Гул экмоқчи бўлганди,  
 Кўл ботқоққа айланди.  
 Неча-неча минг ҳайвон  
 Ботқоқда бўлди гумдон...  
 Бил, эй Бўри — муаллим,  
 Бу айиқ экан золим!  
 Ойдин Кўлга ҳам бориб,  
 Сувга буйруқ юбориб,  
 Деди: «Кўл — чаман бўлсин,  
 Асалга ватан бўлсин!»

## ТУТИ

Бу ўрмон чаман бўлсин,  
 Асалга ватан бўлсин!

## БЎРИ

Мадҳингни тўхтат, Тўти!  
 Бақавой, давом этинг!

## БАҚАЛАР ВАКИЛИ

Хабар келди: кўл ости  
 Тўла гул экан, рости.  
 Шунда Айиқ буюрди,  
 Бўкириб, қарсак урди —  
 Асаларилар тўпи  
 Етиб келди ер ўпиб.  
 Сўнг буйруққа кўнишди,  
 Кўл тубига шўнғишди.  
 Оқибати шу бўлди —  
 Ҳаммаси чўкиб ўлди...

## ИЛОН

Бу ерда жиноят бор!

Буни тушунмоқ даркор:  
 Асал деб тургач жаҳон,  
 Бўлиб турар гоҳ қурбон!

## БЎРИ

Давом эт, Вакил Бақа,  
 Сўнг иш бўлди қанақа?

## БАҚАЛАР ВАКИЛИ

Сўнгра Айиқ бақирди,  
 Балиқларни чақирди.  
 Бор балиқ қалқди сувга,  
 Тушганича ғулувга.  
 Айиқ деди: «Арслон хон  
 Асал истар бу замон!  
 Бироқ асал жуда кам,  
 Ердам қилинг сизлар ҳам!  
 Бу ишдан бош тортса ким,  
 Удир хонга бош ғаним!..»  
 Хуллас, асал солиғин  
 Тўламай, Кўл балиғин  
 Бари қувғин қилинди,  
 Қармоқларга илинди...

## БЎРИ

Айбинг билан, эй Айиқ,  
 Ўлкадаги бор балиқ  
 Тугапти... Бу — жиноят!

## ТЎТИ

(Айиққа, секингина)  
 Асалдан ўқинг оят —  
 Таъсирлидир у ғоят!..

## МАХЛУҚЛАР


Бу — даҳшатли жиноят!

## БЎРИ

Демак, аҳли Қурултой,  
 Айиқнинг ҳолига вой!  
 Асалпараст бу Айиқ,  
 Таъмагир, паст бу Айиқ  
 Ўйлаб ишнинг сифатин,  
 Умумнинг манфаатин —  
 Унутган!..  
 Сўнг жиноят  
 Йўлига кириб кетган!  
 Айтинг энди, халойиқ,  
 Бу не жазога лойиқ?

## МАХЛУҚЛАР

Асалга бўқтирилсин,  
 Қандкўлга чўқтирилсин!  
 (Бўри Соқчи Маймунга ишора  
 қилгач, у Айиқни кишанлайди)



Александр Солженицин

## ФАҚИРСИЗ ҚИШЛОҚ ТУРМАС

Ҳикоя

Иброҳим ҒАҒУРОВ таржимаси

Ушандан сўнг яна нақ ярим йилча ўтгач ҳам барча поездлар Москвадан Муром ва Қозонга борадиган йўлнинг бир юз саксон тўртинчи чақиримида худди товсилгандай юришларини секинлатардилар. Йўловчилар: «Нима бало, йўл тузатишяптими? Ё жадвалдан чиқиб кетдимиз?» деб ойналарга ёпишишар, тамбурга чиқишар эди.

Йўқ поезд йўлнинг кесишган еридан ўтиб, юришини яна тезлатар, йўловчилар жой-жойларига қайтардилар.

Фақат ҳайдовчиларгина нега бундайлигини билишар ва эслардилар. Мен ҳам.

1

1953 йилнинг ёзида чанг-тўзон жазирама саҳродан таваккал қилиб шундоқ Россияга қайтардим. Унинг лоақал бирор ерида бирор кимса мени кутмас, мени чақирмас, чунки менинг қайтишим ўн йил орқага сурилиб кетганди. Мен шундоқ ўрта минтақага боргим келарди — иссиқ бўлмаса, қуюқ қора ўрмонлар шовуллаб турса дердим. Мен ички Россияда, агарда у қайдадир ва нима қилиб бўлса ҳам омон қолган бўлса, бошпана топсаму шу билан бадар йўқолиб кетсам дердим.

Бундан бир йилчагина бурун Урол тоғларининг бу ёғида мен фақат замбил ташигани ёлланишим мумкин эди, холос. Мени тузукроқ қурилишга ҳатто электрик қилиб олишлари ҳам даргумон эди. Мен бўлсам муаллимлик қилгим келарди. Кўпни кўрган одамлар, ҳой, чиптага пулинг куйгани қолади, бекор овора бўласан, дейишарди. Лекин ҳаётда алланелардир жойидан қимирлаб қолганди. Мен Владимир маориф шўъбасига кириб, кадрлар бўлимини сўрадим ва шунда бу ерда кадрлар энди қора чарм эшиклар ортида эмас, ойнаванд тўсиқлар орқасида ўтиришганларини кўрдим. Ҳарқалай дарча олдига юрагимни ҳовучлабгина бордим, қуллуқ бажо келтириб сўрадим:

— Айтинг-чи, сизларга темир йўллардан узоқ бир ерларда математикадан дарс берадиган одам керак эмасми? Мен ўша ерда бутунлай жойлашиб қолмоқчи эдим.

Ҳужжатларимдаги ҳар бир ҳарфни қайта-қайта кўздан кечириб чиқишди, хонама-хона кириб юришди, қаергадир кўнғироқ қилишди. Улар бунақасига камдан-кам дуч келишган — ахир ҳамма шаҳарга юборишни сўрайди, яна йирикроғига. Буни қарангки, ҳарҳолда бирдан менга Баланд Қир деган жойни таклиф этишди. Номининг ўзиданоқ дилинг яйраб кетади.

Номи алдамаган экан. Қир-ўр, яна қир-ўр, атроф кета-кетгунча ялли ўрмон, бир томонда кўл, бир томонда тўғон — Баланд Қир деганлари шундай армонсиз яшаб ўтса бўлаверадиган бир жой экан. Мен бу ерда дарахтзорда, тўнгат устида ўтириб узоқ ўйландим. Қанийди, ҳар куни нонушта, тушлик деб қайғурмасам, фақат шунда қолиб, тунлар дарахт шохлари том узра шатирлаганларини тинглаб ётсаму — ҳеч қайдан радио овози чиқмаса, оламда неки бор, бари сукут сақласа.

Афсус, бунда нон ёпмас эканлар. Бу ерда егулик нарсалар сотмас эканлар. Бутун қишлоқ ризқ-рўзини вилоят шаҳаридан қопларга ортиб ташиб келтирар экан.

Мен кадрлар бўлимига қайтиб келдим ва дарча олдида туриб ёлвордим. Олдин мен билан ҳатто гаплашиб ўтирилари ҳам келмади. Кейин ҳарқалай у хонага киришди, бу хонага киришди, яна қўнғироқ қилишди, тўнғиллай-тўнғиллай ниҳоят менга буйруққа «Торфопродукт» деб ёзиб беришди.

Торфопродукт? Ох, Тургенев ҳатто хаёлига ҳам келтирмагани бундақасига русчалашни!

Торфопродукт станциясида омонат, чириган, туссиз баракка: «Поездга фақат тоғзал томондан ўтирилсин!» деган жиддий огоҳлантириш осилган. Бу ёзув-тахтанинг тагида мих билан тирнаб: «Билет шарт эмас», деб тўлдирилган. Касса олдида эса яна ўшанақа хаёлчан ҳазилкашнинг пичоғи: «билетлар йўқ» деб ҳеч ўчмайдиган қилиб ўйиб ёзган. Ушбу изоҳларнинг аниқ маъносини кейинроқ билдим. Торфопродуктга келиш осон экан. Кетиш қийин.

Ана бу ерда ҳам илгарилар ўтиш қийин қоронғу ўрмонлар бўлган, улар инқилобдан ҳам омон чиққанлар. Сўнг уларни торф қазувчилар ва қўшни колхоз кесиб битирган. Колхоз раиси Горшков неча-неча гектарлаб ўрмонларни тағ-туғи билан қуриштириб, Одессага жарақ-жарақ пулга сотди, ҳам колхозни кўтарди ҳисоб, ҳам ўз кўкрагига Олтин Юлдуз тақди.

Торф чўкмалари оралаб қишлоқ уйлари тартибсиз сочилиб ётади. Булар ўттизинчи йилларнинг бир тусдаги ночор шувалган бараклари, олди ёғоч ўймакорли, эллигинчи йилларнинг ойнаравонли уйлари. Лекин бу уйчаларнинг ичи шипга қадар тўсилиб хоналарга ажратилмаган, шунинг учун тўрт томони чинакам девор билан ўралган хонани ижарага оламан, деб хомхаёл қилмасам ҳам бўлади.

Қишлоқ узра фабрика қувури тутаб ётади. Уйлар орасидан у ёқдан-бу ёққа тор изли темир йўл ўтган, ундан қора тутун бурқситган паровозчалар қулоқни қоматга келтиргудай чинқириб, қўнғир торф ҳамда торф ёғалачлари ва тахтачаларини ортган поездларни судраб боришади. Ҳеч адашмай тахмин қиламанки, оқшом тушгач, клуб тепасида радио варанглайди, кўчаларда эса маст-аластлар санғишади ва бир-бирларига пичоқ санчишади.

Россиянинг сокин гўшасини орзу қилиб ана шу ерга келиб қолдим. Ҳолбуки, мен тарк этиб келаётган ерларда саҳрога қараган паҳса деворли уйларда яшашим мумкин эди. У ерларда тунлари салқин шабадалар эсади ва бошинг узра серюлдуз само очилиб ётади.

Станция ўриндиғига ётиб уйқум келмади. Тонг ғира-шира ёриша бошлагани ҳамон яна қишлоқ кўчаларини айландим. Энди кичкина бозорчага кўзим тушди. Ҳали барвақт бўлганидан бу ерда ёлғиз бир хотин сут сотиб турарди. Мен бир шиша сут олдим-да, шу ернинг ўзида ича бошладим.

Мени унинг забони лол қилиб қўйди. У сўйламас, балки худди тўлиқиб куйлагандай қилиб гапирарди, сўзлари ҳам ўша мен орзу қилган сўзлар эди, Осиедан уларни соғиниб келган эдим:

— Ич, ич, тўйиб-тўйиб ич. Сен, чоғи, меҳмонмисан?

— Ўзингиз қаердан?— сўрадим чеҳрам очилиб.

Гапдан гап чиқиб бу ерлар бошдан-оёқ торф конлари эмаслигини билдим, темир йўл кўтармасининг орқасида тепа, тепанинг нариги ёғида — қишлоқ, у қишлоқ Талново деб аталади, қишлоқ ҳов азалдан, ҳали «лўли»-бегойим замонларидан бери бор, у пайтлар бу ерлар бари азамат ўрмонлар эди. Ундан ҳам нарида яна кетма-кет қишлоқлар келади: Часлица, Овинца, Спудни, Швертни, Шестимирово — ҳаммаси темир йўлдан узоқ, кўлларни ёқалган овлоқ қишлоқлар.

Бу номларни эшитиб, кўксимга ҳузурбахш шабада теккандай бўлди. Улар менга асил Россияни ваъда қиларди.

Шундан сўнг янги танишимдан бозор тугагач мени Талновога олиб боришни, ижарага туриш учун қўналға топиб беришини сўрадим.

Мен ижарага қўйган киши зиён кўрмайди: мактаб ижара пулидан ташқари мен учун қишга бир машина торф ажратган. Аёлнинг чеҳрасидан табассум ўчиб, ўрнини ташвиш эгаллади. Унинг уйида бўш жой йўқ экан (эри билан бирга қари онасини боқишаркан), шунинг учун у мени дам у қариндошига, дам бу қариндошига олиб борди. Лекин алоҳида хона топилмади, бари тангу тор, беҳаловат жойлар эди.

Шундай қилиб, қуриб бораётган суви тўғон билан дамланган, устига кичкинагина кўприк ташланган сой устидан чиқдик. Қишлоқни шунча айланиб бунчалар сўлим жойни

кўрмадим. Икки-уч туп мажнунтол, бир томонга қийшайган ёғоч кулба, ҳовузда ўрдаклар сузади, ғозлар эса устларидаги сувни силкитишиб ҳовуз бўйига чиқишади.

— Шу дейман, Матрэнаникига кирсакикин,— деди ҳамроҳим ниҳоят мендан ториқиб.— Фақат унчалар саранжом эмас, уврин-тўдароқ туради, ўзи касалманд.

Матрэнанинг уйи шу яқинда экан, уйнинг қаторасига тўрт деразаси аёз урадиган терскай томонга тушган, икки қанотли томи майда қирқилган тахтачалар билан ёпилган, уйнинг олд томонидаги кўшки ўймакор, болохонасига эса дарча қўйилган эди. Уйнинг қадди анча баланд — деворларига ўн саккиз қатор қилиб чорхарилар тахлаб чиқилган эди. Бироқ томга тўшалган тахтачалар чириган, девор қилиб тахланган ёғочлар эскиргандан оқариб кетган, бир маҳаллар мустаҳкам қилиб ишланган, усти ёпилган дарвозанинг тепаси ҳам очилиб, тахталари сийраклашиб қолганди.

Эшик ичкаридан берк экан, лекин ҳамроҳим эшикни тақиллатиб ўтирмади, қўлини пастдан ичкарига юборди-да, мол-ҳол, ёт-бегона одам ораламасин деб жўнгина қилиб ясалган илгакни сурди. Кичкинагина ҳовли саҳнининг тепаси ёпилмаган, аммо уй ҳар томондан чамбарчас боғланиб кетарди. Дарвозадан киргач, ичкаридаги зиналар шипи баланд чорси саҳнга олиб чиқади. Чапдаги бошқа бир зинадан тепага, ёғочдан қурилган печкасиз алоҳида кичик уйга кўтарилади, шу ерда яна бир зина пастдаги хонага олиб тушади. Унг томонда эса, ертўласи, болохонаси билан асосий уй қад кўтариб туради.

Уй катта, гавжум хонадонга мўлжаллаб анча илгари пишиқ-пухта қилиб қурилган, ҳозир унда олтмишларга бориб қолган ёлғизгина аёл яшарди.

Мен уй ичига кириб борганимда, у шундоққина эшик яқинида рус печкаси устида меҳнаткаш одамнинг ўзига жуда қадрли қандайдир қорамтир мато ёпиниб ётарди.

Кенг уйнинг ичи ва айниқса, баҳаво дераза атрофларида курсилару токчаларда фикус ўстирилган тувак-бадиялар жойлашганди. Уларнинг забонсиз тирик издиҳими беканинг ёлғизлигини билинтирмай турарди. Тувакгуллар шимол томоннинг чала ёруғини бутунлай тўсиб тарвақайлаб ўсган эдилар. Тувакгуллардан ортган ёруғда ва бунинг устига мўрининг орқасидан қараган кишига беканинг думалоқ юзи сарғайган, бетоб бўлиб кўринади. Касаллик уни абгор қилиб ташлаганлиги хира тортган кўзларидан ҳам аён эди.

Мен билан ҳам шундай, печка устида мук тушиб, ёстиқ қўйилмаган бошини эшик томонга қаратиб гаплашди, мен бўлсам, пастда турдим. У ижарага одам кўярканман деб, қувониб кетгани йўқ, оғир дардга чалинганидан нолиди, ҳозир дарднинг хуружи лича пасаибди; дард ой сайин тутавермас экан, лекин бир тутганда...

— ...икки-уч кунлаб қўйиб юбормайди,— деди у.— Қимирламай ётаман, иссиқ-совуғингиздан хабар ололмайман. Ўлсин, бўлмаса, уйни қизғанармидим, тураверинг.

Сўнг, сизга балки тинчроқ ва қулайроқ бўлар, деб, бошқа бекаларни санаб чиқди, уларга ҳам бориб кўринг, деди. Бироқ мен чекимга шу ичи қоронғироқ, тош ойнаси хира торганидан киши башарасини кўрсатмайдиган даражага келган, деворларига чиройли бўлсин деб, китоб савдоси ҳамда ҳосилдорлик ҳақида иккита бир сўмлик плакат осилган уй тушганлигини сезиб турардим. Менга яна бу ерда шуниси ҳам маъқул эдики, Матрёна қўли қисқалик қилиб уйга радио туширмаган, устига устак ёлғиз тургани учун ҳеч ким билан суҳандонлик қилмасди.

Гарчи Матрёна Васильевна тагин бир карра қишлоқни айланиб чиқишга ундаган ва мен иккинчи маротаба қайтиб келганимда анчагача кўнмай турган бўлса-да:

— Кошки эплаб билсак, пишириб-куйдириб, кўнгил олсак,— деса-да, ҳарқалай мени бу сафар ўрнидан туриб кутиб олди, ҳатто қайтиб келганимдан юзида мамнуният ифодаси зуҳур этди.

Ижара ҳақию мактабдан берадиган торфни келишиб олдик.

Мен кейин билдим. Матрёна Васильевна аллазамонлардан бери ойлаб-йиллаб бир сўм пул ишламас экан. Нафақа олмас экан. Қавм-қариндошлари ҳам кўпда ёрдам беришавермас экан. Колхозда эса у пулга эмас, чизиқча учун ишларкан. Анов-чи, ҳисобчининг чирк босган дафтарчасига қайд қилиб қўйиладиган меҳнат куни чизиқлари.

Шундай қилиб, Матрёна Васильевнанинг уйига жойлашдим. Хоналаримиз алоҳида ажралган эмасди. Унинг каравоти эшик орқасидаги бурчакда печка олдида эди, мен ўз тўшагимни дераза яқинига тўшадим, Матрэнанинг суюкли тувакгулларини бироз нарига суриб иккинчи дераза тагига стол қўйдим. Қишлоққа электр туширилган, уни йигирманчи йиллардаёқ Шатурадан тортиб келтиришган эди. Ушанда газеталарда «Ильич чироқлари» деб ёзишарди, мужиклар эса кўзларини чақчайтириб: «Пошшо чироқ!» деб қўйишарди.

Қишлоқнинг ўзига тўқ, бадавлатроқ хонадонларига, эҳтимол, Матрэнанинг кулбаси ночоргина бўлиб кўринар, лекин ўша қиш ойлари унда Матрёна билан иккимиз яхши яшадик. Тинимсиз ёғингарчиликларда уйдан чакка сизиб оқмас, этни қақшатадиган дёзларда печканинг ҳарорати дарров яланиб кетмас, фақат эрталабга қараб, шамол терскай тарафдан эсиб забтга минганда, уй ичи тўнғий бошларди.

Уйда Матрёна билан мендан бошқа яна: мушук, сичқон ва сувараклар истиқомат қиларди.

Мушук қари ва бунинг устига бир оёғи чўлоқ эди. Матрёна уни кўчадан топиб

олиб, раҳми келиб, уйга келтирган, мушук шу-шу бу ерда туриб қолган эди. Гарчи у тўрт оёқлаб юрса ҳам, лекин қаттиқ оқсоқларди: оғриқли бир оёғини яб босарди. Мушук печкадан пастга сакраганда бошқа мушуклардай юмшоқ, шип этиб тушмас, балки уч оёқлаб бирданига зарб билан тўп этиб тушарди. Мен анча вақт бунга кўниқолмай чўчиб юрдим. У тўртинчи оёғини авайлаб, қолган уч оёғини бирдан ерга ташларди.

Уйда сичқон бор эди, лекин бунга сабаб чўлоқ мушук уларни эпполмагани эмасди. Мушук бурчакка ялт этган йилдиримдай ташланар ва тишида сичқон тишлаб чиқарди. Мушук сичқонларни бошлаб овлолмаслигининг сабаби бошқа ёқда эди, аллаким қутлуғ кунларда Матрёнанинг уйи деворларига кўкимтир тарам-тарам деворқоғоз ёпиштириб чиққан, яна бир қават эмас, беш қатор устма-уст ёпиштирган эди. Қоғозлар бир-бирларига чиппа ёпишгану, лекин кўп жойларда девордан кўчган эди — девор билан қоплама қоғоз ораси ҳавол бўлиб қолганди. Сичқонлар уйнинг харилари ва қоғоз қопламалари оралаб ўзиларига йўллар солишган, шу йўллардан ва ҳатто сира тап тортмай шип устидан шитирлаб югургилаб юришарди. Мушук кўзлари ёнганча уларнинг шитирлаб чопишларига қулоқ солар, лекин тутолмасди.

Баъзан мушук суваракларни ҳам тутаб ер, лекин кейин бундан мазаси қочарди. Сувараклар бу ерда рус печкасининг табақаси-ю, ошхонани уйнинг озода қисмидан ажратиб турадиган тўсиқнигина риоя қилар эдилар. Улар уйнинг тоза томонига ўрмалаб ўтмасдилар. Лекин қоронғу тушиши билан ўчоқбошида ғужғон ўйнардилар, мабодо кечаси сув ичгим келиб, чироқни ёқсам, бутун полнинг усти, ўтирадиган узун ўриндик, ҳатто деворнинг бошдан-оёғи қора кўнғир тусга кириб ғимирлаётганига кўзим тушарди. Кимё кабинетидан танакор келтириб, хамирга қўшиб қориб биз уларни қирардик. Суваракларнинг уруғи қурирди, лекин Матрёна суваракларга қўшиб мушукни ҳам заҳарлаб кўйишимиздан кўрқарди. Биз заҳар ташлашни тўхтатар, сувараклар яна кўпаярди.

Кечалари Матрёна ухлаганда, мен столга ўтириб ўз ишимга шўнғир — сичқонларнинг қоғоз остида ўқтин-ўқтин шитирлашларини тўсиқ орқасидаги суваракларнинг худди олис океаннинг шовқинидай яхлит, бир бутун, тўхтовсиз шувиллашлари босиб кетарди. Бироқ мен бунга ўрганиб қолдим, бинобарин, унда ҳеч қандай қабоҳат йўқ эди, ёлғон йўқ эди. Уларнинг шитирлашлари — уларнинг ҳаёти эди.

Плакатдаги бачкана оймтиллага ҳам кўниқдим, у девордан туриб менга доим Белинский, Панфёров ва яна бир талай қандайдир китобларни узатиб турар, лекин — миқ этиб оғзини очмасди. Мен Матрёнанинг уйдаги жамики нарсаларга кўниқдим.

Матрёна тонг қоронғусида, соат тўрт-бешларда турарди. Матрёнанинг осма соати сельподан сотиб олинганига йигирма етти йил бўлган. Соат ҳамиша олдинга кетиб қолади, Матрёна бунга парво қилмайди — орқада қолмаса бас, акс ҳолда эрталаб туришга қийналади. У тўсиқ орқасидаги ошхона чироғини ёқиб, секингина, тарақ-туруқ қилмай печга ўт ёқади, эчкини соғгани чиқади (унинг бор-йўқ моли шу биргина оқиш, шохи айри эчки), сув келтиради, учта чўян дошда овқат пиширади: бири — менга, бири — ўзига, бири — эчкисига. Эчкига ертўладан энг майда картошкани олиб чиқади, ўзига салча майдароғини, менга тухумдай-тухумдай келадиғанларини қайнатади. Унинг тўхтовсиз картошка, картошка ва яна картошка экиладиған, урушдан олдинги йиллардан бери ҳеч қачон ўғитланмаган қумлоқ ери йирик ҳосил бермасди.

Эрталабки куймаланишлари менга билинмасди ҳисоб. Мен узоқ ётиб ухлар, қиш кунни алламаҳал бўлганда уйғонар, адёл ва пўстин остидан бошимни чиқариб керишардим. Шулар ва яна оёғимга ёпилган қамоқнинг пахталик чопони, каравотнинг паст қисмига хашак тўлдириб қўйилган қоп замҳарир совуқ юпқа дарчаларимизга шимол тарафдан ёпирилиб ҳужум қилган кечаларда ҳам ҳаттоки иссикни сақлар эдилар. Тўсиқнинг орқасидан эшитилар-эшитилмас шовқин қулоғимга чалинганда ҳар сафар бир зайилда дердим:

— Яхшимисиз, Матрёна Васильевна?

Шунда тўсиқ орқасидан бир хилдаги илтифотли сўзларни эшитардим. Аввалига удди эртақлардаги кампирлардай паст, илиқ ҳимлаган сас келарди:

— Ҳим-мм-м... ўзингиз ҳам соғгина бўлинг!

Яна бироз ўтгач:

— Нонуштангиз тайёр бўлди-и.

Нонуштага нима пиширганини у айтмас, лекин буни билиш унчалик қийин эмасди: пўсти арчилмаган бутун картошка ёки картошка солинган суюқ ош (қишлоқда картошка сўзини юз оҳангга солиб айтишади), ёки арпа ёрмасидан бўтқа (ўша йили Торфопродуктда бошқа ёрмаларни топиб бўлмас, арпа ёрмасини ҳам тўс-тўполон билан олишга тўғри келарди — энг арзон нарса шу бўлгани учун чўчкаларни у билан боқишар, шунинг учун қоплаб сотиб олишарди). Кўпинча бўтқанинг ҳам тузи ростланмаган бўлар, аксаран, тагга олиб кетар, еганда оғизнинг танглай ва милкларига ёпишиб қолар, кейин одамни зарда қиларди.

Лекин бунга Матрёна айбдор эмасди: бинобарин, Торфопродуктда ёғ йўқ, маргарин келса, талаш бўлиб кетарди, фақат омухта мойгина бемалол эди. Бундоқ разм солиб қарасам, рус печкасининг ўзи ҳам таом пишириш учун ноқулай экан: овқат идиш-

да қандай қайнаётганлигини кўролмайсан, чўян дошга олов ҳар томондан баравар тегмайди. Лекин бу печ тош асрлардан бери ота-боболаримизга ўрганиш бўлиб кетганлигининг боиси бўлса керакким, у тонг азонлаб бир карра ёқилгач, кейин кун бўйи мол-ҳолнинг атала-ардоби, кишиларнинг об-овқатини ўз бағрида иссиққина асраб туради. Уйкуга ётганда ҳам, уй иссиқ бўлади.

Менга атаб пиширилган таомни сабр-тоқат билан ердим. Кўнгилга тўғри келмайдиган ниманики бад нарса бор: инчунин, сочми, торф парчасими, суваракнинг оёғими — барини индамай бир чеккага олиб кўярдим. Матрёнага таъна қилишга тилим бормасди. Ҳар қалай бошда унинг ўзи мени огоҳлантирган: «Қошки эплаб билсак, пишириб-куйдириб, кўнгил олсак?»

— Раҳмат, — дердим чин дилдан чиқариб.

— Нимага? Ўз ҳалол ҳақингиз-ку? — деб тамоюл мени лол қиларди шунда у офтобдай кулиб. Сўнг андак кўкимтир кўзлари билан соддадилларча боқиб, сўраб кўярди: — Хўп, охшомингизга не пишириб берайин?

Охшомингизга дегани кечки овқат. Мен худди фронтда юргандай кунига икки маротаба овқатланардим. Охшомга нима ҳам буюрардим? Яна ўша-ўша картошкавой ёки ўша картошкавойли суюқ ош.

Мен бунга рози эдим, чунки ҳаёт мени асил тирикчиликнинг маъносини еб-ичишдан ахтармасликка ўргатган эди. Унинг думалоққина чехрасидаги мана шу табассум менга жуда қадрли эди, мен ниҳоят пул жамлаб фотоаппарат олганимда, шу табассумни сувратга туширишга хийла уриндим. Не чораки, Матрёна аппаратнинг совуқ нигоҳига қараган замон дарҳол ўзига ўта жиддий тус берар ёки зўрма-зўраки қиёфага кирарди.

Бир мартагина у дераза олдида кўчага қараб нимагадир кулиб қўйганда, мен шунини сувратга олиб улгурдим.

Ўша куз Матрёнанинг хафагарчиликлари кўпайиб кетди. Орада нафақа ҳақида янги қонун чиқиб, қўшни хотинлар уни пенсияга ҳаракат қил деб кўндиришди. У сўққабос эди, ҳадеб қаттиқ оғриққа чалинавергач колхоздан ҳам жавобини беришган эди. Матрёнага кўп адолатсизликлар қилишган эди: у касал эди-ю, лекин мажруҳлар ҳисобига кирмасди. У чорак аср колхоз учун тер тўккан, лекин колхоз завод эмас — шунинг учун унга нафақа тўланмасди. Нафақани ўзи учун эмас, эри учун олиши мумкин эди, яъни бу боғувчисини йўқотганлик учун деб аталарди. Аммо эри урушнинг бошидаёқ бедарак кетган, бунга ўн беш йил чамаси бўлаёзган, эндиликда турли жойлардан унинг ишлаган даври-ю, қанча ҳақ олгани тўғрисида қоғоз тўғрилаш мушуллашган эди. Тоза оворагарчилик эди бу қоғозларни олиш; лоақал ойига уч юз сўм олган деб ёзиб беришса ҳам кошқийди; бунинг устига Матрёна ёлғиз яшайди, унга ҳеч ким ёрдам кўрсатмайди деб тасдиқлатиш керак; яна ёши нечадалигини ҳам кўрсатиш зарур; кейин буларнинг барини таъминот бўлимига олиб борилади; қайта-қайта сўралади, нотўғри тўлдирилган бўлса, тузатилади; сўнг бошқатдан олиб борилади. Ана ундан кейин сўраб билишингиз мумкин: нафақа бериладими, йўқми?

Бу юмушлар жуда қийин эди, таъминот бўлими Талноводан шарқда йигирма чақирим нарида, қишлоқ Совети ғарбда — ўн чақирим, янги қишлоқ эса шимолда — яёв бир соатлик йўл. Уни идорама-идора икки ой абгор қилишди — дам нуқта деб қопади, дам вергул деб. Ҳар бир бориш-келишга роса бир кун вақт кетади. Бугун қишлоқ Советига борса, котиб йўқ, келмаган, йўқ-да, вассалом, қишлоқчилик. Эртасига яна бор шўлтираб. Энди котиб бору муҳри йўқ. Учинчи кун яна отлан, яна йўлга чиқ. Тўртинчи кун тағин учрашишга тўғри келади, чунки яхши қарамай бошқа қоғозга қўл қўйиб юборган бўлиб чиқади, ахир Матрёнанинг барча қоғозлари бир даста қилиб тахлаб қўйилган-да.

— Тоза эзишяпти мени, Игнатич, — деб шикоят қилиб кўярди у ана шундай қуруқ оворагарчиликлардан кейин. — Абгор бўлиб кетдим.

Лекин бари бир манглайини узоқ тириштириб юрмасди. Бир нарсани пайқаб қолдим: у кўнглини нима билан чоғ қилишнинг йўлини биларди: ўзини тўхтовсиз ишга урарди. У дарҳол белкуракка ёпишар — картошка қазिशга тушарди. Ё кўлтиғига қанор қистириб торф олиб келгани борарди. Ёки кажава сават кўтариб узоқ ўрмонга мева тергани жўнарди. Идора усталарига эмас, ўрмон ниҳолларига таъзим қила-қила Матрёна юкдан елкалари майишиб, юз-чехраси ёришиб, ҳамма нарсадан кўнгли тўлиб, кулиб-чарақлаб уйга қайтарди.

— Энди ақлим кирди, Игнатич, қаердан қазишни билиб олдим, — дерди у торф ҳақида сўйлаб. — Хўп ажойиб жой экан, кўриб кўзинг тўймайди!

— Э Матрёна Васильевна, ахир менинг торфим етмайдими! Бир машина-ку.

— Уф-ф! сенинг торфинг! Яна ўшанча, ундан кейин тағин ўшанча, ана унда етади. Ҳали қиш қиличини яланғочлаб келсин, деразаларни музлатсин, қанча ёқсанг, ҳаммасини ялаб кетади совуқ. Ёзда қанчалаб торфни елкамда ташидим! Ҳозир ҳам уч машина десин-чи, мен ташимас эдимми? Ушлаб тириктирмас майлийди-я. Ана қишлоғимиздан бир хотинни судма-суд овора қилиб юришибди.

Ҳа, ростдан ҳам, шундай эди. Қишнинг ваҳимали нафаси қуюнлай бошлагач, юрак орзиқарди. Атроф бари ўрмон, лекин ҳеч қачон ўтин олишнинг иложи йўқ эди. Теварак ботқоқликларда экскаваторлар ариллашар, бироқ аҳолига торф сотилмас, уни фақат —

бошлиқларга, бошлиқларнинг шотирларига ва ниҳоят, бир машинадан — ўқитувчилар, шифокорлар, завод ишчиларига бериларди. Утин-кўмирга рухсат йўқ, буни ҳатто сўраб ўтирилмасди. Колхоз раиси қишлоқни айланиб юрар, одамларнинг кўзларига ё маъносиз, ё талабчан ва ё гўлларча бир нигоҳ билан қарар, ўтин-кўмрдан бошқа ҳамма нарса ҳақида бийрон сўзларди. Чунки ўзининг ёқилғидан кўнгли тўқ. Қишга эса гўё ҳали анча вақт бор.

Нима ҳам деб бўларди, илгари бойнинг ёғоч-ўтинини ўғирлашарди, энди трестнинг торфини ўмаришади. Хотинлар бир-бирларига далда бўлиш учун беш-ўн киши тўпланиб олишади. Торфга кундузи боришади. Ёз бўйи ҳар ер-ҳар ерда торф қазиб қўйилган ва қуритиш учун тўдаланган. Торфнинг шуниси яхши, қазиб олинган, дарҳол ташиб кетолмайдилар. То кузгача у селгиб қуриydi, йўлларда лойгарчилик чўзилиб кетса ёки трест негадир пайсалланиб қолса, то қор тушгунча ҳам ётаверади. Хотинлар худди мана шу пайтни пойлайдилар. Бир кўтарганда агар торф ҳўл бўлса қопда олти бўлак, агар қуруқ бўлса, ўн бўлак қилиб ташиб кетадилар. Гоҳида уч чақирим наридан келтирилган бир қоп шундай торф (у икки пудча чиқарди) бир марта печга қалашга етарди. Қиш эса икки юз кун. Эрталаб рус печкасини, кечқурун «голландка»ни ёқмай илож йўқ.

— Ҳаммаси қуруқ гап! — аллакимга зарда қилиб дерди Матрёна. — Отнинг зоти қуригандан буёнга елкангда ташиб келтирмагунингча уйингда қут-барака бўлмайди. Елкамнинг яғири ҳеч битмади ҳой. Қишда чана тортаман, ёзда шох-шабба ортаман, бо худо, рост айтаман!

Хотинлар бир кунда бир неча марта қатнашади. Омади чопган кунлар Матрёна олти қоплаб ташийди. Менинг торфимни эса очикда сақлайди, ўзи олиб келганларини тахта сўриларнинг тагига беркитади ва тешик оғзини тахта билан ёпиб қўяди.

— Ишқилиб, сезиб қолмасин-да, баттоллар, — деб куларди у пешонасидаги терни артиб, — бўлмаса, топиб бўпти.

Трест нима қилсин? Барча ботқоқликларни қўриқлашга етарли қоровул йўқ. Чама-си, ҳисоботларда мўл-кўл қазилма олингани кўрсатилади, сўнг ёмғир ювиб кетди, кукунга айланди, деб чиқитга чиқариб юборадилар. Баъзан-баъзан куфрлари кўзиб, атрофга қоровуллар қўядилар, қишлоққа кираверишда хотинларни тутадилар. Гоҳида чақув тушса, уйма-уй юриб тинтув ўтказишади, ўғирланган торф топсалар, дарҳол қоғоз тўлдиришади ва ишингни судга оширамиз деб дўқ-пўписа қилишади. Шундан сўнг хотинлар бироз вақт ташишни тўхтатар, лекин қиш қиличини қайраб кела бошлагач, яна мажбуран чана тортиб йўлга чиқардилар.

Умуман, Матрёнага синчиклаб қарасам, ҳар кунни об-овқат ҳозирлаш ва хўжалик юмушларидан ташқари унинг зиммасида яна бошқа талай ишлар ҳам бор экан: бу юмушларни қайсинисини қачон қилишни у доимо хаёлининг бир чеккасида сақлар ва эрталаб уйқудан кўз очганда бугун нималар билан машғул бўлишини аниқ биларди. Торфдан ташқари, трактор ботқоқликда ағдариб ташлаган эски илдиз тўнкаларни судраб келишдан ташқари, чорак идишларда ивитиб қўйиладиган брусникалардан ташқари («Э тишингни қайрасанг-чи, Игнатич!» — меҳмон қилиб сийларди у мени), картошка қазишдан ташқари, нафақа учун чоп-чоплардан ташқари яна устига устак у оқиш эчкиси учун қайлардандир хашак топиб келиши керак эди.

— Нега сиз сигир боқмайсиз, Матрёна Васильевна?

— Э-эҳ! Игнатич! — деб тушунтира кетарди Матрёна кир этак тутганча ошхона эшигида туриб менинг столим томонга ўгириларкан. — Менга шу эчкининг сути етиб ортади. Сигир боқсам, у мени тириклай ямлаб ейди. Темирийўл бўйида ўт ўролмайсан — у ерининг ўз эгалари бор, ўрмондан ҳам ўролмайсан — хўжаси ўрмончилик, колхоз эса рухсат бермайди — сен колхоз аъзоси эмассан деб. Колхозчи хотинларнинг ўзлари-чи, то қип-яланғоч қолмагунингча ҳаммаси — колхозга, ҳаммаси колхозга, кейин қор тагида қолган ўтнин инъом этишади — номига ўт. Илгарилар ёз чилласида ўрим қайнарди — Петров кундан Ильин кунигача. Ана у ўтнин ўт эмас, асал дейдилар...

Шуйтиб, зингирча эчки учун хашак ғамлаш Матрёнанинг бошини қотириб ташларди. У эрталабдан қопни олиб ўроқни қўлтиққа қистириб, ўзи мўлжаллаб қўйган йўл бўйими, марзалар тепасими, ботқоқликлар орасидаги қуруқ жойларми, ишқилиб, жиндай ўт-ўлан ўсган ерларга жўнарди. Қопни янги ўрилган серсув ўт билан тўлдириб, уйга келтирар ва қуритиш учун ҳовли юзига ёйиб ташларди. Бир қоп ҳўл ўтдан паншахага илинадиган озгинагина хашак чиқарди.

Шаҳардан ишга яқинда жўнатилган янги раиснинг келиб қилган биринчи иши шу бўлдики, барча майиб-мажруҳларнинг томорқаларини қирқди. Матрёнага ўн беш сотих қумлоқни қолдирди, қолган ўн сотихи ҳамон четан ортида экилмай ҳувиллаб ётади. Дарвоқе, колхоз шу ўнбеш сотих учун ҳам Матрёнани тинч қўймасди. Ишчи қўллар етишмай қолса, хотинлар қаттиқ-тихирлик қилиб туриб олсалар, раиснинг хотини Матрёнага келарди. У ҳам шаҳарлик эди, кулранг калта пальто кийиб юрар, худди ҳарбийлардай кўзи қаттиқ ва ўзи шахдам эди.

У кулбага кириб, салом-алик қилиб ўтирмай, Матрёнага ўқрайиб тикиларди. Матрёна шўрлик ўзини йўқотиб қўярди.



— Хў-ўш, — дерди дўриллаган овоз билан раиснинг хотини. — Уртоқ Григорьева! Колхозга ёрдам бериш керак бўлади! Эртага гўнг ташигани бориш керак бўлади! Матрёна хижолат тортиб жилмаяди, бировнинг бажарган хизмати учун ҳақ тўлмайдиган раиснинг хотини учун виждони қийналиб кетади.

— Майли-ю, — деб чўзади у гапни. — Тобим йўқ эди-я. Сизнинг ишингизга тегишли жойим қолмаган. — Яна шу заҳоти шоша-пиша гапини тузатади: — Соат нечида бориш керак?

— Паншахангни ҳам ол! — уқтиради раиснинг хотини ва тахтакачдай юбкасини шилдиратиб чиқиб кетади.

— Кўрдингми! — фиғони чиқади Матрёнанинг, у кетгач. — Паншаха ҳам ўзингдан! Колхозда на белкурак бор, на паншаха. Бошимда эркагим бўлмаса, ким менга ясаб беради?..

Кейин то қоронғу тушгунча дарди-ҳасратини айтиб адо қилолмайди:

— Асло сўрама, Игнатич! На суюниб бўлади буларнинг ишига, на таяниб. Белкурагингга таяниб кўққайиб тураверасан, қачон фабриканинг гудоги чалинади, қачон соат ўн икки бўлади деб. Хотинларнинг жағи гапдан бўшамайди, бири олиб, бири қўйиб сайрашади. Ким чиқди, ким чиқмади деб ҳисоблашади. Илгарилар ҳамма ўзи учун ишлаганда, миқ этган товушни эшитмасдинг. Вой-вой-ейй, туш бўлиб қолибди, кеч кирибди — шундан бошқа гап йўқ эди.

Бари бир эрталаб у паншахасини кўтариб чиқиб кетади.

Колхозгина бўлса кошкийди, хоҳ узоқ қариндоши, хоҳ кўшниси, кечқурун Матрёнанинг олдига чиқарди-да, буюрарди:

— Эртага, Матрёна, менга қарашиб юбор. Картошканинг чаласини қавлаймиз.

Матрёна йўқ деб айтолмасди. Ўз юмушларини қўйиб, кўшнисига кўмаклашарди, кечқурун қайтиб келгач, очиқ кўнгиллик билан дерди:

— Ох, Игнатич! Картошкази бирам битибдики! Қазиган сари қазигим келади, томорқадан чиқмасам дейман. Худо ҳақи, рост!

Бунинг устига биронта ҳам томорқани ҳайдаш Матрёнага битмасди. Талновонинг хотинлари томорқани бир ўзинг ёлғиз белкуракда чопсанг ишинг чўзилади, қийналиб кетасан деб, олти кишлашиб кўш тортишга одатланишган ва шу йўл билан бир йўла олти томорқани ҳайдаб чиқишарди. Матрёнани ана шунга ёрдамга чақиришарди.

— Хўш, унга ҳақини бердингизми? — деб сўрашга тўғри келди бировдан.

— Пул олмайди у. Узига билдирмай бир нарса қиласиз-да.

Эчкиларни боқадиган подачиларни тўйдириб навбати Матрёнага келганда, ташвиш устига ташвиш ортарди. Подачилар иккита, бирови — қулоғи кар, баҳайбат киши; иккинчиси — оғзидан тупук босган тамаки тушмайдиган болакай. Навбат бир ярим ойда бир марта келар, лекин Матрёнани анчагина чиқимдор қиларди. У сельпога бориб балиқ консервалар сотиб олар, ўзи емайдиган қант билан саримойга ҳам пулни аямасди. Бекалар подачиларни яхшилаб боқайлик деб, бир-бирларидан қолишмасликка тиришардилар.

— Тикувчи билан подачи зоти борки, улардан кўрк, — деб тушунтирарди менга. — Агар хурсанд қилмасанг, бутун кишлоққа шармандангни чиқаради.

Елиб-югуриш, ташвишлар билан тўлиб-тошган ушбу умргузаронликка вақти-вақти билан оғир дард ҳам аралашиб қоларди. Матрёна бир қулаганча бир неча кун тўшак тишлаб ётарди. У нолимас, инграмас, лекин ётган жойидан қимирламасди ҳам. Мана шундай кунларда Матрёнанинг ёшлик чоғларидан бирга ўсган жонажон дугонаси Маша келиб эчкига қарар, печга ўт ёқарди. Матрёнанинг ўзи туз тотмас, ҳеч нарса сўрамасди. Талновода янги кишлоқ шифохонасидан уйга врач чақиришга ўрганишмаган, бу қўни-қўшнилари олдида жуда ғалати кўринади — нима, биз оймтилла эдикми, дейишарди. Бир сафар чақириб кўришгач, врач ғоятда дарғазаб бўлиб келган, Матрёнага ўрнингдан тургач, шифохонага ўзинг бор, деб тўнғиллаб кетган. Матрёна истар-истамас борган, уни хўп текширишган, натижаларини район касалхонасига жўнатишган — шу-шу йўқолиб кетганди.

Иш ётгани қўймайди. Кўп ўтмай Матрёна ўрнидан туриб юра бошлар, олдин секин-секин қимирлар, сўнг яна ғайратга минарди.

— Сен мени илгари кўрмагансан-да, Игнатич, — ўзини оқларди у. — Қоп-қанор дегани менга чиқарган эди. Беш пуд нима, писанд қилмасдим. Қайнатам бақирарди: «Матрёна! Белингни синдирасан!» Мен ушлаб турган харини жойига кўндириш учун қайнағам олдимга йўламасди. Волчок деган ҳарбий отимиз бўларди, отмисан от...

— Нега ҳарбий?

— Бизнинг отни урушга олишувди, ўрнига шу ярадор отни беришганди. Феъли телбароқ от эди. Бир кун кўрқиб кетиб чанани кўлга қараб олиб қочса бўладими, эркалар чўчиб йўлашолмади, мен рост, жуганидан ушлаб тўхтатдим. Сули ерди ўша от. Бизнинг эркалар от боқишни яхши кўришади. Сули ейдиган от юкни писанд қилмайди.

Лекин Матрёна унчалар ҳам ботир хотин эмасди. У ёнғиндан кўрқарди, момақалдироқдан кўрқарди ва негадир ҳаммадан ҳам кўра поезддан кўрқарди.

— Черустига кела турувдим, Нечаевқадан гулдираб поезд чиқиб келди, кўзлари

косасидан чиққан, баҳайбат, темир излар — гувиллайди, иситмам чиқиб кетди, тиззала-рим дир-дир қалтирайди. Худо ҳақи, рост! — ўзи ҳам ҳайрон бўлиб елкаларини қисарди Матрёна.

— Балким билет беришмагани учун шундай бўлгандир, Матрёна Васильевна?

— Туйнукданми? Юмшоқ бармоқларини кўрсатишади. Поезд эса — жилди! Уёққа чопамиз, буёққа чопамиз, тушунсангиз-чи, ахир, деймиз! Эркаклар зинадан томга чиқиб кетишди. Биз эса очиб қолган эшикни топиб бастириб ичкарига кирдик. Чиптамиз йўқ. Вой, вагонларни айтинг, бари бўш. Чўзилиб ётиб кетса ҳам бўлаверади. Нега чипта беришмайди раҳмсиз нобакорлар, невлай...

Ҳар қалай ўша киш Матрёнанинг турмуши аввалгига қараганда бироз ўнгангандай бўлди. Ажабки, унга саксон сўм нафақа тўлай бошладилар. Бунинг устига мактабдан ва мендан юз сўмдан ортиқроқ пул оларди.

— Пуф-пуф-эй! Матрёнанинг куни туғиб қолди! — андак ҳасад ҳам қила бошлашди Матрёнанинг айрим қўшилари. — Пулини қўйгани жой тополмаяпти, кампир.

— Пенсияга ишониб бўладими? — гумонсирашарди бошқалари. — Давлатнинг иши — бир зумлик. Бугун қарасанг — беради, эрта қарасанг — тортиб олади.

Матрёна ўзига янги пийма бостирди. Янги пахталик сотиб олди. Ўзи тарбиялаб вояга етказган қиз Киранинг эри — черустилик машинист ҳадя қилган, андаккина кийилган темирйўлчилар шинелидан пальто тиктирди. Қишлоқнинг букир тикувчиси мато тагига пахта солиб берди, бинойидай пальто бўлди, Матрёна олтмишга кириб бунақасини энди кийиши эди.

Қишнинг ўрталарида Матрёна ўлимлигим деб, пальтонинг астарига икки юз сўм тикиб қўйди. Чеҳраси очилиб кетди:

— Секин-секин мен ҳам рўшнолик кўрдим, Игнатич.

Декабрь ўтди, январь ўтди — икки ой ораси касал яқин йўламади. Кечқурунлари Матрёна тез-тез Машаникига писта қақиб гаплашиб ўтиргани чиқадиган бўлди. Мени безовта қилмай деб ўзи кечқурунлар уйга меҳмон чақирмасди. Фақат чўқиниш куни мактабдан қайтиб уйда ўйин-кулгининг устидан чиқдим. Менга Матрёнанинг учта сингилсини таништиришди. Сингиллари Матрёнани ўзларидан катта бўлгани учун — опоч, нанна деб чақиршарди. Шу кунгача уйимизда унинг сингиллари ҳақида жуда кам эшитган эдим — сингиллари Матрёна биздан ёрдам-пордам сўраб қолмасин деб, келмай юришганми ҳойнаҳой?

Бир воқеа деймизми, бир аломат деймизми, содир бўлди-ю байрамни Матрёнага хира қилиб қўйди. У беш чақирим йўл босиб черковга оби муборакка борган эди, ўзининг темир идишини бошқа идишлар қаторига қўйди, маросим тугагач, хотинлар бир-бирларини туртиб-суртиб идишларини олишди, Матрёна улгуролмай орқада қолди, бориб қараса, идиш йўқ, бўм-бўш, ўрнига бошқа идиш ҳам қолдирилмаган. Жин урдими, идиш ғойиб бўлди-қўйди.

— Хотинлар-ов, — сўраб-истаб юрди Матрёна ибодатга келган аёллардан. — Адашиб бировнинг идиши, бировнинг сувини олиб кетмадингларми?

Олган топилмади. Болакайлар шўхлик қилишгандир, у ерда болакайлар ҳам бор эди. Матрёна маънос қайтиб келди. Унда ҳамиша оби муборак бўларди, мана энди бу йил муборак сувдан қуруқ қолди. Бироқ Матрёнани динга ашаддий муккасидан кетган деб ҳам бўлмасди. Уни ҳатто маъжусий дейиш мумкин эди, хурофотга ишонарди: яъни Иван Постной кунда томорқага кириб бўлмайди, кирсанг, келаси йил ҳосилдан қуруқ қоласан: агар қуюн айланса, демак, қайдадир кимдир ўзини осиб қўйган; эшик мабодо оёғингни қисиб қолса, демак, уйингга меҳмон келади. Унинг уйда қанча яшаган бўлсам, бирон маротаба ибодат қилгани ёки чўқинганини кўрган эмасман. Нима ишга қўл урмасин барини «Худо ёр бўлсин!» деб бошлар, ҳар сафар мактабга жўнар эканман, менга: «Худо ёр бўлсин!» деб қўярди. Балки ибодат ҳам қилар, лекин менга кўрсатмасди, мендан тортинарди ёки мени қисинтириб қўйишдан кўрқарди. Уйнинг озода қисмида табаррук гўша, ошхоначада эса Николай Угодникнинг иконаси бор эди. Бегим кунлар гўша қоронғу турар, тунги таборак чоғлари ҳамда байрамларда Матрёна эрталабдан табаррук гўшанинг чироғини ёқиб қўярди.

Бироқ, унинг гуноҳлари чўлоқ мушукникидан ҳам озроқ эди. Ҳар ҳолда чўлоқ сичқонларни бўғизларди...

Матрёна абгорликдан пича нафас ростлаб, ҳатто менинг радиомни ҳам тинглай бошлади (ўзим разведка ўрнатдим — Матрёна розеткани шундай деб атарди. Кичкинагина приёмнигимга балойи офат деб қарамай, чидаса бўларди. Чунки уни истаган пайтда ўз қўлим билан бураб ўчириб қўйишим мумкин эди; лекин у менга овлоқ кулбадан ҳақиқатан ҳам — разведка билан чиқарди). Ўша йили ҳафтасига иккиталаб-учталаб хорижий делегаларни кутиб олиш, қабул қилиш, кузатиш ва бир қанча шаҳарларга олиб бориш, одамларни митингга йиғиш одат тусига кирган эди. Кунлар зиёфатлар, қабуллар, нонушталар ҳақидаги муҳим хабарлар билан тўлиб-тошиб ётарди.

Матрёнанинг пешанаси тиришар, норози бўлиб хўрсинарди:

— Уёққа боришади, буёққа боришади, ахир бир кун ишкали чиқади.

Янги машиналар чиққанини эшитиб, Матрёна ошхонадан туриб вайсарди:

— Нукул янги-янги дейди. Эскисида ишлагилари келмайди. Бу аҳволда эскиларини қаерга қўямиз?

Тагин ўша йили ернинг сунъий йўлдоши учади деб ваъда қилишган эди. Матрёна печка устида ётиб бошини чайқарди:

— Вой-вой-вой-ейй, ахир бир нимани ўзгартириб юборишади, ё ёз қолади, ё қиш.

Шалаяпин рус қўшиқларини ижро этарди. Матрёна туриб-туриб эшитди-да, кейин узил-кесил қилиб деди:

— Ғалати ўқийди, бизга ўхшамайди?

— Э қўйсангиз-чи, Матрёна Васильевна, ахир мундоқ қулоқ солиб кўринг!

Яна тинглаб турди. Лабини тишлади.

— Йўй. Унақамас. Бизчасига айтмайди. Овози ҳам айланиб кетяпти.

Кейин Матрёна мени ҳайрон қилиб қўйди. Бир куни Глинка романсларидан концерт беришаётган эди. Бештача камер романслардан сўнг кутилмаганда ошхона томондан Матрёна этагини тутган ҳолда кўзларида ёш ҳалқаланиб чиқиб келди.

— Мана, мана бу бизга ўхшайди... — пичирлади у.

## 2

Шундай қилиб, мен Матрёнага, Матрёна менга ўрганиб қолдик, оддийгина кун кечирдик. Кечаси узоқ ўтириб ишлаганларимда у заррача ҳалақат бермас, саволлар билан ғашимга тегмасди. У барча хотинларга хос қизиқишдан шунчалар маҳрум эди ёки у шу қадар назокатли эдики, мендан лоақал бирон марта: хотинларгиз борми? — деб сўрамаганди. Талновонинг хотинлари қўймай ундан мени сўраб-суриштиришарди. Уларга шундай деб жавоб қиларди:

— Керак бўлса, ўзидан сўранглар. Билган нарсам шу — у узоқнинг одами.

Анча вақт ўтгач, ўзим унга кўп турмада ётганимни айтдим, у худди илгаридан сезиб юргандай индамай бошини лиқиллатиб қўйди.

Мен ҳам бугунги Матрёнани, афтадаҳол шўрлик кампирни кўриб турар ва унинг эски яраларини кавламас, бунинг бошидан нималар кечган экан деб, бошимни қотирмасдим.

Матрёна инқилобга довури эрга текканлиги, ўшандаёқ мана шу биз ҳозир яшаб турган уйга тушганлиги, дарҳол шу печкага уннаганлигини (зотан, у пайтга келиб қайнота ҳам, тўнғич, бокира қайинэгачиси ҳам оламдан ўтган, шунинг учун никоҳнинг эртасигаёқ эрталабдан Матрёна қозон-товоққа қўл урган эди) билардим. Яна билганим шу эдики, у олтига бола туққан, ҳаммаси жуда эрта ўлган, ҳеч қачон боласи иккита бўлмаган эди. Кейин Кира деган қизчани асраб олганди. Матрёнанинг эри бу урушдан қайтмади. Қора хат ҳам келмади. Эри билан бирга ротада бўлган ҳамқишлоқлари у ё асир тушган, ё ҳалок бўлган, фақат ўлиги топилмади, деб айтардилар. Урушдан кейин ўн бир йил ўтиб, Матрёна у ўлган деган хулосага келди. Шундай деб ўйлагани ҳам маъқул. Агар ҳозир тирик бўлсаям — бирон ерда, Бразилияда ёки Австралияда уйланиб, бола-чақали бўлиб кетгандир. Талново ҳам, рус тили ҳам хотирасидан кўтарилиб бораётгандир...

Бир куни мактабдан келсам, уйда меҳмон ўтирибди. Баланд гавдали қорачадан келган чол Матрёна хонанинг ўртасига, «голландка»нинг яқинига суриб берган курсида шапкасини тиззасига қўйганча ўтирарди. Унинг бутун башарасига ҳали унчалар оқ орамаламаган қуоқ сочлари қуюлиб тушарди: савлатдор қора соқоли қора мўйловларига тутшиб кетганди, шунинг учун оғзи базўр кўзга чалинарди. Тўсдай қорайиб турган узун чакка мўйлари қулоғи тепасидан осилиб тушган тола-тола сочларига қўшилиб кетар, қулоғи ҳам аранг кўринарди; ўсиқ-ўсиқ қора қошлари икки кўприкдай бири-бирига пайваста бўлиб кетганди. Фақат яланг манглайигина кенг тепакал боши томон равоқ сингари кўтарилиб борарди. Қариянинг бутун қиёфасидан кордонлик ва виқор барқ уриб турарди. У қўлларини ҳассасига қўйиб, қақдини тик тутиб ўтирар, асоси полга қия тиралган эди. Шу ўтиришида тоқат билан ниманидир кутар ва афтидан, тўсиқ орқасида куймаланиб юрган Матрёна билан кам гаплашарди.

Уйга кирганимда, улуғвор калласини мен томонга вазмин бурди-да, кутилмаганда менга қараб деди:

— Отагинам!.. Кўзим яхши кўрмайди. Ўғлим сизда ўқийди. Григорьев Антошка...

Уёғини айтмаса ҳам равшан эди... Бу муҳтарам қарияга қанчалар чин дилдан ёрдам беришни истамай, чол ҳозир нима дейишини олдиндан билар ва у фойдасиз гапларни ўзимдан соқит қилардим. Григорьев Антошка 8-«Г»да ўқийдиган, икки юзи қип-қизил, дум-думалоқ, худди қуймоқ еган мушукдай бўлиб юрадиган болакай эди. Мактабга у бамисоли ҳордиқ чиқаргани келар, партада ялқовланиб илжайиб ўтирарди. Бунинг ўстига у ҳеч қачон дарсларини уйда тайёрлаб келмасди. Асосийси, районимиз мактаблари, областимиз ва қўшни область мактаблари ўзлаштириш бўйича юксак кўрсаткичлари билан шуҳрат қозонган, кўрсаткич учун курашда — уни йилдан йилга ўтказишар, у ҳам ўбдон билиб олган эди — муаллимлар ҳар қанча дўқ-пўписа қилишмасин, бари бир йил охирида уни ўтказишади, шунинг учун жон койитиб ўқиб ўтиришининг ҳожати

йўқ. Устимиздан калака қиларди тирмизак. Саккизинчи синфда ўтирарди-ю на касрни билар, на учбурчакларни ажрата оларди. Биринчи чоракларда унга ҳўп аямай икки кўйдим — лекин учинчи чоракда ҳам аҳволи ўзгарадиганга ўхшамасди.

Лекин мана шу кўзи ожиз, Антошкага ота эмас, бобо ўрнида ярайдиган, олдимга тиззасини букиб, эланиб келган чолга нима ҳам дея олардим? Мактаб сизни йил сайин лақиллатиб келган эди, бундан буёғига мен сизни алдаёлмайман, акс ҳолда бутун синфни издан чиқариб юбораман, болалар кўз ўнгида бетайин кимсага айланиб қоламан, ана ундан кейин ўзимнинг шунча меҳнатларимга, вазифам, касбимга тупуришга тўғри келади, дейишим керакмиди?

Унга ҳўп босиқлик билан тушунтирдим, ўғлингиз тартиб-қоидадан чиқиб кетган, уйда ҳам, мактабда ҳам ёлгон гапирди, унинг кундалигини тез-тез текшириб туриш, икки томондан қаттиқ киришиш керак, дедим.

— Қаттиқ деб секинроқ айтасизми, отагинам, — деб уқтирди менга кўноқ. — Ҳафтасига таёқ ейди. Қўлим оғир жуда.

Гаплашиб ўтириб эсладим, бир гал Матрёна ҳам ўзидан ўзи Антошка Григорьевга ёрдам беришимни сўраган эди, мен кўнмаган ва ўшанда қандай қариндошингиз бўлади деб қизиқиб ҳам кўрмаган эдим. Матрёна ҳозир ҳам ошхонага кираверишда оғизда бўлмаса-да, бутун вужуди билан илтижо қилиб турмоқда эди. Фаддей Мионович хабар олиб турадиган бўлиб, ўрнидан қўзғалиб чиқиб кетгач, мен сўрадим:

— Ҳеч билолмай турибман, Матрёна Васильевна, Антошка ўзи сизга ким бўлади?

— Қайноғамнинг ўғли, — жавоб берди Матрёна қуруққина қилиб, сўнг эчкисини соғгани кетди.

Уйлай-уйлай мен ушбу басавлат қария — Матрёнанинг бедарак кетган эрининг акаси эканлигини билдим.

Оқшом узоқ чўзилиб ўтди — Матрёна бошқа бу гапни эсламади. Фақат кеч кириб, уйга сукунат чўкканда, мен қарияни унутиб, осма соатнинг тикиллаши ва суваракларнинг шипиллаши остида ёзув-чизув ишларимга шўнғиган чоғимда — бирдан Матрёна ўз қоронғу пучмоғидан туриб гап очди:

— Мен, Игнатич, бир пайтлар сал бўлмаса унга турмушга чиқай деганман.

Шу тобда кўлоғимга ҳеч нарса кирмас, ҳатто уйда Матрёна борлигини ҳам унутган эдим. Лекин бу сўзларни у қоронғулик ичидан туриб шунчалар ҳаяжон билан айтдики, гўё чол уни ҳамон ўзига тегишга ундаётгандай эди.

Афтидан, бутун шу оқшом Матрёна шу ҳақда ўйлаган шекилли.

У жўнгина кўрпа-тўшак солинган каравотидан туриб, оҳиста мен томонга чиқиб келди, у бамисли ўз сўзларига изма-из келарди. Мен ишимдан тўхтадим ва биринчи мартаба Матрёна кўзимга бошқача бўлиб кўринди.

Тувакгуллар ўрмондай чирмаган катта уйимизнинг шипида чироқ ўрнатилмаган эди. Стол устидаги чироқдан эса ёруғлик доира бўлиб фақат ёйилиб ётган дафтарларимга тушарди. Ушбу тўғарак ёруғга ўрганган кўзларга уйнинг бошқа ҳаммаёғи нимпушти тусга кирган қоронғулик каби кўринарди. Матрёна шу қоронғуликдан юриб келарди. Назаримда, унинг икки юзи ҳам одатдагидай сарғимтир эмас, балки нимқизил эди.

— Ўзи биринчи бўлиб менга оғиз солди... Ефимдан бурун... У Ефимнинг акаси бўлади... Мен ўн тўққизда эдим. Фаддей йигирма учда ... Мана шу уйда туришарди улар ўшанда. Бу уларнинг уйлари эди. Оталари солган бу уйни.

Беихтиёр атрофга қарадим. Ушбу эскириб, оқариб, чириб бораётган уй бирдан кўз ўнгимда деворларига ёпиштирилган кўкимтир қоғозлар, улар орқасида шитирлаб опиб юрган сичқонлар оша навқирон бир ҳолда ўзининг яп-янги тарашланган хари оғочлари ва хушбўй мўм ислари билан гавдалангандай бўлди.

— Нима, сиз уни...? Кейин нима бўлди?..

— Уша ёзда... у билан толзорга бордик, — пичирлади у. — Толзор бор эди ҳозирги отхоналар ўрнида, кейин кесиб ташлашди... Унга тегишимга сал қолганди, Игнатич. Герман уруши бошланди. Фаддей урушга кетди.

Шу гапни ўртага тўкди-ю, кўз ўнгимда ўн тўртинчи йилнинг мовий, ҳафранг июль ойи лов этиб намоён бўлди: ҳали осуда осмон, юрғун булутлар ва ўримда қайнаган одамлар. Назаримда, улар ёнма-ён ўтиргандай эдилар: бир ёнда чўяндай пишиқ елкасига чалғи ташлаган баҳодир; унинг ёнида ёноқлари ловуллаган, ғарам қўчган қиз. Яна қўшиқ, ҳозир қишлоқ аллақачонлардан бери айтмай қўйган осмон баравар қўшиқ. Энди машиналар ариллаб турганда, қўшиқ айтиб бўладими?

— Урушга кетди-ю, дом-дараги бўлмади... Уч йил нафасимни ичимга ютиб кутдим. На хат келди, на хабар...

Чироқнинг юмшоқ шуълалари гирдобида Матрёнанинг эски рўмол билан чирмалган думалоқ юзи хаёлимда ажинлардан озод бўлгандай, кундалик жўн либосларидан қутулгандай, кўз ўнгимда иккидан бирини танлашдай мушкул савдо олдида турган қизнинг ҳурккан чеҳраси қад ростлади.

Рост. Рост... Биламан. Япроқлар пароканда учди, қор ёғди — кейин эриб кетди. Яна ер ҳайдадилар, яна дон сочдилар, яна ўриб олдилар. Бошқатдан япроқлар тўкилди, яна

бошқатдан қорлар ёғди. Яна бир инқилоб кўпди. Кейин бошқа бир инқилоб. Кейин бутун дунё тескари бўлиб кетди.

— Оналари ўлиб, Ефим менга совчи кўйди. Бизнинг уйга тушмоқчи эдинг, энди ниятингдан қайтма дегандай. Ефим мендан бир ёш кичик эди. Бизда шундай гап бор: ақлли Покровдан кейин турмушга чиқади, аҳмоқ — Петровдан сўнг. Уларнинг кўллари калта бўлиб қолган эди. Майли дедим... Петров куни никоҳдан ўтдик, қишки Микола куни эса қайтиб келди... Фаддей... мажорларга асир тушган экан.

Матрёна кўзини юмди.

Индаганим йўқ.

У худди эшик тирикдай унга ўгирилди:

— Остонада турди. Додлаб юбордим! Оёғига тиз чўксам дердим!.. Иложи йўқ... Ҳай, деди, агар туғишган укам бўлмаганда, икковингизни қиймалаб ташлардим!

Мен сесканиб кетдим. Унинг ўпкаси тўлиб, қалт-қалт титраб гапиришидан қоп-қора булутдай бўлиб қоронғу эшик олдида турган ва Матрёнага болта ўқталган йигитни тасаввур қилдим.

Лекин у ўзини босиб олди, қаршисида турган стулнинг суянчиғига тиралди ва оҳангдор лафз билан сўйлаб берди:

— Вой-вой-вой-йейй, шўрлик бошим! Қишлоқда қанча қизлар бор эди — уйланамади. Исми сенга ўхшаганини, бошқа Матрёнани топаман, деди. Айтганидай қилди, Липовка қишлоғидан Матрёнасини топиб келди. Алоҳида уй-жой солишди, ҳозир ҳам ўша уйда туришдан, сен ҳар куни уларнинг ёнидан мактабга ўтасан.

Э-ҳа, гап буёқда экан-ку! Энди билдим. Ўша Матрёнани бир неча бор кўрганман. Негадир уни жиним суймасди. У доим Матрёнанинг олдига келиб, эрим уради, ўлгудай ҳарис, сиқиб сувимни ичади, деб ҳасрат қилар, узоқ ўтириб кўзёши тўкар, овози ҳам ҳамиша йиғламсираган бўларди.

Алоҳол, Матрёнамен ачинмаса ҳам бўларкан — Фаддей ўз Матрёнасини бир умр калтаклаб кўзини очирмас, ҳозир ҳам ҳол-жонига қўймас, хонадонни зир титратарди.

— Менга ўзи бир марта ҳам қўл кўтармаган, — деб айтарди у Ефимни. — Кўчада ўзи тенгилар билан муштлашишдан сира қайтмасди, менга эса ҳеч қўл теккизмасди... Йўғ-а, бир мартагина бўлган — қайнсинглим билан уришиб қолдим, Ефим қошиқни бошимга уриб синдирди. Урнимдан сапчиб турдим: «Тиқилиб ўларинг, яшшамагур текинхўрлар!» — деб қарғаб ўрмонга кетдим. Шундан кейин қўл кўтармади.

Чамаси, Фаддейнинг армон қиладиган жойи йўқ эди: иккинчи Матрёна унга олти бола туғиб берди (менинг Антошкам уларнинг кенжаси, тўрвакоқтиси) — ҳаммаси соғомон катта бўлишган; Матрёна билан Ефимнинг эса болалари турмасди: уч ойга етмай ҳеч бир оғримай-нетмай ўлиб қолаверарди.

— Бир қиз туғдим, чўмилираётганда тирик эди, кейин дарров ўлиб қолди, ўлигини ювишга ҳам ҳожат қолмади... Петров куни тўйим бўлувди, олтинчи болам Александрни ҳам Петров куни ерга қўйдим.

Шундан сўнг бутун қишлоқ Матрёнага жин теккан деган хулосага келди.

— Менга жин теккан! — ишонч билан бошини қимирлатарди ҳозир ҳам Матрёна. — Мени илгари роҳиба бўлган бир хотиннинг олдига олиб боришди даволатгани, у мени қайт қилдирди, ўқчитди — жин ичимдан қурбақа бўлиб чиқади деб кутиб ўтирди. Чиқмади қурбақа бўлиб...

Сувлар оқар, йиллар ўтарди... Қирқ биринчи йилда Фаддейни кўзи яхши кўрмагани учун урушга олишмади, бироқ Ефимни олишди. Акаси биринчи урушда дом-дараксиз кетгандай, укаси ҳам бу урушда хат-хабарсиз ғойиб бўлди. Лекин буниси бутунлай келмади. Бир маҳаллар ғала-ғовур уй эндиликда ҳувиллаб ётади, чириб, тобора қартаяди — бехонумон ва ғариб Матрёна ҳам қариб куч-қувватдан кетиб боради.

У алоҳа анави таёқ тагида қолган иккинчи Матрёнадан бир парча этини (Фаддейнинг пушти камаридан бўлган) — энг кичик қизлари Киранни ялиниб-ёлвориб тилаб олди.

Уни ўзининг турмаган болалари ўрнида кўриб, ўн йил боқиб, тарбия қилди. Мен келмасимдан сал бурун уни Черустига, ёш бир машинист йигитга узатган эди. Унга келадиган ёрдам ҳам фақат шу ердан томчилаб турарди: баъзан қанд-курс, баъзан чўчка сўйсалар — мойи дегандай.

Дардга чалиниб юрган Матрёна кўп ўтмай ўлишини сезганми, васият қилиб қўйган эди: ўлсам, катта уйга тиркаб солинган кичик уйни Кирага қолдираман. Катта уй ҳақида у оғиз очмаган эди. Учта сингил катта уйга эга чиқишни мўлжаллашарди.

Шундай, ўша кеча Матрёна менга тўлиқ очилгандай бўлди. Ҳаёт ўзи шундай экан, умргузаронлигининг маъноси ва боғланишлари менга пича аён бўлгач, ўша кунлариёқ, уларни хатти-ҳаракат ичида кўрдим. Черустидан Кира келди, қария Фаддейнинг пайта-васига қурт тушди. Черустидан бир парча ер олиб сақлаш учун ёшлар қандай бўлмасин, бир иморат тиклашлари керак экан. Матрёнанинг кичик уйи ана шунга ғоятда мос эди. Бошқа иморат қуришнинг иложи йўқ, ҳеч қайдан ёғоч топилмасди. Киранинг ўзи, унинг эри бир ёқда қолиб, Фаддей бобо Черустигаги ерни қўлдан чиқариб юбормаслик учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қила бошлади.

Шу асно у бизникига тез-тез келадиган, Матрёна билан оғаларча сўйлашадиган, кичик уйни ўлгандан кейинга қолдирмай ҳозир кўзи тириклигида беришни талаб қиладиган одат чиқарди. У энди ўша ҳассага таяниб ўтирган, бир туртса ё қаттиқроқ гапирса, кулаб тушадиган мўйсафидга сира ўхшамасди. Бел оғригидан букчайган, лекин қаддини тик тутиб юрадиган, олтмишдан ошганига қарамай сочларининг навқирон шираси ва қоралигини сақлаган бу одам жонини жабборга бериб кўндириш пайида бўларди.

Матрёна икки кеча ухламай чиқди. Бир қарорга келиши қийин бўлди. Бўш ётган кичик уйга ачинмасди, йўқ, умуман, Матрёна ҳеч қачон на кучи-ҳуши, на бор будшудини бировдан аяб ўтирмасди. Кичик уй бари бир Кирага аталганди. Лекин ўзи қирқ йил истиқомат қилган уйнинг томини бузиш уни ваҳимага соларди. Ҳатто мен, чеккадаги одам, уйнинг тахталарини қайириб, хариларини кўчира бошларини ўйласам, юрагим зирқирарди. Матрёнага эса бу ҳаётнинг барҳам топиши билан барабар эди.

Лекин оёғини тираб турганлар унинг уйини тириклигидаёқ бузиш мумкинлигини билардилар.

Февраль кунларидан бирида эрталаб Фаддей ўғлонлари ва куёвлари билан келишиб, беш болта тарақа-туруқ ишга тушди. Тахталар қийқиллаб, ғачирлаб қайрилди. Фаддейнинг корфармо кўзлари дам-бадам йилтираб кетарди. Бели яхши букилмаса ҳам, у томга ташланган ёғочлар тагида чапдаст юрар, пастга тушганда ўзини ўтга-чўққа урар, ёрдамчиларга ҳайқириб-ҳайқириб қўярди. Бу кичкина уйни бир замонлар отасининг ёнига кириб ўзи курган эди; у тўнғич ўғил бўлгани учун унда ёш келин-куёв яшайдилар деб мўлжаллашган эди. Мана энди уни бегона жойдан кўчириш учун ўлиб-тирилиб ёғочларини айирар эди.

Кичик уйнинг чорхарилари ва томининг ёғочларини бирма-бир рақамлаб, ажратиб олишди, саҳни қисқарган катта уйни юпқа тахталардан девор ясаб, вақтинча ўраб қўйишди. Девор ҳам наридан-бери оралари очиқ-очиқ қилиб қурилди. Буларнинг бари уй бузаётганлар иморатсоз эмаслигини, Матрёна бу ерда ҳали узоқ яшайди-ку, деб ҳисобламасликларини кўрсатарди.

Эркаклар иморат бузишаркан, хотинлар юк ташиб кетиладиган кунга атаб самогон тайёрлашарди: ароқ жуда қимматга тушарди. Кира Москва областидан бир пуд қанд олиб келди, Матрёна Василёвна кечаси ҳеч ким кўрмайдиган маҳалда қанд билан шишаларни самогончиникига элтди.

Чорхарилар ташқарига олиб чиқилиб дарвоза олдида тахланди, машинист куёв Черустига трактор олиб келгани кетди.

Лекин ўша куни бўрон турди — изғор дейди буни Матрёна. Бўрон икки кун тўполон қилди ва йўлларни баҳайбат қор ўрқачлари билан тўлдирди. Кейин йўлнинг қори андаккина топталди, бир-икки юк автомашинаси ўтди — сўнг кутилмаганда ҳаво илди, бир кунда совуқнинг шашти бирваракай тушди, рутубатли туман ёйилди, қор узра жилдираб сувлар оқди, этик эриган қорга тиззагача ботиб кетадиган бўлди.

Бузилган кичик уйни трактор икки ҳафтагача олиб кетолмади. Шу кунлар ичи Матрёна худди ўзини йўқотиб қўйгандай бўлиб юрди. Унга қийин бўлганлигининг яна бир сабаби, учала синглиси келиб, ҳаммалари бир оғиздан сен тентак бўлибсан, нега уй-жойни талон-тарож қилиб юбординг, деб уни қаттиқ койидилар, сўнг бошқа бу ерга қадам босмаймиз деб аразлаб кетиб қолдилар.

Ўша кунлар чўлоқ мушук ташқарига чиқиб, шу кетганча ғойиб бўлди. Худди қасдан қилгандай. Матрёнани шу ҳам жуда эзиб юборди.

Ниҳоят эриган йўл музлаб қолди. Қуёш чиқди ва юнгиллар ёришди. Ўша куни Матрёна аллақандай яхши туш кўрди. Мен эрталабдан бери кимни бўлмасин эски тўқув дастгоҳида сувратга олмоқчи бўлиб юрардим (эски дастгоҳни икки уйда кўрган эдим, уларда дағал мато тўқишарди). Матрёна бундан хабардор бўлиб, ийманибгина илжайди:

— Андак шошилмай тур, Игнатич, анави ашқол-дашқолларни жўнатиб юборай, кейин ўзимнинг дастгоҳимни кураман, у ҳали бус-бутун турибди. Ушанда сувратга оласан. Худо ҳақи, рост!

Эски нарсалар билан сувратга тушишни афтидан у ёқтирарди. Аёзли қишнинг қизғиш қуёши энди калтайиб қолган даҳлизнинг тўнғинан дарчаларини салчагина қизартирди, — шу шуъларга Матрёнанинг чеҳрасига илиқлик бахш этди. Виждонига хилоф иш қилмаган одамларнинг юзи доимо яхши.

Кечга яқин мактабдан қайтиб уйимиз олдида одамлар ўралашиб юрганлигини кўрдим. Янги, катта трактор чанасига чорхарилар ортилган, аммо ҳали кўп нарсалар унга сиғмай қолган — шунинг учун Фаддей бобонинг ўғлонлари ва ёрдамга келганлар зудлик билан яна бир қўлбола чана ясаб билан банд эдилар. Барчалари худди телбалардай ишлашар, катта пулнинг дараги чиқса ёки тўкин меҳмондорчилик кутилаётган бўлса, одамлар одатда мана шундай қутуриб ишлайдилар. Улар бир-бирларига қичқирар, томоқ йиртиб тортишардилар. Чаналарни қандай олиб борамиз — алоҳидами ёки бирга қўшибми, деб баҳслашаётган эдилар. Фаддейнинг чўлоқланиб юрадиган ўғли билан машинист куёви чаналарни қўшиш қийин, трактор тортолмайди, дердилар. Чорпахил гавдали, башараси катта, дардихарина тракторчи эса, сизлар била-

сизларми, мен биламанми, тракторни мен ҳайдайман, шунинг учун иккала чанани қўшиб тортаман, деб бўғиларди. Унинг билганича бор: машинист билан ҳар қатнагани учун эмас, балки уйни ташиб бергани учун ҳақ олишга байлашган эди. Йигирма беш чақирим жойга бир кечада икки марта қатнаб, яна орқага қайтиш — ҳеч қачон қўлидан келмас эди. Эрталаб трактор билан гаражда бўлиши керак, аксинча пул ишлаш учун яширинча чиқиб кетгани очилиб қолади.

Фаддей бобонинг сабри чидамас, уйни шу бугуноқ ташиб кетишни истарди — шунинг учун уларга, майли, кўна қолинглар, деб ишора қилди. Шошилинич ичида ясалган қўлбола чанани мустаҳкам янги чанага тиркадилар.

Матрёна эркаклар орасида чопиб юрар, ўралашар, хариларни чанага ортишга кўмаклашарди. Шунда у менинг пахталигимни устига кийиб олганлигини, энгларини лой-муз ёғочларга ишқаб расво қилганлигини пайқаб қолдим, — бундан норози бўлганлигимни яширолмай унга айтдим. Пахталик менга ёдгор эди — оғир йилларда мени совуқдан асраган эди.

Ана шунда, мен биринчи маротаба Матрёна Васильевнадан жаҳлим чиқди.

— Вой-вой-вой-йейй, шўрлик бошим! — хижолатга тушди у. — Чоп-чопда қарамабман, устимга ташлаб чиқаверибман, эсим курсин. Кечир, Игнатич. — Шундан кейин пахталикни ечиб, қуритиш учун илиб қўйди.

Юкларни ортиб бўлдилар, қарашиб юрган ўнтача эркакнинг бари менинг столим олдидан дўпир-дўпир қилиб парда тўсиқ ортидаги ошхонага ўтдилар. Стокларнинг тикирлатиб уриштирилган овозлари эшитилди, шисалар жингиллади, овозлар тобора ўқтамроқ янгради, мақтанчоқлик авжга минди. Айниқса, тракторчи керилади. Самогоннинг қўланса ҳиди димоғимга урди. Аммо ичкилик узоққа чўзилмади. Қоронғу бостириб келар, шошилтирарди. Бирин-сирин чиқиб кела бошладилар. Башараси ёвуз, эррайим тракторчи ҳам чиқди. Чаналарни Черустигача машинист куёв, Фаддейнинг чўлоқ ўғли, яна бир қариндош кузатиб борадиган бўлдилар. Бошқалар уй-уйларига тарқалишдилар. Фаддей бобо ҳассасини силкитиб, кимнингдир орқасидан югурди, нималарнидир шошилиб уқтира кетди. Чўлоқ ўғлон менинг столим олдида чекиб олгани тўхтади ва бирдан Матрёна кеннойимни яхши кўраман, яқинда уйландим, куни кеча ўғил кўрдик, деб гапириб қолди. Шунда уни чақирдилар, у кетди. Кўчада трактор тариллади.

Тўсиқ ортидан ҳаммадан кейин шоша-пиша Матрёна чиқди. У жўнаб кетганлар ортидан хавотирланиб бошини чайқади. Пахталигини кийди, рўмолини ўради. Эшикда менга қараб деди:

— Иккита трактор чақирса, бўлмас эканми? Биттаси тортолмаса, иккинчиси қарашиб юборарди. Энди нима бўлади? Худо билади!..

У кетганлар орқасидан чопди.

Дам-бадам очилаверганидан совиб кетган, ҳамма тарк этган уйга ичкилик, тортишув, югур-югурлардан сўнг бирдан сув куйгандай жим-жит сукунат чўкди. Ташқарини зимистон қоплади. Мен ҳам пахталигимни кийиб олдим-да, столга ишга ўтирдим. Олисида трактор саси ўчди.

Бир соат ўтди, икки соат. Учинчи соат ҳам ўтди. Матрёнадан ҳамон дарак йўқ. Лекин бунга унчалик ҳайрон бўлиб ўтирмадим: чаналарни кузатиб қўйиб, кейин чиқони Машанинг олдига киргандир.

Яна бир соат ўтди. Яна. Қишлоққа зулумот билан бирга аллақандай теран сукунат чўкди. Унда бу жимжитликнинг сабабини англаб етолмаган эдим. Кейин билсам, биздан ярим чақирим наридаги темирйўлдан тун бўйи биронта ҳам поезд ўтмабди. Приёмникнинг овози чиқмас, лекин нима учундир сичқонлар ҳар қачонгидан кўра дадилроқ чопқиллашиб қолганларини пайқадим: улар девор билан қоғозлар орасида борган сари тап тортмай югуришар, шовқин солишар, қиртиллатишар ва чий-иллашарди.

Кўзимни очдим. Соат тунги бир. Матрёна эса ханузгача қайтмаган эди.

Бирдан қишлоқ ичида баланд-баланд янграган овозларни эшитдим. Овозлар ҳали йироқ, лекин негадир хаёлимга, бизникига келишяпти, ҳойнаҳой деган фикр келди. Ростдан ҳам, кўп ўтмай дарвоза қаттиқ тақиллади. Бегона, ҳукмфармо бир товуш, очинг, деб қичқирди. Мен электр фонаримни кўтариб зимистон қоронғуликка чиқдим. Қишлоқ донг қотиб ухлар, деразаларда чироқ йўқ, қор эса бир ҳафтадан бери эриб, энди оқ шуъла таратмасди. Мен пастки илгакни кўтариб, дарвозани очдим. Уйга шинель кийган тўрт киши кирди. Кечаси иддао қилиб шинель кийганлар кириб келса, бу жуда мудҳиш кўринади.

Бироқ чироқнинг ёруғида келганларнинг иккитаси темирйўлчилар кийимида эканлигини пайқадим. Уларнинг каттаси, юзи анави тракторчининг юзига ўхшаб кетадиган, йирик сумбатли бирови сўради:

— Бека қани?

— Билмайман.

— Чана қўшилган трактор шу ҳовлидан чиққанмиди?

— Шу ҳовлидан.

— Кетмасдан олдин шу ерда ичишдимми?

Тўртовлари ҳам столдаги чироқнинг хира доира шуъласида кўзларини қисиб атрофга аланглашарди. Мен кимнидир қамашган ёки қамамоқчилар деб тушундим.

— Нима гап ўзи?

— Сиздан сўрашяпти, жавоб беринг!

— Бироқ...

— Маст ҳолда кетишдимми?

— Бу ерда ичишдимми?

Биров бировни ўлдириб қўйдимикин? Ёки уйни кўчириб кетиш мумкин эмасмикин? Мени ҳар томондан сиқувга олишди. Лекин бир нарса аниқ эди: самогон учун Матрёна-ни жавобгарликка тортишлари мумкин.

Мен аста ошхонага кириладиган томонга ўзимни олдим, гавдам билан тўсдим.

— Очиғи, кўрганам йўқ. Эътибор бермабман.

(Мен ростдан ҳам кўрмадим, фақат эшитдим.)

Қўлимни паришон бир алфозда силкиб, уй ичидаги аҳволни кўрсатгандай бўлдим: китоб-дафтарлар тепасида осуда ёниб турган стол чироғи; тувакгулларнинг қўрқиб кетган издиҳоми; дарвешона ғариб тўшак. Бу ерда ҳеч қачон ичкиликбозлик бўлганга ўхшамайди.

Уларнинг ўзлари ҳам бу ерда ҳеч қандай ичкиликбозлик бўлмаганлигини сезиб, ҳафсалалари пир бўлди. Ўзаро бу уйда ичилмаган, демак, бошқа жойда, топсак дуруст эди, деб гаплашганча, улар эшикка қараб юрдилар. Мен уларни кузатиб қўя туриб ҳам, нима бўлганлигини суриштиришдан тўхтамадим. Кўча эшикка чиққандагина бирови пўнғиллади:

— Ҳаммаси қийма-қийма бўлиб кетган. Таниб бўлмайди.

Бошқаси қўшимча қилди:

— Э худо сақлади! Йигирма биринчи тезюрар ағдарилишига оз қолди. Э ана унда кўрардингиз.

Улар жадал жўнаб кетдилар.

Кимни айтяптилар? Ҳаммаси деганлари кимлар? Матрёнаси тушмагур қайда қолди?

Мен уйга қайтиб кирдим. Ошхона пардасини суриб ичкарига ўтдим. Самогоннинг сассиқ ҳиди димоғимга урилди. Бунда ҳамма нарса ташлаб кетилган жанг майдонидай айқаш-уйқаш бўлиб ётарди: бири устига бири қалашган курсилар ва ўриндиқлар, бўшаган, юмалаган шишалар ва битта ярми ичилган шиша, стаканлар, чала-чулпа ейилган шўр балиқ ва бош пиёзлар, майдаланган чўчка ёғи.

Ҳаммаси ўлик. Фақат суваракларгина жанг майдонида бемалол судралиб юрардилар.

Дарҳол йиғиштиришга киришдим. Шишаларни чайдим, овқатларни олдим, курсиларни жой-жойига қўйдим, самогондан қолганини эса кўздан нарироққа яширдим.

Шуларни қилиб бўлгандан кейингина уй ўртасида серрайиб туриб қолдим: йигирма биринчи тезюрар поезд ҳақида алланималар дейишди-я. Нега?.. Балки буларнинг бари-ни уларга кўрсатиш керакмиди? Мен энди шубҳага тушиб қолгандим. Аммо бу қандай падарлаънат қилиқ ўзи — оддий одамга ҳеч нарсани тушунтириб айтмаслик?

Бирдан кўча эшигимиз ғичирлади. Мен тезгина ҳовли юзига чиқдим.

— Матрёна Васильевна?

Уйга гандираклар унинг чиқони Маша кириб келди:

— Вой, Матрёна... вой Матрёна шўрлик-эй, Игнатич...

Мен уни ўтқиздим, кўзларидан дув-дув ёш қуюлиб у айтиб берди:

Йўл темирйўл билан кесишган жой тепалик. Унга тик чиқилади. Шлагбаум йўқ. Трактор биринчи чанани олиб ўтгач, трос узилиб кетибди, қўлда ясалган иккинчи чана темирйўлда кўндаланг туриб қолибди. Фаддей бобо яхши ёғоч бермагани учун чана айилиб кета бошлабди. Биринчи чанани пича нарига элтиб, иккинчисига қайтиб келишибди, тракторчи билан Фаддейнинг чўлоқ ўғли тросни маҳкамлаймиз деб уринишибди, Матрёна ҳам трактор билан чана ўртасида ўралашиб юрибди. Нима ёрдам берарди бўлмаса эркакларга? Доим ўзи эркакларнинг ишларига суқилиб юради. Бир пайтлар от олиб қочиб кўлга чўктириб юборишига оз қолган, муз тагига. Нимага, нимага боради у қуриб кеткур ерга? — уйни бергани етмасмиди, бўйнидан қарзини соқит қилувди-ку... Машинист Черустидан поезд келиб қолмасин деб ҳалак. Поезднинг чироқлари узоқдан кўриниб туради. Бошқа, бизнинг станция тарафдан иккита жуфтлашган паровоз чироғи-ни ёқмасдан орқаси билан юриб келаверибди. Нега чироғини ёқмаган, номаълум. Паровоз орқаси билан юриб келганда ўтхонадан машинистнинг юзига кўмирнинг кул-кукунлари урилади, яхши кўролмайди. Қўш паровоз гупиллаб келганча трактор билан чана ўртасидагиларни мажақлаб ташлабди. Уч киши. Тракторнинг пачағи чиққан. Чана майда-майда бўлиб кетган. Из қайрилган, паровозлар ёнбошлаб қолган.

— Наҳот, паровоз келаётган бўлса, эшитишмайди?

— Трактор тариллаб турган-да ахир.

— Ўлганлар қаёқда?

— Беришмаяпти. Ураб олишган.



— Йигирма биринчи тезюрар поезд-чи, эшитдимки...

— Э, соат ўнда ўтадиган тезюрар поезд станциямизда тўхтамай ўша томонга юрган. Лекин қўш паровознинг машинистлари омон экан, сакраб туришиб, изга чиқиб қўлларини силкитиб чопишибди, ишқилиб, поездни тўхтатишга улгуришибди... Яна бир қариндошларининг устига хари тушиб, майиб бўлибди. Клавканикада биқиниб ётибди. Мени у ерда бўлганимни билишмасин деб. Бўлмаса, гувоҳликка тортишадилар.. Билмайман деб қутулдим, билдим дедим — тутилдим... Кирканинг эрига ҳеч нарса қилмабди. Узини осмоқчи бўлган экан, сиртмоқдан чиқариб олишибди. Мени деб опам ва қайним ҳалок бўлишди дермиш. Узини тутиб берибди. Қуриб кетсин, у энди турмада эмас, жиннихонада ётади. Оҳ, Матрёна, шўрликкина Матрёнушка!..

Матрёна йўқ. Қадрдон кишим ўлди. Охириги кун у бечорани пахталик деб койганим қолди.

Китоб плакатидан қизил-сарикқа бўялган таманно оймича чарақлаб кулиб турарди.

Маша хола яна бирпас ўтирди, йиғи-сиғи қилди. Кетаман деб ўрнидан турди. Кейин бирдан сўради:

— Игнатич! Эсингдами... Матрёнанинг кулранг тўри бор эди... Улсам, сенинг Танечканга қолади дегувчи эди, тўғрими?

Ғира-шира ёруғда у менга умидворлик билан ҳойнаҳой эсингдан чиқмагандир, дегандай тикилиб турарди.

Рост, менинг эсимда эди:

— Ҳа, шундай ният қилган эди.

— Менга қара, балки хўп десанг, ҳозир олиб кета қолай, а? Эрталаб қариндош-уруғлари йиғилишади, кейин олиб бўлмайди.

Сўнг менга яна ёлворгандай умид билан термулди. Унинг эллик йиллик ягона дугонаси, қишлоқда Матрёнани чин юракдан яхши кўрадиган бирдан-бир кимса шу эди...

Чамаси, шундай бўларкан-да, ўзи.

— Албатта... Олинг... — дея олдим.

У сандиқни очиб, тўрни олиб қўлтиғига тикди-да, чиқиб кетди...

Сичқонлар худди жин теккандай қутуришди, улар девор ёқалаб тўда-тўда бўлиб чопишар, деворнинг кўк қоғози уларнинг елкаларига тегиб тўлқинланарди.

Борадиган жойим йўқ эди. Ҳали ўзлари келишади мени сўроққа тутгани. Эрталаб мактабга боришим керак. Тун яримдан оғган, соат уч бўлиб қолган эди. Ёлғиз чора: эшикларни беркитиб, ётиб ухлаш.

Ҳа, эшикларни ёпиш керак, чунки Матрёна келмайди.

Чироқни ёқилганча қолдириб, ухлагани ётдим. Сичқонлар чийиллашар, гўё инграшар ва тинмай чопганлари чопган эди. Ҳорғин фикри чувалган бошим беихтиёр бир музтар хаёлдан сира қутулолмасди — гўё Матрёна кўзга кўринмайинча уй ичида ўзини уёқдан-буёққа урар ва уй билан видолашарди.

Шунда бирдан кираверишдаги эшик бўсағасида, ғира-шира даҳлизда ёш қора Фаддей қўлида болта кўтарган ҳолда кўз ўнгимда гавдаланди:

«Агарда туғишган укам бўлмаганда, икковингни чопиб ташлардим!»

Унинг пўписаси қирқ йил бурчакда эски чопқидай ётди ва алоҳа бошга тушди...

### 3

Тонг билан хотинлар Матрёнанинг лошини чанада устига кир қанор ташлаб олиб келдилар. Ювайлик деб, устини очдилар. Шўрликнинг гавдаси мажакланиб кетган — оёқлари йўқ, бел йўқ, чап қўл йўқ. Бир хотин чўқиниб олди-да деди:

— Худойим ўнг қўлини бутун қолдирибди. Уёқда эгамга сажда қилади.

Мана энди тувагулларнинг издиҳомини, — уларни Матрёна шунчалар яхши кўрардики, бир куни кечаси уйни тутун босганда, уйни эмас, тувагулларини қутқарай деб, уларни ерга ағнатиб чиққан эди (тутунда бўғилиб қолмасинлар деб) — уйдан олиб чиқдилар. Полни тозалаб ювдилар. Матрёнанинг хира тортган тош ойнасини эскича тўр ташлаб тикилган чорси сочиқ билан ўраб қўйдилар. Девордан бачкана плакатларни олиб ташладилар. Менинг столимни нарига сурдилар. Тобутни дераза яқинига, санамлар тагига қўйдилар. Тобут одмигина ясалган эди.

Тобутда Матрёна ётарди. Унинг мажакланиб йўқ бўлиб кетган аъзолари ўрнини тоза чойшаб билан ёпиб қўйдилар, бошига оқ рўмол ўрашди. Унинг юзи бус-бутун қолган, осуда, ўликдан кўра тирикка ўхшарди.

Ҳамқишлоқлар видолашгани келиб-кешиб туришарди. Хотинлар марҳумани кўрса-тиш учун ёш болаларни ҳам олиб келардилар. Агар гиря бошланса, барча хотинлар, гарчи шунчаки хайрлашгани кирган бўлсалар-да, эшик ва девор ёқаларида турганча албатта йиғиға қўшилиб, баравар жўр бўлардилар. Эркаклар эса бош кийимларини ечганча жимгина тик турардилар.

Йиғини бошлаб бериш яқин қариндошлар зиммасида эди. Йиғида мен азалдан одат тусига кирган, совуққонлик билан ўйлаб чиқилган бир тартибга эътибор бердим. Узоқроқ қариндошлар тобут тепасига бир зумга келиб, оҳиста пичирлаб йиғлардилар.

Мархумага ўзини яқинроқ билганлар бўсақадан туриб йиғлаб киришар, тобут тепасига келгач, мархуманинг нақ юзига энгашиб, уввос солардилар. Ҳар бир йиғловчининг йиғи оҳанги ўзгача эди. Ўзларининг ўй-дардларини айтиб йиғлардилар.

Шунда мен мархуманинг устидаги йиғи шунчаки йиғи бўлмай ўзига яраша бутун бир сиёсат эканлигини англадим. Матрэнанинг учала синглиси ҳам ўкира-ўкира кириб келишди, дарҳол уйни, эчкини, печкани эгаллаб олишди, сандиқни қулфлашди, пальтонинг астаридан ўлимлик икки юз сўмни қоқиб туширишди, ҳар бир таъзия билдириб келувчи Матрэнанинг энг яқин кишилари ўзлари эканликларини билдириб туришди. Улар тобут тепасида шундай деб йиғлашарди:

— Оҳ, нанна, нанна! Оҳ, опажон, опажон! Кўрар кўзимиз, ёлғиз эркамиз! Тинчгина юрсанг, бўлмасмиди! Меҳримизни бермасмидик сенга! Уйинг бошингга етди! Жонингни олиб кетди! Нега ҳам буздинг уйингни! Айтган эдик, ҳеч назар-писанд қилмадинг!

Сингилларнинг гиряси эр томоннинг қариндош-уруғларига гина, айбнома бўлиб ёғиларди: яъни Матрэнани уйни бузишга мажбур қилиш керак эмасди (Гап тагида яна гап бор эди: кичик уйни-ку олишга олдинлар, катта уйни энди сизларга бериб бўпмиз!)

Эрининг қариндош-уруғлари, Матрэнанинг қайнсингиллари, Ефим ва Фаддейнинг сингиллари ва бошқа хотин уруғлар келиб шундай деб йиғлашарди:

— Оҳ, холажон, холажон! Нега эҳтиёт бўлмадингиз, холажон! Жонингиз сабилмиди, холажон! Жигарларинг хафамакин энди, холажон! Туғишгандан ҳам азиз эдинг, айб ўзингда! Уйда нима айб! Улимингни вой, пойлаб борганмидинг-эй! Ҳеч ким сени чақирмовди-ку! Шундай доғда қолдириб кетаверасанми-ей! Айтган эдик, қулогингга илмадинг!

(Бу гиря надоматларнинг баридан бир хулоса чиқарди: унинг ўлимига биз айбдор эмасмиз, уй хусусида эса, ҳали бафуржа орани очиқ қилармиз!)

Лекин юзи оймўмадай, ўзи қўполгина «иккинчи» Матрэна — бир маҳаллар Фаддей ёлғиз исмига учиб топиб келган Матрэна гирянинг бу тахлит яширин адосига риоа қилмас, тобут устида жон-жаҳди билан дод-фарёд кўтарарди:

— Вой маним опажоним! Сенга озор бериб қўйдимми! Воҳ-ай!.. Беозор маслаҳатгүйим эдинг, опажоним, дардларимга дардкашим эдинг, опажоним! Мендан ўтган бўлса, кечир, кечир мени, меҳрибоним, опажоним! Воҳ-ай!.. Онангни олдига кетдингми, опажоним, вой энди мени ҳам ёнингга чорларсанми, опажоним! Воҳ-ай!..

У «воҳ-айлаб» ўз юрагини бўшатар — дам-бадам тўшини тобутга гурсиллатиб урарди. Унинг йиғиси ҳаддан ортиб кетганда, хотинлар бу йиғи юракнинг қаъридан чиқаётганига тан бергандай, ҳаммалари баробарига дердилар:

— Бўлди! Бўлди!

Матрэна бас қилар, лекин яна айланиб келар ва аввалгидан беш баттар фарёд кўтарарди. Шунда жуда ҳам қартайиб қолган момо бурчакдан чиқиб, Матрэнанинг елкасига қўлини қўйди-да, вазмин деди:

— Дунёда икки жумбоқ қолган: қандай туғилганман — эсламайман, қандай ўлман — билмайман.

Шу заҳоти Матрэнанинг уни ўчди, бошқа ҳамма ҳам бирдан жим бўлди.

Лекин бу ердаги барча кампирлардан ёши улғуғроқ бу момо Матрэнага ҳеч қандай яқинлиги йўқлигига қарамасдан, бироз вақт ўтгач, ўзи ҳам йиғлади:

— Оҳ, шўрликкинам-а! Оҳ, Васильевна, жоним-а! Оҳ, сизларни кузатавериб тўйиб кетдим-а!

Матрэнанинг Черустига келин бўлиб тушган бахти қаро асранди қизи Кира расм-русум учун эмас, юрак-бағридан чиқариб йиғлар, унинг йиғиси бизнинг кунларимизда тез-тез такрорланиб турадиган шу замоннинг йиғиси эди. Ахир шу Кирани деб уйни бузишган ва йўлга чиқишган эди-да. Киранинг жингалак қилинган сочлари тўзғиб ёйилиб кетган. Кўзлари худди қон қуюлгандай қизил эди. У изғиринда бошидан рўмол тўхтовсиз сирғалиб тушаётганини пайқамас, пальто кияман деса, қўли сира енгини тополмасди. У бир уйдаги ўғай онасининг тобутидан иккинчи уйдаги акасининг тобути устига телбасаро бўлиб қатнар,— ундан ишқилиб ақл-хушини йўқотиб қўймасин-да деб, хавфсирашар, чунки буларнинг устига ҳали эрини жавобгарликка тортишлари мумкин эди.

Аҳвол шундай эдики, унинг эри икки карра айбдор бўлиб чиқмоқда эди: гап уй кўчириб бораётганида ҳам эмас, у темирйўл машинисти эди, махсус қўриқланмайдиган ўтиш жойларининг қондаларини яхши билар, бинобарин, станцияга бориб, трактор ўтади деб огоҳлантириши керак эди. Уша кеча Ўролдан келаётган тезюрар поездда чироқларнинг ғира-шира ёруғида пастки ва устки сўриларда тинчгина ухлаб ётган мингларча одамларнинг ҳаёт шамлари сўниши ҳеч гап эмасди. Бунга бир неча одамнинг молпарастиги, очкўзлиги, бир қарич ерни тезроқ эгаллаб олишга уриниши ёки тракторда бир марта қатнайман деб оёқ тираб туриб олиши кифоя эди. Фаддей бобонинг қўллари бузишни бошлаб берган ва шундан тавқи лаънат тамғаси босилган уй ҳам бунга кифоя қилиши мумкин эди.

Ҳар нечук тракторчи одамларнинг қарғиш-маломатларидан қутулиб кетди. Йўл бошқармасининг ўзи ҳам серқатнов чорраҳа қаровсизлиги, ҳам қўша паровоз чироғини

ёқмай келганлиги учун айбдор эди. Шу боис улар аввал барини ичкиликбозлик устига ағдармоқчи бўлишди, энди эса судни ҳам бости-бости қилиб юборишмоқчи.

Ҳали тобутлар уйлардан кўтарилмасдан, темирйўл ҳам, излар ҳам ишдан чиққанлиги учун поездларни уч кунгача бошқа томондан олиб ўтишди. Бутун жума, шанба ва якшанба кунлари — текшириш тугагандан то мавтлар кўмилгунча — чорраҳада куну тун тузатиш ишлари давом этди. Йўл тузатувчилар совқотиб, кечасию кундузи иккинчи чанадан атрофга сочилиб ётган текин тахта ва ёғочларни олиб гулхан ёқишар, ҳам исинишар, ҳам тунда атрофни ёритар эдилар.

Биринчи чана эса йўлдан пича нарида қандай бўлса, шундай бус-бутун турарди.

Биринчи чана тортадиган сими билан тап-тайёр тургани ва иккинчи чананинг ёғочларини ҳали гулхандан сақлаб қолиш мумкин бўлгани сабабли ҳам қора соқол Фаддей юраги ўртаниб ёнарди, шанба билан якшанбани у тамомила шундай васваса ҳамда изтироб ичида ўтказди. Қизининг аҳволи дам худ, дам бехуд, куёвининг иши судда, уйда ноком ўлган ўғлининг ўлиги ётар, ўша кўчанинг ўзида бир пайтлар суйгани, уни деб ўлган хотин — Фаддей тобут тепасида бир пагина тургани келар, соқолларини тўхтовсиз тутамларди. Унинг кенг манглайига оғир ўйлар соя ташлаганди. Лекин булар — бузилган уй ёғочларини ёниб кетишдан ва Матрёна сингилларининг мақру ҳийласидан қандай сақласам экан, деган ўйлар эди.

Талново одамларини бир-бир хаёлдан ўтказиб, Фаддей бобо қишлоқда ёлғиз эмаслигини англадим.

Тил ғалати қилиб бизнинг мулкимизни халқнинг ёки менинг, бизнинг молимиз деб атайди. Худди ана шуни бой бериш одамлар назарида жуда шармисорлик ва аҳмоқлик бўлиб туюлади.

Фаддей кўним билмай дам янги қишлоқ, дам станцияга қатнар, у бошлиқдан бу бошлиққа кирар, қотиб қолган елкасини тик тутиб, ҳассасига таянганча қарилгимни инобатга олинлар, деб ёлворар, бузилган уйнинг ёғочларини қайтариб беришларини сўрарди.

Ниҳоят аллаким рухсат берди. Шунда Фаддей бобо омон қолган ўғлонлари, куёв ва қариндошларини тўплади, колхоздан от сўраб олди ва темирйўлнинг нариги ёғидан уч қишлоқни айлантриб, қолган-қутган ёғочларни ўз ҳовлисига ташиб олди. Бу юмушни у шанбадан якшанбага ўтар кечаси охирига етказди.

Якшанба куни марҳумларни чиқардилар. Икки тобут қишлоқ ўртасида дуч келди, қариндошлар қайси тобут олдинда боради, деб тортишдилар. Кейин иккала тобутни катта кенг чанага ёнма-ён кўйишиб февралнинг яна юмшайиб қолган қори устидан биздан икки қишлоқ наридаги черков мазорига элтдилар. Ҳавонинг қовоғи солиқ, тумтайган эди. Ноҳавор шамол эсиб турарди. Поп билан дьякон черков ичида кутишмоқда эди, улар Талновони қаршилаб ташқарига чиқмадилар.

Қишлоқ четигача одамлар жўр бўлиб ўқиб бордилар. Оқиста-оқиста тўхтаб, кейин орқада қолдилар.

Якшанба олдидан уйимизда хотинларнинг келди-кетди, лозимомадлари авжга минди: момо тобут олдида ўтириб Забур ўқиди, Матрёнанинг сингиллари печка олдида об-овқатга қарашди, торф бўлаклари ланғиллаб ёнар, печнинг комидан алангайи оташ пуркарди. Матрёна узоқ ботқоқликлардан бежиз уларни қоплаб ташиб келтирмаган экан. Жўнроқ ундан мундайроқ таомлар пиширишарди.

Якшанба куни марҳумани ерга кўйиб келгач, кечга яқин уйга эслгани одамлар тўпланишди. Узунасига стол ясашди, эрталаб тобут турган ерга ҳам стол кўйилди. Аввал ҳаммалари стол атрофида тикка турдилар, қайнсингилсининг эри «Отче наш»ни ўқиди. Сўнг ҳаммага табоқчанинг тагига сув кўшиб қайнатилган асал солиб бердилар. Уни ҳаммамиз марҳумани хотирлашиб қуруқ ўзини қошиқ билан ялаб олдик. Сўнг нимадир чайналди, ароқ ичилди, гап-сўзлар ҳам шундан сўнг пича жонланиб қолди. Кисел ичишдан олдин ҳамма ўрнидан туриб «Вечная память»ни ўқиди (менга кисел ичишдан олдин албатта шуни айтилади, деб тушунтришди). Тағин ичишди. Овозлар баландлади, лекин гап Матрёна ҳақида эмасди. Қайнсингилнинг эри мақтанишга тушди:

— Имонбойлар, ҳов бугун сездингларми, айтимни бафуржа ўқишди? Падар Миҳаил менга кўзи тушгандан кейин шундай қилди. Расм-русумлардан яхши хабардор эканлигимни у билади-да. Бўлмаса, илло-билло деб тугатиб кўя қоларди.

Ниҳоят, зиёфат тугади. Яна барчалари ўринларидан турдилар. «Муносибдур...»ни ўқидилар. Яна уч карра такрорладилар: «Номи ўчмагай! Номи ўчмагай! Номи ўчмагай!» Лекин овозлар хириллаган, тумтароқ, башараларда мастлик нишонлари сирғалар, илло, энди ҳеч ким «Номи ўчмагай!»ни чин дилдан чиқариб айтмасди.

Кейин асосий меҳмонлар тарқашди. Энг яқин кишиларгина қолишди, папирос чиқариб чекишди, ҳазил-ҳузул, кулгилар эшитилди. Гап Матрёнанинг дараксиз кетган эрига бориб тақалди. Қайнсингилнинг эри кўкрагига муштлаганча менга ва Матрёнанинг сингилларидан бирининг этиқдўз эрига тушунтира бошлади:

—Ефим ўлган, ўлган! Нега энди қайтиб келмас экан? Э, мени ватанимда осаман десалар ҳам, бари бир қайтиб келардим!

Этикдўз маъқуллаб бошини лиқиллатиб ўтирарди. У қочоқлардан бўлиб, ҳеч қачон ватанидан нарига чиқмаган: урушнинг бошидан охиригача онасининг этаги тагида ўтирган.

Баланд печканинг устида ёши ҳаммадан улуг, бугун шу ерда ётиб қолган момо чурқ этмай вазмин ўтирарди. У юқоридан туриб эллик-олтмишга бориб қолган ёшларнинг маза-матрасиз гап-сўзларига энсаси қотиб қарарди.

Фақат шу уйда вояга етган асранди қизгина тўсиқнинг орқасига ўтиб ўша ерда юм-юм йиғлади.

Фаддей Матрэнани эслаш маросимига келмади — эҳтимол, ўзи ҳам ўғлига таъзиядор бўлгани учун келолмагандир. Лекин кейинги икки кун ичида у икки марта бу ерга қовоғидан қор ёлган ҳолда келиб, Матрэнанинг сингиллари ва этикдўз билан гаплашиб кетди.

Уй устида жанжал чиқди. У кимга қолади — сингилгами, асранди қизга? Гап судга ёзишга бориб тақалди, бироқ, суд уйни унга ҳам эмас, бунга ҳам эмас, қишлоқ Советига бериб юборади деб ҳадиксирадилар-да, ўзаро битишиб қўя қолдилар. Келишувга кўра, эчки — сингиллардан бирига тегди, уйни этикдўз билан хотини оладиган бўлди. «Мен бу уйнинг ҳар ёғочини ўз қўлимдан ўтказганман», деб даъво қилган Фаддейга кичик уйнинг ёғочлари тегди, эчки сақланган оғил билан ҳовли ва томорқа ўртасидаги деворни ҳам унга ажратишди.

Яна ажз ва оғриқларини енгиб тўймас бобо яшариб, дикирлаб қолди. Яна қолган-қутган ўғлонлари ва кўевларини жамлади, улар оғил билан деворни бузиб тахладилар, чол чорхариларни ўзи чанада ҳовлисига ташиди, охири Антошка икковлари чана тортдилар, 8-«Г»да ўқийдиган Антошка бу сафар ялқовлик қилиб ўтирмади.

Матрэнанинг уйи кўкламга доғур михланди. Мен шу яқин ўртада турадиган қайн-сингилникига кўчиб ўтдим. Қайнсингил турли сабаблар билан Матрэнани кўп эсларди, шу сабабли мен Матрэнани бутунлай бошқа томондан билдим.

— Ефим уни яхши кўрмасди. Яхши кийиниб юришни хоҳлайман, дерди. Хотини пала-партиш, ҳаммасини қишлоқчасига қилиб кетаверарди. Бир марта Ефим билан бирга шаҳарга тушган эдик, пул ишлаб келгани; шу-шу ўзига шаҳарлик бир оймчани топиб олди, Матрэнани бутунлай унутиб юборди.

У Матрэнанинг ҳеч бир ишини маъқулламасди: исқирт эди; мол-ҳол йиғай демасди; ўҳжаликни қаттиқ ушламасди; ҳатто чўчка ҳам боқмасди, негадир чўчқани жини суймасди; ғирт тентак, бегона одамларга текиндан текин кўмакларди (ҳозир Матрэнани хўп эслайдиган, Матрэна асқотадиган пайт келган — томорқани ҳайдаш учун қўшилишиб қўш тортадиган кимса қолмаган эди). Қайнсингил Матрэнани самимий ва соддадил эди деб тан олар, лекин булар ҳақида нафратланиб ва ачиниб гапирарди.

Қайнсингилнинг мана шу ёмонлашларидан кўз ўнгимда Матрэнанинг бутунлай бошқача бир сиймоси бирдан намоён бўлди. У билан шунча ёнма-ён яшаб мен буни англамаган эканман.

Рост-да! — чўчка қайси ҳовлида йўқ! Матрэнанинг чўчқаси йўқ эди. Очофат, дунёда еб-ичишдан бошқани тан олмайдиган чўчка боласини боқишдан осон иш йўқ! Кунига уч марта атала пишириб едир, уни деб яша, семиртир — кейин сўй, ана сенга гўшту мой! Матрэна эса боқмасди...

Мол-мулк йиғмасди... Нарсалар олай деб, ўлиб-тирилмасди, уларни кўз қорачиғидай асрашга вақтини кеткизмасди. Либослару безаклар ортидан қувмасди. Либос ёвузлар ва бадбурушларга посон бўлиб юриш учун керак.

Эри тушунмаган ва ташлаб кетган, олти сабийни ерга қўйган, лекин одамшавандликни асло қўлдан бермаган, сингиллару қайнсингилларга бегона, бошқаларга холис ёрдамлашадиган ва шунинг эвазига тентак номини орттирган Матрэна ўлимлигим деб ҳеч нарса йиғмади. Оқлар эчки, чўлоқ мушук, тувагуллар...

Биз ҳаммамиз у билан ёнма-ён яшадик, лекин у ўша мақолда айтилган фақир эканлигини тушунмадик, фақирсиз эса қишлоқ турмас.

Шаҳар турмас.

Жамики ер юзи турмас.

1959

## ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ ҲАММАГА КЕРАК

«Новий мир» журналининг 1962 йил ноябрь сонидида шу кунгача номи адабиёт оламига ҳали унчалар таниш бўлмаган Александр Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир кунини» деган повести чиқди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу асар ижтимоий ҳаётда ҳам, адабий ҳаётда ҳам янги давр десакмикин, бошланганидан дарак берди. Повесть атрофида жуда катта ва қизғин баҳслар бошланиб кетди. Улар бизда ҳам, чет элларда ҳам узоқ давом этди. Уша пайтдаги сўхбатлардан бирида навқирон ғайрат билан қатор-қатор лирик қиссалар ёзаётган Одил Ёқубов: бу асарнинг қиёши инқилоб билан баробар бўлди, деган эди. Шундан сўнг Александр Солженициннинг бирин-бирин кўпгина ҳикоялари, қиссалари дунёга келди.

Солженицин ўз ижодини ва умрини сталинча тоталитар социализмнинг ғайриинсоний моҳияти ва ғайриахлоқий қиёфасини очишга бағишлади.

Александр Солженицин уруш тугар-туғамаяк, ҳали ҳарбий қисмларда ҳалол хизматини адо қилиб юргандаёқ, сиёсий шубҳага олиниб қамалган ва шундан эътиборан то 1953 йилнинг мартагача лагерларда азоб чеккан эди. 1953 йилдан 1956 йилгача у сургунда яшади. Кўпроқ Қозоғистоннинг Жамбул вилояти Кўктерак районида турди. Шу йилларда у ўзини-ўзи ёзувчи ва жамоатчи, сиёсий курашчи сифатида кашф қилди. Тинмай ишлади. Тинмай ўқиди. Достоевский, Толстой, Пушкин, Даль — у ҳар кун севиб ўқийдиган адиблар эди. Мана шу ерда ва мана шу йилларда «Ун тўртинчи йил август», «Саратон бўлими» («Раковий корпус»), «Архипелаг ГУЛАГ», «Қизил ғилдирак» сингари улкан асарларга асос солинди.

Александр Исаевич Ўзбекистонга ҳам бегона эмас. У Тошкентга уч марта келган. 1950 йил бошларида у Жамбулда касалга чалиниб қолди. Врачлар қорин бўшлиғида шиш борлигини айтишди. Тошкентга бориб даволанишни тавсия этишди. Солженицин эллик учинчи йилнинг охирларида Тошкентга келди ва Тошкент медицина институтининг ўн учинчи корпусида бир неча ой даволанди. Рентген нурлари билан унинг қорнидаги шишни йўқотишга муваффақ бўлдилар. Улимни бир қарра бўйнига олиб қўйган Александр Исаевич бундан ғоятда хурсанд бўлиб кетди. У кўп ўтмай, 1954 йилнинг ёзида (21 июнда) врачларга яна кўрсатиш учун тагин Тошкентга келди. Яхши муолажа туфайли (Александр Исаевич табиблар тавсияси билан иссиққўл илдизини ҳам анча вақт қайнатиб ичган эди) у бутунлай соғайиб кетди. Унда улкан умид бош кўтарди.

Александр Солженицин учинчи марта Тошкентга 1964 йилнинг баҳор ойида, мартнинг иккинчи ярмида келди. У «Тошкент» меҳмонхонасида турди. Тошкент баҳори унга хуш муждалар келтирди. У Тошкентни кўп айланди. Ўзи даволанган ТошМида бўлди, одамлар билан учрашди. Бу пайт унинг хаёлида «Саратон бўлими» асарини ёзиш режаси этилган эди.

Олтамишчи йилларнинг охирларида Хрущев замонасининг илиқликлари бутунлай барҳам топиб, тургунликнинг совуқ шамоллари эсиб, жамият ҳаётини ичдан қурита бошлаганда, ҳур фикр ҳар томондан қувғинга олинди. Айниқса, чет элларда «Архипелаг»нинг босилиб чиқиши ва Солженицинга Нобель мукофоти берилиши (1970 йил) сталинчи амалдорларнинг қаҳр-ғазабини кўзғатди. Солженицин оғир тазйиқ ва қувғинга учради, СССРдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Ҳозирда Александр Солженицин Американинг Бермонт штатида хотини ва уч ўғил фарзанди билан истиқомат қилади. АҚШда адибнинг ўн саккиз жилдлик асарлари мажмуаси эълон қилинди.

1988 йил декабрь ойида Александр Солженицин етмишга тўлди. Шу муносабат билан Иттифоқ адабий жамоатчилиги улкан ёзувчининг асарларини чиқариш учун жуда катта жиддий ҳаракат бошлади. Узоқ йиллик совуқчиликдан сўнг марказий матбуот саҳифаларида Солженицин тўғрисида бир қанча мақолалар, сўхбатлар чиқди. «Новый мир» журналі ёзувчининг «Архипелаг» асарини босди. «Советский писатель» нашриёти Солженициннинг саккиз жилдлик мажмуасини нашр этиш ишларини бошлаб юборди. Москва ва Ленинград қалин журналлари 1990 йилда унинг «Саратон бўлими», «Илк даврада», «Қизил ғилдирак», «Болутга калла урган бузоқча» сингари асарларини чоп этиш ҳақида хабарлар чиқарди. Ҳозир адиб ўн жилддан иборат «Қизил ғилдирак» романининг охириги жилди устида ишляпти.

«Шарқ юлдузи» журналі эътиборингизга Солженициннинг энг яхши ҳикояларидан бирини ҳавола этди. Бу асар илк марта 1963 йил январда «Новый мир» журналіда чиққан эди. Унда адиб оддий деҳқон аёл — оддий инсоннинг гўзал ва олийжаноб сиймосини яратишга бел боғлаган. Адиб гўзалликни — соддалик, самимийлик, инсонийликда кўради ва худди Пушкин, Толстой, Достоевский каби шу хислатлар ҳақида дoston яратади.


Солженициннинг тили ниҳоятда тиниқ ва ғоятда бойдир. У ғоятда аниқ фикрлайди ва ҳеч қачон олиб қочмайди, сўзни бекорга исроф қилмайди.

Ва ниҳоят, бу ҳикояни адибнинг ўзи «Не стоит село без праведника» деб номлаган. Лекин Александр Твардовский бу ҳикояни «Новый мир» журналіда босаётганда унинг номини нима учундир «Матрёнин двор» деб ўзгартирган, воқеа бўлиб ўтган йилни ҳам 1956 йилдан 1953 йилга кўчирган (ҳикоядаги воқеалар Хрущёв замонидан олдин ўтган деган маънода). Биз ҳикоянинг бутун мазмуни, моҳияти адиб қўйган номга чамбарчас боғлиқ эканлигини назарда тутиб, ўша мақол, ўша номнинг ўзбекча ифодасини топишга уриндик. Фақир — бу ерда ўта камтар, қашшоқ, оддий, самимий, кишиларга бағри ва меҳри очиқ одам маъносиде келади. Виждонга хилоф иш қилмаган кишининг юзи доим гўзал ва тозадир, дейди адиб. Фақир — таъбир жоиз бўлса, ана шундай ҳеч қачон виждонига тескари иш қилмайдиган одам.

Ниҳоят, охириги сўз: «Иван Денисовичнинг бир кунини» ахири Твардовский ўз журналіда босадиган бўлганда, Солженицин бундан боши осмонга етиб: «Ана энди менинг юлдузим балқиди!» деган экан.

Бу юлдуз биздан қанчалар узоқ бўлмасин, унинг нури ер юзига, ер юзиде яшайдиган барча одамларга керак. Шу юлдуз бўлмаса, зулмат қуюқроқ, шу юлдуз балқиб турса олам мунавварроқ бўлажак.

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**  
**Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат**  
**мукофоти лауреати.**



# Мероси мизни ўргандимиз

XV асрнинг биринчи ярмида Балхда яшаб ижод этган, ўзбек ғазалчилиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мавлоно Атойидан бизгача 260 ғазалдан иборат ягона девон етиб келган. Номалум котиб томонидан тахминан XVI асрда кўчирилган бу девон ҳозир Ленинградда, СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Шарқ кўлөзмалари бўлимида 22 В—2456 рақами билан сақланади.

Девонни биринчи бўлиб, марҳум шарқшунос олим А. Н. Самойлович 1927 йилда тадқиқ қилган ва 17 ғазални араб имлосида нашр этган.

1928 йилда профессор Фитрат А. Н. Самойлович эълон қилган ғазаллардан 15 тасини «Ўзбек адабиёти намуналари» китобининг 1 жилдига киритди. Кейинчалик фольклоршунос ва адабиётшунос олим Ҳоди Зариф «Навоий замондошлари» тўпламида (1948 йил) девондан 88 ғазални эълон қилди. Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов эса алоҳида сўзбоши билан «Отойи» тўпламини (1958—1960) нашр этиб, унга шоирнинг 173 ғазалини киритди. Эргаш Рустамов нашрига киритилмаган 77 ғазал ҳозирги кунга қадар бирор киши тарафидан нашрга тайёрланиб эълон қилингани йўқ.

Атойи ҳассос лирик шоирдир. Атойи ўзбек адабиётида севги лирикасининг гоёвий-бадий жиҳатдан бойишига муносиб ҳисса қўшди. Инсондаги нозик туйғу — ишқни бутун мураккаблиги билан куйлади, маъшуқа ҳусни-жамоли, ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари, унга талпинишлари, ошиқ ва маъшуқа орасидаги муносабатлар ғазалларида санъаткорона акс эттирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирга қадар Атойи ижоди бир ёқлама баҳоланиб, у куйлаган ишқни фақат инсоний муҳаббатга, реал борлиққа қаратилган деб келинди. Унинг тасаввуфга ва динга оид ғазаллари моҳияти очиб берилмади. Ҳолбуки, бу ғазалларда соф инсоний муҳаббат, ҳаётнинг, умрнинг ғаниматлиги, ширинлиги билан бирга, мажоз, сўфиёна образлар орқали илоҳий ишқ ҳам тараннум этилган.

Атойи ғазалларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, уларнинг яхши маънода содда, равон ҳамда халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанглиги билан белгиланади. Юқорида қайд этилган 260 ғазалдан 109 тасининг халқ қўшиқларига мос рамали мусаммани мақсур вазнида битилгани фикримизнинг исботидир.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»да ёзишча, мавлоно Атойи Исмоил ота фарзандларидан бўлиб, «дарвешваш», «хушхулқ», очик кўнгил (мунбасит) киши ҳисобланган. Шоирнинг шеърлари туркона (содда туркча) бўлиб, атрок (турклар) орасида «кўб шухрат» топган.

Атойининг ўзи бир ғазалида:

Атойи шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дин кечгай Хўжандий —

дея, ҳақли равишда фахрланган эди.

Биз, Атойининг чоп этилмаган 77 ғазалини биринчи марта нашрга тайёрладик. Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган ғазаллар ўша китобдан олинди.

Сайфиддин РАФИТДИНОВ.

Атойи

## ҒАЗАЛЛАР

*Аёқинг тупроғи бирла қасамким,  
Манга сенсиз пари қайси, санам ким?*

*Кўнгул матлуби ҳуснунгдур манга, бас,  
Вафо ё жуду ё зулму ситамким.*

Жамолинг партавидур жумла олам,  
Куништу дайр, ё байт ул-ҳарамким.

Чу йўқтур вожиби мутлақдин ўзга,  
Вужуди мумкину баҳси адамким.

Аҳаддур аслу фарғу жумла аъдод,  
Ҳисоби беадад бисёру камким.

Бани қавли била инсондин ўзга,  
Маҳалли аршу курсую қаламким.

Бу кун кўюнгада итлар зумрасинда,  
Атойитек азизу муҳтарам ким?!

\* \* \*

Эй бегим, то бастаи зулфи сиёҳингмен санинг,  
Кўз учиндин мубталойи бир нигоҳингмен санинг.

Куллугунг бирла жаҳон машҳури бўлдум оқибат,  
Демадинг бир кун, қулим, кел, подишоҳингмен, санинг.

Охир, эй сарви хиромоним, ўтарда лутф этиб,  
Бир юзумга бос қадамким, хокироҳингмен санинг.

Гарчи ўлтурдунг мени, сансиз тирилган жирм<sup>1</sup> учун  
Ҳашрда мен ҳам бу кўздин шармисорингмен санинг.

Тири оҳиндин Атойининг ҳазар қил ҳар кеча,  
Мен дуойи субҳ ила гарчи, паноҳингмен санинг.

\* \* \*

Марҳабо ул жонким, анинг сен бикин жонони бор,  
Сояйи сарви қадингдин умри жовидони бор.

Мен эмасмен ёлгузун вола кўзинг фаттонина,  
Гўшаларда юз менингдек волаву ҳайрони бор.

Оташин лаълингни кўнглум севганиндин ёзғуруб,  
Неча куйдурдунг мени, охир кишини жони бор.

Не ажаб, гар бир кун ул тутса ўзин кўктин азиз,  
Ким санингтеқ андин ортуқ кўзлари чўлпони бор.

Ҳеч кофар куфрини жамъ этмади иймон ила,  
Турфа кофардур кўзингким, куфр ила иймони бор.

Зулм ила ҳошо буза олғай кўнгил шаҳрин рақиб,  
Хосса ул шаҳреким, анинг сен бикин султони бор.

Гарчи йўқ сўздур Атойи шаккар оғзинг фикрида,  
Сориғ олтундек юзинда юз дури ғалтони бор.

<sup>1</sup> Жирм — жусса, гавда, бир нарсанинг борлиғи

Ҳажринг ғаминда бўлди таним пора-пора қил,  
Қилча жонимни ол, дағи дардимға чора қил,

Хуснунг сўзин юз ўтру десам, юз кўрар десанг,  
Ол кўзгу, сунъи ҳақни ўз-ўзинг назора қил.

Таркиби суратингни қилурда фариштага,  
Кўнглунгни тангри деди: «Санги хора қил».

Дерлар, юзунгни ой, шайдониким на билгай кўк,  
Ул ой қошинда нетай, мени бир ситора қил.

Гар хокий ўлсам ул майи лаълинг хаёлидин  
Ғам тоши бирла шишайи кўнглумни пора қил.

Қон ютқонимни ғунча бикин, эй сабо ели,  
Бир субҳидам ҳикоят ушул гулузора қил.

Тут гўшае, Атойи, санамлар кўзи бикин,  
Соҳибназар бўл, аҳли жаҳондин канора қил.

\* \* \*

Ушалким, журъае ичти майи васли нигориндин,  
Фалак ичрур анга қонлар, баса ҳижрон хумориндин.

Не дилбардин вафо бир дам, не ёри ҳамнишин, ҳамдам,  
Тугунилди бу дил пурғам жаҳоннинг кору бориндин.

Нечаким ихтиёр эттим, санга ҳолимни сўзлай деб,  
Вале ақлим сани кўргоч, кетар ўз ихтиёриндин.

Бўюнг нахли ҳавосинда чу бўлди ҳимматим оли,  
Маозаллоҳ! Ки, ёд этсам, чаман сарву чинориндин.


Раводур ҳажр хориндин, чу булбул, бағри шишланса,  
Шикоят бирла тил очған киши ул гулузориндин.

Кўнгул зулфдин узамен деб, қарор этти кўзунг бирла,  
Қарорсун, гар ёнар бўлса, ўзи қилғон қарориндин.

Юзунг ишқинда жон берди, Атойи хори ғам бирла,  
Ажаб эрмас, агар бутса, гули раҳмат мазориндин.

—





# Тарихимиздан лавҳалар

Герман Вамбери



Асардан парчалар<sup>1</sup>

Нашрга тайёрловчи  
Сирожддин АҲМАД

Арабларнинг ҳужуми, исломни қабул қилиш  
Ҳижрийнинг 46—96 йиллари (666—714)

Улуғ исломнинг таянчлари Ғарбий Осиёда барпо қилингандан кейин арабларнинг ғолиб кўшинлари буюк Искандар йўли билан Мовароуннаҳрга кириб келдилар. Зиёд бин Абу Суфён 46 (666) йилда лашкарбоши Робиъ бин ал Ҳорисни Ироқдан Хуросонга кўчирди. Сосонийларнинг энг сўнги подшоҳининг фитнаси ила ҳосил бўлган паришонликдан фойдаланиб, араблар Шарқий Эронда ўзининг йўлида учраган ҳар нарсани дуч келган жойда хароб этди ва ғолиб байроғи билан Балхга кириб борди. Бу шаҳар Мовароуннаҳрнинг жанубий дарвозаларидан бири саналади. Бу ерда туриб, Сўғдиённинг бойлиги ҳақидаги хабарларни эшитган, ғалаба ва ўлжага нақадар суқ бўлган арабларнинг бу ўлжага кўз тикиши табиий эди. Улар аввало фатҳ этиш режалари билан Сирдарё бўйларигача келдилар.

Буларнинг муваффақиятлари нақадар катта, қўлга киритган ўлжалари нақадар кўп эканини шундан билиш мумкинки, Зиёднинг вафотидан тўрт йил ўтгандан кейин ҳам (у 50 (670) йилда вафот этди) унинг ўғли Убайдулло Муовия Бухорога яна кўшин юборди. Бу иккинчи ҳужум жиддийроқ суратда ўтди. Убайдулло бин Зиёд энг қадимги савдо маркази ва жуда бой пойтахт бўлган Байканд шаҳрига тажовуз қилиб, уни узоқ қамал этганидан сўнг босиб олди. Бу 53 (672) йилнинг охири эди. Хотун подшоҳ турк аскарларини ёрдамга чақирди. Араблар ўзларининг манжанақлари билан шаҳарни тамом қамал қилгандан кейин Бухоро подшоҳига ёрдамга келувчи турклар Убайдулло бин Зиёдга

<sup>1</sup> Биз бу асардан олинган бобларни Бухоро Халқ Маориф Назорати нашрига (Москва, 1924 й), Павловскийнинг русча таржимасидан Фотиҳ Каримий ва Бурхон Шарафнинг туркчага қилган таржимасига суяниб, бугунги ўзбек тилига мослаштириб тайёрладик.

орқадан ҳужум қилдилар. Убайдулло мудофаада туриб, бу юртликларга кўп зиён етказгач, Бухорони қамал қилишдан воз кечиб, Марвга қайтишга мажбур бўлди. (Табарийнинг ёзишича, Убайдулло Тошкентгача келган.)

Муслмонлар бу ердан жуда кўп хазина, қуроллар, кийимлар, олтин-кумуш нарсаларни ўлжа олдилар. Булар орасида Хотун подшоҳнинг ноёб жавоҳир билан безатилган этиги саҳройи арабларни ниҳоятда ажаблантирди. Бу йигирма минг дирҳамга баҳоланган эди. Улар орқага чекиниш пайтида, йўлда қасос учун жуда кўп қарияларни ўлдиришган, ҳаттоки дарахтларни кесиб ташлашган эди. Араб тарихчиси шундай ёзади: «Хотун подшоҳ Бухоро ўлкасини хароб бўлишдан ва хавфдан қутқариш учун Убайдулло билан сулҳ тузиб, унга ҳар йили бир миллион дирҳамдан тўлаб туришга ваъда берган» эди.

Лекин биз кўрамизки, бу воқеадан уч йил ўтар-ўтмас араблар Саъид бин Усмон кўмондонлигида Хотун подшоҳга қарши такоран ҳужум бошладилар. Хотун подшоҳ Убайдулло билан сулҳ аҳдига вафо қилиб, арабларнинг кўмондонига хирож юбориб кўрди, аммо тадбирлари фойда бермади. Саъид ўз халқининг аҳдига вафо қилмади. Хирожларни қайтариб юборди ҳамда ҳеч бир маъносиз равишда Бухорога бориб етди. Ўз раъиятининг итоатсизлиги туфайли содир бўлган кўпгина жанжаллар оқибатида заифлашиб қолган Хотун подшоҳ бу сафар душман билан жангга кириша олмади. Сулҳ тузди. Саъид ўзи кетган вақтда ишонч қозониш учун гаров сўради. Хотун подшоҳ оғаларидан саксон кишини унга гаровга берди. Шу билан ўзининг энг қўрқинчли ташқи душманларидан халос бўлди. Сулҳ аҳд қилингандан кейин мағрур араб Хотун подшоҳни ўзининг лашкаргоҳига келишини талаб қилди. Фавқулодда гўзал бўлган Хотун подшоҳ жуда аъло ва зийнатли кийимларда шавкат билан бориб, арабни қаттиқ таассуротга солди. Унинг юраги ишқ ва орзу билан тепди ва бу ҳар иккисининг орасида муносабатга сабаб бўлди. Бу воқеа кўшиқларда куйланиб, уни Бухоро халқи бир неча асрлар мобайнида айтиб юрди.

Бухоро шу йўл билан олингач, Саъид Шарқ тарафга, Сўғдиёнга ҳам Самарқанд шаҳарларига ҳужум қилди. Уша пайтда Самарқанднинг подшоси йўқ эди. Уни Сўғддан тайин этилган турк тархони идора қилиб келган. Араблар ҳужум қилиб, Самарқандни ҳам эгалладилар.

Саъид орқага, Хуросонга қайтганда, Бухорога киргач, бухороликлар ундан гаровларни қайтариб беришни сўрашган. Саъид бунини Амударёнинг нариги қирғоғига чиқиб олгандан кейин қайтаришга ваъда берган. Ундан сўнг бу ишни Марвга бориб етгунча кечиктирган, сўнгра гаровга олинганларни Нишопурда озод қилишни ваъда қилган. Нишопурда эса Куфада озод қиламиз, деб айтган. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг мўътабарлари Зарафшоннинг гўзал соҳилларидан ясси Арабистон саҳроларига ғанимат-ўлжа бўлиб борганлар. Саъид Мадинада уларнинг қиличларини, жавоҳиротли камарларини, кийимларини шилиб олиб, у мағрур бекзодаларни қулларга айлантирган. Лекин бу воқеа уларни қаттиқ ғазаблантирган ва улар қасос олиш учун Саъиднинг саройига ҳужум қилиб, уни саройда қатл қилганлар, ундан кейин ўзларини ҳам ўлдирганлар. Бу воқеа Язид бин Марвон халифалиги замонида бўлган эди.

Бойиб қайтган араблар узоқ Сўғднинг ажойиботи ҳақида сўзларини қавмдошларига айтиб тугатгунларича, Бухорода араб ҳокимига қарши исён кўтарилади. Саъид ўрнига Хуросонда амирликка тайинланган Муслим бин Зиёд кўп аскар билан Амударё ёқасига сафар этишга мажбур бўлади, Хотун подшоҳ ёрдамга яна турк курашчиларини чорлайди. Туркистон шимолидан 120 минг турк ёрдамга етиб келади. Лекин араблар туркларнинг сонини ҳамда вазиятини ўрганиб бўлгунча ҳужумни кечиктирдилар. Муслим бин Зиёд ўзининг яқинларидан аскарбоши Маҳлабга туркларни исткишоф (разведка) қилишни топширди. Маҳлаб бу ишга бошқа бировни, унчалик катта амалдор бўлмаган бир кишини юборишни маслаҳат солди. Лекин Муслимнинг иккинчи мартаба фармонидан сўнг бу ишни бажаришга киришди. Ҳар бир қисмдан бир нафардан аскар олиб, тунда яширин равишда йўлга тушди. Иккинчи кун эрта билан Муслим ўз аскарларига Маҳлабни юборганлигини эълон қилди. Араблар бу ишдан ташвишга тушиб: «Сен амир Маҳлабни ўлжаларни олиш учун юборгансан. Агарда жанг қилиш керак бўлса, энг олдин бизни юборар эдинг» деб айтдилар. Жуда кўп одамлар ҳирс ва интизомсизлик билан Маҳлабнинг ортидан кетдилар ҳамда уни қувиб етдилар. Маҳлаб уларга деди:

«Сиз бизни ночор этдингиз. Биз бу ерга хуфя (тил) олиш учун келган эдик. Сиз бизни душманга сездириб қўйдингиз. Энди иш ёмон бўлиши мумкин». Шундай бўлса-да, Маҳлаб хотиржамлигини йўқотмади. Узининг ёнидаги аскарларини қўшиб 900 кишини санади. Аскарлар сафга тизилиб улгурган соатдаёқ турклар майдонида жангга ундовчи бурғу товуши эшитилди. Улар дарҳол ҳужум этиб, араблардан 400 кишини қиличдан ўтказдилар, бошқаларини қочишга мажбур қилдилар. Маҳлаб ўзининг бир ҳовуч кишилари томонидан ўраб олинди ҳамда ушбу ғоятда қўрқинчли ҳолда у бир наъра уриб қичқирди. Наршаҳийнинг ривоятича, унинг товуши ярим фарсаҳ узоқликдаги араблар лашкаргоҳига эшитилади. Уша заҳоти Абдулла бин Жадон қўмондонлигида бир қисм аскарлар унга ёрдамга етиб келиб, жангга киришадилар. Маҳлаб ҳамда йўлдошлари ўз аскарларини кўргач, яна охирги кучни йиғиб жангни давом эттиради. Турклар мағлуб этилгач, ҳар бир араб аскарига 10 минг дирҳамдан берилади. Бу аҳволда Хотун подшоҳга таслимдан бошқа ҳеч бир чора қолмайди. У сулҳ тузади. Араблар Марвга қайтиб кетадилар.

Аммо бу қайтиб кетиш хароб бўлган Мовароуннаҳрни тинчлантириш учун эмас, балки бу тўрт мартаба ҳужумдан сўнгра такроран ҳужум қилиш учун эди. Бу дафъа ҳужумда амир ўзининг тадбиркорлиги, ғайратлиги билан кўҳна эрон маданияти бешигини тамом сўндириб, араб пайғамбарининг таълимотини энг узоқдаги Тяншан тоғларигача тартиб этишга муваффақ бўлди.

Бу амир — Қутайба ибн Муслим эди. Ҳажжож 86 (705) йилда унга Мовароуннаҳрни фатҳ қилишни топширди. Эндиликдаги мақсад — туркларнинг бу ўлкасини талон-тарож қилиш, чекиниш ҳақида ўйламасдан, мамлакатни тамом бўйсундириш ва мусулмон этиш эди. Қутайба бу йўлда аввало жанубдаги энг биринчи қалъа — Балхни фатҳ этишга қарор қилди. Узининг Марвга йиғилган аскарларини Қутайба ваъз ва насиҳат ҳамда қуръон тиловоти билан тегишлича ҳозирлагандан сўнг, минбардан тўғри ўзининг сафар отига минди. Шундан жангга кетди. У қадимги Бақтрияга бориб етар-етмас, Балх аҳолиси унинг истиқболига чиқдилар, уни ҳурмат ва таъзим ила ўзларининг шаҳарларига олиб кирдилар. У шаҳарда халифанинг ҳокимиятини қарорлаштирди. Кейин Амударё орқали айланиб, ҳозирги Чоржўйдан ўтиб Марвга қайтди. Шу ердан 87 (705) йилда Мовароуннаҳрни истило қила бошлади. У энг аввал Байканд шаҳрига қарши юрди. У саҳрода бир манзилга етгач, турк аскарлари билан тасофиған тўқнашди. Турклар лашкари сон жиҳатидан Қутайба аскаридан кўп эди, шунинг учун улар тарафидан қаттиқ муҳосара қилинди. Шу сабабли бир неча ойлар ундан ҳеч бир хабар бўлмади. Ҳажжож аълои калиматуллоҳ учун жиҳод қилиб, хавфли ҳолга тушган мужоҳидлар учун нажот тилаб дуо қилурга бутун аҳли исломни даъват этди. Бинобарин Қутайба ҳалокатдан қутулди. Туркларнинг нақадар кўплиги ҳам, Ҳажжожнинг вафоти ҳақида ёлгон тарқатган бухороликларнинг ҳийла ва макрлари ҳам унинг темир каби собитлигини синдира олмади. У турклар билан жангга киришиб, бир кунлик урушдан сўнг уларни енгди. Буларнинг бир қисми қочдилар, бир қисми эса метиндек қаттиқ бўлган Байкандда яшириндилар. Бу вақтда қалъа қамал қилинди. Бу қамал даврида араблар кўп талафот бердилар. Уларнинг ўн беш кунлик жанглари бекор кетди. Шундан кейин қалъанинг девори тешилди. Қутайба қалъага биринчилар сафида борган ва шаҳид бўлган кишиларнинг болаларига катта мукофот ваъда қилди. Бу ваъда таъсир этиб, араблар қалъани ишғол этдилар.

Лекин Қутайба шаҳардан кетгач, Байканд аҳолиси исён кўтаргани ҳақидаги хабарни эшитди. У ерда воли (ноиб) этиб қолдирилган Варқа бин Насрулбаҳоли ҳамда унинг ёнида бўлган мужоҳидлар қатл этилган. Тўғри, араблар бу балони ўз бошларига ўзлари солишган. Варқа байкандлик бир одамнинг икки гўзал қизини ҳақорат этган, бу одам ўз оиласининг масҳара қилингани учун қасос олиб, Варқага қилич урган. Шундай бўлса-да, Қутайбанинг ғазаб ва ғалаёнига ҳеч бир ҳад ва чегара бўлмади. У шаҳарга қайтиб келиб, ҳаммаёқни бузиш ва ғорат қилишга буюрди. Қилич ушлашга қодир эркакларнинг барчасини ўлдиришга, хотин-қизларнинг барчасини асир олишга буйруқ берди, ҳатто туркларнинг бир кўзи кўр сардорига ўз хунини тўлаб, омон қолишга ҳам руҳсат бермади. Ривоят қиладиларки, асл Байканд аҳолиси, кўпроқ бой савдогарлар, Чин ва бутун жаҳон ила савдо этувчилар бу уруш вақтида шаҳарда бўлмаганлар. Улар қайтиб келишганда, ўзларининг хотин-қизларини тавон

тўлаб, араблардан қайтиб олганлар. Шаҳар сал тузалган. Яна тездан араб истилоси остида қолган харобалар ичида энг гўзал бир шаҳар пайдо бўлган. Байканд бутун Мовароуннаҳрнинг жанубий ғарбий эшиги бўлганидан уни фатҳ этиш араблар учун муҳим аҳамиятга эга эди. Сўғд ва Ромитандан кейин энг тараққий этган бу шаҳарда фотиҳлар беҳисоб ўлма-бойликни қўлга киритган эдилар. Масалан, бир бутхонада 40 минг дирҳам оғирликда соф олтиндан ишланган санамлар бўлиб, биттасининг кўзлари ўрнида каптар тухумидек иккита инжу бор эди. Қутайба буларни ўлжанинг бир қисми билан бирга Ҳажжожга юборди. Ҳажжож бунга ташаккурномасида ўзининг таажжубини билдирди.

Арабистон бадавийларининг бу мағлублар тарафидан тўпланган хазиналарга нақадар очкўзлик, ҳирс билан тўхтовсиз ҳужум этганларини тушуниш мумкин. Бадавийларнинг энг орзу қилган нарсаси қурол эди. Осиёнинг бу ўлкаси қадимдан буён қуролни мустаҳкам ҳамда гўзал ишлаш билан машхур эди. Гарчи аскарларга Байкандда ишланган қуролнинг асосий бир қисми тақсим ва сийлов қилинса-да, харидор кўплигидан аслаҳанинг нархи шу қадар кўтарилдики, бир сипар 70 дирҳам, темир совут 200 дирҳам, қалқон ундан ҳам қимматроқ бўлди. Аскарлар оз эди. Чунки Мовароуннаҳр жангларида энг муҳим мавқега эришган Бани Тамим, Бакри, Абдулқайс қабилаларининг ўзларигина аскарликка 21 минг киши (ҳаммаси бўлиб 41 минг) берган эдилар. Одамдан камчилик бўлмаса-да, араб аскарлари қуролининг кўплиги ила фахрларнарилик даражада эмасди. Қутайбанинг истилосидан, хусусан, Туркистон саҳро вилоятларининг жануб тарафларини забт этгандан сўнг бошқа жойларга ҳужум камроқ уюштирилди, чунки босқинчиларга қурол ҳалиям етишмас эди. Дарвоқе, Бухоро билан душманлик муносабати вужудга келишига Қутайбанинг ўзи сабабчи бўлди. Унинг ҳарбий режаси — мудофаа учун анчагина ноқулай бу шаҳарни энг аввал шимолдан ҳамда шарқдан келадиган ёрдамчи турк аскарларидан кесиб қўймоқ эди. Сўнгра эса, энг аввал Вардон (ҳозирги Вардонзе), Ромитан ҳам Сўғддаги кичик мустақил хонликларни забт этмак эди. Унга Ҳажжож шундай ҳаракат қилишни амр этганди. Қутайба 89 (707) санада Кеш (Шаҳрисабз)ни ҳамда Нахшаб (Қарши)ни фатҳ этди. У 90 (708) йили Вардон устига юришни ният қилди. Лекин бу ниятни амалга оширмакчи бўлганда ўзи ўйламаган қаршиликка дуч келди. Турк хонлари унга қарши тadbир кўриб ўзаро битим туздилар ҳамда бирлашган кучлари билан Қутайбани йўлда тўхтатдилар. Бу гал Бухоро атрофидаги, бутун Мовароуннаҳр ҳамда Сўғд хонлари тўпландилар, Фарғона подшоси ва Узоқ Шарқдан Хитой ҳоқонининг укаси, «Кўримғон» деган бир киши уларга қўшилдилар. Улар гўё умумий таҳликани ҳис қилиб, бирлашган кучлари билан араб истилосини тўхтатишга қарор қилган эдилар. Бу пайтда Вардонга етиб келган Қутайба улар томонидан тазйиққа учради. Буни Табарий жуда яхши тасвирлаб берганини кўриш мумкин. Тарихчининг ривоят қилишича, ҳар тарафдан сиқиб қўйилган араблар, қатъий мағлубият таҳликасини кўргач, уларнинг хотинлари хунук товуш билан уввос солиб, юзларини тирнадилар. Лекин Қутайбанинг таъсирчан нутқлари арабларнинг руҳини кўтарди: «Ўғилларим, олға! Бу туркларни сиз даф этишингиз керак!» деб у турли қабилаларга хитоб қилди. Унинг даъватига аввало тамим қабиласи қўшилди.

Унинг аскарбошиси жанговар Ҳузайм, қабила раиси Вакиъ бин Абу Асвадининг амри билан биринчилардан бўлиб майдонга кирди. Табарий айтгандай, арабларнинг бу жангда ғалаба қозонишгани шубҳалидир. Лекин шуниси аниқки, араблар бунда туркларнинг сафларини бузишга муваффақ бўлдилар. Улар бу ишни сиёсий макр билан амалга оширдилар. Жангда муваффақият қозона олмаслигига қаноат ҳосил қилган Қутайба бирлашган туркларнинг иттифоқини бузишга қасд этди ҳамда бунга эришди. Чунки иттифоққа садоқат туркларнинг миллий хусусиятларидир. Иттифоқчилар қўшини орасида энг кўп аскарни Сўғд подшоси қўйган эди. Шунга кўра, аввало уни бошқалардан айириш ва урушдан тўхтатиш керак бўлди. Қутайба бу сиёсий фитнани ишлаб чиқишни Ҳаён Набатий номли кимсага топширди. У бир жанг пайтида, ниҳоятда яширин суратда, Сўғд подшосига «иттифоқчилар сени тахтдан маҳрум этишга қарор қилдилар», деган хабарни етказди ва мазкур режани амалга ошириш учун Қутайбанинг бу тарафдан кетишини кутмоқдалар, деди унга. Маккор

араб яна бунга илова этиб: «Биз бу ерда йилнинг иссиқ ойларидагина қола оламиз. Қиш келиши билан биз иссиқ тарафларга қайтишга мажбурмиз. Аммо сен ўзининг шимол тарафдан келган иттифоқчиларингни унутма. Уларни Сўғдиённинг гўзал фаровонлигидан айириб, қайтариб юбориш осон бўлмас. Энг яхшиси шу Ўлурки, сен биз билан сулҳ тузгил. Аммо иттифоқчиларингга «арабларга Ҳажжож Кеш ва Нахшаб орқали жуда кўп ёрдам юборибди. Мен шундан кўриб сулҳ туздим», дегайсан. Бу сенинг ишингга мақбул узр бўлади. Аммо бизнинг хусусда комил амин бўлурсан», деди. Сўғд хонига бу қаттиқ таъсир этди. Туркларнинг хиёнатчилигимини бу ёки бошқа бир чуқурроқ сабаб борми? У ўйлай-ўйлай бир фикрга кела олмади. Оқибатда ҳийлага мағлуб бўлди. Араблар билан яширин аҳд-паймон қилди. Уларга йилига икки миллион дирҳамдан хирож тўлашга ваъда берди ҳамда дарҳол уруш ҳаракатларини тўхтатди. Бошқа иттифоқчиларни ҳам ўз жойига қайтишга мажбур этди. Қутайба тўрт ой давом этган таҳликадан шу тариқа қутулди.

Энди такрорлашга ҳожат йўқки, бу сиёсий макрнинг жазосини ҳаммадан кўпроқ Самарқанд тархони тортди. Сулҳ аҳд этишига қарамай, аҳдномага мувофиқ, бу ерда солинадиган масжидни қуришни тезлаштириш баҳонаси билан шаҳарга ғишт терувчилар ўрнига 4000 қуrolли араб киритилди. Тархон бу хиёнат учун интиқом олишни истагач, араблар ҳужум қилдилар. Уни бутун тарафдорлари билан бирга қатл этдилар. Самарқанд таланди, ғорат қилинди. Сосонийларнинг энг сўнггиси Яздигарднинг қизи ҳам асирлар орасида эди. У халифа Валига юборилди. Ғанимат олинган олтин бутлар ва уларнинг жиҳозлари 50 минг мисқол оғирликда эди.

Араб аскарларига бир қанча вақтгача дам беришга тўғри келди. Шунинг учун Қутайба Марвга қайтди. Бутун қиш мавсумини истироҳатда кечирди. Сўнгра Ироқдан ҳам Хуросондан зарур миқдорда ёрдамчи аскар олиб, ёз куни, 91 (709) йилда Бухоро устига сафар қилди. Бу сафардан нияти — Бухоро учун юришларга хотима бериш эди. Наршаҳийнинг ривоятича, у вақтда Зарафшон пойтахтининг идораси ҳамиша мазкур Хотун подшоҳ қўлида бўлган. Аммо бу пайтда у жуда қари бўлгани учун бу гаплар у қадар тўғри эмас. Ҳар ҳолда буми ёки бошқа подшоҳми, қайси бўлса-да, арабларга яна қаршилик кўрсатишни фойдасиз деб билишган. Уч мартаба фатҳ этилган ва уч мартаба қайтадан ислом дини қабул қилдирилган, ҳар дафъасида яширин равишда ўзининг эски динига қайтган Бухоро ўз дарвозаларини энди тўртинчи дафъа очди. Бу юрт аввал ғайри матлуб кўринган динни босиб келган фотиҳлар билан баробар қабул қилиб, кейинчалик шу диннинг энг ашаддий мужоҳидларини ҳам етиштирди. Ҳозир, Осиёнинг ҳар бир қитъасида ислом, гўёки, таназулга кетаётган бир ҳолда, ёлғиз Бухородагина халифа Рашиднинг асридаги расмлар давом эттирилмоқда.

Қутайба шаҳарни забт этгач, унинг подшоси худот (хон) ўз мансабида қолдирилди. Лекин унинг ёнида халифа тарафидан тайин этилган бир маъмур — омил қўйилди. Оқибатда бу омил амир номи билан ҳокими мутлақ (диктатор) бўлиб, худот бутунлай сояда қолдирилди. Бундан ташқари, худот халифага 20 минг дирҳам, хуросон амирига йилига 10 минг дирҳам хирож тўлайдиган бўлди. Яна Бухорода қолдирилган арабларга, шаҳардаги умумий ҳаммомларнинг соф харажатидан бир улуш бериш тайин қилинди. Албатта, булар, охир оқибатда ислом мамлакати бўлган Бухоро учун ҳам бошқа ислом мустамлакаларида қўлланилган сиёсий тадбирлар каби оғир эди. Лекин исломни тарқатиш йўлидаги баъзи бир сирли усулларни мағрур бухороликлар ҳам чуқур ҳис этдилар. Арабларга маълум бўлишича, ислом динини қабул этган баъзи бир иккиланувчи одамлар эски маъбудаларига ҳамон ибодат айлаб, яширин жойларда ва ертўлаларда сажда қилардилар. Шу сабабли ҳар бир бухоролик ўз ҳовлисининг ярмисини арабларга бериши амр қилинди. У араб уй эгаларига ислом шариатидан таълим берди ҳамда уларнинг ислом одобига риоя қилишларини кузатиб турди. Агарда исён этсалар, араб маъмурларига чақар эди. Янги динга кирувчилар учун мукофот қилиб пул берилдиган бўлди. Жума куни Қутайба жомеъсига намозга келган кишилар икки дирҳам мукофот олардилар. Регистонда бино қилинган бу масжидда ҳам қиём, рукуъ, саждалар аркони ибодатга, яъни имомга суяниб бажарилар эди. Ибодат дуолари, Қуръон оятлари арабча, ҳатто форсча ўқилар эди. Эски дин

тарафдорлари ўзларига таклиф этилган динга бир мунча давр қарши турдилар. Ҳақ замонга оид қусурли маълумотларга қараганда, Бухоро муслмонлари ўн йиллар мобайнида масжидга борганларида ёнларида қурол олиб юришган. Ерли халқларга эса, исломни қабул этган бўлсалар-да, қурол тақишга рухсат берилмаган. Икки орада тез-тез келишмовчилик бўлиб турган. Хусусан, манбаъларда Бухоронинг қариялари кўпроқ қаршилик қилганлари тасвирланади. Улар масжидга таклиф этилганда, тош билан жавоб беришган. Бу муомала арабларни ғазаблантирган, шу боис улар бу қарияларга ҳужум қилиб, уйлари-ни бузиб, мол-мулкларини талон қилишган. Уй асбоб-ускуналарини мажбуран масжидларни таъмирлашга беришган. Шунинг учун, Наршаҳийнинг ривоятча, бу масжидларнинг эшиклари турли расмлар ҳамда санамлар билан музайян этилган. Ундан ҳам ажабланарлиси шуки, бу тасвирлар, бу ишлар, сунний муслмонларга ташвиш солиб, уч юз йил давом этган. Юқорида айтилган тадбирлар кутилган натижани бермагач, Бухоро шаҳрини маҳаллий аҳоли қўлидан бутунлай тортиб олиб, уни араблар ўзаро бошқарганлар. Шаҳарнинг Даратторон билан қалъа дарвозаси оралиғи носирийларга, иккинчи қисми — яманийларга берилган. Бошқаларга қалъанинг ташқарисидан ўрин беришган. Масжид сифатида қайта қурилган насоро калисоси ҳам шу ерда бўлган.

Араблар Самарқандда ҳам элга шундай шиддат билан муомала қилишди. Бу ерда ҳам аҳолини ўз қурол-аслаҳасини топширишга мажбурлашди. Табарийнинг ривоятча, ажнабийларнинг ҳамда хориждан келган кишиларнинг қўлларини маълум муддатгача муҳрлаб қўядиган бўлишган. Тунда изнсиз чиққан кишиларни қатл жазосига ҳукм қилганлар.

Қутайба ҳақида гапирадиган бўлсак, у Бухорода янги тартибларнинг қаттиқ сингишини кутиб туришни истамади, Шарқни истило қилишни давом эттирди. 93 (711) йили у Фарғонага, ҳозирги Хўқанд хонлигига ҳужум қилди. Уни фатҳ этди. Қадимги йўл билан чуқур кечувдан ўтиб, шарқий Туркистон, бизнинг айтишимизча, Туркистон Чини устига сафар этди. Бу ерда кичик уйғур хонлари билан тўқнашиб, улар устидан осонгина ғалаба қозонди. Гарчи уларнинг баъзи бирлари шимолий Жунғориядан қалмоқ аскарларини ёрдамга даъват этсалар ҳам, Қутайбага қарши тура олмадилар. Ривоятга кўра, араблар Хан зу вилоятгача ҳужум қилганлар.

Кошғарда, Хўтанда, Турфонда араб пайғамбарининг таълимоти анча кеч ёйилган, чунки будда ва насроният неча асрлардан кейин ҳам исломият билан баробар ўз қавмларини топа олган. Аммо шуниси ҳақиқатки, Шарқий Туркистон аҳолиси арабларнинг биринчи зуҳурлари даврида, Тяншан атрофи будда уяси бўлган асрда, юқорида зикр этилган шаҳарларда исломни қабул қилдирганлари билан фахрланадилар.

Исломнинг Шарқда энг охири сарҳади бўлган бу ердан Қутайба Фарғона орқали Марвга кетди. Унинг бу фикрга келишига халифа Валиднинг вафот этгани ҳақидаги хабар сабаб бўлди. Унинг янги халифа Сулаймон бин Абдулмаликдан хавфсирашга асоси бор эди. У халифанинг қасос олишидан хавотирланиб, ўз тадбирини кўришга ният қилди ҳамда очиқдан-очиқ унга қарши исён кўтарди. Дарвоқе, Қутайба бу ишга ишонч билан киришмади. Лекин янги халифага итоат қилишдан бош тортгач, билдики, халифа Хуросоннинг бахтли амири билан очиқ урушиш ўрнига, аскарлар орасига ўз тарафдорларини яширин равишда тайёрлаш билан машғул бўлган экан. Қутайба бу ишда эҳтиёт ила муомала қилди. Халифага унинг исёнини маълум қилувчи элчига бу хабардан бошқа яна икки мактуб берди. Биринчи мактубда Сулаймонга итоат арз этилганди. Иккинчи мактубда Язид бин Маҳлабни таҳқир этиб, агарда Хуросонга у амир тайин қилинса, исён кўтаришини маълум қилди. Қутайба Язид бин Маҳлабни ўзига рақиб санар ва ундан жуда қўрқар эди. Язиднинг доимо халифа ёнида бўлишини тахмин қилиб, Қутайба элчига буюрди: «Энг аввал халифага биринчи мактубни топшир. Агарда у мактубни ибн Маҳлабга берганини кўрсанг, иккинчи мактубни бер. Борди-ю, Язид уни ўқиса, шу вақтдагина халифага учинчи мактубни бер». Элчи халифанинг ёнида ибн Маҳлабни кўрди ва буюрилганича ҳаракат қилди. Сулаймон ҳеч нарса бўлмаган каби сукут қилиб, элчини ҳурмат билан кузатди. Элчи қайтиб етмасдан аввал Қутайба сафоратнинг натижасини билиб, балки ундан хабар олиб, исён эълон қилди. Лекин Қутайба кўп шонли ғалабаларга олиб борган ҳамда кўп бойликлар берган

аскари тўғрисида янглишди. Агарда у ўз биродари Абдурахмоннинг маслаҳатига кўра Мовароуннаҳрга кетиб, мустақил подшоҳлик ташкил этса, бу жойларда ҳукм сурган нотинчлик ва можаропарастлик сабабли албатта муваффақият қозонган бўларди. Қутайба эса, ўз лашкарига ишониб Марвда туриб қолди. Мушкул пайтда у аскарларига мурожаат қилиб нутқ сўзлади. У ўзининг Хуросон амирлигини муваффақиятли идора қилиб келганини, ноаҳил халифа замонида тартибсизликлар, бахтсизликлар бўлишини айтди. У аскарларга бошлиқ этиб тайинланган вақтида буларнинг тамом қашшоқ эканликлари, ҳатто Эрон ва Турон хонларининг хазиналари билан бойиб кетганликларини гапирди. Унинг ваъз ва насиҳати бекор кетди. Вакиъ бин Абу Асвад ҳамда Ҳиён бин Иёс раислигида унга қарши исён қилиш ҳаракатини тезлаштирди, холос. У ўзига қарши исён бўлишини англагач, Ҳиённи ўлдирмоққа қарор қилди. Лекин шу пайт унинг ўзига ҳаммалари ҳужум қилдилар, жуда катта олишувдан кейин уни ўлдирдилар. Унинг қариндошларидан ҳамда унга содиқ қолиб, саройни ҳимоя қилган кишиларнинг кўпчилиги қатл этилди. Ислом дини учун узоқдаги Шарқда тобеъ ва кучли бир мамлакатни барпо этган, зардушт динига — Қудусия ва Наҳрондаги жароҳатлар бадалига — энг охириги зарбани берган, бу ерларда исломни жорий этган бир мужоҳид, ўзининг қаҳрамонликлар билан тўла ҳаётини 47 ёшда, 96 (714) йил, зулҳижжа ойида шу тариқа тамом қилди.

### Мўғуллар истилоси (1218—1226)

Шарқий Осиёда турк элларининг яшайдиган ерлари шимол муҳитининг бўз соҳилларидан жанубга, Адриатик қирғоқларидан эса Шарққа чўзилади ва Ғўби (мўғул тилида «сахро» дегани) чўлида туташади. Шу ўринда тарих забт этмаган замонлардан буён мўғул қавми яшайдилар. Улар тил ва қиёфа жиҳатидан туркларга қариндошдирлар.

Мўғуллар чўлнинг қаттиқ ва юмшоқ табиати ичида қашшоқлик билан умр кечирдилар, бутун дунёдан узоқ ва беҳабар ҳолда яшадилар. Аммо уларга ҳамжинс бўлган турклар бир неча асрлар мобайнида Ғарбий Осиёнинг ҳаётига жуда кучли таъсир кўрсатиб келдилар.

Ушбу халқ орасида 549 (1154) йилда дунёга бир қаҳрамон келди. Бу қаҳрамоннинг исми Темурчи бўлиб, темир каби кучли, қатъий баҳодир ва шуҳратпараст эди. Шу фазилатлари билан ўз ватандошларининг тобланган ва ибтидоий табиатидан фойдаланиб, куч тўплаб, қадрдон яйловларидан ташқарига шиддат билан интилиб, айтиш мумкинки, бутун Осиёни остин-устин қилди. Унинг ёшлик даврлари ҳақидаги ривоятлар баъзи ғаройиб қиссаларда сақланиб қолган. У жаҳон тарихи майдонига қирқ ёшида чиқди. Ўзининг ҳамқавмлари билан кураши, турк хонлари билан урушларда ғолибона ҳаракат қилиб, Чингиз лақабини олди. Чингиз — тоза, қувватли маъносидадир.

Чингизнинг биринчи мартаба асосий ва кўзга ташланарли душмани Ўнхон бўлиб, у керайит қабиласининг хони эди. Чингиз 599 (1202) йилда унинг устидан ғалаба қилди. Шу билан бирга турк қабилаларидан ойрат, қўнғирот ҳамда найман қабилаларини ўзига бўйсундирди. Бу қабилалар мўғуллардан ғарбда яшаб, қисман будда ва насронийлар ила, қисман мусулмонлар ила алоқа қилиб, маданият жиҳатидан мўғуллардан бир оз юксакроқ эдилар. Лекин ҳарбий жиҳатдан мўғуллардан, Чингизнинг айтган низомлари ила машқ эттирилган аскаридан кўп орқада қолган эдилар. Дунёни титратган мўғулнинг сиёсати шу эди: мағлуб этилган қабилаларни ўз аскарига қўшиб олиш, «ясоқ дафтари»ни татбиқ этиб, уларнинг режалари қурол етарлик бўлгачгина бошқа ғалабаларни излаш. Муваффақиятларга оз-оздан, лекин ишонч-ла эриша бориб, у 603 (1200) йилгача Ғўби саҳросидаги қавмларнинг ҳаммасини қўлга киритди ҳамда Қорақурум қалъасини пойтахт қилди. Бир вақтда у уйғурлар ила муносабат бошлади. Бу қавмнинг Шарқ шаҳобчасидан Чингиз ўз бадавийларига дин ҳамда уларнинг тили учун ёзув олди. Чингизнинг ҳамда яқинларининг ҳамсуҳбатлари, мирзолари ва бошқа мулкый маъмурлари улардан эди. Бу Шарқий

уйғурларнинг хони, уйғурча «Эди қут», яъни Саодатбек деб аталарди. Чингиз Хитойга қарши сафарда унинг садоқатли дўст эканлигини синагач, уни кўп ҳурмат қилди. Мовароуннахрга юриш пайтида ҳам хизматидан фойдаланди. Унинг аксар халқи мусулмон эмас эди. Аммо Чингизнинг ғарбий уйғурларга, яъни Кошғар ва Хўтан туркларига муносабати бошқача эди. Буларнинг аксари мусулмон эдилар. Улар Қуръоннинг кучли идораси остида бирлашган вақтда Чингиз уларга ҳужум қилишга журъат эта олмади. Лекин Қурхоннинг вафотидан кейин тахтга Кучлук келиб, ўзининг исломга қарши ҳаракатлари билан мусулмонларнинг нафратини кўзғатгач, яқиндагина Хитой сафаридан зафар қучиб қайтган Чингиз ўзининг назарини ғарбга қаратишга фурсат етганини сезди.

Сардор Чая раҳбарлигида мўғул аскарлари Кучлук хонга ҳужум қилди. Хон иттифоқчилари оғир соатда уни ташлаб қўйдилар; оқибатда у энгилиб, Бадахшон тоғларидан паноҳ топди. Сўнгра у ерда қўлга тушиб, таслим бўлди. Шимолда Олмалиқ элатининг хони Арслонхон Кучлукка душман эди. У ҳам мўғулларга таслимлигини билдирди. Чингиз Ғўби саҳросининг Шарқий чегарасидан Тяншан тизмасининг ғарбий этакларигача ҳоким эди. Анчагина шаҳарлар, кўпгина деҳқонлар, талайгина ваҳший урушқоқ халқлар унинг тасарруфидида эди. Агарда, ўтган бобда зикр қилганимиздек, Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад билан ўрталарида адоват чиқмаганда ҳам, Чингиз ўзининг муваффақиятли ғалабалари билан чекланиб қолмас эди. Чунки у энди ўзининг маданияти, бойлиги, буюклиги билан шуҳрат қозонган мамлакатнинг дарвозаси олдида турарди. Унинг ҳукмдори шавкат ва қудрат бобида Чингизга тенг рақиб, лаёқатли душман эди.

Оқибатда 615 (1218) санада мўғул жаҳонгири ўзининг ўғиллари ҳам аскар бошлиқлари — Чиғатой, Уқтой ва Жўжи билан бирга Хоразмшоҳга қарши юриш бошлади. Жами аскарлари 600 000 га етар эди. Яна унга уйғур хони Эдиқут ва Олмалиқ ҳукмдори Сиғноқ тегин ўзларининг аскарлари билан қўшилдилар. У қадимги йўл билан Или жилғаси бўйидан бориб, шимолий Фарғонадан ўтиб, Утрор устига юриш қилди. Бу шаҳар олдида бутун ҳарбий кучларини тўплаб, уларни ҳар томонга юбориш мақсадида бўлди: бир қисмини ўғиллари Чиғатой ҳам Уқтой раҳбарлигида бу ердаги элни забт этиш учун қолдирди. Иккинчи ўрдуга Жўжи бошлиқ этилди, у Қизилқум саҳроси орқали Жангда юборилди. Учинчи қўшин 5000 кишилиқ Олоқнўён ҳам Синтубуқо номларидаги сарханг (полковник)лар қўмондонлигида Сирдарёнинг ўнг соҳили билан Бинкентга ҳаракат этди. Чингизнинг ўзи мунтазам аскарлари билан Урта Осиёнинг маркази — Бухорога қарши ҳаракат бошлади. Биз Урта Осиё устига қутурган довулдек ҳаракат бошлаган бу тўрт фирқа қўшин тавсифини Утрордан бошлаймиз.

Утрор чегара қалъа эди, қалъа ноибни Қоирхон раҳбарлигида 50 минг кишилиқ отлиқ қўшин бор эди. Султон Муҳаммаднинг яширин вазири Қоражи қўмондонлигида буларга яна 10 минг кишилиқ бир қўшин қўшилди. Шаҳарда кучли бир ҳимоя қуввати бор эди. Шундай бўлса-да, тарихчиларнинг нақлига қараганда, мўғуллар шаҳарни қамал қилиши билан мусулмонлар саросимага тушганлар. Бу илк таассуротга қараганда, шаҳарни беш ой мудофаа этишлари таажжубли ҳолдир. Агарда икки қўшин бошлиғи орасида ихтилоф чиқмаганда, балки қамалга қаршилиқ янада давом этар эди. Қоирхон ўзини Чингизнинг фуқаросини ўлдиришда айбдор ҳис қилиб, сўнги нафасигача урушишга қарор қилди. Аммо Қоражи мудофаанинг муваффақият қозонишига шубҳа қилиб, Чингиз билан музокарага майл кўрсатган эди. Сўнгра у бошқа фикрдаги шеригидан айрилиб, тунда ўз қўшини билан мўғулларга таслим бўлди. Иккинчи кун тонгда чингиззодалар ҳузурига олиб кирилди. Улар бунинг ўз вазифасини бажармагани учун ёмон кўриб, унга: «Сен ўзининг подшоҳингни, валинеъматингни хоинона тарк этганиндан кейин биз сендан қандай садоқат кута оламиз?» дедилар. Уни барча тарафдорлари билан қатл этдилар.

Қоирхон мудофаани умидсиз арслондек давом эттирди. Унинг аскарлари элликтадан-элликтадан бўлиб қалъадан чиқиб, урушиб ҳалок бўлдилар. Қоирхон ёнидаги охирги икки мужоҳиддан айрилгач, қалъа деворининг устидан уйларнинг томларига чиқиб, у ердан ўз жорияларининг қўлидан фишт олиб, қасоскор душманга ҳужум қилишни давом эттирди. Душманлар уни қандай



бўлмасин тирик қўлга туширишга аҳд қилдилар. Оқибат унинг ўқлари тугади, ўраб олинди ва қўлга тушди. У Самарқанддаги «Кўк сарой»да ўлдирилди. Уқтой уни асир олиб, ўзи билан бирга олиб кетган эди. Унинг молга хорислиги сабабли қурбон бўлган бечора савдогарларнинг қасди олиниб, у қулоқларига эритилган кумуш қуйиб ўлдирилди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг шимол-шарқидаги қалъаси Утрор мўғуллар қўлига ўтди. Мўғуллар бу шаҳарни ер билан яқсон этдилар, аҳолисини қиличдан ўтказдилар, сўнгра жануб томонга, Самарқандга қарши ҳаракат бошладилар.

Жандга қарши Жўжи ҳам шундай муваффақиятли ҳаракат этди. У аввал Сигноққа ҳужум қилди. Бу шаҳар саҳронинг ғарбида эди, Жанддан оқиб чиққан анҳордан суғориларди. Мўғуллар у ерга Ҳасан ҳожи деган бировни элчи қилиб юбориб, таслим бўлмоқни таклиф этдилар. Шаҳар одамлари элчига ҳужум қилиб, уни ўлдирагач, Жўжи ғазабланиб, шаҳарга дарҳол ҳужум қилиб олишни ва аҳолини энг охириги кишисигача қатл этишни буюрди. Сигноқнинг харобасида қатл этилган Ҳасан ҳожининг ўғлини қолдириб, ўзи Узганга кетди. Шаҳар ихтиёрий равишда таслим бўлгач, Ашнозга жўнади. Уни куч билан эгаллади. Сўнгра Жандга юриб, 616 (1219) йил сафар ойининг 4 кунини шаҳар қаршисида лашкаргоҳ қурди. Мўғулларнинг яқинлашуви шаҳар аҳолисини катта ташвишга солди. Жанд ноибни Қутлуғхон кўрқувдан Хоразмга қочиб, шаҳарни бутунлай бошбошдоқлик ҳолида қолдирди. Жўжининг элчиси Чинтемир шаҳарнинг девори ёнига келиб, аҳолига аҳволни маълум этиб, мудофаанинг фойдасиз экани ва ўзлари учун хавfli бўлишни тушунтирди. Лекин унинг Ҳасан ҳожи ҳолига тушишига оз қолди. Узининг тadbиркорлиги билангина омонлик топди. У кетгач, мўғул аскарлари манжанақлар, нарвонлар билан келиб, шаҳарга ҳужум қилишга тайёрланди. Ҳикоя қиладиларки, шаҳардаги лашкар мудофаага шу қадар лоқайд бир ҳолда ҳаракат этдики, ҳатто мўғул аскарлари деворларга минган вақтда, улар томошабин бўлиб турдилар. Бекиниб ҳужум қилувчи мўғуллар йиғилиб келиб аскарларни бу ғафлат ҳолатидан уйғотдилар. Шаҳарни таладилар, хароб қилдилар, аҳолининг қуролланган қисмини қатл этдилар. Сулҳ тузишни истаган аҳоли вакилларини шаҳарнинг ташқарисида тўққиз кун қамоқда сақлагандан кейин чиқариб юбордилар.

Жўжи Мовароуннаҳрнинг ғарбий қисмини Аму ҳамда Сир бўйларидаги сулҳчи аҳолини Хоразмдаги моҳир ҳарбийлардан айирган вақтда, Олоқнўён ва Сантубуқо сардорлар 5000 кишилик кичик бир аскар билан Бинкант ҳам Хўжанд устига юрди. Бинкантнинг амири Элирху эди. У қанғли қабиласидан йиғилган аскарлари билан тўрт кун мудофаа этгандан сўнгра таслим бўлди. Жанд кўрган фожиани бу шаҳар ҳам кўрди, яъни унинг қуролли аҳолиси қиличдан ўтказилди. Қолганлар қул қилиниб, мўғул аскарига қўшилди.

Ундан кейин Хўжандга навбат етди. Бу қалъа Сирдарёнинг икки томонга бўлинган жойида қурилган. Узининг табиий жойлашиши, қалъа ҳокими Темурмаликнинг қаҳрамонлиги билан хўжандликлар мўғулларга қутилмаган қаршилик кўрсатди. Қамалда 20 минг мўғул ва 50 минг қул қатнашди. Бу қуллар ишлатилиб, сўнгра бирор мўғул васийлигига топширилганлардан иборат эди. Улар тоғдан уч мил масофага тош ташишга мажбур этилдилар. Қалъани қамал қилганларга Олонку раҳбар эди, у қатъий бир иш кўра олмади. Темурмалик ҳақида Шарқ тарихчилари ҳақли равишда: «Агарда Рустам тирик бўлсайди, Темурмаликка ходим бўлишга ярар эди» деб айтадилар. Темурнинг тасарруфидаги аскар жуда оз эди. У ўн икки кема тайёрлашни буюрди. Кемаларни душман ўқи ва ўтидан асраш учун наMAT кигизлар билан қоплаб, сиркали лой ила суваб чиққан эди. У билан соҳилга хавфсиз етиб олиб, ён деворларда қолдирилган шинаклардан душманни ўққа тутардилар. Темур шаҳарни шу тарика узок мудофаа қилди. Лекин душман билан курашиш фойдасизлигини кўргач, мол-мулкни 70 кемага юклатиб, оқимга қарши сузиб кетди. Жанд орқали саҳрога, ундан Хоразмга бормоқчи бўлди. Соҳилдан мўғуллар таъқиб этган ҳолда ажойиб дарё сафарини давом эттирди. Бинкант тўғрисида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир тортилган эди. Темур уни бир зарба билан узиб кетди. Сўнгра «бор қайиқ кетди» қабилида соҳилга чиқди. Унинг соҳилдаги жанглари ҳақида ажойиб ҳикоялар нақл қилинди. Оқибатда Хоразмга омон-эсон етиб олди.

Мўғул саркардалари эса Хўжандни забт этиб, Самарқандга юриш бошладилар. У ерга, асосий ўрдуга бориб, қилинадиган ишлар ҳақида фармойиш

олдилар. Чингизхон ўғли Тулихон билан бирга муваффақиятли жанглар қилиб, кўпгина ғалабаларни қўлга киритган эди. Унинг Ўтрордан Бухорога қайси йўл билан борганлиги аниқ маълум эмас. Биз фақат унинг биринчи тўхтаган жойи Сартоқ шаҳри эканини биламиз. Бу шаҳар Бухоронинг шимолида жойлашган. Саҳройи мўғуллар бу шаҳар аҳолисига ғайритабиий бўлиб кўриндилар. Улар бор хавфни сезмай жангга тайёрландилар. Лекин мўғулларнинг одати бўйича шаҳарга элчи юборилди, у аҳолига ўт ва қон дарёси билан ўйнашаётганларини аңлатгач, шаҳар аҳолиси таслим эканлигини билдирди. Аҳолининг қурол тута оладиган қисми мўғул аскарига хизматкор сифатида қўшилди, шаҳар эса тубдан хароб этилди. Шаҳардан эшак ва хачирга миниб, омонлик сўраб чиққан аҳолига ўз уйларига қайтишга ижозат берилди. Мўғуллар Сартоққа «Қутлуғ балиқ» (Бахт шаҳри) деб ном беришган. Бухоро элатида Чингиз забт этган иккинчи шаҳар — Нур бўлган. У бу ерга туркман қуловузларининг ёрдами билан янги йўлдан келган, кейин бу йўл кўп замонларгача «Хон йўли» деб аталди. Қальға ҳужум қилиш учун Тоҳир Баҳодир исми ё мусулмон, ё турк раҳбарлигида Нур атрофидаги ўрмонларда узун нарвонлар ясалди. Нарвонларни отда ва қўлда кўтариб келиб шаҳар деворига қўйдилар. Қальғанинг дарвозалари қисман Чингизнинг кучига, қисман Султон Муҳаммад ёрдамига ишониб ёпиб қўйилган. Тоҳир Баҳодир уларга: «Ҳақиқатан ҳам кучли мўғул хони келадир. Агарда шаҳар аҳолиси қаршилик кўрсатмаса, у бир неча кун қолади», деди. Шундан сўнг Нур шаҳрининг дарвозалари очилди. Улар буйруққа мувофиқ шаҳарда қишлоқ хўжалиги учун керакли асбоблар ва ҳайвонотни қолдириб чиқиб кетдилар. Сўнгра мўғуллар шаҳарга кирдилар. Уйларни таладилар, фақат одамларни ўлдирмадилар, холос. Аҳоли номидан Чингизхон олдига борган музокарачилар ҳайъати илтифот билан қабул қилинди. «Ҳозиргача қанча солиқ тўладинглар?» деган саволга улар 1500 динор деб жавоб беришди. Шундан кейин Чингизхон бу миқдор пулни қўшиннинг маҳкамасига беришни амр этиб, ҳайъатни хушҳоллик билан қайтариб юборди.

Чингиз Нурдан Бухорога кетди. 617 (1220) сана муҳаррам ойининг бошида у ўзининг қароргоҳини Бухоро деворлари ёнига тикди. Унинг тайёр аскарлари ўша заҳоти шаҳарнинг ташқи буржларига ҳужум қила бошладилар. Албатта, Бухоро аҳли аввал содир бўлган қонли воқеалардан хабардор эдилар. Бинобарин, улар ўз бошига келган балони бартараф этишга тайёр ҳам эмасди. Қальғанинг деворлари ортида 20 минг кишилик қўшин яширинган эди. Бу қўшинга Севинчхон, Қушлихон ҳам Кўкхон бошлиқ эди. Кейингиси мўғуллардан қочиб келган уйғурлардан эди. Куч жиҳатдан бир неча баробар ортиқ бўлган мўғулларга қарши Бухоро лашкари қаршилик кўрсатиши сабаби ҳануз мавҳумдир. Шундай бўлса-да, улар мўғулларга ҳужум қилдилар ва деярлик бутунлай қирилиб кетдилар. Уларнинг озгина қисми шаҳар ичига кириб қутулди. Шаҳар аҳолиси даҳшатга тушиб, ўз қарияларини Чингизнинг олдига шафқат сўраб юбордилар. Мўғул хони улар билан бирга шаҳарга кирди. Чингизнинг кўзи дастлаб улуғ Сомоний тарафидан муҳташам безаклар билан қурдирилган жоме масжидига тушди. У ўғли Тули билан бирга отдан тушмай масжидга кирди. Минбар олдига бориб тўхтади. Тули отдан тушмай минбар олдига туриб қолди. Чингиз сўради: «Бу султоннинг ўз саройими?» Унга: «Бу байтуллоҳ» деб жавоб берилди. Шундан сўнг отдан тушди. Минбарнинг бир неча зинасига кўтарилди-да, орқасида турган мўғулларга қичқирди: «Ўтлоқ ўрилди, отларингизга ем берингиз!» Бу талон-тарож қилишга рухсат ишораси эди. Ваҳший мўғулларнинг бахтсиз Бухорога қандай ҳужум қилганлари, Ўрта Осиё пойтахтининг зеб-зийнатларига кўзлари кўр бўлган саҳройиларнинг қанчалик қирс билан ташланганликларини мулоҳаза этиш осон. Барча ўйлар вайрон қилинди, ҳамма сандиқлар бузилди. Беҳисоб хазиналар таланди. Кўринишдан ҳеч бир қиймати бўлмаган муқаддас нарсаларни ҳам аямадилар. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилди. Муқаддас китоблар сақланган сандиқларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари бўлган муллолар, шайхлар қуллар каби, эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса, мўғул бахшиларига масҳара учун берилди. Кўпгина мўътабар қозилар эшак ва хачир боқишга мажбур қилинди. Мусулмон тарихчиси қуйидагича ҳикоя қилади: диний ҳиссиётнинг таҳқир қилингани ҳақида бир оз мубо-

лаға бўлса-да, мўғулларнинг ушбу биринчи ҳужумидан кейин, шубҳасиз, Бухоро кўп зиён кўрди ва даҳшатларни бошидан кечирди.

Чингизхон шаҳарда бир неча соат турди. Кейин шаҳар ташқарисидаги ҳайит номози ўқиладиган Мусаллога борди. Бутун аҳоли шу ерда йиғилган эди. Муътабар кишилар, бойлар кимлар эканини сўради. Унга 280 киши кўрсатилди. (190 киши бухоролик бўлиб, 90 таси ажнабий савдогарлар эди). Чингиз уларга хитоб қилиб ҳамда Султон Муҳаммаднинг зулмига ишора этиб деди: «Эй одамлар! Билингиз, сизлар оғир гуноҳ қилдиларингиз. Бунинг асосий сабабчиси сизларнинг хонларингиз. Сенинг ўзинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмоқдасан, деб сўрасиз. Билингиз, мен Тангрининг фарзандиман. Агарда сиз гуноҳкор бўлмасангиз, Тангри сизнинг жазоингизни беришга мени юбормас эди. Энди, сизнинг ер устидаги бойликларингиз тўғрисида сира маълумот сўрамаймиз, аммо сиз, ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак.» У бу пайтда шаҳардан сайланган кишиларни ҳужум ва масхарадан сақлаш учун мўғул ва турклардан соқчи қўйишни унутмайди. Ишлар шу тарзда борди. Лекин Султон Муҳаммаднинг шаҳарда яширинган аскарлари Чингизни тунги ҳужумлари билан безор қилишгани учун уларни тутиб беришларини талаб қилди. Бухороликлар ғолибнинг буйруғини бажармай, уларни асраб турдилар ва тунги ҳужумларига ёрдам бердилар. Шундан кейин Чингиз ниҳоятда ғазабланиб, шаҳарни ёндиришга амр этди. Аксари ёғоч иморатлардан иборат бўлган Бухоро бир неча кун ичида тагигача ёниб тушди. Фақат тош ва ғиштан қурилган масжидлар, саройларгина ўт денгизи ичида қора тош ва нуқталар бўлиб қолдилар. Зарафшон устидаги маъмур шаҳар хасхашакка айланди. Қалъа ичидаги аскарлар Кўкхон раҳбарлигида мудофаани давом эттирди. Унинг қаҳрамонлигига биз ҳамиша қойил қоламиз. Мўғуллар бу қалъани забт этиш учун барча тадбирларни қўллаб кўрдилар. Ҳатто ҳужум бошига бухороликларни ҳам қўйиб кўришди. Лекин ҳаммаси бекорга кетди. Қалъа ичидаги барча чуқурлар одам ва ҳайвон майитлари билан тўлиб тошгандан, қаҳрамон мудофаачилар жонларини фидо қилганларидан кейингина уларнинг қароргоҳлари забт этилди. Бу жасоратли қаршилик учун шаҳар аҳолиси қурбон қилинди: 30 мингдан зиёд аҳоли жаллод кўлида ҳалок этилди. Қолганлари эса, табақаларига қарамай, қул қилинди. Ўзларининг санъатлари, илм-маърифатлари, нозик табиатлари ва ахлоқлари гўзал бўлган Бухоро аҳолиси бахтсиз ва масхара этилди. Буюк бир эл шамолдай тарқаб кетдилар. Бу қочоқлардан бири Хуросонга келиб, ўз ватанининг аҳволи ҳақида кенг шухрат қозонган қуйидаги байтни айтган эди: «Омаданд ва кунданд ва сўхтанд ва куштанд ва бурбанд ва рафтанд» (келдилар ва емирдилар, ёндирдилар ва ўлдирдилар, таладилар ва кетдилар.) Тарихчи ибн Аттор шундай ҳикоя қилди: «У ҳақиқатан даҳшатли кун бўлди. Бори мангуга кетган эрларнинг, хотинларнинг, болаларнинг товушларигина эшитилиб турди. Ваҳшийлар хотинларни ҳам қизларни ўзларининг биродарлари кўз олдида таҳқирладилар. Улар бу таҳқирга қарши кўз ёшидан бошқа қурол олмадилар. Кўплари бу даҳшатли манзарадан ўлимни ортиқ кўрдилар. Қози Бадриддин, Имом Рукниддин ва унинг ўғли бу номуссизлик манзарасига чидай олмай, ғазабланиб, ўзлари тенг бўлмаган душманга ҳужум қилиб, ҳалокат топдилар.»

Бухородан кейин Самарқандга навбат етди. Самарқанд бу вақтда Моваро-унаҳрнинг энг муҳим улуғ бир шаҳри эди. Шаҳарни мудофаа қилиш учун Хоразмшоҳ 110 000 киши қолдирган эди. Булардан 60 минги турк ва 50 минги тожик эди. Улар қўл остида 20 фил ҳам бор эди. Чингизхон уларнинг ҳаммасини аввалдан сезган каби, душманнинг собиқ пойтахтини эгаллаш ва жангнинг ўттордан ҳам қаттиқроқ бўлишини билиб, аскарларининг ҳаммасини тўплашга киришди. Шу боис у илгари Самарқанд атрфидаги қалъаларни забт этишга қарор қилди. Чунки атрофдагилар бир-бирларига хабар бериб, бирлашмасдан аввал уларни кесиб ташлаш лозим эди. Шундагина ғалаба енгилроқ қўлга киритиларди. Унинг бу ўйи ҳам муваффақиятли амалга ошди. Чингизхон Хоразмшоҳнинг гўзал пойтахтига шиддат билан юрди. Самарқандни қамал қилиш учун Бухородан қулларни келтирди. Уларнинг заифлари йўлда шафқатсизларча ўлдирилди. Чингизхон шаҳар атрофига шу қадар кўп аскар тўпладики, Султон Муҳаммадни қувмоқ учун 30 минг кишилик кўшин ажратиш ҳеч гап эмасди. Бу қўшинга сардорлар — Чапа ва Сунтой кўмондон бўлиб, уларга

Султон Муҳаммадни тезлик билан таъқиб этиш буюрилган эди. Чингиз илгари Самарқанд қалъасини бир неча йил қамалдан кейингина забт этиш мумкин, деб ўйлаган эди. Аммо у уч кунлик жангдан сўнг шаҳарни қўлга киритди. Муҳофазачилар Алпхон, Шайххон, Бирболозхон раҳбарлиги остида мўғулларнинг сафини шиддат билан бузиб ўтдилар. Аммо учинчи кун қўшинни Чингизнинг ўзи ҳужумга бошлади ва мўғуллар шаҳар дарвозаларини тез ишғол этдилар. Шунга қарамай, хоразмийлар ўлимга тик боқиб, фойдасиз жангни кун бўйи давом эттирдилар. Кечқурун уларнинг ўз орасида ихтилоф чиқди. Баъзи бировлар шаҳар шайхулисломини қариндошу сафдошлари ва моллари билан Чингизга топшириб, жон сақлашни маслаҳат қилдилар. Қолганлар ички қалъага яшириниб, курашни яна бир кун давом эттирдилар. Бу орада мўғуллар Номозгоҳ дарвозасидан шаҳарга ёриб кириб, тинчгина талон-тарож билан шуғулланиш учун аҳолининг ҳаммасини ҳайдадилар. Фақат шайхулислом билвосита ўз қўл остидаги 50 минг киши билан биринчи ҳужум вақтида шаҳарда қолди. Ички қалъа мудофаани давом эттирди. Уни ҳужум билан олиш учун кўп куч сарфлашга тўғри келди. Алпхон мусибатли мағлублик яқинлашаётганини кўргач, минг нафар қахрамон билан ҳужумга ўтди. Мўғулларнинг сафларини ёриб, бутун қўшин орасидан омон чиқди. Фақат қангли ва турк қабила аскарлари таслим бўлдилар. Мўғуллар уларни ҳамқавм кўриб, узрини қабул этишга ваъда берган эдилар. Ҳамда уларни тинчлантириш учун сочларни мўғул одати-ча тарашладилар. Лекин қуёш ботиши биланоқ уларнинг ҳаёт юлдузлари ҳам ботди. Уларнинг ҳаммаси — 30 минг киши бир тунда ўлдирилди. Уларнинг хонларидан Улуғ Боршумас, Боғон, Сарзиқхон ҳамда 20 генерал шу қатл қилинганлар ичида эди. Шундан кейин маъмур Самарқанд ўзининг қалъаси ила баробар ер билан яксон қилинди. Унинг аҳолиси бутун мол-мулкларидан маҳрум этилиб, бухоролик қардошларининг ёзмишини кўрдилар.

...Кўрқувдан қочиб кетганларни ёлғон ваъдалар билан шаҳарга қайтардилар. Қурол кўтаришга ҳоли бўлганлар мўғул зулми остида аскарий хизматга мажбур қилиндилар. Уста боғбонлар узоқ шарққа юборилди. Токи у ерда, мўғул-хитой пойтахтида улуғ хонларнинг томоша боғларини Самарқанд услубида зийнатласинлар. Уста ҳунармандларни, хусусан моҳир ипакчиларни қуллар сифатида хон ўз хотинларига, қариндошларига, ўғиллари — Чиғатой билан Ўқтойга ҳадя қилди ва ўзи билан бирга Хуросонга олиб кетди. Бу даврда Чиғатой билан Ўқтой Хоразмга юриш бошлаган эдилар. Араб жўғрофиюннинг тасвирлашига қараганда, бутун дунёнинг энг маъмур, энг гўзал шаҳри 618 (1221) йилда шу тариқа хароб бўлди.

Шу билан бирга бутун Мовароуннаҳр забт этилди. Самарқанднинг жанубида атиги бир неча шаҳар қолган эди. Аскарларни дам олдириб, кўп юриб ҳориган отларга Зарафшон бўйларида ем бериб, озиқлантиргандан сўнг, Чингизхон қолган шаҳарларни олишга шахсан ўзи кетди. У аввал Нахшаб (Қарши)га борди. Шаҳар дарвозалари ихтиёрий очиб берилди. Бу макон Чингизга яйлов хизматини ўтади. Ундан кейин у Термизга кетди. У вақтда Термиз Балх ва Ҳиндистон йўлларида Амударё орқали ўтадиган асосий кечув жойи эди. Термиз ўзининг Амударё ила чегараланган қалъаларига таяниб, Чингизга қаршилик кўрсатди. Бу, албатта, қисқа муддатли қаршилик эди. Мўғуллар энди ўзларининг ғалабалари билан фахрланиб, ўз бахтларини метин деворлар олдида синаб кўришган эди. Бутун шаҳар ҳужум билан забт этилди. Унинг аҳолиси синалгандан кейин ўлдириш учун аскарларга тақсим этилди. Жувайний ҳикоя қиладики, бир хотин ўлими олдида ўзининг қотилидан шафқат сўраб, ялиниб-ёлворган. Ўзини фидо қилиб, ютган қимматли дурни беришга ваъда этган. Мўғул шу соат унинг қорнини ёрган ва ростдан ҳам, қорин ичидан дур топилган. Шундан сўнг ҳамма майитларнинг қоринлари ёриб қарашга фармон берилган.

Термиздан сўнг бузиш ва талон-тарож қилишга Кункурт ҳамда Сомон (Шаҳрисабз) ноҳиялари қолди. Шундан кейин Жайхун ва Сайхун бўйидаги ерлар тамоман хароб қилинди. Бу ерлар ислом маданиятининг узоқдаги буржлари саналар эди. Бойликка ўч, кўзи оч ваҳшийлар босқин сафарини давом эттирдилар. Мўғуллар аввало форсларнинг Маккаси, «Қуббатул ислом» деб аталган, 1200 масжиди бўлган Балхни, сўнгра Толқон, Ҳирот ва улуғ савдо шаҳри Марвалрудни, мадрасалари билан машҳур Марвни, мағрур Нишопур-

ни хароб этдилар. Мўғулларнинг улуғ Рейда, Шерозда, Исфаҳондаги номақбул ишлари — барчаси Бухоро тарихига тааллуқли эмас, албатта. Хуллас, энди биз охириги Хоразмшоҳнинг ҳалокатини ҳикоя этамиз-да, ундан кейин Чингиз зуҳурининг оқибати тўғрисида ҳамда ғалабаларининг бош сабаблари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Султон Қутбиддин Муҳаммад мўғуллар ҳимоясидаги савдогарларни қатл этишга буюргандан кейин Хоразмга кам келадиган бўлиб қолди. Узининг узоқ давом этган ҳукмдорлиги ва муваффақиятлари билан сармаст ҳолда, гердайиш ва ғафлат ила фақат маишатга берилди. Умрини айш-ишратда ўтказиб, 612 (1215) сана, шаъбоннинг 8 куни Бухорога келди. Бу ерда яшил чаманзорга чодир қуриб, мавсумнинг лаззатига берилди. Сўнгра Бухородан Самарқандга ўтди. Душманнинг тажовузи ҳақида, яъни Жўжи қўмондонлигида Утрордан Жандга ҳужум бошлаган қўшин ҳақидаги илк хабарни олди. У душманнинг аҳволини билиш учун Жанд томон йўлга чиққан эди. Шу ерда у Жўжи ортидан Мўғул подшоси Чингизхон мунтазам қўшини билан келаётганини эшитди. Бунга қарамай, Султон Муҳаммад Жўжи билан жанг қилди. Биринчи тўқнашувдаёқ қаршисидаги душман қаҳрамонлиги тўғрисидаги баъзи ҳодиса-воқеаларга ишонди. Аскарининг кўплигига қарамай, у фақат ўғли Жалолиддиннинг қаҳрамонлиги соясида мағлубиятдан қутулиб, Самарқандга етиб келди. Яқинлашаётган хавфдан ташвиш ва даҳшатга тушган Султон Муҳаммаднинг аввалги гердайиши тезда умидсизликка, қўрқоқликка алмашди. У шошилинч равишда Жайхун орқали Хуросонга ўтиб кетди. Нишопурнинг машхур яйловида аввалги маишатларини давом эттириш учун бир неча кун турмоқчи эди. Аммо бахтга қарши Сунтой билан Чапа уни таъқиб қилиб келаётганини эшитди, дарҳол йўлга тушди. Мўғул сардорлари таъқиб остида у Рейга, сўнгра Мозандароннинг ўтиб бўлмас тоғлари орқали ҳозирги Астробод яқинидаги Обшсукунга бориб нажот топди. Ундан Хазар денгизи қитъасига (Оғурчали бўлса керак) етиб келди. Бу ер унга ваҳший душманнинг интиқомидан хавфсиз эди. Лекин мўғуллар қўлига асир тушган оиласининг аламини тортди. Бу жойда ҳамма халқ томонидан камситилган ҳолда 617 (1220) йил зулҳижжа ойининг 22 куни вафот этди. Шу қадар ғариб эдики, қафан олишга пули бўлмагани сабабли, ўзи кийиб юрган либосда дафн этилди.

У аввал салтанат вориси деб белгиланган Афлокшоҳ ўрнига ўзининг қаҳрамон ўғли Жалолиддинни тайинлаган эди. Лекин у подшоликни қўлга киритгунча ўзини ҳимоя қилиш учун қилич ушлашга мажбур бўлди. У Хоразмдан Хирот ва Ғазнага азм этди. Бу ерда кучли лашкар тўплади ва икки жангга мўғулларни мағлуб этиб, уларга катта талафот келтирди. Чингизхон Толқон шаҳарини қамал қилгани сабабли йўлда тўхтаб қолган эди. Бу мағлубиятдан у қаттиқ ғазабланди ва Бомийн ҳамда Коби орқали Ғазнага шу қадар тез юрдикки, мўғулларнинг ош пиширишга вақтлари бўлмади. Лекин у Ғазнага келгач, Жалолиддин 15 кун аввал Ҳинд соҳилларига кетганини билди. Мўғуллар сафарларини тезлаштириб, ғалаба қилган шаҳзоданинг ортидан кетдилар. Унга аблаҳона ғазаб билан ҳужум қилдилар. Жалолиддин одатдагидай қаҳрамонликлар кўрсатиб мудофаада турди. У ғазабланган арслон каби душманга гоҳ ўнг, гоҳ сўл қанотдан, баъзан марказдан ҳужум қилди. Оқибатда мўғуллар уни ўраб олдилар. У остидаги икки от чопилгач, учинчи отга минаётганда мўғуллар унга тенглашдилар. У Ҳинд дарёсининг 10 аршинлик буюк соҳилидан сувга сакраб тушди. Нариги томонга саломат чиқиб олди. Бунни кўрган мўғуллар унинг ортидан сувга ташланмоқчи бўлган эдилар. Лекин Жалолиддиннинг қаҳрамонлигига ҳайрон қолиб, мутаассир бўлган Чингизхон бундан кейин таъқиб этишни манъ қилди ва ўзининг ўғилларига хитоб қилиб айтди: «Кўрингиз! Бундаин отанинг ўғли шундай бўлиши керак!» Сўнг Чингизхон юксак фикрда бўлган Султон Муҳаммад Жалолиддиннинг ёронлари ўлдирилди. Ҳинд дарёсига ташланган хазиналари ғаввослар тарафидан чиқариб олинди. Унинг оиласи Чингиз ҳузурига келтирилди. Марҳаматсиз ва шафқатсиз қолиб уларнинг эркаклари, аёлларигача, оналарнинг қўлидаги мурғак болаларигача жаллод қиличига топширди. Энг сўнги Хоразмшоҳнинг ҳукмдорлиги шу тариқа 618 (1221) йили тугади. Шу билан бирга 140 йиллик ҳукмронлиги даврида салжуқийлардан шавкат ва саодатда кам бўлмаган бир хонадон ҳалок бўлди!.. Шундан кейин Чингиз Мовароуннаҳрга қайтди. Бир оз вақт Самарқандда

тургандан кейин ўзининг асл ватанига жўнаб кетди. 621 (1224) йили чақирилган қурултойда империясини ўғиллари ўртасида қуйидагича тақсимлади: Хитой ва Мўғулистон — Уқтойга тегди, Чингизхон уни ўзига ворис қилиб тайинлаган эди. Чиғатой — уйғурлар еридан Хоразмгача бўлган жойларни олди. Туркистон ва Мовароуннаҳр ҳам унга берилди. Жўжи вафот этгани учун Боту Хоразм, Дашти қипчоқ ва Дарбандгача бўлган ўлкага ҳумдор этилди. Тули эса Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонни олди.

Чингиз 70 ёшга кирганига қарамай Танғутга қарши ҳаракат бошлади. У исён кўтарган эди. Чингизхон шу сафар чоғида 624 (1226) йили вафот этди. Ўзининг ваҳшиёна ҳарбга ҳавас изларини қилич ва ўт воситасида бутун Осиёда мангу қолдирди. Хусусан, Мовароуннаҳр учун сира ҳам унутилмас бўлди. Унинг аҳолисини қириб тамомлади, кўп асрлар мобайнида ўзининг маданияти ва турмуш тарзи билан шуҳрат қозонган ўлкани шундайин бир ваҳшийлик ҳолатига туширдик, бу ваҳшат унинг шонли ўтмишини ҳамда истиқболини йўққа чиқарди.

Дарвоқе, Осиёнинг ҳеч бир ери мўғул босқинчиларининг бузғунчиликларини Жайхун ва Сайхуннинг оралиғидаги эллар каби даҳшатли даражада ҳис қилмади. Бинкент, Хўқанд, Жанд, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларга Ғўби чўли ваҳшийларининг биринчи тўпос тажовузи нақадар фожиали кечди. Чунки бу ваҳшийлар Мовароуннаҳрда саноат, тижорат ва зироат билан касб этилган асосли идора усулини биринчи марта кўрдилар, талон-тарож, зўрлашга бўлган чанқоқларини илк бор шу ерда қондирдилар. Бунга илова сифатида Идил (Волга) буйларига, Фурат соҳилларига, Ҳинд ўлкасига ҳамда Басра кўрфазига йиртқиш мўғул сардорларининг бир неча ўн йиллар мобайнида давом этган истилоларида Мовароуннаҳр улуғ йўл хизматини бажарди. Беш йил мобайнида Ўрта Осиёнинг жуда бой буюк савдо йўли, Оврупога, Ғарбий Осиёга, Хитой ва Ҳиндистон матолари ташиладиган машҳур йўл бутунлай тарк этилган бўлса, ажаб эмас. Ўзининг ҳосилдорлиги билан донг қозонган тупроқлар бутунлай яроқсиз қолгани, бутун ислом оламида шуҳрат топган қурул-аслаҳа саноати, қалин ипак матолар саноати, зийнатли шиша саноати бутунлай йўқолиб кетгани ҳайратли эмасдир. Шаҳарлар харобазор бўлиб ётибди. Деҳқонлар ўлдирилган, мўғул қўшинига мажбурий жалб этилган ҳунармандлар ғолиб мўғулларнинг бўм-бўш ватанини безашга мажбурлаб узоқ Шарққа юборилганлар. Ўрта Осиёнинг забт этилиши билан илм-фанга етказилган жароҳат оз эмас. «Илм дарахтининг асоси Маккада-ю, аммо ҳосили Хуросонда пишадир», деган араб мақоли бор. Ўрта аср дунёсидаги бу мақол ҳозирги кун учун ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, Мовароуннаҳр мўғул тажовузига дуч келгунча мусулмон Осиёсининг маъмур даврида ўзига хос муҳим ўрин тутган эди. Нишопур ўша даврда Эроннинг фозиллари тўпланган жой эди. Марв мадрасалари узоқдан келган талабалар билан тўла эди. Лекин Самарқанд ва Бухоро ҳамда Урганч кўп замонлардан бери илму маданият бобида ўзаро мусобақа қилишар, Мовароуннаҳр шаҳарлари балоғат, сарф, наҳв (морфология ва синтаксис), шеър ҳамда нафосатда илгарилаб кетган эдилар. Мўғул босқинидан сўнг Ўрта Осиёда маънавий ҳаёт, афсуски, сўнди. Эрон ва бошқа ғарб ўлкалари бу қаттиқ зарбадан Чингиз ҳимоясида бир оз оёққа турди, ҳатто уларнинг янги маданияти гуллади. Аммо Бухоро билан Самарқанд илгариги маънавий ҳаётларини сира ҳам тиклай олмадилар. Шу вақтдан буён уларнинг маънавий ҳаёти қозилик ишлари-ю, тасаввуф, динга астойдил интилишдан иборат бўлиб қолди. Бу бахтсизликнинг бош сабаби — мўғуллур шаҳарлардаги эрон ирқини ўлдириб, маданиятга хизмат этадиган ва савдо-саноат билан шуғулланган халқни камайтириб юбордилар. Шу нисбатда турклар кўпчиликни ташкил этдилар. Соф турк ерларида, масалан, ҳозирги Хива ва Хўқандда салжуқийлар асрида халқ тили — форсча эди. Гарчи, туб аҳоли устига саҳродан бостириб келган маърифат душманларининг турк миллатларини йўқ қилиш ниятлари амалга ошаётган эса-да, мўғуллар бу истилолари билан шу ҳаракатни тезлаштирди. Улар Мовароуннаҳрда Эрон руҳини бутунлай йўқотишга астойдил хизмат қилдилар. Мана шунинг ўзи Чингизхоннинг Жайхун бўйидаги ерларга келтирилган энг катта зиёнларидир.

Мўғул истилочиларининг муваффақиятига келсак, у томонидан Чингизнинг шахсий фазилатлари, унинг халқини ижтимоий аҳволига, иккинчи то-


мондан, мусулмон Осиёси, жумладан, Мовароуннаҳр миллатларининг хусусиятлари ва уларнинг ўзaro муносабатларига боғлиқ эди. Чингизнинг шахсий фазилатлари ҳақида сўз кетаркан, мусулмон асрдошлари унинг қанчалик ваҳшийлик ва истилочиликка ҳавас қилган моҳир бир саркардалигини таъкидласалар ҳам, аслида у том маънода фотиҳ ва қонунчи эди. У ўзининг «ясоқ» — қонунлар тўпламини вужудга келтириш билан бирга ҳарбий кенгашни яратди. Бу ислом Осиёси учун бегона нарса эди. Шунинг учун ҳам бу хоразмшоҳларнинг ташвишли идора усулидан устун турди. Бундан ташқари, унинг ривожига барча динлар ва табақаларнинг тенглиги диққатга моликдир. Жувайний Чингизхон бир мусулмон қонига 40 минг мисқол дейят (хун пули), аммо бир хитойнинг боши учун бир узун қулоқли ҳайвон тўлашни тайинлагани ҳақида ҳикоя қилади. Бу ривоят ўринсиз бўлса керак. Чунки бошқа ривоятлар бунинг аксини тасдиқлайди. Чингиз ва унинг хонларидан баъзилари насроний, мусулмон, буддийларни бир-биридан фарқламаганлар. Масалан, Мовароуннаҳрда жуда кўп мусулмон ноиблари тайинланган эди. Кўпгина уйғур (буддага топинувчи) роҳиблари хизматда эдилар. Ҳатто бир ажнабий, насроний Марко Поло Хубилай тарафидан Кирмонга муҳим бир топшириқ билан элчи қилиб юборилган эди.

Мўғулларнинг ижтимоий аҳволига келсак, айтиш керакки, Шарқ тарихий асарларининг барчасида мўғуллар ортиқ даражада қаттиқ кўнгилли, ваҳший, телба этиб кўрсатилади: «Мўғуллар базм мажлисида йиғловчи, уруш пайтида қулувчи, бошлиқлари ортидан ҳар йўлга борувчи, совуққа ва очликка қаноат қилувчи, урушда чидамли, дардга сабрли, тинчлик ва роҳатнинг номини ҳам билмайдиган халқлардир. Мўғуллар қуролларини ўзлари ясайдилар. Ўзлари билан бирга олиб юрадилар. Уларнинг барчаси руҳонияти ва қалби бир хил, таом ва либосда такаллуфсиздир. Шафқатни билмаслар, ҳатто аёлларнинг ҳомиласини сўйиб ташлайдилар. Дарёга дуч келганда кўн қоплар (мешлар) ёрдамида ёки отларнинг ёл ва думини ушлаб сузиб чиқадилар ва ҳоказо».

Фараз шуки, Мовароуннаҳрнинг ўша вақтдаги ҳоли зикр этилганларга унчалик хилоф эмас, деб ўйлаш мумкин. Ҳар ҳолда, шаҳарлардаги эрон унсурларигина эмас, балки аҳолининг ҳарб билан шуғулланадиган қисми мўғулларга нисбатан анча заифлашган эди. Бунга яна бир бахтсизликни — эронийлар билан ҳеч қачон астойдил қўшилмаган турклар Султон Муҳаммад лашкарларининг асосини ташкил этганлари ҳолда ўзлари кўпинча гуруҳ-гуруҳ бўлиб Чингиз томонга ўтганларини илова қилиш керак. Бунга Хоразмшоҳнинг истибдодидан норозиликлари ёки талон-тарожга ҳаваслари эмас, балки қабиладошлар сабаб бўлгандир.

Аҳвол шундай экан, инқирозга учраган Мовароуннаҳр устидан мўғулларнинг шу қадар шонли ғалаба қозонганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Давоми келгуси сонда



## ИНСОН ВА ИҚТИСОДИЁТ

— Ҳурматли Нурислон Тўхлиевич! 20-йилларнинг бошида граждонлар уруши натижасида халқ хўжалиги вайрон бўлган мамлакатда ленинча янги иқтисодий сиёсат амалга оширилиши тўфайли халқ турмуши қисқа даврда сезиларли даражада яхшиланганди. Улуғ Ватан урушидан кейинги дастлабки беш йилликда эса мамлакатнинг Европа қисмидаги вайрон бўлган халқ хўжалиги тикланиб, мамлакат саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича урушдан аввалги кўрсаткичдан ўтиб кетганди. Мана беш йилдирки, мамлакатимизда қайта қуриш давом этаяпти. Лекин унинг натижалари эл дастурҳонида сезилмаяпти. Магазин пештахталари тобора бўм-бўш бўлиб, энг оддий нарсалар ҳам топилмай қолаяпти, саноат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларида ҳам ўзгариш кам. Сизнингча бу аҳволнинг сабаблари нимада!

— Бу ўринда бугунги қийинчиликлар кеча пайдо бўлмаганлигини, у турғунлик даври маҳсули бўлиб, чуқур ижтимоий ва сиёсий илдизларга эга эканлигини, уларни бартараф этиш у қадар жўн иш эмаслигини унутмаслигимиз керак. Иккинчидан, ҳозир амалга оширилаётган иқтисодий ислохотнинг ўзи ҳам жиддий ва жузъий камчиликлардан холи эмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, мен ўзини ҳозирги иқтисодий ислохотнинг меъморлари деб ҳисоблаётган иқтисодчиларнинг барча фикрларини мутлақ деб билмайман.

Бизда иқтисодий ислохот халқ хўжалиги пирамидасининг юқори қисмидан эмас, балки қўйи қисмидан бошланди. Менимча, аввало халқ хўжалик структурасини қайта қуриш, ишлаб чиқариш корхоналарини ишчи коллективларига топшириш (денационализация қилиш), нархлар системасини қайтадан кўриб чиқиш, пулни ислох қилиш тадбирларини амалга оширишдан бошлаш керак эди. Ҳозир шундай аҳвол юзага келдики, корхоналар янгича ишлашга ҳаракат қилишяпти-ку, лекин уларга «кислород» етишмаяпти. Бунинг устига барча корхоналарнинг имкониятларини бир хил деб бўлмайди. Ҳозир мамлакат иқтисодиёти жар ёқасига келиб қолганлигини, иқтисодий инқироз чуқурлашяётганини ҳали ҳамма баравар тасаввур қилганича йўқ. Афсуски, бор ҳақиқат ана шундай. Аҳволни яхшилаш учун аввало бу соҳадаги вазиятни тўғри баҳолай билиш керак. Пул муомаласи издан чиққан, молиявий баланс бузилган, инвестиция сиёсатининг сурункали хасталиги ва ишлаб чиқаришнинг монополиялашуви давом этмоқда. Социал соҳадаги моддий асосни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни халқ эҳтиёжлари сари буриш секинлик билан бўляпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва бир қатор халқ истеъмолчи буюмлари етишмаяпти, экологик вазият ёмонлашмоқда, фан-техника тараққиёти секинлашмоқда. Бу муаммолар мамлакатдаги сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатиб, социал ва миллий муносабатларни кескинлаштирмоқда.

Хаста иқтисодиётни соғломлаштириш учун аввало илмий асосланган дастур бўлиши керак. Бусиз биз иқтисодиётда олдинга силжий олмаймиз. Ҳадисларда айтилганидек, илмсиз ибодат тегирмонга қўшилган эшакка ўхшайди, айланаверадию лекин масофа ўтмайди.

Инсон иқтисодиёт учун эмас, иқтисодиёт инсон учун бўлиши керак. Бу демак, иқтисодиётнинг социал йўналишини кучайтириш, уни инсон эҳтиёжларини қондиришга буриш керак. Кейинги пайтда академик Л. Абалкининг «ишлаётганимиздан ёмон яшаётганимиз йўқ», деган фикри жамоатчилик ўртасида оммалашди. Шахсан мен ҳурматли академигимизнинг бу фикрига қўшила-

Бугунги ҳаёт жамиятимиз олдига бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кундаланг қилиб қўйди. Бу муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўллари эса партия ва ҳукуматимизнинг кейинги ҳужжатларида белгилаб берилган. Ҳозир «қайта қуриш» деб номланаётган ислохотнинг мамлакатимиз етмиш йиллик тарихидаги кўпгина сиёсий ва иқтисодий ислохотлардан фарқи нима? Фарқи шундаки, у биринчи навбатда сиёсий устқурмани эмас, балки иқтисодий базисни тубдан ислох қилишни, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системасини тугатишни, ҳар бир меҳнаткашнинг фаол иқтисодий тафаккурга жалб этишни кўзда тутди. Иқтисодий базиснинг ўзгариши эса ўз-ўзидан шунга мувофиқ келадики сиёсий устқурманинг юзага келишига — кенг демократия учун мустаҳкам замин яратилишига, чинакам умумхалқ давлатининг қарор топишига олиб келади.

Ҳар қандай инқилобий ўзгаришлар сингарни, мамлакатимиздаги ҳозирги қайта қуриш жараёни ҳам катта қийинчиликлар билан амалга ошяпти. Бу катта ишда нималар тўғри-ю, нималар нотўғрилиги жамиятимизнинг барча онгли аъзоларини ташвишлантираяпти, кўплаб баҳсларга сабаб бўлаяпти. Бугунги кунимизнинг долзарб муаммолари бўлган халқ истеъмолчи молларининг етишмаслиги, пулнинг қадрсизланиши, ишсизлик, хуфий иқтисодиётни бартараф этиш, суний миграциянинг олдини олиш, регионал хўжалик ҳисобини жумхуриятимиз миқёсида жорий этиш учун нималар қилиш керак? Таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, Ўзбек Совет қомуси Бош муҳаррири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзолигига номзод НУРИСЛОМ ТУХЛИЕВнинг журналист АЛИНАЗАР ЭГАМНАЗАРОВ билан суҳбатида бугунги ҳаётимизга хос бўлган мана шу ва бошқа бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар тўғрисида сўз юритилади.



олмайман. Москвалик профессор машина сотиб олиш учун Сибирга бориб дарахт кесса, ўзбекистонлик ўқитувчи ҳамма қиладиган оддий бир тўйни қилиш учун ўз ўқувчисининг уйида мардикорлик қилса, бунинг учун у айбдор эмас. Ҳозир олий маълумотли ўқитувчи бир ставка дарс берса 140 сўм маош олади. Бу маош билан нарх-наво сакраб турган ҳозирги шароитда рўзгор тебратиш мумкинми? Социализмнинг муқаддас шиори бор: «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша». Лекин биз ҳали бу широрга тўлиқ амал қилганимизча йўқ.

— **Марказий матбуотда пул ислохоти тўғрисида ҳар хил фикрлар билдириляпти. Баъзилар бу тадбир оддий меҳнаткашга катта зиён етказиши мумкин дейишяпти.**

— Пул ислохотини амалга ошириш керак. Бундан оддий меҳнаткашлар ҳеч нарса йўқотмайдилар. Омонатчиларнинг асосий қисми ўртача таъминланган кишилардир. Уларнинг давлат омонат кассаларидаги пули мамлакат бўйича ўртача 1500 сўмни, жумҳуриятимизда эса 1340 сўмни ташкил этади. Бундай кишилар пул ислохотидан ҳеч нарса йўқотмайдилар. Давлат уларга музд (компенсация) беради. Лекин харом йўллар билан юз минг сўмлаб пул тўплаб, «наमत»нинг остида сақлаётганлар зарар кўриши мумкин. Бундан ташқари 40 фоиздан ортиқроқ аҳолининг омонат кассаларда ҳеч вақоси йўқлигини, мавжуд омонатларнинг 40 фоизи эса аҳолининг 10 фоизига қарашли эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бошқача айтганда, пул алмашувидан тўғри эмас, ўғри зарар кўриши мумкин.

— **Ҳозир давлат мулкнинг эскирганлиги, хусусий мулкка ўтиш ҳақида кўп гап бўлмоқда. Бунга сиз қандай қарайсиз!**

— Давлат-умумхалқ мулки эскиргани йўқ. У ҳали ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилди, деб айта олмаيمиз. Лекин бошқа нарса аниқ. Унинг ҳиссасини сўзсиз ҳозирги 85 фоиздан пасгга тушириш, ҳосил бўлган «ёриқ»ни эса кооператив, акционерлик, аралаш мулк шакллари билан тўлдирish керак. Шунда ҳам барибир давлат-умумхалқ мулкнинг ҳиссаси бизда бошқа ривожланган капиталистик мамлакатлардагидек 20—30 фоизга тушмайди. Чунки иттифоқ-жумҳурият, жумҳурият, муниципал мулклар ҳам давлат мулкидир. Давлат-умумхалқ мулкнинг мутлақ ҳолати шунга олиб келяптики, ҳозир ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқлари давлат монополияси бўлиб қоляпти. Бу аввало ишлаб чиқаришда рақобатнинг йўқ бўлишига олиб келди, меҳнат самарадорлигига, саноат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этапти.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, дунёда биринчи бўлиб Ернинг сунъий йўлдошини учирган, космосга биринчи бўлиб одам чиқарган мамлакатда етмиш йилдан бери оддий бир пойфазални дурустроқ қилиб ишлаб чиқаришни ўрганиб олганимиз йўқ. Нега? Ахир ўша «Саламандр» фирмасида ишлайдиган ишчидаги фаҳм-фаросат, куч-ғайрат Тошкент пойфазал фабрикасида ишлайдиган ишчида ҳам бор-ку. Ҳозир жумҳуриятимизда йилига 42 миллион жуфт пойфазал ишлаб чиқариляпти. Бу аҳоли жон бошига икки жуфтан зиёдроқдир. Лекин пойфазал муаммоси бизда ҳамон ҳал бўлганича йўқ. Миқдор жиҳатидан етарлидир. Лекин сифат жиҳатдан-чи? Агар сифати кўнгилдагидек бўлганда, эҳтимол бунча пойфазални ишлаб чиқаришнинг ҳождати бўлмасди. Бизга биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги иқтисодий усуллар, қолаверса, бу соҳанинг давлат томонидан монополия қилиб олинганлиги ҳалақит берапти. Юқорида давлат-умумхалқ мулкнинг чексиз имкониятлари ҳали тўла очилмади дедик. Дарҳақиқат шундай. Мулк муносабатлари иқтисодий воситалар, ҳўжалик механизми орқали ҳаётга жорий этилади. Ҳўжалик механизмини ўзгартириш кооператив, хусусий, акционерлик мулкларини фаол қилиб юборишдан ташқари, умумхалқ мулки муносабатларига ҳам жиддий ўзгаришлар киритади. Масалан, монополиялаштирилган давлат мулки монополиялаштирилмаган давлат мулки бўлиши мумкин. Жанубий Корея, Гонконг, Сингапур каби мамлакатларда давлат мулкнинг хусусий мулк сифатида ҳаракат қиляётганлиги фикримизнинг далилидир.

— **Маълумки, мамлакатимизда дастлабки кооперативлар янги иқтисодий сиёсат даврида пайдо бўлганди, 20-йилларнинг охирига келиб бу сиёсатга чек қўйилди, кооперативлар ҳам тугатилди. Шундан кейин кооперативлар ишини ташкил этиш бўйича ўша даврда тўпланган тажриба ҳам унутилди. Ваҳоланки, кооперативлар 20-йилларда бозорни тўлдирishда муҳим роль ўйнаганди. Ҳозир эса жамоатчиликнинг кооперативларга муносабати салбий бўлиб қоляпти.**

— Кооперация ҳаракати остида жуда катта соғлом ғоя ётибди, албатта. Лекин рақобатга қодир бўлмаган, «мадорсиз» саноат шароитида кооперативчилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш хусусий мулкни, хуфия иқтисодиётни легаллаштириш билан барабар. Айнан шунинг учун ҳам аҳолининг кўпчилик қисмида кооперативлар тўғрисида салбий фикр пайдо бўлди.

Давлат ихтиёридаги саноат корхоналарининг аксарият қисми ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадилар. Уларда тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари ялпи маҳсулот ҳажмида катта миқдорни ташкил этмайди. Масалан, Тошкентдаги ивк йирик В. П. Чкалов номидаги самолётсозлик ишлаб чиқарish бирлашмаси ва Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводини олайлик. Бу корхоналарнинг бири самолёт, иккинчиси тўқув ва йигирув дастгоҳлари ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотларнинг халқ эhtiёжига бевосита даҳли йўқ. Мазкур корхоналар хом ашё чиқиндиларидан халқ учун буюмлар — самолётсозлик бирлашмаси болалар аравачалари, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи гушт қиймалағич ишлаб чиқарадилар. Лекин бу умумий маҳсулот ҳажмида жуда арзимаган миқдорни ташкил этади.

Кооператив корхоналар эса бевосита халқ учун буюмлар ишлаб чиқарадиган, айрим иқтидорли кишиларга ўз қобилиятини ишга солишда имконият яратадиган, жамоат ишлаб чиқаришда рақобатни юзага келтирадиган масканлардир. Кооператив корхоналар капиталистик мамлакатларда ҳам бор. Аммо бу мамлакатларда (масалан, Италия, Испанияда) кооператив корхоналарда ишлайдиган ишчиларнинг иш ҳақи давлат корхоналарида ишлайдиган кишиларнинг иш ҳақидан бир ярим-икки барабар кам. У ерларда кооператив корхоналарда асосан иш тополмаган, кам малакали кишилар меҳнат қилишади. Бизда эса энг қобилиятли кишилар кооператив корхоналарга ўтиб кетишяпти. Чунки уларда иш ҳақи давлат корхоналаридагидан икки-уч барабар кўп. Меҳнатсиз даромаднинг бир кўриниши сифатида намоён бўляётган бу фарқ шунинг учун ҳам каттаки,

бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қиймати унга кетган меҳнат харажатларидан анча юқори. Бу ерда қиймат қонуни бузиляпти. Бунинг устига кооператив корхоналар кучли рақобатчиларга дуч келмаяптилар, халқда эса кенг истеъмол буюмларига эҳтиёж катта. Бу битта сабаби. Кооператив корхоналарда ишлаб чиқарилаётган буюмлар қимматлигининг бошқа бир сабаби ҳам бор. Давлат кооператорларга деярли ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаяпти. Улар эски биноларни, эски машина ва ускуналарни икки-уч баравар қимматига сотиб олиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишмаяпти. Кооператорларни хом ашё билан ҳам ҳеч қиммат таъминламайди. Бу иш билан ўзлари шуғулланишлари керак. Улар ишлаб чиқарган товарларга давлат буюртмаси йўқ. Бундан ташқари кооператив корхоналарнинг эртанги кунига ҳеч қиммат кафолат бера олмайди. Бундай шароитда қайси содда кооперативчи маҳсулотини давлат нархида ёки ундан арзонга сотади.

Аммо жамоатчиликнинг норозилик овозларини ҳам у қадр адолатдан деб бўлмайди. Ҳозир кооператив корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар жумҳуриятимиз миллий даромадининг атиги бир фоизини ташкил этмоқда. Биз эса бу ҳақда ташвиш билан жуда кўп гапираямиз. Лекин қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 30—35 фоизи йиғиб-териб олиш, ортиш-тушириш, сақлаш пайтида хўжасизлигимиз натижасида йўқ бўлиб кетяпти. Бу билан эса ҳеч қимнинг иши йўқ.

Биз кооператив корхона давлат корхонасида ишлаб чиқарилаётган икки сўмлик майканинг икки жойига гул тушириб, тўрт сўмдан сотаётганлиги ҳақида кўп гапирамиз. Лекин нега шу гулни давлат корхонасининг ўзига солмайдилар? Бу ҳақда атрофлича мулоҳаза қилмаймиз.

— 60-йилларнинг бошида партиянинг 20 йилга мўлжалланган Дастури қабул қилинганди. Шунга мувофиқ биз 70-йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дунёдаги энг ривожланган капиталистик мамлакат бўлган АҚШни қувиб ўтишимиз, 80-йиллар босқидан коммунизмда яшашимиз айтилганди. Уша пайтда бу Дастур жамоатчилик ўртасида қизгин муҳокама бўлган, кўпчилик унинг амалга ошувига шубҳа билан қараганди. Вақт бу шубҳа ўринли эканлигини кўрсатди. Партия XXVII съездида эса бу дастур ҳақиқатдан узоқ, нореал бўлганлиги тан олинди, қайта ишланди.

— Социализмнинг деформацияси мамлакатимиз тараққиётига катта зарар етказди. У ҳақда кўп ёзилмоқда. Менинг назаримда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидаги энг хавфли нарса волонтаризмдир. 60-йиллар бошида қабул қилинган партиянинг Дастури ҳам волонтаризмдан бошқа нарса эмас. Волонтаризм феодализм шароитида ҳам, капитализм шароитида ҳам биздагидек хавфли эмас. Капитализм учун хавфли офат ишлаб чиқариш анархияси. Феодал тарқоқлик волонтаризмни, айниқса иқтисодий волонтаризмни доимо чеклайди. Чунки феодал ички хўжалик ишларига, ўзгаларнинг аралашувига йўл қўймайди. Бошқача айтганда, ҳар бир феодал ўзи бир кичик давлат. Капитализм шароитида эса ҳамма нарсани ревожланган бозор белгилайди. Сталинка социализм шароитида эса «пирамида»нинг энг юқори қисмидан берилган буйруқ энг қуйи бўғинигача етиб келади. Бу буйруқни бажармаган киши партия билетидан ҳам, лавозимидан ҳам ажралиши мумкин. Орден ва медаллардан қуруқ қолиши ҳеч гап эмас. Шу жиҳатдан турғулик даври сталинизмнинг қонуний давоми бўлди. Сталинизм бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулига асос солган эди, турғулик даврида бу система тақомилига етиб, ўзининг энг хунук жиҳатларини намойён этди.

Ўшт-сут маҳсулотлари етиштириш бўйича Американи қувиб етиш бўйича ҳаракат, шунингдек одамларимизда хусусий мулкчилик «иллатларини» тугатиш учун кураш чорва молларни қириб юбориш, одамларнинг томорқа хўжаликларини ноўрин қисқартириш билан тугади. Бу эса маълум вақт ўтгач мамлакатимизда озиқ-овқат танқислигининг юзага келишига «қўмаклашди».

Мамлакатнинг пахта мустақиллиги учун кураш шиорига маҳкам ёпишиб олиш Орол денгизининг қуриши, регионда экологик фожианинг бошланиши билан тугади.

Ичкиликбозликка қарши кураш эса узумзорларни яқсон қилиш, шакарнинг сунъий танқислигини юзага келтириш билан тугади.

Жумҳуриятимизда бир қатор вилоятлар ва районлар, маҳкамалар ва министрликлар тугатилганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Шу муносабат билан юзлаб ташкилотлар, уларнинг муҳрлари, вивескалари, ҳужжат қоғозлари йўқ қилинди, бинолари бошқа ташкилотларга берилди. Мана энди, ўша қарор нотўғри бўлганлиги тан олинди, тугатилган вилоят ва районлар, министрликлар яна тикланаяпти. Хўш, бу нотўғри, калтабинларча қарорни амалга оширишдан кўрилган моддий зарарни ким тўлайди-ю, шатларни қисқартириш, кўч-кўч пайтларида эговланган асабларни ким ўрнига қўяди?! Биров келиб бузади, иккинчиси келиб уни тугатади. Лекин ҳеч қим нарсага жавоб бермайди. Бошқача айтганда, калтабин раҳбарларнинг ҳар бир хатоси халқнинг гарданига ҳар гал оғир зарба бўлиб тушаяпти, аммо бунинг учун ҳеч қим партия билетини столга қўймайпти. Тўғри, қайта тузишлар, йириклаштиришлар соғлом хўжалик организида ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу жараёнлар ўзининг табиий йўлидан бориб, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган шароитдагина амалга оширилиши керак.

Яна Американи қувиб ўтишга қайтайлик. Аввало масаланинг бу тарзда қўйилишининг ўзи нотўғри. Аслида ер юзидagi мамлакатлар бир-бирини қувиб ўтишга эмас, иқтисодий шерик бўлишга (интеграцияга) ҳаракат қилиши керак. Чунки дунё ўз тузилиши жиҳатидан байналмилалдир. Дунёнинг нариги бурчагида содир бўлган ҳодиса у ёки бу тарзда бу бурчагида ҳам акс этади. Масалан, Фарбда нефтни тежайдиган технологиянинг яратилиши халқор бозорда нефтнинг баҳосини тушириб юборди. Бу эса жаҳон бозорида асосан хом ашё маҳсулоти билан қатнашиб келаётган мамлакатимизнинг иқтисодий аҳволига жиддий зарар етказди.

Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ташқи оламдан ажралиб яшашга интилиш эса ҳар бир халқ ва мамлакат учун ҳалокатлидир. Масалан, японлар босқинчилар ҳужумидан қўрқиб, икки юз йилгача ташқи дунёдан мутлақо ажралган ҳолда яшаганлар. Ўз мамлакатларига биронта ҳам миссионерни қўймаганлар. Утган аср ўрталарида инглиз кемалари Япония соҳилларини тўплардан ўққа тутишган. Шунда бу тўплар японларга мўъжизавий бир қурол бўлиб қўринган, ўзларини жуда орқанда қолиб кетганликларини ҳис қилганлар. Шундан кейин Япония ўзга мамлакатлар, биринчи навбатда Европа билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни кенгайтди. Кўплаб япон ёшлари Европадаги дорилфунунларга бориб ўқишиб, аниқ фанларни ўрганишди. Мамлакат иқтисодий ривожла-

нишга зўр бериб ҳаракат қилди. Натижада Япония ўтган аср охирига келиб мамлакатни индустриалаштириш ва электрлаштиришни тугаллади.

Социалистик система ҳам амалда анча вақт «темир панжара» ичида яшаб, капиталистик олам билан иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўймади. Бу яхшиликка олиб келмади. Биз боши берк кўчага кириб қолдик. Техника тараққиётида орқада қолиб кетдик. Ғарб бизни қуроллиниш пойга-сига қўшилишга мажбур қилди. Эндликда биз эски йўлимиздан воз кечаямиз. Аммо бу борада ҳали ҳам жиддий силжишлар йўқ. Биттагина Хитойдан ҳозир Америкада 30 минг талаба таълим олмоқда. Бизда эса бу борада масаланинг ечими эмас, тугуни бор. Яъни валюта йўқ! Лекин келажакни ўйлаган ҳукумат валюта топади.

— Мамлакатимизнинг кўпгина жойларида бўлганидек, ҳозирги даврда жумҳуриятимизда ҳам халқ учун зарур молларнинг тақчиллиги, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши кучайиб бора-япти. Бу салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун қандай чораларни амалга ошириш керак!

— Ҳозир мавжуд бўлган халқ ҳўжалик структураси иқтисодиётимиздаги бу салбий ҳодисаларни тўла бартараф этишга қодир эмас. Бизнинг жумҳуриятимизда шундай халқ ҳўжалик структураси юзага келгани, унда ташқарига чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80 фоизини хом ашё ташкил этади. Бозор товар фондининг 49 фоизи эса мамлакатнинг бошқа минтақаларидан келтирилаётган моллар ва импорт ҳисобига ҳосил қилинади. Натижада шундай аҳвол юзага келгани, ҳозир жумҳуриятимизга олиб келинаётган маҳсулотлар олиб кетилаётганидан 4 миллиард сўмлик кўп. Ўз оти билан халқ ҳўжалиги дейилади-ю, лекин халқ эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берайди. Мавжуд саноат корхоналарининг кўпчилиги ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаради.

Илғор капиталистик мамлакатларда саноатнинг «Б» группаси маҳсулоти (халқ истеъмоли моллари 30—35 фоизни ташкил этади. Бизнинг республикамизда эса бу кўрсаткич 26 фоиздан ошмайди. Бу иттифоқ миқёсидаги кўрсаткичдан ҳам паст, бунинг устига ўн йиллардан бери ўзгармай келаяпти. Бундай шароитда халқ истеъмоли буюмлари тақчиллигини тугатиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Халқ истеъмоли моллари бозорини мўл-кўл қилиш учун саноатнинг «Б» группаси ҳиссасини кескин ошириш керак. Буни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Аввало ўрта ва майда корхоналарни кўпайтириш лозим. Майда корхоналарнинг йирик корхоналарга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Энг асосийси, бундай корхоналар бозор талабларига тез мослашади. Шунинг учун ҳам капиталистик мамлакатларда майда корхоналар тармоғини кенгайтиришга катта аҳамият берилади. АҚШда 20 нафаргача ишчиси бўлган майда корхоналарнинг миқдори 3 миллиондан ортади. Бу корхоналарда мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 20 фоизи ишлаб чиқарилади. Иттифоқимизда эса юз нафаргача ишчиси бўлган корхоналар ялпи маҳсулотнинг 5 фоизини беради. Жумҳуриятимиздаги аҳвол бундан ҳам ёмонроқ. Бизда юзга яқин ишчиси бўлган корхоналар 299 та бўлиб, улар жумҳуриятимиздаги саноат товар маҳсулотларининг атиги 1,5 фоизини беради.

Аммо халқ ҳўжалигининг ҳозирги мавжуд структурасини ўзгартириш осон иш эмас. Бир тармоқда ишлаб турган ишчиларни иккинчи бир тармоққа ўтказиш, улкан корхоналар ўрнида ўрта ва кичик корхоналарни ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Бу мақсадларга маблағ керак бўлади — кадрларни қайта тайёрлаш, янги саноат районларига кўчириш, улар учун уй-жой ва социал инфраструктура объектларини қуриш кўшимча маблағ талаб этади. Лекин нимадандир бошлаш керак. Масалан, Фарғона водийсида ҳукумат қарори билан қурилаётган янги иш жойлари фақат ана шу мақсадларга хизмат қилиши керак.

Жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг етишмаслиги натижа-сида бир қатор маҳсулотларни ташқаридан олиб келишга мажбур бўлаяпмиз. Булар жумласига гўшт ва сут маҳсулотлари, ун, ёрма, қандолатчилик маҳсулотлари (йилига 50 минг тоннагача), ачитқич, газламалар, трикотаж, носки-пайпоқ, пойафзал, мураккаб уй-рўзгор буюмларининг деярли барча турлари (холодильникдан ташқари), болта, паншаха, ўроқ, почта қўтилари ва ҳатто, сабзавот солинадиган саватларгача киради.

Ўлкамиздан ташқарига чиқариладиган моллар миқдори эша жуда кам. Бу маҳсулотларнинг 78 фоизини пахта толаси, қолганини бошқа енгил саноат, машинасозлик, кимё, агротехника саноати буюмлари ташкил этади. Бунинг устига бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбоп эмас. Шунинг учун ҳам жаҳон миқёсида мол айирбошлашдаги ҳиссамиз кам. Масалан, бизда жумҳуриятларро мол айирбошлаш 85,8 фоизни, ташқи савдо эса 14,2 фоизни ташкил этади. Товар айирбошлашда фақат учта жумҳурият — Молдавия, Эстония, Тожикистон билан фаол сальдо сақланмоқда, яъни товар чиқариш товар келтиришдан ортиқроқ. Бошқа барча жумҳуриятлар билан Ўзбекистон пассив сальдога эга, айримлари билан жуда сезиларли даражада. Масалан, РСФСР билан товар зйрибсшлашда чиқимга нисбатан кирим 1,201 миллион сўмга, Украина билан 719 миллион сўмга, Қозоғистон билан 561 миллион сўмга отиқроқ.

Ҳозир жумҳуриятимизда халқ учун моллар етказиб беришда танг вазият юзага келди. Бунинг асосий сабаби бу ерда таркиб топган ижтимоий ишлаб чиқариш структурасидир. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг 40 фоизи ҳажмида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, 1988 йилда бизда аҳоли жон бошига 494 сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу умумиттифоқ кўрсаткичидан 2,5 марта, РСФСР дагидан 2,4 марта, Украинадагидан 2,5 марта, белоруссиядагидан 2,8 марта, Латвиядагидан 5,2 марта, Арманистондагидан 2,7 марта, Эстониядагидан 5,1 марта кам демакдир. Бу кўрсаткич бўйича биз фақат Туркменистондан олдиндаимиз.

Ҳозир жумҳуриятимиз аҳоли жон бошига моддий неъматлар истеъмоли қилиш ва маиший хизмат бўйича умумиттифоқ кўрсаткичининг 70 фойизи, чакана товар обороти бўйича эса 60 фоизи даражасидадир. Натижада биз озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини истеъмоли қилишда нафақат илгий асосланган нормадан, балки умумиттифоқ кўрсаткичидан ҳам анча орқада қола-япмиз. Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси гўшт ва сут маҳсулотлари, картошка, қанд истеъмоли қилиш бўйича мамлакатда энг охириги ўринни эгаллаб турибди. Фақат шугина эмас. Биз ўзимиздан умумиттифоқ фандига етказиб берадиган маҳсулотларни истеъмоли қилиш бўйича ҳам мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан пастда турибмиз. Масалан, аҳоли жон бошига иттифоқ кўрсаткичининг 90 фо-

изи даражасида сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 60 фоизи даражасида мева ва узум истеъмол қилаяпмиз. Кўпгина маҳсулотларни истеъмол қилиш бўйича иттифоқ ва жумҳуриятимиз ўртасидаги фарқ қисқариш ўрнига ўсиб бормоқда. Масалан, кейинги ўн йилликда мамлакат миқёсида аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 16 килограммга ўсган бўлса, бизда бу кўрсаткич ўзгармади.

Айниқса маданий-маиший ва рўзгор моллари ишлаб чиқариш бўйича танг вазият вужудга келди. Масалан, аҳоли жон бошига мураккаб маиший техника ишлаб чиқариш умумиттифоқ кўрсаткичидан беш баравар, Латвия ССР кўрсаткичидан 12 баравар пастроқ. Тўғри, бу ерда демографик вазият ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айтилган, бундай шароитда қандай қилиб пул эмиссиясининг олдини олиш мумкин. Жумҳуриятимизда юз миллионлаб сўмлар товар билан таъминланмаган. Масалан, 1988 йилда жумҳуриятимизда пул эмиссияси бир неча миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили янада ошиб кетди. Айтايлик, унинг бир қисми чакана товар айирбошлаш оширилиши ҳисобига қопланган бўлсин, қолган қисми-чи?

Иқтисодий тизимиздаги бу ва шунга ўхшаш носоғлом вазиятлар давлат бюджетидagi камомадни оширади. Бунинг устига асосий даромад манбалари қисқармоқда ўтган йилларда Ўзбекистонда пахта яккахокимлиги снэсатининг амалга оширилиши, саноатнинг ҳам асосан пахтачиликка хизмат қиладиган машина ва ускуналар, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга махтисослашиши халқ орасида минг йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб келган ўнлаб халқ ҳунармандчиликларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Инқилобгача бўлган ўзбек шаҳарларида ҳар бир маҳалла аҳли ҳунармандчиликнинг маълум бир тури билан шуғулланган. Маҳалла ҳам аксарият шу ҳунар номи билан аталган: Эгарчи, Пичоқчилик, Дегрез, Мисгарлик ва ҳоказо. Ҳозир қани ўша маҳаллалар-у, ўша ҳунармандлар? Гарчи шундай ном билан аталган маҳалла топилса ҳам унда яшайдиган кишилар мисгарлик ёки дегрезлик касби қандай бўлишини билмайдилар. Бошқача айтганда, ўз аجدодини унутган манкурт сингари бўлиб қолганлар.

Дарҳақиқат, айнан майда корхоналар барча замонларда инсон эҳтиёжларига хизмат қилиб келган. Бизда кооператив корхоналар шундай вазифани ўташи мумкин эди. Бироқ биз уни обрўсизлантириб бўлдик.

Капитализмда иқтисодийнинг структураси бозор талаблари ва фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий қилиш негизда такомиллашади. Бизда эса бозор йўқ, фан-техника тараққиёти сусаймоқда.

— Социализмга хос бўлган планли иқтисодий шароитда ишсизликнинг юзага келишини қандай баҳолайсиз?

— Бу носоғлом аҳволнинг тагида ҳам ҳозир амал қиладиган ижтимоий ишлаб чиқариш структураси ётибди. Ҳозир Ўзбекистонда 6 миллион аҳоли меҳнат билан банд. Меҳнатга лаёқатли бўлган, лекин ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашмаётган аҳоли эса 2,2 миллиондан ошиб кетди. Булар орасида кўп болали, эмизикли боласи бўлган оналар бор. Улар шахсий томорқа хўжалигида ҳам ишлайдилар. Шулар ҳисобдан чиқариб ташланса, меҳнат қилишга тўла лаёқатли бўлган 1 миллионга яқин ишсиз қолади. Булар ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлганларга нисбатан олинандиган бўлса 17 фоизга яқинини ташкил этади. Бу ниҳоятда юқори кўрсаткич.

АҚШда 4—5 фоиз ишсизлик ташвишлантирмайдиган ҳодиса ҳисобланади. Бу қайта малака ошириш, рақобат учун керак. Ундан ортиғи ташвишли ҳодиса ҳисобланади, албатта.

Қолаверса, жумҳуриятнинг йирик шаҳарларида ишчилар сафининг бошқа минтақалардан кўчириб келтирилганлар ҳисобига ўстирилиши ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида ишсизликнинг ортishi сабаб бўлди. Бундан ташқари бу турар жой танқислигини кучайтириб, шаҳарлардаги маҳаллий аҳоли салмоғини камайитириб юборди. Масалан, кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолиси йилига 45—47 мингга кўпайиб борди. Бу кўпайишнинг тенг ярми кўчиб келганлар ҳисобигадир. Ҳозир республика пойтахтида ўзбеклар 37 фоизни, руслар 34 фоизни, бошқа миллат вакиллари 29 фоизни ташкил этади. Уй-жой олишда таклиф қилинганлар устунликка эга, албатта. Буни социал адолатдан деб бўлмайди.

Ўтган йили жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ундан аввал давлат тили ҳақидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама бўлди. Аслида Ўзбекистонда ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилишни муҳокама қилиб ўтиришнинг ўзи фалати туюладику. Лекин сиртдан қараганда шундай. Юқорида биз жумҳуриятнинг давлат, илм-фан, маданият маркази бўлган Тошкентда ўзбеклар салмоғи камайиб кетганлигини айтиб ўтдик. Агар Тошкентдаги давлат идораларида ишлайётган ўзбекларнинг миқдори аниқланадиган бўлса, шубҳасиз, ундан ҳам озроқ фоизни ташкил этади. Бунинг устига ҳозир Ўзбекистон пойтахтидаги давлат идораларида ишлайётган, паспортига миллати ўзбек деб ёзилган кишиларнинг аксарият қисми ҳам ўз она тилларини яхши билмайдилар. Аҳвол шу даражада бориб қолганидан кейин қандай қилиб ўзбек тилини осонликча давлат тилига айлантириш мумкин?

Тил — миллатнинг қони, соғлом қон тирик мавжудот учун қанчалик зарур бўлса, миллат учун ҳам соғлом, эркин ривожланаётган тил шу даражада зарурдир. Агар ўзбек тилининг ҳаракат доираси тораядиган бўлса, бу нафақат миллий, шу билан бирга халқаро миқёсдаги фожиага айланади. Сабаби ўзбек тили энг забардаст туркий тиллардан биридир. Унга путур етказиш барча туркий тилларга зарба бериш бўлади. Бу ҳақиқатни биз кеч бўлса ҳам англаб етдик.

Жумҳуриятимиздаги бугунги бир қатор муаммолар — ишсизлик, демографик вазият, маҳаллий аҳолининг техник маданияти пастлиги, бир қатор саноат корхоналарида ишчилар кўнимсизлиги юқорилиги, буюмлар сифатини яхшилашда дуруст олдинга силжиш сезилмаётганлиги ва бошқа бир қатор муаммолар у ёки бу даражада маҳаллий аҳолидан ишчи кадрлар етиштиришга эътибор берилмаганлигига бориб тақалади.

— Бундан ўн йилча муқаддам Тошкент шаҳар партия комитетида бир воқеанинг гувоҳи бўлгандим. Шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби шаҳардаги ярим йиллик планини бажаролмаган корхоналарнинг директорлари билан сўхталашди. Директорлар неча бундай аҳвол рўй берганлигини бир-бир туриб гапирди. Шунда уларнинг кўпчилиги ишчи қилари етишмаётганлигини қолоқликнинг асосий сабабларидан бири қилиб кўрсатишди. «Агар ишчи кучи етишмаётган бўлса, топши керак, — деди биринчи котиб. Кейин у экскаватор заводининг директорига мурожаат қилди. — Қани айтинг-чи, сиз бу масалани қандай ҳал қиляпсиз!» Экскаватор заводи директо-

ри ўрнидан туриб, ўтган ойда Омск ва Томск томонларга ўз вакилларини юбориб, қирқ нафардан ортиқ одам топиб келганигини айтди. «Жуда яхши, — деди шунда биринчи котиб, — бошқалар сизлардан ибрат олишсин. Топиб келган одамларнингизни шаҳар қайдиномасидан ўтказишда биз ёрдам берамиз».

Шунда мен бу гап-сўзларни жимгина тинглаб ўтириб, нега ишчиларни Фарғона ёки Хоразмдан эмас, Омскдан олиб келишаркан-а, деб ўйлагандим. Лекин бу фикримни ошқора айтишга журъат қилмагандим. Чунки у пайтларда бундай фикрлар ошқора айtilса, миллатчи деган тамғани ёпиштиришлари ҳеч гап эмасди.

— Дарҳақиқат, жумҳуриятимиздаги йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари ишчи кучларига бўлган эҳтиёжни узоқ вақт мамлакатимизнинг Европа қисмидан одам ёллаш билан ҳал қилиб келдилар. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидланишича, ҳозир жумҳурият саноатида маҳаллий миллат вакиллари 20 фоизни ташкил этмоқда. Ишсизлар армияси тинимсиз ўсаётганлигига қарамай, охириги йилларгача ташқаридан ишчи ва мутахассислар ёллаш давом этди. Йўлланма билан келадиган малакали мутахассислар бўлса бир нави. Лекин оддий ишчиларни маҳаллий миллат вакиллари орасидан бемалол тарбиялаб етиштириш мумкин эди-ку.

— Ҳозир жумҳуриятимизда маҳаллий миллат вакилларидан ишчиларни кўпайтириш учун биринчи навбатда қандай тадбирларни амалга ошириш керак!

— Ҳозир маҳаллий миллат вакилларидан ишчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш тўғрисида кўп гапирилапти. Қизиғи шундаки, ҳатто нуфузли ташкилотларда ҳам бу қинғайишни тўғрилаш учун ҳунар-техника билим юртларида қишлоқ хўжалигига мутахассислар тайёрлашни камайтириб, саноатга кадрлар тайёрлашни ошириш керак деб айтмоқдалар. Аслида эса бу муаммони ҳал этиш у қадар жўн иш эмас. Гап шундаки, бу муаммонинг ҳам илдизи ҳозирги ишлаб чиқариш структурасига бориб тақалади. Жумҳуриятимизнинг умумий саноатида машинасозлик корхоналарининг ҳиссаси 16 фоиздан ошмаса, бу корхоналар ҳам шаҳарларда, маҳаллий аҳоли кам яшайдиган районларда жойлашган бўлса, қандай қилиб улардаги ўзбек ишчилари миқдорини икки марта ошириш мумкин? Биздаги ҳунар-техника билим юртларининг деярли ярми қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган. Қолаверса, ҳозир давлат томонидан ажратилаётган маблағлар билан бу ўқув юртларида малакали мутахассислар тайёрлаш қийин. Уларнинг кўпчилигида моддий-техника базаси ночор. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳунар-техника билим юртлари маълум тармоқлар, корхоналар, оталиғида ташкил этилади.

Шу билан бирга ишчи касбларини эгаллаётган маҳаллий миллат вакиллари сонининг кўпайишига аҳолисининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этувчи районларда ҳунар-техника билим юртларининг сони ҳаддан ташқари камлиги ҳам тўсқинлик қилапти. Масалан, Тошкентни олайлик. Бу шаҳардаги ўзбеклар нисбатан кўп яшайдиган Акмал Икромов районида атиги битта, Октябрь районида тўртта билим юрти бор. Маҳаллий миллат вакиллари нисбатан кам яшайдиган Куйбишев районида тўққизта, Киров районида олти билим юрти бор.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг битирувчиларини ҳунар-техника билим юртларига жалб этишга она тилидаги кўпгина дарсликларнинг, методик қўлланмаларнинг йўқлиги ҳам тўсқинлик қилаяпти. Бу муаммолар Тошкент шаҳар партия қўмитасининг ўтган йил ноябрь ойида бўлиб ўтган пленумида ҳам айтиб ўтилди.

Аграр ишлаб чиқаришнинг ҳозирги структураси ўзгармаса, маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар синфи отрядини кўпайтириш ҳақидаги таклифлар бундан буён ҳам қуруқ гап бўлиб қолаверади. Яна 70 йилдан кейин ҳам нима учун «Подъёмник», тепловоз-ремонт заводларида маҳаллий миллат вакилларининг ҳиссаси 15-17 фоиздан ошмаяпти, савдо техникумида эса уларнинг ҳиссаси 70 фоизни ташкил этмоқда, деб савол беришда давом этамиз.

Бизда ғалати бир нарса одат бўлиб қолган. Аввал корхона қурилади-а, кейин унга ишчилар қидирилади. Аслида корхона қурилиши бошланиши билан ишчи кадрлар тайёрлашга киришиш керак.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент шаҳридаги илғор саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу корхона Тошкентга 1941 йилнинг охирида Москва яқинидаги Кольчугин шаҳридан кўчириб келтирилган. Корхонанинг биринчи директори К. Ф. Сафонов завод кўчиб келган дастлабки ойлардан бошлаб маҳаллий миллат вакиллари ёшлари орасидан ишчи кадрлар тайёрлашга биринчи даражали аҳамият бера бошлади. Натижада тарихан қисса даврда корхонада кўплаб ўзбек ишчи сулоалари пайдо бўлди. Уларнинг анчагина қисми ҳалол меҳнатлари учун ҳукуматимизнинг юсак мукофотларига сазовор бўлишди. Бу кишиларнинг бир қисми ҳозир ҳам шу корхонада меҳнат қилишади. Уларининг меҳрибон устозлари К. Ф. Сафонов номини миннатдорчилик билан тилга олишади.

Афсуски, Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида пайдо бўлган бу яхши анъана бутун жумҳуриятимизда кенг қулоч ёймади. Кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари «осон йўлдан» бориб, маҳаллий миллат вакилларидан ишчи кадрлар тайёрлашга дуруст эътибор берамай қўйдилар. Масалан, Навоий шаҳридаги саноат зонаси 50-йилларнинг охирида бунёд этилган. Бу ердаги биринчи ҳунар-техника билим юрти эса 70-йилларнинг бошида, иккинчиси 80-йилларнинг бошида ишга туширилди. Шунинг учун ҳам ўз даврида бу шаҳарлардаги корхоналарда ишлайдиган ишчиларнинг деярли ҳаммаси мамлакатимизнинг Европа қисмидан, Сибирь шаҳарларидан кўчириб келтирилди. Шундай қилиб биз ноўрин миграцияни ташкил этиб, мамлакатимизнинг ноқоратупроқли ерлари бугунги кунда одамсиз ҳувиллаб қолишига «қисса» қўшдик.

Яна бир гап. Биз кейинги йилларда олий маълумотли кадрлар тайёрлашга берилиб кетиб, малакали ишчи кадрлар тайёрлашни иккинчи ўринга суриб қўйдик. Шу боисдан ҳозир ўз мутахассислиги бўйича иш тополмай оддий ишчи бўлиб ишлаётган кишилар сони тинмай ўсапти. Ҳозир бизда инженер дипломи билан таъминот базасида, ҳуқуқшунос дипломи билан бензаконкаларда ишлаётган, агроном дипломи билан пивот сотаётган кишиларни учратиш мумкин. Масалан, 1980 йилда жумҳуриятимизда олий маълумотли мутахассислардан 4,2 минги, ўрта маълумотли мутахассислардан 35 мингга яқини ишчи касбларида ишлаётганди. 1987 йилда бу кўрсаткич 13,5 минг ва 87 мингни ташкил этди. Бу ҳодисанинг асосий сабаблари абитуриентлар орасидан

бўлажак мутахассисларни тўғри танламаслик, бўш иш жойларининг йўқлиги, касбдан қониқмаслик, иш ҳақининг камлиги ва бажараётган вазифасининг истиқболи йўқлигидир.

Жумҳуриятимиз ҳукумати қишлоқ меҳнаткашларининг томорқаларини кенгайтириш тўғрисида қабул қилган қарор халқнинг турмуш фаровонлигини оширишдан ташқари, ишсизликни ҳам анча камайтириш имконини беради. Эндиликда бу қарорнинг бажарилишини қаттиқ туриб назорат қилиш керак. Акс ҳолда жойлардаги бюрократ раҳбарлар бу муҳим тадбирни ҳам қуруқ гапга айлантириб қўйишлари мумкин.

Фарғона водийсида ишсизлар кўп бўлишдан ташқари, аҳолининг зичлиги ҳам юқори. Масалан, водийнинг Ўзбекистон қисмида қишлоқ аҳолисининг зичлиги ҳар бир квадрат километрга 166 кишига етди, барча аҳолининг зичлиги эса 225 кишига етди. Санитария қондаси бўйича эса бир квадрат километрга 100 киши яшаган тақдирдагина нормал экологик ҳолатни таъминлаш мумкин. Кейинги йилларда кескинлашган социал-демографик вазиятни юмшатиш учун водий аҳолисининг бир қисмини Мирзачўл ва Қарши даштида янги ташкил этилган совхозларга кўчиришга уриниб кўрилди, лекин бу иш кутилган натижани бермади. Нима учун? Сабаби, янги ерлардаги совхозларда одамларнинг яхши яшаб, меҳнат қилиши учун дуруст шарт-шароитлар йўқ.

Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштларига ишчи кучларини кўпроқ жалб этиш учун бу ерлардаги яшаш шароитларини яхшилаш керак. Иккинчидан, Бўз районидagi қўриқ ерларни, Далварзин чўлини ўзлаштиришдаги тажрибамиздан ижодий фойдаланишимиз лозим. Маълумки, урушдан кейинги йилларда Бўздаги қўриқ ерлар ўзлаштирилганда хўжаликларга ер майдонлари ажратиб берилган эди. Ҳар бир хўжалик ўз куч ва имкониятлари билан ўзига ажратилган майдонларни обод қилишга киришганди. Шу йўсинда секин-аста аҳолининг бир қисми янги ерларда ўтrockлашиб қолди. Бу тажриба шуниси билан муҳимки, киши янги жойга борганида атрофда қадрдон кишилари бўлгани яхши. Бундай шароитда янги жойга тез кўникади, кўйинчиликларни ҳам осон енгади.

Ёки ҳозирги Бўка районини олайлик. Бу районда Паркент районидagi сингари номлар билан аталадиган қишлоқлар бор. Бу қишлоқларнинг аҳолиси асли Паркент районилик бўлиб, урушдан кейинги дастлабки йилларда бўз ерларни ўзлаштириш учун келиб, шу ерда ўтrockлашиб қолишган.

— Бундан икки йил муқаддам жумҳуриятимизда туғилишни чеклаш масаласи кўтарилганди. Бу жамоатчиликнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлди. Ҳозир бу ҳақда ҳеч қандай гап-сўз йўқ. Аммо ҳаёт эртадир-кечдир туғилишни чеклаш заруратини олдимизга кўндаланг қилиб қўймасмики! Масалан, 50-йилларда Хитойда 600 миллион аҳоли яшарди, демографик муаммо йўқ эди. Етмишинчи йилларга келиб бу мамлакат аҳолиси бир миллиардга яқинлашиб қолди. Хитой ҳукумати шундан кейин туғилишни чеклаш сиёсатини юргиза бошлади. Аммо бу мамлакатда аҳолининг кўпайиши ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳодисани дунёнинг бошқа бир қатор мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин.

— Назаримда бизда бу масала ҳозир бундан тўрт-беш йил аввалдагидек кескинлигини йўқотди. Чунки кейинги даврда жумҳуриятимизда туғилиш суръатлари бирмунча пасайди. Уйлайманки, маҳаллий хотин-қизлар ижтимоий фойдали меҳнатга кўпроқ жалб этилса, халқнинг турмуш фаровонлиги ўсса туғилиш суръатлари янада секинлашиб боради. Агар 1985 йилда ҳар минг киши ҳисобига 37,2 бола туғилган бўлса, бу кўрсаткич 1988 йилда 35,1 ни ташкил этди. 1987 йилда жумҳуриятимизда энг кўп бола туғилган йил бўлди — 714,4 минг. 1988 йилда эса бу кўрсаткич 694,1 минг нафарни ташкил этди. 30 ёшдан 35 ёшгача бўлган ўзбек аёлларининг ҳар минги 70-йилларда йилга ўртача 248 нафардан бола туққанди, 80-йилларда бор-йўғи йилга ўртача 183 нафар бола туғдилар. 35 ёшдан 40 ёшгача бўлган аёллар шу даврда йилга нисбатан 202 ва 102 нафардан бола туғишди. (Кўрясизми, туғилиш сезиларли камайган). Умуман кейинги ўн беш йил мобайнида Ўзбекистонда туғилиш суръатлари тахминан 20 фоизга камайди.

Жумҳуриятимизда бола туғилиши юқорилигининг сабаби фақат урф-одат билангина боғлиқ эмас. Бизда оилаларнинг ажралиши иттифоқ кўрсаткичидан икки баравардан зиёдроқ паст. Масалан, мамлакатимизда ҳар уч никоҳдан бири ажралиб билан тугаяпти, бизда эса 6,3 никоҳдан бири ажралапти.

Туғилишни чеклаш (агар шундай қилиш лозим бўлса, лекин бу жараён ҳали ҳеч кимга ҳеч қандай ҳавф солаётгани йўқ) маъмурий-буйруқбозлик йўли билан эмас, балки халқнинг маданий-маиший турмуш шароитини, умумий ва санитария маданиятини яхшилаш орқали амалга оширилиши мумкин. Масалан, Арманистон 50-йилларда кўп болали оилалар жумҳурияти эди. Ҳозир эса кам болали оилалар жумҳуриятлари қаторига ўтапти. Бу ерда бундай ўзгаришга халқнинг социал-маиший шароитини яхшилаш орқали борилди.

— Жумҳуриятимизда аҳоли кўпайишида сунъий миграциянинг ўрни қандай?

— Бу ҳақда қўлимда аниқ маълумотлар йўқ. Лекин жумҳуриятимиз аҳолиси кўпайишида миграциянинг сезиларли ўрни борлиги барчамизга яхши аён. 20-йилларда жумҳуриятимиз терри-ториясида 4 миллиондан сал кўпроқ аҳоли яшарди. Ҳозир эса аҳолиси миқдори 20 миллионга етиб қолди. Бу кўпайишнинг анчагина қисми ҳеч сўзсиз миграция ҳисобигадир.

Уруш йиллари мамлакатнинг душман вақтинча босиб олган районларидан кўчиб келган аҳолининг бир қисми Ўзбекистонда яшаб қолди. Сталин эса жумҳуриятимизни Ватанидан бадарға қилинган майда миллатлар яшайдиган махсус лагерга айлантirdи. Қолаверса, уруш даврида ва урушдан кейинги даврда бунёд этилган Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрён, Навоий, Янгиер, Бекобод каби шаҳарларни олайлик. Бу шаҳарларда Тўб аҳоли озчиликни ташкил этади, кўпчилиги мамлакатнинг турли шаҳарларидан йўлланма ва таклиф билан келган кишилар. Ёки Тошкент шаҳрини олайлик. Бу шаҳар аҳолиси 1966 йилдаги зилзиладан кейин икки баравардан зиёдроқ кўпайиб кетди. Сабаби шаҳарни қуриш учун қурилиш поездларида мамлакатнинг турли жумҳуриятларидан келган қурувчиларнинг кўпчилиги ўзлари қурган уйларга жойлашиб, тошкентлик бўлиб қолдилар.

— Нима учун мамлакатда кейинги даврда аҳоли шимолдан жанубга кўчди?

— Бу ҳодисанинг баъзи бир сабаблари ҳақида юқорида қисман гапириб ўтдим. Аслида унинг бошқа сабаблари ҳам бор. Бизда ҳозир инсон киндик қони тўкилган ердан кетишни истамаса, уни ҳеч ким мажбур қила олмайди. Ҳар бир совет граждани бепоён мамлакатимизнинг истагани жойида бемалол яшаши мумкин. Одамларни кўчишга мажбур қилаётган сабаблар эса асосан моддий қийинчиликлар, яхшироқ турмуш кечириш истагидир.

Турғунлик йилларида аҳолининг мамлакат Европа қисмидан Урта Осиёга миграцияси жа- раёнида Сибирь тўхташ жойи вазифасини ўтади. Одамлар мамлакатнинг Европа қисмидан бу ерга катта пул топиш ишқида келадилар. Аммо Сибирдаги оғир табиий иқлим, сабзавот ва ме- ва маҳсулотларнинг танқислиги ва қимматлиги сабабли орадан маълум вақт ўтгач, Урта Оси- ёга қараб йўл оладилар. Тўғри, бу ерда Сибирдаги катта пулни топа олмайдилар. Лекин уларни жануб қишининг қисқалиги, ёзда сабзавот ва меванинг нисбатан арзон бўлиши қизиқтиради. Сибирда ишлаб ҳар ойда топадиган тўрт юз сўмдан, Тошкент тўқимачилик қомбинатида ишлаб топадиган 150 сўмни афзал биладилар.

Яқинда академик В. Кудрявцев «Правда» газетасида ёзган мақоласида иттифоқимизда ич- ки ишлар органларининг рўйхатида турган 4 миллиондан ортиқ ичкиликбоз борлигини ёзди. Бу ичкиликбозларнинг анчагина қисми аллақачоққ инсоний қиёфасини йўқотган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланишни истамайдиган дайдилардир. Улар қиш бўлса Урта Осиёга келадилар, ёзда Россияга кетадилар. Кўпчилиги ҳар хил юқумли касалликларга чалинган, яшаш жойининг ҳам, иш жойининг ҳам тайини бўлмаган бу кишилар борган жойларида турли хил иж- тимой муаммоларни юзага келтирадилар. Афтидан, бундай кишиларни «жиловлаб», ижти- мой фойдали меҳнатга жалб этиш учун ҳозирги ортиқ даражада инсонларвар қонун-қоидала- римиз етарли эмасга, уларга нисбатан қаттиқроқ маъмурий чоралар қўллаш лозимга ўхшайди.

— «Москва» журналининг 1988 йил 2-сонида ёзувчи В. Астафьевнинг «Кўзи очқининг ҳас- саси» номли қиссаси босиди. Бу қиссасида ёзувчи рус маданиятининг бешиги бўлган ноқора- тупроқ ерлардан руслар кетиб, уларнинг ўрнини «ноқоратупроқликларнинг насл-насабини би- ров яхши билмаган, қишлоқни тарк этмаган ва шаҳарга ҳам етиб келмаган янги қабилалари эгаллапти», деб ёзади. Шу жойда ҳазин оҳангларда ёзилган бир шеър ҳам келтирилган бўлиб, унинг сўнгги тўртлиги қуйидагича [сўзларимиз ишончли бўлсин учун бу шеърнинг асл ҳолида келтирамиз]:

И мы уходим с ней навеки,  
Не уяснив свою вину.  
А в новгородчине узбеки  
Уже корчуют целину.

Бу ўринда ёзувчини тушуниш керак, албатта. У халқининг тарқаб кетаётганлиги учун куйина- япти. Лекин «бир қисм» халқ бўлган ўзбекларнинг тарқатиб юборилиши ҳам тўб миллий манфа- атларимизга хизмат қилмас керак!

— Ноқоратупроқли ерларнинг ҳувиллаб қолганлиги кейинги йилларнинг энг хунук ҳодисаси, қишлоқни хонавайрон қилиш звезига мамлакатни индустрлаштиришнинг оқибати нимага олиб келганлигининг яққол бир мисолидир. Эндиликда бу хатони тузатиш керак, албатта. Лекин бу ишни Урта Осиё халқларини ўша ёққа кўчириш орқали ҳал этиш бемаъниликдир. Бу худди Орол фожиасини Орол бўйи халқларини Сибирга кўчириш орқали ҳал қилишни таклиф этган олимлар- нинг фикридай бемаънидир.

Ўзбеклар XX асрда бусиз ҳам дунёга кўп тарқаб кетдилар. Инқилоб, граждандар уруши, қулоқлаштириш ва Улуғ Ватан уруши йилларида миллионлаб ўзбеклар бегона юртларни ватан қилишга мажбур бўлдилар. Энди эса биз бундай аҳволга чек қўйишимиз керак.

Кейинги йилларда Ўзбекистон халқини ноқоратупроқ ерларга, Тюменга бориб яшашга даъват- лар кўп бўлди. Бу ишда ташаббускор бўлганлар ўша ерда миллий тилда ўқитадиган мактаб, театр, агар керак бўлса мачит очиб берилишига, халқ ўз миллий урф-одатларини қилиб яшай олишига кафолат бера оладими? Бундай кафолатни ҳеч ким бера олмайди. Шундай бўлгач у ерда бориб яшайдиган кишиларнинг бир авлод ўтганидан кейин миллийлиги қолмайди.

Сибирлик ўзбеклар ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Улар у ерларга XVI асрда тижорат учун бориб, ўша ерлик бўлиб кетганлар. Яқинда бир жияним Омскда ҳарбий хизматда бўлиб қайтди. У қизиқ бир воқеани гапириб берди. Бир кун оқшом шаҳар кўчаларидан бирида кетаётиб бир уйда ўзбекча «Наманган олмаси» қўшиғи янграётганига эътибор берибди. Бу ерда ўзбек яшар экан-да, дебди-да, ўтиб кетолмай, уйнинг қўнғироғини босибди. Бир маҳал қирқ-қирқ беш ёшлардаги бир одам чиқиб эшикни очибди. Жияним у билан салом-алик қилгач:

— Уйингизда ўзбекча қўшиқ янграпти, бу ерда ўзбек ҳам яшайдими, — деб сўрабди.

— Йўқ, — дебди уй эгаси кулиб, — бу ерда ўзбек турмайди. Лекин менинг аждодларим ўзбек бўлишган. Шунинг учун баъзан ўзбекча пластинкаларни тинглашни яхши кўраман.

Жияним узр сўраб йўлида давом этибди. Ҳозир Новгородга бориб яшайдиган ўзбеклар яна етмиш-саксон йилдан кейин Омскдаги ўша ўзбекча ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас.

— Публицистлар Ксения Мяпо ва Петр Гончаров «Новое время» журнали иловасининг 1989 йил декабрь сониде ёзган мақолаларида шундай дейишибди: «Кейинги пайтда «пахта ишини» эслашни бас қилишяпти, бу иш айрим йирик порохўрликлар, ҳукмдорлар учун оммавий!» «со- лиқлар» янғиш, зиндонлар ва ким қаршилик кўрсатса ўшанга таъзиринини берамиз, деб дўқ- пўписа қилишлар ҳақида узўқ-юлуқ таассуротлар қолдириб секин-аста тарихга айланиб бораёпти. Аслида эса айнан Ўзбекистонда бошқарувнинг буйруқбозлик системаси, бир томондан аънавий қариндош-уруғчилик, иккинчи томондан қудратли ҳуфия иқтисодиёти билан қўшилиб «XX аср сатраплиги»нинг ўзига хос намунасини яратдики, бу структурада «коррупция» [йирик порохўрлик] сўзи ҳақиқий маъносини намоян этди». Бу фикрга қандай қарайсиз!

— Марказий матбуотда кейинги йилларда Ўзбекистондаги турғунлик йилларидаги салбий ҳодисалар ҳақида гап юритилганда кўпгина нотўғри фикрлар айтиди. Бу гап ҳам ўша гаплар қабилда бўлибди. Мен аввало порохўрлик ҳақида гап борганда мамлакатнинг битта минтақасини рўқач қилаверишига ёки бирон-бир халққа таъна тошини отаверишга қаршман. Бу халқнинг наф- сониятига тегиши, руҳини чўктириб юбориши, бусиз ҳам ҳозир кескин бўлган миллий муносабат- лар устига «лампа ёғ сепиши» мумкин.

Порохўрлик миллий ёки регионал эмас, балки ижтимоий касалликдир. Бундай ижтимоий ҳодисани бирон-бир регион ёки миллият доираси билан чегаралаш бу офатга қарши курашаётган- ларни чалғитади, чунки унга бежама тус беради. Яқин ўтмишда жамиятимизда шунақа бир ижти- мой муҳит вужудга келдики, бунда министр ҳам, генерал ҳам, ҳукумат идорасининг оддий ходи-

ми ҳам нопокликка қўл урди. Бунга мисолни мамлакатимизнинг истаган минтақасидан кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда бўлган салбий воқеаларда меҳнаткаш халқнинг заррача ҳам айби йўқ. Бу ҳақда истаганча далил-исбот келтириш мумкин. СССР халқ депутатларининг иккинчи съезиди депутат Е. К. Лигачев нутқ сўзлаб, турғунлик йилларида Ўзбекистондан КПСС Марказий Қўмитасининг ўзига 30 минг шикоят хати борганлигини айтди. Ҳўш, марказий газета ва журналларнинг редакциялари-га, СССР Олий Совети Президиумига, СССР прокуратурасига ва СССР Олий судига, бошқа маъмурий органларга қанча шикоят хати борди экан? Ҳозирча бу ҳақдаги маълумотлар эълон қилинганича йўқ. Шундай шароитда турғунлик йилларида Кремлдаги мансаб кўрсатиларини саксон ёшида ҳам тарк этишни истамаган бюрократлар Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволдан хабарсиз эдилар, деб айтиш тўғри бўладими?

Энди К. Мяго ва П. Гончаровнинг фикрига қайтадиган бўлсак, бу ерда битта ҳақиқат бор. Эрамузгача бўлган VI аср ўртасида форсийлар ахеменидлар бошчилигида Урта Осиёнинг бир қатор вилоятларини истило қилдилар. Ахеменидлар ҳукмронлиги эрамузгача бўлган IV асргача давом этди. Ахеменидлар даврида Урта Осиё маъмурий органларга — сатрапларга бўлинган. Ҳар бир сатрапники сатрап бошқариб, у форс, кўпинча шоҳ оиласининг аъзоси бўлган. Жумҳуриятимизнинг коррупцияда айбланган собиқ юқори мартабали раҳбарлари ким эди? Уларнинг ҳаммаси номенклатура пиллапоясининг турли поғонасидаги «сатрап»лар эдилар. Уларни халқ сайлаган эмас, балки марказдан тайинланганлар. Шундай экан, нега халқ улар учун жавоб бериши керак? Утган йили Расул Гамзатов «Огонёк» журналида босилган сўхбатида Рязанда туғилиб ўсган одамни ўзбек пахтакорига бошлиқ қилиб қўйишаётганлиги нотўғри бўлаётганлиги, бу миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни юзага келтириши ҳақида ёзди. Аслида бу кишиларни ҳам замонавий «сатрап»лар дейиш мумкин. Уларнинг билиб-билмай қиладиган ишларига эртага халқ жавоб бермаслиги керак.

1989 йилдаги маълумотлар бўйича иттифоқимиздаги саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг миллий состави қуйидагича: РСФСРда — руслар 77,3 фоизни, Украинада — украинлар 79,0 фоизни, Белоруссияда — белоруслар 77,7 фоизни, Арманистонда — арманлар 99,4 фоизни, Литвада — литвалликлар 91,5 фоизни, Озарбайжонда — озарбайжонлар 93,8 фоизни, Грузияда — грузинлар — 89,3 фоизни, Туркменистонда — туркманлар — 71,8 фоизни, Эстонияда — эстонлар 82,2 фоизни ташкил этганда, Ўзбекистонда — ўзбеклар 67,6 фоизни ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, бизда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган ўзбеклар фоизи жумҳуриятимизда яшаётган ўзбеклар фоизига нисбатан кам. Шундай шароитда туб аҳолининг тили, тарихи, маданияти, урф одатларини билмаган кишиларни мамлакатимизнинг марказий районларидан олиб келиб, жумҳуриятимизда юқори лавозимларга ўтказиб қўйиш сиёсий жиҳатдан тўғри бўлармикан?! Бундай қилиш ҳар ҳолда тўғри эмаслигини жумҳуриятимиз ички ишлар министрининг собиқ ўринбосари, генерал Э. А. Дидоренконинг, жумҳурият собиқ савдо министри В. Литвиненко, жумҳурият прокурорининг собиқ ўринбосари О. И. Гайдановларнинг фаолиятлари исботлади.

— Б. Ельчин Америка сафаридан қайтгач «Огонёк» журнали муҳбири билан қилган сўхбатида «Америкада аҳмоқлар раҳбарлик лавозимида ишламайдилар», деди. Бизда эса кадрлар масаласи ҳар қанча муҳоама қилинмасин, раҳбарлик курсисига тасодифий кишиларнинг ўтириб қолиши ҳамон давом этапти.

— Езувчи Неъмат Аминов ўзининг «Елвизак» ҳажвий қиссасида Башир Зайнишев қиёфасида «урса кўпар» раҳбарнинг ажойиб образини яратди. Дарҳақиқат, бундай раҳбарларнинг уруғи жамиятимизда кўпайиб кетганди. Минг афсуски, ҳозир ҳам учраб турибди. Аммо партия қайта қуриш даврида, бу иллатнинг олдини олиш учун қайси чоралар кўраёпти. Шулардан энг муҳими раҳбар ходимларни демократик асосда, эркин сайлов йўли ҳамда бирнечта номзодлар қўйиш билан сайлашдир. Лекин бу чора ҳам муаммони узил-кесил ҳал қилади, деб бўлмайди. Сайланган раҳбар ўз қўл остидагиларга юз фоиз адолатли бўлади ёки ходимлар ўзларига қўлай, «мўмин-қобил» одамни танламайди, деб ким кафолат бера олади?

Езувчи Ф. Бурлацкий Брежнев ҳақида ёзган портрет очеркида барча рус подшолари ўз фаолиятларини ўзидан аввалги ўтган подшоини бадном қилишдан бошлаганлар, деб айтади. Бу аънава кейинги йилларда юқоридан энг қўйи бўйингача удумга айланганлиги ҳам ҳақиқат. Масалан, ҳозир ҳам ҳар бир янги раҳбар ўз ўтмишдошини ёмонламаган тақдирда ҳам, унга яқин бўлган кишиларни четга суриб, ўзига яқин кишиларни атрофига тўплашга ҳаракат қилади. Ўзига хос «қатағонга» учраган кадрлар орасида катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга бўлган, қобилиятли мутахассислар ҳам бўлиши мумкин-ку?! Янги раҳбарнинг эса бу билан иши бўлмайди. Нима учун шундай бўлади? Сабаби яхши кадр йўқ бўлишидан кўриладиган зарарни у ҳамёнидан тўламайди. Ҳамма касал мана шунда.

Нима учун янги раҳбар фаолиятини эскисини инкор этишдан бошлайди? Чунки бу йўл тез ва арзон обрў келтиради, катта ақл-заковат ва талантни талаб этмайди. Мен ўзини зиёли ҳисоблайдиган, илгари дурустгина раҳбарлик лавозимларида ишлаган бир шахсни биламан. Бу одам ҳамisha ўз фаолиятини ўзидан аввал шў жойда ишлаган раҳбарни нодонликда, иш билмасликда айбладан бошлайди. Янги келган жойи «качиб» кетганлигини исботлаш учун матбуот саҳифаларида бир-икки мақола ҳам ёзади. Бу мақсадларини амалга ошириш учун нафақат эски муҳолифлари, балки «шайтон» билан ҳам тил бириктиришга тайёр туради. Аслида тараққиётга фақат ўтмишнинг авра-астарини афдарishi билангина эришиб бўлмайди-ку. Буюк А. С. Пушкин шундай деган эди: «Ўтмишга ҳурмат — маърифатлиликни ёввойиликдан фарқловчи белги мана шунда. Ёввойи, қабиҳ, нодон кишилар ўтмишга ҳурматни билмайдилар, фақат бугунги кунларига ёпишиб оладилар». Ўтмишни ҳурмат қилишни ҳам билиш, бугуннинг эртага ўтмиш бўлиб қолишини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

— Бизда ўз ихтиёри билан вазифасидан кетган раҳбарлар кам учрайди. Турғунлик йилларида қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлгандим: қариб, мункиллаб қолган бир министр катта йиғилишда гапирётганида оғзидаги протез тиши ерга тушиб кетган. Шў воқеадан кейин орадан икки кўн ўтгач унга ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзшни таклиф қилишган дейишади. Нима бу, одамларимиз



**амалпараст бўлганликлари учун мансаб курсисига маҳкам ёпишиб оладиларми ёки бу ҳодисанинг бошқа сабаблари ҳам борми!**

— Гап шундаки, бизда раҳбарликка келиш механизми бор-ку, лекин кетиш механизми йўқ. Катта маош, квартира, янги машина, чорбоғ учун ер майдони, буюртма билан давлат баҳосида бериладиган камёб буюмлар — бундай нарсаларни бозордан эмас, фақат иш жойидан олиш мумкин. Мансабдор одамнинг бундай нарсаларга эришиши яна ҳам осонроқ. Айнан шу имтиёзлар, менинг назаримда, лавозимдан кетишни фожиага айлантириб юборади, одамларни мансаб курсиларига ёпишиб олишга, ўзидан юқорироқ мансабдаги кишиларга муте бўлишга, қолаверса, пора беришга ҳам мажбур қилади. Бундан ташқари биздеги раҳбарларнинг бир қисмида эртанги кунига ишонч ҳам йўқ. Бу ҳолат уни лавозимдан шахсий мақсадларда фойдаланишга, эртанги қора кун учун «тўрт-беш танга» йиғишга ундайди. Раҳбарнинг узоқ ишлаш-ишлამаслиги унинг қобилиятига, ҳалоллигига эмас, балки ўзидан юқори лавозимдаги раҳбарнинг иродасига ва унга муносабатига боғлиқ ҳоллари ҳам оз эмас. Раҳбар ходимлар ўртасида юрак-қон томири касаллигининг кўплиги ҳам бир жиҳатдан уларнинг мансаб курсиларидан айрилиб қолишдан кўрқишлари оқибатидир, десак янглишмаган бўламиз. У эртага ишдан кетса одамларнинг унга муносабати ўзгаришини билади. Айнан шу ҳолат маъмурий социализм шароитида баъзи олий даражадаги раҳбарларни тирикликларида пайғамбарга айлантирди, доноларни эса хор қилди. Улар вафот этганларидан кейин эса ҳаммаси тескарисига айланди. Тирикликда азиз бўлганлар танқид остида қолишди, қабрлари кўчирилди, тирикликда хор бўлганлар эса миллий қаҳрамонга айланишди. Бунга Л. Брежнев ва А. Сахаров, румин Н. Чаушеску ва венгер Надлар тақдири яққол мисол бўла олади. Бу каби ҳоллар содир бўлишининг асосий сабаби жамиятда барқарорликнинг таъминланмаганлигидадир. Аслида қаҳрамон ҳамма вақт қаҳрамон, муттаҳам ҳамма вақт муттаҳам бўлиб қолиши керак.

— Кейинги пайтда регионал ҳўжалик ҳисоби ҳақида кўп гаплар бўлаяпти. Жумҳуриятимиз ҳўжалик ҳисобига ўтишга тайёрми! Бунинг учун биринчи навбатда қандай тадбирларни амалга ошириш керак! Ва ниҳоят, бу тадбир бизга нима беради!

— Мамлакатимиздаги иттифоқдош жумҳуриятларнинг тўла маънода ҳўжалик ҳисобида бўлишлари қийин, албатта. Чунки бизда иттифоқ миқёсидаги харажатлар бор. Ишлаб чиқариш ва социал инфрасурутурага (транспорт, йўл, алоқа), мудофаага, атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланишга оид ва шунга ўхшаш объектлар иттифоқ давлатига қарашли бўлади. Яна шунини ҳам таъкидлаш лозимики, ҳўжалик ҳисобининг ягона субъекти корхонадир. Агар ҳўжалик ҳисоби принципларини жумҳурият даражасига олиб чиқилса, яна корхонани заифлаштириш мумкин. Турғунлик даврида ҳўжалик ҳисоби принципини корхонадан олиб маҳкаммага, бирлашмага бериб кўрилди. Натижаси шу бўлдики, корхоналар заифлашди, тармоқларнинг ҳўжалик ҳисобида бўлиши эса қуруқ истакдан бошқа нарса бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам жумҳурият ҳўжалик ҳисоби эмас, балки жумҳуриятнинг иқтисодий суверенитетини таъминлаш, ўз-ўзини бошқаришга ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципига ўтиш тўғрисида гап юритилса анча тўғрироқ бўларди. Лекин ҳозир ҳам ҳўжалик ҳисоби дейилган билан биз айтган кейинги принциплар кўзда тутиляпти.

1991 йилдан Ўзбекистоннинг ҳўжалик ҳисобида ишлаши режалаштирилган. Бу тўғри, албатта. Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Белоруссия, бирнеча вилоятлар ва шаҳарлар 1990 йилдан бошлаб ана шу принципга ўтиб ишлай бошладилар. Ҳўжалик ҳисобида бўлиши учун аввало даромадларимиз ва харажатларимиз манбаларини аниқлаб олишимиз керак. Оила ва корхона миқёсида кирим ва чиқимни беш қўлдай билиш мумкин. Лекин район, шаҳар, вилоят ва жумҳурият миқёсида бу анча мушкул масала. Айниқса жумҳурият даражасида даромад ва харажатлар манбаларини ҳисоблаш шу қадар чалкаштириб юборилганки, эндиликда уни аниқлаш учун махсус илмий методика талаб этилади. Бу демак, жумҳуриятимизни ҳўжалик ҳисобига ўтказиш жараёни ҳис-туйғулар билан ёки жунгинга бир-икки маъмурий кўрсатма билан амалга оширса бўладиган иш эмас. Бу ерда сўзсиз муқаррар қийинчиликларга дуч келамиз. Масалан, регионал ҳўжалик ҳисоби ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол моллари мул-кўл бозори бўлишини тақозо этади. Бундай бозор эса ҳозирча бизда йўқ. Давлат план комитети ва моддий-техника таъминоти ўзларининг ҳозирги қудратларини ва марказлашган иш усулини сақлаб қолар экан, бундай бозорнинг яқин йилларда бўлиши қийин. Лекин нимадананр бошлаш керак. Зарур бўлса таваккал қилишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун мақбул бир вариантни ишлаб чиқиб, 1991 йилдан жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ниҳоят, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий усуллари га дадил ўтиш бу соҳадаги муваффақиятти таъминлайди.

Хом ашё етказиб беришга асосланган халқ ҳўжалигининг ҳозирги сурурутураси билан ҳўжалик ҳисобига ўтиш нафақат бизнинг жумҳуриятимиз, балки Урта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлар, Қозоғистон, Шимолий ва Шарқий минтақалар учун ҳам нуқуллайдир. Масалан, Ўзбекистон Иттифоқ бўйича етиштириладиган пахтанинг 65 фоизини, пилланинг 60 фоизини, қорақўл терининг 35 фоизини беради. Етиштириляётган сабзавот, полиз ҳўл мева ва узум миқдори ҳам катта. Ўзбекистон иттифоқимизнинг энг катта олтин цехига айланганга ҳам анча йиллар бўлди. Бундан ташқари мамлакатга мис, рух, қалай, вольфрам, молибден, қийин эрийдиган ва утга чидамли металллар, табиий газ, нефть ва бошқа қимматли хом ашё маҳсулотлари етказиб берамиз. Лекин биринчидан, бу маҳсулотлар жумҳурият миллий даромадини, маҳаллий ва жумҳурият бюджетларини шакллантиришда деярли иштирок этмасдан келмоқда. Чунки улар марказий саноят районларида қайта ишланиб, тайёр саноят маҳсулотига айлантирилади. Иккинчидан, ана шундай ишлаб чиқариш сурурутураси натижасида халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш даражаси жумҳуриятимизда ниҳоятда камлигини юқорида айтиб ўтдик.

Ҳўжалик ҳисобига ўтишга тайёргарлик давомида яна бир қатор тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Жумладан, солиқ системасини тубдан қайта қурмоқ керак. Гап шундаки, маҳаллий ва жумҳурият бюджетининг маълум қисми солиқлар ҳисобига шаклланади. Шунинг учун ҳам бу ҳўжалик ҳисобига ўтишнинг марказий бўғинларидан биридир. Иккинчидан, жумҳурият ва вилоятлар бўйича моддий бойликларни қайтадан баҳолаш лозим бўлади. Бу ўринда илмий муассасалар ва иқтисодчилар катта ёрдам беришлари керак. Ниҳоят, ҳўжалик ҳисобига ўтиш мулк муноса-

батларини такомиллаштириш ва мулк объектларини кенгайтиришни тақозо этади. Нималар жумҳурият мулки бўлади-ю, нималар умумиттифоқ мулки бўлади? Бу ҳақда баҳслар давом этмоқда.

Агар жумҳуриятимиз ҳозир амал қилаётган Конституцияга мувофиқ чинакам давлат қурилишига эга бўлса, сўзсиз, у юқорида қайд қилинган мулк объектларига эга бўлиши керак. Федерация эса жумҳурият территориясида зоналарга эга бўлиши мумкин. Бу ҳам фақат жумҳурият розилиги билан бўлади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, қазноқсиз, қозон-товоқсиз рўзгор бўлмаганидек, ерсиз, территориясиз, ундаги бойликларсиз давлат ҳам бўлмайди-да. Эки бирон-бир территориясиз давлат мавжудлигини биласизми? Йўқ, албатта.

Ерга икки томондан — бир томондан территория, иккинчи томондан ишлаб чиқариш воситаси сифатида қараш лозим. Территория сифатида ер жумҳуриятники, ишлаб чиқариш воситаси сифатида эса ишлаганникидир. Бу ер нафақат туб аҳолига (ўзбекларга), балки Ўзбекистонда яшаётган барча аҳолига қарашлидир. Раҳбарлар, мутахассислар, зиёлилар баҳслашиши, тортишиши мумкин. Охир-оқибатда улар ҳақиқатни аниқлайдилар. Лекин бундан меҳнаткаш одам, у қандай миллат ва элатга мансуб бўлишдан қатъий назар, жабр кўрмаслиги керак. Инсонпарварлик, адолатпарварликнинг оддий принципи ана шундай.

Жумҳуриятимизни ҳўжалик ҳисобига ўтказиш мавжуд барча табиий ва моддий бойликларни биринчи навбатда шу ерда яшаётган халқлар манфаатларига хизмат қилдириб, ундан омилкорлик билан фойдаланиш имкониятини беради. У региондаги экологик муаммоларни ҳал қилишга, табиий бойликлардан пала-партиш фойдаланишга чек қўйишга, одамларга эгаллик ҳиссини тарбиялашга кўмаклашади. Нима учун мислсиз табиий бойликларимиз, таланти халқимиз билан нефть яккаҳоқимлиги шароитида яшаётган араб мамлакатларидан ёмон турмуш кечиришимиз керак? Жумҳуриятимизни ҳўжалик ҳисобига ўтказиш шунга ўхшаш қатор муаммоларни ҳал этиш йўлини очиши мумкин.

— Кейинги даврда марказий матбуот саҳифаларида, катта анжуманларнинг минбарларидан туриб бир регион вакиллари иккинчи регионни боқимандаликда айблаш расм бўляпти. Худди шундай айбномалар бир неча марта Ўзбекистонга нисбатан ҳам айтилди.

— Маълумки, миллий даромад пировард маҳсулотдан ҳосил бўлади. Ялли ижтимоий маҳсулотнинг умумий ҳажми саноат жиҳатдан ривожланган минтақаларда юқори. Оборот солиғи ҳам хом ашёдан тайёр маҳсулот етказиб берадиган зоналарда вужудга келади. Юқорида айтганимиздек, жумҳуриятимиздан ташқарига чиқарилаётган маҳсулотларнинг эса 80 фоизи хом ашё, тўғрроғи, унинг асосий қисми енгил саноатда бирламчи ишловдан чиққан пахта толасидир. Энди, мана эштибор беринг. Жумҳуриятимиз аҳолиси Бутуниттифоқ аҳолисининг 7 фоизини ташкил қилаётганига қарамасдан, мамлакат ялли ижтимоий маҳсулотининг 3,3 фоизини бераяпмиз. Даромадларимиздан харажатларимиз кўп. Бюджетимизда 2 миллиард сўмга қич камомад бор, ўрни бюджет даромадларидан унинг харажатлари 20 фоизга устун. Мана шу ҳолат марказдаги айрим зиёлиларнинг бизни боқимандаликда айблашига сабаб бўляпти. Аслида шундайми? Йўқ, албатта. Агар фақат ўзбек пахтасини қайта ишлашдан ҳосил бўладиган оборот солиғининг учдан бир қисмини (методикага асосан шундай бўлиши керак) жумҳуриятимизга қайтариладиган бўлса, давлат бюджетидagi камомадни бир ярим баравар қоплаш имконига эга бўлар эдик. Жумҳуриятимиз ҳукумати марказий ҳукумат олдига бу масалани қўйган. Эндиликда ижобий ҳал этилади, деб умид қиламиз.

Ҳозир биз пахтани бир марта сотаяпмиз: бир тоннаси 850 сўм, 1989 йилдаги устама ҳақ ҳам ҳисобга олинса, ўртача 986 сўмни ташкил этади. Пахта толасини газламага, кейин эса кийим-кечакка айлантириб сотадиганлар эса бошқалардир. Тўғри, биз ҳозир ўзимиз этиштирган пахтани тўла қайта ишлашга ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга эмасмиз. Гап шундаки, ҳозир бу иш билан хомаки ҳисоб-китобларга қараганда мамлакатимизда 7 миллион киши банд. Бу жумҳуриятимизда ижтимоий фойдала меҳнатда банд бўлган барча кишилар миқдоридан 15 фоиз кўпроқдир. Гап фақат ўзимизда қайта ишланаётган пахта миқдорини бирнеча баравар кўпайтириб, шу асосда ишсизликни, бюджетимиздаги камомадни тугатиш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида бораяпти. Пахта толасини юз фоиз давлат буюртмаси асосида етказиб бериб, халқ истеъмолчи молларини эса шартнома асосида олишнинг ўзи адолатдан эмас. Ўзимизда етиштирилаётган пахта толасининг ҳеч бўлмаса чорак қисми мамлакатимизда ва ундан ташқарида шартнома асосида сотилиши керак.

Шундай қилиб, яна барибир, истасан-истамасак гап жумҳурият халқ ҳўжалиги структурасига бориб тақалади. Лекин халқ ҳўжалигининг ҳозирги структураси, бюджетимиздаги камомадларнинг томири жуда узоққа бориб тақалади.

Юқорида биз дунёдаги воқеалар «занжирсимон» давом этиши, ер юзининг бир бурчагида бўлган ҳодиса иккинчи бурчагида ҳам қандайдир йўсинда акс этиши ҳақида гапирдик. Худди шундай, ўтган асрнинг иккинчи ярмида чор ҳукуматининг Урта Осиёга юриш қилишига сабаб, Америкада граждандар уруши бошланиб кетиб, Россияга пахта сотишни тўхтатиб қўйганлиги бўлган. Шундан кейин Россия ўзининг мустаҳкам, арзон пахта хом ашёсини кўпайтиришга асосий эштиборни қаратиб, Урта Осиёга юриш бошлади. Иккинчи томондан, Россия капиталистлари ўз маҳсулотларини хоҳлаган нарҳда сотадиган яхши бозорга ҳам эга бўлдилар. Регион иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб борди, унда маҳаллий ишчилар синфи деярли шакллантирилмади.

Октябрь инқилоби олға сурган ғоялар чор истибодди давридаги барча адолатсизликларга чек қўйиши, кўп миллатли мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли халқлари ҳар томонлама ривожланиш имкониятларига эга бўлишлари керак эди. Бу мақсадлар маълум даражада амалга ошди ҳам. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон катта ривожланиш йўлини босиб ўтганлигини инкор этмаслик керак. Бу ерда қилшқ ҳўжалиги беқиёс юксалди. Фан ва маданият ҳар томонлама ривожланди. Лекин В. И. Ленин вафотидан кейин мамлакатни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик системасининг қарор топиши кўпгина яхши режаларни йўққа чиқаргани ҳам ҳақиқат. Урта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлар сингари, Ўзбекистон ҳам мамлакатнинг хом ашё базасига айланиб қолаверди. Жумҳуриятни маҳаллий аҳолидан ишчилар синфини шакллантиришга чап кўз билан қарайдиган лаганбардор раҳбарлар бошқаришди.

— Пахтанинг келгусида ҳам жумҳуриятда асосий қишлоқ хўжалик экинни бўлиб қолиши иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдими!

— Агар ҳозирги нархи билан бўлса оқламайди. Биринчи навбатда унинг нархини икки ярим ва ҳатто уч баравар ошириш керак. Уйлаймизки, бу масала яқин йиллар ичида ижобий ҳал этилади. Базилар қишлоқ хўжалигидаги монокультура билан ихтисослашувни аралаштириб, иккисини ҳам қоралашди. Бу тўғри эмас. Монокультура билан ихтисослашув бошқа-бошқа нарсалардир. Тенг товар айирбошлаш шароитида ихтисослашув фойдалидир. Масалан, Белоруссиянинг иқлим шароити картошка, кунгабоқар, зиғир толаси етиштиришга, Ўзбекистоннинг иқлим шароити эса пахта ва пилла етиштиришга мос. Нима учун, масалан, қаҳва, шакарқамиш ёки чой етиштиришга ихтисослашви яхши-ку, лекин бизда пахта етиштиришга ихтисослашиш ёмон бўлиб қолди? Чунки бизда ихтисослашув хунук тус олиб, қишлоқ хўжалигида пахтанинг яққаоқимлигига айланиб кетди. Дехқончиликнинг илмий асослари оёқ ости қилинди. Ҳадеб пахта экавериш натижасида ерларимиз ориқлаб, минерал ўғитсиз, химикатларсиз ҳосил битмайдиган бўлиб, гиёҳванд кишига ўхшаб қолди. Бу эса ер, сув, ҳавонинг булғанишига, одамларнинг саломатлиги ишдан чиқишига олиб келди. Айни шу даврда қаҳва ишлаб чиқаришга ихтисослашган Бразилия эса технология бўйича жаҳондаги илғор саккизликка кирди.

Пахта яққаоқимлигига барҳам берилса, ундан бўшаган майдонларда сабзавотчилик, боғдорчиликни ривожлантириб, эл дастурхонини мўл-кўл қилиш, ундан ортганини мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги бозорларга олиб бориб сотиш мумкин. Бу бизга нима беради? Таъбир жоиз бўлса, бирламчи капитал жамғариш имконини беради. Бу жамғармамизни нима қиламиз? Ишлаб чиқариш воситалари бозоридан истаган нарсамизни сотиб оламиз. Тўғри, бундай бозор ҳозирча бизда йўқ. Лекин ҳозирги иқтисодий тараққиёт йўналиши келгусида шундай бозор бўлишини мўқаррар қилиб қўяди.

Бирламчи капитал маблағ жамғаришга (уни бошқа ном билан аташ ҳам мумкин) биринчи бўлиб киришамиз деёлмаймиз, бу масалада кашшоф бўла олмаймиз. Масалан, Орёл вилоятида шунга ўхшаш тадбир ҳозироқ амалга оширилаяпти. Улар банкдан бир неча юз миллион сўм қарз олишиб, катта корхоналар билан келишиб, барча социал-маиший шароитлари бўлган йирик қишлоқлар қўрмоқдалар.

— Ҳозир мамлакатнинг турли регионларида (масалан, Болтиқ бўйидаги жумҳуриятларда) федерациядан ажраб чиқиб кетишни хоҳловчиларнинг овозлари эшитилаяпти.

— Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида иттифоқдош республикаларнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари оёқ ости қилинди. Бир қатор халқлар ўз ватанларидан бадарга қилинди. Сунъий миграция натижасида айрим халқларнинг ўз юртларида миллий озчиликни ташкил этган халққа айланиб қолиш хавфи туғилди. Бу эса кишиларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлди. Мана ҳозир, ошкоралик даврида, барча муаммоларимизнинг «усти очилган» шароитда федерациядан ажраб чиқиб кетишни истовчиларнинг овозлари эшитилаётганлигини маълум маънода ўша салбий ҳодисаларнинг акс-садоси сифатида баҳолаш мумкин.

Лекин кейинги пайтда федерациянинг фақат заиф томонларини кўриб, уни танқид қилиш билан овора бўлиб қолдик. Аслида бу ҳам масалага бир томонлама ёндошишдан бошқа нарса эмас. Ахир социализмнинг ўзи сингари федерациямиз ҳам чуқур деформацияни бошдан кечирдику. Федерациянинг афзалликлари хусусида мамлакатимизнинг етмиш йиллик тарихида мисоллар кўп-ку. Федерация иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германиясига қарши курашда ғалабамизни таъминлаган буюк омиллардан бўлди. 1966 йилда Тошкентда, ўтган йили Арманистонда бўлган даҳшатли зилзила оқибатларини тугатишда ҳам федерация ўз афзалликларини намойиш этди.

Сепаратчилик кайфиятидаги кишилар федерациядан ажралиб чиқсак, эртасига капиталистик давлатлар ёрдамга келишди, индинига эса роҳат-фароғатда яшай бошлаймиз, деб ўйлашди. Лекин дунёда ҳеч нарса бекорга бўлмайди, капиталист бировга текинга ёрдам бермайди. Ғарбдаги кўпгина давлатлар миллионлаб меҳнаткашларнинг бир неча аср давом этган азоб-ўқубатли меҳнати, мустамлака мамлакатларни шафқатсиз талаш, аҳолисини қулликда сақлаш натижасида бугунги тараққиёт даражасига эришдилар.

Ҳозир федерацияни тақомиллаштириш тўғрисида кўп бош қотириш керак. Биз иттифоқдош жумҳуриятларнинг суверенитетини қоғозда эмас, амалда кенгайтириш тарафдоримиз. СССР В. И. Ленин ўйлаганидек, тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий иттифоқи бўлиши керак. Бундай иттифоққа юксак сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида эришиш мумкин. Бутун дунё алоҳидаликдан бутунлик томон бораёпти. Ҳозир Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари, яъни «Умумий бозор»га кирувчи мамлакатлар иқтисодий интеграциянинг юқори даражаси орқали ягона валютага, ягона паспорт, ягона армияга интилиб, улар ўртасидаги давлат чегаралари тобора рамай тус олиб бораёпти.

— Ўзбекистоннинг қазилма бойликлари кўп. Лекин улар беҳисоб эмас. Бу бойликларда фақат ҳозирги авлоднинг эмас, келажак авлоднинг ҳам ҳаққи бор. Шу босқандан уни аямай қазиб олавериш келажак авлод ҳақида хиёнат қилиш бўлур эди. Шундай эмасми!

— Ҳозир биз экстенсив тараққиёт йўлидан бориб, келгуси авлод ҳаққини ҳам «арра» қилиб, уларнинг ҳисобига яшаётганлигимиз аниқ. Мавжуд табиий бойликларнинг яратилишига бизнинг меҳнатимиз сингмаган. Бунинг устига улардан ваҳшийларча фойдаланаётганлигимиз ортиқча бўлаяпти. В. И. Ленин «Фан-техника ишларининг хомаки плани» мақоласида «Ёқилғи чиқариш ва табиб келтиришга жуда оз харажат қилиб электр қуввати олиш учун ёқилғининг паст сифатли хилларини (торф, паст сифатли кўмирдан) фойдаланиш» лозимлигини кўрсатиб ўтган (Қаранг: В. И. Ленин. ТАТ, т. 36. 286-бет.). Биз янги-янги қазилма бойликлар очилаётганлигининг гувоҳи бўлаяймиз. Агар биз зулбардан орқа-олдига қарамай фойдаланаверсак бир кун бориб тамом бўлишини ҳам яхши биламиз. Бирлашган Араб амирлиги каби мамлакатлар ўз нефтидан келаётган фойданинг бир қисмини келажак авлод учун олиб қўйяптилар. Хўш, нега биз шундай қилмаймиз? Эҳтимол конларнинг бир қисмини консервация қилиб қўйиш керакдир. Нима бўлганда ҳам бу борадаги хўжасизликка чек қўйиш керак. Шундай қилмасак, келажак авлод бизни кечирмайди.

— Ҳозирги иқтисодиётимизга хуфия иқтисодиётнинг таъсири ҳақида нима дея оласиз!

— Дарҳақиқат, ҳозирги ҳаётимизда хуфия иқтисодиёт ҳам мавжуд. Энг ачинарлиси шуки, унинг доираси торайиш ўрнига кенгайиб бораёпти. Илгари хуфия даромадлар савдо ва тақсимот соҳасида мавжуд бўлган бўлса, ҳозир ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам мавжуд. Хуфия цехлар, артеллар мавжудлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Тахчиллик хуфия иқтисодиётни келтириб чиқарадиган қулай муҳитдир. У бундай шароитда динамик ва яшовчан бўлиб, бозор конъюктурасига тез мослашади. Жамиятнинг иқтисодий, маънавий, сиёсий ҳаёт маоромига пугур етказади. Масалан, пахтачиликдаги қўшиб ёзишни олайлик, Жумҳуриятимизда пахтага қўшиб ёзиш айрим йилларда бир миллион тоннага етиб қолганди. Бу умумий етиштирилган пахтанинг 17 фоизига яқиндир. Мана шу нарса халқ хўжалигининг планли ривожланишини бузиб юборди. Ундан ҳосил бўлган хуфия иқтисодиёт порахўрликни авж олдириб, раҳбарларнинг маънавий таназулини бошлаб берди. Хуфия иқтисодиётнинг бир фоизи ўн фоиз расмий иқтисодиётни издан чиқариши мумкин. Юқорида қайд қилганимиз бир миллион тонна пахтанинг қўшиб ёзилиши жумҳуриятимизнинг бутун халқ хўжалиги устидан назорат ўрнатган ва уни кескинликда тутиб турган эди.

— **Бу иллатга қарши курашиш учун нималар қилиш керак!**

— Биз ҳозир кўпроқ хуфия иқтисодиёт билан шуғулланаётганларга қарши курашаёلمиз. Аслида эса уни келтириб чиқарган сабабларини бартараф этиш ҳақида кўпроқ қайғуриш керак. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашда текисчиликдан воз кечиш, тахчилликни тугатиш керак. Қўшиб ёзишни йўқ қилиш учун эса бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулини тугатиш лозим.

Энг асосийси кишиларга ўз қобилиятлари, иқтидорларини тўла намоён қилишлари учун шароит бўлиши керак. Хуфия иқтисодиёт ва кооперативларнинг ташкилотчиларини нодон, ношуд кишилар деб бўлмади, аксинча улар қобилиятли кишилар бўлиб, ўз қобилиятларини ижтимоий ишлаб чиқаришда намоён қила олмаганларидан кейин хуфияна ишларга қўл урдилар.

Н. Г. Чернишевский ҳар бир миллатни икки тоифадаги одамларга бўлади. Биринчи тоифаси — фаол, жуда иқтидорли, изланишга, таваккал қилишга тайёр, рақобат мобайнида ўз муваффақиятига ишонадиган кишилар.


Жуда озчилики ташкил этадиган бундай кишилар учун хусусий мулк — ўз қобилиятлари, кучлари, маҳоратларини намоён этиш ва ривожлантириш имконини берадиган энг яхши соҳадир.

Бошқалари эса, булар халқ орасида кўпчиликни ташкил этадилар, оддий кишилар тоифасига кириб, яшаш учунгина зарур нарсалар билан, гарчи тўла-тўқис бўлмаса-да, қаноатланадиган кишилардир. Бундай кишилар яшаш учун етадиган миқдорда иш ҳақи топиш учун меҳнат қилиш шароитига эга бўлишлари қилан қаноатланадилар.

— **Ҳозирги иқтисодий ислоҳот муваффақият билан яқунланишига, халқ турмуши вақти келиб фаровон бўлишига ишонасизми!**

— Бунинг учун аввало жамиятимизнинг барча аъзолари катта куч ғайрат билан меҳнат қилишлари керак. Бундан ташқари бир қатор назарий ва амалий тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Менимча ҳозирги режаларимизнинг муваффақиятли амалга ошувининг энг муҳим кафолати — иқтисодий ва сиёсий демократиядир. Бизга қадар бошқа социалистик мамлакатларда ҳам ўзгаришлар қилишга уриниб кўрилган. Лекин сиёсий ва иқтисодий демократиянинг етишмаслиги бу ўзгаришларнинг ўлда-жўлда қолиб кетишига сабаб бўлган. Мана, бизда ҳам бирнеча йилдан бери иқтисодий демократия, туб ислоҳот тўғрисида гапирётганимизга, корхоналар хўжалик ҳисобида ишлаётганига қарамадан, кўпгина қарорлар марказлашган асосда, «юқорида» қабул қилинаёпти. Марказлашган план ўз-ўзини бошқаришни қийинлаштириб қўймоқда. Аслида марказлашган тартибда фақат йирик стратегик масалалар планлаштирилиши, устун йўналишлар аниқланиши керак. Бошқа қарорлар эса регион, маҳаллий жой, айрим корхоналар шароитидан келиб чиқиб, жойларнинг ўзида қабул қилиниши лозим. Давлат иқтисодиётни йўналтириб, тартибга солиб туриши керак, лекин ҳар бир корхонанинг ишига аралашishi шарт эмас. Буларнинг ҳаммаси мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини демократлаштиришни талаб этади. Афсуски, Россия ҳам, Шарқ ҳам ҳеч қачон ўзининг демократик аънаналари билан машҳур бўлган эмас. Бизга тарихан истибдод, мустабидлик мерос бўлиб келган. Қадимдан қўл психологияси қадрланган. Лекин оптимист бўлишимиз керак, замонлар тез ўзгараёпти. Кишиларимиз маънан ўсиб, камол топаёпти. Эртами-кечми ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлашга келамиз, тарихий тараққиёт тенденцияси ана шундай бўлиши керак.

— **Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат!**



Саҳифа филология фанлари доктори,  
профессор Беғали Қосимов таҳрири  
остида чоп этилаётир

## Исҳоқхон Ибрат

(1862—1937)

Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг I ярмида яшаб ижод этган маърифатпарвар шоир, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаачиларидан бири, сайёҳ, моҳир наққош, оташин нотиқ ва муаллимдир. У 1862 йилда Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида туғилди. XIX аср бошларида бино қилинган Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида ўқиди, араб, форс тилларини чуқур ўрганди.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда мадрасани тугатиб, ўз қишлоғи Тўрақўрғонга қайтади ва ўз ижодини қишлоққа маърифат тарқатиш билан бошлайди. Қишлоғида мактаб очади. Исҳоқхон Ибрат мактаби маҳалла мактабларидан анча фарқ қилар эди. У мактабига нисбатан илғор бўлган усули савтия, яъни, товуш усулини тадбиқ этди, буни усули қаламия тарафдорларидан ҳимоя қилди. Лекин у ўз мактабида узоқ ишлаш олмади.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг «Луғати ситта ал-сина», «Жомеъул хутут» ва «Тарихи Фарғона» асарларида ёзишича, 1887 йилда чет элларга саёҳатга чиқади. Унинг саёҳатдан мақсади хорижий халқлар ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш истаги ҳамда онасини ҳажга олиб бориш муроди эди. У Европанинг Истамбул, София, Афина ва Рим каби марказий шаҳарларида бўлади. 1892—1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калькуттада яшайди. Исҳоқхон Ибрат бу ерда кўп ишлатиладиган арабаиллисонни, яъни, тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини чуқур ўрганган.

Исҳоқхон Ибрат 1896 йилда Наманганга қайтади. Асримиз бошларига келиб рус тилини ўрганишга қизиқиш кучайган эди. Шу муносабат билан билим доираси кенг бўлган Исҳоқхон Ибрат олтига: араб, форс, турк, ҳинд, ўзбек ва рус тилларини ўз ичига олган «Луғати ситта ал-сина» китобини яратади. Китоб 1901 йилда Тошкентда Ильин босмахонасида нашр этилади.

Исҳоқхон Ибрат даврининг илғор маърифатпарварлари фаолияти билан ҳамнафас бўлди. У 1907 йилда ўз уйида қишлоқнинг камбағал болалари учун иккинчи марта янги усули савтия мактаби очди. Бу мактабда ўттиз нафар қишлоқ боласини ўқитди.

Исҳоқхон Ибрат 1907 йилда Оренбургга боради. У ерда нашр учун ускуна сотиб олади ва 1908 йилда чор ҳукуматининг рухсатидан сўнг ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида босмахона ташкил қилади. Туркистоннинг чекка қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг фан ва маданият соҳасидаги катта ютуғи эди. Туркистоннинг илк матбаачиларидан бири Исҳоқхон Ибрат ўзининг бу амалий фаолияти билан ўзбек маърифатпарварлари ғояларини яна бир поғона юқорига кўтарди. Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисолалар, дарсликлар, плакатлар мунтазам нашр этиб турилди.

Октябрь инқилобидан кейин Исҳоқхон Ибратнинг фаолият доираси янада кенгайди. 1919 йилда унинг ташаббуси билан Наманганда ўзбек хотин-қизлари учун биринчи марта совет мактаби очилди.

Исҳоқхон Ибрат шахсга сиғинишнинг мудҳиш кунларида — 1937 йилда қамоққа олинди. 75 ёшли шоир турмада икки ой ётиб ҳаётдан кўз юмди. Мутафаккир адабий меросини тўплаш ва халққа етказиш шоир учун улўғ ёдгорликдир.

Улуғбек ДОЛИМОВ,  
филология фанлари номзоди.

## Бўлубдур

*Эй даҳр эли, билинглар, турфа замон бўлубдур,  
Беандиша халойиқ феъли ямон бўлубдур.*

*Олим билан фақирда зуҳду амал бўлунмай,  
Еинки амри маъруф гўё ниҳон бўлубдур.*

*Шайхларни(нг) хонақоси қолмай ани бақоси,  
Бир-бирин шиква қилмоқ, ул ҳам тамом бўлубдур.*

*Мадрасалар ичинда кўб фитна бирла шўриш,  
Ҳар кунда ўн хил уруш, оқ салла қон бўлубдур.*

*Бермас закот бойлар, сандиққа фулни жойлар,  
Чиптау неча тойлар, сўз амиркон бўлубдур.*

*Деҳқон эли билинғиз, хирмонни кечга олғай,  
Бир дона хайр қилмас, охир замон бўлубдур.*

*Бопанда ё дурадгор ёки барча устолар,  
Ишни битирмас асло, ёлғонга қон бўлубдур.*

*Қассобу қўйфурушлар, жангу жадал урушлар,  
Бечоралар фулига гўшт устихон бўлубдур.*

*Нонвойда йўқдур инсоф, андин ўтадур аллоф,  
Кўр чақса ун хамири қирқ икки нон бўлубдур.*

*Кўб қозихоналарда ушбу замоналарда  
Ишдин закончилар кўб, эмди ямон бўлубдур.*

*Жанжални ахтарурлар фул олмоққа халойиқ,  
Жанжал фули аларга чой ила нон бўлубдур.*

*Эликбоши деганлар, уй бошидан еганлар,  
Ўз мансабига мағрур, гўёки хон бўлубдур.*

*Ҳар кўчада қоровул, йўқдир қўлида довул,  
Сўзлар чақиб бўлисга мисли чаён бўлубдур.*

*Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса у дўқ,  
Ичкуга халқ роғиб, дойим фиён бўлубдур.*

*Ушбу замон онлар, топди ривож ямонлар,  
Йўқ эмди нуқтадонлар, қандай замон бўлубдур.*

*Ҳар ерда ошкора фоҳиш иши-ла лаъбат,  
Носиҳ муҳтасиблар баста даҳон бўлубдур.*

*Маҳбуби наҳшихонлар, кўзи қаро жувонлар,  
Гастинсаларда юруб, сарфи зиён бўлубдур.*

*Манзума соли тарих бу даҳри инқилоби,  
Минг икки юз тўқсон икки баён бўлубдур.*

*Ибрат, бу ерда турма, бунлар била ўтурма,  
Бу халқи феъли хўйи сенга аён бўлубдур.*

1909 йил.

## Ҳикояти уч киши

Сокини гул боғдурмиз уч киши,  
Ҳаммамиз ҳам соғдурмиз уч киши.

Ҳар биримиз бир иша машғулмиз,  
Еб-ичиб сарёғдурмиз уч киши.

Бири дер, майдонга сув сеп, тоза қил,  
Бири дер, носоғдурмиз уч киши.

Иш буюрсак биримиз қилмай қабул,  
Негаким бўйдоғдурмиз уч киши.

Учимиз теъдод этай, яхши билинг,  
Улфату ўртоғдурмиз уч киши.

Бири Фаққосхон, бири мулло Шариф,  
Банди бир белбоғдурмиз уч киши.

Бири Турсундур, бизи хизматдадур,  
Тиш ила тирноқдурмиз уч киши.

Ўргамизда устаю нажжоримиз,  
Зоири кўб тоғдурмиз уч киши.

Боғда ким асал ари чақти бизи,  
Лаб шишириб доғдурмиз уч киши.


Биздин одобу усул этманг умид,  
Одами қишлоқдурмиз уч киши,

Чойи нондур ҳар куни нонуштамиз,  
Толиби қаймоқдурмиз уч киши.

Бор эди бир боадаб меҳмонимиз,  
Толиби сўйлоғдурмиз уч киши.

Бири овсар, бири тентак, лўндамиз,  
Ақлидин камроқдурмиз уч киши.

Ибрат олмай бизга ҳар ким кулсалар,  
Бу сабабдин доғдурмиз уч киши.



# Навоийxonлик

*Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоққи, қушлар қичқиршқайлар йилон кўргач.*

*Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.*

*Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгил захмин яшурайким,  
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.*

*Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгил боғида баргедурки, ол ўлмиш хазон кўргач.*

*Хаданггинг захми ичиндин балоларни юғон ёшим  
Эрур тифле ки, олғай қуш болосин ошён кўргач.*

*Кўнгиллар нақдини торож этарга ёлмогинг бурқаъ,  
Анингдекдурки, юз боғлар қарақчи корвон кўргач.*

*Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.*

*Эрун чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзингни комрон кўргач.*

*Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.*



Муҳаммад Али

## Эл комин раво айла...

Узбек классик шеърляти сирларга тўла бир оламдир. Бу оламнинг тагига етдим деган киши хатога йўл кўяди. Бу бепоен осмонни кучмоққа уриниш билан баробардир. Қолаверса, у ёки бу шоир ижодининг, айрим ғазалнинг талқини ҳамиша ҳам бир киши томонидан айтилган фикр, яъни хусусий фикр саналади. У бизга ёқиши ҳам, ёқмаслиги ҳам мумкин. Умуман олганда эса, буюк шеърлятимиз, айниқса Алишер Навоий ижодини ўрганишга интиломқ зарур, мураккаб, аммо марғуб ишдир.

Алишер Навоий ғазалларида доим «коса, косанинг тагида нимкоса», балки нимкосалар мавжуд бўлади. Биз, албатта, баҳоли қудрат, имкон етганча илғаймиз. «Кўнгиллар ноласи...» деб бошлангувчи ғазал тепасига шоир: «Чим» ҳарфининг чобукларининг чехра кушойиши «Ғаройиб «дин» деган сўзларни ёзиб қўйган. Бу — ғазалнинг «Ғаройиб-ус сиғар» девонига мансублигини билдиради. Ҳазаж баҳри шуъбасида ёзилган ушбу ғазал жуда кўп фазилатларга эга. У биринчи қарашда аниқ бир мавзуга бағишланмагандек туюлади. Аммо... Байтнинг биринчи мисрасида илгари сурилган фикрнинг исботи учун иккинчи мисрада бир ажойиб образ келтирилади. Бу образ ўзининг мутаносиблиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ҳар бир сўз, ташбеҳ, ўхшатиш бирига мос, мақбул...



**Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоққи, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.**

Мутаносибликлар: кўнгил — қуш, нола — қичқирик, зулф — илон; кўнгил чиндан қушга ўхшайди, парвозни хуш кўради; нола аслан ҳам қичқирикдир, зулфнинг эса илонга ўхшашлиги аён. Классик шеърятда бир сўз фақат бир маънони билдирмайди, балки ҳали айтганимиздай, тагида нимкосаси ҳам бўлади. Масалан, ушбу байтда «кўнгил — қуш» дедик, йўқ, у бу ерда инсонни билдиради, «зулф», тасаввуфга кўра, ўзгарувчан олам тимсоли, беқарорлик рамзи. Шу вайдан ҳам у илонга ўхшатишмоқда, илон эса ҳамиша беқарордир, ҳамиша ўзгариб туради. «Каманд» — тузоқ, кўнгилларни илтириувчи тузоқ, банд деганидир. Шуларга кўра, байтдаги «коса» ушбуди: кўнгиллар зулфинг ҳалқасини кўргач, бамисли илон олдида турган қушларнинг қичқирганларидай нолалар айлайди. Биз илғаган «нимкоса»: «Киши бу оламнинг беқарорлигидан азоб тартади, унинг тузоқларида нола чекади. Иккинчи сатрдаги «қуш» — энди қуш эмас, — одам, қичқирик — оҳ-фарёддир, илон эса бу оламнинг бало-қазолари тимсолидир.

Иккинчи байтда:

**Кўнгил чокин кўзумда ашки рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач, —**

мисраларини ўқиймиз. Одатда ҳар бир байтнинг ўз «умри», ўз «ташвиш»лари бор. Улар бир қараганда ўзаро боғланмагандек, лекин мазмунан муштараклик бирлаштириб туради. Ҳазали таъбир жоиз бўлса, бир кичик қишлоққа ўхшатгим келади. Байтлар бамисоли уйлардек, дарвоқе, «байт» сўзининг бир маъноси уй ҳам демакдир. Бу ерда ҳам шундоқ. Ҳажрингда кўнглим чок-чокидан сўкилиб кетди, бунинг кўзимдан оққан рангин ёшларимдан ҳам билса бўлади — фош этиб турибди. Ахир дарё юзида қонли сувни кўрган кишилар, балиқнинг жароҳатланганлигини тез фаҳмлаб оладилар. Кўнгил — балиғ, чок — захм, иккиси ҳам кўздан ниҳонлиги билан ўхшаш; кўздаги ашк — дарёдаги қон, фош этмоқ — фаҳм айламоқ бир-бирларига мутаносиб тушунчалардир.

Учинчи байтда эса бунинг акси: кўзим-ку қонли ёш тўкмоқда, бас, кўнглимдаги жароҳатни яшириб ўлтиришга ҳожат бормикин? Ахир ерда сайд (ов қилинган қуш, илвасин ва ҳ. к) қонини кўрганлар унинг ярадор бўлганлигини дарров англаб оладилар-да...

**Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳижринг,  
Кўнгил боғида баргедурки, ол ўлмиш хазон кўргач.**

...Ғами ҳажрингдан жон пардаси қонга чулғаниб бўлди, боғдаги барг ҳам хазон фасли етганда қизғиш тусга киради... Бу ерда ҳам мутобиқ (параллел)лар: жон пардаси — барг, ғами ҳажр — хазон фасли, бўлмоқ — ол ўлмоқ. «Кўнгил» сўзи эса бутун борлиқ маъносида келмоқда.

Бешинчи байт. Вужудимда ишқинг камони отган ўқдан пайдо бўлган захмларни, балоларни бетиним кўз ёшларим юваётир, бу худди болаларнинг қуш уясини кўриб жиш полопонларни олишларига ўхшайди. Захм ичи — ошён, балолар — қуш болалари (тажнис кўриниши), кўз ёшлар — болалар мутобиқлари чиройли.

Олтинчи байтда ундан ҳам ёрқин, тиниқ манзара чизилади: кўнгиллар нақдини талон-тарож этмоқ учун юзларингга бурқаб (парда) ташлаб олибсан, ҳа-ҳа, қароқчи ҳам қарвонга ташланиш олдида юз-кўзларига ниқоб кийиб олади... Биринчи мисрадаги маъҳум тасвир иккинчи мисрадаги ажойиб образ билан катта ҳаётий манзара касб этади.

**Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.**

Шоҳ байтлардан бири! Байтдаги «коса»: зулфунг ичра юзингни кўриб қолдим, аммо ортиғи менга насиб эрмас... Агар кечаси ҳар қаёнда ўт ёниб турган бўлса қай бирига юз уриб борурсан?.. «Нимкоса»: тасаввуфга кўра, юз — бу, ҳокими мутлақ, ҳақ таоло тимсоли, зулф — беқарор ўзгарувчан олам, зулмат... Демак, зулматларга чўмилган беқарор олам ичра ул ёруғ сиймони (ҳақни) кўриб қолдим, аммо ўлсам ҳам васлига ета олмастим аён, чунки ловуллаб турган оловга юз уриб бормоқ кўрқинчли ва хатодир, куйдириб кул қилади... Байтда «Зулф — кеча» мутобиғи, «юзин — юз урмоқ» товуш уйғунлиги ҳам кузатилади.

Тўққиз байтнинг еттитаси таърифи шундайдир. Биз турли бир-бирига ўхшамаган манзараларни томоша айладик. Илонни кўрганда чирқиллашиб қичқирган қушлар, дарёда қони пайдо бўлганидан яралангани маълум балиқлар, ерда қони қолган сайд-

лар, куз фасли келганда боғлардаги барглarning қизара бошлаши, қуш уясидан жиш полопонларни шафқатсизларча олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини яшириб олган саҳройи қароқчилар, тун-кечада ҳар қаённи тутиб кетган гулхан, оловлар... Ранг-баранг лавҳалар, барчаси ҳаётдан олинган, биз уларни ҳар қадамда учратганмиз, шоҳиди бўлганмиз, завқланиб ҳайратга тушганмиз, таъсирланганмиз. Улар таниш, аммо шоирнинг сеҳрли қалами остида бизга янги бўлиб туюладилар.

Юқоридаги тасвирлардан ҳаёт, борлиқнинг кенг манзараси намоён бўлгач, шоир энди, ҳаёт ҳақида, шундай ҳаёт кўйида яшаётган инсон умри, умр мазмуни ҳақида шундай хулоса ясайди:

**Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзунгни комрон кўргач.**

...Ўзинг бахт-саодатга эришгач, элнинг ҳам мурод-мақсадга етишишига саъй-ҳаракат кўргиз; билгилким, бойлик, давлат ўткинчидир (фонийдир), яхши от эса боқийдир. Бас, яхши от қолдирмакка шошил... Бу ўзгарувчан оламда яшар экансан, беқарор оламда қарор топмоқчи бўлсанг, ана шуларни ёддан чиқарма, деган фикр ётибди тағматнда. Ҳазалдан кўзланган мақсадга, чамаси, энди етиб келдик...

Ҳазалга нуқта қўйишдан аввал, юқоридаги саккиз байтга кўз югуртирган шоир равон оҳанг, гўзал ташбеҳлар, шеърий санъатлар, сирлар пайдо бўлганини кўриб бир лаҳза ғурурли хаёлга берилади, «катта кетади»:

**Навой, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач!**

...Эй Навой, сен шеърингга сирларни шундоқ жойлай олдингки, энди уни кўриб заковатли нозикфаҳмлар подшоси бошинг узра зарлар сочажак! Бу ерда тажнис санъати кўриниб турибди: хурда — сир, яширин сир; хурда — зар, олтин резалари; хурдадон — нозик нарсаларни билувчи, ўткир заковатли киши, маъносида англашилади.

Шоирнинг «катта кетган»ича ҳам бор. Биргина ҳазалда етти хил образ ишлатиб, етита бир-бирига ўхшамайдиган манзаралардан ҳаётнинг кенг тасвирини яратган, боқийлик ҳақида файласуфона фикр айтишда тазоду тажнис каби ва бошқа шеърий санъатлардан хўб фойдалана олган улўғ Алишернинг бошига ҳар қанча зар сочсалар-да арзийди.

Муҳаммаджон Имомназаров

## ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

Иккинчи мақола

### Фарҳоднинг Юнонга сафари

Биз ҳақиқатни биламизми? Бу шу куннинг жуда оғир саволи. Чунки жўн ҳақиқатлар замони орқада қолди. Жиддий ҳақиқат эса борлиқ янглиғ мураккаб, ранго-рангдир. Ҳар бир инсон уни маълум нисбийликдагина англаб етишга қодир. Яна бунинг устига турли даврлардаги одамларнинг тафаккур услуби турличадир. Илмий тафаккур услублари, бадий тафаккур услублари, мистик тафаккур, мифологик тафаккур...

Яна инсоннинг дунёни, ҳақиқатни англаб етиш жараёнига тарихий такомил ҳам хосдир. Бу такомил турли миқёсда: бири — умуминсоният ривожини, иккинчиси — инсонлар жамоасининг турли замонавий ва маконий бирлашмалари доирасида, учинчиси — ҳар фард инсон умри давомида рўй беради. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқаси билан зиддиятли боғланиш, туташув ҳосил қилмасдан иложи йўқ. Демакки, агар бирор ҳодиса ҳақида мулоҳаза юритишга, унинг моҳиятини жиддий англаб етишга қасд қилинса, уни атроф-воқелик, ўзи мансуб бўлган умумий ва хусусий ҳодисалар силсиласида олиб қаралмоғи, ўша ўрнидан узиб олмай идрок этилмоғи асли ҳақиқатни, яъни ўша ҳодиса моҳиятини тўғри ёритишга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Бадий тафаккур меваси бўлмиш адабиётни олайлик.

Биз ҳозиргача илмий адабиётларда XII—XV асрлар ўзбек адабиётидаги тараққийпарвар йўналишни «дунёвий адабиёт» деб номлаймиз ва реакцион оқимлар ҳисобланмиш «диний-мистик» ва «феодал-сарой» адабиётларига қарши қўямиз. Аммо бу атамалар давр бадий тафаккури моҳиятини унинг асосий бадий мезонлар силсиласига мос ҳолда очиб беролмайди. Чунки улар маълум даражада бугунги кун кишининг дунёни идрок этиш меъёрларини акс эттиради ва уларни ўтмишга жиддий таҳрирсиз кўчиришига асосланади. Шундай ёндашиш оқибатида, масалан, Алишер Навоий бадий тафаккур йўналиши ўз яхлитлигини йўқотади, турли методларнинг, услубларнинг қовушмаган йиғиндисига «айланиб қолади». Натижада, шоир асарларини кенг китобхонга тақдим этиш жараёнида унинг ижодидаги баъзи жиҳатлар, боб ва қисмлар «ошиқча», «кераксиз» бўлиб кўринади ва улар тушириб қолдирилади. Масалан, «Ҳайратул-аброр»нинг китобхон кўзидан «яшириб» қолинган кириш боблари ва биринчи, иккинчи мақолатларида нафақат ёлғиз бу асар, балки бутун «Хамса», демакки, шоир ижодининг асосий моҳиятини, ундаги такомил босқичлари силсиласини тўғри тушуниб олиш учун калит мавжуддир. Уни чоп этмасликни ҳеч қанақасига оқлаб бўлмайди.

Алишер Навоийнинг дунёни идрок этиши ўзига хос мураккаб жиҳатларга эга. Агар биз унинг бадий тафаккур моҳиятини давр истилоҳ ва тушунчаларига таянган ҳолда, уларнинг ички мазмунини тушуниб етишга ҳаракат орқали талқин ва таъриф этмасак, ўзимиз ўйлаб топган, бугунги кунга хос, ёки ўзга маданият анъаналарига мосланган атамалар билан ифодалашга уринсак, улғу даҳо қарашларини маълум даражада жўнлаштириб тушуниш, натижада ўз маънавий уфқларимизни муайян қолиплар доирасида сиқиб қўйиш хавфига рўбарў бўламиз. Шу сабабли Навоий фикрларини унинг ўз истилоҳларида англаб етишга уринганимиз маъқул.

Авалло, оддий бир ҳақиқатни эътироф этиш керакки, XII—XV асрлар Яқин ва Урта Шарқ минтақасида форс-тожик ва туркий тилларда яратилган адабиётнинг юксак намуналарида ижтимоий-фалсафий ва бадий тафаккурнинг маълум муштараклиги мавжуд. Шу сабабли Алишер Навоий илмий-адабий мушоҳадаларида форс-тожик тилида ёзган шоирларни мутлақо бегона санамайди, уларнинг кўпини ўзига ғойибона устоз деб билади.

Адабиётшунос А. Ҳайитметов илк илмий тадқиқотларида таъкидлаганидек, Навоий ижодини маълум даражада яқунловчи асар бўлган «Маҳбул-қулуб» рисоласида XII—XV асрлар адабиётидаги энг йирик намояндалар дунёни бадий идрок этиш ва акслантириш мезонларига кўра бир неча гуруҳга ажратилади. Булардан биринчиси «илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойинган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлар» бўлиб, бу гуруҳнинг энг кўзга кўринган

<sup>1</sup> Биринчи мақола журналимизнинг 1988 йилги 4-сонидан босилган — ред.

вакиллари сифатида буюк тасаввуф шоирлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар тилга олинади, уларнинг бадий тафаккур меъёрлари ва адабий йўналишлари эса «ҳақиқат тариқи» деб номланади.

Иккинчи гуруҳга Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Санойи, Ҳофиз Шерозий каби улуғ шоирлар мансуб ҳисобланиб, уларнинг бадий идрок ва тасвир мезонлари «ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут қилиш» (аралаштириш) билан белгиланиши қайд этилади.

Учинчи жамоа форс-тожик шеъриятининг Камол Исфаҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Хожайи Кирмоний каби ўз даврида донг таратган кўплаб намояндаларини ўз ичига олиб, бу гуруҳга «мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар» деб баҳоланади. Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ижоди эса «ҳақиқат ва мажоз тариқатида комил» деб таърифланиб, ундаги мураккабликларга алоҳида урғу берилади.

Қолган шоирлик даъвогарларини адиб «паст табақа» деб номлайди ва унга «юз машаққат била бир байтни боғлаштирувчи» қофиябозларни киритади. Устознинг бу мулоҳазалари ўша давр шеърияти моҳиятини англаб етишда ниҳоятда жиддий аҳамиятга эга ва асло тасодифий ёки шахсий дид ва тасаввур доирасидаги таърифлар эмасдир. «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» асарида ёш Алишер билан Паҳлавон ўртасидаги суҳбат «ҳақиқат тариқи» ва «мажоз тариқи» истилоҳларининг ўша даврда шеърият нуктадонлари орасида маълум ва машҳур бўлганидан очиқ-ойдин дарак беради. Хўш, бу истилоҳларнинг туб маъноси нима, устод тилга олган адабий йўналишлар бир-бирдан нимаси билан фарқ қилади ва ҳар бирининг моҳияти нимадан иборат бўлган? Алишер Навоийнинг ўзи қайси йўналишни ихтиёр этган? Бу саволлар юзасидан илмий адабиётларда маълум мушоҳадалар йўқ эмас, албатта. Аммо биз масалага улуғ устознинг ўз кўзлари билан қараш ва ўз сўзларидан жавоб қидиришга уриндик. Навоий ўзига устоз тутган шоирларнинг кўпчилигини «мажоз тариқи»га, янада аниқроғи, «ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут этганлар» сирасига киритади. Аммо «Маҳбуб ул-қулуб»дан бир йил бурун ёзилган «Лисонут тайр» дostonи «ҳақиқат тариқи» пешволаридан буюк форс мутасаввуфи Фаридиддин Аттор асарига татаббуъ-жавоб сифатида битилган эди. Бу дostonга хос бадий тафаккур йўналишини шоирнинг ўзи «Муҳокамат-ул-луғайтайн»да аниқ қилиб, «ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўргузупмен», деб таъкидлаган. Аввало шуни айтиш керакки, Аттор «мажоз» тушунчасини ўзига хос идрок этади ва «ҳақиқат»ни «мажозга» аралаштирганларни кўп ҳам ёқтиравермайди. «Мантиқ ут-тайр»да Худҳуд қушлардан бирига шундай хитоб

...Эй гирифтори мажоз,

Аз сифат дуру ба сурат монда боз.

[...Эй, мажоз тузоғига илинган,

[Ички] сифатдан узоқлашиб, [ташқи] суратга маҳлиё бўлиб қолган].

Атторнинг бундай қарашлари ўз маълум фалсафий-ижтимоий асосларига эга эди. Навоий ўз салафи дилидаги дардларни чуқур ҳис қилади ва унинг қарашларига ниҳоятда эҳтиром билан муносабатда бўлади. Аммо унинг охириги дostonи алоҳида мустақил қийматга эга, унда шоир ўзи умр бўйи изланиб топган мураккаб, аммо яхлит ва теран Ҳақиқатни муносиб бадий шаклда гавдалантириб берган эди. Бу асарнинг бадий олами, айтиш мумкинки, Яқин ва Урта Шарқ бадий тафаккури ривожининг катта бир босқичи — XII—XV асрлар эпик шеъриятининг ички маънавий юксалишида энг олий поғонани ташкил қилар эди. Шу билан биргаликда у шоирнинг ўз ижодидаги теран маънавият ганжиналарини чарақлатиб нурлантирувчи, уларга янги-янги товланишлар бахш этувчи ажойиб бир машъала, уларнинг тилсимли қулфларини жаранглатиб очиб юборувчи калит вазифасини ўтар эди.

Биз ҳозирча бу дostonни тўлиқ талқин этишдан сақланиб, фақат мавзуга тааллуқли бир ўринга диққатни жалб этсак.

Дostonнинг бошланишида Аттор Худҳуд тилидан Симурғ сифатларини таъриф қилишга киришади ва асосан ўз дунёқарашини йўналишини теран очувчи нозик таърифлар орасида бу афсонавий қушнинг бир пати Чин иқлимига тушганлиги ҳақида етти байтли мўъжаз ахборот беради. Навоий ушбу ушоқ хамиртурушдан йигирма беш байтли «Чин шаҳри сифатида Симурғ пари анда тушганининг кайфияти» деган алоҳида боб яратади. Бу бобда аввало Чин ўлкаси васф қилинади, кейин Симурғ патининг Чин ўлкасига тушганлиги Моний номи ва унинг ажойиб санъати таърифи билан боғлаб берилдики, бу ажаб таассурот қолдиради:

Ҳар киши боғлаб таҳайюлдин қалам,  
Қилмиш ул пар нақшидин тарҳи рақам,  
Борчанинг нақшу ҳаёл андешаси,  
Бу иш ондин бўлмиш ул эл пешаси.  
Бир кишини қилмиш ул нақшу ҳаёл,  
Нақшу тасвир амрида соҳиб камол.  
Оти Моний, хомаси — мўъжизнамой,  
Санъати наззораси ҳайратфизои.  
Бўйла нисбатлардин аҳли маънавий!  
Чинда дерлар коргоҳи монавий...<sup>1</sup>

Ажабким, Симурғ пати тушганлиги сабабли Хитойда Моний нақшу нигор корхонаси (яъни, ҳозирги терминология билан айтсак — манихейлик тасвирий мактаби — «коргоҳи монавий») ривож олиб кетибди. Агар биз манихейлик мазҳабида пантеизм (тажаллий) унсурлари ва ижтимоий адолат учун кураш ғоялари анча кучли бўлганлиги ва бу фалсафий оқим ғарб пантеизми ва Шарқ тасаввуфининг шаклланишида катта таъсири борлигини эсласак, бу ерда ҳам Навоийнинг масалага нақадар жиддий ёндашганлиги ва мажозининг нақадар чуқурлигига қойил қолмай иложимиз йўқ.

<sup>1</sup> Аҳли маънавий — маънавият аҳли, дунёнинг моҳияти ҳақида жиддий мулоҳаза юритувчилар.

Навоий учун Моний мактаби<sup>1</sup> онгли равишда «Симурғ пати» рамзига реал тағзамин бўлганлигини кейинги байтлардаги ишораларда янада очик кўрсатилади:

Ул пар эмди гўёким Чиндадир,  
Хурдек ул мулк ҳулойиндадир.  
Бу эмиш ул пар зухурининг иши,  
Мундин ортуқ фаҳм қилмайдуру киши.  
Кўрмагидин кимса дам урмайдурур...  
Сўзни бу ғоятқа еткурмайдурур...

Яъни шоир том маънода «Симурғ пати» бор эканлигини шубҳага олади ва «гўё», «эмиш» каби фикрни гумонга айлантирувчи сўзларни кўшиб ўзгалар тилидан келтиради ва «ҳеч ким уни кўрганлигини айтган эмас», деб таъкидлайди.

Демак, аслида «Симурғ пати» борми, йўқми, аниқ эмас, аммо Моний мактаби бўлганлиги — ҳақиқатдир. Шу ўринда мутафаккир шоирнинг биз учун энг сеvimли ва қадрдон қаҳрамони — инсонийлик ва юксак маънавий камолот тимсоли — Фарҳод ёдимизга тушади. Ахир у ҳам Чин диёридан эди-ку, бу ерда бир боғланиш, нозик бир ишора йўқмикан? Ахир Симурғ — бу Олий ҳақиқат Камолотининг энг юксак босқичи, ягона ва мутлақ ўз-ўзини англаб етган моҳият, унинг пати — ундан бир намуна, унинг бир узвий зарраси. Фарҳод-чи? Мана шу битта ишора бизни орқага — «Фарҳод ва Ширин»даги бадиий маънолар оламининг бир қиррасига диққатимизни қаратишга ундайди. Шоирнинг сеvimли қаҳрамони аввало Инсон, Чин ҳоқонининг яккаю ёлғиз, арзанда фарзанди. Аммо бу фарзанд туғилишиданоқ ўзгача бир хислатларни ошкор этади:

Юзинда ишқ асрори ёзилғон,  
Ичинда дард таъвири қозилғон...  
Муҳаббат нури олинди ҳувайдо,  
Жамолида вафо туғроси пайдо.

Ҳатто унинг исмини ҳам ишқ белгилайди:

Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,  
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.  
Борин устои ишқ этгач мураккаб,  
Тараккубдин бу исм ўлди мурабтаб.

Сутни ҳам бу гўдакка «ишқ энагаси» (дояи ишқ) ичиради, у ичган сутнинг ҳар қатраси «маънавият дурлари»га қиёс этилади.

Шайх Санъон 50 йил Каъбада хизмат бажаргач, кўнглига ишқ олови туташган эди, Чин шаҳзодаси эса туғилишидан дилида Олий меҳр — дардли меҳр билан дунёга юзланиб турибди. Бу Симурғнинг сирли пати тасири эмасмикан? Дарвоқе, Фарҳоднинг инсонлар корига ярагувчи ўрганган илк касб-ҳунарлари ҳам бири — тошкесар Қоран ва иккинчиси — моҳир наққош ва мусаввир Монийлар устоз бўлдилар.

Монавийлик нафақат юксак санъат, балки эзгу эътиқод ҳамдир. Бу сулуқни танлаганлар жаҳонда, инсонлар онгида Эзгуликнинг порлоқ ғалабасини таъминлаш, борлиқни зиёга чўмдириш учун, зулмат тимсоли Аҳриманга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқлари, унинг ҳукмронлигига узил-кесил барҳам бермоққа отланишлари керак. Фарҳод ҳам Юнонга отланади. Навоий учун Юнон фалсафаси (ҳикмати) инсониятнинг камолот сари олға силжишида эришилган юксак босқич, аммо унга етишиш, ундаги улғў ҳикматларни ўзлаштириб олиш йўли машаққатли йўл.

Тарихда Чин ўлкаси билан Юнонни боғлаб турувчи муайян восита нима? Бу — Искандарнинг Чинга юриши. Искандар истилолари — унинг хатти-ҳаракати ва эришган натижаси — бу барча шох ва шаҳзодалар учун **ибратли ойна**. Тақдир кўзгуси.

Искандар Ойинаси — хоқон хазиналарининг ичида энг қимматли ва сирлиси. Унда инсон ўз асл тақдирини тамошо қила олади. Бироқ бу кўзгу тилсими Юнон ҳикматини эгаллаган кишигагина эчилади. Фарҳоднинг Юнонга сафари — унинг ўз инсонлик сиридан воқиф бўлиш, ҳақиқатни билиш йўлидаги жидду жаҳдидир. Кўнглида меҳр нури билан яралган бу мард ва зукко ўғлон Чин ўлкаси — ўз юртининг барча мавжуд назарий ва амалий билимларини ўзлаштиргач, энди Юнон сари йўл олмоқда.

Юнон мулкида унинг биринчи етишгани ҳаким Суҳайло суҳбатидир. Қоронғи ғорда «неча юз ранжу тимор ичра» юзлаб йиллар шу кунни кутган Суҳайло Фарҳодга Жомосп васиятини етказди. Достон қаҳрамонининг бу давр саргузаштларини муфассал тавсиф ва талқин этган устоз А. П. Қаюмов китобида таъкид этилишича, Жомосп тарихда зардуштийлик эътиқодининг машҳур тарғиботчиларидан ҳисобланган, Моний мактаби эса бу эътиқод йўналиши билан узвий туташ эди. Жомосп васиятига кўра Чин шаҳзодаси:

Тутуб ранжу аноға жону жисмин,  
Очар Искандари Румий тилсмин.  
Ва лекин икки манзил бўлғусидур,  
Ки онинг қатъи мушқил бўлғусидур.  
Бирида аждар айлаб жонситонлиғ,  
Дамидин қилғуси оташфишонлиғ.

<sup>1</sup> Навоий Моний мактаби ҳақида гапирганда уни тасвирий санъат мактаби қилиб кўрсатганига сабаб шуки, маниҳейлик ғояларини маълум дунёқараш сифатида очик тан олиш, бениҳоя шаккоклик бўлар ва ўша замонда имкандан ташқари эди.

Бирида Аҳриман айлаб ситама фoш,  
Ҳаводин бошиға ёғдурғуси тош...

Дарҳақиқат, дostonда кейинги икки бoб — бири Фарҳоднинг баҳайбат аждаҳони енгиши, иккинчиси қаттол Аҳриман устидан ғолиб чиқиши тасвирига бағишланган. Навоий ҳар икки бoбда халқ эртаклари руҳидаги афсонавий олишувлар манзарасини классик шеърятга хос сержило услубда батафсил гавдалантириб беради. Асарни дастлабки ўқиган одамда муайян қаҳрамоннинг бениҳоя забардастлиги ва мардлиги ҳақидаги тасаввурдан ўзга фикр туғилмаслиги мумкин. Аммо бутун умр улуг Ҳақиқат излаган мутафаккир шоир даҳоси сoҳри шундаки, унинг ҳар бир асари ҳар қайта кўздан кечирилганда ва, айниқса, қиёсан ўқилганда, янги-янги маъно товланишлари очила беради. Агар «Лисон ут-тайр»ни Аттор асарига қиёсан ўрганиб чиққач, яна «Хамса»га қайтилса, унда жуда ғаройиб ишоралар бор экани сезилиб қолади.

Аждаҳо — нима? У кўп халқлар оғзаки ижодида ёвузлик тимсоли, эртакларда эзгулик учун, ўз бахти учун курашган гўзал ва довжорак қаҳрамонлар йўлига ғов бўлувчи қора куч. Яъни ёзув маданияти вужудга келгунгача бўлган инсонлар маънавияти учун эзгулик, бахт ва ҳақиқат ғалабасини таъминлаш аждаҳони енгиб ўтиш рамзи билан бевосита боғлиқдир. Аҳриман эса Урта Осиё, Эрон ва Афғонистон улкалари учун энг қадимги муштарак ёзма маданият асоси «Авесто»даги асотирларга кўра эртаклардаги Аждарга қараганда мураккаброқ моҳиятга эга бўлган ёвуз куч тимсоли, зулмат рамзидир. Нур сари интиланган инсоният йўлида янги ғовдир.

Фарҳод ўз-ўзини англашга интилиб борар экан, аввал Аждаҳони, сўнг Аҳриманни аёвсиз жангда мағлуб этади.

Навоий иккинчи бoбни тугатар экан, соқийга мурожаат қилиб, айтади:

Кел, эй соқий, манга май қил ҳавола,  
Этибон Аҳриман бошин пиёла,  
Ки қилғай ул қадаҳдин руҳи мастим,  
Замоне нафс девин зери дастим.

Эътибор қилинг, Аҳриман «нафс деви» билан чоғиштирилмоқда. Фарҳодни ёвуз кучлар устидан ҳар бир ғалабаси унинг кейинги кураши учун зарурий яроғ билан таъмин этади. Аждарни енгиб қилич ва қалқон (моддий воситалар) топган бўлса, Аҳриманни енгиб Сулаймон узугини (тилсимли куч) қўлга киритади. У очилган хазиналарнинг ҳаммасини отасига ва лашкарга бағишлайди, ўзига фақат кураш яроғинигина қолдиради.

Учинчи манзилда Фарҳод ҳозирги замон роботлари типидagi кўксига кўзгу қадалган темир одамга рўбарў келади. У ҳам тилсимли ёвуз кучлардан, унинг кўксидagi ойнага ўқ узиб, синдирилса, Искандар кўзгуси тилсими ҳам ечилади, бу тилсимни энди юксак Юнон маданияти мерос қолдирган ҳақиқат сирларини англаш йўлидаги Фарҳод учун охириги ғов деб билса бўлади. Ниҳоят, бу ғов ҳам бартараф этилиб, Фарҳод учун Сўқрот ҳикматидан баҳраманд бўлиш имкони очилади.

Нега Алишер Навоий Юнон маданиятида эзгулик ва олиё ҳикмат тимсоли этиб Афлотунни эмас, Арастуни эмас, донишмандликда энг комил уйғунликка эришган Сўқротни танлади экан? Сўқротнинг инсонликда ва донишдаги улуг хислати — эътиқодда изчиллиги ва илмдан шахсий ғараз изламаганлиги бунга сабаб бўлмайдики? Аммо бунча даҳшатли хатарларни матонат билан енгиб, юксак чўққидagi мўъжизали ғорга — Сўқрот ҳузурига етиб борган Фарҳод у ерда қандай улуг ҳикмат эшитди? Келинг, яна бир марта дилида ишқ билан туғилган йигитга ҳамнафас бўлиб, биргаликда Сўқрот насиҳатларини тинглаб кўрайлик. Донишманд Ҳоқон ва Мулқорони ҳам ҳузуридан чиқариб юборгач, ёлғиз Фарҳодга юзланиб жумладан ушбу сўзларни айтади (қисман насрий баёнда берамиз):

...Мен минг йилдан буён шу тоғлар орасида пойи қадамингга интизорлик тортаман. <sup>1</sup> Худога шурки, энди сени ўзим топтим, юзингни кўзим кўрди. <sup>2</sup>...Сен шуни билки, бу дунё ўта фоний бир дунёдир. Уни ҳақиқат ахлларига бир зиндон деса ҳам бўлади. (Бу сатрни «Ҳақиқат кўпинча зиндонга маҳкумдир» деб талқин қилинса ҳам хато бўлмасди). Худо (ҳақ) инсонни вужудга келтирган экан... ҳақиқий маҳбуб унинг ўзи бўлиб, унинг васлига етишиш учун йўл босиш зарур...»

Вале бу давлатедур асру олиё,  
Эрур мушкул анга етмак хæли.  
Бу йўл ичраки бeҳад дарду ғамдур,  
Узоқ тортар, вале икки қадамдур:  
...Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,  
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.  
Киши ўзлукни қўймай они топмас,  
Тенгиз кесмай дури яктони топмас. <sup>3</sup>  
Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,  
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий...  
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,  
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...

<sup>1</sup> Дарҳақиқат, қадим юнон маданияти таназулидан то Яқин ва Урта Шарқ янги маданий тафаккури авж ола бошлаган давргача тақрибан минг йиллик масофа мавжуддир.

<sup>2</sup> Шарқ файласуфлари Юнон тафаккур меросини ўзлаштира бошладилар, деб «таржима» қиламиз.

<sup>3</sup> Насрий баён давомида «ўзлукни қўймоқ» ибораси «киши ўзлигини йўқотиши», «ўзлигидан воз кечиш, уни йўқ қилиши» маъноларида талқин этилади. «Тенгиз кесмай... «ибораси ҳам шу талқинга мослаб» денгизни маҳв этмай туриб...» деб таржима қилинади, ваҳоланки, денгизни кечиб ўтиш мумкин, уни «маҳв этиш» (айниқса, бир киши учун) асло мумкин эмас. Навоий ундай маслаҳат ҳам бермоқчи эмас. «Ўзлукни қўймоқ» — «худбинликдан, ўз моддий манфаатларини ўйлашдан буткул кечмоқдирки, бусиз Олий ҳақиқатга етишиб бўлмайди.

Сенинг олингдадир ишқи мажозий,  
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози —  
Ҳам овозангни офоқ ичра солғай,  
Ҳам овозинг кўхан тоқ ичра солғай.

Маълум бўладики, Фарҳод тақдири «мажозий ишқ» билан боғлиқ экан, унинг ушбу ишқ ўти бутун оламни ёритиб, жаҳонда унинг «яхши оти» абадий машҳур бўлиб, сақланиб қолар экан.

Яна «ҳақиқат» ва «мажоз» нисбатига дуч келдик. «Хамса» муаллифи беш дostonида «мажозий ишқ»нинг мукаммал бадий тасвири ва талқинини яратиб беради. Аммо «ҳақиқий ишқ» талқинида ҳали расмий анъанани ёриб чиқиб кетишга журъат этмайди, бу бениҳоя оғир вазифани кейинга қўяди. «Хамса» фояларининг ушбу йўналишда талқинига берилиб кетсак сўз узалишини назарда тутиб, фақат мавзуга оид икки нуқтани шоирнинг ўз сўзлари орқали шарҳ этиш билан кифояланамиз.

Аввало, Навоийнинг ишқ ҳақидаги қарашлари ва уларнинг шеърятга алоқаси ҳақида.

«Хамса» давомида «ҳақиқий ишқ» ҳақидаги расмий анъана нуқтаи назари ва даҳо шоир бадий тасаввури орасидаги пинҳона зиддият, очиқ ифода этилмаган қарши қураш кучайиб боради. Фақат «Маҳбуб ул-қулуб»да донишманд адиб бу масалаларга баъзи аниқликлар киритишни ва ўз фикрини давр имкон берган даражада муайян баён этишни лозим топади. «Ишқ уч қисмга бўлинади, — деб ёзади у. — Биринчи қисм — оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланадими, олий мартабаси — шаръий никоҳдир... Куйроқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандалликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш — одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир».

«Иккинчи қисм — алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади...»<sup>1</sup>

«Учинчи қисм — сиддиқлар ишқидурким, ҳақнинг тажаллиёт жамолига мазохир воситасидин айру вола ва мағлубдорлар ва ул мушоҳада беҳудлуғида алардин шуур маслуб. (Учинчи қисм — сиддиқлар ишқидурким, олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита (кўришга (интилиш) беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона (бўлган). Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул фарқ этган ва улар фарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар».

«Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса — улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган...»<sup>2</sup> Ҳар уч қисм ишқ аҳлига Навоийнинг муносабати улар таърифида сўз танлаш ва қайси жаҳатларини ажратиб кўрсатишидан ҳам билиниб турипти. «Маҳбуб ул-қулуб» — ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантикий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали издор қилиши мумкин. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисм ошиқлар — «сиддиқлар», яъни асл тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эътиром туйғулари билан уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, «халқ ғамидин ғами» йўқлиги учун кескин танқидий ёндашув қоришиқ ифода этилгандир.

Агар мутафаккир шоирнинг «ишқ» тушунчаси моҳиятини таснифлаш мезонларига эътибор қилсак, уни Ибн Сино (980—1037) ва Ҳаззолий (1058—1111) асарларидаги ишқ таърифи ва таснифига нисбатан маълум даражада анъанага таяниш бўлса ҳам, аслида мутлақо янгича ёндашув эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ибн Сино «Ишқ ҳақида» рисоласида масалага дунёнинг моддий асослари ва моҳиятини тадқиқ қилувчи табиатшунос — файласуф сифатида ёндашгани учун «ҳайвоний» ва «илоҳий» ишқни аниқ ажратиб таърифлаб бергани ҳолда, Навоийда кейинча «мажозий» (ёки «хос») ишқ деб аталган моҳиятни алоҳида кўрсатайди.

Ўз рисоласининг бешинчи бобини «зариф ва мард кишиларнинг гўзал тимсолларга бўлган ишқи ҳақида» деб атаса-да, унинг мундарижасида юқоридаги икки ишқ турини ўзаро бириктирмочки бўлади, сабаби, у ҳануз табиатшунос ва мантиқшунос сифатида бир тарафдан психофизиологик, иккинчи тарафдан метафизик қарашларга таянар эди.

Абу Ҳамид ал-Ҳаззолий эса «Иҳёи улум-ад-дин» («Диний илмларнинг қайта тирилиши») асарининг махсус бобида «ишқ» моҳиятида беш поғона ажратади, аммо уларнинг барчасини охири-оқибат Олий яратувчи Оллоҳга нисбатан ишқ заруратида олиб бориб боғлайди.

Алишер Навоий ўз бадий ва илмий-ижтимоий тафаккурида салафларидан олдин кетган жойи шундаки, у «ишқ» тушунчасига биринчи навбатда ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қаради, шу асосда «мажозий ишқ»ни инсонлар аро ҳаётдаги муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради.<sup>3</sup> Инсон маънавиятини ушбу маҳак тошга уриб ўлчайди.

Бу «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ» кўпчилик одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги севги-муҳаббатдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошuftа тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилади. Сўқрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» энди мустақиллик касб этган ва ҳатто ўз ҳаёлий интилишлари йўлида «идрок этиш қобилиятидан бегона бўлган» («алардан шуур маслуб») тасаввуф аҳлининг соф илоҳий ишқига маълум даражада қарши қўйилган.

Шоир адабиётдаги «мажоз тарихи» билан «мажозий» («хос») ишқ орасида бевосита муноса-

<sup>1</sup> Мисоллар тушунишга осон бўлсин учун насрий баёндан олинди ва фақат зарур ўринда асл нусхага мурожаат қилинди — М. И.

<sup>2</sup> Ушбу учинчи ишқ таърифи ҳам оммавий нашрларда тушириб қолдирилади ва фақат араб ёзувида босилган йўғма нусхадагина мавжуд — М. И.

<sup>3</sup> Бу ҳақда ўз вақтида В. Зоҳидов ҳам фикр билдириб ўтган эди.

бат мавжудлигига ушбу асарда очиқ ишора қилади, «иккинчи қисм» ишқ таърифидан сўнг, бундай ишққа молик шахслар сифатида яна Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳожа Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, ва унинг туркий ва форсий тилли («ғуфторлари турк улусида ҳароротомез ва сорт хайлида офатангез») шоғирдларини (демакки, ўзини ҳам) эслаб ўтади. Адиб таъкид этадики, ушбу ижодкорлар «ҳаммасининг ижод қилиш ва шеърят устида бош қотиришдан мақсадлари ишқ изҳоридир». Навоий умуман шеър ишқ ҳақида бўлмаса бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин хирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур».

Охири жумла ниҳоятда гўзал ва маънолидир — шоир назарида инсон ҳаётининг мазмуни ва завқи у кўпинча «мажозий» сифати билан тилга олувчи «хос ишқ»дан ташқарида тасаввур қилиниши мумкин эмас.

Энди Суқрот башорати билан Фарҳод ўз келажак тақдирини кўрган Искандарнинг тилсимли кўзгуси орасида қандай боғланиш мавжуд деган саволга жавоб қидирсак.

Искандар кўзгуси ҳам «жоми Жамшид» сингари жаҳонни кўрсатувчи ойна, яъни «ойинаи жаҳоннамо»дир. Бу эса яна ўша «мажозий» ёки «хос» ишқнинг ўзи эканлигини Навоий кейинги дoston «Лайли ва Мажнун» хотимасида алоҳида таъкид этади:


Эй ишқ, ғариб кимиёсен,  
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.  
Ҳам зотинга дарж кимиёлиқ,  
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ...  
Ҳуршеди жаҳонкушой сенсен,  
Миръоти жаҳоннамой сенсен,  
Ким қилди сенга назарни равшан,  
Кўрди еру кўкдагин муайян.  
Чун боққали ихтиёр топти,  
Ҳар сорики боқти ёр топти.

Демак, «ойинаи жаҳоннамой» бу — ишқ экан, Суқрот таъкид этган «ишқи мажозий». Фарҳод бу сирли кўзгуда нималарни кўрди? Аввал унда қуюнли улкан дашт ва унинг поёнида «қаттиқ тоғ» кўринади. Тоғ «камаргоҳи»да ҳад-ҳудудсиз оламон ариқ қазмоқ билан банд. Уларнинг ичида қаҳрамонимиз ўз қиёфасини ҳам кўради. Ушбу ҳолатда Ширин ўз канизлари билан пайдо бўлади. Кўзгудаги ва ҳаётдаги Фарҳод маҳбуба жамолини кўриб ўздан кетадилар. «Ишқи мажозий» улар қалбини забт этган эди. Эндиликда «ишқи ҳақиқий» сари машаққатли йўл турарди. Фарҳод бу йўлда ўзлигида буткул кечишни, ўз бахтини фақатгина қалбидан жой олган ўзга инсон — Ширин бахтида, унинг мамлакатигади мушфиқ инсонлар бахтида кўришни ўрганади. Шу мақсад йўлида фидокорона меҳнатга, курашга киришади.

Аммо бу тилга олинган «ишқи ҳақиқий» энди Суқрот таъбиридан фарқ қилувчи Навоий талқини эди. Бу янгича талқиннинг моҳиятини англаб етмоқ учун биз биринчи навбатда «ҳақиқат асрорини мажоз суратида» кўргаза олган «Қушлар тили»нинг мағзини қақишимиз, уни сатрма-сатр Аттот асари билан қиёслаб тадқиқ этишимиз лозим. Адабиётда «мажоз тариқи»нинг ўзига хос тутган ўрни ва салмоғини ҳис қилиш учун эса XII—XV аср бадий тафаккурининг забардаст алломалари Низомий, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва бошқалар ижодини ўзларидан олдинги салафлари ва «ҳақиқат тариқи» устозлари ижоди билан муқоясада, юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларни инобатга олиб эринмай тадқиқ этмоқ лозим бўлади. <sup>1</sup> Шундагина бизнинг фикри ожизимизча, Навоий даҳоси бор бўйи билан ўз асл моҳиятини намоен этиши мумкин.

<sup>1</sup> Табиийки, бу кенг миқёсли вазифа қардош тожик, озарбойжон ва ўзбек халқ вакиллари билан яқин ҳамкорликни, улар эришган ютуқларни ижодий ўзлаштиришни тақозо этади.





Алоуддин МАНСУР таржимаси

## ИККИНЧИ ЖУЗЪ

142. Одамлардан ақлсизлари: «Улар мусулмонларни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртирди?» — дейдилар.

Айтинг: «Машрик ҳам, Мағриб ҳам Оллохникидир. У ўзи хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлга ҳидоят қилади».

*Изоҳ.* Мусулмонлар Мадинага келган дастлабки даврларда Қуддусга қараб намоз ўқир эдилар. Қуддус яҳудийларнинг қибласи бўлгани учун мусулмонлар ҳам ўша тарафга қараб ибодат қилаётганларидан улар жуда ғурурланиб юрардилар. Қачонки мусулмонларга Макка тарафга юзланиб сажда қилиш буюрилганда яҳудийлар юқоридаги сўзларни айтдилар.

143. Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик.

*Изоҳ.* Ривоятларга қараганда, Тангри таоло қиёмат кунда ҳар бир пайғамбарни ўз умматлари билан рўбарў қилиб, улардан: «Бу пайғамбарим

сизларга менинг амру фармонларимни тўла етказдимиз?»— деб сўраганида, улар: Йўқ», деб жавоб қилишар, Пайғамбар эса: «Етказганман», дер экан. Ундан гувоҳ сўралганида: «Муҳаммад алайҳи-с-салом ва у зотнинг умматлари гувоҳларимдир»,— дейди. Шунда Муҳаммад пайғамбарни умматлари билан ҳозир қилиниб: «Мана бу пайғамбар ўз вазифасини тўла адо этганми?»— деб сўралганида, улар: «Ҳа, ўтган барча пайғамбарлар ўз элчилик бурчларини тўла адо этганлар. Бизга бу ҳақда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-салом хабар келтирганлар»,— дейишади. Шунинг учун мазкур оятда мусулмонларга қарата: «Одамлар устида гувоҳ бўласиз»,— дейилади.

Сиз илгари қараган қиблани биз фақатгина ким пайғамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир иш. Магар Оллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Оллоҳ иймонларингизни (яъни, иймон билан ўқиган намозларингизни) зое қилувчи эмас. Албатта, Оллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир.

*Изоҳ.* Араблар учун Каъба Иброҳим пайғамбар замонларидан буён муқаддас саналар эди. Муҳаммад алайҳи-с-салом Мадинага ҳижрат қилишидан илгари мусулмонлар мана шу Каъбага юзланиб ибодат қилардилар. Мадинага кўчганидан кейин эса уларнинг иймонларини синаш учун бошқа тарафга — Куддусга қараб намоз ўқиш буюрилди. Ҳижратнинг ўн еттинчи ойида қайтадан Маккага юзланишга амр қилиниб қуйидаги оят нозил бўлди:

144. Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта биз Сизни ўзингиз рози бўлган қиблага буюрамиз. Юзингизни Масжид-ул-ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар юзларингизни унинг тарафига бурингиз! Китоб берилган зотлар албатта бунинг Парвардигорлари томонидан (қелган ҳақ ҳукм) эканини биладилар. Оллоҳ улар қилаётган амаллардан ғофил эмасдир. 145. Қасамки, агар Сиз китоб берилган кимсаларга бор мўъжизаларни келтирсангиз ҳам улар қиблангизга боқмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига боқувчи эмасиз. Улар (яхудий ва насронийлар)нинг бировлари бировларининг қибласига боқувчи эмас. Агар фаразан Сизга келган билим (ваҳий)дан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсангиз, у ҳолда шубҳасиз золимлардан бўлиб қоласиз. 146. Биз китоб берган кимсалар (яхудий ва насронийлар) Уни (Муҳаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. (Яъни ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар.) Ва албатта улардан бир гуруҳи билганлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар. 147. Бу ҳақиқат (яъни қибланинг ўзгариши) парвардигорингиз томонидандир. Бас, шубҳа қилувчилардан бўлманг! 148. Ҳар кимнинг ўз юзланганидан тарафи бор. Бас, яхши ишларга шошилингиз! Қаерда бўлманг, Оллоҳ сизларни (ҳисоб-китоб) учун келтиради. Албатта Оллоҳ ҳар нарсага қодирдир. 149. Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжид-ул-ҳаром томонга буринг! У шубҳасиз Парвардигорингиз (буюрган) ҳақ (қибла)дир. Ва Оллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир. 150. Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжид-ул-ҳаром томонга буринг! Ва қаерда бўлсангиз, (Эй мўминлар), юзларингизни ўша томонга бурингиз! Токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда ҳужжат бўлиб қолмасин. Лекин уларнинг ичиди зулм қилгувчилари ҳам борки, сизлар улардан кўркмангиз, мендан кўркингиз! Ва токи сизларга неъматимни комил қилиб беришим ва тўғри йўлга ҳидоят топишингиз учун шундай қилингиз.

*Изоҳ.* Яҳудийлар: «Нега Муҳаммад дини бошқа бўла туриб бизнинг қиблага — Куддусга қараб ибодат қилади?», мушрик араблар эса: «Муҳаммад Иброҳимнинг динидан, деб даъво қилади-ю, ўзи яҳудийларнинг қибласига қараб намоз ўқийди.» демасинлар учун мусулмонларга қаерда бўлсалар ҳам фақат Масжид-ул-ҳаром томонга юзланиб намоз ўқиш буюрилди.

151. Шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга бизнинг оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поқлайдиган, сизларга Китоб ва Ҳикматни (Куръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва билмаган нарсаларингизни билдирадиган бир пайғамбар юбордик. 152. Бас, мени эслангиз, мен ҳам сизларни эсламан, ва менга шуқр қилингиз ва мени инкор қилмангиз! 153. Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (мендан) мадад сўранглар! Албатта Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. 154. Ва Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шахидлар ҳақида: «Булар ўлиқлар», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сез-

майсизлар. 155—156. Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчиларимиз,» дейдиган собирларга хушхабар беринг (Эй Муҳаммад)! 157. Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшарлар ҳақ йўлни топгувчилардир. 158. Албатта Сафо ва Марва Оллоҳ (буюрган) маросимлардандир.

*Изоҳ. Сафо ва Марва Қаъба яқинидаги икки тоғ бўлиб, ислом келишидан илгари ҳам араблар Қаъбани тавоф қилганда уларнинг оралиғида етти марта бориб келиш (саъй қилиш) одатлари бор эди. Шунинг учун ислом келгандан кейин мусулмонлар ҳаж қилиш пайтларида у тоғлар оралиғида саъй қилишдан тutilганларида ушбу оят нозил бўлди.*

Бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир.

*Изоҳ: Ҳаж қилиш — ҳар йили Зулҳижжа ойининг 10, 11, 12-кунлари Қаъбани зиёрат қилиш. Умра қилиш — йилнинг хоҳлаган кунида Қаъбани зиёрат қилишдир.*

Ва ким ўз ихтиёри-ла яхшиликни ният қилса, бас, албатта Оллоҳ шукр қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчидир.

159. Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда (*Тавротда*) равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Оллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар. 160. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очик айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман. 161—162. Куфр йўлига кириб, кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар шубҳасиз Оллоҳнинг ва жамики фаришта ва одамларнинг лаънатига дучор бўлғайлар ва азоблари енгиллатилмаган, раҳмат назаридан баҳраманд бўлмаган ҳолларида абадий (жаҳаннамда) қолғайлар. 163. Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри йўқдир. 164. Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Оллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жондорни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги итоатгўй булутда — (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят — аломатлар бордир. 165. Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Оллоҳга тенг билиб, уларни Оллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Оллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир. Золим кимсалар азобга рўбарў бўладиган замонларида (киёмат кунида) бутун куч-қудрат Оллоҳники бўлишини ва Оллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди. 166. У кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар ва ҳаммалари азобни (кўзлари билан) кўрадилар. (У кунда) баҳонаю сабаблар узилади. 167. Эргашувчилар: «Қанийди яна бир марта (яшашнинг) иложи бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак», дейдилар. Шундай қилиб, Оллоҳ таоло уларнинг қилган амалларини ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар жаҳаннамдан чиқувчи бўлмайдилар. 168. Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз у сизларнинг очик душманингиздир. 169. У сизларни фақат ёмонлик ва бузуқликка ва Оллоҳга қарши билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради, холос. 170. Қачонки уларга (мушрикларга): «Оллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз,» дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар ҳам-а? 171. Куфр йўлидаги кимсаларни (ҳақ йўлга даъват қилувчи кишининг) мисоли худди фақат овоз ва чақирикни эшитадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир.

*Изоҳ: Яъни улар худди жониворлар каби чақирик ва овозларни эшитадилар-у, лекин ҳеч нарсани англамайдилар. Бинобарин, уларни ҳақ йўлга чорлашнинг ҳеч фойдаси йўқ.*

Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар.

172. Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз — покиза нарсалардан енглар ва агар Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар, у зотга шукр қилингиз! 173. У сизларга фақатгина ўлакса, конни, тўнғиз гўштини ва Оллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса гуноҳкор бўлмайди. Албатта Оллоҳ мағрифат қилгувчи, раҳмлидир.

*Изоҳ. Биров буткул иложсиз қолганда ҳаром қилинган нарсалардан бирон нарсани саломат қолиш учун керак миқдорда еса, гуноҳкор бўлмайди.*

174. Оллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)дан иборат бўлган нарсани (Муҳаммад алайҳис-саломнинг пайғамбарлигини) беркитадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирадидилар — уларга қиймат кунда Оллоҳ боқмайди — сўзламайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. 175. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағрифат ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а? 176. Уша (азоб) Оллоҳ бу Китоб (Таврот)ни ҳақ билан нозил қилгани сабабдир.

*Изоҳ. Оллоҳ таоло Тавротда Муҳаммад пайғамбар ҳақида ҳақ сўзларни нозил қилган эди. Улар мана шу ҳақиқатни яширганлари учун дўзах азобига дучор бўладилар.*

Албатта бу китоб хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар ҳеч қачон (ҳақ билан) келиша олмайдилар. 177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар. 178. (Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз авф қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан кутиш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир.

*Изоҳ. Яъни, қотилнинг ўлдирилмасдан товон тўлашига рози бўлган тараф қўполлик қилмай, қўрқитмай кутиши, қотил тарафи эса чўзмасдан, хиёнат қилмасдан товонни тўлаши лозимдир.*

Бу (ҳукм) парвардигорингиз томонидан энгиллик ва раҳм-шафқатдир. Бас, кимки шундан кейин ҳаддан ошса (масалан, товон тўлангандан кейин ҳам қотилни ўлдирса), унинг учун аламли азоб бордир. 179. Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар.

*Изоҳ. Яъни, ҳар қандай қотил қасос олинишини ўйлаб ўзини қотиллик қилишдан тияди. Демак, қотилдан қасос олиш ҳукми борлиги сабабли жуда кўп қотил ва мақтул (ўлдирилувчи) бўлиши мумкин кишиларнинг ҳаёти сақланиб қолади.*

180. Бировингизга ўлим келган пайтида (ўзингиздан кейин) мол-дунё қолдирилаётган бўлса, адолат — тўғрилик билан ота-онага, қариндош-уруғга васият қилиниши фарз этилди. Бундай васият қилиш Оллоҳдан кўрқувчилар устидаги бурчдир. 181. Ким уни (васиятни) эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг бўйнида. Албатта Оллоҳ эшитгучи, билгучидир.

182. Энди ким васият қилгучи томонидан бирон тойилиш ёки гуноҳ содир бўлишидан хавф қилиб (васият қилгучи билан меросхўрнинг) ораларини ислоҳ қилиб қўйса, гуноҳкор бўлмайди. Албатта Оллоҳ мағфират қилгувчи, раҳмлидир. 183—184. Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутати. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз

тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки хатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир. 185. (У санокли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратқучи) нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалган ёки сафардан қайтгач) тутати. Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу санокни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Оллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз. 186. Бандаларим Сиздан (Эй Муҳаммад) мен ҳақимда сўрасалар, мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларининг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва менга иймон келтирсинлар. 187. Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди.

*Изоҳ. Рўза тутиш фарз қилинган биринчи даврда мусулмонларга бутун Рамазон ойи мобайнида хотинлари билан яқинлашмаслик вожиб қилинган эди. Лекин айрим кишилар ўзларини тута олмай рўза кечаларида бу удумни бузар эдилар. Ушбу оят нозил бўлиши билан муаммо ҳал бўлди.*

Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар).

Оллоҳ сизлар ўзларингизга хиёнат қилаётганларингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни авф этди. Энди улар билан қовушингиз ва Оллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар! Масжидларда эътикофда бўлган чоғингизда (кечалари ҳам) улар (хотинларингиз) билан қўшилманг!

*Изоҳ. Эътикоф — маълум муддатни ният қилиб масжид ёки уйдан чиқмай рўза тутиб, ибодат қилиш.*

Булар (юкорида мазкур бўлган ҳукмлар) Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар ҳаром ишлардан сақланишлари учун Оллоҳ ўз оятларини мана шундай очиқ-равшан баён қилади. 188. Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз! (Яъни, бир-бирингизнинг ҳақкингизни еманг!) Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун молларингизни ҳокимларга узатманг! 189. Сиздан ойлар ҳақида сўрашади.

*Изоҳ. Яъни, «Ой дастлаб индек нозик ҳолда кўриниб, сўнгра катталаша боради. Ниҳоят тўлиб, доира шаклига киргач, яна қайтадан нозиклашиб, охири дастлабки ҳолига қайтади. Бунинг сабаби нимада?» — деб сўрашади.*

Айтинг: «у (ойлар) одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир.

*Изоҳ. Ойнинг ўзгариб — янгиланиб туришига қараб одамлар ўзларининг деҳқончилик, савдо ва бошқа дунёвий ишлари ҳамда ҳаж, рўза, закот каби диний ишларининг вақтларини аниқлайдилар.*

Уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, зеро Оллоҳдан кўрққан киши яхшилик қилгувчидир.

*Изоҳ. Мусулмонлар ҳаж сафаридан қайтганларида уйларига эшикдан кирмай, орқа томондан келиш одатлари бўлиб, бу уларга исломдан олдинги даврлардан мерос бўлиб қолганди. Ушбу оят бунинг бефойда одатлигини, ҳақиқий яхши амал Оллоҳдан кўрқиб эканини ифода қилади.*

Уйларга эшикларидан кирилингиз! Ва Оллоҳдан кўркингиз! Шояд нажот топсангиз. 190. Сизларга қарши урушувчилар билан Оллоҳ йўлида жанг қилинг ва тажовузкор бўлманг! Шубҳасиз, Оллоҳ тажовузкорларни севмайди.

*Изоҳ. Биринчидан, урушни сизлар аввал бошламанг. Иккинчидан, уруш қонун-қоидаларига риоя қилинг: қулоқ-бурунни кесиш, қуролсиз кишиларни, аёллар, гўдаклар ва қарияларни ўлдириш каби динсиз кимсаларнинг одатларини қилманг!*

191. Уларни (сизлар билан уруш олиб бораётганларни) топган жойингизда ўлдирилингиз ва сизларни чиқарган жой (яъни Макка)дан уларни чиқарингиз! Одамларни алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир. Ўзлари уруш бошлагунча улар билан Масжид-ул-ҳаром олдида урушмангиз! Бас, агар

ўзлари уруш бошласалар, у ҳолда уларни ўлдилингиз! Қофирларнинг жазоси шундай бўлади. 192. Энди агар тўхтасалар (куфрдан кечиб, исломга кирсалар), бас, албатта Оллоҳ кечиргувчи, раҳмлидир. 193. То фитна тугаб, бутун дин Оллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз! Энди агар тўхтасалар, у ҳолда сизлар ҳам тўхтангиз! Зеро, фақат золимларга қарши душманлик қилиш мумкин. 194. Уруш ҳаром қилинган ой уруш ҳаром қилинган ой муқоби- лида бўлади.

*Изоҳ. Уруш ҳаром қилинган ойда қофирлар сизларга қарши урушар эканлар, сизлар ҳам бу ойда уларга қарши урушишингиз мумкин. Аслида «шаҳри ҳаром» — уруш ҳаром қилинган ойда ҳеч қандай уруш-жанжал бўлмаслиги лозим. Аммо, модомики қарши тараф бу қондага риоя қилмас экан, демак, сизлар ҳам риоя қилишингиз шарт эмас, чунки:*

**Хурматлар** (бузилса, риоя қилинмаса) қасос (олинади). Бас, ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга тажовузлари муқобилида тажовуз қилинг! Ва Оллоҳдан кўркингиз! Билингларики, Оллоҳ ўзидан кўркувчилар билан биргадир. 195. Оллоҳ йўлидаги (кураш учун молларингизни) сарфланглари! Ва (бахиллик қилиш билан) ўзингизни ҳалокатга ташламанг! Яхшилик қилинг! Албатта Оллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади. 196. Ҳаж ва умрани Оллоҳ учун комил суратда адо қилинг! Агар (қасаллик ёки йўлтўсарлар сабабли) йўлингиз тўсилиб қолса, муяссар бўлган бирор ҳадя юборинг ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (сочларингизни) қирманг!

*Изоҳ. Ҳаж ёки умра ибодатини адо этишни ният қилган киши аввало ихром (махсус кийим) кийди. Шундан кейин то ҳаж маросимларини тўла адо қилгунча унинг учун соч-соқолга тиғ теккизиш, тирноқ олиш, жуфти билан яқинлашиш, бировга — ҳатто энг майда ҳашаротга ҳам озор бериш каби феъллар ҳаром бўлади. Ҳаж амалларини адо қилиб бўлгач, сочни қириш ёки қисқартириш билан ихромдан чиқилади. Энди бирор ҳожий қандайдир сабаб билан ҳаж амалларини охирига етказма олмаса бир туя, мол ёки қўйни ўз тарафидан Оллоҳ йўлида ҳадя қилиб жўнатиши лозим. Бу ҳадя жойига — Маккага етиб боргач, йўлда қолган ҳожий сочини қириши — яъни ихромдан чиқиши мумкин бўлади.*

Энди агар сизлардан (ҳожийлардан) кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса (шу узр билан ихромда турган ҳолида сочини қирдирса), у ҳолда (уч кун) рўза тутиш ёки (олти мискинга) садақа бериш ёхуд (бир қўй) сўйиш билан эваз тўласин! Қачонки (йўлтўсарлар ёки бошқа ҳар қандай монедан) хотиржам бўлсангиз, (ораларингиздан) ким ҳаж (йўлида) умрадан фойдаланган бўлса (яъни ҳаж мавсумида аввал умра амалларини бажариб, ихромдан чиқиб, сўнгра ҳажга ихром боғлаган бўлса), муяссар бўлган бирон ҳадяни юборсин! Ким (ҳадя қиладиган нарса) топа олмаса, уч кун ҳажда, қайтганидан кейин етти кун рўза тутсин! Бу тўла ўн кундир. Ушбу ҳукм аҳли — оиласи Масжид-ул-ҳаромда бўлмаган кишилар учундир. (У ернинг аҳолиси учун бундай ҳуқуқ ва бурчлар йўқ.) Оллоҳдан кўркингиз! Ва билингики, Оллоҳ — азоби қаттиқ зотдир. 197. Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардир. (Яъни Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойининг ўн куни.) Бас, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди. Қандай яхши амал қилсангиз, албатта Оллоҳ билади. Ва (зарур озуқа билан) таъминланиб олинг! Энг яхши озуқа (яъни ўзингиз билан бирга бўлиши лозим бўлган энг яхши нарса) Оллоҳдан кўркишдир. Мендан кўркингиз, эй аҳли донишлар! 198. (Ҳаж сафаридан тижорат қилиш билан) Парвардигорингиздан фазлу карам ишанингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир. Энди Арафотдан (Макка яқинидаги тоғ) тушганингиздан кейин Машъар-ул-ҳаромда Оллоҳни зикр қилинг! У зот сизларни — гарчи илгари адашганлардан бўлган эсангиз-да — ҳақ йўлга ҳидоят қилгани янглиғ сизлар ҳам у зотни эсланг — зикр қилинг!

*Изоҳ. Ҳожийлар Зулҳижжа ойининг тўққизинчи кунидан иккинчи ярмида Арафот тоғида тўпланиб, Парвардигорга дуо ва тавбалар қилиб турганларидан кейин тушиб Муздалифа тоғининг этағида Машъар-ул-ҳаром деган жойда тун бўйи дуо-такбир, тавба-тазаррулар билан Тангрига муножотлар қиладилар, ҳақ йўлга ҳидоят қилгани учун шукроналар айтадилар.*

199. Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглари ва Оллоҳдан (гуноҳла-

рингни) мағфират қилишини сўранглар! Албатта Оллоҳ мағфират қилғувчи, раҳмлидир. 200. Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Оллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да каттиқроқ эсланг! Зотан одамлар орасида шундай кимсалар борки, «Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин», дейди. Холбуки унинг учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. 201. Ва уларнинг орасида шундай зотлар ҳам борки, «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни жаҳаннам азобидан асра», дейдилар. 202. Ана ўша зотлар учун қилган ибодатлари (ҳаж, дуолари) шарофатидан насиба бор. Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилғувчи зотдир. 203. Санокли кунларда Оллоҳни зикр қилингиз!

*И з о ҳ. Зулҳижжа ойининг 11, 12, 13-кунлари назарда тутилади. Бу кунларда ҳожийлар Мино деган жойда туриб, Оллоҳни зикр қилиб дуою салавотлар айтадилар ва шайтонга лаънат тошини отадилар.*

Ким икки кунда шошилиб (зикрни тўхтатса) унга гуноҳ йўқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга-да гуноҳ йўқдир. (Мазкур ҳукмлар) такводор кишилар учундир. Оллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, сизлар шубҳасиз Унинг ҳузурда тўпланажаксиз. 204. Одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймониға» Оллоҳни гувоҳ келтиради. 205. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва насларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Оллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. 206. Қачон унга: «Оллоҳдан кўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!! 207. Одамлар орасида Оллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Оллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир. 208. Эй мўминлар, тўла ҳолдаги исломга қирингиз! (Яъни, исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз.) Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир. 209. Агар сизларга аниқ ҳужжатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингизки, албатта Оллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир.

210. Улар (ҳақ йўлни инкор этувчилар) боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Оллоҳ ва фаришталар келади-да, иш тамом бўлади. Ва барча ишлар Оллоҳга қайтарилажак. 211. Бани Исроилдан сўранг (Эй Муҳаммад), уларга қанчалаб очик мўъжизалар бердик экан! Ким Оллоҳнинг неъматини келганидан сўнг, уни ўзгартирар экан, бас, албатта Оллоҳ жазоси қаттиқ зотдир. 212. Куфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаётини дунё чиройли қилинди. Улар иймон эгаларининг устларидан куладилар. Холбуки, қиёмат кунинда такводор зотлар улардан баланддир. Оллоҳ ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради. 213. Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг (ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач), Оллоҳ (мўминларга) хушxabар элтгучи ва (динсизларни жаҳаннам азобидан) кўрқитувчи пайғамбарларини юборди. Ва уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин, деб ҲАҚ китобни (Таврот, Инжилни) нозил қилди. Энди очик оятлар келганидан кейин, фақат шу китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортишдилар. Сўнгра Оллоҳ ўз изни билан мўминларни улар (китоб берилган кимсалар) ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Оллоҳ истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қилади. 214. Ёки (Эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар — ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни йўладингизми? Уларга бало ва мусибатлар устма-уст келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Оллоҳнинг ёрдами келади?» дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: «Огоҳ бўлингизким, Оллоҳнинг ёрдами яқиндир.» 215. Сиздан (Эй Муҳаммад), нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: «Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи-мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Оллоҳ уни билгучидир». 216. Сизларга ёқмасида, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Оллоҳ билур, сизлар билмасиз. 217. Сиздан «шаҳр-и ҳаром» — уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Оллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга ишонмаслик ва Мас-

жид-ул ҳаромдан (яъни Маккадан) тўсиш ва ундан аҳлларини қувиб чиқариш Оллоҳ наздида улуғроқ гуноҳдир. Фитна (алдаш) ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир. Улар (кофирлар) қўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолида ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 218. Иймон келтирган, (ватанларидан) ҳижрат қилган, Оллоҳ йўлида курашган зотлар — ана ўшалар Оллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Оллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилгувчидир. 219—220. Сиздан арақ (ичкилик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттароқдир.»

*И з о ҳ.* Ислом келган даврда ичкилик ичиш, қимор ўйнаш каби иллатлар жамиятнинг ҳаётига сингиб кетган оддий ишлар эди. Шунинг учун Куръон буларни дафъатан ҳаром қилмади — зотан бундай иллатларни фақат юқорининг буйруғи билан йўқотиш имконсиздир — балки аввало бу ишлардан келадиган фойда-зарарларни кўрсатиш ва одамларнинг буларга бўлган муносабатларини ўзгартириш йўлини тутди. Яъни бу ҳаром нарсаларни мусулмонларнинг қўлларидан тортиб олишдан илгари кўнгилларидан тортиб олди. Шу боисдан кейинроқ келган «Ичкилик, қимор... шайтон амалидан бўлган ҳаром нарсалардир» деган оят нозил бўлиши билан мусулмонлар бу иллатлардан қутулдилар.

Ва Сиздан (Эй Мухаммад) нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. «Ўзингиздан ортганини», деб жавоб қилинг! Шундай қилиб, дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади. Сиздан етимларнинг (моллари) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз (зарари йўқ). Зеро, улар биродарларингиздир: Оллоҳ ким бузғунчи, ким ўнгловчи — ислоҳ қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатга солган бўлур эди. Албатта Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

*И з о ҳ.* Ислом дини етим-есирларни оталиққа олишни буюради. Бу оят уларнинг ота-оналаридан мерос бўлиб қолган молларига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақидадир. Мусулмонлар ўз оталиқларидаги етимлар молларини қандай сарф қилаётганларига кўз-қулоқ бўлиб туришларини Куръон «ислоҳ» деб атаб, шундай қилишга буюради ва уларнинг молларини ўз молларига қўшиб ишлатишларига ҳам рухсат беради. Фақат бу иш билан етимларнинг манфаатини кўзлаганларни ҳам, ўз фойдаларини ўйлаганларни ҳам, Оллоҳ, албатта билиши таъкидланади.

221. То иймонга келмагунларича мушрика аёлларга уйланмангиз! Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан — гарчи у сизга ёкса-да,— иймонли чўри яхшироқдир. То иймонга келмагунларича мушрик эрларни (қизларингизга) уйланмангиз! Шубҳасиз, озод мушрикдан — гарчи у сизга ёкса-да,— иймонли кул яхшироқдир. Улар (мушриklar) жаҳаннамга чақирадилар. Оллоҳ ўз изни-иродаси билан жаннатга даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади. 222. Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «у кўнгилисиз нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Оллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади.»

223. Хотинларингиз зироатгоҳингиздир.

*И з о ҳ.* Бу сўзлар қилин Куръон эр-хотиннинг яқинлашувидан биринчи муддао — фарзанд талаб қилиш эканига ишора қилмоқда.

Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган холатингизда яқинлашаверинг ва ўзингиз учун яхши амаллар тақдим қилинг! Оллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, сизлар Унга рўбарў бўлгучисиз. (Эй Мухаммад) иймонли кишиларга (жаннат) хушхабарини етказинг!

224. Яхшилик қилиш, тақводор бўлиш ва одамлар орасини ислоҳ қилиш (каби амаллардан тўсувчи бўлган) қасамларингиз учун Оллоҳни баҳона қилмангиз! Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир.

*И з о ҳ.* Баъзи кишиларга бирор яхши амални қилиш ҳақида гапирилса: «Бажону дил қилардим-у, шу ишни қилмаслик тўғрисида Оллоҳ номига қасам



ичган эдим-да» деб баҳона кўрсатишади. Юқоридаги ва қуйидаги оятлар шундай кишиларга жавобдир.

225. Оллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки дилларингиз билан қилган нарсангиз (қасамингиз) билан жазолайди. Оллоҳ мағфиратли, ҳалим зотдир. 226. Хотинларидан қасам билан юз ўгирган кишилар учун тўрт ой муҳлат бор. Агар (шу муддат ичида хотинларига) қайтсалар (жоиздир). Зеро, Оллоҳ шубҳасиз мағфиратли, раҳмлидир. 227. Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта Оллоҳ эшитгувчи, билгучидир.

*Изоҳ.* Хотинларига яқинлашмасликка қасам ичган кишилар тўрт ой ичида уларга яқинлашишлари мумкин. Бу ҳолда никоҳ боқий ҳисобланиб, қасамларини бузганлари учун муайян каффорат (эваз, жарима) тўлайдилар. Агар шу муддат ичида хотинларига яқинлашмасалар, муддат тугагач никоҳ ўз-ўзидан бузилиб, талоқ тушади.

228. Талоқ қилинган аёллар уч ҳайз муддатида ўзларини кузатадилар. Агар Оллоҳга ва Охират кунига ишонсалар, улар учун Оллоҳ бачадонларида яратган нарсани (ҳомилани ёки ҳайзни) яширишлари ҳалол бўлмайди. Агар куёвлари ислоҳни (оилани тиклашни) истасалар, шу муддат ичида уларни қайтариб (никоҳларига) олишга ҳақлидирлар. Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун бир даража имтиёз бор. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

*Изоҳ.* Ислом талоқ қилинган аёлга насл-насаблар аралашиб кетмаслиги учун уч ҳайз мобайнида ўзини кузатиб, бошқа турмуш қурмай туришни буюради. Шу муддат ўгач, ҳомила йўқлиги равшан бўлади ва у аёл эрга тегиши жоиздир. Агар ҳомиладор эканлиги маълум бўлса, бола тугилиб, нифос муддати ўтгандан кейин бошқа турмуш қуриши мумкин. Мана шу кутуш вақтини «идда» деб аталади. Шу идда асносида эр қилган ишидан пушаймон бўлиб, ярашишни истаса, бунга унинг ҳаққи бор. Энди эр-хотиннинг оилавий ҳаётдаги бурч ва ҳуқуқлари тенг бўлиб, фақат эрнинг имтиёзи унинг оила бошлиғи эканлигидадир.

229. (Эр хотинини қайта никоҳига олиши мумкин бўлган) талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилиқ билан сақлаш ёки чиройли суратда ажратиш (лозим). Ва сизлар учун уларга (хотинларингизга) берган нарсаларингиздан (уларнинг маҳрларидан) бирон нарсани қайтариб олишингиз дуруст бўлмайди. Фақат эр-хотин Оллоҳ буюрган (оилавий турмуш борасидаги) қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрксаларгина (дурустдир). Бас, агар уларнинг (эр-хотиннинг) Оллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қила олмасликларидан кўрксангизлар, у ҳолда хотин (эридан ажрашиш учун) эваз қилиб берган нарсада (яъни хотиннинг эваз беришида, эрнинг шу эвазни олишида) улар учун гуноҳ йўқдир. Бу Оллоҳнинг қонун-чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз! Ким Оллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир.

*Изоҳ.* Шарият ҳукмига кўра оила никоҳ қилиш билан тузилиб, агар эр-хотиндан биронтасининг вафот қилишидан бошқа қандайдир сабаб билан ажралишга тўғри келса, талоқ қилиш билан бузилади. Лекин Исломда талоқни — оилани бузишни Тангри суймаслиги таъкидланади. Ва бу талоқ қилиш ҳуқуқи эркакка берилган, чунки табиатан эркаклар аёлларга нисбатан оғир-босиқ, ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаб қиладиган ва оилани оғир-енгил кунларда сабр-тоқат билан бошқариб борадиган кишилардир. Бундан ташқари уч мартагача қайта ярашишга рўхсат берилган, чунки гоҳ аччиқ устида ўйланмасдан қилинган талоқдан кейин эр ҳам, хотин ҳам надомат қилиб қолишлари мумкинки, мазкур рўхсат шундай пушаймон ҳолатида ёрдамга келади. Лекин ажрашиш аниқ бўлган ҳолда ҳам Ислом «чиройли суратда ажрашиш»га, яъни эр-хотин бир-бирини беҳурмат қилмай, хусусан аёл кишини бошқалар назарида қора қилмай (унга кейин бошқа эр харидор бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик лозим) ва унга никоҳ сабабли берилган маҳр — ўзини эрига бағишлагани учун берилган эваздан бирон нарса олиб қолмай ажралишга буюради. Юқоридаги оятда шариятдаги яна бир ҳукм — агар хотин эри билан яшай олишига кўзи етмасдан ундан талоқ қилишни сўраса ва бу талоқ учун

*муайян миқдорда эваз тўлашини айтса, эр бу эвазни қабул қилиши жойиз экани ҳам баён қилинди.*

**230.** Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, у аёл то бошқа эр билан гурмуш қурмагунича аввалги эрига ҳалол бўлмайди. Сўнг (кейинги эр ҳам) талоқ қилса, бу ҳолда Оллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар, бир-бирларига қайтишларининг гуноҳи йўқдир. Булар Оллоҳнинг чегараларидирки, буларни билимли кишилар учун баён қилади.

**231.** Қачонки хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан қузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Ким шундай қилса, ўзига зулм қилибди.

*Изоҳ. Маълумки, талоқ қилинган аёл иддаси битиши билан бошқа эрга тегишга ҳаққи бор. Шунинг учун хотинларини талоқ қилган эркаклар уларнинг иддалари битмай туриб яна қайтадан никоҳларига олишлари мумкин.*

**Оллоҳнинг оятларини ҳазил деб билиманглар!** Оллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизларга ваъз-насиҳат этиб нозил қилган Китоб ва Ҳикматни ёдингизда тутингиз! Оллоҳдан кўрқингиз ва билингизким, албатта Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир.

**232.** Қачонки хотинларингизни талоқ қилсангиз ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, (Эй ота-оналар) уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг! Бу ҳукмлардан сизларнинг ораларингиздаги Оллоҳга ва Охират кунига ишонадиган зотлар ваъз-насиҳат оладилар. Бу ҳукм (яъни эр-хотинни ярашиб олишларидан тўсмаслик) сизлар учун энг тоза ва покловчи ҳукмдир. Оллоҳ билур, сизлар билмасиз.

**233.** Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. Бу ҳукм эмизишни бенуксон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин.

*Изоҳ. Шариат ҳукмига кўра она агар ўзи истамаса боласини эмизишга мажбур қилинмайди. Балки эр бирор эмизувчи энагага ҳақ тўлаб эмиздириши лозим бўлади. Юқоридаги боласи сабабли она зарар тортмасин, деган гапнинг маъноси — онани, ўзи хоҳламаса, эмизишга мажбур қилинмайди, деганидир. Энди бола сабабли ота зарар кўрмасин дегани — унга хотин томонидан тоқатдан ташқари талаблар қўйилмасин, деганидир.*

**Меросхўр — ворис зиммасида ҳам худди шундай бурч бор.**

*Изоҳ. Боланинг отаси ўлса, меросхўр бўлган шахс зиммасида вафот қилган отанинг зиммасида бўлган боланинг онасини едириб-кийдириш; болани эмизувчи энагага ҳақ тўлаш каби вазифалар қолади.*

Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан болани сутдан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (эмизувчи энагага) эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўла-тўқис тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Оллоҳдан кўрқингиз ва билингизки, албатта Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўргучидир.

**234.** Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда саклаб) турадилар. Энди қачон (идда) муддатлари битса улар ўз хусусларида яхшилик билан қилган ишларида сизлар (яъни ўлган эрининг уруғлари) учун гуноҳ йўқдир. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

**235.** У аёлларга (яъни, эрлари ўлиб, идда саклаб турган аёлларга) совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда (совчилик ҳақида) ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Оллоҳ сизлар у аёлларга (совчилик ҳақида) зикр қилишингизни билди. Лекин улар билан хуфёна ваъдалашмангиз! Фақат яхши гаплар гапиришингиз (жоиздир). То идда муддати битмагунча никоҳ боғлашга қасд қилманг! Ва билингизки, албатта Оллоҳ ичларингиздаги нарсани билади. Бас, Унинг (азобидан) эҳтиёт бўлинг! Ва билингизки, албатта Оллоҳ мағфиратли, ҳалимдир.

**236.** Агар хотинларингизни уларга қўл теккизмай туриб, ёки улар учун маҳр белгиламай туриб талоқ қилсангиз (ҳам) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва (бу ҳолда) уларни бой борича, йўқ ҳолича яхшилик қилиш билан фойдалантиринг! (Бу ҳукм) яхшилик қилгувчилар зиммасига бурч бўлди.

**237.** Агар уларни маҳрни белгилаб қўйган ҳолингизда қўл тегишдан илгари талоқ қилсангизлар, белгиланган маҳрнинг ярми зиммангизда-

дир. Магар улар (ярим маҳрни олишдан) кечиб юборса ёки никоҳ қўлида бўлган зот, яъни эр (ўзига қайтган ярим маҳрдан) кечса (яъни бутун маҳрни тўласа жоиздир). Кечиб юборишингиз таквога яқинроқ ишдир. Узаро бир-бирларингизга фазлу карам қилишни унутмангиз! Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўргучидир.

238. Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни (аср намозини) сақланглар — ўз вақтларида адо қилинглари! Ва Оллоҳ учун бўйинсунган ҳолда туринглар! 239. Энди агар (душман ҳужумидан) хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлик ҳолингизда (ибодат қилаверингиз)! Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Оллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда Оллоҳни зикр қилингиз! 240. Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар. Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир. Оллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир. 241. Талок қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириш такводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир. 242. Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади. 243. Ўлимдан қочиб, ўз диёрларидан чиққан мингларча кишининг ҳоли-хабарини билмадингизми? Бас, Оллоҳ уларга «Ўлинглар!» — деди. (Ва улар ўлдилар.) Сўнгра уларга ҳаёт ато қилди. Албатта Оллоҳ одамларга фазлу карам қилгучидир. Лекин жуда кўп одамлар шукр қилмайдилар. 244. Оллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 245. Оллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, биз унга бир неча баробар қилиб қайтарсак. Ҳолбуки (ризқингизни) кенг ва тор қиладиган Оллоҳдир. Ва унга қайтарилажаксиз. 246. Бани Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики, улар ўзларининг (Шамъун исмли) пайғамбарларига: «Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз (у билан бирга) Оллоҳ йўлида жанг қилайлик», дейишди. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмасиз?» — деди пайғамбар. Улар айтдилар: «Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан ажралиб турибмиз-ку, нега Оллоҳ йўлида урушмас эканмиз?» Қачонки уларга уруш фарз қилинганда озгина кишидан ташқари ҳаммалари бош тортдилар. Оллоҳ зулм қилгувчиларни билгучидир. 247. Пайғамбарлари уларга айтди: «Албатта Оллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади.» «У қаддан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳаққироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди. Пайғамбар айтди: «Албатта Оллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ва унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Оллоҳ мулкни Ўзи истаган кишига беради.» Оллоҳ фазлу карами кенг, билгучидир. 248. Пайғамбарлари уларга айтди: «Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати — сизларга бир сандиқ келтиришидирки, унда парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ва Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фаришталар кўтариб турадилар. Агар чиндан иймон эгалари бўлсангиз, шубҳасиз бу воқеада сизлар учун — оят — аломат бордир. 249. Қачонки Толут аскарлари билан (шаҳардан) чиққач, айтди: «Албатта Оллоҳ сизларни бир дарё билан имтиҳон қилади. Бас, ким ундан сув ичса менинг (аскарим)дан эмас ва ким ундан ичмаса, у мендандир. Магар ким қўли билан фақат бир ҳовуч олса (жоиздир)». Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдилар. У иймон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач, (аскарлар) айтдилар: «Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди.» (Шунда) Оллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», дедилар. 250. Қачонки Жолут ва унинг лашкарига кўринганларида айтдилар: «Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдиргил, қадамларимизни собит қил ва бизни бу динсиз қавм устига ғолиб қил!» 251. Бас, Оллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Оллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайғамбарлик ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди. Агар Оллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Оллоҳ барча оламлар устида фазлу карам соҳибидир. 252. Булар Оллоҳнинг оятларидир. Уларни

Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз (Эй Муҳаммад) шак-шубҳасиз пайғамбарлардансиз.


### УЧИНЧИ ЖУЗЪ

253. Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Оллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Оллоҳ) юксак даражаларга кўтарди. Исо бинни Марямга ҳужжатлар бердик ва уни Руху-л-қудс (Жаброил) билан қувватлангирдик. Агар Оллоҳ истаганда у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам. Агар Оллоҳ истаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Оллоҳ ўзи хоҳлаган ишини қилади. 254. Эй мўминлар, на олди-сотди, на ошна-оғайнигарчилик ва на оқлов бўлмайдиган КҲН келишидан илгари сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфок — эҳсон қилинглари! Динсиз бўлган кимсаларгина зулм қилгувчилардир. 255. Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларинигина биладилар. Унинг арши-курсиси осмонлар ва ердан кенгдир. Ва уни осмонлар ва ерни хифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир. 256. Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. 257. Оллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулматлардан ёруғлик — нурга чиқаради. Динсизларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар динсизларни ёруғлик — нурдан қоронғу — зулматларга чиқардилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар. 258. Оллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб Иброҳим билан парвардигори ҳақида талашган кимсанинг (Намруднинг) холи-хабарини билмадингизми? Қайсики Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Оллоҳ қуёшни Машрикдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Оллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди. 259. Ёки бир зот ҳақидаги масални (билмадингизми), у зот томлари йиқилиб ҳувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: «Оллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирар экан-а?» деди. Шунда Оллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муддат (ўлик холда) турдинг?» «Бир кун ё ярим кун» деди у. Оллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара — бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин. (Бу ҳодисани Оллоҳнинг қудратини кўрсатиш) ва сени одамлар учун оят — ибрат қилиш учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин. Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта Оллоҳ ҳамма нарсага қодир эканини биламан», деди. 260. Эсланг (Эй Муҳаммад), Иброҳим: «Парвардигор, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсат», деганида, Оллоҳ: «Ишонмайсанми?» — деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонаман-ку, лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун». Оллоҳ айтди: «Тўртта қушни олиб, ўзингга бургин (ва уларни бош, оёқ, қанот ва патларини тортиб узиб, сўнгра бир-бирларига аралаштиргин), кейин ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин ва шундан сўнг уларни чақиргин, дарҳол келадилар. Билгилки, Оллоҳ шубҳасиз қудратли ва ҳикматлидир». 261. Оллоҳ йўлида молларини инфок-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Оллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Оллоҳ фазлу қарами кенг, билгувчидир. 262. Молларини Оллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун парвардигорлари ҳузурида улуғ ажр бордир.

Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. 263. Яхши гап ва кечириш — кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ. Оллоҳ беҳожат ва ҳалимдир. 264. Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Оллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро унинг мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлик тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмғир теккан-да, қаттиқ — силлик тошлигича қолдирган. (Ундай риекор мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунинда) топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Оллоҳ динсизларни ҳидоят қилмайди. 265. Молларини Оллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотларнинг мисоли худди адирликдаги шаррос қуйган ёмғир теккач, ҳосилини икки баробар қилган боққа ўхшайди. Энди агар унга шаррос қуйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилади. Оллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир. 266. Сизлардан биронтангиз тағларидан дарёлар оқиб турувчи, хурмою узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боғи бўлиб, кексайиб нимжон болалари билан қолган пайтида ўша боғини ўтли бўрон уриб, ёниб битишини истайдими? Шундай қилиб, тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади. 267. Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопоқларини танламангиз! Ва билингизки, албатта Оллоҳ беҳожат ва ҳамду санага лойиқ зотдир. 268. Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Оллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу қарам (бойлик) ваъда қилади. Оллоҳ фазлу қарамни кенг ва билгувчидир. 269. У ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақи, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар. 270. Инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни шубҳасиз Оллоҳ билади. Ва (инфоқ-эҳсон қилмайдиган) золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. 271. Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффрат бўлади. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. 272. Уларни ҳидоят қилиш Сизнинг зиммангизда эмас (эй Мухаммад). Балки Оллоҳ ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Оллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўқис қайтарилади. 273. (Садақот-эҳсонлар) Оллоҳнинг йўлида тўсилган (яъни ўзларини ушлаган), бирор ерга сафар қилишга қодир бўлмайдиган, қаноатлари сабабли, билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган фақир-камбағаллар учундир. Уларнинг фақирликларини сиймоларидан билиб оласиз. Улар тиланиб туриб олмайдилар. Қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Оллоҳ уни билгувчидир. 274. Мол-дунёларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурини улуғ ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. 275. Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунинда қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган, ақлдан озган каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Оллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Оллоҳга (топширилади). (Яъни ўзи хоҳласа афв қилар.) Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар. 276. Оллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Оллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жиноятчини севмайди. 277. Албатта иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурини ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. 278. Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитлари-

ни тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиған фойда-ни олмангиз.) 279. Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Оллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. 280. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча қутинг! Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. 281. Ва (барчангиз) Оллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди. 282. Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларингизда бир қотиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир қотиб Оллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори бўлмиш Оллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса, ёки (қар, соқовлиги ё тил билмаслиги сабабли айтиб туриб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин! Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса бир эркак билан икки аёлни — бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади — гувоҳ қилинглари! Гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганда бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглари. Мана шу Оллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир). Лекин агар (ўртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангиз-да, сизлар учун гуноҳ йўқдир. Ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг! Ва на қотиб, на гувоҳга зарар етмасин. Агар шундай қилсангиз (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз), бу Оллоҳга итоатсизлигингиздир. Оллоҳдан қўрқингиз! Оллоҳ сизларга (ҳақ-хидоят йўлини) билдиради. Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир. 283. Агар сафарда бўлсангиз ва қотиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори — Оллоҳдан қўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳкордир. Оллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир. 284. Самовот ва ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Оллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди. Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. 285. Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Оллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз.» Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажамиз», дедилар. 286. Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнидадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу динсиз қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!

Давоми келгуси сонда



# Ёчимни Кутдѳтдѳн муаммолар

Икром Расулов

## ЗАНЖИР ҲАЛҚАЛАРИ

— Қушлар нега учадил Одамнинг нега қаноти йўқ? Шамол қаердан келади? Тоғлар қайдан пайдо бўлган?..

Фарзандингиздан ёки неварангиздан худди шундай саволларни эшитганмисиз? Эшитгансиз, албатта. Жавоб беравериб зериккан пайтларингизда, бўлди-е, бошимни қотириб юбординг, ҳам дегансиз.

Тасаввур қилинг: бола тили чиқиб 4—5 ёшга борганда, айниқса, олти ёшлигида сизни саволларга шунчалик кўмиб ташлайдики, ҳам қувонасиз, ҳам унинг маънавий эҳтиёжини қондира олмаганингиздан афсусланасиз. Чунки у билан «ади-бади» қилаверишга вақтингиз бўлавермайди-да!

— Уша даврнинг одатига кўра Алишерни 3—4 ёшида ўқишга бердилар, — деб ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида. Ёки бўлмаса Эргаш шоир 8 ёшида мактабга киргани, зеҳнли, қобилиятли, бақувват бола бўлгани маълум.

Хўш, болани қайси ёшдан ўқитиш керак? Юқоридагилардан қай бири бизнинг бугунги шароитларга мос келади?

Республикамиз мактабларининг айрим жойларида 1985—1986 ўқув йилидан синов тариқасида олти ёшлилар синфи ташкил қилина бошланди. Болани 6 ёшдан бошлаб ўқитиш ўзини оқлаптими? Худди мана шу масала атрофида фикр юритмоқчимиз.

Аввало шуни айтиш керакки, бола тарбияси масаласи кишиларнинг турмуш тарзи, социал-иқтисодий масалалар билан жуда-жуда боғлиқ.

Болиқбўйи республикаларида болани 6 ёшдан бошлаб ўқитишга аллақачоноқ киришишган. У ерларда шунга яраша шароит бор. Дейлик, боланинг озиқ-овқати, ота-оналарнинг тушунчаси, фарзанди тарбиясига эътибор масалалари.

Бизда-чи? Социал-иқтисодий масалалар ўткир муаммолардан бири бўлиб турибди. Айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳвол жуда оғир. Ўқувчиларимизнинг 60—70 фоизининг ота-онаси колхозчи. Улар 2 гектардан 6 гектаргача ер оладилар. Каттасидан кичигигача эрта тонгдан то кечгача далада. Ойликнинг, ейиш-ичишнинг эса мазаси йўқ. Сигири борларникида-ку аҳвол бир оз дуруст. Аммо сигири йўқникида эрталаб қуруқ чойу нон, тушлиқда бўлса далада пиширилган хўрда ёки макарон (у ҳам кўпинча гўштсиз бўлади). Аслида сигир боқиш учун ҳам шароит йўқ-да. Болалар ниҳоятда нимжон, қолаверса, улар орасида ҳар хил касалликлар кўп. Шу ўринда фикримизга бевосита тааллуқлиги учун боғдоқлик Ҳамид Жалилнинг «Муштум»да эълон қилинган қишлоқ ҳақидаги ҳажвий шеърини келтирмоқчиман.

Инграб нафас олса далалар,  
Қочиб кетган бўлса лолалар,  
Сариқ бўлиб ўлса болалар,  
Укам, буни қишлоқ деб билгин,  
Заҳар ютар тупроқ деб билгин!

Чумолидай тинмаса одам,  
Елкасидан босиб турса ғам,  
Ишлайверса яқшанбада ҳам,  
Укам, буни қишлоқ деб билгин,  
Ташвишлари мўлроқ деб билгин!..

Ипак билан чулғай деб юртни,  
Ўзи емай марварид тутни,  
Яхши боқса боладан қўртни,  
Укам, буни қишлоқ деб билгин,  
Одамлари гўлроқ деб билгин!

Кўнлар ўтса нурсиз, савдоли,  
Ёчилмаса минг бир саволи,  
Ўзига ўт қўйса аёли,  
Укам, буни қишлоқ деб билгин,  
Пешонаси шўрроқ деб билгин!

Булар — айнан рост гаплар эмасми?! Қишлоқ боласи колбаса, сариғ ёғ, қаймоқ, сут, тухумни онда-сондагина кўрса кўради, йўқса йўқ. Ахир, Совет ҳоқимияти ўрнатилганига 70 йилдан ошди. Ҳозир ХХI аср бўсағасидамиз.

Иттифоқимизда аҳоли жон бошига 64 килограммдан гўшт тўғри келгани ҳолда Ўзбекистонда 30 килограммнинг нари-берисида. Ўзбекистондаги гўшт истеъмолнинг 70—80 проценти шаҳарларга тўғри келиши ва бу рақамларда ҳам анча-мунча қўшиб ёзиш фактлари борлигини эътиборга олсак, қишлоқ жойларида аҳоли жон бошига йиллик гўшт истеъмол қилиш 10—12 килограммни ташкил қилади. Мана шу фактларнинг ўзиёқ республикада болаларнинг жисмоний камолоти-га эътибор ачинарлилигини кўрсатмайдими? Оч қоринга гап юқмас, дейди халқимиз.

Қаердадир кучугини ҳам гўшт, колбаса билан боққани ҳолда қишлоқ жойларида болаларнинг кўзини оч қилиб қўйилса инсофдан эмас-да! Аслида-ку шаҳарларда ҳам озиқ-овқат масаласи ҳам-маси рисоладагидек деб бўлмайди. Кооперативлар гўштга қирон келтиришяпти. Бу — масаланинг бир томони, иқтисодий жиҳатлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар.

Асосий тарбиячилар — ота-оналарнинг фарзанди тарбиясига бефарқлиги ҳам бугунги куннинг ўткир муаммоларидан. Аслида қорин тўк, устбош бекаму кўст бўлса, кейин бошқа масалаларга эътибор берилади-да. Тўғри, шаҳар жойларида ота-оналар фарзанди ўқишига бир мунча эътибор берадилар (ҳаммаси эмас, албатта), аммо қишлоқларда ота-оналарнинг аксарияти фарзандининг ўқишига мутлақо бефарқ қарайдилар, десам хато бўлмас. Бу гапларни мен реал кузатувларим асосида гапиряпман. (Аслида бу алоҳида мавзу, етарли фактларни келтириш мумкин). Мазкур масалада Ўзбекистонда яшаётган руслар биздан бир қадар олдинда эканлигининг гувоҳи бўлдим.

Фарғона шаҳрида 21 та ўрта мактаб бор. Бу мактабларнинг аксарияти рус тилида ўқитиладиган мактаблар бўлиб, маҳаллий миллат болалари ҳам рус тилида сабоқ оладилар.

— Ота-оналар фарзандининг ўқишига қандай муносабатда бўладилар? Умуман, — ота-оналар билан қандай алоқа ўрнатгансиз? — сўрайман 6 ёшлилар синфида иш бошлаган А. С. Пушкин номли 9-мактаб ўқитувчиси Валентина Семеновна Кладовадан.

— Мен 28 йиллик педагогик иш стажига эгаман. Ҳозирги 3-синфимни 6 ёшидан қабул қилиб олганман. Ҳар бир ота-она билан ҳафтада бир марта, узоқиб кетсак ойда камида икки бор учрашиб тураемиз. Кўпинча, ота-оналарнинг ўзлари мактабга келишади, мана, кўргазмалли қуролларимнинг бир қисмини ҳам ота-оналар тайёрлаб беришган, — дейди В. С. Кладова.

Болаларнинг билими ҳам чакки эмас. Езувлар бир хил: чиройли ва хатосиз. Ёзма ишлар принципаллик билан текширилган ва баҳоланган.

Республикада яшаётган рус ота-оналарнинг фарзанди билимига жиддий қарашларини Тошкент, Андижон, Наманган шаҳридаги бир қатор мактабларда ҳам кузатар эканман, ўзбек мактабларидаги ота-оналарнинг айниқса, қишлоқ жойларидаги ота-оналарнинг кўпчилиги фарзанди билими ва соғлигига бепарво қараши ташвишланидиган, бонг урадиган масалалардан бири эканлигини тасаввур қилдим. Ҳа, Эркин ака бизнинг дилимиздаги гапларни билиб ёзганлар:

**Фарзандларни биз не учун  
Келтирамиз дунёга.  
Ақлу қалбин, умру бахтин  
Тўлдирмасак зиёга.  
Тўғдирмоғу тўғмоқ биздан  
Қолган умри худого  
Яна бахтли болалиқдан  
Солурмиз аюҳаннос  
Наҳот бўлгай эртამиз ҳам:  
Эски ҳаммом, эски тос.**

Шу ўринда битта истак: телевидениеда ота-оналарнинг педагоглар билан ҳамкорликдаги чиқишларини уюштириб туришса айни муддао бўлур эди.

Тўғри, бугунги қайта қуриш жараёнида матбуот ҳам, радио ва телевидение ҳам маорифга катта ўрин бераётгани қувонарли ҳол. Лекин маорифдаги долзарб масалалар янада реал, ҳаётий қўйлиши жуда-жуда зарур.

Ўқитувчи — асосий сиймо, асосий фигура. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида ҳам, ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида ҳам жиддий гаплар айтилди. Ҳозир илғор тажриба адресларининг анчагина қисми маълум бўлиб борапти.

Наманган вилоятдан уйчилик Фариди Давлатова, Тождидин Раҳматуллаев, тўрақўрғонлик Валижон Зокиров, ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди делегатлари косонсойлик Каримжон Умаров, чушлик Охунжон Олимов, учқўрғонлик Абдураззоқ Шералиев, андижонлик Муборак Мирзаева, олтинқўллик Қобулжон Собиров, Ҳанифа Акбарова, ленинскилик Абдужалил Жўраев, Мавлуда Ниёзова, Фарғона вилоятдан қўқонлик Мухаббат Ҳайдарова, боғдолик Тошнўлат Исомиддинов, Охунбобоев ноҳиясидан Шарофат Тўхтаўжаева, қувалик Мухаббат Ҳайдаровалар (бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин) бошланғич таълимда, айниқса, олти ёшлилар билан иш-лашда яхши натижаларга эришяптилар. Аммо бундай малакали ўқитувчилар республикамиз мактабларида кўпчиликни ташкил қилмайди-да. Қолаверса, 6 ёшлилар билан ишлайдиган ўқитувчиларни тайёрлаш масаласи кўнгилдагидек эмас. Тўғри, жумҳурият малака ошириш институтида аҳвол бир мунча яхши. Аммо вилоят марказларида ташкил этилган курслар кўнгилдагидек эмаслиги, у ерларда лекция ўқийдиган малакали мутахассисларнинг етарли эмаслиги бу соҳадаги ишларнинг ибтидоси пухта ўйланиб ташкил этилмаганлигини кўрсатиб турибди. Ўқитувчиларнинг, хусусан, бошланғич синф ўқитувчиларининг кўпчилиги ўз устларида етарли ишламаслиги факти ҳам кишини ўйга толдиради. Фарғона шаҳридаги 25-мактабда 6 ёшлилар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар билан танишар эканмиз, ўқитувчилардан бирига «Ўқитувчилар газетаси» материалларини ўқиб борасизми?» дедим.

— Обуна бўлмаганман, — деди у.

— Нега?



— Чунки газетада яхши материаллар берилмайди.  
— Оғзингизга келган гапни гапириб юбораверасизми? — директорнинг бир оз жаҳли чиқиб койиган бўлди ўқитувчисини.

Бу сўхбат мени ўйга толдирди.

Тўғри, ўша аёлнинг гапида ҳам жон бордир. «Ўқитувчилар газетаси»даги ҳамма материалларни бир хилда яхши дейиш қийин. Аммо матбуотдан, илғор тажрибалардан узоқ бўлган педагог яхши натижага эришиши мумкинми? Қолаверса, ўша мактабда бошланғич таълимдаги натижа ҳам яхши эмас экан. Ўқувчиларни ўқитириб кўрганимда (олти ёшли биринчи синфларни) болаларнинг 40—50 фоизи ўрганилган текстларни тутила-тутула ўқидилар. Улар орасида ҳатто ҳарфни чала-чулпа танийдиганлари ҳам анчагина эканлиги маълум бўлди.

Аммо мактаб директори Дилора Ашурова очиққўнгилигина аёл экан.

— Директорлики эндигина бошлабсиз, қийналмаяпсизми? — сўрайман Д. Ашуровадан.

— Қийинчиликлар бор. 80 нафар ўқитувчимдан 6 нафаригина эркак ўқитувчилар. Аёллар узоқ муддатли отпускага тез-тез чиқиб туришади, дарс жадвалида бот-бот ўзгариш қилишга тўғри келади.

Бу ҳолни Мойдахон Насриддинова раҳбарлик қилаётган Андижон шаҳридаги М. Қосимов номили 31-мактабда ҳам кузатдик. Мактабда меҳнаткашларнинг 1314 нафар фарзандига 112 ўқитувчи таълим беради. Ўқитувчиларнинг 90 фоизи аёллар.

Умуман, Андижон, Фарғона шаҳарларида ўқитувчиларнинг аксарият қисми аёллар. Бу кўрсаткич жумҳуриятимизда йилдан-йилга кўтарилиб борапти. Бир пайтлар матбуотда, телевидениеда шу хусусда ташвишли гаплар айтилган эди. Аёлларнинг болалар тарбиясидаги ролини инкор этмаган ҳолда (шундай аёл ўқитувчилар борки, улар айрим эркак ўқитувчилардан минг чандон яхши ишлайдилар) шуни айтмоқчиманки, барибир тарбияда эркакнинг роли ва ўрни ниҳоятда салмоқли ва муҳимлигини инкор қилолмаймиз. Аммо негадир жумҳурият Маориф министрлигининг собиқ раҳбарлари бу масалани эътиборсиз қолдириб келдилар. Жумҳурият Халқ таълимоти комитети бунга эътиборни қаратса, педагогика институтларига кўрсатмалар берилса яхши бўларди.

— Олти ёшлиларни ўқитиш учун, — дейди наманганлик таниқли маорифчи, ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди делегати Абдураззоқ Шералиев, — аввало ўқитувчининг профессионал тайёргарлиги бўлиши керак. Олти ёшлиларнинг психологиясини яхши билмаган ва буни эътиборга олмаган ўқитувчи яхши натижага эриша олмайди, аксинча болани мактабдан бездириб, саводсиз қилиб қўяди. Андижон, Фарғона, Наманган вилояти мактабларида олти ёшлиларнинг ўқитилишини кузатар эканман, ўқитувчиларнинг аксарияти олти ёшлилар билан ишлашга тайёр эмасликларининг, Абдураззоқ гапида жон борлигининг гувоҳи бўлдим.

— Олти ёшлилар билан ишлашга қийналяпмиз. Болалар инжиқ, сал нарсага йиғлаб юборишади, 6—7 минутдаёқ зерикиб қолишади, ухлатиш қийин бўляпти, — дейди Андижон шаҳридаги 10-мактаб муаллимаси Мамлакат Қурбонова.

— Сизга бир «секрет» нарсани айтсам, — дейди Наманган шаҳридаги 20-мактаб ўқитувчиси Ойпўлат Алиева, — айрим ўқитувчиларимиз гоҳида музика, тасвирий санъат, жисмоний тарбия дарсларининг ўрнида ҳамда группа машғулотларида улгурмовчиларнинг ўзини алоҳида ажратиб қолиб савод ўргатиш билан шуғулланишади.

Афсуски, бундай гапларни фақатгина Мамлакат ва Ойпўлатдангина эмас, водийдаги айрим бошқа ўқитувчилардан ҳам эшитдик.

Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкин: ўқитувчи олти ёшлилар билан ишлашга қийналар экан, демак, унинг профессионал тайёргарлиги етарли эмас. Олти ёшли билан ишлашга ўзиде қониқиш ҳосил қилмаган ўқитувчи қандай қилиб яхши натижага эришиши мумкин. Яна бир ҳолат менинг диққатимни тортди. Етти ёшлилар билан олти ёшли биринчи синфлар орасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўрдим. Биринчидан, етти ёшлилар синфида болалар тетик, қувноқ ва саводхонлик ҳам олти ёшлиларга қараганда анча яхши. Айниқса ёзувида катта фарқ сезилади. Тўғри, олти ёшлилар билан етти ёшлиларнинг ўқув программасида фарқ бор. Олти ёшлилар кейинроқ етти ёшлиларга етиб олишади, дейишди айрим педагоглар. Майли, шундай бўлсин ҳам дейлик. Аммо олти ёшлилар билан иш олий бораётган андижонлик Мамажон Абдурасулов, уйчилик Тожиддин Раҳматуллаев, Фарида Давлатова, косонлик Каримжон Умаровларда бошқача манзарани кузятяпман. Болаларнинг саводхонлиги ва интилиш даражаси бўйича етти ёшлилардан устунлик томони бўлса борки, кам эмас.

Қолаверса: музика, жисмоний тарбия, тасвирий санъат дарслари, группа машғулотлари ўрнида савод ўргатиш жиддий хато эмасми? Боланинг эстетик тарбияси, жисмоний камолоти нима бўлади? Мен Ойпўлатнинг «секрет» гапини журналхонларга айтиб, уни хижолат қилиш ниятим йўқ эди. Аслида Ойпўлатнинг гапи бир туртки, кўпларни ана шу зарарли практикадан қайтариш, холос.

Бошланғич синфда болалар фақат ўқиш, ёзиш ва ҳисобни билса бўлди, дейиш менимча, унчалик нотўғри эмас. Ҳозир маорифда бошланғич синфларда она тили ва математикадан ёзма иш олиб ўқитувчи фаолиятига баҳо берилляпти. Бу — яхши, аммо масаланинг бошқа томони бор. Боланинг граждонлик туйғуси, шахс камолоти, мустақиллиги, фикрининг теранлиги ёшлигидан етарли ривожлантирилмаса таълим-тарбияда кўпол янглишган бўламиз. Биз болаларимизни фақат олий ўқув юртига кира оладиган ўқимшли кишилар қилибгина эмас, чинакам граждонини ҳам етиштиришимиз лозим. Илгарилари болани гармоник ривожлантирайлик, деган гаплар кўп гапирилардию, амалда ҳамма нарсдан қоғозбозлик устун турарди. Бугунги кунда-чи? Тўғри, бир оз яхши натижалар бор, аммо қоғозбозлик ҳали ҳам устунлик қилляпти, жонли одам қоғоз панасида қолиб кетмоқда.

Бошланғич синф — таълим пойдевори. Буни ҳозир ҳамма яхши билади. Яна шуни кузятяпмизки, бошланғич таълим қаерда намунали йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда мактабнинг умумий кўрсаткичи ҳар томонлама яхши бўлмоқда. Буни биргина мисол билан кўрсатиб ўтмоқчиман. Косонсой ноҳиясидаги Ҳамид Олимжон номили 28-мактаб Наманган вилоятидаги энг пешқадам илм даргоҳларидан бири ҳисобланади. Мактабга СССР халқ маорифи аълочиси Абдуллажон Исоков раҳбарлик қилади. Мактабда меҳнаткашларнинг 1200 нафар фарзандига 87 ўқитувчи таъ-

лим-тарбия бермоқда. Унча катта бўлмаган Тергачи қишлоғидаги олий маълумотлиларнинг 598 нафари ана шу мактабнинг собиқ битирувчилари, Айни кунларда мактаб битирувчиларидан жумҳуриятимиз олий ўқув юртурларида 207 талаба (шўлардан 39 нафари педагогика институтларида), техникумларда эса 269 нафар йигит ва қиз таълим олмақда...

Мактабнинг доврўғида бошланғич таълим усталари УзССР халқ маорифи аълочиси Аҳмаджон Жабборов, ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди делегати, УзССР халқ маорифи аълочиси Каримжон Умаров, катта ўқитувчи Саломхон Убайдуллаева, Ноила Маҳкамоваларнинг алоҳида хизматини айтиб ўтиш мумкин. Аслида халқ таълимига меҳнати синган мактабнинг 19 нафар унвонли ўқитувчиси ва кўплаб фидойи муаллимлари борки, тергачиликлар бундай устозлар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Умуман, бошланғич синф ўқитувчилари ниҳоятда танлаб олинishi керак. Аслида-ку жумҳуриятимиздаги ўқитувчиларнинг талай қисми ўз касбига лойиқ эмас. Ўқитувчиларни чуқур аттестациядан ўтказиш керак. Бироқ бунинг иложи йўқ-да. Шундоқ ҳам ўқитувчилар етишмаяпти. Ўқитувчи кадрлар муаммосини қандай ҳал қилиш керак? Менимча, биринчи навбатда бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлаш масаласига эътиборни кучайтириш зарур. Буни мактабданоқ бошлаш керак. Учқўрғон ноҳияси Наманган вилоятида маориф соҳасидаги машъаллардан ҳисобланади. Бу ерда ташаббускор ўқитувчилар анчагина топилади. Ана шундайлардан бири 43-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Абдурахмон Назаровдир. Мактабда А. Назаров ташаббуси билан бир қанча ибратли ишларни амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдим. Шўлардан бири — бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш иши.

— Ўқитувчилик касбига қизиққан иқтидорли болалар билан алоҳида иш олиб бораёلمиз, уларни синфларда дарс ўтишга тайёрлаямиз. Болалар кўшимча адабиётларни мустақил мутолаа қиляптилар, дарсларга кўргазмали қурол тайёрлаяптилар. Маълум тайёрларликдан ўтган бу болалар ўз-ўзини бошқариш дарсини жуда яхши — худди педагоглардай ташкил қиляптилар, — дейди Абдурахмон ака Назаров.

Менимча, бу — жуда яхши методика. Ахир, жумҳуриятимиз иқтидорли муаллимларга жуда-жуда муҳтож. Аслида педагогика институтлари муаллимлари мактабларга чиқиб бўлажак педагогларни тайёрлаш масаласига амалий ёрдам кўрсатсалар, таригбот-ташвиқот ишларини олиб борсалар жуда маъқул бўлар, бўлажак педагогларни иқтидорли болалар ҳисобига тўлдириб олиш, қизиқтириб олиш имкониятига эга бўладилар. Абдурахмон Назаров ташаббуси республикамиз миқёсида қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришга лойиқ ташаббусдир.

Мамажон Абдурашулов, Абдураззоқ Шералиев, Собиржон Турғунов, Муборак Мирзаева, Фарида Давлатова, Каримжон Умаров (водийда ўзим кузатган бошланғич синф ўқитувчиларини айтяпман. Бундай ўқитувчилар республикамизнинг бошқа жойларида ҳам бор) сингари ўз касбининг шайдоси бўлган, юрса ҳам, турса ҳам болани, мактабни ўйлайдиган бундай ўқитувчиларни ҳар қанча рағбатлантирса аризийди.

Ўқитувчиларни чуқур аттестациядан ўтказиб, категорияларга ажратиш, ана шунга қараб белгилаш пайти етиб келди. Шундай деяпмизу, ўқитувчини қайси группа аттестациядан ўтказиши? Ҳакамлик кимларга ишониб топширилади? Жонли одам қоғоз панасида қолиб, мўмин-қобил, «чизган чизикдан чиқмайдиган»лар яна силлиққина илғорлардан саналиб қолмайдими? Маорифдаги «усти ялтироқ, ичи қалтироқ»лар муҳитни белгилувчи асосий, ҳал қилувчи кучга айланиб, адолат топталмайдими?

Жумҳурият халқ таълими министрлиги масаланинг мана шу жиҳатларига эътиборини жалб қилмоғи лозим.

Наманган вилоятида 1988—1989 ўқув йилида 15850 нафар 6 ёшли болани мактабга тортиш планлаштирилган эди, шундан 15219 бола мактабга тортилган. Андижон вилоятида 13341 ўрнига 10505 бола, Фарғона вилоятида 23000 ўрнига 23015 нафар 6 ёшли болани биринчи синфга тортишибди.

Рақамлардан кўряпмизки, ким ўзарга Фарғона рекорд кўйибди. Наманган вилояти халқ таълими бўлими бошлиғи Нозимжон Қозоқов мактабларнинг 82 фоизида машғулотлар тўла икки сменада олиб борилаётганлигини таъкидлади.

Олти ёшлилар учун учта хона керак — ухлайдиган, ўйнайдиган, машғулот ўтайдиган. Фарғона вилоятида эса бинолар етишмагани ҳолда олти ёшлилар синфи икки мингдан ортиқ хонани банд қиляпти.

Мана бу қийинчиликни кўринг! Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, деб шуни айтсалар керак-да.

Маориф министрлигидаги шону шуҳратга ўч, кўшиб ёзишни ёқтирадиган улуғларимиз қачонлардир шошма-шошарлик билан шароитларни ҳисобга олмай ишларни планлаштирган. Мана энди ўшаларнинг самарасини кўраётимиз. Болаларимиз аслида саводи ночор эди, энди эса хато тadbирлар туфайли яна ортага кетиш хавфи рўй берапти!

Собиқ ўқувчиларимиздан Уйчи ноҳия марказий шифохонаси қулоқ касалликлари бўлими (ЛОР) даволувчиси Даминжон Нишонов шундай ҳикоя қилади:

— Болаларни медицина кўригидан ўтказиш комиссияси аъзоси сифатида бир неча йилдан бери иштирок этиб келаман. Болалар орасида касаллик кўп. Езда Фурқат номли 28-мактабда 6 ёшлилар синфига қабул қилинадиган 30 нафар болани кўришдан ўтказдик. 25 нафар болада касаллик борлигини аниқладик ва медицина хулосасига бу болаларнинг 6 ёшлилар синфида ўқиши мумкин эмаслигини белгиладик. Аммо бугунги кунда ўша болаларнинг ҳаммаси — 30 нафари 6 ёшлилар синфида ўқияпти.

Эътибор беринг: 25 нафар бола соғлом бўлмагани ҳолда бир хонада ўқишяпти! Бу — Уйчи ноҳиясидагина эмас, жумҳуриятимиз миқёсида ҳам ягона факт эмас.

Бу билан 28-мактаб маъмуриятини айблаб бўлмайди. Ахир, олти ёшлилар синфини очиш керак. План бор! Қани, планни бажармай кўринг-чи!

Олти ёшлилар синфи учун болалар танлаб олиняпти. Энди қолган болаларни қайси ўқитувчи 1-синфга қабул қилиб олишни жон-жон деб хоҳлайди. Ота-оналар ўртасидаги норозиликлар-чи? — 150 нафар боланинг орасида 60 нафар болани танлаб иккита олти ёшлилар синфини

очдик, — дейди Уйчи районидаги 5-мактаб директори Умаржон Ёқубхўжаев. Хўш, танлаб олиш қачонгача давом этиши мумкин?

Олти ёшлик синф болалари учун ҳамма нарсани мухайё қилишга ҳаракат қилинади. Ухлайдиган, ўйнайдиган, машғулот ўтадиган хоналар, ўйинчоқлар, мебеллар ва ҳоказо-ҳоказолар. Бола етти ёшга ўтгандан сўнг эса ана шу қўлайликларнинг барчасидан маҳрум. Гўё у асосий босқични ўтаб бўлди, катталар қаторига ўтди!

Наманган областида 69 боғчада 6 ёшлилар синфи очилган. Бу — яхши. Болаларнинг озиқ-овқати бир мунча яхши бўлади, қолаверса, боғчадаги шароит билан мактабдаги шароит ўртасида катта фарқ бор, ҳар қалай, боғчада болалар ўзларини анча эркин ҳис қиладилар.

— Группалардаги овқат ҳар бир болага кунига 8 тийиндан тўғри келяпти, — дейди Уйчи районидаги 22-мактаб ўқитувчиси Турсунхон Умарова. Бола 8 тийинлик овқат билан мактабда саккиз соат юрса...

Бошланғич синфлардаги группа ишлари ҳам кўп жойларда яхши йўлга қўйилмаган. Очиғини айтганда, группа иши ўқитувчини иш — ойлик билан таъминлайдиган маъмуриятнинг «ёрдам фондига» айланган десам, хато бўлмас. Чунки шароит борми-йўқми, мактаб маъмурияти талаб қилса бўлди — группа штати очиб берилади.

Мактаб директорлари билан гаплашсангиз улар жанжалли мажлисларнинг кўпи группа машғулотларининг савияси пастлиги, тарбиячиларининг меҳнат интизомига риоя қилмасликлари, группа тарбияланувчилари курсатилган ассортиментдаги озиқ-овқат билан таъминланмаслиги, машғулотлари ташкил қилиш учун жой ва шароит етарли бўлмаслиги тўғрисида бўлишини айтадилар.

Кўни заъитирилган группа ишидаги қатор камчиликлар болани мактабдан бездириб қўйяпти. Кўп ҳолларда болаларни зўрлов билан группа машғулотиغا жалб этиляпти. Аслида бу — тоқат қилиб эшитадиган гаплар эмас!...

Наманган область ўқитувчилар малакасини ошириш институти бошланғич таълим кабинети мудирини, ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди делегати Сотиболди Худойназаров областдаги бир қатор илғор тажриба адресларини айтиб берди. Гап орасида у уйчилик Рудакий номли 35-мактаб ўқитувчиси Фарида Давлатова ўз синфида яхши натижаларга эришаётгани, иш тажрибаси телевидениеда ҳам намойиш қилинганлигини гапирди.

— Кўп жойларда олти ёшлилар синфига тортилган болалар танлаб олиняпти экан, сиз ҳам болаларни танлаб олган бўлсангиз керак, — сўрадим Фаридадан.

— 35 бола рўйхатга олинган эди, — деди у, — беш нафар боланинг соғлиғи яхши бўлмаганлиги сабабли қайтардик. Бир ўқувчим ўша даврда сариқ бўлиб ўқишдан қолиб кетди. Ҳозир синфимда 29 ўқувчи бор. Ҳаммасини соғлом деб бўлмайди. Бирининг кўзи яхши кўрмайди, иккинчисининг қўлоғи эшитмайди, учинчисини нутқи чатоқ (дудуқланади), тўртинчи-бешинчиси эса кетма-кет сариқ бўлган, олтинчисининг сурункали ангинаси бор...

Ўқувчиларини медицина куригидан ўтказиб беринглар, деб бир неча бор район марказий шифохонасига катнадим. Ана-мана, деб келишмади. Ниҳоят, шифохона бош врачини Боймирза Холматовга учрадим. Беш-олти врач келишиди, болаларингиз ҳаммаси соғлом, ўқишга ярайверади, дейишди.

Носоғлом ўқувчиларингизнинг ўзлаштириши қандай бўлди?

— Аввалига бу болалар қийналишди. Ҳозир эса «4», «5» га ўқийдиганлар қаторига ўтиб олишган.

— Олти ёшлилар программаси сизга ёқадими?

— Жуда ҳам. Содда тузилган. Болаларим тез ўзлаштириб оляпти, темаларни ҳатто менсимай ҳам қолишяпти (янги-янги нарса ўргатинг, дейишади деган маънода тушундим).

— Наманганлик Собиржон Турғунов, учқўрғонлик Абдураззоқ Шералиев, андижонлик Мурборак Мирзаева, Мамажон Абдурашуловлар программадан ўзиб ишлар эканлар, балки сиз ҳам шундай қилсангиз яхшироқ бўлар?

— Қайдам, — дейди Фарида, — маорифдан гап тегиб қолмасмикан?

— Асло! Сиз боланинг эҳтиёжини сусайтириб қўймаслигингиз, қобилияти кўтарса онгу шуурини бойитиш учун ҳар нарса қилишингиз, ҳатто программани ўзгартиришингиз мумкин.

Фариданинг синфида (3—«А» синф) 18 бола «5»га, 8 бола «4»га—«5»га, фақат уч бола «3» га ўқир экан. Менга, айниқса, Ф. Давлатованинг ўқувчилар билимини баҳолаш принципи маъқул келди.

Муҳаббат Маллабоева: 47 сўздан иборат бўлган «Қизилқумда» тексти бўйича ёзган ишида бирор донга ҳам хатога йўл қўймаган. Хат бир оз хунуқроқ бўлгани учун «3» қўйилган. Еки 52 сўздан иборат бўлган «Капалаклар» текстида уч ўринда техник хатога йўл қўйилган, яъни ҳарфлар салгина бўялиб қолган, аммо жуда чиройли ёзилган. Бунга «4» баҳо қўйилган.

Шоҳиста Нурматова: 58 сўздан иборат бўлган «Ўт юрак разведкачи» текстида фақат бир йўлда дафтар ҳошиясидаги қизил чизиқни босиб ўтган, аммо хат жуда чиройли ёзилган ва ҳеч қандай имло хато қилмаган. Бунга «4» қўйилган.

Бундан ҳам кучлироқ принципни Наманган шаҳридаги 18-мактаб ўқитувчиси, ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди делегати Собиржон Турғуновда учратган эдим. Афсуски, ўқувчилар билими ҳамма жойда ҳам принципиаллик ва адолат билан баҳоланмайди. Кўп жойларда шунини кузатяпмизки, ўқувчига 8—10 та имло хато қилгани ҳолда унга кўз юмиб «4», «5» баҳо қўйилляпти.

Масаланинг мана шу жиҳатини олсак Ф. Давлатованинг принципиаллиги мактабга сазовордир. Ўқувчиларнинг айланма, ёзма иш маҳсус (ўқитувчи ўз ҳолича чиройли ёзув дафтар ташкил қилибди) дафтарларини кўриб кўйдим: ёзувлар бир хилда чиройли ва хатосиз. 28 ўқувчи текстини (исталган жойдан ўқитиб кўрдим) тез, равон, хатосиз ўқиди. Фақат бир ўқувчигина тўхталиб-тўхталиб ўқиди (юқорида айтилганидек бу ўқувчининг нутқи чатоқ экан).

Ўқувчилар билан бир соатдан кўпроқ суҳбатлашиб кўрдим. Улар 100 дан ортиқ эртақларни билишларини гувоҳи бўлдим. Ўқувчилардаги зийраклик, топқирлик, активликни кўриб завқландим. Қани энди ҳамма ҳам болаларни шу хилда тарбиялай олсал!

— Мен дастлаб яхши ўқитувчилар даврасига тушиб қолган эканман. Анча йил Наманган шаҳридаги 28-мактабда ишладим. У ерда Фарида Шокирова, Маҳбуба Мамажонова, Тожихон Жўраева сингари ўқитувчилар бўларди. Мен ўшаларга жуда-жуда ҳавас қилардим. Бу ерга келгандан кейин муҳит катта роль ўйнашлигини ҳис қилдим, — дейди Ф. Давлатова.

Фариданинг гапига тўлиқ қўшилиш керак. Унинг гапи «катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам шу издан юради,» деган халқ мақолини эслатади. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам дастлабки иш фаолиятларида шароит тақозоси билан 3—4 мактабда ишлаб кўрган, муҳитнинг таъсирини ўз бошида синаган...

Баъзи ёшлар институтни битириб катта ниятлар билан мактаб оstonасига қадам қўяди, ammo муҳит уни ўз оқимига юргизади, натижада ношуд-нотавон ўқитувчилар сафи яна бир нафарга ортади.

Андижон вилоят халқ таълими бўлимидагилар Муборак Мирзаева номини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. У ўз синфида яхши кўрсаткичларга эришган ва Андижон шаҳри маорифида бошланғич синфлар бўйича метод бирлашма бошлиғи экан.

— Йигирма йиллик педагогик меҳнат фаолиятига эга экансиз, олти ёшлар билан етти ёшларнинг ўзлаштиришида қандай фарқ бор? — сўрадим М. Мирзаевдан.

— Олти ёшлар материални тез қабул қилади ва тез унутади ҳам. Энг муҳими уларни толиқтириб қўймаслик керак. Зерика бошлаганда дарҳол ёзиш-ўқишни ҳаракатли ўйинларга алмаштириш, хуллас, машғулот турини ўзгартириш керак. Тўғри, олти ёшларнинг ёзуви етти ёшларникига қараганда хунукроқ бўлади, буни кейинроқ тўғрила олиш мумкин, — дейди Муборак.

Бошқа бир қатор тажрибали муаллимлар билан суҳбатлашганимизда ҳам худди ана шундай фикрни айтишди.

Демак, болани олти ёшдан бошлаб ўқитиш фойдали экан-да, деган таассурот туғилади кишида. Бироқ бу ҳақда узил-кесил хулоса чиқаришга шошилмай, мақола сўнгида фикрларимизни умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.

УзССР халқ таълими министрлиги бошланғич таълим методисти Турсунои Абдуллаева билан Фарғона вилоят халқ таълими комитетида учрашдик.

— Жумҳуриятимизда олти ёшларнинг ўқитилиши қай аҳволда, ўн йилдан бери министрлик-да ишлаб экансиз, бу масалани чуқур билсангиз керак? — дедим мен у кишига.

— Фақат бошланғич синфларгина эмас, водий зонаси бўйича инспекторлик ҳам менинг зиммамда, — деди Т. Абдуллаева. — Олти ёшлар синфини очишда шошма-шошарлик бўлгани рост. Жойларда шароит борми-йўқми, буни эътиборга олинмай олти ёшлар синфини очиб юборишган. Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида аҳвол бир оз дуруст. Самарқандда ҳам нисбатан яхши ташкил этилган, ammo бошқа вилоятларда олти ёшларни ўқитиш яхши ташкил этилмаган, синф хоналари етишмайди, моддий база ҳам ночор.

Демак, биз юқорида олти ёшларнинг ўқитилиши энг яхши ҳисобланган жойлардаги аҳвол хусусида фикр юритдик. Агар яхшиларида шунчалик бўлса, бу масалани чуқурроқ ўйлаб кўриш керак экан-да.

Турсунои Абдуллаева яна шундай деди:

— Бошланғич синфларда ўқишни беш кунликка ўтказишни, бу синфларда дарс берадиган ўқитувчиларнинг дарс ставкаларини 18 соатга келтиришни мўлжаллаяпмиз. Бу масалани Коллегиянинг навбатдаги йиғилишида қўймоқчимиз, агар министрлик тасдиқласа, мазкур программа-мизни амалга оширишга киришамиз.

Бу — яхши! Биринчидан, ўқув кунининг қисқариши боланинг саломатлигига фойда келтиради, иккинчидан, ўқитувчининг вақти тежаллади: ўз устида ишлашига, яхши дам олишига имкон туғилади, учинчидан, ойлик маоши ошиб, турмушига ижобий таъсир кўрсатади...

Болаларни мактабга тайёрлашда боғчанинг роли бекиёс. Бироқ боғчаларда машғулотлар яхши ташкил этилмайди, чунки тарбиячиларнинг касб маҳорати юқори эмас. Наманган вилояти территориясидаги бир қанча боғчаларда бўлганман, тарбиячилар билан суҳбатлашиб кўрганман, деярли кўпчилигида аҳволнинг яхши эмаслигидан ранжиганман.

Масалан, Уйчи ноҳиясидаги Жданов номи колхознинг доимий болалар боғчасига ёз кунларининг бирида эрталаб соат 5—00 да етиб бордим. Тор кўчадан оналар фарзандларини боғчага олиб кела бошладилар. Соат 10—30 гача болалар оқими тинмади. Оқибатда болаларга эрталабки нонушта режимда кўрсатилганидек соат 10—00 да эмас, бир соат кечикиб, 11—00 да берилди. Уша кунги режим мутлақо бузилди. Мевалар фарқ пишган, полиз экинлари ҳамма жойда мўл-кўл бўлишига қарамай болаларга ҳеч қандай мева ёки қовун-тарвуз берилмади. Менюда кўрсатилган рационга ҳам амал қилинмади.

Мудиранинг ҳафталик, ойлик иш режими ва плани билан танишганимда яна ҳайратланарли манзарани кўрдим: иш плани бир неча йил илгари тузилган, хўжақўрсингагина юритилибди. Унда бола тарбияси ва соғломлигини ўз ичига олган тадбирни учратмайсиз. Мудирадан тортиб тарбиячиларгача ҳаммасининг билим даражаси жуда паст. Ҳатто ўзларига тааллуқли газета ва журналларга ҳам обунга бўлишмабди. Бир соатлик машғулотни кузатганимда «Мушук-сичқон»дан булак айтишга арзирли ўйин бўлмади. Тарбиячилар қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, эртақ, шеър айтишни, ҳатто бирорта куй оҳангини ҳам дурустроқ билмайдилар, диққиялари ниҳоятда ночор...

Кейинроқ эшитсам мени у ерда бўлганимдан хабардор бўлган колхоз правлениеси раиси Баҳриддин Олимжонов махсус комиссия тузиб, ўзи боғчага келибди, мудиранинг таъзирини берибди, болаларнинг озик-овқатини яхшилабди. Буни эшитиб «Хайрият, виждон бор экан раисда» дедим. Аслида шундай хўжалик раҳбарлари борки, фельетон ёзсангиз ҳам боғчага қадам қўймайди. Умуман олганда, кўп ишларимиз раҳбарлик негизига бориб тақалапти. Қўшиқ жойларида ҳамма соҳада райком секретарлари асосий роль ўйнайди, муҳитни ўшалар белгилайди. Менимча, биринчи навбатда райком секретарларини принципаллик билан аттестациядан ўтказиш, иложи бўлса номенклатура деган сўзни ҳам йиғиштириб қўйиб, конкурс ёўли билан секретарь тайинланиши ва ундан программасига қараб иш талаб қилиб олиниши керак.

Булажак боғча тарбиячилари тайёрлайдиган билим юрларидаги ўқув-тарбия ишининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ўқувчилар билимининг саёзлиги ҳам ташвишланарли ҳолдир. Уйчи ноҳияси-

даги 139-хунар-техника билим юртида боғча тарбиячилари тайёрлайдиган группалар очилган. Наманган, Андижон, Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларидан болалар бу ерга келиб таҳсил олишяпти. Иккинчи курс 116, 117-группа ўқувчилари билан суҳбатлашиб кўрдик.

— Мана, сизлар бўлажак тарбиячиларсиз. Уқитувчи ҳақида ёки тарбиячи ҳақида ким шеър ёки қўшиқ айтиб бера олади?

Саволимизга ўттиз ўқувчидан фақат учтаси қўл кўтара олишди, холос.

«Адабиёт фанини нега ўрганилади?» деганимизда беш ўқувчи қўл кўтаришди, аммо Гулнора Абдувалиевагина қисман қаноатланарли жавоб қайтара олди. Ёки «Ойбек нега романига «Қутлуғ қон» деб ном қўйган, бу номнинг рамзий ишорасини, яъни Шокир отанинг йўлчи қабри устидаги нутқини ким айта олади?» деган саволимизга Поп район Санг қишлоғидан келган Сайёра Асқаровагина жавоб бера олди, бошқалардан умуман садо чиқмади. Шунингдек, «Қўшиқ айтишни биласизми?», «Рақсга тушишни-чи?», «Қайси эртакларни биласиз?», «Қайси бадий асарларни ўқиясиз?» деган саволларга олинган жавоблардан ҳам қониқиш ҳосил қилмадик.

Балки болаларни салобатингиз босгандир, деган эътироз туғилар. Бунинг ҳам олдини олгандик. Билим юртининг педагогика фани ўқитувчиси Ҳожимирза Солиев мени ўзи қатори оддий ўқитувчи эканимни, ҳеч бир тортинмаслик кераклигини уқтирганди. Аслида Ҳ. Солиев бошқача фактни ҳам гапириб қолди. Унинг айтишига қараганда, биз суҳбат қилган группаларда ҳарфни зўрға танийдиган, текстни тутила-тутила зўрға ўқийдиган «талаба»лар ҳам бор экан. Мана! Бошланғич таълимнинг заиф ҳалқаси қаерга келиб тақалаяпти? Болаларимиз ана шундай тарбиячилар қўлида онгу тафаккурини ўстирадими? Келгусида «мушук-сичқон»ни ўшалар ўргатади-да!

Колхоз далаларидаги мавсумий боғчалар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Кўп ҳолларда ўйинчоқлар (аслида у ҳам етарли эмас) шкафларда қулфлоглиқ туради. Эмизикли она узоқ-узоқларда пахта теради. Бола йиғлайвериб қовоғи шишгандан сўнггина, ясли аяси онани чақиришга тушади:


— Ҳў-ў, Мастураҳон-у-у!

Мастураҳон даладан терлаб-пишиб келади-да, ҳеч қандай гигиенага риоя қилмай, саратон иссиғида ачиган кўкрак сути билан боласини эмизишга тушади. Чунки дала шийпонларида хотин-қизлар гигиенаси учун хоналар йўқ, душлар ташкил этилмаган. Она ва боланинг озиқ-овқати масаласи ҳам юқорида айтганимиздек яхши эмас...

Кўряпмизки, болаларни тарбиялашдаги муаммоли масалаларни занжирли реакцияга қиёс қилиш мумкин. Болаларимизни соғлом, бақувват, фикри тетик, мустақил граждани қилиб тарбиялаш, оналарнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, боғча-ясиллардаги тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, мактаб ва олий ўқув юртидаги таълим сифатини яхшилаш, жамиятимизни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш, социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғланган. Бу масалаларни ҳал қилиш партия, совет ташкилотлари раҳбарларидан, педагоглардан, жамоатчиликдан — ҳар бир совет кишисидан сабот ва матонатни, партияимизнинг қайта қуриш ва жадаллаштириш стратегиясини оғишмай амалга оширишни тақозо қилади.

Олти ёшлиларни ўқитиш хусусида шундай хулосага келиш мумкин: Биринчидан, ўқитувчи тўғри танланиши, синовдан ўтган, касб маҳорати юқори бўлиши (аслида имкони борича етти ёшлиларни ҳам ана шундай педагоглар қўлига ишониб топшириш лозим), иккинчидан, болалар танлаб олинмаслиги (бу ўринда касал болаларни назарда тутмаяпмиз. Шундай қилинса турли нозиликлар ҳам чиқмайди. Ахир, Фариди Давлатова танлаб олмасдан ҳам яхши натижага эришибди-ку), учинчидан, мактабда етарли шароит бўлиши лозим.

Болани олти ёшдан бошлаб ўқитиш, унинг кундан-кун ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжини ўз ўрнида қондира бориш фойдалидир. Бунинг учун эса барча шарт-шароитларни эътиборга олиш, план кетидан қувмай, ҳар томонини ўйлаб иш туттиш лозим.



Омон Мухторов

## СУЛТОН ЖЎРАНИ ЭСЛАБ

Султон Жўра ҳаёт бўлганида, бу йил 80 ёшга тўларди. Аммо унга тегишли қутлуг сана Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига тўғри келиб турибди.

Бизнинг авлодимиз Султон Жўрани кўрмаган. Биз туғилган уруш йилларида, у жанг майдонларида пулемёт ташиб, душман билан жон бериб, жон олаётган эди. Султон Жўра ўша жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ёзувчидан у ёзган асарлар қолади. Султон Жўрадан кўплаб шеърлар, эртак ва дostonлар қолди.

Султон Жўра — номи унутилмаган ижодкорлардан. Фақат аниқ муносабатлар эмас, умуман, Улуғ Ватан уруши даври ва ўша пайтлардаги адабиёт ҳақида сўз борганида, биз беихтиёр Султон Жўрани эслаймиз. Мураккаб 30-йиллар адабиёти тўғрисида ўйлаганимизда, яна Султон Жўра ёдимизга тушади. Хўп, булар майли... энг оддий нарсалар: тиниш белгилари ёки кимнинг хати чиройли эканлиги борасида гап чиққанида ҳам Султон Жўра ҳаёлимизни банд этади.

Улмас бу сиймо ҳаёти ва ижодига нисбатан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. Унга бағишланган илмий китоблар, шеърлар, дostonлар ёзилган. Хайриддин Салоҳнинг «Янғроқ ҳаёт» дostonи биргина мисолдир.

Султон Жўра ҳаёти ва ижоди билан мен ҳам қарийб йигирма йилдан буён қизиқсаниб келаман. У ҳақда мақолалар, шеърлар, ниҳоят, «Учқур поездлар» деган ҳужжатли қисса ёздим. Бироқ Султон Жўранинг ҳаёти бир дарё бўлса, бу ишлар барчаси шунчаки ирмоқ очишдан иборатдир. Биз Султон Жўра хотираси олдида абадий масъулмиз!

Ҳозир қўлимда Султон Жўранинг аскарликда рафиқаси Моҳира Жўраевага юборган бир неча мактублари бор. Булар турли сабабларга кўра, вақтида эълон қилинмаган. Ўзи яшаган даврнинг виждонли ва истеъдодли фарзанди, ажойиб шоирнинг ҳаётини теранроқ ҳис этишимиз учун, шу мактублардан айримларини маълум изоҳлар билан журналхонларимиз эътиборига ҳавола этмоқчиман...

\* \* \*

*Эркам Моҳира! Сенга, азиз ойига,<sup>1</sup> Ботирим, ширин қизларим — ақлли Нурия, дўндик Румияга ва албатта, кичкинтой йиғлоқи қизим Илҳомияга мендан кўндан-кўн саломлар.*

*Менинг келиб жойлашувим жуда оғир бўлди.*

*Андижондан кетгач, Асакадан поездга уч киши ўтирди. Мен ҳам, улар ҳам йўлдош бўлганимизга шодландик.*

*21-числода<sup>2</sup> кўндуз соат 3 ларда Тошкентга келиб тушдик. Трамвайга миниб, шаҳарнинг чеккасидаги бир станцияга келдик. Ейишга ҳеч бир иссиқ овқат ҳам, чой ҳам йўқ. Ноилож яна бир поездга билет олиб, Чирчиққа қараб кетдик.*

*Бу ерда Сталин лагери — биз борадиган жойни биров билмайди. Бир катта, совуқ, ифлос залда қалтираб кечаси навбат билан тахта устига икки соатдан чўзилдик. Бағзилар кунжара еб юрибди, уларни кўриб, кўнглим «зув» этиб кетди.*

<sup>1</sup> Моҳиранинг ойиси. Султоннинг қайнонаси.

<sup>2</sup> 1942 йил 21 февраль кuni.

Эрталаб чойхона топиб, бир пиёладан қора чой ичиб, юкларни яна орқалаб йўлга тушдик.

Икки-уч соатдан сўнг лагерни топдик. Чирчиқ тепасида, бир қор тоғлари орасида экан. Лекин бизни бу кун қабул қилмадилар. Фақат тунашга чодир бердилар. Утин йиғиб, чодир ичида ёқиб ўтирдик. Яхшики, ҳалиги йўлдошларнинг кўрпалари бор экан, бирга ўраниб ётдик.

Эртаси кун байрам бўлганидан яна лагерь ташқарисида қолдик. (Қор. Совуқ. Ер шақирлаб қотиб ётибди. Учи кўкка тегиб турган дарахтлар чийиллайди.) Яна бир кун қалтираб, сандироқлаб юришга тўғри келди.

Ниҳоят, бугун 24-числода комиссиялардан ўтдик. Сочдан ажрадим. Усти-бош, нарсаларни қопга солиб, омборга топширдик.

Моҳим! Хат ёз, тез. Илҳом<sup>1</sup> нечук? Опалар<sup>2</sup> келса, салом айт. Болаларни ўпиб-ўпиб қўй. Мен ҳам эрта-индин яна ёзарман...»

\* \* \*

«Моҳрўйим! Сенга, болаларга сизларни соғиниб-соғиниб қолувчи отангиздан кўпдан-кўп салом. Мен соғ-саломатман. Лекин арзимаган вақт ичида жуда чарчаб қолдим.

Мен бу хатни қуйидаги зарур нарсаларни сўраб ёздим: Тамаки ёки ойи баъзан олиб юрган яшил мохорка, 5—6 қути гугурт, бир дона қўл совун, топилса, вазелин (қўлбетларим ёрилиб қолди.) 5—6 та дафтар. Бир оз қалампир. Шулар. — Энг аввал.

— Илҳом нима қилди? Қизларим мени соғиняптими? Ойи дурустми? Ўзинг ўқишни давом эттиряпсанми? Сизлар кўз олдимда, хаёлимда.

Қўлимдаги пул шундай турибди, оз-моз харажат қилдим, холос. Пулдан қисинаётган бўлсанглар, юборайми? Бунда бозор йўқ. Фақат баъзи ёнимиздан ариқ қазишга ўтган одамлар 2 та ёнғоқни бир сўмдан сотишади.<sup>3</sup>

Сизлардан ҳали хат олмадим.

Сизларни ўпиб-ўпиб: Султон. 2 март. 42.»

\* \* \*

«Моҳирам, эркам! Салом.

Сизларни бир кўришга зор бўлиб юрибман.

Бу — менинг бешинчи хатим. Ҳалигача сиздан бирон хат олганим йўқ. Нима бўлди? Дунёда бормисизлар? Менинг хатларим етиб бормадиими?

Бунда кунлар кўнғилсиз. Дам ёмғир, дам қор. Шамол.

Ҳар кун саккиз соат дарс. Қолган вақтларда от тозалаш ҳам дарсга киради — кунига уч марта от тозалаймиз.

Дарслар кўпинча далада ўтади. Отда турли-турли машқлар қилиш керак. Ариқлардан, тахта деворлардан сакрашга тўғри келади. Баъзилар йиқилиб тушадилар. Мен ҳам ҳали яхши билмайман.

Илҳом қалай? Ўтинни нима қилдинг?

Восит келдими? Бизнинг асаримиз нима бўлди экан?<sup>4</sup>

Саиддан хат борми?<sup>5</sup> Унинг адреси менди ичқ.

Эрталабдан ариқдаги музни ёриб ювинамиз. Казарма ёқилмайди. Совуқ.

Хайр, жонгинам, бу хатни типология дарсида ёздим — шунинг учун қисқа ёздим. Султонинг. 7 март. 42.»

\* \* \*

«Моҳрўйим, гавҳарим! Сенга, ойига, ақлли, ишчан ўғлим, таъмли-тотли қизчаларимга соғинчли салом.

Телеграммангизни, хатларингизни олдим. Йигитлардан бириси келиб, битта ўйнаб беринг, гап бор, деди. Кавказча бир-икки оёқ тепдим. Қарасам, хат... Шодлигим ичимга сиғмади. Ўзим шу пайт жун пайпоғимнинг тешилган ерларини ямаб ўтирган эдим. Хайр, майли, бу кунлар ҳам ўтиб кетар!

<sup>1</sup> Султон жўнаганида, олдиндан касалманд Илҳомиянинг тоби бўлмаган.

<sup>2</sup> Султоннинг Хадича, Фотима, Османур деган опалари бор эди.

<sup>3</sup> Бу икир-чикирлар Султондан ташқари, ўша давр шароитини кўрсатгани учун ҳам муҳимдир.

<sup>4</sup> Султон Жўра билан Восит Саъдулла вақтида дўст бўлишган. Улар уруш бошланган кунлар бирга «Ирода» деган пьеса ёзишган эди. Асар иккала адиб ижодида ҳам аҳамият касб этмади. Лекин халқда шериклик ош, дегандек шу асар туфайли улар муносабатида баъзи бир чигалликлар ҳам туғилган эди.

<sup>5</sup> Султоннинг укаси, Саид Жўраев. Кўп йиллар адабиётдан дарс берган. Ўшанда у ҳам урушга кетган эди.



Султон Жўра рафиқаси билан. 1932 йил.

*Бизда ҳали кунлар илигани йўқ, яқиндагина қор ёғди. Муттасил ёмғир, қор. Сизда балки ўриклар гуллагандир? Мен қачон палов ер эканман? Уй нони — ўзбекча нонни соғиндим. Узларингиз қийналмаяпсизларми? Сезиб турибман, қийин, шундан хижилман. Ойи ҳар бозорга борганда ёниб-куйиб келсалар керак... Воситдан хабар борми? Пьеса тасдиқланса, бир оз пулли бўлардинглар. Бу ерда шеър ёзиб бўлмаяпти. Ёзсам, ёрдамим тегармиди... Кеча опаларимга ҳам хат ёздим. Сени, болаларни ўпиб: Султон. 15 март. 42.»*

\* \* \*

*«Бағрим — Моҳирам!  
Ҳаммангизни ўпиб-ўпиб, салом.  
Расмларингиз, хатларингизни олдим. Расм орқасидаги шеърчанг жуда ширингина, чуқур мазмунли. Нима қилганда ҳам шоирнинг хотинисан-да! Молодец, жоним!  
Аҳмадийни<sup>1</sup> айтаман. Ўзи биргина кун армияда бўлиб кўрса экан, шеър ёзишнинг нималигини шунда билар эди. Эҳтимол, ўзи ҳали уёқда юриб ҳам бирон тузукроқ нарса ёзмагандир?  
Мен соғ. Биринчи майни яхши ўтказдик. Мен пулемёт ёнида навбатчилик қилдим. Султон. 2 май. 42.»*

\* \* \*

*«Моҳира, эркам! Ҳаммангизга кўндан-кўн салом.  
Хатингизни бугун менга ётган еримда келтириб бердилар.<sup>2</sup> Сизларнинг соғ-саломат эканликларингизни билиб, жуда севиндим.  
Илҳомия мени, нега дадам келмаяпти, деб сўраётган экан! Айнанай, она қизимдан!*

<sup>1</sup> Карим Аҳмадий. Кўп йиллар Андижон ёзувчиларига раҳбар бўлган. У, Султон энди ёзишдан қолиб кетди, мазмунда гап қилган.

<sup>2</sup> Султон машқлар пайтида жароҳатланган эди. У бир ойдан кўнроқ вақт жиддий даволанишига тўғри келган.



Сенинг «Ирода»ни табриклар ёзганидан бошим кўкка етди. Иккимиз сен билан ёнма-ён ўтириб, уни саҳнада кўрар кунларни мен ҳам хаёл қилдим.

Умуман, бугун аҳволим бир мунча яхши.

Ҳар икки оёғим операциядан сўнг анча енгил бўлиб қолди. Лекин ҳамон юролмайман, каравотда михлангандек ётибман.

Қишда, қор-бўронлар, совуқда чидаб юриб, имтиҳонлар бошланиб қолган шу кунлар бундай ётганим алам қилади. Хайр, балки бахтим чопиб, тез тузалиб қоларман.

Руҳга таъсир қиладиган кўнглисизликлар ҳам етарли. Ётоқда самарқандлик бир бола менинг ёнимда ётадиган эди. Отдан бир ой илгари ёмон йиқилган экан, 5—6 кун ётиб, қазо қилди. Хотини билан онаси келиб, фақат қабрини кўриб кетдилар. Бир майорнинг боласи сувга чўкиб, жасади бир ҳафтадан сўнг топилди. Бу унинг ёлғиз ўғли экан...

Ичкаридан ташқарига олиб чиқишди. Дарахтзор, ёнимизда радио бор. Бу сволоч немислар 42 нчи йилда чекина бошлармикан?!

Хайр. Сизни ўпиб: Султон.»<sup>1</sup>

\* \* \*

«Жон бағрим, олтин қанотим, гул ёшлигим ҳамроҳи, Моҳирам!

Бугун биз кетяпмиз. Йўлдан хат ёзиб турарман.

Опаларимга ёзолмадим, ўзинг хат ёз.

Тўрт бола билан қолган сенга қийинлигини юрагимда сезиб турибман. Лекин қайғурма, яхши кунлар келади.

Мен қаерда бўлмай, муҳаббатим сенга, болаларимга. Меҳрибон ойига, ширин-шакарларим, қора кўзларим — болаларимга менинг соғинчли саломимни етказ.

Яна алланарсалар ёзмоқчи эдим. Кейин ёзарман...


Кеча туш кўрдим: ҳайит экан. Ҳарбий кийим устидан чопон кийиб, белимни бойлаган эмишман. Қарасам, Илҳомия. Кел, десам қўлимдан юлқиниб, типир-типир қочиб кетди. Югуриб, етолмадим.<sup>2</sup>

Хайр, янги адрес билан хат юборгунимча сабр билан кўтиб тур.

Сени, болаларни ўпиб: Султон. 20 сентябрь. 42».

<sup>1</sup> Бу хат тахминан 1942 йил июнь-июль ойларида ёзилган.

<sup>2</sup> Шу кунлар Илҳомия нобуд бўлган эди. Моҳира опа охиригача бу ҳақда Султонга хабар бермаган, уни инвайлашга уринган. Аммо Султон афтидан буни кўнглида сезган эди.



Умарали Норматов

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Маълумки, реализм ижтимоий-маънавий тараққиётнинг муайян босқичида, халқ миллат сифатида ўзлигини, ўзи яшаётган дунёни, жамиятни, кечаги кунини, босиб ўтган йўлини чинакамига илмий, ҳаққоний, одилона идрок этиб майли кучайган, шунга ўзида чуқур эҳтиёж сезган бир пайтда ижодий оқим, метод сифатида майдонга келади. Ҳаққонийлик барча ижодий оқимларда қандайдир даражада мавжуд, аммо реализмда у энг юксак тажассумини топади. Реал воқеаликка, ҳаёт ҳақиқатига садоқат реализмнинг етакчи мезонидир. Шу мезонга кўра адабиёт ва санъатда ҳаёт қандай бўлса шундайлигича — жамики қирралари, зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан объектив, холис кўрсатилади; ҳақиқат — чин маънода унинг бош қаҳрамонига, ростгўйлик асосий шioriга айланади, чин реалист адиб учун ҳақиқат туйғуси ҳоқимият, давлат сиёсатидан, жамиятнинг ҳар қандай тартиботи тазйиқидан, ҳаттоки оллоҳдан ҳам устун туради. У фақат ҳақиқатга сиғинади. Бинобарин, реализмнинг илоҳий қудрати, сеҳрли кучи — ҳаққонийликда, холисликда.

Реалист санъаткор билан даврнинг расмий ҳукмрон мафкураси, шунингдек, у таянадиган, амал қиладиган мафкуравий қараш, ижодкор ғоявий позицияси билан реализмнинг бош принципи — реал воқеликка, ҳаёт ҳақиқатига садоқат, холислик, объективлик орасидаги муносабат ғоят мураккаб, айтиш мумкинки, ҳаёт-мамонт масалаларидан биридир. Буюк реалистлар кўп ҳолларда ҳаёт ҳақиқатини, умуминсоний қадриятларни ўз дунёқараш, ғоявий позицияси, ўзи мансуб ижтимоий гуруҳ, синф манфаатидан, даврнинг ҳукмрон мафкураси тазйиқидан юқори кўя билганлар. Ф. Энгельс ёзади: «Бальзак ўзининг синфий симпатияларига ва ўзининг сиёсий хурофотларига қарши чиқишга мажбур бўлганлигини, у ўзи севган аристократларнинг юз тубан бўлиши муқаррарлигини **кўрганлигини** ва уларни бундан ортиққа арзимайдиган одамлар сифатида таърифлаганлигини, у келажакнинг ҳақиқий кишиларини ўша вақтда топиш мумкин бўлган бирдан-бир жойда **кўрганлигини**, — мана шуларни реализмнинг энг катта ютуқларидан бири деб, кекса Бальзакнинг энг буюк хислатларидан бири деб биламан». 'Реалист адиб И. Тургенев ҳам шунга яқин фикр айтган, у: «Ҳақиқатни, турмуш реаллигини — ҳатто бу ҳақиқат ёзувчининг шахсий майлларига мос келмаса ҳам — аниқ гавдалантириш адабиётчи учун энг катта бахт»,<sup>2</sup> — деб ёзган.

«Реализмнинг энг катта ютуқларидан», реалист ёзувчининг «буюк хислатларидан» бири, «адабиётчи учун энг катта бахт» деб саналган бу хусусиятлар ўзбек адабиётидаги етук реализмнинг асосчилари, улкан намояндаларига ҳам насиб этган; 20—30-йиллар ўзбек адабиётининг бир қатор баркамол намуналари, чунончи А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ҳамзанинг «Паранжи сирлари», Фитратнинг «Абул Файзхон», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», А. Қаҳҳорнинг «Сароб» каби асарлари реализмнинг шу мўътабар аънаналари руҳида битилган.

Тасодифни қарангки, бундай етук реалистик асарлар, Октябр инқилобидан кейин у берган руҳ-илҳом, Қодирий ибораси билан айтганда, у ато этган сўз эркинлиги, жасорат туфайли 20-йилларда, 30-йилларнинг бошларида майдонга келди; бу хилдаги асарларнинг сал бурун — 10-йилларда пайдо бўлишини тасаввур қилиш қийин. Инқилоб арафасида битилган «Бахтсиз кувё», «Янги саодат», «Доктор Муҳаммадиёр» типдаги асарларни эсланг, орадан ўн-ўн беш йил ўтиб, айна шу асарлар муаллифларининг «Ўтган кунлар», «Паранжи сирлари», «Кеча ва кундуз» авторлари даражасига кўтарилиши чиндан ҳам мўъжиза! Афсус, совет ҳоқимиятининг илк босқичидаёқ, айниқса 20-йиллар ўрталаридан бошлаб шу юксак бадий тафаккур ривожини йўлида жиддий ғовлар ҳам пайдо бўла бошлади, бора-бора адабиётни ҳақиқатдан, юксак инсонийликдан, мўътабар реалистик аъналардан тойдирадиган чигал маънавий муҳит юзга келди. Бу ҳол адабиёт учун оғир кўргулик, фожиа бўлди. Реалистик адабиёт, реалист ёзувчи олдида энди ғоят машаққатли синов даври бошланди.

Совет ҳоқимиятининг босиб ўтган мураккаб, зиддиятли йўли ҳақида бир вақтлар битилган, лекин муайян сабабларга кўра ўз вақтида ман этилган кўплаб илмий-публицистик, бадий асарларнинг кейинги йилларда кенг жамоатчиликка қайтарилиши ўша йиллар ҳақидаги тасаввуримизни

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. Икки томлик, 1 т., 1975, 8-бет.

<sup>2</sup> Собр. соч. т. 10, 1956, 349-бет.

хийла бойитди. Булардан шунингдек, 20—30-йиллар воқеаларига бағишланган кўплаб янги тадқиқот, мунозаралардан шу нарса маълум бўляптики, социализмнинг умумдемократик, инсонпарварлик идеаллари билан реал воқелик, амалиёт орасида рўй берган номувофиқлик, хусусан Сталин даврида социализм ғоясининг авторитар кўмондонлик, маъмурий буйруқбозлик система қиёфасига кириши жамиятдаги жамики зиддиятларнинг, оғир кўргиликларнинг ибтидоси бўлди; идеологик воситаларнинг барчаси бузилган мафкуравий вазибаларни бажаришга, ҳокимият тепасида турган қимсаларнинг ўтказиб берилган сиёсати ва ҳаракатларини «тўғри» қилиб кўрсатишга мажбур этилди; ўтмишга, капитализмга қарши шафқатсиз танқид авж олдирилиб, инсоният асрлар давомида юзага келтирилган кўп бебаҳо анъаналарнинг қадрига етилмади, ахлоқ ва адолатнинг оддий нормалари оёқ ости қилинди. «Буюк мақсад»га эришиш йўлида ҳар қандай шафқатсиз воситалар ҳам оқланаверди; «сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик» расмий равишда ҳар қандай қонунчиликдан юқори қўйилди, бу эса сиёсатни маънавий негизлардан маҳрум этди; авторитар бюрократик система инсоний маънавият ҳамда адолат нормалари ва мезонларини поймол этиб, афкор оммага умуминсоний нормалардан ўзгача «алоҳида» бўлган турмуш ва хулқ-атвор нормаларини қатъият билан тикиштира бориб ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди; марксизм-ленинизмнинг жамиятдаги синфлар, синфий кураш, маданий мерос тўғрисидаги таълимоти ҳам қўпол равишда бузилди, сохталаштирилди; дунёни икки кескин қарама-қарши лагерга, жамиятни эса икки бир-бирига зид, синфларга ажратиб, нуқул бирини шарафлаш, иккинчисини эса қоралаш, бирини ҳақ, иккинчисини ноҳаққа чиқариш йўлидан борилди. Бундай шароитда жамиятда, файласуф олим Николай Бердяев сўзлари билан айтганда «душмансиз, ўша душманга нисбатан нафратсиз туролмайдиган» жангари бир тип — ижтимоий куч пайдо бўлди, агар унинг қаршисида «душман бўлмаса у ўз пафосини йўқотади». «Агар душман бўлмаса уни ўйлаб топиш зарурияти туғилади, — деб ёзади олим. — «Зараркунадалар» устидаги процесслар айна шу синфий душманни ўйлаб топишга бўлган эҳтиёж оқибатидир».<sup>1</sup>

«Вопросы философии» журналининг бош редактори В. Лекторский «Правда» газетасидаги суҳбатда улуғ файласуф олим фикрини давом эттириб дейди: «Маълумки, узоқ йиллар давомида бизда барча ижтимоий фанларда синфий редукционизм деб аташ мумкин бўлган ёндашув одат тусини олди. Бундай усулга кўра ижтимоий ва маънавий жараёнларнинг жамики ранг-баранг қирралари инкор этилиб, биргина соф синфий томонига эътибор бериладиган бўлди. Чунончи, тарихга биз фақат синфий кураш, замонага эса — капитализм ва социализм орасидаги қарама-қаршилиқ нуқтаи назардан қараб келдик, бунақа юзаки қараш биз учун қанчалар қимматга тушгани ҳақида гапирмасам ҳам бўлаверади...» («Правда», 1989 йил, 30 декабрь.)

Бундай усул, қараш, жумладан, маданият, адабиёт ва санъатга, адабиёт, санъат илмига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Атоқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов: «Маданият бобида биз 70 йил ичида нима қилдик?» дея савол қўйиб, кескин тарзда шундай жавоб қилади: «Уни буржуазия ва пролетар маданияти деб иккига ажратдик. Начора, шундай бемаънилик даражасига бордик. Буржуазияга мансуб этилган, аслида асрлар давомида ардоқланиб келинган маънавий қадриятларнинг барчаси таъқиб остига олинди, амалда маҳв этилди. Ҳатто эртаклар ё халқники ёки халққа ёт деб эълон этилди, мақол ва маталларни ҳам шундай қилишди. Ҳа, хилма-хил жилолардан иборат инсоният фақат бой ва камбағал деган тушунчалардангина иборат қилиб кўрсатилди, нақд бўлмаса фақирлик идеализмга айланган бўлди. Мен анкетадаги «ижтимоий келиб чиқишингиз» деган графага «фақир» деб ёзиб, бу билан анчайин фахрланадиган ёзувчиларни ҳам биламан...» (Труд, 1990 йил, 3 январь.)

Чингиз Айтматов маъмурий буйруқбозлик системаси шароитида ёзувчилар муҳитидаги маънавий иқлим хусусида тўхталиб қуйидагиларга эътиборимизни тортади: «Ун йиллар давомида бизни шу нарсага ўргатишди ва биз шунга одатландикки, давлат, ҳукумат, партия раҳбарияти — ҳамма соҳада мутлақ ҳақиқат соҳибни, улар ҳаммаша ҳақ, шахс эса гарчи уларга итоат этишга ва тобе бўлишга оинт ичмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда «юқорининг» «қимматли» кўрсатмалари йўлидан сўзсиз боришга мажбур, ҳар қандай бошқача фикр кўриниши эса жазога лойиқ деб билдик...»

Ёзувчилар анжуманларида ўз подшоларига содиқ фуқаролар каби бир-биримизни партиянинг дастёри, хизматкори бўлишга даъват этиб, ҳа, айна шу йўсинда сўзлаган нутқларимиз ҳануз қулоқларимиз остида акс садо бериб турибди. Сарой шоири бўлиш — ҳар доим жамиятда қонун ва эрк йўқлигидан нишона...

Қачонки «синфий тўғу» энг олдинги ўринга ўтадиган бўлса, санъаткор ўз шахсий қарашини эмас, расмий тасдиқланган ғояни ифодалашга мажбур этилса, бунга риоя этмаганлар «бизга қарши» деб эълон қилинса — бу энди маънавиятни кишанлаш демекдир...

Биз ўз ватанимиз адабиётида ўзимизни ниҳоятда чеклаб қўйдик. Биз шунга ўргандикки, фақат муайян мафкурани ифода этадиган ва расмий танқид томонидан рабатланган сиёсатлаштирилган адабий қаҳрамонгина гўё давр қаҳрамони бўла олади деган қарашни худди аксиома сифатида қабул қилдик. Бу йўлда, эҳтимол қандайдир ютуқлар қўлга киритилгандир. Бироқ, наҳотки санъаткорга қатъий чекланган мафкуравий доирадан ташқари чиқиш имкони берилмаса! Давр шуни кўрсатдики, ҳар қандай синфий ёндашишдаги ҳар қанақа бирёқламалик нотўқис ва ноҳаётийдир. Синфий ёндашув сўзсиз зўравонликни тақозо этади. Тарихимиз сабоғи ҳам ана шунда... Зўравонлик йўли билан эришиладиган ҳар қандай самара чин самара бўлолмайди, чунки бундай йўл асос эътибори билан ахлоққа хилофдир» («Литературная газета», 1989 йил, 20 декабрь.)

Бир қадар чўзилиб кетган бу кўчирмани изоҳлаб ўтирмаймиз, бу аччиқ ҳақиқатнинг исботини адабиётимизнинг 30-йиллар биринчи ярмида яратилган айрим намуналари таҳлили орқали кўрсатишга уриниб кўрамиз.

30-йиллар, хусусан қишлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш воқеаларига, мамлакатда кечаётган синфий, мафкуравий-сиёсий кураш ҳодисаларига муносабат ёзувчиларимиз, совет адабиёти учун, умуман реализм учун зўр бир синов бўлди. Кейинги йилларда коллективлаштириш воқеала-

<sup>1</sup> Николай Бердяев. Истоки и смысл русского коммунизма. «Юность», 1989, № 11, 92-бет.

ри теварагида кескин мунозаралар бормоқда. Маълумки, бир вақтлар коллективлаштириш ўз аҳамияти жиҳатидан Октябрь инқилобига тенглаштирилар, колхоз туфайли қишлоқда бир зарб билан социализм ғалаба қилгани, деҳқон озодликка чиқгани, тўқ-фаровон, маданий турмушга эришгани ҳақида тўлиб-тошиб гапирилар эди. Коллективлаштириш қийинчиликлари устида гап борганда нуқул соф синфий нуқтаи назардан қаралар, барча мушкулоту кўргуликларнинг бош айбдори — ағдариб ташланган синфлар — қулоқлар, колхоз ичига кириб олган ёт унсурлар қаршичилигини иборат деб ҳисобланар, колхоз ташаббускорлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар эса ўткинчи, шунчаки англашмовчилик, «ютуқлардан эсанкираш» оқибати деб саналар, бу камчиликлар бир зарб билан (Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» мақоласи чиқиши билан) дарҳол бартараф этилгани таъкидланар эди. Уша пайтларда қишлоқ ҳаётини акс эттирган аксари бадий асарлар коллективлаштириш тўғрисидаги расмий қарашларга, сталинча кўмондонлик режими мафкурасига айнан мос тушар, айни шу қараш, йўл-йўриқларни тарғиб ва ташвиқ этишга хизмат этарди.

Кейинги пайтларда 30-йиллар ҳодисаларига бутунлай бошқача муносабат таркиб топмоқда, ҳатто коллективлаштириш ғоясини бутунлай инкор этиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Чунончи, машҳур тарихий романлар муаллифи ёзувчи Д. Балашов «Рус миллатининг шаклланиши ва миллат турмушининг ҳозирги муаммолари» мақоласида: «1930 йилларда коллективлаштиришдан бошланган ҳодисаларни деҳқоннинг иккинчи бор асосатга солиниши — азалий деҳқончилик системасини, кейинчалик эса ерининг эса ерининг ўзини маъв этган аксил инқилобий тўнтариш деб аташ мумкин», дейди. («Вопросы литературы», 1989, № 9, 101-бет.)

Кўплаб чиқишларда аввалги тузумга қайтиш, колхоз ва совхозлари тугатиш, яна ерга хусусий мулкчиликни тиклашга қатъий даъватлар бўляпти. Менинчга, бутунлай орқага қайтишга уриниш ҳам тўғри йўл эмас. Аслида қишлоқ ҳўжалигини коллективлаштириш ғояси илғор, ҳаётий ҳодиса. Афсуски, ихтиёрий ва маданий тарзда амалга ошириш назарда тутилган ленинча кооперация режаси сталинча раҳбарият томонидан кўпол равишда бузилди, зўравонлик ва бюрократик кўмондонлик сиёсати туфайли қишлоқ аҳли бошига мислсиз қулфатлар тушди. Таассуфки, узоқ йиллар бу ҳақда гапириш, ёзиш ман этилди. Биз ҳанузгача ўша давр ҳақиқатини бор бўйича тиклай олганимиз йўқ. Ўлжас Сулаймонов СССР Халқ депутатларининг I съездида сўзлаган нутқида зўр алам билан ўқтиради: «Қозоқлар урушда 350 минг жонни йўқотдилар. «Шиддатли одим» йилларида эса 4 миллиондан ортиқ одам бой берилди». Қозоғистон ССР Халқ ёзувчиси Абдулла Тожибоев Носир Фозилов билан суҳбатда бевосита колхозлаштириш даври фожиалари ҳақида тўхталиб айтади:

«У пайтда колхозга одамларни зўрлаб, ёппасига ихтиёрсиз равишда бирлаштириш ҳаракати бошланиб, халқнинг қўлидаги бор молини тортиб ола бошлашди. Натижада очарчилик бошланди. Бу ҳаракат асосан чорвачилик билан кун кўрувчи бизнинг қозоқлар учун ҳалокат билан тенг эди...

Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, ўша очарчилик йилларида уч миллион қозоқ қирилиб кетибди» («Совет Ўзбекистони», 1990 йил, 1 февраль.)

Инглиз тарихчиси Роберт Конквест Украинадаги коллективлаштириш воқеаларига бағишланган «Мусибат ўрими» асарида кишини даҳшатга соладиган далил, рақамлар келтиради. 30-йилларнинг бошларида Украина қишлоқ аҳолиси 20-25 миллион атрофида бўлган; қулоқ қилиш, қамоқ, сургунларни ҳисобга олмаганда фақат 1932—1933 йилги қаҳатчилик пайтида 5 миллионга яқин киши, яъни бутун қишлоқ аҳолисининг бешдан бири очликдан қирилган экан. («Новый мир», 1989, № 10, 194-бет.) Умуман сталинча коллективлаштириш ва очлик орқали уюштирилган террор туфайли «тинч давр»да бутун мамлакатда «ўта эҳтиёткорона баҳога кўра биринчи жаҳон урушида бир-бири билан жанг қилган барча мамлакатлар берган қурбонлардан кўпроқ одам ёстиғи қурди. (Ўша журнал, 179-бет.) Ен кўшнимиз Қозоғистонда, Украинада, бутун мамлакатда шундай улкан фожиалар рўй берган экан, жумҳуриятимизда ўша йиллари нималар содир бўлгани ҳануз жумбоқлигича турбди.

Мана шундай оғир кўргиликлар ҳақида на расмий ҳужжатларда, на илмий манбаларда, на коллективлаштириш даврига бағишланган бадий асарларда бирор оғиз сўз йўқ. Фақат В. Гроссманнинг 1955—1963 йилларда ёзган «Ўтар дунё» («Все течет») повестида айни шу қаҳатчилик даҳшатлари катта ғам-андўҳ билан ҳикоя қилинган. Афсус асар ўз вақтида босилмади, фақат 1989 йилга келиб «Октябрь» журналида эълон этилди. Тарихчи-ўлкашунос олим В. Бердинский тузган вяткалик деҳқонларнинг 20—30-йиллар қишлоқ ҳаёти ҳақидаги хотираларидан иборат «Ёппасига коллективлаштириш» деб аталган ноёб тўплам сталинча коллективлаштириш устидан чиқарилган зўр айбнома каби янграйди. Ўзбек адабиётида 80-йиллар ўрталарида яратилган ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида шу фожий ҳодисаларга оид кичик бир лавҳа мавжуд, у ҳам дастлаб хийла ғашлик билан қарши олинди...

Хўш, нега шундай даҳшатли ҳодисалар ўз вақтида ёзувчиларимизнинг эътиборидан четда қолди? Қарангки, коллективлаштириш даврини акс эттирган асарларнинг бирортасида, на «Душман», на «Обид кетмон», на «Қулар» романининг охириги бўлимида бундай мудҳиш ҳодисаларнинг тасвири у ёқда турсин, уларга шунчаки имо-ишораларни ҳам учратмаймиз. Гафур Ғуллом ҳали қаҳатчиликдан қирғинга учраган минг-минглаб марҳумлар қабрига тортилган тупроқ совумасдан туриб, 1933 йил кузида ёзиб тугатган «Кўкан» достонининг иккинчи қисми бошдан-оёқ «тўқ ва маданий турмуш»ни таъминлаган колхоз тузуми мадҳига бағишланган. Шоир талқинича, колхозда «озик-овқат сен же, мен же», «Колхоз тўйин, унум юсак, аъзолар тўқ, Ортиқ бизда камбағаллик, батраклик йўқ». Реал аҳволни кўра-била туриб бутунлай тескарисини — тўкинлик, фаровонлик ҳақида ёзиш даражага бориш, фақат истеъдодли шоир учун эмас, бутун бошли адабиёт учун нақадар оғир кўргулик! Ғ. Ғулломни кўя турайлик, нега бошқа теран реалист ёзувчилар асарларида ҳам ўша даҳшатли ҳақиқат четлаб ўтилган. Мен кўпдан бери ҳайрон бўлиб юрардим. «Мусибатлар ўрими» китобида бу саволга жавоб топгандай бўлдим. Р. Конквестнинг ёзишича, «Сталинизм телбалигининг яна бир мудҳиш томони шунда кўринадики, на матбуот, на ахборот манбаларининг бошқа бирортасида очлик ҳақида ҳатто эслатиш ҳам ман этилган эди. У ҳақда шунчаки оғиз очган одам советларга қарши ташвиқот қилишда айбланар, қоидага кўра беш йил ва ундан ортиқроқ меҳнат лагерига ҳўкм қилинар эди» («Новый мир», 1989, № 10, 200-б.) Табиийки, ўша давр ҳақида

қалам тебратган адиблар бунн ҳисобга олмай иложи йўқ эди. Мабодо асарда бу ҳақда гап-сўз бўлса ҳам улар цензура томонидан асло ўтказилмагани аниқ.

Ҳақиқатни айтиш, ҳаётини жараёнларни мустақил бадиий тадқиқ этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган адабиёт иста-стамас муросасозлик кўчасига кирди. Қишлоқдаги ғоят мураккаб, зиддиятли, ғажайиб ҳодисаларни фақат сталинча «синфий ёндашиш» асосида ёритиш, ҳар боб билан сталинча коллективлаштириш сиёсатини оқлаш, колхоз йўлига қарши турганларни ёппасига «синфий душман» сифатида фош этиш йўлини тутди.

Шу тариха адабиёт реализмининг бош принципларидан чекинди. «Сиёсий конъюктурани мўлжалга олиб иш кўриш, ҳаёт муаммоларига ўта жўн, бирёқлама социал ёндашув чин реализм йўлидаги жиддий ғовга айланди, асрлар давомида шаклланган миллий-бадиий аънаналарни издан чиқарди». <sup>1</sup> «Қуллар» романининг сўнгги бўлими, «Душман» асари мисолида бунн яққол кўриш мумкин.

Садриддин Айнийнинг тожик ва ўзбек совет адабиёти ривожига катта хизматларини асло камситмаган ҳолда унинг ижодида маъмурий кўмондонлик системасининг тайзиқи ва таҳдиди остида юз берган муайян бирёқламаликлар, реализмдан, умуминсоний қадриятлардан чекиниш ҳоллари мавжуд эканига эндиликда адабиётшунослар ҳам эътибор бера бошлади. Таниқли тожик адабиётшуноси М. Шукуров таъкидлаганидек, Айний ҳаёти совет ҳоқимияти йилларида бир неча бор қил устига келиб қолган эди, у хар доим ўлим таҳдиди остида яшади ва ишлади. Бундай шароитда жиддий адабиёт яратиш, ҳаётни чуқур тадқиқ этиш, объектив ҳақиқатни аниқлаш мушкул эди; эҳтимол, Айний реализмининг асосий ютуқлари инқилобдан бурунги воқеали ифодаси билан боғлиқ экани, совет даври тасвири эса кўнгилдагидек чиқмаганлиги сабаби шундадир. «Нуқул социологик ёндашув йўлидан бориш, очиқ сиёсатбозлик ибтидоий тарафқашликка олиб келди: тасвирда фақат икки хил ранг — оқ ва қора, совет даври ҳақида гап кетганда ҳамду-сано, лаънати ўтмиш қаламга олинганда нуқул фош этиш одат тусини олди», — деб ёзади олим. («Вопросы литературы», 1989, № 8, 55-бет).

Совет даври тасвирда бир ёқламалик шу даражага бориб етдики, ёт синфнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан совет жамиятига душманлик қидирилади, ўз одами — синфи вакилининг ҳар қандай хатти-ҳаракати — оддий инсонийликка, азалий ахлоқ-одоб нормаларига зид бўлса ҳам оқланаверди. «Қуллар» романининг бешинчи бўлимидаги айрим лавҳаларни эсга олайлик. Бир ўринда коммунист билан мурдашўй орасида суҳбат бўлади: «мен ўлсам мен учун мурдашўй керак бўлмайди. Чунки мен коммунист» («Қуллар», 1952, 382-бет). Бир бадавлат одам сўқим сўйиб, тўй қилиб элга ош беради. Асарда бу «синфий душманнинг навбатдаги ўйинлари» деб баҳоланади. Тўй хусусида шундай баҳс кетади: колхозчилардан бири «синфий душман»га ён босиб «шундай совуқ ҳавода тўй қилиб халқнинг қорнини тўйғазгани»ни маъқуллайди; «сизлар синфий дўст бўла туриб шундай совуқ ҳавода пахта тердирасизлар. У бўлса сўқим гўшти ва эғир мойи билан иссиққина палов пишириб егизади» дейди. Бошқа бир «синфий ҳушёр» шахс дарҳол унга қақшатқич зарба беради:

«Аввали шуки, — деди Ғофур урчуқчи сўзга қўшилиб, — бойнинг тўй қилиши сени ва бошқаларни тўйғазиб учун эмас, балки сизларни ишдан қолдириб, пахта теримига халал бериб, шу восита билан ҳам колхозга, ҳам колхозчиларга, ҳам меҳнаткаш яққаўжаликларга, ҳам давлатга зарар етказиш учундир» («Қуллар», 392-бет).

Асарда фаол ижобий қаҳрамонлардан, қуллар авлодидан бўлмиш комсомол дарғаси Ҳасан қулоқ қизи Қутбияни севиб қолади. Реалист ёзувчи учун ғоят қизиқарли мавзу-материал: икки хил ижтимоий табақа, икки хил маслак одамнинг севгиси, оилавий турмуши тасвири орқали ўта мураккаб, инсоний драмаларни очиб, инқилобий силсилалар даври кишиларнинг руҳий оламига кириб бориш, катта умуминсоний муаммоларни ўртага қўйиш имкони бор эди. Улкан реализм аънаналари йўлидан борилганда («Тинч Дон», «Қирқ биринчи», «Юмиссар» асарларидаги каби) бу борада жиддий бадиий кашфиётлар яратиш мумкин эди. Аммо Айний ўта ибтидоий социологик, соф синфий йўлдан боради. Ҳасан ўз севгиси хусусида шундай мулоҳаза юритади: «Энди ўйлаб кўрай: у билан турмуш қуришдан менга, менинг ленинчилик маслагимга бирон зарар келадими?» Ҳасан бу тўғрида ўйлади ва ўзича жавоб берди: «Йўқ, минг марта йўқ. Чунки мен уни севаман, лекин ленинчилик, комсомолликни ундан ортиқроқ севаман. Агар у билан турмуш қурганимдан кейин у менинг маслагимга — мафкурамга таъсир қиладиган бирон ҳаракат кўрсатса, ундан ажраламан, ўз маслагимга содиқ қоламан...» («Қуллар», 407-бет).

Буниси ҳам майли. Ҳасан Қутбия билан турмуш қуришга жазм этар экан, ўз кўнгил истагидан кўра муҳимроқ синфий-мафкуравий мақсадни кўзлайди. У ўзига: «Менинг шундай турмуш қуришимда севгимдан, ўзимнинг кўнгил истагимдан бошқа бирон манфаат борми?!» дея савол қўяди. Бу саволга ўзи шундай жавоб қилади: «Агар у билан турмуш курсам уни ишчан бир колхозчи, социалистик қурилишнинг фаол бир иштирокчиси қилиб тарбиялайман. У ҳолда мен социалистик қурилишда яна бир иштирокчини орттирган бўламан...» («Қуллар», 407-бет).

Ҳасан ўзининг синфий маслагидан келиб чиқиб, Қутбия олдига шундай шартлар қўяди: «Отанонгдан алоқангни узганинг узган бўлсин, уларни бутунлай унутсан, бу бир. Керак бўлган вақтда коллектив олдига ота-онангнинг сирларини очиб берасан, бу икки. Учинчи шартим шуки, мешчанлик одатларингни ташлаб, менга иш ва меҳнат йўлдоши бўласан» («Қуллар», 409-бет).

Ана, қаҳрамоннинг дил рози, маслаги, маънавий-ахлоқий қиёфаси! Тўғри, 30-йилларда синфий васвасалар кенг ёйилган, азалий турмуш ақидалари бузилиб мўътабар ахлоқий тушунчалар поймол этилаётган, инсонийликка ёт ўзгача қарашлар зўр бериб янгилик тарзида тақдим этилаётган бир шароитда Ҳасан типидagi ёшларнинг ҳаётда пайдо бўлганлиги ҳақиқат; реалист ёзувчи бу ҳодисани холис туриб, мустақил ҳолда бадиий таҳлил этиб, унинг туб моҳиятини очиб бериши мумкин эди. Афсуски, адиб холис реалист ёзувчи даражасида туриб эмас, Ҳасан типидagi шахслар савиясига туриб, улар мафкураси нуқтан-назаридан келиб чиқиб иш кўради, бундай мафкура, хатти-ҳаракатларни бир ёқламалик билан ёқлаб чиқади.

Ўз синфи одами — ёзувчи идеали тимсоли бўлган ижобий қаҳрамон талқини ана шундай.

<sup>1</sup> Муҳаммад Шукуров. Нужны новые подходы. «Вопросы литературы», 1989, № 8, стр. 55.

Энди «душман синф» вакилларининг талқинига келайлик. Уларни фош этиш ҳам ўта ибтидоий, бир ёқлама. Қўтбия кулоқ Уринбой қалъачининг қизи эканини ҳеч қачон унутмайди. У ҳам ўз навбатида худди Ҳасан каби синфий мақсадни кўзлаб синфий рақибга кўнгил берган, турмушга чиққан, «фаол бир комсомол аъзосининг хотини» бўлиб олиб ўз синфий мақсадларига эришишни кўзлайди. Шу ниятда у ўз синфи одами — отаси Уринбой қалъачининг мирзаси, инobatли гумаштаси ва «кўрпа кўтардиси» Ҳамдам билан тил бириктиради, унга кўнгил беради. Ҳамдам форма деб ном чиқарган бу йигит аслида Нўъмон отжаллобнинг ўғли, у ўз ўтмишини яшириб, юртини ташлаб, Ҳасанлар колхозига келиб, янги тузумга зарба бериш йўлини ахтиради. Бошда ошқора дангасалик ва бузмакорлик йўли билан колхоз ишига панд бермоқчи бўлади. Бу йўл ўтмагач, дарров юзини бекитади-да, фаол ниқоби остида пинҳона кураш йўлига ўтади. Ёзувчи Ҳамдамнинг «синфий қиёфасини, душманлик кирдикорларини фош этиш учун келтирган далил-исботлари шулар: у селкани бузиб, чигитни ерга бир текисда тушишга ҳалақат беради, яхши уруғлик чигитни ноботи билан алмаштириб қўяди, чопиқ пайти культиваторни бекитади, ариқни бузиб экинзорларни сув бостиради, ерга маданий ўғитни кўп сепаб экинга зарар еткази... Воқеалар мантиқнинг, натижасининг ўзи катта эътибор, зўр ваҳима, жиддий ҳавф-хатар тарзида қаламга олинган синфий душманнинг бу хилдаги қўпоровчилик ишлари ҳеч нарсага арзимаслигини кўрсатиб турибди. Асарда тасвирланишича, Ҳамдам келтирилган зарарлар бир зарб билан осонгина тўзатилади, ўша ерлардан режадолга кўра икки баробар кўп ҳосил олинади. Ҳамдам ўзи қилган қинғир ишларни фаол комсомол аъзоси Ҳасанга тўнкаб, уни бадном этмоқчи бўлади, бирок бу тўхмат ҳам ўта омонат, сир осонгина очилади, Ҳамдам фош этилиб, Ҳасан ҳақ бўлиб чиқади... Уйлаб қолсан киши, боринги, колхоз ҳаётида Ҳамдам қилган «қўпоровчилик»га ўхшаш ишлар юз берди, дейлик. Аммо шунақа телбанамо бузғунчилик ишларини адо этиш учун «синфий душман» бўлиши шартми? Модомики, колхоз ичидаги «синфий душман»нинг қарши мафқураси, савияси, хатти-ҳаракатлари шу даражада бўлса — у ҳеч нарсага арзимас экан-да! Шундай бўлгач, унинг, қолаверса, уларнинг ҳавфли душман эканлиги қаёққа борарди!

Синфий душманнинг кирдикорларини «фош этиш» нақадар ибтидоий, чучмал даражага бориб етиши аниқса Қўтбиянинг пахта термидаги фаолияти, «қўпоровчилик иши» мисолида яққол кўринади. Ашаддий «синфий душман»лар саналмиш Қўтбия билан Ҳамдам орасида шундай суҳбат бўлиб ўтади: «Бир кунлик норма 40 кило бўлгани ҳолда тунов кун 10 кило терган эдим, бугун бўлса 7 кило ё бўлар, ё бўлмас...» — дейди Қўтбия Ҳамдамга. Ҳамдам эса: «Бу ҳам зараркунандаликнинг бир йўли», — деб айтади. Шунда: «Бугун камайган 3 килонинг савобини сенга бағишлайман», — дейди Қўтбия («Қўллар», 446-бет).

Ёзувчи мана шундай чучмал гапларни жиддий туриб, уларга синфий маъно бериб қоғозга туширади. Аслида бу хилдаги қараш, талқин, баҳолар тасодифий эмас. Ўша даврдаги расмий мафкура, ташвиқот ва тарғибот, сиёсат айна шу руҳда бўлган. Асарда ўша даврнинг шioriга айланган расмий назарий йўл-йўриқ, яъни «колхозлар, умуман социалистик ҳўжаликлар ривож топган сайин кулоқлар ва умуман синфий душманларнинг ҳаракати ҳам ортади», — деган қараш эслатилади; «Уртоқ Сталин ҳозирги замондаги кулоқларни карикатураларда кўрсатиладиган қорни катта суратларда ўйламанлар деган, балки уларни ўз ораларингиздан, ўз кийимингизга бурканиб юрган кишилар орасидан ахтаринглар деган», — дейди масъул раҳбарлардан бири («Қўллар», 467-бет).

Ёзувчи айна шу кўрсатмага амал қилиб одамларнинг ўз ораларидан душман ахтиради, уларнинг анчайин жўн хатти-ҳаракатларини ҳам «синфий душман»ликка йўяверади. Кези келганда айтиш керакки, Р. Конквест ўз китобида «Қўллар»дагидан ҳам ғаройиб, кулгили, ҳам ачинарли мисоллар келтиради, арзимас «айблар учун беғуноҳ одамлар катта «гуноҳдор»ликда айбланиб шафқатсиз равишда жазоланганлиги айтилади. Қарангки, бир ёш йигит кечаси чўчқахонада маъшўқаси билан вақтихушлиқ қилиб колхоз чўчқалари оромини бузгани учун 10 йил қамоқ жазосига ҳўкм қилинган экан! («Новый мир», 1989 № 10, 180-бет) Қўтбия билан Ҳамдамга тақалган айблар Р. Конквест китобида келтирилган воқеаларни ёдга туширади. Ҳам, ўша йиллари айна шундай ҳодисалар бизда ҳам бўлган. Афсуски, давр таъйиқига тушиб қолган ёзувчи даврдан юксакроқ кўтарилиб, бу хил ҳодисаларга холис реалист, гуманист кўзи билан нигоҳ ташлаб, уларнинг туб моҳиятини очишга эришолмаган, аксинча айна шу синфий мафқурани қўрол қилиб олиб атайин душман қидириш ва уларни фош этиш йўлидан борган...

«Душман» романида синфий курашни кўрсатиш, синфий душманни бешафқат фош этиш, унга қаҳр-ғазаб ёғдириш яна ҳам кескинроқ. Асар номининг ўзиёқ шундан далolat беради. Асарда шундай жумлалар бор:

«Айниқса ҳозирги пайт — тўлқин кўпирган, инсоният умрида ҳеч кўрилмаган бир гўзал, озод ҳаёт қуриш, инсон бунёдга келгандан бери кўрилмаган улўф бир юмушни бошлаш олдида турган бу қишлоқ халқи ўртасидаги қизгин кураш пайти бўлиб, кишилар икки гуруҳга бўлинган ва икки мақсад учун кураш олови авжга минган эди:

— Колхоз бўлаемиз!..

— Биз йўл бермаймиз! Не-не умидлар билан йиққан мулкимизни ўртага ташламаймиз!.. Мана, бир-бирига батамом зид бўлган икки мақсад ва икки ғоя! Бири — колхоз тарафдорлари, иккинчиси — колхоз душманлари». (Ҳусайн Шамс. Танланган асарлар, 1959, 222—223-бетлар.)

Бу гаплар шунчаки муаллифнинг давр ҳақидаги тасаввури, даврга берган баҳосигина бўлмай, балки асарнинг асосий ғоявий-бадий мундарижаси, бош йўналиши ҳамдир. Тўғри, коллективлаштириш даврида шу икки бир-бирига зид кучлар орасида кескин кураш борган, ҳар икки кучнинг ҳам ўз интилиш, ғоя ва мақсадларини тасдиқлайдиган ўз мантиқ, далиллари бор. Ёзувчи бундай ҳаётий, ижтимоий-фалсафий асос-замин ҳақида бош қотириб ўтirmaйди; ижтимоий кучларни икки қутбга ажратиб олади-да, нуқул биринчисини — коллективлаштириш тарафдорларини ҳимоя қилиш, иккинчисини — коллективлаштиришни ҳўш кўрмаганларни ҳар боб билан қоралаш, синфий душман сифатида фош этиш йўлини тутати. Муаллиф назарида биринчисининг иккинчиси устидан устун келиши олдиндан аниқ, чунки, у «ҳақ ва кўпчилик». Лекин «иккинчисининг илҳомчилари ҳам оз эмас», улар ҳам курашда, қаршilik кўрсатишда бўш келмайди. Бунда ёзувчи худди Айний каби машҳур сталинча концепцияга таянади, биринчиларнинг ҳаракати кучайган, бинобарин улар ғала-

бага эришган сари иккинчиси жон талвасасига тушиб кундан-кунга ваҳшийлашади, бинобарин социализм ғалабаси туфайли синфий кураш кескинлаша боради.

Гоҳо ёзувчи қаҳрамонлар тилидан ўз мафкурасига зид туюлган гапларни айттириб юборади. Қаҳрамонлардан бири: «биз биронта батракнинг бурни қонаса ҳам муштумзўрдан кўрамиз, ишимиз ўнгидан келмасаям муштумзўрни айблаймиз, аммо ўзимиздаги янглишликларни тан олмаймиз. Уша муштумзўрларнинг шунчалик қилишига сабаб бор...» — дейди. («Танланган асарлар», 160-бет) Бошқа бир ўринда яна бир қаҳрамон — Ойша хола деган аёл мажлисда кескин бир гап айтади: «Мен ҳукуматга тушуна олмаётирман, ҳукуматни камбағаллар ҳукумати дейдилар-у, унинг зулми бойларниқидан ҳам ошиб тушяпти.» (176-бет.)

Кани энди мана шу хилдаги гаплар асарда давом эттирилса: колхоз ташаббускорлари йўл қўйган камчиликлар, шу туфайли келиб чиққан реал қийинчилик, зиддиятлар, камбағаллар ҳукуматининг бойларниқидан ҳам ошиб тушган зулми, шафқатсизлиги холис туриб кўрсатилса, уларнинг сабаблари бадийий таҳлил этилса... Йўқ, бундай қилинмайди, аксинча бу хилдаги машмашалар ҳам аслида душманнинг ўйини, иши деб баҳоланади, душманга қарши курашда «собитлиқнинг йўқлиги» билан изоҳланади.

Романда ижобий қаҳрамон, яъни «ўзимизники» деб талқин этилган шахсларда «душман синфи» одамларига нафрат-ғазаб, тоқатсизлик шу даражадаки, улар нуқул душманга берган зарбаси, етказган озори билан фахрланадилар, бундай озордан душман бошига тушган кулфат туфайли одам боласи сифатида озгина бўлсин ачиниш, ачинишгина эмас, салгина сесканиш ҳам йўқ, аксинча, бундан қувониш, роҳатланиш бор. Қаҳрамонларку майли, муаллифнинг ўзида ҳам шундай туйғу ҳукмрон. Чунончи, асарда ҳикоя қилинишича, колхоз раиси Жўра бир вақтлар босмачиларни тор-мор қилишда, Бек кўрғонини забт этишда фаол қатнашган. «Шунда энг аввал кўрғонга Жўра кириб борган, Бекнинг отахони — Назар жаллоднинг худди ўнг кўзини мўлжаллаб ўқ узган ва калласининг ярмисини учириб юборган эди. Жўра ўшанда яна бир бор ҳордиқдан чиқди», — дейди автор заррача сесканмай. (119-бет.)

Худди «Қуллар»дагига ўхшаб асарда ҳам икки қутб — бир-бирига душман синф одамлари орасидаги «севги» қаламга олинади. «Қуллар»дагидан фарқли ўлароқ, бу ерда ошиқ — душман, машшуқа — дўст синф вакили, машшуқа аёл Норбуви машшуқ Каримовнинг кимлигини — асл синфий қиёфасини билмай туриб, уни ўз синфи одами фаҳмлаб кўнгил қўяди, шу тариқа алданади. Кўп ўтмай Каримовнинг асл қиёфасини сезиб қолади, дарҳол орадаги «севги» барҳам топади, аёл Каримовни сирли жиноятларини фош этишга тушади, икки синфий рақиб орасидаги тўқнашув кескин тус олади, аёл шу курашда ҳалок бўлади.

Муаллиф маълумотига кўра, Каримов аслида Мирзатолиб додхо бўлиб, яширин ташкилот томонидан белгиланган раҳбар ходим, у советларга қарши кураш олиб борган, Каримов деган дўруна бошлигини қийноқлар билан ўлдириб, унинг ҳужжатларини олиб «Каримовга айланган, «фалакнинг гардиши» — ёт унсурлар тавсияси билан Норбуви қишлоғига «аллақайси шубҳали йўллар орқали» кириб келади, кечаги додхо бир думалаб қишлоқ жамоа шўроси раиси бўлиб қолади; «фалакнинг гардиши» билан бу ерга келиб қолган яна бир душман, Каримовнинг ишончли йигити — понсоди Жобирни ёнига олиб, юқоридаги маслақдошлари мададида қишлоқдаги жамики синфий душманларни атрофига йиғиб колхозга қарши қўпоровчилик ишларини бошлаб юборади. Ёзувчи «Каримовнинг бу хатарли йўлда ҳайқилмай, беҳисоб душманлар орасида яна бош кўтариб, сўзини бермай юргани»ни айтади, шу йўл билан ҳам душман кирдикорларини, маккорлигини аёвсиз фош этмоқчи бўлади-ю, булар қанчалик ишончли чиққан, далилланган — бу ёғи билан асло иши бўлмайди. Каримов реалистик асар персонажи — тирик одам эмас, балки ҳар қанақа ёвузлик қўлидан келаверадиган эртақ қаҳрамони — иблис қабилида берилган, колхоз тузуми йўлидаги жамики қийинчилик, кўнгилсизликлар ўша иблис — синфий душман иши деб кўрсатилаверган. Каримовнинг тилидан тескари деб топилган ҳамма гаплар айтилаверади, чунончи, «коммунистлар партиясининг асли мақсади коммунга қуриш», «бутун мамлакатда битта қозон-товоқ, рўзгор ҳам бир оғбордан, ер ўртада», «бундан кейин муштумзўр, батрак, ҳақли-ҳақсиз деган гаплар бўлмайди», «ҳамма баравар ҳуқуққа эга бўлади», «пул деган, мол-мулк деган нарсаларга ҳам барҳам берилади» деган «бир талай сир бижиб ётган» гапларни айтиб Каримов айтади; пахта яккаҳоқимлиги учун курашган, комсомолларни динга барҳам бериб, намозхонларни масҳаралаб шармандаларини чиқаришга даъват этган, аёллар орасига кутку солиб жанжал чиқарган, колхозга қарши катта ғалаёнга тайёргарлик иши олиб борган, фаолларга сунқасд уюштирган... — ўша иблис Каримов!..

Қизиқ, шундай қудратли, маккор, иблис шахс бош рақибни Норбуви қаршида ўта ожиз-нотавон. Ёзувчининг ижобий қаҳрамони Норбуви, боя айтилганидек, бошда адашади, иблис макрига учиб унга кўнгил беради, аммо муаллиф салгина фурсат ўтиб Норбуви ҳар жиҳатдан, ҳатто жисмоний томондан Каримовдан устун эканини исботлашга тиришади. Чунончи, бир ўринда Каримов Норбувиге тегишади, номуссизларча Норбуви устига ташланади. Муаллиф фахр билан ёзади: «Норбуви кучли эди. Каримовни жуда енгилгина суриб, ўзидан анча нарига ўтқазиб қўйди. Норбуви олдида ўзини ожиз сезган Каримов ялинишдан бошқа чора топа олмади...» (185-бет.) Нарироқ бориб сирни фош бўлган Каримов Норбувиге муҳаббати ҳақиқи яна ялинади, Норбуви эса Каримов юзига тарсаки тортиб юборади, Каримов гандирақлаб бориб ариққа йиқилади... (263-бет.)

Тўғри, ўзи маккор бўлса-да, жисмоний жаҳатдан аёллардан ожиз эркаклар ҳаётда учраши мумкин, бунақа ҳолатлар адабиётда кўп марта қаламга олинган, ҳаётий ҳантқдан келиб чиқиб иш кўрилса бу ҳол ўқувчига асло малол келмайди, «Душман»да эса шундай ҳол фақат синфий мақсадларга қаратилгани учун сунъий чиққан. Умуман, «Душман»да ҳам худди «Қуллар»нинг охириги бўлимидаги каби душман қидириш, душманни фош этиш анчайин юзаки, ясама; бу ҳол ўқувчи эътиборини колхоз қурилиши йилларининг ҳақиқий қийинчилиги, мураккабликлари, шафқатсиз ҳақиқатидан четга тортади, уни чалғитади, асар бутунисича колхоз қурилишидаги асосий хавф — душман синф қаршилиги деган сталинча мафзурани тасдиқлашга хизмат қилади. Асар охирида синфий душманлар сирни фош этилади, улар ГПУ томонидан қўлга олинади. Шу билан колхоз қурилиши йўлидаги ҳамма тўсиқлар бартараф этилади, жумбоқлар ечилади! Муаллиф ёзади:

«Қишлоқ кўчалари худди байрам тусини олган, ҳамма хуррам, ҳамманинг чеҳрасида баҳор

нашъаси акс этарди. Уларнинг юриш-туришларидан, қишлоқ манзарасидан уларнинг ҳамма ифлосликлардан пок этилгани, эркин, қувноқ нафас олаётгани сезилиб турарди. Гузар тўла одам, бутун жамоа бугун шу ерга йиғилган. Бу сафар на муштурмзўрдан, на уларнинг ҳимоячиларидан, на зўравонларидан нишон бор! Ҳамма ёқда колхозчилар, батраклар, камбағаллар, янги ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари! Уларнинг чеҳраларида ҳаёт, ғалаба ва ғайрат ифодаси порларди! Ҳаёт — янги, қудратли, социалистик ҳаёт катта ва кенг қадамлар билан илгарилamoқда...» (268-бет.)

«Душман»дан сўнг узоқ йиллар давомида қишлоқ ҳаётдан олиб ёзилган асарлар учун айна шу кичик безакдор хотима бамисоли дебоча ролини ўтади, жамики роман, қисса, дoston, ҳикоялар ана шундай шодийна ва ғолибола руҳ билан йўғрилди.

Кейинги пайтларда авваллари биз эътиқоди бутун, ҳақиқатгўй деб билган адибларимиз шахсияти, уларнинг ҳаққоний, юксак бадий саналган асарлари ҳақида ҳам жиддий танқидий мулоҳазалар айтилмоқда. Жумладан, ёш ёзувчи Олим Отахонов «Адабиёт ва биз» мақоласида атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақида тўхталиб, у «ҳар қанча истеъдодли бўлмасин замонасоз адиб эди» дейди; унингча, ёзувчи «аксар ҳолларда ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори доираларнинг кўрсатмаларида уқтириб ўтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилган»; «у жадидлар ҳаракатини ё тушунмаган, ёки мутлақо инкор этган». Ёш ёзувчи танқид тигини асосан «Сароб» романига қара-тади. У ёзади:

«Сароб» — оғир даврда миллий маданиятни ривожлантириш, омманинг онгини уйғотишга бел боғлаган шахсларни ҳалокатга маҳкум синф вакиллари, миллатчилар сифатида кўрсатиш, талқин этиш мақсадига ёзилган асардек таассурот қолдиради. А. Қаҳҳор ўзи айтмоқчи, воқеликка фақат Чехов кўзойнаги билангина эмас, балки айна чоқда (асар ёзилган пайтда) энди-энди ниш ураётган машум шахсга сизиниш даврининг жонбозлари — ждановчилик ойнагини ҳам тақиб қараган. У «Чўлпоннинг шеърлари ёшлар юрагига отилган заҳарли ўк бўлди» деб ёзган, ёза олган адиб сифатида Саидий билан унинг дўстлари тақдирини кўрсатиш орқали англикка интилган ва бу йўлда эндиияти қарашларга эга бўлган жадидлар фаолияти, интилишлари «саробдир» деган ҳукм чиқаради». Сўнгра ёш ёзувчи бу асарнинг ўзбек адабиёти ривожидagi, ёш авлод тарбиясидаги «салбий роли» масаласига кўчиб: «Мана шу тенденциоз асар 20—30-йилларда ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни нотўғри, бир йўналишдаги ўзани белгилаб бермади-микин? Ушбу асарни ўқиган ёш авлод борки, то давр ҳақидаги аниқ, ҳаққоний ҳужжатларни ўқима-гунча ёки «акли тўлмагунча» жадидлар, 20—30-йиллар ўзбек зиёлиларининг тақдир хусусидаги нотўғри тасавурларидан қутулолмайди», — дейди. («Ёш куч», 1989, № 9, 14-бет)

О. Отахоновнинг бу мулоҳазалари адабий танқидчиликда акс садо бера бошлади. Адабиётшу-нос Наим Каримов «Қутлуғ қон»нинг яратилиши» мақоласида Ойбек романи муҳокамасига оид муҳим архив ҳужжатларини келтиради; маълум бўлишича, Ойбек асарида «жадидизмнинг халқ учун, Совет давлати учун хавфли вакили образини яратмагани» учун қаттиқ танқид қилинган, муҳокамада умуман адабиётимизда миллатчилар «бутун улғуворлиги», бутун қабиҳлиги билан тасвир этилмаган», деган гаплар айтилган... Ойбек мана шундай шартда «маҳаллий буржуазия билан ҳаммаслак ва ҳамтовоқ жадидларни Абдишукур образида озми-кўпми акс эттиришга маж-бур бўлган.» Адабиётшунос олимнинг фикрига кўра, бусиз асарнинг чоп этилиши ҳам, адибнинг омон қолиши ҳам гумон эди; аммо у тарих ҳақиқатидан четга чиқмай, ўзининг буюк эътиқоди, қатъий ижодий принциплари, юксак инсоний фазилатларини намойиш этди. Сўнгра олим Абдулла Қаҳҳор ва унинг «Сароб» романига ишора қилиб дейди: «Бундай фазилатлар 1934 йилдаёқ бошқа йирик ўзбек адибида етишмаган эди» («Ёш ленинчи», 1989 йил, 29 декабрь).

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг «Танқид-маърифатли сўз» мавзусидаги давра суҳбатидa билимдон, нозиктаъб танқидчимиз Иброҳим Қаҳқулов: «Олим Отахонов «Ёш куч» жур-нали анкетасига берган жавобидa Абдулла Қаҳҳор ижоди билан боғлиқ нозик кузатишларини баён қилган. Биз истаимизми, йўқми, бугун бўлмаса, яна беш-ўн йил ўтган, бу каби асарлар баҳосини барибир олади ва бу баҳо, табиини, юқори бўлмайди», — дея О. Отахонов фикрини қўллаб-қувватлайди. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 22 декабрь)

«Сароб» романи ва унинг муаллифи хусусидаги бу хил танқидий мулоҳазалар қанчалик ҳақ ёки ноҳақ экани ҳақида батафсил гапириб ўтирмайман. Мен бу ерда фақат масаланинг бир жиҳа-тига, ушбу мақола мавзусига дахлдор томонига — «Сароб» романининг реализми, унда О. Отахо-нов айтмоқчи, «ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори доираларнинг кўрсатмаларида уқтириб ўтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилиш»нинг оқибатлари ва ёзувчининг майли, хоҳиш-истагидан устун турган объектга реал ҳақиқат, асарнинг умуминсоний жиҳатларига эътиборни тортмоқчиман.

«Сароб» ҳақида бир вақтлар кўпроқ кескин танқидий гаплар айтилган эди, кейинги ўттиз йил давомида адабиётшунослик эски бирёқлама вульгар социологизм руҳидаги танқидий қарашларни қоралаш, романини ҳимоя этиш, унинг асл моҳиятини очиш билан банд бўлди. «Сароб»га оид кўп яхши тадқиқотлар майдонга келди. Бироқ бу ҳол «Сароб» ҳақидаги баҳсларга охириги нуқта қўйил-ди дегани эмас. Роман теваригида яна мунозаралар бўлавериши, танқидий гаплар айтилавериши мумкин. Фақат бундай чиқишлар илмий жиҳатдан асосланган, холис, беғараз бўлса бас. О. Отахо-новнинг танқидий мулоҳазаларига таяниб «Сароб»нинг қандайдир жиддий, бугун айтиш мумкин бўлмаган ожиз жиҳатлари хусусида шубҳага бориш, асарга одилона баҳо беришни беш-ўн йил кейинга суриш, келгусида асарга бериладиган баҳо юқори бўлмайди, деб хулоса чиқариш учун менингча асос йўқ. «Сароб»га беш-ўн йил, ҳатто ундан кейин ҳам хилма-хил баҳолар берилавери-ши мумкин; келгусини кутиб ўтирмай, ҳар хил андиша, шубҳаларга бормаё ҳозирнинг ўзидаёқ асар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтивериш, ёзавериш мумкин ва лозим. «Сароб» энг кескин танқид-ларга дош беролган ва бундан кейин ҳам дош бера оладиган роман.

Бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, 30-йилларда қалам тебратган кўпгина улкан сўз усталарида бўлгани каби Абдулла Қаҳҳорда, жумладан, унинг ўша йиллар маҳсули «Сароб» романида ҳам замонасозлик, замонасининг ҳукмрон расмий мафқураси таъсирига берилиш ҳоллари мавжуд. Адибнинг ўзи 1960 йили «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналида босилган «Озгина ўзим ҳақимда» сарлавҳали таржимаи ҳолида «Сароб»нинг ёзилиш сабаби ҳақида тўхталиб тўғридан-тўғри шундай дейди:



«Буюк бурилиш йили бошланди. Шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўр жон талвасасига тушди. Тақдир мени шу душман синф вакиллари бўлган эски ва «янги» зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган бир гуруҳ ватан хоинлари билан учраштирди. Булар билан учрашиш менинг учун, бир жиҳатдан, оғир кўргилик бўлса, иккинчи жиҳатдан, катта мактаб бўлди. Мен бу мактабда социализм душманларининг башарасини кўрдим, буржуа миллатчилигининг синфий моҳиятини яна ҳам чуқурроқ англадим. Қўлимга янги қалам олганимда, дин ва дин аҳлларига қарши болагимдан бери кўксимда йиғилиб ётган аламни тўкишга қанчалик шошилган бўлсам, буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билганларимни тенгқурларимга, бутун халққа айтишга шунчалик шошилдим. Мен адабиёт кураш қуроли бўлишига ҳеч қачон бунчалик зарурат ҳис қилмаган эдим. Чўлпоннинг кўп шеърлари ёшларнинг бағрига отилган заҳарли ўқ бўлганини ҳам (бу жумлани О. Отахонов қўштирноқ ичида кўчирма сифатида келтирса ҳам айнан эмас, ўзгаришлар билан бузиб беради — У. Н).—ўшанда англаганман». («Адабиётимиз автобиографияси», 1973, 193-бет).

Жуда кўп фактлар, янги кузатиш, тадқиқотлар шундан далолат бераётирки, «Буюк бурилиш йили» деб аталган палла А. Қаҳҳор айтганидан ўзгача — мамлакатимиз, совет ҳокимияти тарихида социализмнинг бузилиши, улкан фожиа, мусибатлар даврининг бошланиши бўлган экан; қолаверса, шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўрларнинг «жон талвасасига тушиши» — сталинча маъмурий-буйруқбозлик системасининг жиддий кўпорувчилиги иши оқибати, ленинча янги иқтисодий сиёсат — НЭПнинг йўққа чиқарилиши билан боғлиқ эди; дин ва дин аҳлларига қарши суриштирмай ёппасига уруш эълон этиш, уларга нисбатан алам-ғазаб ёғдириш халқимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз учун қанчалик қимматга тушганлиги эндиликда ҳаммага аён; Чўлпоннинг кўп шеърлари «ёшларнинг бағрига отилган заҳарли ўқ» эмас, балки машъум сталинча ғоявий ташвиқот ва тарғибот сеҳрига тушиб қолган одамларни, ҳа, ўша гумроҳ бандаларни хушёр тортиришга, кўзини очишга, шафқатсиз синфий кураш руҳида тарбияланган тошбағир кимсалар қалбига ҳақиқат, адолат, эзгулик, чин инсонийлик, мурувват туйғуларини олиб киришга хизмат қилган. Шоирнинг талай шеърлари янги тузумга эмас, Октябрь инқилоби идеалларининг поймол этилаётганига қарши норозилик каби янгради. Кейинроқ Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи аввалги фикридан қайтиб, Чўлпон ижоди хусусида илиқ гаплар айтганлигини унутмайлик. Езувчи назарда тутган, «дин ва дин аҳлларига қарши» кўксига йиғилиб ётган алам ҳам, «буржуа миллатчилиги ҳақида кўрган ва билган»ларини тенгқурларига, бутун халққа айтишга шошилиши, бунда «адабиёт кураш қуроли бўлишига» ўзида зўр зарурат ҳис этиши — барча-барчаси 30-йиллар бошларидаги фожойи даврнинг истеъдодли ёзувчи онги, ижодий мезонларига салбий таъсири эди. Бу ҳол, бу кайфият муайян даражада «Сароб» романида ўз ифодасини топди. Романда ёзувчи бир ёқламалик билан бир гуруҳ синфий душман, яширин миллатчилар ташкилоти аъзолари, бу миллатчи буржуазия унсурларининг инқилоб ғалабаларига қарши уюштирган фитнаси, адабиёт, матбуот соҳасидаги аксилинқилобий ҳаракатларини, кескин фош этишга уринади. Муродхўжа домла образини мустасно қилганда, бу гуруҳ вакиллари, уларнинг ёвуз ниятлари, кўпорувчилик фаолияти бир қадар яланғоч, хийла юзаки берилган, яширин ташкилотга оид тафсилотлар хийла жўн, нўноқ детектив саргузаштларни ёдга туширади. Муаллиф бу ўринларда адабиётни фақат синфий душманга қарши синфий кураш қуролига, уларга нисбатан алам, қаҳр-ғазаб туйғуларини ёғдириш воситасига айлантиради. Ҳолбуки, сўз санъати етук реалист ёзувчи қўлида фақат синфий мафкуравий кураш қуроли эмас, ҳодисаларни, ҳатто ўзи душман деб санаган синф, табақа одамларини ҳам ҳалол, объектив кўрсатиш, ҳаққоний бадиий таҳлил этиш йўли билан уларнинг туб моҳиятини очиб бериш воситасидир. Бахтимизга, «Сароб» фақат душман синф одамларини нуқул қаҳр-ғазаб билан фош этувчи саҳифалардан иборат эмас. Аслида бу хил ўринлар асарда бор-йўғи бир неча саҳифани ташкил этади, ҳоло; ҳатто улар тушириб қолдирилса ҳам роман кўп нарса ютқазмайди. Асарда буржуа миллатчилигини қоралаш, қаҳр-ғазаб бор-у, реалистик асар учун энг асосий нарса — бу ҳодисанинг туб моҳиятини, илдизларини холисона очишга интилиш йўқ. Ёзувчининг даъвосига кўра, миллатчи зиёлилар инқилоб, янги дунё душманлари, ағдариб ташланган ҳукмрон синф малайлари, уларнинг мақсади совет тузумини кўпориш — тамом-вассалом! Эҳтимол, миллатчи деб аталган зиёлилар орасида шу хилдаги аксилинқилобчилар ҳам бўлгандир. Аммо маҳаллий халқ, маҳаллий зиёлилар орасидаги миллатчилик кайфиятлари хоризмдан мерос бўлиб қолган 20-йилларда хийла кучли бўлган шовинистик сиёсатга акс садо тариқасида майдонга келганлигини асло унутмаслик даркор. Романда миллатчиликнинг туб илдизи ҳақидаги мана шу ленинча қарашга — шу асл ҳақиқатга ҳатто имошора ҳам йўқ.

Қизиқ, 30-йилларда вулгар социологизм мафкураси билан қуролланган танқидчилар эътиборини биринчи галда асардаги миллатчилик билан боғлиқ худди ўша нисбатан заиф, яланғоч, қуруқ фош этувчи саҳифалар ўзига тартади ва улар романини бошда «буржуа миллатчилигини фош этувчи асар» сифатида зўр олқиш билан қарши оладилар. Ҳар ҳолда уларда ҳам озми-кўпми адабий савод, фаросат бор шекилли, кўп ўтмай романига муносабат ўзгара бошлайди; «Сароб»да улар илгари ўйлагандан кўра жиддийроқ ва муҳимроқ жиҳатлар борлигини англай бошлайдилар, ҳаммадан бурун асар бош қаҳрамони — улар назаридаги синфий душман, миллатчи Саидийнинг тақдирини ва талқини, қолаверса миллатчиларга қарши турган ижобий қаҳрамонлар фаолияти мутлақо қониқтирмайди. «Сароб»га бағишланган муҳокамаларда, қатор тақризларда ёзувчи Саидийга хайрихоҳлик билдиради, «Романининг бош қаҳрамони Саидий ўта кетган миллатчи бўлишига қарамасдан, ёзувчи уни мақтайди, уни ўқувчига мумкин қадар яхши кўрсатишга, ўқувчини Саидий изидан эргаштиришга тиришади...» (Х. Мусеев); «Саидийга ачиниш туғдириш буржуа миллатчиларига нисбатан нафрат туғдирмайди, балки хушёрликдан тойдиришга олиб боради, бу — ёзувчининг хатосидир» (Ю. Султон), дея айюҳаннос соладилар. Бугина эмас, Саидийнинг маъшуқаси Мунисхондаги нурили жиҳатлардан ҳам ўша танқидчилар ғазаб отига минадилар, муаллифнинг миллатчи қизи, миллатчи йигит маъшуқаси «Мунисхонга муҳаббат билан қарашини тоқат қилиш мумкин бўлмаган бир ҳол, адбнинг яна бир жиддий ғоявий хатоси деб биладилар.

Ҳолбуки, худди ўша масалада, асарнинг бош қаҳрамонлари Саидий, Мунисхон характери, тақдирини, руҳий олами тадқиқи ва талқинидан асарнинг асосий руҳи, реалистик қудрати, умумий реализмнинг сеҳрли кучли намоён бўлган; муаллиф ўз шахсий майли, даврнинг ҳукмрон расмий

мафкурасига зид ўлароқ реал ҳодисанинг объектив манзарасини акс эттирган, ҳодисаларни, бу одамларни бор мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари билан ҳолисона кўрсатган; ёзувчи бошда ҳар қанча қоралашга, фош этишга уринмасин китобхон Саидий, Мунисхон типидagi шахслар асли ёмон одамлар эмаслигини, улар давр, мураккаб, зиддиятли муҳит, шароит қурбони бўлганликларини ҳис этади, кўради, беихтиёр уларга ачинади, уларнинг алам-изтироблариغا шерик тутинади.

Модомики, 30-йилларда вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган адабий танқидчилик «Сароб»ни фақат буржуа миллатчилигини фош этувчи асар деб баҳолаган, кейинроқ асарда ўз баҳо-қарашларига зид ўринларни — миллатчиларга пинҳона бир хайрихоҳликни пайқаб қолиб, ҳамлага ўтган эканлар, бу — тушунарли ҳол, ўша давр шароитида шундай жаҳолат юз берганига ажабланмаса бўлаверади. Аммо бугунги кунда романдаги фақат буржуа «миллатчилигини фош этувчи» заиф ўринларгагина ёпишиб олиб асарни бутунлай рад этишга, уни «20—30-йиллар ўзбек зиёлиларининг тақдир хусусида нотўғри тасаввур» берувчи, «ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни нотўғри, бир йўналишдаги ўзани белгилаб берган» асар сифатида қоралашни қандай тушуниш мумкин? Бу ҳам вульгар социологизмнинг, бадий асар пафоси, моҳиятини ўта жўн, ибтидоий, бирёқлама тушунишнинг бир кўриниши эмасми! 30-йиллар танқидчилиги-ку, гарчи машўм вульгар-социологизм позициясида қатъий турса-да, романда бошқа бир ҳолни — миллатчи, душман синф одами деб аталмиш кимсаларга ажиб бир хайрихоҳликни пайқаб аввал ҳайратга, кейин ғазабга тушган экан, наҳотки, қайта қуриш даврининг билимдон танқидчилари асардаги шу ҳолга бефарқ қарасалар, бу ҳақда озгина ўйлаб кўрмасалар!..

Ҳозирги пешқадим танқидчиларимиз аллақачон «Сароб» романи, «миллатчилик идеологиясини», «миллатчиларини» фош қилувчи асаргина эмас, балки биринчи галда адашганлар фожиасини, сўз санъатининг мангу муаммоларидан бири — инсон табиатига хос ожизликларни, худбинлик иллатларини бадий тадқиқ этувчи асар эканлигини исбот этганлар. Агар «Сароб» фақатгина буржуа миллатчилигини қораловчи асар бўлганида аллақачон қимматини йўқотган бўларди, хилма-хил баҳс-мунозаралар учун озуқ беролмас эди. Ҳатто «Сароб»да миллатчиликни фош этиш билан боғлиқ ўринларга керагидан ортиқроқ урғу бериб юборган Озод Шарафиддинов ҳам «Абдулла Қаҳҳор» китобида «Сароб» романи шунчаки буржуа миллатчилигининг идеологиясини фош қилувчи, буржуа миллатчиларининг разил башараларини очиб ташловчи асар эмас; «бу масала ҳар қанча муҳим бўлмасин, ҳар қанча долзарб бўлмасин, йирик бир романининг ғоявий мундарижаси учун асос бўладиган қудратга эга эмас», — деб ёзади. Ниҳоят, «Сароб» романининг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатини бадий тадқиқ қилишдир» деган ҳаққоний хулосага келади. (61-бет)

Китобхонларнинг бу романи бевоқифа ўқишдан олган таассуротлари устидаги кузатишлар ҳам шу хулосани тўла тасдиқлайди. Салкам ўттиз йил университетда филолог талабалар билан иш олиб бориб шунга амин бўлдимки, «Сароб»ни илк бор ўқиган бирорта ҳам димли, зеҳнли китобхон уни асло буржуа миллатчилигини, миллатчи зиёлиларни фош қилувчи асар деб билмайди, балки роман биринчи галда ҳазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр достони, ҳар жиҳатдан кўркам, баркамол, улкан бахтга муносиб ёш қалбларнинг аччиқ фожий қисмати, руҳий изтироблари ҳақидаги асар сифатида ҳаяжонга солади. Саидий билан Мунисхон муҳаббати, умрининг завол топишида, шубҳасиз, мураккаб зиддиятли даврининг, улар тушиб қолган шароит, вазиятнинг ҳиссаси, таъсири катта. Айни пайтда киши ҳар қандай мушкул онларда ҳам ўзи, ўз севгиси, эътиқоди, қисмати, оллоҳ инъом этган қобилият истеъдоди олдида масъул; бундай масъулиятдан бўйин товлаш, бу борада салгина бўлсин лоқайдлик, қатъиятсизлик, бундан ҳам ёмони, худбинлик кўча-га кириш, улуғ мақсадлардан чекиниш, энг ёмони, кўра-била туриб ихтиёрни ўзгалар изнига топшириб, разолат билан иттифоқ тутиниш, разолатга кўникаш — инсон боласи учун энг оғир кўргулик, катта фожа. Асарда биз Саидий ва Мунисхоннинг аччиқ севги ва умр савдоси, изтиробларга, драмаларга тўла қалб дафтари билан танишиб, аламли ўйларга толамиз. Бу жиҳатдан «Сароб» жаҳон адабиётида айни шу хилдаги руҳий фожиалар таҳлил этилган энг етук реалистик асарлар билан бир қаторда туради. «Сароб»дан кейин ҳам ўзбек адабиётида «Сароб» таъсирида, унга эргашиб ёзилган, адашганлар қисматидан ҳикоя қилувчи талай асарлар пайдо бўлди, улар орасида ўқувчиларга маъқул тушганлари ҳам бор. Аммо, очиғи, уларнинг ҳеч бири бу муаммони «Сароб»дагидек умуминсоний дард-алам, қалб драмаси, фарёди даражагига кўтара олмади.


Асарда нисбатан муваффақиятли, жонли чиққан салбий қаҳрамон Муродхўжа домла ҳам шунчаки миллатчи зиёлилар вакили, миллатчилик мафкурасини ўзида ташувчи образ эмас. Аввало у инқилобий алғов-далғовлар даврида чайқалиб фарқ бўлиш олдида турган оила кемасини, ҳаётдаги мавқеини ҳар боб билан асраб қолишга уринаётган тadbиркор рўзгор бошлиғи, бахтсиз туғилган ёлғиз фарзанди учун ўзгалар бахтсизлиги ҳисобига бахт ато этиш умидида юрган устакор, худбин одам сифатида эсда қолади. Бинобарин, бу образ ҳам муайян ғоявий мақсадларга — миллатчилик мафкурасини фош этишга хизмат қилувчи бир восита бўлгани билан эмас, балки табиий, умуминсоний муаммоларга дахлдор томонлари билан эътиборни тартади.

«Сароб»нинг 30-йиллар шароити, машўм ғайринсоний ҳукмрон мафкура таъсирида битилган анчалкин юзаки, реализмдан йироқ ўринлар ҳам мавжуд эканини сира инкор этмаган ҳолда, ундаги чин етук реализм, юксак гуманизм маҳсули бўлмиш етакчи жиҳатларни кўрмаслик, тан олмаслик гумроҳлик бўлур эди.

«Сароб» романида ёрқин, курашчи ижобий қаҳрамонларнинг йўқлиги, борлари эса нисбатан заиф чиққани ҳақида кўп танқидий гаплар айтилган. Бу борада ёзувчини оқлаш учун ҳар хил баҳо-налар излаш, мавжуд ижобий қаҳрамонлар ҳам чакки эмас, дея ўзни оунтириш ҳоллари ҳамон давом этади. Бироз бу хусусда муҳим ҳақиқатни айтишга ҳозиргача ҳеч ким журъат этмай келади. Хўш, қатор танқидчилар назарида душман синф, миллатчи тимсоли бўлмиш Саидийга ва унинг теварагидаги бир гуруҳ шахсларга қарши кураш олиб бориши, уларни тор-мор этиши лозим бўлган курашчи қаҳрамонлар кимлар бўлиши мумкин эди? 20—30-йилларга оид архив материалларидан, ўша йиллари матбуотда босилган, бугунгача сақланиб қолган мунозарга материалларидан, кўпдан-кўп мақолалардан маълумки, ҳақиқатан ҳам ҳаётда Саидий типидagi зиёлиларга қарши аёвсиз кураш олиб борган, уларни ер билан яқсон этган, кейинроқ қатагон қилинишига замин

ҳозирлаган ҳужумкор кучлар бўлган, улар олиб борган кураш ижодий зиёлилар, адабиёт учунгина эмас, умуман халқимиз, жамиятимиз учун оғир кўргулик бўлгани эндиликда ҳаммага аён. Нега буларни яқиндан билган, бевосита улар орасида бўлган Абдулла Қаҳҳор романга шундай курашчилар образини киритмади? Нега романдаги мавжуд ижобий қаҳрамонларда шунақа жангарилик йўқ, аксинча улар анчайин майин-мулойим, Саидийга нисбатан мурувватли одамлар?! Бундай курашчи қаҳрамонларни асарга олиб кирмаслик фақат роман поэтикасининг ўзига хослиги билангина изоҳланмаса керак деб ўйлайман. Ҳар ҳолда Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий ҳукмрон мафкура билан қуролланган, синфий рақибларни асло аямайдиган жангари курашчиларининг ҳақиқий башарасини билган, лоақал холис реалистик савқи табиий орқали беихтиёр англаган. Эҳтимолки, бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айти пайтда ўша кезлари улар ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушкул эканини тушунган, ҳис этган ҳолда, яхшиси, бундай шахсларни асарга олиб киришдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Балки бу ҳам ёзувчининг гуманизми, реализмга садоқати оқибатидир.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ҳамзанин «Паранжи сирлари», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» ва ниҳоят, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» асарлари орқали ўзбек адабиётида ҳам қарор топган реализмнинг ғоят мўътабар, жозибадор анъанаси — ҳақиқатга садоқат, юксак гуманизм, умуминсоний қадриятларга чуқур эҳтиром, бу мўътабар тушунчаларнинг ҳар қандай шахсий майл, синфий қараш, сиёсий-мафкуравий йўриқлардан устун қўйиш тажрибаси, афсуски, кейинчалик узоқ йиллар сояда қолиб кетди; ҳукмрон ғоялар билан қуролланган, ўз қарашини, мафкурасини бирдан-бир ҳақиқат деб билган, фақат бугунни эмас, «ёрқин келажак»ни ҳам олдиндан кўришга ўзларини қобил сезган аксар адиблар энди ҳаётнинг объектив ҳақиқати устидан зўравонлик қилиш, воқеликни нуқул «революцион тараққиётда» тор синфий нуқтаи-назардан кўрсатиш йўлига ўтдилар, бу йўлдан салгина бўлсин четга чиқиш кескин ҳамлаларга учради. Шу тариқа адабиёт ҳақиқатга, унинг дахлсизлигига эҳтиром, умуминсоний қадриятларни ардоқлашдан иборат реализмнинг энг муҳим принципларидан чекинди. Фақат 60—70-йилларга келиб бу анъана яна ўз қаддини ростлай бошлади. Бу ёғи энди бошқа бир мақоланинг мавзуси...



## Ўқиётлар ҳазиндасидан

\* \* \*

Бир файласуфдан сўрадилар:

— Подшо билан сенинг ўртангда фарқ нима?

У жавоб берди:

— Подшо ўз эҳтиросларининг қулидир, мен эса эҳтиросларимнинг шоҳиман.

\* \* \*

Арасту улў Искандарга шундай маслаҳат берди:

— Ўз сирингдан бирданига икки одамни воқиф қилма. Мободо сиринг очилиб қолса, кимнинг оғзибўшлик қилганини билмайсан. Икковига ҳам жазо берсанг, айбисиз одам жабрланади. Икковини ҳам кечирсанг, унда сирингни сақлаган одамнинг ҳурматини жойига қўймаган бўласан.


\* \* \*

Афлотундан сўрадилар:

— Бошига кулфат тушган одам қандай юпанади?

Афлотун жавоб берди:

— Доно одам, рўй бериши лозим бўлган нарса рўй берди, деган фикр билан ўзини юпатади. Аҳмоқ одам эса, бошига кулфат тушган одам бир менми, деб юпанади.



Юнус Мақсудов

## УЛУҒЛАР ДАВРАСИДА

Ўзбек совет адабиётининг уйғониш даврида Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фулом Зафарий, Абдулла Алавий, Боту, Ғози Юнус, Элбек, Вадуд Маҳмуд каби қобилиятли адиблар етишиб чиқдилар.

Афсуски, уларнинг баъзилари вақтсиз қазодан, баъзилари гуноҳсиз жазодан маҳв бўлдилар. Ўзбек ва форс адабиётини муттасил кузатиб борадиган Олимхон дўппифуруш деган бир табаррук зот китоб ўқишга қаттиқ берилганими сезиб, адабиётимизнинг кўпгина сиймолари билан таништирган ва уларнинг суҳбатларидан баҳраманд этган эдилар.

Олимхон ака Тошкентнинг Парчабоб маҳалласида, биз эса уларга яқин бўлган Жин кўча (ҳозирги Олча проезде)да яшар эдик. У киши отамдан анчагина ёш бўлишларига қарамай, дўст тутинган эди.

1920—1926 йиллари Олимхон ака ҳовлимизга деярли ҳар куни келиб, отам билан суҳбатлашар, китобхонлик қилишар, мабодо икки-уч кун кўринмай қолса, отам мени у кишини чақириб келишга юборар эдилар. Олимхон ака ширин сўз, меҳмондўст бўлганлиги учун ёру дўстлари ҳам ниҳоятда кўп эди.

Мен бўш вақт топдим дегунча дўконларига тушиб, суҳбатлашиб келар эдим. Дўкони ҳозирги Октябрь бозорига яқин жойда бўлиб, аъло сифатли тақир қизил ҳамда кўк духобадан каржсиз ва гулсиз қилиб тикиладиган дўппиларни Олимхон ака Тошкентга расм қилган эдилар. Харидорларининг аксарияти зиёлилар бўлиб, бозори ҳам чаққон эди.

1929 йил баҳор кунларининг бирида одатдагидай дўконларига тушсам, бошида Олимхон аканинг кўлидан чиққан кўк духоба дўппи, эғнида қора беқасамдан тикилган реза чопонли бир киши бор экан. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг Олимхон ака менга: «Бу акангни танийсанми?» — дедилар. Мен: «Ўзларини биринчи кўришим, аммо асарлари, суратлари орқали яхши танийман», — дедим. Шунда Олимхон ака Қодирийга қарата бу йигит қиёматли акаҳонимнинг ўғли, адабиётга муқкасидан кетган, сени ёзганларингга жуда ихлосманд, деб қўшиб қўйдилар.

Қодирий менга бир қур назар солиб: «Адабиётчилардан кимларни тинийсиз?» деди. Мен ўша вақтда эл оғзига тушган шоиру адибларнинг номларини айтиб, баъзиларини шахсан кўрганимни, баъзиларини ғойибона танишимни айтдим.

Ярим соатлар чамаси гаплашиб ўтиргач, Қодирий кетишга кўзғалиб, Олимхон акага «бу йигитчани ҳам олиб боринг» дея менга ишора қилди. Олимхон ака «Албатта, олиб бораман» деб бош силкиб қолдилар.

— Бугун кечқурун Жулқунбойнинг уйига ўртоқлари келишар экан, шунга мени айтгани келибди, кечроқ сен билан бирга борамиз, — дедилар Олимхон ака. Мен бундан бироз ўнғайсизлик сездим. — Жулқунни ўғли ҳали ёш, сен бориб ўшал ақли расоларга дастёрлик қилсанг, уларнинг ширин, ибратли суҳбатларидан баҳра олган бўлардинг.

Рози бўлдим. Кечқурун бирга бордик. Қодирийнинг уйи Самарқанд дарбозада, ички ва ташқи ҳовлидан иборат экан. Ташқи ҳовли саҳни бир танобдан мўлроқ бўлиб, ўртада асоси мрамардан ишланган баланд шийпон қад кўтарган. Шийпон атрофи дарахтлар ва турли-туман гуллар билан ўралган, соя-салқин, ҳаммаёқ саришта, шакароб қилиб сувлар сепилган, умуман айтганда, бу жой оромбахш, хушҳаво бир манзил экан.

Қодирий бизни очиқ юз билан кутиб олди ва эски қадрдонлардек яна бир бор илиқ сўрашди. Мен бундан анча руҳланиб кетдим.

Отамнинг: «Меҳмон ва мезбон иш буюришини кутиб ўтирмай, синчковлик билан уларнинг ҳолатини кузатиб, хизматларини тезда бажаришга киришгин», деган насиҳати қулоғимда эди.

---

Юнус Мақсудов 1913 йили Тошкентда, савдогар оиласида туғилган. 1920—1925 йилларда эски усулдаги мактабда таҳсил олган. 1926—1932 йиллари етти йиллик мактабда ва институтга тайёрлов курсида ўқиди. 1932 йили Москвага бориб, дастлаб Рабфақда, сўнг педагогика институтининг физика-математика факультетида таҳсил кўрди. 1937 йилда учинчи курсни тамом қилгач, Тошкентга қайтди ва Низомий номидаги педагогика институтида сиртдан ўқиб, олий маълумот олди. 1974 йилгача Тошкентдаги мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда.

Шунга амал қилиб, дарров шийпонга чиқдим, уйиб қўйилган кўрпачаларни гилам устига тўшаб, ёстиқларни батартиб қўйиб, шийпон ёнида биқирлаб қайнаб турган катта самовардан чой дамлаб уларнинг олдига келтириб қўйдим. Энди дастурхон ёзмоқчи эдим, Қодирий менга ёрдамлашиш учун ўрнидан кўзгалди. Олимхон ака: «Абдулла, сен баҳазур ўлтирабер, бу укангни суяги меҳмон кутиш билан қотган», дея турғизмадилар. Майда-чуйда ишларни саранжом-саришта қилиб бўлганим ҳамано эшикдан меҳмонлар кириб келишиб, бизлар билан кўришдилар. Улар Фулом Зафарий, Абдулла Алавий, Элбек, Ойбек ва яна бир муллавачча сифат йигит, кейин билсам бу киши мунаққид Вадуд Маҳмуд<sup>1</sup> экан (мен унинг мақолаларидан бохабар эдим).

Овқатни тановул этишгач, Фулом Зафарий билан Абдулла Алавий адабиёт ва санъатга доир кўп масалалар ҳақида гаплашиб ўтиришди, ҳар иккови ҳам ўқтин-ўқтин Қодирийга қараб, «Бу масалага Сиз қандай қарайсиз? Бу тўғрида қандай фикрдасиз?» дея саволлар бериб туришарди. Қодирийнинг жавоблари қисқа ва мазмундор эди.

Сухбат йўриғи масалга келганда Элбек, мунаққидликка келганда Вадуд Маҳмуд ҳам оз-моз гапиришди.

Олимхон ака билан Ойбек сухбатни жимгина тинглаб ўтиришди. Вақт анча кеч бўлиб қолган эди. Иккита катта лаганга сузилган паловни олиб келиб, ўртага қўйдим. Жуда ўхшалган экан, зўр иштаҳа билан едик. Ошга фотиҳа ўқилгач, Қодирий Олимхон акага «Сиз ҳам энди бирор нарса денг...» деб таклиф қилди.

Олимхон ака турли саргузаштларни, Насриддин афанди латифаларини айтганларида ҳаммани маҳлиё қилиб кўярдилар. Аввалдан маълум латифаларни яна у кишининг оғзидан эшитгингиз келаверарди. Ниҳоят Олимхон ака ўз бошларидан кечган қисқа ва қизиқ бир саргузаштни, сўнг Насриддин афандининг бир латифасини гоёт моҳирлик билан айтиб бердилар. Ҳаммалари кула-кула ўринларидан турдилар-да, хайрлашиб тарқалишди. Биз уларни кузатиб қўйдик.

Олимхон ака Қодирий билан гаплашиб, гулзор оралаб юришганда мен шийпондаги идиш-товоқларни, гилам, кўрпача ва ёстиқларни йиғиштириб бўлган эдим.

Биз уйдагиларга ётиб қолишимизни айтмаганимиз учун Қодирийнинг қистовига унамай, йўлга тушдик. Қўчалар тўли ойнари билан чароғон эди, бугунги сухбатдан олган таассуротимизни бир-биримизга гапира-гапира уйимизга қандай келганимизни билмай қолибмиз.

\* \* \*

Ҳовлимизга яқин бўлган Бароқхон мадрасасининг мударриси, бедилшунос олим Аловиддин махсум ва ўғиллари арабшунос, навойишунос Нодир махсум бизга маҳалладош бўлиб, отам ҳар икковларининг ҳам ҳурмат-иззатларини бажо келтирарди. Улар айниқса, кишининг узоқ кечалари бизникига келиб, диний масалаларни ва бедилнинг фалсафий шеърларини муҳокама қилишар — Нодирхон махсум ўқир, Аловиддин махсум эса тафсил қилар эди. Бундай кечаларни уюштиришда Олимхон аканинг хизмати катта бўларди.

Нодирхон махсум 1929—1947 йиллари Каганович номидаги Вагон таъмирлаш заводида ўт ёқувчи, сўнг уста (мастер) вазифасида ишлади, 1947 йили Фафур Фулом ва Ҳоди Зарифларнинг сазй-ҳаракатлари туфайли заводдан Фанлар Академиясига ишга олиб келинди. У академик Е. Э. Бертельс билан ҳамкорликда Навойининг «Ҳайратул-аброр» асари устида илмий-тадқиқот олиб борди.

Нодирхон махсум 1944—1947 йиллари ишдан ажралмаган ҳолда диний назорат кутубхонасини бунёд этишда яқиндан ёрдам берди, 1947 йилдан то 1975 йилгача шу кутубхонада мудирлик вазифасида ишлаб, тарихий обидаларни тиклаш-таъмирлашда Фанлар Академиясининг буюртмаларини бажариб борди. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги шикаст топган тарихий битикларни асл ҳолига келтиришда жонбозлик кўрсатди.

Мен 1920—1925 йиллари Нодирхон махсумнинг амакиси, мактабдор Низомиддин домла қўлида ўқиб, савод чиқарганман, хусусий мутолаада Нодирхон махсумнинг ўзи яқиндан кўмак бериб турган. Бу киши ҳақида қисқача бўлса-да тўхтаб ўтаётганимнинг боиси мана шунда.

...Ҳадемай баҳор тугаб, ёзининг иссиқ кунлари етиб келди. Одатимизга биноан Нодирхон махсум билан кечқурун Ҳазрати имомдаги чойхонага чиқдик. Чойхона Тилла шайх масжиди жомеининг ичида бўлиб, ўртасида каттагина анҳор ўтган. Бу ер ҳар доим озода ва гавжум бўларди. Биз ўтирадиган холироқ жойдаги кат деярли бўш турарди.

Уша куни фавқуллода ҳолга дуч келдик, бизнинг катимизда икки киши ўтирган экан. Яқинлашиб борсак, Олимхон ака билан шоир Чўлпон. Нодирхон махсумни кўриб, ҳар икковлари ҳам ўринларидан туриб қаршиладилар. Мен Чўлпон билан яқинда Олимхон аканинг уйида танишган бўлсам, Нодирхон махсум Қодирийнинг уйида танишган экан. Бир пиёла чой ичар-ичмас Олимхон ака тўсатдан шоир Камийнинг «Уним йўқ, буним йўқ, уйимда уним йўқ, ишимда унум йўқ, айтишга уним йўқ» деган туюғини ўқиб, Нодирхон махсумга кўз ташлади. Нодирхон махсум: «Ҳа, шу боисдан у кишининг тахаллуслари «Камий»да деб қўйдилар. Чўлпон Камийнинг:

Қаю гулчеҳра ёди бирла афғон этдинг, э булбул,  
Ҳазин овоз-ла дийдамни гирён этдинг, э булбул, —

деб бошланадиган шеърини ёддан ўқиб берди ва шеърларини мақтади.  
Чўлпон Камий ижоди билан таниш бўлса-да, таржимаи ҳолидан беҳабар экан. Нодирхон махсум:

<sup>1</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўғли — ред.

— Каримбек Шарифбек ўғли Камий, Тошкентнинг Парчабоб маҳалласида туғилиб ўсган, Бароқхон мадрасасида таҳсил кўрган, ниҳоятда камбағал муллавааччалардан эди, — деб маълумот бера бошлади. — Бутун умрини Бароқхон мадрасасида ўтказди, десам хато қилмайман. Узлатга чекингунча бир ой бетоб ётди, ҳолидан ҳеч ким хабар олмасди. Мен кун ора кириб кўнгил сўраб, ҳоли-бақудрат кўмаклашиб турдим. Бир куни кирсам, аҳволи оғир, мени кўриб деворга ишора қилди. Қарасам:

Чаманда андалиб эканман,  
Ўз юртимда ғариб эканман, —

деган сатрлар кўмирда ёзилган экан. Эртаси вафот этди. Маҳалла аҳли ёрдами билан дафн қилдик, — дедилар.

Чўлпон ён дафтарига шу байтни ёзиб олди ва Камий тўғрисида Нодирхон махсумдан анчагина нарсаларни сўраб-суриштирди.

Сўхбат охирида Нодирхон махсум Камий арвоҳига атаб тиловати куръон қилдилар.

Чойхонадан чиқаётганимизда Олимхон ака Нодирхон махсумга:

— Эртанги намозни бизникида бирга ўқисак, Абдулҳамид ҳам барвақт келадилар — шу баҳона гурунглашамиз, — деди.

Эртасига тўртовимиз ҳам жам бўлдик. Шу куни Чўлпон кечгача Навоий, Фузулий ғазалларидаги Ислоҳ тарихи ва Қуръони мажид оятларига тааллуқли ўринларни Нодирхон махсумдан сўраб ёзиб олди.

Овқатдан сўнг шом намозини масжидда ўқиш учун қўзғалишди, бирга чиқдик. Олимхон ака билан Нодирхон махсум мачитга, мен Чўлпон билан чойхонага йўналдик.

Биз яна ўша ҳоли катга бориб ўтирдик, улар намоздан келишгач, сўхбат яна Навоий, Фузулий ижоди ҳақида давом этди. Олимхон ака менга қараб:

— Сўхбатимизга Фузулий ҳазратлари ҳам ҳозир нозир бўлсалар айни муддао бўлур эди, — деди.

Мен ўша заҳоти уларникига бориб Фузулийнинг Тошкентда чоп этилган тошбосма девонини олиб келиб, Чўлпонга узатдим. У киши Фузулийнинг «Лайли-Мажнун»идан анчагина ғазалларини ўқиди, бир вақт диққат қилсам кўзида ёш пайдо бўлибди. Шунда у:

— Меники энди бўлди, ортиқ ўқий олмайман, — дея девонни Олимхон акага узатди. Олимхон ака Чўлпонга қараб, ҳолингиз шу экан-ку, дея ҳазиллашди ва Фузулий ғазалларини ўқишга киришдилар.

Ғазалхонлик бирор соат давом этса-да, бирорталари изоҳга муҳтожлик сезишмади, мен Фузулийни хийлагина мутолаа қилган бўлсам-да, ана шу ерда ҳали анча ғўрлигим билиниб қолди.

— Менимча Фузулийга «Лайли-Мажнун»ни ёзиш жуда ҳам оғир, айни замонда жуда ҳам завқли бўлган. Чунки Фузулий Мажнун қиёфасига кирмай, ишқ йўлида Мажнун чеккан азоб-уқубатларни ўз бошидан кечирмай туриб бундай шоҳ асарни ёза олмас эди. Зотан, Қодирий ҳам Отабек билан маслакдош, ҳамфикр бўлмаганида «Ўтган кунлар» бунчалик шўхрат қозонмас эди, — деди Чўлпон.

Шундан сўнг Қодирий тўғрисида гап бошланиб кетди. Нодирхон махсум:

— Қодирий Фузулий асарларини нозик дид билан таҳлил қилади, шу кунларда Бедил асарларига қаттиқ берилган, шул боисдан Қодирий билан тез-тез учрашиб, бедилхонлик қилиб турамиз, — деди.

Олимхон ака: «Жулқун шеърятга қаттиқ берилган-у, бироқ шоир бўлолмай қолган», — деган эди, Чўлпон: «Яхшиям шоир бўлмаган, шоир бўлганда, бизга нон йўқ эди», деб ҳазиллашди ва Қодирийнинг улуғ санъаткор эканини таърифлаб, шоир-адибларнинг ижоди асосан 40—60 ёшларида камолга етади, бас, шундай экан, яқин йилларда Қодирий тенги йўқ адиб сифатида шўхрат қозонишига, номи жаҳонга ёйилишига имоним комил, дея илова қилди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Чойхонадан кетар чоғимиз Нодирхон махсум Олимхон ака билан Чўлпонга қараб:

— Сўхбатимизнинг давомини эртага, бизнинг чорбоғда ўтказсак, — дея Гурунчариф мавзеидаги боғчаларига таклиф қилди. Сўнг:— Сўхбатимизда Абдулла акам ҳам қатнашса яхши бўларди,— деб менга қараб қўйди.

Мен бу гапни дарров фаҳм этдим ва Қодирийни айтиб келишни ўз зиммамга олдим. Нодирхон махсум мендан мамнун бўлди. Эртасига Қодирийни айтгани борган эдим, Фарғонадан келмаган экан. Нодирхон махсумнинг таклифномасини эса қолдириб келавердим.

Кечки пайт Олимхон ака, Чўлпон ва мен Нодирхон махсумнинг боғига қараб пиёда йўлга тушдик.

Нодирхон махсум биз билан кўришгач, Қодирийни сўради. Узримни эшитиб, «Аттанг», деб қўйди. Биз Бедил ва Навоий асарларидан ўқиб муҳокама қилдик. Кейин Чўлпон арузда ёзган икки-уч шеърини ўқиб берди. Ҳаммамизга манзур бўлди. Олимхон аканинг илтимосига биноан Нодирхон махсум ўзининг Навоий ва Бобир шеърларига боғланган мухаммасларини ўқиб берди. Қўрғонча билан шийпон оралиғида тез-тез қатнаб турганим учун мен ўша кунги адабий гурунждан тўла баҳраманд бўла олмадим.

Эртаси кечкурун ҳаммамиз яна чойхонага йиғиладиган бўлдик. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас чойхонага Қодирий етиб келди. Ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг, Чўлпон: «Абдулла, Фарғонадан қачон келдингиз?» — деб сўраган эди, Қодирий: «Уйдан хатингизни олдим нариданд-бери овқатлашиб, сизларни зиёрат қилгани шошилиб келяпман», деди. Ҳаммалари ҳайрон қолишди. Мен эрта-лаб Қодирийнига бориб, келсалар албатта борсинлар, деган мазмунда хат қолдирган, аммо бунини уларга айтмаган эдим. Қодирий рўмолчага тугилган иккита ширмой нон ва қанд-курсларни олиб, ўртага қўйди.

— Мозорбосди, марҳамат қилинглар,— деди.

Қодирийнинг Фарғонага боришдан муддаоси — ёзадиган янги асари учун материал тўплаш

экан. Бу сафар чоғида мутафаккир аллома Захриддин алам ҳамда бир қанча қаландарлар билан бўлган суҳбатини батафсил сўзлаб берди. Шу боис бугунги ўтириш жуда жозибали бўлди.

Одамлар чойхонадан таркала бошлагач, биз ҳам кўзгалдик. Шунда Қодирий:

— Қайси кун вақтларингиз бўлади, боғчамизга бориб, салқинлаб келсаларингиз,— деб таклиф киритди. Чўлпон эртага Андижонга кетиб, пайшанба кун қайтиб келишини айтгач, Қодирийниқига бориш жума кунига тайин бўлди...

Бугун жума. Олимхон ака билан Нодирхон махсум намоздан қайтгач, учовимиз Қодирийниқига бордик. Адиб кўшниси Сотиболди ака билан ҳамкорликда ҳозиргина деворга сархок қўйиб бўлиб, ювинаётган экан.

Шийпонга тайёрланган жойга чиқиб ўтирдик. Мен чой дамлаб, дастурхон ёздим. Сал фур-сат ўтмай Чўлпон, Фулом Зафарий, Абдулла Алавий, Элбек ва Ойбеклар кириб келишди.

Нўхатли шўрва (мохора) ичилгач, туроққа уйиб қўйилган қовун-тарвузлардан сўйиб, меҳ-монлар олдига келтирдим.

Қодирий Чўлпондан Андижон сафари ҳақида сўради. Шоир:

— Уз юртимга сифмай қолганим учун узоқ сафарни ихтиёр қилиб, ёру дўстларим ва синг-лим билан хайрлашиб қайтдим, синглимининг, акажон, сиз кетиб қолсангиз биз қандай чидай-миз, деб бўзлаши юрагимни жудаям ўртаб юборди. Кечаси уйқум келмаганидан мана буни ёз-дим,— деди-да «Хайр энди» сарлавҳали шеърини ўқиб берди.

Шеър ниҳоятда муңли, ғамгин эди. Ҳамма маънос тортиб қолди. Бироз жимликдан сўн-гу Фулом Зафарий Қодирийга:

— Фузулийнинг араб тилида ёзган қасидаларини олиб чиқсангиз, махсум акамдан фойдала-нар эдик,— деб илтимос қилди. Қодирий олиб чиқиб, қасидаларни ўқиди, Нодирхон махсум эса сўзма-сўз ағдариб турди. Абдулла Алавий уларни шунчалик чиройли таҳлил қилдики, Фузулий асарларининг фалсафий кўламдорлигидан тонг қолдим. Фузулийхонлик икки-уч соатгача давом этиб, ниҳоя топан ҳам эдики, эшикдан «Ўртанглар тўлсин!» деб Ғози Юнус кириб келди. Фулом Зафарий: «Кел! Сени ўрнинг билиниб турувди»,— деб жавоб қилди.

Ғози Юнус Охунгузарда турарди. У кишини кўп кўрганман, табиатан қизиқчиликка мойил бўлиб, одамларга қараб, шеър тўкиб юбораверарди.

Овқатдан сўнг суҳбат баҳрибайтга уланиб кетди. Абдулла Алавийга жавобан Чўлпон айт-ган баҳрибайтнинг сўнги ҳарфи «К» билан тугаган эди. Ғози Юнус Чўлпонга қарата: «Кўзингни ёшлари Жайхунга ўхшар, танангни мўйлари маймунга ўхшар!» деб жавоб қайтарди. Бу Фулом Зафарийга эришроқ туюлди шекилли, унга «Рафиқимсан, бироқ лоп қоплиғинг бор, ширин суҳ-батда беодоблиғинг бор!» дея танбех берди. Ғози Юнус имо-ишора билан уэр сўради.

Баҳрибайт яна бирор соат одоб доирасида давом этди. Утириш Олимхон аканинг қизиқ-қи-зиқ латифалари билан якунланди.

Чўлпон Қодирийниқига ётиб қоладиган бўлди. Олимхон ака, Нодирхон махсумлар билан бирга қайтдик. Йўлда келаётиб мен Олимхон акадан «Нега Чўлпон сизни почча дейди?» деб сўра-дим. Олимхон ака:

— Мен 1914 йили маҳаллангачи Абдуқодир бойнинг Андижондаги чиннифурушлик дў-қониди приказчик бўлиб ишлардим. Уша ерлик Сулаймон баззоз деган киши билан танишдим. У киши шоирнамо, ўқимишли эди. У менга жуда яқин одам бўлиб қолди, сал ўтиб ўзининг яқин қариндошларидан бирининг қизига, яъни Ширмойхон аянгга мени уйлантириб қўйди. Чўлпон ўша Сулаймон баззознинг ўғли бўлади, шу сабабли мени почча деб чақиради,— деди-да, яна бир воқеани айтиб берди.

Сулаймон баззознинг айтишига қараганда, Абдулхамид олти-етти ёшидаёқ савод қиқариб, саккиз-тўққиз ёшида андижонлик Миркомил бойнинг золим ва зикналигини танқид қилиб, га-зетага мақола ёзган, мақола газетада босилгач, кимдир Миркомил бойга мақолани Сулаймон баззознинг ўғли Абдулхамид ёзган деган. Бой дарғазаб бўлиб, Сулаймон баззозни чақирган, баззоз ёлғиз ўғлим бор, тўққиз ёшда, аммо ҳануз мактаб кўрмаган. Ишонмасангиз, эртага дў-қондан қайтишингизда ўғлимни сизга кўрсатаман, дея аранг бойнинг олдидан қутилиб чиққан. Эртаси бу воқеани Абдулхамидга тушунтирган ва сен Миркомил бой маҳалламиздан ўтаётган-да бошланг, оёяланг бўлиб кўчада варрак учириб юр. Бўлмаса бой бизни хонавайрон қила-ди, деб тайинлаган. Сулаймон баззоз ана шундай йўл тутиб, золим бойнинг ғазабидан қутилиб қолган экан.

Кейин: «Қодирий билан қандай ўртоқ бўлгансиз?»— деб сўрадим.

— Жулқун билан рус-тузем мактабида бирга ўқиганмиз. 1919 йили Андижонда босмачилик кучайиб, халқнинг тинчлигини буза бошлагач, аянг билан Тошкентга кўчиб келдик. Олдинги йили мени савдогарчилик қилган, деб шўро сайловига ҳақсиз қилишди. Ҳақсизларнинг аҳволи ёмон бўлишига кўзим етгач, анча саросимага тушиб қолдим. Аянгни болалари билан Андижонга жўна-тиб, ўзим Жулқунни паноҳ тортиб, уйига бориб ётдим. Жулқун: «Сизни нотўғри ҳақсиз қилишиб-ди, Сиз савдогар эмас, савдогарнинг хизматини қилган одамсиз»,— дея менга тасалли берди ва ариза ёзиб ҳужжатларимни тегишли идорага топширди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, мен оқланиб, ҳақлиллар рўйхатиغا кирдим. Уша кунийёқ Андижонга бориб оиламни олиб қайтдим, деб тушунтир-дилар Олимхон ака.

...1932 йилда мен Москвага бориб, Педагогика институтининг физика-математика факультети-га ўқишга жойлашдим. Бу вақтда Чўлпон СССР Марказий ижроня кўмитасида таржимонлик вази-фасида ишлар, Катя деган рафиқаси билан Биринчи Мешанская кўчасидаги 115-уйда истиқомат қилар эди. Уларниқига тез-тез бориб турардим. Рафиқасига мени «тутинган укам бўлади», деб таништирганди. Уқишга жойлашганимдан қувониб: «Ана энди бағрим тўлиб, бошим кўкларга етиб юрадиган бўлдим», деб хурсандчилигини билдирганди. У бир кун:

— Алавийнинг вafотидан хабаринг борми?— деб сўраб қолди.

— Ҳа, хабарим бор. Адабиёт аҳлининг бошига оғир мусибат тушди,— дедим мен.

— Нимасини айтсан,— деб давом этди Чўлпон,— у ёш бўлишига қарамай, тенги йўқ адаби-ётшунос, қобилиятли шоир, имонли мунаққид ва меҳрибон дўст эди. Фурбатда чекаётган ранжу андуҳларим унинг қайғулари олдидан урвоқ ҳам бўлмади қолди. Ҳафта-ун кунча ўзимга келолмай

юрдим. Боришга имконим бўлмагач, Музайяна Алавия билан Абдулла Қодирийга таъзия билдириб хат ёзган эдим. Ҳар икковидан мана бу мактубларни олдим,— деб Чўлпон хатларни менга ўқиб берди. Мактублар бир-биридан ғамли ва мунгли эди.— Бу мактублар юрагимни янада ўртаб юборди,— деб Чўлпон йиғлади. Мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим.

Чўлпон иродали, сабр-қаноатли, ғаму андуҳларга бардошли бўлса-да, ўта нозик кўнгил, таъсирчан киши эди.

— Мана бу рубойини ўқиб кўр! Алавий вафотидан ҳам илгарироқ уни менга ёзиб қолдирган эди,— деб қўлимга бир қоғозни тутқазди у.

Ўқидим, шеър мазмунан Фузулий рубойисига ўхшашроқ эди:

Хуш ул дами ажал чекам бодаи ноб,  
Сармаст ётам қабрда то рўзи ҳисоб,  
Ғавғои қиёматда турам масту хароб,  
На фаҳри ҳисоб ўлай, на идроки азоб...<sup>1</sup>

Чўлпон билан 1935 йилгача ҳафта сайин кўришиб, шеърхонлик қилишиб турдик. Бир куни борсам ўзи йўқ экан, Катя кўярда-қўймай уйига таклиф этди-да:

— Акангни мана бу машқ дафтарини ўқиб ўтир! У бир соатдан сўнг келиб қолади,— деди.

Мен машқ дафтарига анчагина шеърларни ўқиб чиқдим ва ниҳоят аруз вазнида ёзилган бир шеърини ёдлаб олдим. Бир соатлар ўтар-ўтмас Чўлпон ҳам келиб қолди, мени кўриб бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. Чой устида мен ўша шеърни ёддан айтдим:

Билдим энди, шунча берган ваъдалар ёлғон экан,  
Кўнглимизни ўзгалар ўз кўнглига олган экан.  
Мен кўнгил бердим, у ҳам менга кўнгил берди десам  
Айрилиқ ўз ханжарин кўксимга ўқталган экан.  
Ёш эканман, билмаганман ваъдаларни охири,  
Бевафоликка кишилар ўрганиб қолган экан.  
Оқибат, меҳру муҳаббат зарра таъсир этмади,  
Шум рақиблар ёрни бешак йўлдан оздирган экан.

— Бу шеърни кимга атаб ёзгансиз?— деб сўрадим.

— Солиҳа рафиқам билан Самарқандда яшар эдик, у мусиқа билим юртида ўқир эди. Ғанимларимнинг сўзига кириб мендан ажралди. Ушанга ёзган эдим,— деди-да, у хўрсиниб қўйди.

— Жигарингиздан урган шекилли, ҳали ҳам унута олмасиз,— дедим ҳазил оҳангида.

— Ҳа, авваллари бир-биримизга муҳаббатимиз дилдан, кейин тилдан бўлди-да, ниҳоят, сийқаланиб ўчиб кетди,— деди афсусланиб.

Чўлпон 1934 йили «Ҳамлет»нинг таржимасини ва «Кеча ва кундуз» романининг биринчи қисмини тугатган эди.

Кунларнинг бирида у роман муқаддимасини ўқиб берди. Мен завқланиб «Қодирийча тасвир бўлибди-ку», деган эдим, «Йўқ, йўқ, ўзбек аёли иккинчи марта Қодирийни туғмайди», деди.

— Лоф қилманг! Навоий, Бобур, Огаҳийларни туққан ўзбек аёли нега Қодирийдақасини туғмас экан!— дедим.

— Ҳа, ҳа, шундайку-я, яқин орада туғмаса керак,— деб жавоб қилди шоир.

Мен Чўлпон билан ҳазилкаш дўстлардек гаплашар эдим, кези келганда, афанди латифаларидан тортиб, аскиягача айтишар эдик. (Қодирий вазмин, салобатли, оз, аммо соз гапирадиган дошиманд бўлганиданми, ул зоти шариф билан очилиб гаплашишга ийманардим.) Адиб улуғ ҳинд шоири Рабиндранат Тагорнинг зўр ихлосманди эди, шу боисдан унинг асарларини севиб мутолаа этарди. Тагор ҳақида «Маориф ва ўқитувчи» журналида каттагина мақола чиқарган, бир ҳикоясини ва «Ҳой йўловчи қиз» шеърини маҳорат билан таржима қилган эди.

Чўлпоннинг Шекспир драматургиясига ҳам меҳри банд эди. «Ҳамлет»ни ўзбекчага ўгиришда у озмунча кўз нурини тўқдими, ҳазилакам иш олиб бордимиз?!

Ниҳоят, Чўлпон «Ҳамлет»нинг таржимасини олиб Тошкентга жўнади. Орадан бир оз вақт ўтгач, мен ишонасига кўнғироқ қилсам, келганига уч-тўрт кун бўлган экан.

— Бугун бизниқига албатта кел, сенга Тошкентдан хушхабар олиб келдим. Қувончим ичимга сиғмаяпти,— деди.

Мен учиб бордим. Чўлпон мен билан қучоқлашиб кўришди ва қўлимни қўйиб юбормай, бир шеър ўқиди-да: «Қалай, ёқдимми?» деб сўради.

— Жуда яхши ёзилган, бироқ услубингизни ўзгартирибсизми?— дедим.

— Дидингга қойилман, топдинг! Ўтир!— деб мени тўрга ўтқазди-да, гап бошлади.— Тошкентда, Ҳамза театри биносида Усмон Носир деган ёш шоир билан кўришдим, унинг тўпламидаги шеърларни ўқиб, хангу манг бўлиб қолдим. Мана, ҳақиқий шоир дунёга келибди, деб уни олқишладим, табриkladим. Сенга ўқиб берган шеър ўшаники эди,— деди.

Мен шоирнинг бағри кенглигига, саховатига қойил қолдим. Унга шу йилларда кетма-кет ҳужумлар уюштириб турилганини билганим учун кўнглимдан ўтган бу нохуш фикрни ҳам яшириб ўтирмадим.

— Шундай қобилиятли шоирнинг дунёга келиши албатта, халқимизнинг бахти, аммо сиз уни кўпчилик олдида бекор мактабсиз. Ғанимларингиз пайини қирқмасалар гўрга эди,— дедим.

— Ҳа, бир ҳисобда сениям фикринг тўғри,— деди у ва маънос тортиди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Файзулла Хўжаевнинг таклифига биноан Чўлпон Катяни олиб Тошкентга кўчиб кетди.

1936 йилнинг ёзги таътилида шахримизга келдим. Қодирий ва Чўлпонни бориб кўрдим. Ҳар ×

<sup>1</sup> Бу рубой 1938 йилда Чўлпоннинг матбуотда босилмаган шеърлари қаторида исзиз йўқолган.



икковларининг ҳам аҳволлари яхши, руҳлари тетик, асарлари матбуотда босилаётган экан, узоқ суҳбатлашдик.

Бир вақтлар ўзбек матбуоти кўкларга кўтарган Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи ҳақида узундан-узоқ танқидий мақола ёзган, ундан сиёсий хато излаган адабиётшунос Сотти Хусайннинг обрўси кенг жамоатчилик назаридан анча тушиб қолган экан.

Чўлпонни «Ақлли жинни...» деб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида фельетон қилган Комил Алиевнинг ҳам «миси» чиқибди. Сулаймон Азимнинг бу ижодкор ҳақидаги катта танқидий мақола-си «Қизил Ўзбекистон» газетасида шу кунларда юз кўрган экан. Бу янгиликлар мени анча қувонтирди. Тошкентга келганимга уч-тўрт кун бўлгач, қибрайлик тоғам мени дала ҳовлисига олиб кетди. Мен ҳар йили у ерда беш-олти кун дам олиб, зериккач, қайтиб келар эдим.

— Бу сафар зерикмайсан, кўшнимизниқига газета чиқарадиган шоирлар келиб, дам олиш-япти, суҳбати ширин, олижанаб кишилар экан. Мениям ўз ҳолимга қўймай қақришиб кетишади. Менга жуда ёқиб қолди,— деди тоғам.

Манзилга етиб, дам олиб ўтирган эдик, кимдир қақриб қолди. Тоғам яна ўшалар қақришяпти-ёв, деб чиқиб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб келиб:

— Айтганимдай ўшалар экан, чиқолмайман, жияним келган, десам ҳам кўнмаяпти, бирга бормасак бўлмайди,— деди. Мен ноилож у билан бирга чиқдим. Бизни пойлаб турган киши Машриқ Юнус (Элбек) экан. У мен билан қучоқлашиб кўришди-да, ҳайрон бўлиб турган тоғамга:

— Бу сизнинг жиянингиз бўлса, менинг адашим ва жонажон укам бўлади,— деди.

Ундан-бундан гаплашиб ўтирганимизда Усмон Носир билан Хоразм ёзувчилар уюшмасининг бошлиғи Қурбон Берегини ҳам дам олишга келганини айтди, бироздан сўнг ўрнидан туриб кўшни ҳовлидан уларни қақриб чиқди.

Ҳар иккови ҳам мен қатори йигит экан. Мен билан отларини айтиб кўришгач, бири Усмон Носир, бири Берегинини билиб олдим.

Усмон Носир ниҳоятда шўх, завқли одамлиги юзидан билиниб турибди. Дастёрчиликка ҳам уста экан, дарров ҳамма юмушларни ёлғиз ўзи бажариб, бизни қимирлашимизга имкон бермади. Кечки овқатга тоғамни ҳам айтиб келишди. Элбек овқатдан сўнг шаҳарга тушиб, Фулом Зафарий, Абдулла Қодирий ва Чўлпонни олиб чиқши ниятида эканини билдирди. Тоғам:

— Йўқ, бугун эмас, эртага тонг отмасдан ўғлим файтунни кўшиб чиқади, бирга бориб уларни олиб қайтасизлар,— деди.

Бу тadbир Элбекка ҳам маъқул бўлди ва тоғамга пул бериб, бозордан бир қўй олиб келинг, деб илтимос қилди.

Хуллас, эртаси кун яна устозлар билан дийдор кўришдик. Севинчимиз ичимизга сифмас эди. Нонуштадан сўнг тоғам қўйни сўйди. Усмон Носир меҳмонларга: «Бугун ҳаммаларингиз ўзингизни Кавказда деб ҳис этасиз. Овқатларимиз ҳам кавказчасига бўлади, камина шефповар, Мулла Юнус завзал деди. Ҳаммалари рози бўлишди. Улар суҳбатлашиб ўтиришди, биз ўчоқ бошига кетдик.

— Икковимиз ҳам тенгдош эканмиз, сени ёқтириб қолдим. Энди бир-биримизни сиз эмас, сен деб гаплашайлик, шунда яқинлигимиз сезилади,— деди-да, қўшиб қўйди.— Сен қозон-товоқларни тайёрла! Мен кавказ кабоби ва арманча шўрва тайёрлайман,— деди Усмон Носир. Ишга киришиб кетдик. Тушки овқат вақтида кабоб ҳам, шўрва ҳам тайёр бўлди.

Меҳмонлар ҳар иккала овқатни ҳам мақтай-мақтай тановул қилдилар. Сўнг Бўзсув канали бўйига, чорпоёга бориб, суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат давомида Элбек Қодирийдан:

— Абдулла, айтганча, Ҳасан билан Қорабой деган дўстларинг омонми?— деб сўради.

— Ҳа, омон-эсон, сенга кўпдан-кўп салом айтишди,— деб жавоб қилди Қодирий.

Тошкентда Қорабой жинни ва Ҳасан девона деганлар бўлар эди. Улар билан Қодирий кўришиб турар эди. Элбек шунга ишора қилди чамамда, Қорабой жинни ёзин-қишин чопон, бўйнига занжирга уланган кишан, эски тақа осиб юрар эди. Унинг ихлосмандлари кўп бўлиб, овқатини едириб, чойини ичириб қўйишарди. Қорабой жинни қўли билан ҳеч нарсани ушламас, одамларга гапирмас эди. Ҳар замон биттагина сўз кетидан, «шунанга девотти-ку», деб кўярди.

Ихлосмандлари бу сўзни қаромат деб билар эдилар. Ҳасан девона «Турмуш уринишлари» китобини ёзган Мўминжон Муҳаммаджоновнинг (тахаллуси Мехтарбод) укаси эди. У китобни тескари ушлаб, Машраб ва Яссавий шеърларини ёддан ўқиб, тушуна олмадим, деб йўлига равона бўлиб кетаверар экан.

Кечки овқатга тоғамни айттириб келишди. Чўлпон тоғамга:

— Мен сизни гоғибона танийман, жиянингизга юборган қуруқ меваларингизни Мулла Юнус билан баҳам кўрардик,— деди.

Тоғам жиянимга ҳар қанча қилсам озлик қилади, раҳматли отаси икки ўғлимни олиб кетди, ўқитди, мана ҳозир шу болаларим соясида яшапман, деди.

Суҳбат турли мавзуларда узоқ давом этди. Қош қорайгач, қўрғончага кирдик. Тоғам меҳмонларга:

— Эрта билан чойни бизникида ичасизлар, кечгача жиян хизматда, сизлар иззатда бўласизлар,— деб кулиб қўйди. Улар бу таклифни қабул қилдилар, мен бундан хурсанд бўлиб кетдим. Эртаси тонготарда тоғам қўй сўйиб, гузардан бир меш қимиз олиб келди.

Нонуштадан сўнг Усмон Носир билан қозон кабоб тайёрладик. Кечки овқатга тоғамнинг ўзи палов дамлади, Усмон икковимиз устозлар суҳбатида бемалол ўтиравардик. Чўлпон «Баҳор» деган шеърини ўқиди:

Баҳор қиз ҳилпиллаб-ҳилпиллаб келди,  
Сочлари селкиллаб-селкиллаб келди.  
Даврага кирди-ю, ўйин бошлади,  
Муқомлар қилди-ю, шохлар ташлади.  
Берилиб ўйнади, эсириб ўйнади,  
Ҳар билган ўйинни қилмай қўймади.  
Сўнгра бирданига кўздан йўқолди,

Ўрнида хушбўйлар, атирлар қолди.  
Кетканин ҳеч кимса тўймасдан кетди,  
Хушторлар базмига тўймасдан кетди.

Яна:

Йигит:— Юзингни ким ўпади, оппоқ қиз?

Қиз:— Гажжак сочларим.

Йигит:— Мен ўшалар бўлсам, бўлмасмикан?

Қиз:— Тароқнинг тилишига тоб келтирсанг мумкин,—

деган ҳазил шеърини ҳам ўқиб берди.

Абдулла Қодирий Чўлпоннинг ўта қобилиятли шоирлигини кўп мақтасада, ўзининг олдида шеърларидаги баъзи бир нуқсонларни бемалол танқид қилар эди. Чўлпон ҳам у кишининг фикрларини мамнуният билан қабул қиларди, бу гал ҳам шундай бўлди.

Усмон Носир ва Берегиннинг таклифи билан эртасига уларникига чиқишга келишдик. Нонушта дастурхонини ниҳоятда нозик дид билан ясатишибди. Берегин идиш-товоқларни тайёрлапти. Усмон Носир ўчоқ бошида ширчой қилапти. Олдига бориб:

— Нима бало, кечаси билан ухламай, тайёргарлик кўриб чиқдингми?— дедим.

— Ҳа, устозларим бизникига чиқмоқ бўлсалар, кўзга уйқу келадими,— деди.

Бир оздан сўнг катталар келишди. Нонуштага тоғам Усмон олган кўйини сўйди. Шу ерда Усмон Носир Чўлпонга атаб, «Устози мумтоз» деган шеърини ўқиб берди. Шеър ҳаммага манзур бўлди. Устоз-шоғирд бир-бирларини меҳр билан кучоқладилар. Чўлпон Усмон Носирнинг юзига тикилиб: «Фаҳримсан, жигаримсан», деб қўйди.

Сухбат янада қизғин тус олди. Чўлпон ўзбек театри ҳақида гапириб, ўзбеклар ҳинд халқи каби нафис санъатга мойил, келгусида театр соҳамиз ривож олиб, жаҳонга танилгусидир, дея хулоса қилди.

Ғулوم Зафарий Усмон Носирга қарата:

— Сендан умидимиз чексиз, сени нодир туғма қобилиятинг шеърятимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшишига аминман. Бир шеърингда: «Манзилим ложувард уфқдан нари, Чў қора тойчоғим, чў қора йўрғам!» дебсан, бу ғоятда улуғ ғоя. Сен ғарб адабиёти билан хийлагина танишсан, энди шарқ адабиёти билан шуғуллан! Айниқса Низомий, Дехлавий, Навоий, Ғузулий ва Бедил каби улуғ шоирлар шеърятини қунт билан ўрган! Уларнинг ижоди йўлингни ёритишда машғал бўлади. Сен халқимизнинг бахтли ўғлонисан, бир ёнингда Абдулла, бир ёнингда Абдулҳамиддай меҳрибон акаларинг бор. Улар каби оддийликни шиор эт!— деб ўгит берди.

Усмон Носир ўрнидан туриб, ҳаммаларига таъзим қилиб, Ғулум Зафарийга:

— Хайрли маслаҳатингиз учун ҳар қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам кам. Ҳар бирингиз мен учун устозсизлар. Сизлардан кўп нарсаларни ўргандим, аммо яна ўрганишим керак. Сизлар суянчиғим, фаҳрим, шарафимсизлар,— деди.

Кун кеч бўлиб қолди, устма-уст тортилган овқатларни тановул қилишгач, Ғулум Зафарий, Абдулла Қодирий ва Чўлпон шаҳарга қайтишга тараддуд кўра бошладилар. Тоғамнинг ўғли файтунни қўшиб чиқди. Биз уларни кузатиб қолдик.

Эртасига Берегин, Усмон Носир ва мен яна канал бўйига бориб ўтирдик. Усмон Носир сумкасини очиб қазди, яхна гўшт, бодринг, помидорлардан газак тайёрлай бошлади.

— Усмон, нима қилаясан?— деб сўрадим.

— Ҳар эҳтимолга кўра шаҳардан келаётганимда бир шиша коньяк олиб эдим, ҳозир тақсирим (Элбек) йўқ, учаламиз бир отамлашайлик,— деди-да, коньякни олиб пиёлаларга қуйди. Сухбатимиз жуда қизғин ўтди. Мен Усмонга нисбатан камгап бўлсам-да, ўша дамда ундан қолишмай гапирган эканман, шекилли, у:

— Бу дўстим хушвоз қорию қурро  
Узи кўп вазмину ичганда бурро,—

деди, менга ишора қилиб.

Ҳаммамиз кулишдик. Шунга айтиш жозик, бир кун илгари шу ерлик бир кишининг «худой»сига чиққанимизда мен Қуръон ўқиган эдим, ҳозир ёзилиб ўтирганим учун «қурро ва бурро» сўзларини қофия қилди чамамда. Мен Усмонга:

— Ҳаммамизга лақаб тақдинг, нега Ғулум Зафарий, Абдулла Қодирий ва Чўлпонга лақаб қўймагансан?— дедим.

— Эсинг жойидами? Улар менинг устозим... алайҳи-с-саломнинг хешларидан бўлади, тил тегизсанг оғзинг қийшайиб қолади,— деди у. Хайрлашаётганимизда эса: — Эртага эрталаб ғафлат босиб ётавермасдан бизникига чиқ! Толдан от ясаб, от-отакам ўйнаймиз,— деб қўшиб қуйди.

— Кеча сенинг раъйингга қараб, ёш болалардай чиллак ўйнадик, копток тепдик, энди от-отакам ўйнасак, кўрганлар бизни жинни бўлиб қолибди, дейишмайдимми? Ўзинг ўйнайвер! Менинг вақтим йўқ,— дедим қатъий равишда.

— Бўлмаса, Суфо (Берегинга шундай лақаб қўйган эди)ни олиб, ҳазратимнинг олдларига чиқайлик-чи, нима каромат кўрсатар эканлар. Кеча чиқмаганимиз учун биздан қаттиқ хафа бўлиб ўтирган эмиш,— деди.

Берегинни олиб, Элбекнинг ҳузурига бордик. У кишининг қоғоғи солиқ экан. Берегин билан кўришиб, бизнинг саломимизга алик ҳам олмадилар.

— Булар ҳавойи саёқ йигитлар, сенга нима бўлди?— дея саволомуз Берегинга қаради.— Кеча эрталабдан кечгача зерикиби, ёрилишимга сал қолди.

— Мен нима қилай? Кеча мениям кўярда-қўймай олиб кетишди. Буларни чўмилишини томоша қилиб ўтирган эдим, иккови келиб, мени сувга улоқтириб юборишди. Сузиб чиққунимча ўла-ёздим,— деди Берегин.

— Саёқлар билан юрсанг, таёқлар еб қолишинг ҳеч гап эмас,— деди Элбек.

— Тақсир, каромат қилдингиз, икки-уч кундан бери бу дўстим кўзимга ғалатироқ кўриняпти. Мавлоно Фурқатни ибораси билан айтганда, «Йўқ хуши, пари теккан девонага ўхшайди» деб мени ишора қилди ва устозига таъзим бажо айлаб, олдига 10 сўм ташлади.

— Тақсирим, бу сизга, назир, дуо ўқиб дўстимга дам солиб кўйинг! Шояд бу дарддан фориф бўлиб кетса! — деди.

— Бу назирингга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Кўпроқ узат,— деди Элбек пулни олмай.

Усмон Носир чўнтагини кавлаб яна ўн сўм чиқарди. Элбек кўлини фотиҳага очиб:

— Э, инсу жинс парилар! Дид-фаросатларингизга минг тасанно! Хўб одамани топиб ёпишибсизлар, иншоолоҳ бу йигитдан зоелик кўрмайсизлар! Енидаги шеригиниям ўз домингизга тортсангизлар, ўла-ўлгунча сизларни хизматингизда бўлади. Омин! — деб фотиҳа ўқиб юборди-да, Берегинга пулни узатиб: — Қимиз олиб кел,— деб уни гузарга чиқариб юборди.

Уша куни кечгача сой бўйида дам олдик. Элбек ҳам биздан гинасини унутиб, хурсанд бўлиб ўтирди.

Тоғамнинг Нодирахон деган ўн саккиз ёшлардаги чиройли, чаққон, одобли қизи бор эди. У ниҳоятда озода, серғайрат бўлганлиги, бунинг устига Элбек, Берегин, Усмон ва менга ўзини ниҳоятда яқин тутиб, хоналаримизни ҳар куни саранжом-саришта қилиб, ҳурматимизни жойига қўйганлиги учун ҳаммамиз уни синглимиз каби яхши кўрар эдик. Бир куни тўртовимиз чорпоёда гаплашиб ўтирганимизда, Нодирахон чой келтирди. Усмон унинг кўлидан чойнакни олиб:

— Ўтир! Сенга атаб шеър ёздим, ўқиб бераман,— деб қолди.— Сен гоҳятда гўзал, тенги йўқ лобару нозанисан, мен бўлсам гўзаллик шайдосиман. Баъзан гўзалликка ишқим тушиб, баъзан гўзалликка ҳавасим келиб, шеър ёзаман, буни эса ҳавасим ғолиблигидан сенга бағишлаб ёздим,— деб «Нодираи даврон экан» деган аруз вазнидаги шеърини ўқиб берди. Нодирахон шоирнинг кўлидан ўша шеърни олиб:

— Сиз меҳрибон акамдан менга унутилмас эсдалик,— деди-да таъзим қилиб чиқиб кетди.

Меҳмонлар кетишгач, биз ҳам зерикиб қолдик. Эртасига ҳаммамиз файтунга ўтириб, шаҳарга етиб келдик ва хайр-хушлашиб уй-уйимизга тарқалдик.

1937 йилнинг охирларида Тошкентга келсам, юрт алғов-далғов, халқимизнинг асл фарзандларидан аксарияти халқ душмани сифатида бадном қилиниб қамалган, сотқинлик, адолатсизлик авжга минган экан. Яқин кишилар билан суҳбатлашиш нари турсин, кўрганингда салом-алик қилишга ҳам юрагинг ботинолмай қолган пайт. Тушкунлик, умидсизлик шу қадар ҳукм сурганки, бугун борсан, эртага йўқсан, деган кайфият барчанинг дилига жо бўлиб қолган. Ҳамма эртанги кунга шубҳа билан қарайди. 1938 йили Тошкентнинг Карл Маркс кўчасида тасодифан Ойбекни учратиб қолдим. Холироқ бир жойга ўтгач: «Аҳволларингиз қалай, тинчмисиз?» деб сўрашдим. «Сўроқ, сўроқ», деб жавоб қилди Ойбек. Мен бунга дарҳол тушунмадим. Кейин билсам, Ойбекнинг бошидан ҳам кўп ғавғолар бўлиб ўтган экан...

Хотираларимда номи кўп тилга олинган шоир Элбекни бугунги ўқувчи яхши билмайди. Шунинг учун бу адиб ҳақида алоҳида тўхталгим келади. Элбек адабиёт назариясини пухта ўзлаштирган ўткир зеҳнли шоир бўлиши баробарида самимий, содда, камтарин, ёшларга меҳрибон, садоқатли инсон эди.

Унинг шеърлари оддий, дилга яқин, халқона оҳангга йўқрилганидан қалбга тез ва раvon етиб борарди.

Элбек ҳам Чўлпон каби ўз шеърларида ҳар бир сўзни ақл тарозусида ўлчаб ишлатарди. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтираман:

Кетдим, йўлакай қолди фақат ерда узун из,  
Етдим, далалар бағрига кўклам елидек тез.  
Тоғ лола оғиз, кўзлари юлдуз, ўзи гул қиз!  
Ҳой-ҳой, шу гўзал ергами чорлаб эдингиз, сиз?

Элбек менинг унча-мунча аруз вазнида ёзган машқларимга ёрдам берар, уларга тузатишлар киритиб турар эди. Бир куни аруздаги бир шеъримни Элбекка кўрсатдим, у мени ўқситмаслик учунми... билмадим: «Анча тузук ёзибсан! Бироқ шеърдаги «деяверсин!» сўзларини «дегудайман» сўзи билан алмаштирсанг яхшироқ бўларди», деди. Мен дарҳол бу маслаҳатга амал қилдим. Мана ўша шеър:

Эл таъна қилиб, мени мажнун деса, дегудайман,  
Лайли сифат дилбари мафтун деса, дегудайман.  
Ишқ офатидан жон бўлди, заиф, ҳам бўлди таним.  
Қадимни кўриб, қомати нун деса, дегудайман.  
Хун бўлди кўзим, ҳажрида йиғлаб кечаю кундуз,  
Ашқимки селобини Жайхун деса, дегудайман.  
Бошимга маломат тошлари тинмай ёға бергач,  
Рўзгоримни кун-паякун деса, дегудайман.  
Умрим бу жаҳон ичра фароғат кўрмайин ўтди,  
Мақсудийни иқболи нигун деса, дегудайман.

Мен янги услубда шеър ёзолмаганим учун аруз вазнида машқ қилишни хуш кўргандим, аммо ўша маҳалларда арузда битилган шеърга муносабат бошқача эди. Устига-устига мендан тузуккина шоир чиқишига ўзимнинг ҳам кўзим етмай, ўқитувчи бўлишга жазм этгандим. Гулбек деган ўртоғим Элбекнинг шоғирди эди. У янги услубда шеърлар ёзар, шеърлари матбуотда босилар эди. Гулбекнинг «Ер юзи» журнали чиқиши муносабати билан ёзган шеърдан икки сатр келтираман:

Мен Элбекни қаттиқ ҳурмат қилардим, уни ўйласам ҳозир ҳам вужудим қақшаб, юрагим муз бўлиб кетади — изтироб чекаман.

Начора!

Сталин ва унинг яловбардорлари чирмандасига ўйнаб, гуноҳсиз, софдил кишилар устидан сохта гувоҳлик бериб, уларни қоралаган кимсаларнинг номлари аста-секин фош этилишига шакшуб ҳам йўқ.

Умуман айтганда, ўша вақтларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар юз берар эди. Қамалган шоиру адибларнинг аксарияти билан суҳбатларда бўлганман. Улардан давлатга қарши, миллатчиликка оид биронта сўз эшитмаганман. Улар халқимизга садоқатли, меҳрибон зотлар эди.

Гуноҳкор қолиб, гуноҳсизлар қамалаверса, дом-дараксиз йўқотилаверса, бу қандай бедодлик?!.

Бу хотиротни ёзишим жуда оғир кечди. Ўйлаган ўйларим эски ярамни янгилаб, куйган юрагимни яна алангалатиб юборди. Мен, Абдулла Қодирийнинг халқимизнинг қарийб беш асрлик тарихини романда акс эттириш, Чўлпоннинг шеърий роман ва ўзбек классик куйлари асосида опералар ёзиш, Усмон Носирнинг катта дostonлар яратиш режаларидан воқиф эдим. Оға-инингдай бўлиб кетган адибларнинг ёзажак асарларидан халқни бенасиб этса, халқ руҳини синдирса, бундан куймай-ёнмай бўладими?! Ахир шу даврдан бери китобхонлигимни ҳам тарк этиб юбордим-да. Бу ўз-ўзидан аёнки, машъум сиёсатнинг оқибати.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишга мажбурият сездим. Мен Абдулла Қодирий ва Чўлпон асарларининг таҳрир қилинишига асло қўшилмайман. «Билағонлар» қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишганлар. Масалан, Чўлпоннинг «Мен ва бошқалар» сарлавҳали шеърининг иккинчи мисраси «Уйнаган бошқалар, биғлоғон менман» бўлиши керак. Афсуски, «биғлоғон»нинг ўрнига «йиғлоғон»ни икки марта қайтаришибди. «Мен шоирми?» шеърисидаги «ҳақир» сўзини «ҳафиф» сўзига, «эркин кўпиклар»ни «чиркин кўпиклар»га алмаштиришибди. «Ўтган кунлар»нинг таҳрири эса бундан ҳам ажабланарли. Бу асарлар қандай ёзилган бўлса, худди шу ҳолда ўқувчиларга етказилиши шарт! Улар таҳрирга муҳтож эмас. Ҳаёт ҳақиқати қандай бўлса, худди шундай ёзишган бизнинг мумтоз адибларимиз.


Улуғлар ҳақидаги хотираларимни дўстим Усмон Носирни эслаб ёзган шеърим билан якунлайман:

Азизим, мунисим ҳам нури-дийдам кетди, мен қолдим,  
Жаҳон андуҳидан ҳамроҳим илдам кетди, мен қолдим.  
Мозори лозазор ўлгай тўкилган қонли ёшимдан,  
Садоқат бобида дардимга ҳамдам кетди, мен қолдим.  
Қадрдон дўстлари Чўлпону Элбек ҳамда Жулқунбой  
Изидан қолмайин мутлақ дамодам кетди, мен қолдим.  
Улимдан кўрқмайин доим ҳақиқатни шоир айлаб,  
Ўз мардона сўзида турди бардам, кетди, мен қолдим.  
Фалак бедодлигини кимга айтиб, кимга йиғларман,  
Дегайлар Мақсуди мотамда ҳар дам, кетди, мен қолдим.

1988—1989 й.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Адабиёт ва санъатимиз, фанимизнинг улкан арбобларини биз, асосан ёзган асарлари орқалигина биламиз. Уларнинг маънавий қиёфаси, ташвиш ва қувончлари, оилавий турмушдаги ўрни, кучли ва ожиз томонларини-чи! Бу борадаги таассуротларимизни бойитиш, ўтмиш ҳодисаларини бетакрор манзараларда кўриш, ҳис қилишда ўша шахсларни кўрган, билган одамлар, оға-инилари, оила аъзоларининг хотиралари, ёдиомалари бебаҳо ўрин тутади. Негаки, бу беназир зотлар кундалик тутишмаган, тутишган бўлса ҳам, уларда таржимаи ҳолларига оид қайдларни деярли учратмаймиз. Замондошларининг гувоҳликлари, хотиралари уларнинг ҳаётини ҳар томонлама ёритиш билан бирга ҳар хил ўринсиз мақтов ва камситишлардан ҳам сақлайди. Шу сабабли биз журналимиз саҳифаларида ўттизинчи йилларда ва ундан кейин оммавий қатағонга учраган улўғ ижодкорларнинг ёрқин сиймосини халқимиз кўз олдида тўлароқ гавдалантириш учун замондошлари ёзган хотираларига кенг ўрин берамиз.

Азиз журналхонлар! Ораларингизда шахсга сийгиниш йилларида ноҳақ қурбон бўлган адибларимиз билан учрашган, суҳбатларида иштирок этган ўртоқлар бўлса, ўз хотиралари, эсдаликларини редакциямизга ёзиб юборишларини илтимос қиламиз.



## ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

**Иброҳим Раҳим. Ешлик қайтиб келмайди.  
«Юлдузча» нашриёти, 1989 йил.**

Адабиётимизда ҳарбий насрнинг шаклланишига катта ҳисса қўшган ёзувчимиз Иброҳим Раҳимнинг «Ешлик қайтиб келмайди» номли янги асари — хотираларини ўқирканмиз, адиб ҳаёт йўлига узоқ йиллик босиб ўтилган машаққатли масофадан сўнг бир катта бекатда тўхтаб, бугунги саксонинчи йиллар назари, қайта қуриш тафаккури билан қараганининг гувоҳи бўлдик.

И. Раҳим хотираларида янги жамият — Совет ҳокимиятининг Ўзбекистон тасарруфида пайдо бўлиб, ривож топганини ўзи ва тенгдошлари, қишлоқдош ва элдошлари, қўйингки, бутун Фарғона водийси халқи тақдирида ёритиб боради. Катта ҳаёт йўлини ёш Иброҳимнинг ўзи ҳам ижтимоий фаоллик — кашшофликка, комсомол қўмитасига ўтиш билан бошлайди.

Оиласи, ҳаётдан эрта кўз юмган отаси, заҳматкаш, муштипар онаси, акалари, бошқа ҳамқишлоқлари образларини чизаркан, адиб улар орасида кекса Маҳмудхўжа ота — мачит сўфиси феъл-атворини буткул янгича, алоҳида меҳр билан тасвирлайди. Маҳмудхўжа ота илгари биз ўқиб-билиб, таниган дин аҳлларида кескин фарқ қилади. У ҳамisha одамларнинг ғамини ейди. Уларга қўлидан келган ёрдамини аямайди. Қишлоқнинг бош маслаҳатгўйи, мучалчиси, доно одами — шу киши. Еш Иброҳимнинг турилган кунни, ойини ота ўзининг фавқуллода тиниқ хотираси билан аниқ айтиб беради. У бу жиҳатдан жонли қомус, қишлоқ аҳлининг беминнат тарихчиси.

Адиб етим болаларнинг одам бўлиб, оёққа туришларида ўзининг қўлидан келган барча оғир-енгил ишларни қилган оналари Тўхтабиби хола образини катта меҳр билан чизиб берган.

Ёзувчи хотиралари биз билган бошқа асарларга ўхшамайдиган хулосаларга бой. Қахрамон, ҳали у ёш бола пайтида қорни тўйиб бир бор палов еган ва уйларига биринчи марта нон олиб келган кунини жуда ҳаяжон билан эслайди. Етим болалар олис қишлоқдаги тўйга боришади. Еш Иброҳим узоқ йўлда чарчаб қолганидан юролмай қийналади. Акалари уни навбатма-навбат опичлаб, манзилга етказишади.

«Уша кунни болалигимнинг энг унутилмас кунни бўлиб қолди. Унутиб бўлармиди! Аввало мени одамлар қаторига ўтказиб, барча баробар менга ҳам тўй тортиғи бердилар. Тортиқмисан тортиқ: катта-кичик бўлса-да тўққизта нон! Ош еб ўтирганимда ҳам нонлардан кўз узмасдим... Тезроқ фотиҳа ўқишсаю нонларни қўлтиқлаб бориб меҳрибон онамга икки қўллаб тутсам, «онажон,

мана мен ҳам нон топиб келадиган бўлиб қолдим» десам...»

Ўтмиш ҳақида гапираркан, адиб ҳаёт жуда қийин, машаққатли бўлишига қарамай, одамлар орасида ҳукм сурган инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, саховат, турли ажойиб халқона анъана, урф-одатларни болаликнинг равшан кўзлари билан жонли акс эттиради. Бу тўйнинг янада каттаси халқ тўйи — Наврўз, Баҳор байрами манзараларидир. Бу лавҳалар тасвирини чизганда адиб шоир бўлиб кетади. Қорхат ўйини, унинг шартлари, биринчи қордай оқ, беғубор туйғулар...

Қишлоққа Совет ҳокимиятининг кириб келиши, болаларнинг савод чиқаришлари, қизлар мактаби, отин ойи қўлида таҳсил кўрган ёш Иброҳимнинг Отахўжаев муаллим дарсларидаги муваффақиятлари лавҳалари ҳаяжонли, тиниқ ёритилган. Ҳали мўйлови сабза урмаган муаллимнинг биринчи дарси. Аёлларнинг дарсни байрамга айлантириб юборишлари ҳам илҳом билан тасвирланган.

1926—27-йилларда қишлоқларда «фирқа», «комсомол», «қулоқ», «артель» каби янги маъно ташийдиган сўз ва атамаларнинг пайдо бўлиши ҳақида адиб жуда қизиқарли бадий маълумот беради.

Шу ўринда, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига атаб қилган маърузасида М. С. Горбачев босиб ўтилган шонли йўлимизга ҳолис баҳо бераркан, бу йўл фақат ғолибият, шон-шараф йўлигина эмас, балки улкан ҳатоликлар ва адашишлар, қинғайишлар йўли ҳам эканини очиқ-ойдин таъкидлаганини қайд қилиб ўтиш лозим. Айниқса, мамлакат тепасида Сталин бошлиқ партия-ҳукумат раҳбарлари ҳукмронлик қилган пайтлари Иттифоқдаги барча катта-кичик халқлар ўзларининг энг асл фарзандларидан жудо бўлдилар. Ассосиз қатағоннинг жафосини чекдилар.

И. Раҳим коммунист, зиёли сифатида ана шу хатолар ҳақида ҳам ўз холис нуқтан назарини, ўша йилларнинг гувоҳи сифатидаги фикр-мулоҳазаларини билдирадики, бу ҳозирги ёш авлодлар учун аҳамиятлидир. Булар унинг «қулоқ» ларга, адабиёт, санъат, маданиятимиз арбобларининг «халқ душманлари» сифатида қамоққа олиниб, ўлдириб юборилишлари ҳақидаги воқеаларга муносабатидир.

«Инсоф билан айтганда, — дейди хотира муаллифи, — ўша қулоқ қилиб юборилганларнинг кўплари «қулоқ»лар даражасидаги техникўрлар эмасдилар. Ўз кучи билан кун кўрадиган, ўзига тўқ, ўртаҳол деҳқонлар эдилар. Улар «кўпга келган тўй»га қўшилиб кетдилар...»

«Давлат сиёсатидаги салгина янглиш, тўғри сиёсатни амалга оширишда юз берадиган кичкина хато — эл-элатларга, меҳнаткаш оммага, ҳатто бутун бошли мамлакатга қанчалар зарар келтиришини ўз кўзимиз билан кўрдик», — дейди муаллиф сал кейинроқ.

Шу йўсин саводсизликни тугатиш, мактабларнинг ташкил топиши, биринчи радио, биринчи телефон, биринчи газета, ёш ўқитувчи Иброҳимнинг биринчи мақоласи каби барча Совет давридаги б и р и н ч и ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, бу жараёндаги машаққатлар, кураш йўли баён қилинар экан, Фаргона водийсида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, одамлар онгининг ўзгариши, янги жамият ва руҳиятга эга бўлиб бораётган халқнинг дунёга келиши содда, ишонarli лавҳаларда кўрсатиб берилади.

И. Раҳимнинг адабиётга кириб келиши, атоқли санъаткорлар билан танишиши, мазкур давр ҳақидаги таассуротлари ҳам ўқувчини лоқайд қолдирмайди.

«Шахсга сиғиниш даврининг ўша йилларида журналистикамиз ва адабиётимиз, айниқса ақлли, фикрловчи зиёлиларимиз катта жабр кўрди. Отажон Ҳошим кетидан Фитрат, Аъзам Айюб билан Муҳаммад Ҳасан, Абдулла Қодирий қаторида Чўлпон, Усмон Носир ва Маннон Уйғур сингари маданиятимиз устунлари қамаб юборилди. Энг яхши миллий маданият кадрларимизнинг йўқотилиши маънавий ҳаётимиз ривожига, гуркираб ўсаётган адабиёт, санъатимиз равнақиға бзмунча зарар етказмади!»

Бугунги ёш авлод, болаларимиз ўз бобокалонларининг тақдир қандай кечганлигини, улар жамият учун нечоғлик улкан қурбонлар берганликларини яхши билишлари керак. Бу йўлда уларга «Ёшлик қайтиб келмайди» китоби қўл келади.

Ёшларимиз ўзбек халқининг атоқли фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов сингари шахслар ҳаёти ҳақида бор ҳақиқатни билишлари борасида ҳам бу хотира-асарнинг муяйян аҳамияти бор.

«Файзулла Хўжаевни ишдан бўшатиб, қамаб, ўрниға Абдуллажон Каримовни тайинлаш маросимида муҳбир сифатида мен ҳам иштирок этгандим, — дея хотирлайди муаллиф, — ўшанда Файзулла Хўжаевға нималар деб айб тақшимаганди, қандай ҳақоратлар қилишмаганди. Гўё у Ўзбекистонни Англияға сотиб юбормоқчи бўлганмиш. Акмал Икромов бўлса, Советлар тузумини йўқ қилиб, Ўзбекистонда буржуа давлати тузмоқчи бўлганмиш. Бу икки улуғ арбоб ҳақида «газанда», «заҳарли илон», «соткин», «халқ душмани» каби энг жирканч сўз ва тавқи лаънат ибораларни ишлатишган эди...»

Адиб бугунги кун нуктаи назаридан, чинакам демократия, ошкоралик, қайта қуриш сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мураккаб 30-йиллар ҳаётини мана бундай баҳолайди:

«1937 йил ўзбек миллий кадрлари учун қирғинлик даври бўлганди. Файзулла Хўжаев ўрниға раис бўлган Абдуллажон Каримовни уч кун ўтмай турмаға ташладилар. Кетидан Акбар Исломов ва барча ўзбек комиссарларини қамадилар... «Ёшлар дохийси» деб ном қозонган ЎзЛКСМ Марказий Қўмитаси котиби Исроил Ортиқовни шаҳар фаол комсомоллари йиғилишида нутқ сўзлаб турган минбардан қўлини орқасига боғлаб, намойишкорона ҳайдаб кетганларини ўз кўзим билан кўрганман... Эрталаб кўрган одамнингиз кечқурун ғойиб бўларди. «Халқ душмани» сифатида турмаға ташланганини эшитиб қолардингиз.

Инқилоб ғалабаси учун, халқ бахт-саодати учун курашган, жон-дили билан хизмат қилаётган раҳбар арбоблар бирданиға ва бирваракайига «миллатчи», «саботажчи», «Халқ душмани», «жосус» ёки «ёт унсурлар ҳомийси» бўлиб қолаверарди. Шундай қилиб, ўзбек жамияти бир қув энг сара одамларидан жудо қилинганди.»

Хотира муаллифи Совет жамиятининг бир фалол қурувчиси, кўпни кўрган коммунист сифатида

шундай хулосаға келади: «Аммо бутун халқни қамаб бўлмас экан, халқ енгилмас экан. Кўрдик, билдик, ишондик...»

Эътиборли жойи шундаки, Иброҳим Раҳим ташкилотчи, уюштирувчи, адабиётдаги, бадий мақоланависликдаги яхшилик куртакларини қўллаб-қувватловчи ижодкор сифатида ном қозонган адиб эканиға қарамай булар ҳақида, ўз хотираларида индамай ўтади.

Бу жиҳати билан ҳам И. Раҳим хотиралари ўз тенгдошлари эълон қилган айрим хотиралар ва таржимаи ҳол қиссалардан фарқ қилади. «Ёшлик қайтиб келмайди»да муаллиф марказий шахс, «қаҳрамон»ға айлантириб юборилмагани — бу камтаринлик, адиб хотираларини безаган, ўқишлилигини оширган.

Ушбу фазилатлар билан бирға хотира-қиссада айрим нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Булар, бизнингча, асарнинг тили, услуби, бадий сифати билан боғлиқ. Адиб шу кичик ҳажмли асарида айрим қаҳрамонлари ҳаёти, тақдир тасвирида чалқашиб қолади. Бир шахс умр йўлида уни фарзандсиз эди дея, (амакисини) бошқа саҳифаға бориб, у одамнинг серфарзандлигини айтади.

И. Раҳим бадий мақоланавис сифатида машҳур. Унинг бу борада матбуотда кейинги чиқишлари ҳам халқимиз диққатини тортмоқда. Бироқ бадий асар сифатида «Ёшлик қайтиб келмайди»да тил ғализлиги, бадииятнинг заифлиги кўзға ташланади. Кўп лавҳалар маълумоти, нуктаи назари, хулосаси билан аҳамиятли бўлса-да, бадий ҳақиқат даражасига ўсиб чиқмаган.

Асар услубий жиҳатдан оқсоқланади. Хотираниннг жуда катта қисмини Улуғ Ватан уруши даври эғаллаган, оқибатда ундан олдинги давр «сиқилиб» қолган. Бу эса бадий тасвирдаги меъёрни бузган. Баъзи ўринларда тарашланмаган баёнчилик, чўзиқ тасвирлар учрайди.

20—30-йиллар, Улуғ Ватан уруши давлари ҳақидаги хотираларда Совет жамиятининг куч-қувватға тўлиши, мустақамланиши жараёнини кўрсатишда муаллиф атоқли, фидойи давлат арбоблари билан бир қаторда уни, яъни давлатни кучсизлантириш, партияни обрўсизлантириш, халқ умидларини суистезъмол қилиб, унинг ишончидан эрта чиққан шахслар ва воқеалар ҳақида ҳам батафсил чуқур тўхталиш имкониятиға эға эди. Айниқса, сиёсатнинг ўзгаришиға қараб, ўз ниқобини алмаштириб турган замонасоз олим, адиб, арбобларнинг иккиюзламачи қиёфалари бугунги ошкоралик кунда армив ҳужжатлари, гувоҳларнинг жонли хотиралари асосида рўйроқст очиб ташланмоқда. И. Раҳим бу жиҳатдан ҳам ўз хотираларини бойитиши лозим эди, деб ўйлаймиз.

Утмишни таҳлил қилишдан мақсад бугун ва эртанги ҳаётни яхшилаш, ундан тўғри хулоса чиқариб олишдан иборатдир. Ҳарқалай, асарда кейинги қарахтлик даврининг илдиэ-оқибатлари ўша ўтган йиллардаги раҳбарлик бошқарувиға кўп жиҳатдан боғлиқ бўлганлиги ўқувчи-китобхонға етказилмай қолган.

Хулоса қилиб айтганда, И. Раҳимнинг «Ёшлик қайтиб келмайди» хотираи ҳаётимизнинг тарихий-инқилобий босқичларини билишда, бу мураккаб давлар ҳақида холис хулосаға келишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Шўролар жумҳурияти, партия-ҳукумат раҳбарлари фаолияти ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш, халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва байналминаллик илдиэларини билиш, ёзувчи ижодий йўлини ўрганиш, адабий қиёфасини таниш жиҳатларидан ҳам ибрат бўладиган асардир.

**Маҳмуд САТТОНОВ,**  
филология фанлари номзоди

## ҲАЯЖОНЛИ ВАРАҚЛАР

Абдулла Шер. «Нуқтадан сўнг».  
Достон ва шеърлар. «Ёш гвардия»  
нашриёти, Тошкент—1989.

Инсон умри, асосан, бир хил тус ва мувозанатдан иборатдек туюлади. Кўникиш Одам табиатидаги энг қуюқ рангли хусусият бўлса ажаб эмас. Макон ва замонда ҳеч қандай ғоя-мафкура-назария Абадиян ва Яккаҳоқим бўлолмайди. Дунё бир хил ранг ва бир хил қолипда яратилмагандир. Уни бир хил ранг ва бир хил қолипга солиш учун ҳар қандай зўрма-зўраки уриниш ёки бу уринишни синдиришга уринмаслик эса фожиадир. Бу фожиани кўрган таниқли шоир Абдулла Шернинг шеърӣ қиссаси қаҳрамони лоқайд одамларни қоралар экан, улар «Менингдек бир тўп нодон» деган хулосага келди. У «Ўзини мард билган, (аслида) мардликини хор қилган, (аслида) эрк қалбини тилган (!) гуруҳ ҳақида «Қонли варақлар»гагина ҳайқира олди. Қисса қаҳрамони — Вьетнам урушидаги Америка аскарӣ Эдгар Томсон афғонлар тупроғида «Байналмилал бурч»ини ўтаётган ўзбек йигитига жуда ўхшайди. Уни ҳам «Бир кун чорлаб дедилар: «Ҳарбий хизмат деган бурч бор — ўтайсиз; Юрт фарзанди ҳарбу зарбда етилар... сизга ишонамиз, юрт ўғли!»

Қиссани шартли равишда тўрт қисмга бўлсак: биринчиси шуки — нажотталаб вьетнамликларга ўқ узишга қўли бормаган аскар Эдгарнинг тимсоли; иккинчиси шуки — шу асар тасаввурида бошқатдан яралган Ватан — Америка тимсоли; учинчиси шуки — озурда Вьетнам халқининг болалар қиёфасидаги тимсоли; тўртинчиси эса — тарихда босқинчилик деб баҳоланган урушда Америка кўшинлари ҳарб-зобитларининг қаҳрамон нутқи тиклаган тимсоли. Бу қисмларни бирин-кетин, алоҳида-алоҳида эмас, балки бир бутун яхлитликда кўриб чиқайлик.

Қисса қаҳрамони аксарият кўпни кўрмаган ёш йигитлар сингари Ватан, ватанпарварлик ҳақида хийла юзаки — ҳавойи тушунчаларга эга. Минглаб чақирим ортда қолган Ватани учун адолатли кураш иштиёқида ёнган йигит жангга кириб, одамқушлик қилишга мажбур этилганида Ватан ва Ватан учун курашни тушунчалари ўзгариб кетди, айни пайтда ўзгармади ҳам. Ўзгаргани — у ўз Ватанининг асл, ниқоб ортидаги қиёфасини кўрди, ўзгармагани — у Ватан учун кураш одамқушлик ва юртбузарчилик эмаслиги йўналишидаги ўз эътиқодига содиқ қолди. Оқибатда йигитнинг ўзини Ватанга хиёнат қилганликда айблаб ҳибсга олганлар, у ўз қатлини кутмоқда. Аслида Эдгар Томсон ватанпарвар, бироқ, унинг ватанпарварлиги ўзи каби ижтимоий тузум ва ноодил сиёсат қурбони. Йигит Ватан учун курашни истайди, лекин у яшаётган давлат, ҳукумат чин маънодаги элпарварлик, ватанпарварликни хиёнат, сот-

қинлик, халқ манфаатларига зид бориш деб баҳолайди ва жазолайди.

Америка! Америка! Диёрим!  
Сен ўзингсан ҳам йўғиму ҳам борим!  
Номусингга ўқлар отгин дедилар,  
Мен отмадим,— хоинларни қарғадим...  
Сени севдим — мени сотқин дедилар...

Макон ва замонда бир-бирига монанд ёхуд мантиқан яқин воқеа-ҳодисалар баъзан бир пайтда, баъзан олдинма-кейин рўй беради. Лекин бир меъёр ўзгармай қолаверади: ҳамма замонлару маконларда моҳият умумбашарӣ юксакликдан бир хил баҳоланади. Демокриманки, қисса қаҳрамони Томсон ҳукумат ва ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти даражасидаги турли йиғинларнинг қарорларига ҳам умидсизлик билан қарайди. Чунки уни ўзга халқни қиришга юборган ҳукуматнинг амалий натижа бермайдиган қуруқ сўзбозлиги, ҳеч тортинмай ваъда беришни ўзига касб қилиб олгани, мажлислари жанозага айлангандек туюлади. Эдгар шундай руҳий ҳолатда ҳам ўз хулосаларига шубҳаланиб қарашга журъат топди. Чунки бу кескин фикрлар маълум гуруҳнинг шаъни, эътиқодига бориб тақалади. Қисса қаҳрамонининг сўнги дамларда ҳам ҳатто ғаюр имон-эътиқодига ҳурмат билан қарашни йўқотмагани унинг фазилати бўлиб кўринади. Ўзгарнинг ўзиникига ўхшамаган энг арзимасдек туюлган назарига ҳам эътиром-ла қараш фазилат саналади-ку, ахир. Аммо Томсон мавжуд ижтимоий ҳаётни кўзи билан кўрган, қалбида кечирган киши сифатида ўзининг ҳаққоний хулосасида қатъий қолади:

Эҳтимол, мен ўлим олди, талвасада,  
Тариқчалик нуқсингизни тоғ қилурман?...  
Йўқ, йўқ!..

Қисса қаҳрамони «Фарзандларин шарафсиз, хор ўлимга юбориб, Кимдан шараф кутасан, содда халқим, ёлвориб?!» — деганида, айниқса, Афғонистонда ҳарбий-аскарлик бурчини (?) ўтаган ўзбек йигитига жуда ўхшайди. «Менинг туғилган юртим, бахти бўғилган юртим... Менинг меҳрибон онам, ох, ситамдийда она, Мушфиқу меҳнаткашим, заҳматларга дугона...» Мазкур сатрлар ожиз ва нотавон миллатга қурол ўқтала олмаган шеърӣ қисса қаҳрамонининг ботиний дунёсини кашф этишга хизмат қилади, қурол ўқтала олмаслиқнинг сабабини англаш томон етаклайди. Адабий қаҳрамон халқпарварлик, юртпарварлик ўзга халқ ва юртнинг бахтинигулиги эвазига қурилишини инкор этади. Томсон Вьетнамда қирғинбарот қилаётган Америка бошқа-ю, Ватани — Америка бошқа эканини шу урушнинг битта иштирокчиси бўлгандан кейин, тўкилаётган Одам қонини кўрғачгина фаҳмлади. (Буни англаб етма-

ганлар қанча!) «Кечир! Айбим бахтинг деб к е ч (таъкид бизники — С. А.) курашга кирганим, Айбимдир с е н ч е к к а н и н г (таъкид бизники — С. А.) бу изтироб, бу озор!»— дейди у ўз диёрига қарата. Бундай тақаллум қилаётган адабий қахрамон руҳида Ватан тупроғида турган одамнинг ватансизлигидай бечораҳол бир кайфият барқ уриб турибди. Уз умрида кечиккан асар қахрамонининг видосига жон қулоғингизни тунинг: «Тингланг, эй тенгдошларим, асримнинг авлодлари! Зинҳор сизни эзмасин бу нағалли этиклар». Эдгар руҳиятига шундай ҳикмати тadbиқ этиш мумкин: ҳеч тушунмагандан кеч тушунган ҳам афзаллиги айни ҳақиқат. «Азиз Ватан! Нега мунча шарманда-шармисорсан... Бунча хорсан ёруғ дунё олдида?!» Шейрий қисса қахрамонининг кўзи, мақол билан ифода этсак, пешонаси деворга теккач очилди. Томсон ватан ичра Ватаннинг хору хўр бўлиб топталаётганини кўрди, бироқ, ул энди хибсда, қўлидан ҳеч иш келмайди. Унинг кайфиятидаги сокин шиддатдан, эй хўрлар, менга ўхшаб жим, ювшош ва гўлларча тураверманглар, деган истак сачраб турибди.

Шейрий қиссада болаларнинг «никоҳ тўйи» ўйнаётган лавҳаси ҳам анча ёрқин, эсда қоларли. Аслида никоҳ тўйи тафсилларинг ўзи рамзий. Никоҳ — тинч-тотув турмуш тимсоли. Болаларнинг «никоҳ тўйи» ўйини янада рамзийроқ маъно касб этади: бу ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаёт абадийдир, деган фикрга бадиий ишора. Бу — тараққиёт тадрижининг абадийянлиги уруш шароитида болалар ўйинига тенг бўлиб қолишдан шоирона изтироб чекиш эмасми? Болалар ўзини халоскор аскар ҳисоблаган Эдгар Томсондан эмас, гўё «бешафқат», тошбағир ёки жаллоддан» юз ўғирдилар... «Менга ҳайрон тикиларди қийиқ кўзлар...» Эдгар қизчага қайғудош, нимани ёқтираган?— деб сўрайди. Гарчи қизчанинг «шоколадни» деган жавобини кутса-да, ўзини ҳамма нарсага муҳайё қила оладиган сеҳргардек ҳис қилмайди. Қиз Эдгар кутганидек тоғдан эмас, боғдан келади: ёқтирган нарсаси ёмғир эканлигини айтади: «— Ахир ёмғир ёққан пайтда бироррта ҳам Уйга бомба тушмайди-да! Яхши-да шу!...» Ёмғир ёғиши ва уйга бомба тушиши ўртасида тазод бор. Ёмғир тириклик, бомба ажал ёғдиради. Боланинг таҳайюрга тўла қалб кўзи буни тирак ва теран кўради. Шоирнинг муваффақияти шундаки, у урушин ўзи — жамият тилидан эмас, бола — табиатнинг тилидан сассиз лънатлайди. Уруш нафақат ижтимоий-сиёсий, балки табиий балои азим ҳамдир, демоқча шоир. Бу лавҳа шейрий қиссанинг энг тиниқ, ўткир ўринларидан бири. Абдулла Шернинг шоирлик самими-яти:

Ахир, шамол эдим-ку мен!.. Эсмадим!..  
Ахир, қилич эдим-ку мен!.. Кесмадим!..

Жуда омад келмаганда, уқувли —  
Робинзонга Жумабойдек ярардим...»

сатрларида авж пардаларда янграйди.

Қисса уруш мавзундалиги учун ҳам унда ҳарбийлар қиёфаси, ҳарбий тартиботнинг бир жиҳати ўзини намоён қилади. У ҳам бўлса ҳарбисолорларнинг қиёфаси. Улардан бири айтади: «Мен тартиб ўрнатай деб кирганда ҳар қишлоққа, Жирканч похол томларнинг қулини совурмоққа Бир шода граната ва гугурт яхши ҳамдам... Осиёйи оила — гадодек исқирт, хаста — Ҳеч бир хавфу хатарни сезмайди ичкарида... Зум ўтмасдан зўр портлаш — омон топмас бирор жон, Чорак соатдан кейин қулбадан қолмас нишон». Кўз ўнгимда нафақат қўлидаги қурол билан бе-

чораларнинг хунини тўкишга қодир аскарни, балки ич-ичдан миллатчи, ўзларини бошқа миллат вакилларида беҳуда юқори тутувчи зўравон суврати гавдаланади. Бу хил ўзини юқори тутиш маънавий-маданий-маърифий улғулик эмас, балки қурол ва зўрлик билан тутиб турилади. Ундай ҳарбий хизматчиларни ҳукуматнинг мавжуд қонунлари-да ҳимояга олади, чунки бундай давлатга ўзини тутиб туриши учун шунақа сиёсат юргизадиган ҳарбийлар керак. Унда Эдгар Томсонни «Эрта билан отадилар...» Сўнгра уйига қорахат жунатадилар. Қорахат эса ёлғон олиб келади: «...ўғлингиз — оддий солдат Ҳалок бўлди худо ва юрт йўлида...» Ҳарбийлар алдар эканлар, ҳақиқатдан қўрқадилар. Чунки ростлик — моҳиятини таниш деганидир. Буларнинг барчаси мамлакатда, Эдгар Томсонга ўхшаганлар орасида ғайриҳарбий кайфиятини туғдиради. Бундай кайфият эса асосли ва ҳаққонийдир. Бунақа ҳарбий муҳитга ёхуд урушга Эдгарнинг отаси, ўғлимини бермаман, деса-да, ҳақи бор. Ҳозирча эса Томсон шундай демоқча: «Қани эди ўз эркимда бўлганимда, Мен уларнинг ёвузлигин Ватанимда Халққа дангал, ёшим ютиб айтар эдим...» Шоирнинг ютуғи шуки, мисраларда нафақат хибсдаги, балки озодликдаги кишининг ҳам эркисизлик руҳияти сузиб юрибди. Аҳамият берган бўлсангиз, Эдгарнинг «ўз ихтиёрида бўлганимда» бирор ҳукумат ёки фирқага эмас, айнан «халққа айтар эдим» дейишида ҳам катта маъно бор.

Умуман «Қонли варақлар» тўғрисида, хусусан шейрий қиссанинг муваффақияти ҳақида фикр юритиш баробарида, унинг жузъий, айни пайтда жиддий эътирозга сабаб бўлган айрим ўринларини ҳам умумий тарзда айтиб ўтсам. Шейрий қисса қахрамони энг оғир вазиятга тушган. У ўзининг жуда яқин муқаррар ўлимини кутиб хибсда ўтирибди. Жаҳон адабиётидаги сара адиблар ўз қахрамонларини шундай шароитга тушириб — бақо ва фано ўртасидаги ҳудудга олиб чиқиб, янги-янги бадиий қарашлар, назариялар кашф этишга ишқибоз бўлганлар ва шундан ҳузур қилганлар. Бунда улар инсон, яъни ўз қахрамонлари руҳиятини тadbиқ этиш, эринмасдан тadbиқ этиш йўлидан борганлар. Абдулла Шернинг мана шу тахлит тadbиқотидаги таранглик қийемга етмаган, бу баъзи ўринларда баёнчиликка берилганликдан бўлса керак. Масалан, Эдгар Томсоннинг «никоҳ тўйи» ўйнаётган қизчадан, «Ёмғирни яхши кўраман»,— деган жавобни олганидан кейинги руҳий кайфиятининг ўзиниёқ бир шейрий қисса қилса арзийди. Бироқ мен, шоир шундай қилмапти, демоқчимасман. Бу «совуқ» назариядан ташқари ижодкорнинг услуби билан ҳам боғлиқ масала. Ҳар қалай, икки йиллик ҳарбийни ўтаб, ўз эътиқодида қарши боролмаган асар қахрамони — аскар қахрамонининг руҳий ҳолатини чизишда изчилликдан чекинган ўринлар йўқ эмас.

Тўпладан ўрин олган мавзу жиҳатдан рангбаранг шеърларни шоирнинг дил офриги, қалб дарди бирлаштириб туради. Энг нафис туйғулар шоирни тинч қўймаса, шу куннинг долзарб масалалари уни бефарқ қолдирмайди. Бироқ «долзарб масалаларни кўтариш» шеърнинг вазифаси эмас. Умуман олганда, шеъриятга аниқ вазифа юклаш мумкин эмас. Абдулла Шер шеърлари баъзан «Юксакларга ин қурган пастларга лънат!»— («Оқ пахта...») ўқиса, баъзан «Нега сен ўлмайсан, Маҳмуд Ялавоч?!»— («Маҳмуд Ялавоч») дея азият чекади. Ҳар давринг ўз хиёнаткорлари — маҳмуд ялавочлари бўлади. Хиёнат ҳамма даврларда яшаш учун имконият ахтарилади, шуниси қизиқки, имкониятини ҳамisha топади. Ҳар замоннинг хиёнати ҳар хил бўлади. Кимдир ўз жонини сақлаб қолиш эвазига халқни



қурбон қилса, кимдир шахсий ҳамёнини кўз-лаб оммани қашшоқлик чоҳига итаради, кимдир кимгадир яхши кўриниш учун халқнинг дардли сўзига қулоқ тутмайди: «Чимкенту Тошкенту Қўқоннинг олтин Калитин Николай пойига отдинг... Сўнг Ватанни жуда арзонга сотдинг...» Бир меъёрда такоррланаётган «Нега сен ўлмайсан, Маҳмуд Ялавоч?!» сатри шеърий тарангликни даражама-даража ошириб боради. Шоир «Қошинг янглиғ ҳилолни мен бу тунлардан тополмасман» матлаъли рубобий (лирик) ғазалида «Қўлим бор-у, қилич бор-у, рақибимни чополмасман»,— дея ўзида кескинлик етишмаётганидан норози бўлади. Ушбу мисралар «Маҳмуд Ялавочлар»— хиёнаткорлар ва рақибларга қарши курашда қатъиятли ва изчил бўлишлик кайфиятини туғдириши билан аҳамиятлидир.

Абдулла Шернинг мазкур тўпламида шеър ва шоирлик меҳнати ҳақидаги сатрлар талайгина. Бу хилдаги шеърларда замон билан ҳамнафаслик бор... Дарҳақиқат, шоир даъвати майдонсизларни майдонга чақириб туради («Пушкин майдони»). Шоирнинг ёлғондан, минбарсеварликдан, олифтагарчиликдан безган деҳқон-сўзи «Рост гапни бер менга, экай еримга!»— дея хитоб қилади («Шеърни қайта қуриш ҳақида шеър»). «Шу бедор замоннинг мижжаларида Бир зийрак мардумдек яшаймиз ҳамон»,— дейди «Шоирлар» шеърида шоир. Мискин кайфият уйғотадиган бу мисраларда шоирликнинг катта моҳиятини қамраган рамзий тимсол мавжуддир.

Тўпламдаги айрим шеърлар қусур ва камчиликлардан холи эмас. «Зиёрат», «Улуғбек», «Эзма ёмғир эзади, эзади...», «Юлдузларнинг сирлисирли кулгусида...», «Раҳмат сизга, олислардан келибсиз, дўстим» шеърларида назмга хос бўлмаган баёнчилик, туйғулар номини ёки ҳодисаларни батартиб санаш йўлидан борилади. Ваҳоланки, «Букилиб, букилиб, охири лошим Тупроққа узанди бир нозик қилдек» («Ўтинч») сатрлари билан шоир чиройли тимсолли ифода услубини

намоиш қилган эдики, ўқувчи шоирдан шу тахлитдаги тимсолларга йўғрилган шеърлар кутади. Масалан, Улуғбек» шеърини тўлиғича келтирайлик:

Томирида бир пайт чопган қон  
Ханжар тутиб югургач, ҳайҳот,  
Юлдузларни болам деб султон  
Учиб кетди кўкка беқанот.

Абдулла Шер падаркуш ўғил ва мутафаккир-султон ота фожиасини бадий талқин қилишга уринади. Лекин тарихда рўй берган воқеа янгича бадий талқин қилинмайди, балки шеърий тилда оддий қайд этилади, холос.


«Тўш», «Усмон Носир ҳақида эртақ» шеърлари менда эътироз туғдирди. Иккинчи шеър шундай яқунланади:

Бобо кетди. Эргашди аммо  
Қўшиқ бўлиб гул Ўзбекистон.  
Хануз борар, тўхтамас бобо,  
Ўзбекистон эргашар ҳамон...

Шеърнинг бадий жиҳатларига эътирозим бўлмагани ҳолда, бу тахлитдаги ниҳоя баҳсталаб деб биламан. «Пахмоқсоқол, кўккўз амаки»га «кўккўз қардош Ўзбекистоннинг ҳамон эргашаётгани» аён ҳақиқат. Лекин шоир шеърини «эргашаётган халқ» мутолаа қилишини назардан қочирмай, шу эргашини ва унинг оқибатига ўзининг гражданлик муносабатини билдириш зарур эди, деб ҳисоблайман. Тўғри, муносабат билдириш ёки билдирмаслик бутунлай шоирнинг инон-ихтиёрида. Шунга қарамай, муносабат билдириш шоирнинг нуқтаи назарини ойдинлаштирган бўлур эди...

Ҳар ҳолда, таниқли шоир Абдулла Шернинг «Нуқтадан сўнг» мажмуаси эътиборга арзирли китоблиғича қолаверади.

**Салим АШУР**



# Атамлар бурчаги

## Қайси йўлдан борамиз?

Маълумки, ҳар қандай тил тинимсиз ўсишда, тараққиётда бўлади. Тараққиётдан тўхтаган тил ўлади. Тил ривожланишининг икки хил: ички ва ташқи омили мавжуд. Сўз ясалиши, бирор сўз маъносининг кенгайиши, ўтмиш тил бойликларидан, шевалардан фойдаланиш асосидаги тараққиёт унинг ички омили бўлса, бошқа тиллардан сўз олиш, маъно олиш кабилар тил тараққиётининг ташқи омили ҳисобланади.

Ҳар бир тил ички ва ташқи омилнинг биргаликдаги амали натижасида ўсиб ривожланади. Лекин 40-йиллардан кейин ўзбек адабий тилининг тараққиётида сунъий тўсиқлар яратилди. Ўзбек адабий тили, асосан ташқи омил — рус тили воситасида ривожланиб бориши қонунлаштириб қўйилди. Бу сиёсат шундай сунъий йўл билан амалга оширилдики, ўзбек тилига рус тилидан ва рус тили орқали ўзлашган бирликлар, тилимизнинг қонун-қондалари эмас, балки рус тили хусусиятларига бўйсундирилди. Натижада, рус тилидан кирган сўзлар ўзбек тилининг ўзлашган лексик қатламига айланиб кетмади.

Ҳар қандай адабий тилда консервативлик, яъни эски шакл ва мазмунни сақлаш учун ҳаракат қилиш мезони мавжуд бўлади. Бу меъёрнинг бузилиши авлодлар ўртасида тушуниш, алоқа қилишни қийинлаштиради, унга мутлақо амал қилмаслик эса ота билан болани, бобо билан неварани бир-бирини тушунмайдиган ҳолга олиб келади. Бу мезонни сақлаш аиниқса, ўз алифбосини тез-тез ўзгартириб турган миллат учун ниҳоятда зарур. 20-йилларда қўлланган йўқсил, сувчил (водопрод), аччил (кислород) каби сўзлар ҳозир тушунарсиз ҳолга келганини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу сўзлар мантиқан ҳамма ўзбеклар учун тушунарли, лекин атама сифатида тушунарсиз бўлиб қолди. Уларни баъзан «ўзи учар», «кашшоф» каби сунъий ёки араб, форс тилларидан зўрлаб олиб киритилган сўзлар қаторига қўшиб бўлмайди. Аксинча, уларни сунъий равишда адабий тилдан чиқарилган, консервативлик мезони зўрлик билан бузилган ҳолатга мисол қилиб келтириш мумкин. Адабий тилнинг консервативлик хусусиятини менсимаслик, билмаслик ёки уни тилдаги миллатчилик деб талқин қилиш тилимиздан тадқиқот, тарғибот, назарий каби сўзларни суриб чиқаришга ёки қўлланиш доирасини чегаралашга олиб келди. Ҳатто айрим тилшунос олимлар: «Бутун маданий халқлар «история», «культура» деган ҳолда биз тарих ва маданият дейишимиз маҳдудлик, эскилик белгиси», деган «интернационал» фикрларни ҳам билдирдилар.

Тил — бу мерос. Аждодларимиздан қолган мерос. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда меросдан фойдаланиш меросхўр ихтиёрида бўлади. Меросхўр мероснинг бу қисмидан фойдаланиши мумкин, бу қисмидан йўқ дейилса, ҳуқуқ мезонлари бузилади. Баъзан эски ўзбек адабий тили, 20-йиллар ўзбек адабий тили бойликларидан фойдаланганимизда юқоридаги каби бизни чала меросхўр ҳолига соладиганлар бор. Улар адабий тил меросининг жуда кўп ўринларини биз учун қатагон қилиб келишди. Кимки эски туркий ўзакка бориб тақаладиган сўзларни ишлатса, янги маънода қўлласса, миллатчиликда, араб-форс тилига бориб тақаладиган сўзлардан фойдаланса, исломпарастликда айбланиди.

Юқоридаги тамғалардан қўрқибми, қўрқмайми, ўйлабми, ўйламайми, турли соҳаларда ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган айрим сўзлар қайта ишлана бошлади (халқ музикаси «қайта ишланган» каби): аччиқ ичак — ўн икки бармоқли ичак, ипак пахта — ингичка толали пахта, кўр ичак — аппендицит, Ҳабашистон — Эфиопия, Мўғулистон — Монголия бўлди.

Ҳозирги пайтда вилоят, ноҳия, даҳа, қўмита каби сўзларнинг матбуотда қўлланишига ҳар хил муносабатлар билдирилмоқда. Менимча, бу сўзларнинг қайта жонланиши табиий ҳол. Чунки бу сўзларнинг манбаи араб ва форс тиллари эмас, балки эски ўзбек адабий тили ҳамда 20-йиллар ўзбек адабий тилидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, эски ўзбек адабий тилидан фойдаланиш илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам асослидир. Зеро, эски адабий тилдан замонавий тушунчаларни ифода этиш учун фойдаланиш ҳинд (санскритдан), араб (эски араб тилидан), рус (черков-славян тилидан) каби тиллар ривожланишида ҳам кузатилади. Масалан, энг замонавий тушунчани ифода этувчи «гласность» сўзини черков-славян тилидан олган рус адабий тили (рус тилида бу «голосность» бўлиши керак эди) ютқазмаган бўлса керак!

Эски адабий тилдаги сўзларни янги маънода қўллаш анча вақтдан бери давом этиб келади. XX аср бошларида черков-славян тилидаги совет, офицер каби сўзлар «тирилиши»дан рус тили фақат ютганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Ўзбек адабий тилининг бойишида халқ жонли сўзлашув тили, турли шевалар энг муҳим манба эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Лекин адабий тил ривожининг бу томони ҳам узоқ йиллар мобайнида йўққа чиқарилди. Маълумки, Хоразмда балиқчилик яхши ривожланган. Табиийки, ўзбек адабий тилидаги балиқчиликка оид тушунчаларни ифода этишда ана шу шевага асосланиш керак эди. Афсуски, бундай йўлдан борилмади. Натижада, балиқчиликка оид ўзбекча бакра, жайин, қозиқбош, қилич балиқ, суван, табан, таран сўзлари рус тилидаги осетр, сом, маринка,

сельд, усач, салака сўзлари қўллана бошланди. Бу ҳол Хоразм лаҳжаси ўрганилмагани оқибатида эмас, балки шеваларнинг адабий тил тараққиётида иштирок этишига йўл қўйилмагани туфайли содир бўлди. Ҳали ҳам кеч эмас — шеваларда яшириниб ётган битмас-туганмас бойликлардан ўз ўрнида фойдаланишимиз зарур.

Адабий тилимизнинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши амалда асосий қатъият қилиб олинса, бошқа тиллардан олинган сўзлар ўзбек тили қонун-қоидаларига амал қилса, ҳозирги ўзбек адабий тили ривожини учун, унинг ўзига хослиги учун астойдил жон куйдирсак, аждодларимиздан қолган, муқаддас меросимиз — тилимизни ардоқли келажагимиз — авлодларимизга ўз ҳурмати билан узатган бўлар эдик.

Хуллас, адабий тилимиз бундан кейинги ривожда икки асосий теран илдиздан — эски ўзбек адабий тили хазинасидан ва ниҳоятда бой ва ранг-баранг ҳозирги ўзбек шева, лаҳжаларидан озук олмоғи, уларга суюнмоғи лозим. Бу ҳаётбахш манбалардан ажралиб қолган ҳар қандай тилнинг истиқболига ишониб бўлмайд.

**Бахтиёр ИСАБЕКОВ,**  
филология фанлари номзоди


● ● ●

Ешим етмиш олтида. Фарғона водийсида ер ислоҳоти ўтказилиши, колхозлаштиришнинг бориши ва 1937 йилги айрим воқеаларни ўз кўзим билан кўрганман. 1932 йилдан жамоат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаб бошладим. Хўжалигимиз Норин районида қарашли эди. Хизмат юзасидан 1932—1934 йиллари район марказига кўп борар эдим. Уша вақтларда район ташкилотлари эшигига:

Норин деҳпора ижрокўми  
Норин деҳпора фирқа қўмитаси  
Норин деҳпора комсомол қўмитаси  
Норин деҳпора колхоз союзи

деган сўзлар ёзиғлиқ турарди. Айни пайтда, республикани «жумҳурият», областни «вилоят» дейиш жуда чиройли ва ҳаммага маъқул келяпти. Лекин районни ноҳия деб аташаётгани унчалик маъқул эмас. Мабодо деҳпора дейилса, сал улусифат номланган бўларди, чунки бирор кишидан ўзингизга керакли одамни сўрасангиз ва у киши ўша одамни билмаса «Бу деҳпорада бунақа одам йўқ», деб жавоб беради. Демак, деҳпора сўзи маълум бир чегарани ўз ичига олган сўздир.

**Мирусмон САТТОРОВ,**  
Наманган вилояти



## Ўқитувчига муносабат: қачон ўзгариш бўлади?

Урта мактабларни ислоҳ этиш ҳақида қарор қабул қилинганига ҳам бир неча йил бўлди. Шунга қарамай, мактаб ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар бизни хушнуд этганича йўқ. Сабаби, ҳалигача мактабларнинг мунтазам моддий жиҳатдан таъминланиши йўлга қўйилмаган. Тарбия муассасаларимизнинг маълум қисми жуда ночор аҳволда қолаётганлиги ҳаммамизга аён. Афсуски, бизда кўп нарсалар фақат бир ёқлама кўриб чиқилади. Яъни, етарли маблағ, етарли шарт-шароит яратилмасдан туриб юксак савия, сифат талаб қилинаверади. Масалан, ўқитувчиларга (айниқса, бошланғич мактаб ўқитувчиларига) дарсни турли-туман кўргазмалар, қўшимча материаллар билан ўтиш таъкидланади. Бу — аслида тўғри талаб. Аммо афсуски, амалда булар учун ҳеч қандай маблағ ажратилмайди. Иккинчидан, мактабларнинг синфхоналари ўқитувчи ва бир қисм ота-оналар томонидан таъмирланади. Ахир қачонгача ўқитувчи эгнига жулдур халат кийиб, ота-оналару ўқувчиларга ялиниб, бўёқ борми, оҳақ борми ташмалаб, синфхонани таъмирлайди? Биз ўқитувчининг обрўси ҳақида кўп гапирдик, матбуотда кўп ёздик, дардимизни тўкиб солдик. Хўш, натижа қандай бўлди? Нимага эришдик? Ҳамон ўқитувчи уйма-уй «ҳашарга айтиб юради ёки аёл боши билан парта кўтаради. Бу манзара эса муаллимнинг обрўсини ҳеч қачон кўтармайди. Шундай экан, биз талаб этиш баробарида ўқитувчининг обрўси ҳақида, мактабнинг моддий заминини мустаҳкамлаш борасида амалий тадбирлар белгилашимиз керак.

Кўпгина мактаб раҳбарлари ўқитувчига шунчаки бир ходим сифатида муносабатда бўлишга ўрганиб қолишган. Гўё «ўқитувчи уларнинг буйруқларини топшириқларини ҳеч бир моненьлик кўрсатмай бажариши» лозим. Биз кўп ҳолларда ўқитувчи ҳам ота, ҳам она эканини унутиб қўймоқдамиз. Асосий иш вақтидан кейинги беҳисоб мажлислар, турли-туман кераксиз тадбирлар ўқитувчини ишдан совутади, холос. Бизнинг бу мулоҳазаларимиздан барча мактабларда аҳвол бирдек чатоқ экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Масалан, пойтахтимизнинг 249-мактабида яқин-яқинларгача кекса мураббий Яҳё Аҳмедов илмий бўлим мудирини эди. Мактабда юздан ортиқ ўқитувчи бор. Иш тигиз. Лекин бу одамнинг бировга овоз кўтариб, зарда билан гапирганини эшитмаганмиз. Ҳар бир ўқитувчининг ҳолатини, шароитини ҳисобга олиб, мумкин қадар қулайлик яратишга ҳаракат қиларди. Чунки мактабдаги руҳий кайфият, шароит ўқитувчи фаолиятини белгилловчи омилдир.

Мактабларни кузатар эканмиз, йилдан-йилга таълим-тарбия ишлари қийинлашиб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Ўқувчилар ўқитувчилардан нолишади, ўқитувчи ўқувчилардан шикоят қилади. Биз доимо бир нарсани таъкидлашни яхши кўрамиз: ёмон ўқувчи йўқ, ёмон ўқитувчи бор. Нега энди? Нега ўқувчининг ёмони бўлмайди? Балки бордир? Ёмон бўлмаса ҳам ҳарҳолда яхши бўлмаган, маълум соҳага қизиқмайдиган бола йўқми? Бор. Сабаб? Сабаб шуки — биз болаларни турли-туман жамоат ишлари, тўғарақлар, хор, ўйин, кўрик ва бошқа тадбирлар билан шунчалик кўмиб ташлаганмизки, оқибатда ўқувчи муайян фанга етарлича тайёрланишга фурсат топа олмай-диган даражага етган. Бундай ўйлаб қарайлик, ўқувчилар ҳар йили тонналаб темир-терсак йиғишади. Бу билан машина, трактор, умуман қишлоқ хўжалиги учун зарур техника арзон бўлиб қолмаяпти-ку! Еки ўқувчилар тўплаган қоғоз туфайли бирон ўзгариш бўлиб қолмаяпти-ку! Қайси китоб дўконига кирманг, деярли ҳамма жавонлар рус ва чет тилларда ёзилган китобларга тўлиб ётибди. Бизга керакми, йўқми, сўрайдиган одам йўқ. Яна буларнинг нархини айтмайсизми? Шундай экан, бу ишларнинг ҳажмини камайтирсак ёки умуман ман қилсак бўлмайдими? Мактаб кутубхоналари эса ғариблигича қолиб кетмоқда. Янги-янги адабиётлар билан тўлдириб борилмайди. Бундан ташқари, дарсдан кейинги тўғарақлар, мажбурий хор машқлари кимга керак? Умумий таълим мактабларида ҳарқалай хореография билим юртига ўқувчи тайёрламайди-ку! Булар эса ўқувчиларда мактабга нисбатан салбий муносабат уйғотади.

Ҳозирги шароитда ўқитувчининг аҳволи ўқувчиникидан яхши эмас. Бир ёқда иш бўлса, бир ёқда бола-чақа, рўзгор... Кундалик режа — конспект ёзиш ҳам ортиқчадай туюлади. Чиндан ҳам, ҳар йили бир нарсани такрорлаш шартмикан? Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, аксарият режа-конспектлар йилдан-йилга ўзгаришсиз кўчирилаверади. Шунинг ўрнига ўқитувчи қўшимча илмий қўлланма ёки жилла курс битта мақола ўқиса, шунинг фойдаси кўпроқ бўлмасмикан? Фикримизча, режа-конспектни бошловчи ўқитувчилар мажбурий ёзгани мақбулдир. Беш-олти йилдан кейин унинг дарслари савияси асосида режа-конспект ёзиш-ёзмаслиги ҳақида тавсия бериш лозим. Шунда ўқитувчи бажаришга мажбур ишларнинг бирдан холи бўлади, бўш вақт топади. Ана шу бўш вақтда қўшимча адабиётлар билан танишиш имконига эга бўлади.

Ҳозир очiqчасига тан олиш керакки, ўқитувчи ўз билимини ошириши учун шуғулланишга деярли фурсат топа олмайди. Шу кунларда газета-журнал саҳифаларида кетма-кет янги бадий


асарлар чиқиб турибди. Илгари қатағон қилинган Б. Пастернакнинг «Доктор Живаго», А. Солженицинининг «Гулаг архипелаги», кўп йиллардан бери фақат сўқиб келинган Ж. Жойсининг «Улисс» романлари чоп этилди. Чўлпон, Фитратнинг роман, драмалари босилди, «Темур тузуклари», Яссавий «Ҳикматлар»и матбуот юзини кўрди. Булар ёнига яна шахсга сиғиниш иллатларини фоз этувчи ёки жамиятнинг турли соҳаларида йиғилиб қолган муаммоларни ҳаққоний таҳлил этувчи катта-катта мақолаларни қўшинг. «Новый мир», «Наш современник», «Юность», «Литературная газета» ва ўнлаб марказий нашрларни ўқимаган киши бугунги кунда етук мутахассис саналадими? Шу нигоҳ билан ўқитувчининг аҳволига назар солиб кўринг? У мактабдаги ўнлаб тадбирларни бажарадими, дафтар текширадими, режа-конспект ёзадими, сайлов участкасида навбатчилик қиладими, мустақил ўқиб, билимини оширадими — қайси бирини бажарсин? Сир эмас, кўпгина ўқитувчилар мактаб программаси-ю, дарсликларга ёпишиб олган, ундан нарисини «тан олмаслик»-дек энгил йўлга тушиб қолганидан лоақал виждонан азобланмайди ҳам. Оқибатда эса уларнинг қўлидан чиққан ўқувчиларнинг билими дарслик ва қўлланмалар доирасидан нарига ўтмайди. Улар адабиёт фанининг чинакам гўзалликларидан баҳра олиш, образлар жозибасидан завқланиш ўрнига ёзувчининг таржимаи ҳолини ёдлашга, «ижобий» ёки «салбий» қаҳрамонлар хавралистикасини тузишга маҳкум этилганлар. Иншолардаги схематизмнинг илдиэлари ҳам аслида шу иллатга бориб тақалади.

Умуман, ўқитувчи ким? Муаллимми ёки тарбиячими? Биз мактабда бир нарсани кўп такрорлаймиз: тарбиялаб таълим бериш, таълим бериб тарбиялаш. Ажойиб истак! Аммо бу сўзлар орзу-истаклигича қолиб кетаётганга ўхшайди. Чунки на етарли билим беряпмиз, на етарли тарбия. Хуллас, аҳволни ўзгартириш учун энг аввало ўқитувчи фани бўйича ҳар жиҳатдан етарли маълумот эгаллаши, уни бойитиб боришига имконият яратмоғимиз зарур. Нега бу ният амалга ошмай келяпти? Бунинг асосий сабабларидан бири — биздаги маориф ишига бўлган муносабатнинг совуққонлиги. Биз ҳозирги пайтда ўқитувчининг ойлиги оширилганлиги, моддий аҳволи яхшилانганлигини пеш қилишни яхши кўраимиз. Лекин ниманинг ҳисобига? Асаббузарлик ҳисобига. Синф раҳбари сифатида ўттиз сўмгина пул тўланади. Бир ойда бир неча ўнлаб, ҳатто юзлаб текширган дафтар эвазига, тўкилган кўз нурлари эвазига ўн беш-йигирма сўм тўланади. Мана бизга кўрсатилган мурувват! Мен ишонч билан айтишим мумкинки, ҳеч бир ўқитувчи (синф раҳбари) ўз боласининг тақдирига ўқувчига куйганчалик куйинмайди. Чунки ўқувчи дарсга кирмаса, қулоқ солмаса ҳам биринчи навбатда синф раҳбари дакки эшитади. Милицияга югурган ҳам, уйма-уй юрган ҳам синф раҳбари. Мактабга гап тегмаслиги учун ҳамма нарсага синф раҳбари балоғардон қилинади. Биз мактаб маъмурияти, район шарафи деб асли касби ўқитувчи-муаллим бўлган одамни унинг бевосита алоқадорлиги бўлмаган ишлар билан боғлаб қўймапмизми? Бъэзи ўқитувчиларнинг ўртача мутахассис бўлиб қолаётганига шулар сабабчи эмасмикан? Ана энди ўйлаб кўринг, ўқитувчи ким — тарбиячими ёки муаллим?

«Учительская газета»нинг ўтган йилги ноябрь ойи сонларидан бирида ўрганишга арзигулик ажойиб бир мақола босилди. Ундан маълум бўлишича, Бельгияда ўқувчилар ўн икки йил таҳсил олишар экан. Ўн бир йил қатор фанлар бўйича умумий маълумот берилар экан. Ўн иккинчи йил эса ўқувчилар танлаган мутахассислиги бўйича бир йил мобайнида махсус тайёргарлик даврини ўтар экан. Бунда ўқувчи фақат тор мутахассислик (масалан, тарих, адабиёт каби) асосида билим олади. Яна шуниси қизиқки, у ерда мактабдан ташқари тўғарақлар, спорт мусобақаларига ўқувчилар жалб қилинмас экан. Ўқувчининг бирдан бир вазифаси ўқиш бўлиб, агар у айтилик спортчи бўлмоқчи бўлса, марҳамат, у ҳолда ўқиш эмас, спорт соҳаси билан шуғулланиши лозим экан.

Бельгияда таълим жараёни ҳам биздагидан деярли фарқ қилади. Уларда махсус тарбиячилар ва муаллимлар бўлиб, улар ўқувчиларнинг тарбияси, интизомига жавобгар ҳисобланар экан. Ўқитувчи эса фақат дарс беради. Бизда-чи? Ўқитувчи синфга киргач, дарснинг деярли ярмини тарбияга бағишлайди. Кейин эса дарс ўтишга киришади. Бу аҳволда на тарбиялаш, на билим бериш таъминланади. Бу тартибда иш олиб боришнинг қандай самара беришини пайқаш албатта қийин эмас. Бизнинг фикримизча, мактабларимизда ҳам илғор мамлакатлар қўллаётган тадбирларни жорий қилиш пайти аллақачон етиб келган. Шундагина таълим-тарбия соҳасида сезиларли ўзгариш бўлиши мумкин.

Тўғун МУСАЕВ,  
ТошДУ ўқитувчиси.



## ҚАРЗ

Ҳазил

Нашриётга кичик бир тўплам топширгандим. Анчадан буён уни планга киритиш масаласи ҳал бўлмаётган эди. Китоб дўкониди нашриёт бош муҳаррирининг катта тиражда босилган семизгина романини кўрдиму дарров сотиб олдим.

— Бу «қарз»да-а, шоир,— деди бош муҳаррир босмаҳона бўёғининг ҳиди кўтарилмаган китобига дастхат ёзиб бераётиб,— яхши китобларингиз чиқсин, сиз ҳам қайтаринг дастхат билан.

Яхши тилакдан руҳланиб кетиб, тўпламим ҳақида суриштирдим.

— Тўпламингиз бизга маъқул. Лекин имкониятларимиз чекланганлиги учун... Ёзаверинг... Китобингиз ҳам чиқади, «қарз»ни ҳам узасиз.

Сухбатдошимнинг жилмайиб туришига қараб, калламга бир фикр келиб қолди.

— Шунақа-ю, менинг бир ёмон одатим бор-да,— дедим кулиб.— Бировдан қарз бўлиб қолсам, жуда хижолат чекаман. Кечалари уйқум келмайди.


— Хўш...

— Шу қарзни тезроқ узайликмикин...

— Қандай қилиб?

— Китобимни планга киргизсанглар бўлди-да.

Бош муҳаррир бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, яна кулгидан ўзини тўхтата олмади. Ҳойнаҳой «қарз бериб қистаганларни кўрувдим, лекин қарз олиб туриб қистаган кишини биринчи кўришим», демоқчи бўлгандир.



«Ошкоралик». Н. Иброҳимов чизган расм.



## ТУРОБ ТЎЛА

1918—1990

*Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли шоир ва драматург Туроб Тўла вафот этди.*

*Халқимиз Туроб акани заҳматкаш шоир сифатида урушдан олдинги йилларда таниган эди. Унинг ёзган дилрабо қўшиқлари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Шоир халқ оҳанглари, классик анъаналарни ҳозирги шеъриятимизга қайтадан олиб кириш йўлида кўп изланди ва яхши самараларга эришди. Туроб ака қаламига мансуб ўнлаб шеър китоблари, халқ йўлида битилган «Суюк момо» достони, «Қизбулоқ», «Қуввайи қаҳқаҳа» («Нодирабегим») сингари драмалар, «Етти зоғора қиссаси» насрий асари, бир қатор киноасарлар, таржималар, манзумалар адабиёт мухлисларига манзур бўлди. Бу асарларнинг аксари «Шарқ юлдузи» журналида илк бор эълон қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олган эди.*

*Туроб ака узоқ йиллардан бери таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида журнализмнинг барча ишларига яқиндан кўмак бериб келди. У ёшларнинг меҳрибон мураббийси, самимий дўст, меҳнаткаш инсон сифатида ҳурмат қозонган эди. Туроб Тўланинг ёрқин хотираси минглаб ўқувчилар, журналхонлар қалбида барҳайт қолади.*

*«Шарқ юлдузи» журнали таҳрир ҳайъати, журнал ходимлари.*

**ЕДНОМА**

В. И. Ленин Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида . . . . .	2
Омон Мухторов. Султон Жўрани эслаб . . . . .	174
Юнус Максудов. Улуғлар даврасида . . . . .	188

**ШЕЪРИЯТ**

Охунжон Ҳакимов. Балоғардонсан . . . . .	4
Тошпўлат Аҳмад. Меҳру мурувватдан ўт ёққан ғолиб . . . . .	14
Исмоил Тўхтамишев. Бўйи бастинг қолишмайди бировдан, элим . . . . .	25
Иқбол. Бўсағадаги ўйлар . . . . .	28
Инобат Нормуродова. Тонгинг этагидан тўкилади нур . . . . .	79

**НАСР**

Собир Унар. Шаффоф манзил. Ҳикоя . . . . .	7
Сайёр. Мавж. Қисса . . . . .	62
МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ. Атойи. Ҳазаллар . . . . .	110
Шерали Турдиев. «Ҳинд ихтилочилари ҳақида» . . . . .	32
ДРАМАТУРГИЯ Абдурауф Фитрат. Ҳинд ихтилочилари . . . . .	35

**БУЛОҚ КУЗ ОЧДИ**

Жаҳонгир. Икки ҳикоя . . . . .	17
Илҳом Зойиров. Сирли кеча. Ҳикоя . . . . .	21
Амрулла Нуриллаев. Менинг насибамда ғариб қисмати . . . . .	60
Илҳом Исломов. Кўзларнинг расмини қолдиринг кўкка . . . . .	82

БОЛАЛАР ДУНЕСИ. Тоҳир Қаҳор. Кўзга кўринмас махлуқ . . . . .	84
--	----

**ҲИКОЯЛАР ҲАЗИНАСИ**

Александр Солженицин. Фақирсиз қишлоқ турмас. Ҳикоя . . . . .	91
---	----

ТАРИХИМИЗДАН ЛАВҲАЛАР. Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи . . . . .	113
--	-----

**ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР**

Инсон ва иқтисодиёт. Нурислом Тўхлиев билан суҳбат . . . . .	128
Икром Расулов. Санжир ҳалқалари . . . . .	167

АСР САДОЛАРИ Исахон Ибрат. Ҳазаллар . . . . .	141
---	-----

**НАВОИЙХОНЛИК**

Муҳаммад Али. Эл комин раво айлаб . . . . .	144
Муҳаммаджон Имомназаров. Ҳақиқат ва Мажоз . . . . .	147

ҚУРЪОН. Алоуддин Мансур таржимаси . . . . .	153
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД Умарали Норматов. Ҳаёт сабоқлари . . . . .	176
--	-----

**ТАҚРИЗЛАР**

Маҳмуд Сатторов. Йиллар хотираси . . . . .	197
Салим Ашур. Ҳаяжонли варақлар . . . . .	199

АТАМАЛАР БУРЧАГИ Бахтиёр Исабеков. Қайси йўлдан борамиз . . . . .	202
---	-----

АКС САДО Турғун Мусаев. Уқитувчига муносабат: Қачон ўзгариш бўлади . . . . .	204
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ Ҳабиб Сиддиқов. Қарз Ҳикоя . . . . .	206
---	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 4

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент—1990

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев. Рассом Ф. Алимов.

Мусаҳҳиҳ И. Султонов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 14.02.90 й. Босишга рухсат этилди 28.02.90 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Р-07717. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма листи № 3. Шартли босма тобоғи 18,2 + 0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95 + 0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 186507. Буюртма 2715. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент—П., «Правда» газетаси кўчаси, 41.